



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

8

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Абдусайд КҮЧИМОВ

(масъул секретарь)

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ

(проза бўлими мудири)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТҮЛА

УЙҒУН

Улмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ


Тўлапберган ҚАЙПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Шеърмат



Ҳабиб САЪДУЛЛА

ЕТТИНЧИ ҚИТЪА

Достон

Бу чигал муаммо, бу мушкул тилсим
Инсон жумбоқлиги — еттинчи қитъа —
Инсон кўнглидан не — билолмас ҳар
ким,
Не сир, не муддао, не дәрд
беркинган...



Ҳаср

Хайриддин СУЛТОНОВ

АЖОЙИБ КУНЛАРНИНГ БИРИДА

Қисса

...Юрагинг бутун вужудингни ларзага
солгудек гурсилларди... «Адолат бор
экан-ку! Бор экан-ку ҳақиқат! Албатта,
бор! Адолат албатта боқий! Ҳақиқат
албатта мангу! Йўқса, одамзотнинг ер
юзидан қумурсқадек сургалиб юриши-
дан ҳеч қандай маъно йўқ!...»



Ҳикоялар ҳазинаси



Эдгар ПО

Ҳикоялар

Ҳаммани бир хил фикрлашга мажбур
этиш жиноятдир. Бунга мажбур қилган-
лар қачонлардир жавоб беришлари
керак.

ТИНЧЛИКНИНГ ТАШВИШЛИ БОНГИ

Чернобиль атом электр станциясида авария юз берди. Бу бахтсизлик билан Ғарб матбуоти, айниқса, АҚШ ва Италиянинг энг йирик телекомпаниялари шов-шув ва уйдирма гапларни яшин тезлигида дунё бўйлаб таркатди. Ёлғон-яшиқ овозалар тарқатишга АҚШнинг оммавий ахборот воситалари, шунингдек сиёсий арбоблари ҳам ҳаммадан кўпроқ уриндилар. Навбатдаги бу антисовет шов-шувларидан кўзда тутилган мақсад равшан: Чернобиль АЭСидаги авария СССРга қарши яна қаҳр-ғазаб кўзғатишга, «Совет хавфи»нинг янада кучайганлигига жаҳон аҳлини ишонтиришга, ядровий қуролланишга янада зўр бераётган капиталистик доираларнинг телба режаларини оқлашга бир баҳона бўлди, холос. Аммо жаҳон афкор оммаси Чернобилда кечган ҳақиқий воқеадан ўз вақтида хабардор қилинди. Назорат остидан чиқиб кетган атом кишиларга нақадар катта зиён келтиришини англаб етиш учун ошқоралик билан иш тутилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқида юз берган аварияни шарҳлаб шундай деди: «Биз Чернобилдаги авария Америкадаги, Англиядаги ҳамда бошқа атом станцияларидаги авариялар сингари барча давлатлар олдига масъулият билан муносабатда бўлишни талаб қилаётган ғоят жиддий масалаларни кўяди, деб ҳисоблаймиз».

Лекин Чернобиль АЭСидаги авария атрофида Ғарб матбуоти кўтарган олди-қочди гаплар, турли хил уйдирмалар гўё «асосли» ваҳимага айланиб, дунё халқлари кўнглида куртак ёза бошлаган муқаррар тинчлик, қуролланишни чеклаш масалаларига раҳна сола бошлаганда, киши ташвишга тушиб қолар экан. Бу ташвиш Яккабоғ районидаги Яккабоғ кишлоғида яшовчи йигирма чоғлик биз қариялар — уруш ва меҳнат ветеранлари қалбига ҳам тез кўчди. Чернобилдаги авария Тинчликнинг безовталаниб қолган бонгидек қалбларда акс-садо берди. Ҳаммамиз шаҳар тушиб, бутун мамлакатга маълум бўлган 904-банк ҳисобига баҳоли-қудрат пул топширдик. Мен пенсия нафақамдан 25 сўмини чернobilликларга ёрдам фондига ўтказдим. Шаҳардан қайтарканман, чернobilликларга ҳамдарлик ва ҳамдамлик туйғулари бағримни тўлдириб турар, хотирамда яна машғум уруш йиллари жонланган эди.

Мен Украина тупроғини фашистлардан ҳимоя қилганман. Самарқанд Давлат университети (ЎЗДУ)ни тугатиб, мактабда тарих фанидан дарс берар эдим. 1940 йилда кўнгилли бўлиб Қизил Армия сафига ёзилдим. Мен Чернобилни, Львовни, Черновицини яхши биламан. Бу ерлардан гоҳ юриб, гоҳ югуриб, гоҳ эмақлаб ўтганман. Қисмимиз Черновици шаҳрида жойлашган эди. Мен рота политруки эдим. Урушни 23-июнь куни тонгда қарши олдим. Ўт-олов, қон кечиб чекинар эканмиз, ич-ичимдан урушни, одам-одамни қирғин қиладиган машғум «ўйин»ни ўйлаб чиқарганларга лаънатлар ўқир эдим. Украина тупроғини фашистлардан ҳимоя қилдим. Оғир жанглардан бирида ярадор бўлдим. Операциядан сўнг, қайтиб қурол ушлаш насиб этмади. Мени мамлакат ичкарасига қайтаришди. Партия,

совет ташкилотларида ишлаб, фронтни озик-овкат билан таъминлаш, кишлоқ хўжалигини тиклаш ишлари билан шуғулландим. Буюк Ғалаба-нинг тезроқ келишига ўз меҳнатим билан ҳисса қўшдим. Кейин яна севимли касбим — ўқитувчиликка қайтдим. Ҳозир пенсиядаман. Тўрт ўғлим ва уч қизим бор. Уларнинг барчаси олий маълумотли мутахассислар бўлиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида баракали меҳнат қилишяпти. Ўттизга яқин набираларимнинг барчаси бирдек суюмли, бирдек ардоқли. Мен — собиқ муаллим бўлсам, турмуш ўртоғим Ханифа — шифокор. Иккаламизнинг касбимиз ҳам — олийжаноб касблардан саналади. Шу сабабли доимо «болалар бахтига тинчлик муқаррар бўлсин», деб тилак билдираимиз.

Аммо газета саҳифаларини варақлаб, телевизор орқали огоҳ бўлиб, тинчликка раҳна солаётган муҳолифлардан нафратланиб кетасан, киши. Чернобилда авария содир бўлган дастлабки кундан бошлаб, Ғарбда Советларга қарши ашаддий кампания авж олиб кетди. Халқимиз ғоят шафқатсизлик ва ўринсиз душманликлар билан қилинган кўплаб тухмат ва бўҳтонларга дуч келди. Италия полицияси, «Чернобиль АЭСидаги авария тўғрисида ҳужжатли фильм» деб аталмиш ифвогарлик руҳидаги фильмнинг муаллифи Томас Гаринк деган кимсани камокка олди. АҚШнинг Эн-Би-Си ва Эй-Би-Си телекомпаниялари ва Италия Давлат телевидениеси ана шу сохта фильмни миллионлаб томошабинларга кўрсатганди. Бироқ томошабинларни алдаб бўлмади. Италиядаги Триест шаҳри корхоналаридан бирининг тутун босган биносини кўпчилик дарҳол таниб қолди. Шундан сўнг фильм сохта эканлигини тан олишга тўғри келди ва тергов бошланди. Ёвуз ният билан сохтакорлик қилишда айбланаётган Т. Гаринк ҳаваскорлар телекамераси билан Триест шаҳридаги ҳамisha кўк тутун чиқиб турадиган саёат районини суратга олганлигига иқроор бўлди. Бу қаллоб одамлар бошига тушган кулфатни назар-писанд қилмади.

Албатта, АҚШ ва Ғарбдаги бошқа мамлакатлар СССР ва унинг ташқи сиёсатини обрўсизлантириш мақсадида уюштирган Советларга қарши кабиҳ кампания авж олдирилган вазиятда бундай қаллоблик юзага чиқиши мумкинлиги турган гап. Ифвогарлар фақат бир нарсани, фильмни Триест шаҳри аҳолисининг ўзи ҳам кўриши мумкинлигини назарда тутмаганлар, холос. Матбуотнинг хабар беришича, Фриули-Венеция-Жулия областининг маҳаллий телестудияси фильмни яна бир бор кўрсатиб, унга «Чернобиль эмас, балки Триест аср фирибгарлигига учради» деб ном қўйди.

Хуллас, буржуа дунёсидаги муҳолифларимиз ўзларининг кабиҳ ва калтабин режалари йўлида ҳар қандай ёвузликлардан қайтмасликларини яна бир марта ошқор этдилар.

Чернобиль АЭСидаги авария қолдиклари, шак-шубҳасиз, тўла-тўқис баргараф этилади. Аммо, у назоратдан чиқиб, жиловы бўшатирилган атом кишиларга нақадар катта фожиа олиб келишини жаҳон афкор оммасига ҳамisha эслатиб, инсониятни ядро уруши хавфининг олдини олишга чорлаб туради.

Қодир БОЗОРОВ,
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани,
Ҳурмат Белгиси ордени нишондори.

Беш йиллик зарблари

Зоҳиджон Обидов

Суръатли даврон чорлар

Авжда омилкор даврон,
Суръат тилар жабҳалар.
Қадрин сўрар ҳар бир он,
Тезкорлик синов олар.

Улгурилган иш — шараф,
Бой берилган дам — армон,
Мудом олдинга қараб
Интилноқ тилар замон.

Энди жаҳду жасорат —
Жўш урмоқда яна ҳам.
Қалблардаги ҳарорат
Бўлмиш кундан-кун ўктам.

Ватан янги ўрлашда,
Режалар ижро сўрар.
Қалб янгича қўрлашда,
Авж пухта сифат сўрар.

Бормидир вақтга баҳо,
Уни нархлаб бўлурми?
Унга тенгмас ҳеч вақо,
Қадрин шархлаб бўлурми?


Фурсатни фақат фурсат
Баҳолаш учун қодир.
Ишла, садоқат кўрсат,
Шошил, ҳар лаҳза нодир.


Бугунни якунлаб шод,
Янги кунни чоғлайлик.
Авжимиз ёзсин қанот,
Дея белни боғлайлик.

Бизнинг ҳимматдан айём
Файзланиб ўтаверсин.
Ватан довуғи мудом
Жаҳонни тутаверсин.

Келаверсин тан бериб,
Бир-биридан соз онлар.
Журъатимиздан эриб,
Кифт тутсин чўнг довлонлар.

Жадалликда бор ҳикмат,
Шу боис шавқли ҳар он.
Дилларда кўзғаб ҳиммат
Қулф ур, илҳомкор даврон!





Ҳабиб Саъдулла



Достон

Сарсонкум.
На чечак, на қулоқ майса,
Сукунат ҳукмрон — кулранг қумликда.
Асфальт йул гўё чўл белида тасма...
Ўзга ҳаёт изи йўқ бу жимликда.

Афсонага ўхшаш бундаги аҳвол:
Йўл бошида катта дарвоза турар.
Дарвоза аркидан ўқийман алҳол:
«Болистон» боғига хуш келибсизлар!»

Дунёга келмасдан ҳали чақалоқ —
Ном кўйган орзуманд, танти отадай,
Бир ниҳол унмаган кимсасиз қумлоқ
Исмини, боғ, дея аташмиш атай...

Оғриқсиз дард

Уч ойки, қишлоқнинг тинчи бузилган,
Уч ойки, колхозда хотиржам кун йўқ.
Тафтиш, комиссия келгани келган
Бири сўроқ қилар,
Бири урар дўк.



Расми Мирхамид СОБИРОВ чизган

Кеча кузатилса «КРУ» вакили,
Бугун келишади «ОБХСС»дан.
Бажо келтирибоқ салом-аликни
Хужжат титкилашга тушарлар тездан.

Қаҳрамоним — Қобил, колхозга раис,
Районмас, ўлкада машҳур бир деҳқон.
Колхозга ташиган топса бир майиз,
Бу текшир-текширдан асабий, ҳайрон.

Нима гап?
Тушунмас қишлоқнинг аҳли
Кимлардир тарқатар шубҳали миш-миш:
— Раис туя қилган колхознинг ҳаққин...
— Билдингми? Қобилни қамаб кўярмиш...

Қобилнинг ўзидан гарчи кўнгли тўк,
Унинг асабини бузар бу ғавғо.
Гарчи ғаламислик тополмас ҳуқуқ,
Бошни оғритади бекорчи савдо.

Кимнинг арпасини хом ўрди, ахир,
Ё кимнинг ҳаққига олайтирди кўз?
Десалар, зулмкор ёки тошбағир,
Бировга айтмаган дил оғритар сўз.

Уйқуси беором,
Куни безовта,
Бошида минг турли саволлар ғовлар.
Комиссия эса...
Ҳисоб-китобдан
Ун йиллик кириму чиқимни кавлар.

* * *

Уч ой бир хил гап-сўз,
Бир хилда тафтиш.
Руҳи тушиб кетган қанча фаоллар...
Раис чехрасини кўриб серташвиш,
Далда берар не-не иш кўрган чоллар.

Қараб комиссия қош-қовоғига,
Охир сабри тугаб,
Асабий чекиб,
Деди: — Аралашмай мен бу ёғига,
Ишимни қилайин далага чиқиб.

Ана, ҳисоб-китоб,
Ана, бухгалтер,
Ана, сизга омбор мудир, кассир...
Котибга топширди:
— Чой-пой қилиб бер.
Юмушлари чиқса, бўлиб тур ҳозир,
Кетдим!

Чиқиб кетди шахд билан раис,
Ўтирди эскирган «Газик» рулига.
Кетди, қайга, нега — айтмасдан бир сўз,
Таниш, кўзлаб қўйган
кумлоқ чўлига:

Уруш йилларида кечган ўсмирлик,
Юпун ўтган қишдан қолган ёдгор — бод
Ўзини сездириб,
Тутганда оғрик,
Қайноқ Сарсонқумга келарди бот-бот.

Белгача кўмилиб қайнаган қумга,
Вужудидан сим-сим оққанида тер,
Гуё дардин олиб қаърига кўмгач,
Эвазига дармон бағишларди ер.

Етиб келди... Ана, у қадрдон чўл,
Асад қозонида қайнаётир кум,
Тўзғитиб-тўзғитиб ўйнар дайди ел,
Шамол, кум ўйинин кузатди бир зум.

Унутди колхозу комиссияни,
Унутди уч ойлик ташвишини ҳам.
Дам олдимок бўлиб ҳорғин мияни,
«ГАЗИКни ўчириб, сакради илдам.

Қувноқ бола каби сакраб тушди-ю
Қумлоқ ўртасида чўккалаб олди.
Момик қум — мисоли илитилган сув,
Ором бағишлади,
Бағрин очолди.

«Она-Замин!
Ёлғиз суянчим ўзинг.
Ҳасратим, айтайин, ўзинг қулоқ ос!
Қай бир нокас сабаб, йўқотдим тўзим,
Номард таҳдидидан айлагил халос!

Сиғинганим йўқдир ўзингдан ўзга,
Гуноҳ қилган бўлсам,
Ўзинг жазола.
Сенга умрим бериб топган ризқ-рўзга
Фақат ўзинг соҳиб,
Сенга ҳавола!..»

Қобил ҳасратини тўкарди дилдан,
Уммондай мавж урган Сарсонқум аро.
Қулоғи остида янгради бирдан
Қумлоқ чўлдан келган аламли нидо:

— Она атамагил мени, эй одам!
Менга таъна бўлиб туюлар бу сўз.
Юрагим эзилар бундай садодан,
Бағрим ярасига сепилади туз.

Қандай она бўлай,
Дунёга келиб,
Бировга зарра ризқ тутмаган бўлсам?!
Кўксимга кўнмоқни зоғ ҳам ор билиб,
Бирор чўллаганни кутмаган бўлсам...

Фарзандсиз аёлдай ўксик ва ғариб,
Қарғаб ўтмоқдаман
Шум тақдиримни...
Сен-ку менга очдинг дардинг дафтарин,
Қайси дардқаш тинглэр менинг сиримни?!

Сарсонқум қаъридан келган бу нидо
Қаҳрамоним қалбин ўртаб юборди.
Саҳрода шунча дард...
Бағрингда, дунё,
Қанча-қанча бедард одамлар бордир...

Саҳро фарёд урар қарғаб қисматин,
Кор келмадим, дея, инсон зотига...
...Қошки баъзи зотлар шу чўл хислатин
Касб этиб, бир боқса ўз ҳаётига.

Янги дўст

Қушдай енгил тортди эртаси Қобил,
Олов солган эди юрагига ишқ.
Сарсонқум номини такрорларди дил,
Бамисли илҳомбахш бир тансиқ кўшиқ.

Хижиллик чекинган,
Дил мулки обод,
Орзу қанотида учарди гўё.
Далаларни кезар, ўз кашфидан шод,
Шифил кўсақларга боқиб маҳлиё.

Тўхтади бир кўркам шийпон ёнида,
«Ҳорма, бор бўл!» қилди одамлар билан.
Зиёд мўйлов — сирдош ёшлиқ онидан,
Хабар олмоқ бўлди дўсти ҳолидан.

Шўх аския билан бошланган суҳбат
Мавзуи Сарсонқум томон бурилди.
Эртақ тинглаётган боладай хушвақт
Бригадир раисга яқин сурилди...

Томири заминга туташ икки дўст
Бир жойга қўйдилар гапни, ниҳоят.
Пахта йиғиштириб олингач, кеч куз
Сарсонқумга юриш бошлашар...

Шу пайт,
Шийпон яқинига келди оқ «Волга».
Қобил билан мўйлов чиқишди пешвоз.
Похол шляпасин тутганча қўлга,
Меҳмон тушиб келди дилкаш, дилнавоз.

— Қаранг, тўғри чиқди бу гал ҳам фолим,
Шундадирсиз девдим... —
Салом ўрнига
Хушчақчақ гапириб, қўлтиқдан олиб,
Мезбонларни бошлаб қолди сўрига.

Раис ва бригадир танир меҳмонни —
Мансуров — райкомнинг бюро аъзоси.
Яхши билар икки дўст — кадрдонни,
Вакил бўлиб кўп бор кезган колхозни.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳолдонлик билан
Қобилга тикилди хайрихоҳ кўзи:
— Хабар ололмайман, иш кўплигидан,
Текшириш бор эмиш,
Нима гап ўзи?

Роса бузишгандир асабингизни...
— Асаб-ку жойида,
Қўйишар ишдан.
— Баракалла, ака, шу бугун сизни
Қутултирмоқчиман ўша ташвишдан.

— Яъни?
— Секретарга киргандим кеча,
Айтдим юрагимда бўлган-бор сўзни.
Бу — юмалоқ хатлар — иғво, менимча,
Бадном қилмайлик-да, дедим, колхозни.

Хуллас, мажлис қилиб қишлоқ аҳлига
Текшириш боисин тушунтирайлик...
Шу йўсин қўл солиб халқнинг қалбига,
Арзу ҳасратлари бўлса, сўрайлик.

Кўпчилик, балки бир гап чиқиб қолар,
Халқ олдида бирга жавоб берамиз.
Бизга ҳам борган-да ўша номалар,
Бир ўқ билан икки кушни урамиз.
Тўғрими?

— Яшанг-е, — деди бригадир, —
Ўғил бола гапни айтдингиз, ака!..
«Баъзилар бунақа пайтда негадир
Мум тишлаб қолишар, бориб шубҳага.

Камайиб кетдими ё мард одамлар,
Ё сингиб кетдими қонга бефарқлик.
Муттаҳамлик қилса номард одамлар,
Лунжига туширмай туришади тек...

Тавба, бунақада борамиз қайга,
Авж олиб кетмасми, ахир, қабоҳат?!
Муттаҳамлар чиқиб баландроқ жойга,
Инсоф, диёнатни қилмасми ғорат?» —

Қобил хаёлидан кечди шу ўйлар,
Илиқ меҳр билан боқди Расулга.
«Қошки ҳамма бўлса мана шундай мард,
Ғубор солмас эди шубҳалар дилга!»

Район фаоллари Расулни суймас,
Қобил ҳам хуш кўрмай юрарди шундан...
Бугун дадиллиги қўзғади ҳавас,
Расул — асил экан, дея берди тан.

* * *

Идора майдони тумонат одам,
Тўпланган колхознинг ҳамма аъзоси.
Нега уч ойдирки хўжалик ножа,
Текшириш якуни мажлис мавзуси.

Рўйхат тузилмаган сўз бериш учун,
Ихтиёрий сўзлар ёшлар, кексалар:
«Раис шу қишлоққа берди бор кучин,
Бизга тегар унга бир гап тегса, гар!»

«Лойсувоқ уйлару ботқоқ кўчалар
Ўрнида шаҳардай қишлоқ яратдик!»
«Бўш қолган ҳамёнга тўлди ақчалар,
Юртда илғор бўлиб доврўқ таратдик!»

«Ким, ахир, бош бўлди бундай ишларга?
Мана шу Қобил-да, гапнинг сираси.
Рез кўймай тафтишу текширишларга,
Кимнинг гапи бўлса, биздан сўрасин!»

«Мана, чиқиб айтсин ичидагисин
Ўша хат ёзганлар кўрқмаса агар,
Ё бирор кеки бор,
Ё еган эсин,
Қани, қайда ўша баттол ифвогар»...

Виждондай пок сақлаб колхоз шаънини,
Нотиқлар сўзларди куйиниб-ёниб.
Кўриб элнинг яқдил қўллаганини,
Қобил ўтирарди кўзга ёш олиб.

Ниҳоят, Мансуров ўрнидан турди,
Мажлисга ясамоқ учун хотима.

— Уртоқлар!
Ун тўққиз киши гапирди,
Хўш, бундан чиқажак хулоса нима?

Сизлар кадрлайсиз раисингизни,
Биз-чи?
Биз районда тутамиз кафтда...
Ахир, Қобил ака фахримиз бизнинг,
Уни асраш кёрак бемаъни гапдан.

Кўриниб турибди масала равшан,
Уч ойлик тафтиш ҳам тасдиқлар яна.
Камчилик чиқмади ишларингиздан,
Ҳалоллик, ҳақиқат қилди тантана...

* * *

Бошинга ногаҳон тушганда ташвиш,
Ғаним ҳол сўрса ҳам, кўнглинг юмшайди.
Шунча жон куйдириб,
Қилди катта иш,
Ҳа, Расул суянчиқ дўстга ўхшайди.

Бундоқ меҳрибонлик, бундоқ садоқат
Еритди Қобилнинг ғамгин дилини...
Очилмасдан қолди:
У юмалоқ хат —
Кимнинг иншоси-ю кимнинг қилиғи?!

РАСУЛ МАНСУРОВ

Ушанда...
Беш йилми, кўпроқми бурун,
Ижроком раиси бетоб ётарди.
Қобил кўриш учун кирса кечкурун,
Мана шу Мансуров меҳмон кутарди.

Коммунал хўжалик мудиримиди,
Маиший комбинат бошлиғими ё...
Раис атрофида парвона эди,
Пол артиб юрарди хотини, ҳатто.

Жаҳли чиққан эди эркак зотининг
Ипакдай мулойим эшилишига.
Ҳамияти бўлса, ахир, хотининг
Ташлаб кўярмиди биров эшигига.

Ижроком раиси чиқди ишга ҳам,
Расул иқтидори бўлди намоён.
Йўл созлаш, дейсизми
Қурилишга ҳам
Биркитиб қўйилар,
Ҳамма лол, ҳайрон.

Номи мажлисларда тушмайди тилдан,
Қандай сир бор эди бунинг тагида...
«Бино топширилди зўр сифат билан
Уртоқ Мансуровнинг раҳбарлигида...

Асфальт ётқизилди фалон кўчага,
Район кўркин очди фалон янги йўл.
Арзийди намуна қилсак барчага
Жонбозлик кўрсатди Мансуров Расул!»

Иш юришиб турса, омадни бериб
Билимдонроқ бўлиб қоларми одам.
Элликдан ошганда сиртдан битириб
Олди муаллимлик дипломини ҳам.

Кейин кўтарилди ҳозирги ишга,
Ҳар мавсум колхозга бўлади вакил...
Ҳовлиқмароқмиди ва ёки ишчан —
Фарқиға етолмай юрарди Қобил.

Хушомадгўймиди?
Йўқ, ундай деса,
Ножўя иш бўлса, қилмас хотирин.
Ижрокомнинг ўша дардман раисин
Бюрода танқид ҳам қилган қотириб...

* * *

Йўқ, Расул на бир дўст,
На бир мард эди.
Унинг юрагида ўзга дард эди.
Мансаб илинжида,
Нафс илинжида
Паноҳ излар эди Қобил пинжидан.
Қобилга суяниб курашмоқчийди,
Муддао йўлида қир ошмоқчийди.
Ҳа, Расул пинҳона ўйлаган тадбир,
Бундай меҳрибонлик остидаги сир
Ҳали ноаёндир қахрамонимга,
Билмас, дўст, деб қучоқ очганин кимга...

* * *

Уни ёшлигида «шамол» дердилар,
Суяги йўқ эди югур-етимга.
Меҳмон келар бўлса, «Ҳа, бўл» дердилар,
Ёпишиб юрарди ўхшаб елимга.

У пайтлар — «модалар ателье»сида
Хотин-қизлар учун либос тикарди.
Сезилиб турарди яйноқ кўзидан
Катталар назарин қозониш дарди.

Нафси оғримасди қилсалар мазах,
Бошлиқлар ёнида юрса, бас эди.
Латта бўлишдан ҳам қилмасди ҳазар,
Раҳбарлар хизмати муқаддас эди.

Елиб-югуришлар кетмади зое,
«Меҳрибон» одамлар солдилар назар.
Уста шундай бўлар асли,
Киройи,
Деб, тикув цехига этдилар раҳбар...

Аёллар бор экан ёруғ жаҳонда,
Моладан тушмайди мода ташвиши.
Қанақа мансабдор бўлса районда,
Расулга тушади хотинин иши.

Хотинлар хуш кўрар тавозе билан
Хизматга шай турган чевар-халқини.
Хуллас, хотинларнинг овози билан
Расул тиклаб олди иззат, мавқени.

Мана, мартабаси,
Машинаси бор.
Ҳар бир иш устида ҳозир у нозир.
Ҳеч қачон,
Ҳеч ерда
Тўрмайди бекор,
Аммо кўплар суймас,
Шу ботар оғир.

Нечун суймайдилар одамлар уни,
Нечун кўркмайдилар ундан одамлар?
Жиғибийрон бўлар,
Чиқар тутуни,
Фикрида бир савол: Мен кимдан камман?

Бориб, битиб турган ишлар устига,
Шовқин кўтаради,
Келади томдан,
Кимлигин кўрсатиб қўймоқ қасдида —
Гапириб ижроком, райком номидан.

Рейдлар уюштириб ташкилотларда,
Пашшадан фил ясаб келганда гоҳо,
Аниқлик киритиб тафсилотларга —
Попугин пасайтиб қўяди бюро.

Одамлар ўз ишин қилар бепарво,
Бу сохта саркорга эҳтиёж йўқдек,
Обрў топа олмас фаоллар аро,
Югуриб елади худди шамолдек.

Уни менсимаган «гўл» фаолларга
Кўрсатиб қўймоқчи...
Аммо ниятин
Рўёбга чиқармоқ йўлида ҳар гал
Бтмай қолар эди кудрати.

Ҳа-ҳа, ҳайдаш учун, ўч олиш учун,
Буйруқ қамчиси шарт одам кўлида.
Бир кун топиб олди калава учин,
Мустақил ҳукмрон бўлмоқ йўлида.

Чақмоқдек ярқ этиб ўтгач фикридан —
Ҳеч кимнинг эсига келмаган усул,
Мамнун бўлиб ёрқин тафаккурдан,
Қарсак чалиб юборди Расул.

Оқ йўл

Кеч куз...
Илк ҳамалдан бугунга қадар
Заҳмат чеккан замин олар эди тин.
Колхозда ҳам тўлган барча планлар,
«От совутар» фасли — шудгордан кейин.
Қобил осойишни билмасди аммо,
Сарсонқумда бутун фикру хаёли.
Ҳар борганда топар битта муаммо:
Сувнинг олислиги...
Қўқон шамоли...

Авалло йўл солмоқ зарур.
Сўнг эса,
Уйлар курмоқ керак одамлар учун.
Бу ишларнинг бири кўлидан келса,
Қай бирига етмай қолмасми кучи?!

Кенгашди фаоллар, қурдошлар билан,
Қобил таклифига улар минг рози.
Ижроком нима дер,
Не дер райплан,
Секретардан ёрдам сўрамоқ лозим.

Режаларин битта нуқтага жамлаб
Райком котибига этгали баён,

Унинг ишга келиш пайтин мўлжаллаб —
Тонг чоғи йўл олди районга томон.

Котиб хузурида ўтирар эди,
Ижроком раиси — Расул Мансуров.
Салом-алик қилгач, қувониб деди
«Бирга тополганим хўп бўлди-да, хўп...»

Чой қуйиб узатгач,
«Хизмат?» дегандай
Секретарь Қобилга тикди кўзини.
Ўзин босиб олиб, ўйлаб келгандай,
Олисан бошлади Қобил сўзини:

— Маълумки, қишлоқда йигирма минг жон,
Ҳар йил туғилмоқда мингдан минг бола.
Демак, елкамизда турган бу чопон,
Ўйласам, эртага сиғмасдан қолар.

Ҳар газ ер ҳисобда, бўз ҳам қолмади,
Шунга, нажот сўраб келувдим Сиздан.
Котиб кулиб қўйди:
— Тушунолмадим?..
— Мадад бериш Сиздан, ер топиш биздан,
Яъни, Сарсонқумга бўлганмиз жазман.
(Ҳамма бир шарақлаб кулиб юборди.)
Ростини айтганда, шу йилги ёздан
Ҳозиргача роса қирқ марта бордим.

Лоф эмас, ўлчадим қадам-бақадам,
Унда боғлар қилсак, аини муддао.
— Боғлар денг?
— Ҳа, боғлар!
Ачинар одам,
Бугунги манзара бизга нораво.
Турмуш маъмур бўлиб,
Қанд-курс кўпайиб,
Мевазор боғларни қилибмиз ғорат.
Бирни учга пуллаб, чўнтак қаппайиб,
Чайқовчи қурмоқда пулдан иморат.
Кори боғ-роғ бўлган элнинг боласи
Мевани бозордан олиб ейдилар.
Уч сўм бўлибди-я олма килоси,
Тагин буни, жаннат водий, дейдилар...

Сарсонқумда кезиб, шуларни ўйлаб,
Худди афандай сурдим-да хаёл,
Агар боғ-роғ бўлса мана шу жойлар,
Мевасидан томиб туради, деб, бол,
Бир илҳомим қайнаб қўйдим ҳатто ном.
— Хўш, қандай ном экан, билсак...
— Болистон.
— Қойил!
— Қувватласа райком, ижроком,
Сарсонқум бўлади теңги йўқ бўстон.

Қобил жўшиб кетиб айлади баён,
Дилга тугиб қўйган режаларини...
Қаер марказ, қайда қанақа шийпон,
Ҳаттоки йўллари, кўчаларини.

Кафтин чизигидай айтиб берарди
Сув келтириш йўли,
Тупроқ қатламин...
Ерни колхозига олмоқлик дарди,
Қиларди бугунги болалар ғамин.

Бунда қанча одам топади Ватан,
Қанча мева, узум берар у боғлар.
Колхозидан кимлар борар дафъатан,
Кимлар ҳозир турар ўзини чоғлаб.

Котибнинг чехраси ёришиб кетди,
Қобилнинг ажойиб ташаббусидан.
Унинг режалари ҳаётий эди,
Шижоат чақнарди кўзидан.

Юксак кадрларди Қобилни котиб,
Олийжанобликда йўқ, деб, қиёси.
Айрим тенгқурлари қолганда котиб,
Унинг кенгаймоқда фикр миқёси:

Бундай мартабага етган нечалар,
Билмай қолишганди босар-тусарин.
Бамисли осмондан тушгандай улар,
Ўзидан бошқани илмай назари.

Қўш-қўш машиналар,
Саройдай уйлар.
Курортга борса ҳам ёллаб хизматкор,
Авжида маишат, турли ўйинлар...
Оқибат бўлишган шармисор.

Қийин бўлар экан кўтариб юриш,
Шухрат ва мартаба юкини.
Қобил-чи?
Ҳамиша мана шу туриш,
Раислар ичида юпуни.

Уч йил раис бўлиб тўлдирса план,
Мукофот ҳам кутиб тургувчилар бор.
Ишни эплолмаса,
Қинғир йўл билан
Давлат кўзин бўяр баъзи бир маккор.

Кошқийди ҳамма ҳам ўз мартабасин
Хизмат қилдирилса юрти, халқига...
Қобилга боқаркан, келди ҳаваси,
Қойил қолди унинг уйғоқ қалбига.

— Баракалла! — деди. — Улуғвор ният,
Таҳсинга лойиқдир бундай ташаббус.
Менимча, қувватлар бизни ҳукумат?!
— Албатта-да! —
Қулиб маъқуллар раис.

— Бўпти, алоқадор одамлар билан
Гаплашиб, бюрога қўйинг масала.
Ҳа, ўртоқ Мансуров вакиллар биздан,
Иш юришиб кетар ҳиммат қилсалар.

Жиддий топшириқми ё киноями,
Англолмай ҳиринглаб кулди Мансуров.
Ҳар қалай, котибдан чиққан ғояни —
Беқийёс имкон, деб билди Мансуров.

Унга туғиларди Қобил ёнида
Саркор бўлиб юриш имконияти.
Рўёбга чиқарди шу баҳонада
Қобилни оғдирмоқ нияти.

Таклифи ҳисобга олинганидан.
Мамнун Қобил кетди...

* * *
Уша оқшомда,
Ғаламислик ҳисси қайнаб қонида,
Расул пайдо бўлди райкомда:
Ишлаб ўтирарди секретарь ёлғиз,
Бу ташрифдан ҳайрон тикилиб қолди...
— Маслаҳат бор эди Сизга бир оғиз... —
Мансуров суҳбатнинг жиловин олди: —
Сарсонкум — катта ер,
Биргина колхоз
Унга эга чиқиб ўзлаштиргунча...
Тузсак бўлмасмикин у ерда совхоз...

СЕКРЕТАРЬ

Балли, муддао шу!
Лекин бугунча
Совхоз тузиб бўлмас яйдоқ кумлоқда.
Қобил барпо қилса токзорлар, боғлар,
Замин пайдо бўлар...

РАСУЛ

Балки шундоқдир...
Лекин шуҳратга ўч қаҳрамонимиз,
Менимча, ўзининг доврўғин ўйлар...

СЕКРЕТАРЬ

Э, гап бу ёқда денг,
Хўш, районимиз
Нима ютқизади шундай бўлса гар?!
.

РАСУЛ

Гап шундаки, чўлда яраларкан боғ,
Сиз қўлга олсангиз шу ташаббусни.
Маъкул бўлар Қобил турса сал четроқ,
Ҳадеб уравермай ҳар ишга ўзин.

Сарсонкум баҳона баттар авж олиб,
Райкомни менсимай қўяр бу Қобил.
Мадад бераётган Сиз четда қолиб,
Элда ўзи доврўқ ёяр бу Қобил...

Секретарь ўйларди:
«Қобил ҳеч қачон
Бирор иш қилмаган райкомни четлаб.
Тўғри, хурмат қилар уни бир район,
Ужар, бетгачопар,
Лекин тозақалб.

Зарар келтирмаган ҳали ҳеч кимга,
Фойдали — баъзи бир таваккали ҳам.
Эрталаб қўшилган эди фикримга,
Нечун энди қайтиб қолди бу одам?

Қобил шуҳратидан ҳайиқар нечун?
Ёки қияптими менга хушомад?
Ё, биздан вакилсиз, деганим учун
Ранжиб қолдимикин, не гап? Не мақсад?»

СЕКРЕТАРЬ

Қўйиб берайлик-чи,
Қобил бир дарё,

Гоҳида ўзанин бузса, не ажаб.
Ҳаддан ошиб кетса, менсимаса ё
Райком қўя олур уни жиловлаб.

РАСУЛ

Жуда оптимистсиз, ўртоқ секретарь,
Мени ҳайрон қилар бу одатингиз.
Унинг авж олиши Сизга ҳам хатар,
Қўлдан кетар обрў ва омадингиз...

Секретарь ёндирди сигаретини
Тин олди тушунмай Расул ниятин.
Расул ўз газида ўлчар:
«Каттанинг
Қўзғаб кўйдим ору нафсониятин.

Ҳа, ҳа, бу ҳали ёш, шиддаткор, мағрур,
Бу гап мағзин чақар ухламай ҳали.
Шубҳасиз қонида кўпириб ғурур,
Бошланар саркорлик жанжали.

Низо чиқса, Қобил келади ғолиб,
Обком қувватлайди уни, албатта.
Эҳтимол, шу жанжал баҳона бўлиб,
Ишдан кетиб қолар ана бу катта.

Шундай бўлса, Қобил энди домида,
Қувватлайди.
Мажбур қувватлашга ҳам».

Эҳ, нотавон кўнгил тортиб комига,
Расул чиқиб кетди хўшлашиб шахдам.

Котиб ўйга толди:
«Ғалати жумбоқ...
Бу одам ё худбин ёки калтабин.
Қобил билан гўё кадрдон, иноқ.
Тушуниб бўлмади лекин матлабин...»

Кўклам

Сахрога жон кириб бошланди ҳаёт,
Бульдозерлар қумлоқ кўксин тилимлар.
Ташна чўл дардига бергали нажот,
Қувур ташлаб, сувлар олиб келинар.

Сарсонқумда ўтар баҳор байрами,
Қолхоз кўчиб келган бу тантанага:
Ҳар кимнинг қўлида ниҳол бойлами,
Ҳашар аталувчи соз анъанага —

Содик қолиб бугун ўтқазар кўчат,
Ҳар битта бригада — бир боққа масъул.
Ҳар юракдан ажиб хуш туйғу кечар,
Эртанги боғ кўркин туйганда кўнгил.

«Болистон» боғларин майдонларига
Ўтқазилди олма, анор, нок, гилос.
Сарсонқум ниҳолни олди бағрига,
Тўнғич фарзанд кўрган келинчакка хос.

«Болистон» эртасин даракчилари —
Ниҳолларга боқиб, кипригида нам,

Кўксини тоғ қилиб, дехқон — хунари,
Дунёга қайтадан келди Қобил ҳам.

Қувончига шерик Мансуров билан,
Кечкурун жўнади ўз қишлоғига.
Мансуров — шўх-хандон, ажиб хушсухан,
Макон курган унинг кўнгил боғига.

Ҳамроҳинг кўнглингда мос бўлса агар,
Тортилиб кетади йўлнинг таноби.
Етиб келишганин сезмай қолдилар,
Унут бўлди ҳатто чарчоқ азоби.

Қолмоққа ундади Қобил Расулни:
— Дардлашиб ётамиз, дўстим, бу кеча...
Шуни у кутганди,
Ҳиринглаб кулди:
— Бўпти-да, кўнгилдан кўнгил сув ичар.

Айни фурсат эди муддаосига,
Чойлашишди мўъжаз меҳмонхонада.
Сухбат етмас эди интиҳосига,
Расул тўр ташларди шу баҳонада.

РАСУЛ

Менинг садоқатим сизга аёндир,
Рости, кўролмайдим баъзилар сизни.
Ғап қилиб юришар доим районда,
Камситишар катта ишларингизни.

ҚОБИЛ

Нимами ғап қилар,
Айбим — меҳнатим?!

РАСУЛ

Соддасиз, ҳаммани ўздай биласиз.

ҚОБИЛ

Иззатим тутганнинг қилдим иззатин.

РАСУЛ

Юз-хотирни билмай танқид қиласиз,
Ўшанга баъзилар ёмон кўради.
Жумладан райкомнинг секретари ҳам.

ҚОБИЛ

Райком секретари? (Хомуш сўради.)

РАСУЛ

Ҳа-да, у районда келгинди одам,
Хуш кўради мақтов ҳамда порани.

ҚОБИЛ

Унчаликмасдир-ов?

РАСУЛ

Ростини айтсам,
Чўтали бор эмиш ҳар идоранинг...

ҚОБИЛ

Йўғ-э?!

РАСУЛ

Шунақа-да, Сиздан олмаса,
Ишонмаслигингиз ёмон-да!
Жомадон тўлдириш дарди бўлмаса,
Қанд еб юрармиди бизнинг районда?.

ҚОБИЛ

Йўқ, йўқ, ишонмайман!

РАСУЛ

Сиз бермайсиз-да!

ҚОБИЛ

Эшитган эмасман, ҳатто, ҳеч кимдан.

РАСУЛ

Қойил-е!
Меҳрибон кўриниб Сизга,
Панд бериб юрибди, билсангиз, зимдан.

ҚОБИЛ

Тушунолмаёпман?

РАСУЛ

Шу Сарсонқумда
Ҳали бошланмади бирор қурилиш.
Бунда айбдордирман, эҳтимол мен ҳам,
Ахир, шийпонларни тиклаш зарур иш.
Қувурлар вақтида олиб келинмас,
Пайсалга солмоқда сувчилар ишни.
Кўчатлар сувсираб қурисами, бас,
Ана унда кўринг, гапни, ташвишни.
Бюро қарори, шартномалар бор,
Лекин битмаётир ишлар вақтида,
Фурсатни бой берсак, топилмас айбдор,
Биз шарманда бўлсак, унинг — бахти-да...
Эҳтимолки, ишни судраётганлар
Пинҳона топшириқ олгандир ундан.
Баҳона излашлар — агару магар,
Ҳатто кўрқишмайди қонундан.
Ҳалвони улар еб, элнинг олдида
Бизни муттаҳамга чиқариб қўяр...

Қобил бир дақиқа ўйга толди-да,
Топгандай бўлди бу фикрдан жўя...

«Топиб гапирарди Мансуров,
Чиндан
Жон куйдирар Қобил обрўси учун.
Секретарь қувватлаб биринчи кундан,
Энди сўрамас ҳам аҳволни нечун?»

Қобил маъқуллади Мансуров фикрин,
Эрта бюрода очар орани.
Ужарлиги тутди,
Шу гап бўлса чин,
Вақтида тузатмоқ лозим ярани...

* * *

Рўзномага кирган масала тугаб,
Бюро мажлисин ёпаркан қотиб,
Қобил дабдурустдан сўраб қолди гап,
Залда ўтирганлар диққатин тортиб.

Сарсонқумда қишдан бугунга қадар
Қилинган ишлардан бериб сарҳисоб,
Шартномани тузиб пулни олганлар —
Ваъдабозлигидан сўзлади хуноб.

Райком қарорини моддама-модда
Эслатди сувчи-ю курувчиларга,
Жиддий чора кўриш керак, деб ҳатто,
Қарорга менсимай қаровчиларга.

Сўнг эса райкомни ўз қарорининг
Ижросин текширмас, дея айблади.
Хуллас, тўкиб солди дилда борини,
Ҳаммани лол қилиб жўшди, қайнади.

Кейин таклифларин ташлади қалаб,
Олтинга тенг қўйиб кунларнинг қадрин.
Бирлик, интизомни қилди-да, талаб,
Ўрнига ўтирди — енгиллаб дарди.

Секретарь ўрнидан турди, ниҳоят,
Ўзига хос виқор, салобат билан.
Қобил таъналари туюлган ғалат,
Не сабаб жунбушга келди у бирдан?!

Узиб олмоқчийди Қобилни, аммо,
Шаънига эп кўрмай, босди ўзини.
Гўё танқидга ҳам қилмади парво,
Қисқа қилди айтар сўзини:

— Дўстлар!

Қобил ака тўғри гапирар,
Унинг ташвишида, аслида, жон бор.
Ким ишчан, ким эса қуруқ лоф урар,
Райком ҳаммасидан доим хабардор.

Сарсонқумда ишлар яхшимас, демак,
Урганиб бугунги гап асосида,
Алоҳида битта масала қўйсак
Райкомнинг галдаги бюросида.

* * *

Мажлис тугаб, ҳамма тарқалар экан,
Ўтаётиб залнинг остонасидан —
Аста тутганича Қобил тирсагидан,
Секретарь бошлади ўз хонасига.

— Боя тушунмадим танқидингизни,
Сизда кўрмагандим бунақа одат.
Райком ёлғизлатиб қўйган йўқ сизни,
Ахир, қўлингизда бутун ваколат.

Катта иш қиляпсиз,
Ҳаммага аён,
Сизга дастур, ахир, райком қарори.
Кимдир бажармаса, айборми район?
Келиб айтинг менга ҳамма қатори.

Ўзингиз биласиз, ҳар қанақа гап,
Вақтида айтсангиз, тез бўлади ҳал.
Тутаб юраверсак мажлисни пойлаб,
Сиз ҳам, мен ҳам бир кун бўламиз ўсал.
Шундоқмасми?

Котиб ҳақ эди,
Қобилни дафъатан кўйди ўйлатиб:
«Наҳотки, шу ишга ақлим етмади,
Нега куйиб-пишдим шунча беш кетиб?

Ахир, райком эмас, мен-ку райкомга
Ҳисоб берадиган, аслин олганда.
Ҳаммани чиқариб кўйдим бадномга,
Нега шундай қилдим, эҳ, ғофил банда!»

— Гапингиз ҳақ,— деди, хўрсиниб оғир,
Секретарь тикилар кўзин узмасдан.—
Мактаб кўрмаганмиз, укажон, ахир,
Шу ҳам панд беради, билсангиз, баъзан...

Орада гинага қолдирмай ўрин,
Самимий хўшлашиб қолди секретарь.
Ранжитгани учун уни ноўрин,
Қобил юрагига тугилди қадар...

Талваса

Расул йиғилишдан шод, мамнун қайтар,
Эришмоқда эди муддаосига.
Бефарқ қаролмагай, ахир, секретарь
Қобилнинг бугунги иддаосига.

Баски, Қобил билан секретарь аро
Авжга чиқар экан бошланган нифоқ,
Бирини бирига кўрсатиб қора,
Иккиси билан ҳам бўлмоқ шарт иноқ.

Агар бу курашда Қобил йиқолса,
Креслони олиб берар Расулга.
Борди-ю... Секретарь енгиб чиқолса,
У ҳолда ўтади бошқа усулга...

Тун бўйи тўлғаниб чиқди Мансуров,
Нотавон кўнгилда нопок орзулар.
Ўзини секретарь ўрнида кўриб,
У уйқу аралаш ҳиринглаб кулар.

...Тонгда пайдо бўлиб райкомда яна,
Секретарнинг ишга келишин кутди.
Бирга кабинетга кирдилар, мана,
Ўзин унга иноқ, меҳрибон тутди:

— Яхши бўлмади-да, ўртоқ секретарь,
Андиша қилмади шаккок қаҳрамон.
Гап оғиздан-оғиз обкомга етар;
Таънага қолар боз райком ва район.
Қолаверса сизнинг устингиздан ҳам
Ҳар хил «миш-миш»ларнинг тарқаша аниқ...

Секретарь ўзини тутар хотиржам,
Ҳеч гап бўлмагандай чехраси ёниқ:
— Сизга ҳам ҳайронман, ўртоқ Мансуров,
Ишчан, деб ном олган райком вакили

Сарсонкумда ҳамма чорани кўриб,
Фронт очишингиз керак, шекилли.
Сиздай уддабурон, тадбиркор одам,
Урнида ҳал этмай масалаларни,
Мажлисда кўтариб оддий гапни ҳам,
Ваҳима қиласиз,
Шуям хунарми?

Кечаги гап-сўзлар аслин олганда,
Райком баҳона-ю сизга аталган.
Сизда талабчанлик қаттиқ бўлганда,
Бошқалар солмасди ишни пайсалга.
Нима, қийинмиди масъул кишиларни
Ўз участкасига чақириб бориш?

Мен ташиб берайми ёғоч, ғиштларни,
Балки, дерсиз, бориб бетон ҳам қориш?!
Йўқ, ўртоқ Мансуров!

Райком қарори
Қонун эрур ҳар бир коммунист учун.
Ким устун кўяркан ўз ихтиёрин,
Ундайларга етар бюронинг кучи,
Шу жумладан сизга, Қобилга, менга...
Ташвиш қилманг менинг шаъним устига,
Шаънки, асосланмас пок хизматингга,
Қолиб кетар давр чанги остида...

Расул кутмагани, оқибат келиб,
Бошига тушишин калтакнинг учи.
Бир шубҳа тумандай қоплади дилин,
Ўзини оқлашга ўтди сал чўчиб:

— Биламан, масъуллик менинг зиммамда,
Лекин осон эмас, ахир, менга ҳам.
Мени назар-писанд қиларми эди,
Сизни эламаган ўша кўрс одам?
Қошки қулоқ солса маслаҳатингга,
Ўз гапи ўзига маъкул бир нодон...

— Райком вакилисиз, тилин топинг-да,
Ахир, иккалангиз эски қадрдон...

— Аммо айри-айри қарашларимиз...

— Яъни?

— Мен интизом талаб қиларман...

— У-чи?

— Нимамишмиз унга сизу биз,

Ўзини районда устун биларкан.

Мана, ўзингиз ҳам, секретарь бўлиб,

Тортиб қўймадингиз кеча танобин.

— Янглишасиз, — деди секретарь кулиб, —

Райкомда ҳамманинг ҳисоб-китоби.

Танобин тортишга сезсак эҳтиёж,

Тортиб ҳам қўямиз,

Ҳозирча эса,

Ундай зарурат йўқ, қаранг, не илож,

Иш деб жон куйдирар...

— Шуни иш десак...

Мансуров ғудранди гап тополмасдан,
Секретарь тикканди ўткир нигоҳин.
Отиб қолмоқ бўлиб, ётиб қолмасдан,
Оғзига келганин бидирлар охир:

— Имзосиз хат тушган идорамизга,
Сарсонкум баҳона, бу Қобил нукул
Ўзини меҳнаткаш кўрсатиб бизга,
Сохта ҳужжат қилиб, тўплар эмиш пул.

Ҳамма ёғлиқ жойга ўз одамлари,
Ҳазм қилишади ҳатто денгизни.
Чўлга ҳам келишган ақча ахтариб,
Ҳар бири бенарвон урар юлдузни...

Қошларин чимириб бу гапдан котиб
Ўрнидан даст турди, чиққанди жаҳли.
(Расул бир лаҳзага ўзин йўқотиб,
Уйлар: «Етиб қолди шекилли, ақли?»)

— Наҳотки, бурнингиз остида шундай
Ўғирлик бўлса-я... Сизмас ақлга.
— Қайдан билай, кўза синмайди кунда...
— Бари бир ҳайф сиздай вакилга...

Ортга қайтар эди Расул отган ўқ,
Ўзини секретарь олди қистовга:
— Текширдингизми ўша хатни?
— Йўқ!
— Асоссиз айб қўйманг, ундқ бировга...
— Сиздан рухсат бўлса текширтирамиз...
— Рухсати нимаси? Вазифангиз-ку?!
Текширинг, натижа чиқсин, кўрамиз...
Менимча, унақа ҳаромхўрмас у.
Борди-ю ўғирлик исботланса ҳам
Сиз унга йўл очиб берган бўласиз...
Бюро ишониб қўйган бир одам
Ўғирликни сезмас,
Ҳайрон қоласиз.
Ҳа, очилган бўлса ўғирликка йўл,
Бюро сизга ҳам кўради чора...
Секретарь Расулга узатди-да қўл,
Гап тамом, дегандай қилди ишора...

Ҳамла

Колхоз ишларидан гарчи кўнгли тўқ,
Гарчи ҳар бригадир мустақил раҳбар,
Қобил «Болистон»дан қайтди эртароқ,
Экин-тикинлардан олгани хабар.

Тонг сахардан чўлу дала айланиб,
Оқшом идорага кириб турганда,
Расул ташриф этди чехраси ёниб,
Кўзлари сузилган,
Лабида ханда.

Жиндак сархуш эди,
Қобилни ҳатто,
Даст кўтариб олди кўриша туриб.
— Жуда қотирдингиз қойилман, аммо, —
Дер гапни кечаги мажлисга буриб. —

Дунёга келмаган сиздай мард одам,
Чирпирак қилдингиз аммо «катта»ни.
Бугун ювсақ арзир, бир оз олиб дам,
Дам ол, дейдиган бир меҳрибон қани?

Қобил ҳам ҳис этди сал толганини,
Майли ҳам бор эди дилкаш улфатга.
Ошпаз қўй гўшtidан шўрва солғанди,
Дилхушлик бахш этар, дея суҳбатга.

Қобилга зўр омад тилаб, устма-уст,
Икки пиёлани сипқоргач Расул —

Дил қулфи очилиб қолди дабдуруст,
Ишга тушиб кетди ийиб турган тил.

РАСУЛ

Мен сизни туғишган акам деганман,
Сизга тикан кирса, оғрийди жоним.
Биласиз-а?

ҚОБИЛ

Ҳа, ҳа, синаб билганман...

РАСУЛ

Балли, яна сизга ҳужум қилса ким,
Эзғилаб ташлайман.

ҚОБИЛ

Раҳмат, биродар!

РАСУЛ

Йўқ, сиз зўрсиз, ҳатто бутун районни
Йўлга сололасиз, хоҳласангиз гар.
Сизга ғаним бўлган ўша нодонни...
(Қобил ҳушёр тортди дўсти сўзидан.)

ҚОБИЛ

Ким экан у ғаним?
Қанақа нодон?

РАСУЛ

Келгинди котиб-да, энди ўзидан
Кўрсин у ғаламис!
Садқаи одам...

ҚОБИЛ

Кеча мен шошилиб, ўз айбимизни
Унга тўнкабман-а, ўйлаб қарасам.

РАСУЛ

Балли! Энди олар сиқувга сизни,
Ҳали пўстагингиз қоқади роса.
Ғафлатда қолмаслик керак, акс ҳолда
Ишингиз пачава бўлади, акам.
(Яна пиёлани қўлига олди,
Мастга ўхшаб қолди энди чинакам.)

ҚОБИЛ

Хўш?

РАСУЛ

Сиз депутатсиз, обком аъзоси,
Бир оғиз сўзингиз ҳозир кифоя.
То чақирилгунча райком бюроси,
Ўзингизни қилинг ҳимоя.

ҚОБИЛ

Нимадан ҳимоя қиламан, ахир,
Секретарь билан-ку очиқ орамиз.

РАСУЛ

Уни йўқ қилайлик, очилмасдан сир.

ҚОБИЛ

Яна қанақа сир?

РАСУЛ

Берган порангиз.

ҚОБИЛ

Пора?!!

(Титраб кетди бутун вужуди.)

«Бу нима деяпти, мастликми, ростлик?
Кеча-ку сув пуркаб, бир панд берувди,
Энди қайдан чиқди бундай ифлослик?»

РАСУЛ

Бизда хат бор, мана...

(Папкани очиб,

Қобилга узатди бир узун хатни)

Ҳа, ҳа кечикмасдан топиб иложин,
Райондан кетказинг ўша бадбахтни...

ҚОБИЛ

Бундай юмуш менинг қўлимдан келмас.

РАСУЛ

Келади. Етади мана шу ҳужжат,
Унинг қилмишлари битилган, хуллас,
Сизнинг имзонгизга мунтазир бу хат,

ҚОБИЛ

Қандай хат?

РАСУЛ

Обкомнинг бюросига,
Ўша келгиндининг бор қилмишлари...

Қобил шубҳа билан боқди дўстига
«Ихтиёр этмоқда қандай ишларни?»

Миясин саволлар пармалаб борар,
Нима дейшини билмас Расулга.
Қобил кўп курашган ҳаётда магар,
Қўл урмаган бундай жирканч усулга.

«Йўк!

Нима ёмонлик қилди секретарь?
Нималар битилган бу узун хатда?» —
Секин айбномага кўз югуртирар,
Иборат экан-ку қуруқ тухматдан.

Расул тиралганча турар устида:

— Қўл қўйинг, обкомга зуд юборасиз.

ҚОБИЛ

Шу, холосми?

РАСУЛ

Фақат шудир чораси?

ҚОБИЛ

Кейин-чи?

РАСУЛ

Кетади...

(Қобил дўстига,
Кинояли кулиб, савол ташлади.)

ҚОБИЛ

Ким секретарь бўлар, менми ё сизми?

РАСУЛ

Нима, бир районни эплолмайманми?!
Кафтимда кўтариб юраман сизни.

ҚОБИЛ

Эҳ-ҳе, гап буёқда, денг-да, оғайни,
(Қобилнинг ростакам чиққанди жаҳли.)
Бунга йўл қўймайман!

РАСУЛ

Қўясан!

(Бирдан
сансирашга ўтди.)

Йиғиб ол ақлинг!

Йўқса, бошинг чиқмас текшир-текширдан...

Мана, мана, сенинг кирдикорларинг,

Манов номаларда этилган баён.

Эсингдадир бултур додлаворганинг,

Энди қафас бўлар сенга бу район.

Ҳа, ҳа, бу хатларни ўзим ёздирдим,

Ҳақиқат қиламан ўзим текшириб.

...

...Бу гаплар Қобилни эсдан оздирди.

«Ё ҳув! Бу не риё,

Бу қандай фириб?!»

Қобил чайқовчини, ўғрини кўрган,
Кўрган порахўрлар, қотилларни ҳам.

Аммо қаршисида иржайиб турган
Баридан даҳшатли, хавfli — муттаҳам.

Ҳа, тирик туҳматчи, риёкор, иблис,

Имонин сотувчи нафси йўлида.

Мансаб илинжида ёвга бўлар дўст,

Дўстни ўтга ташлар, ушлаб қўлидан.

Қобил гўё ўзин қўйди йўқотиб,

Қорайиб кўринди кўзига дунё.

Бир дам туриб қолди — тош каби қотиб,

Англолмасди тушми, ўнгимиди ё.

Бир зумда кўзлари сузук Мансуров

Айланди заҳарли қора илонга,

Тилин калдиратиб, эшилиб туриб,

Қасд қилмоқ бўларди, вишиллаб, жонга.

Кейин аждаҳога айланиб қолди,
Қобилни тортмоқчи ўтли комига...
Шу пайт бир тўп одам намоён бўлди,
Улар — илинганлар тухмат домига.

Оппоқ либос кийган бу бағри қонлар,
Алам, нафрат билан боқар илонга.
Халқи ва юртига фидойи жонлар,
Зор бўлганлар бундай доруломонга...

«Қўл қўй!»
Йиғиб олди эсини Қобил.
Илон қаршисида айланди шерга.
Мушт бўлиб тугилди қалтираган қўл,
Бир зарбда Расулни қулатди ерга.

Меҳмонхона ичра кўтарилган дод,
Тутиб кетди тунги қишлоқ марказин.
Ўзин зўрға ўнглаб, кўтариб фарёд,
Расул қочиб қолди, ушлаб орқасин.

Қобил шиддат билан қувиб чиқаркан,
Юзтубан йиқилди тўрт қадам босиб...
На сир ўтди икки дўст орасидан
Ҳайрон қоровулу колхоз ошпази.

* * *

Расул тун қўйнида кўздан йўқолди,
Қобилни докторлар олиб кетдилар.
Нима бўлган, ҳеч ким билолмай қолди,
Тонгда касалини «инфаркт» дедилар.

Сочилганча қолди меҳмонхонада
Расулнинг тишлари ва бир даста хат.
Ошкор бўлиб қолди шу баҳонада
Ҳуқуқ тополмаган ўнларча тухмат...

* * *

Шаҳарлар тикланар,
Усар авлодлар,
Оталар қўлидан олишар ишни,
Башар яралгандан буён аждодлар
Бажаролмай доғда битта юмушни:



Тўлоқ
Килимлар ҳаётидан

Абдулла Қодирий романлари жўшқин илҳом билан ёзилган. Езувчининг ўғли Ҳабибулло Қодирий бу ҳақда қуйидагича гувоҳлик беради:

«У [яъни, Абдулла Қодирий — ред.] иш чоғида гўё ташқаридаги бирор шарпага қулоқ солгандай, чақнаган ўткир кўзларини узоқ бир нуқтага тикиб, бутун кучини фикрлашга йўналтирган каби жиддий, ўйчан ўтирар, ўқтин-ўқтин қуйилиб келган фикр тўлқинларини тезроқ қоғозга тушириб қолиш учун шошилар эди. У шу қадар тез ва шаҳд билан ёзардики, ёзиш

суръати стенограф тезлигида эди десам, балки муболаға бўлмас. Қаламнинг қоғоз узра юришини, «тўқ-тўқ» нуқта уришларини эшик очиқ бўлса, қўшни хонадан ёки очиқ дераза орқали ҳовлидан бемалол эшитиш мумкин эди...

Бир-икки қоғоз тўлгунча шундай шиддат билан ишлар, сўнг гўё узоқ олишувдан чарчаган каби бир неча дақиқа ўйланиб дам олар, чекар, аччиқ-аччиқ чой ичар, курси устидаги мевалардан тотинар ва хаёлга ботиб, яна ёзувга киришар эди.»

Бу чигал муаммо, бу мушкул тилсим
Инсон жумбоқлиги — еттинчи қитъа —
Инсон кўнглида не — билолмас ҳар ким,
Не сир, не муддао, не дард беркинган...

Хотима

Қобил тўртинчи кун очди кўзини,
Иситма аралаш алаҳсиради.
Зўрға англаб бўлди айтган сўзини:
«Қани у?.. Тирикми?.. Қайда юради?..»

Разил!.. Улдираман! Тўхтатинг!.. Тўхтат!
Ундан тозалайин ёруғ дунёни...
Йўқса, ёғдиради ҳаммага тўхмат,
Ўзим даф қиламан бу ҳўл балони...
Яна кўзин юмди...
Сўнги бор эса:
«Мени Сарсонқумга кўм...» — деди. Тамом..
Районда кекса-ёш тутишди аза...
Мансуровнинг умри этмоқда давом.
Тўкилган тишлари ўрнида тилла,
Битиб кетган синган суяклари ҳам.
Балки, бирор кимга дўст бўлиб тилда,
Зимдан чоҳ қазмоқда ҳамон муттаҳам.

Бир кўзи ғилайроқ — ўша илк зарбдан,
Оқсаброқ босади бир оёғини...
Қабоҳат дегани яшайбераркан,
Эзиб ташласанг ҳам, ҳамма ёғини...

Эҳтиёт бўлайлик, макр ва риё,
Ногирон бўлса ҳам, ҳар қалай, тирик.
Иғво ва тўхматнинг қўлига асло
Тушмасин, мардларнинг ҳалол тақдири.

Номард, мен номард, деб айтмагай ҳаргиз,
Мард ҳам мардлигини қилмагай миннат.
Дўстлар, бир-биримиз авайласак биз,
Қурбон қилолмагай ҳеч кимни тўхмат!

Наманган



Тўроқ
кишилар ҳаётидан

Эмиль Золянинг иш услуби ўзига хос эди. У қайси соҳа одамлари ҳақида асар ёзишни ният қилса, шу соҳага оид китобларни мутолаа қилар, шу соҳада ишловчи кишиларнинг хотираларини, ҳикояларини эшитар, кўпинча улар билан бирга яшарди.

Масалан, Золя «Тузоқ» романини ёзишдан аввал механик-ишчилар билан бир неча ой бирга турган, улар турмушини кузатган. «Аёллар бахти» романи устида ишларкан, магазинлардаги ҳисоб-китоб ишларини пухта ўрганган.

«Аббат Муренинг гуноҳи» романини

яратишдан аввал эса черков хизматини ипидан-игнасиғача билиб олган.


«Мен ҳеч қачон ҳеч нимани хаёлдан олиб ёзмаганман, бундай хусусият менда умуман бўлмаган. Ҳаётдан, ўзимга маълум нарсалардан олиб ёзилган асарларимгина яхши чиққан. Мен одамни, унинг ташқи кўринишини жуда майда икир-чикирларигача тасаввур қилганимдагина унинг кимлигини пайқаб оламан».

ГОГОЛЬ



СЕН УЗОҚ ЯШАЙСАН
ХАММАДАН ЗИЕД
ҲАЛИ ТОЙЧОҚЛАРИНГ
УЙНАБ ЮРИБДИ...

Расми Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ чизган



Хайриддин Султонов



Қисса

Халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига бағишланади.

Бу воқеа ажойиб кунларнинг бирида рўй берди.

Очиғини айтганда, бу кунни у қадар ажойиб деб ҳам бўлмасди: ҳаво совуқ, ер балчиқ йўл-йўлқалар шилта-шалаббо, самолётга билет йўқ, «Пахтакор» биринчи лигага тушиб кетган... Лекин, бари бир бу ажойиб бир кун эди: одамлар шошиб ишга борар, майдонларда гала-гала каптар ўйнар, дўконларда савдо чаққон, радиодан Муножот «Муножот»ни қарсиллатиб айтиб турар, намчил хиёбонларда шамсия тутган ошиқлар оҳиста кезар эди.

Хуллас, бу воқеа ана шундай кунларнинг бирида рўй берди.

Олис тоғ этагидаги қишлоқдан келган қирқ уч яшар бир киши кечкурун «Семурғ» меҳмонхонасининг маъмурасига рўпара бўлиб, одатдагидек умидвор оҳангда:

— Жой борми? — деб сўради.

Маъмура ҳам одатдагидек бепарво оҳангда:

— Жой йўқ, — деб жавоб қилди.

— Нега? — деб сўради меҳмон одатдагидек бўшашиб.

— Йўқ-да, — деди маъмура одатдагидек бўшашмай.

— Тавба! Нима учун бунақа, а? — деди меҳмон.

— Шунинг учун шунақа, — деди маъмура.

Энди меҳмон, одатдагидек, индамай йўлига кетавериши ёки бўлмаса, синалган эски усулни қўллаши керак эди. Бироқ бу воқеа ажойиб кунларнинг бирида содир бўлгани учун ҳам, одатдагидан бошқачароқ кечди: меҳмон жойидан жилмади, аксинча, бошидан чарм шляпасини олиб, пештахтага қия ёнбошлади, қатъият билан:

— Битта жой беринг, юқорироқ қаватдан, — деди.

— Бўлса, жоним билан эди, йўқ-да, — деди маъмура.

Хира меҳмон шунда ҳам нари кетмади:

— Лекин мен бугун шу ерда тунашим керак.

Маъмуранинг кўнглига шубҳа оралади: «Бир балоси бўлмаса...» Телефон трубкасини олиб, нари-бери рақам терди, ён-атрофдан, аллакимлардан суриштирган бўлиб, таассуф ва хотиржамлик билан жилмайди:

— Афсус, ҳеч қаерда йўқ экан.

— Аммо менга жой бўлиши керак, — деди меҳмон пинагини бузмай.

Маъмура энди чимирилди:

— Нега? Бронингиз борми? Инвалидмисиз? Ё депутатмисиз? Балки Қаҳрамондирсиз?

— Йўғ-э, — дея кулимсиради меҳмон.

— Бўлмаса, нега гапга тушунмайсиз? Айтяпман-ку, ахир! Боринг, шаҳарда нима кўп — меҳмонхона кўп.

— Йўқ, — деди меҳмон бош чайқаб, — мен фақат шу ерда тунашим керак.

— Унда, ўзингиз биласиз, — деди маъмура ва тумшайиб олди.

Музокара тўхтади. Меҳмон пештахтага ёнбошлаган кўйи тураверди, маъмура ҳурпайганча алланималарни ёзаверди. Гўё бир-бирининг бардошини синаётгандек, хийла вақт ҳеч қайсиси чурқ этмади. Ниҳоят, маъмура бошини кўтарди, сурма тортилган ғамгин кўзларига, ғунча лабларига мутлақо ярашмаган, ўзини бир зумда қаримсиқ қилиб қўйган хўмрайиш билан сўради:

— Тураверасизми қаққайиб?

— Жой бермагунигизча туравераман-да.

— Э, менга қаранг, — деди маъмура жизиллаб, — қаердан олай йўқ жойини? Одам ҳам шунақа хира бўладими? Боринг, халақит берманг, бўлмаса, ҳозир милиционер чақираман!

— Ҳожати йўқ, — деди меҳмон. — Мен ўзим милиционерман.

Маъмура бир лаҳза тараддудланиб қолди.

— Паспортигизни беринг, — деди тортмасидан қандайдир қоғозни оларкан. — Гувоҳномагизни ҳам.

Меҳмон шошилмай ҳужжатларини узатди. Маъмура уларни бир-бир очиб кўрдию бирдан тутақиб кетди:

— Нега одамни лақиллатасиз? Аҳмоғингиз борми бу ерда?!

— Нима бўлди? — деди меҳмон киприк қоқмай.

— Бошимни қотирманг! Сиздақа «милиционер» инженерларнинг кўпини кўрганмиз!

— Лекин мендақасини кўрган эмассиз, — деб илжайди меҳмон.

— Тўғри! — деди маъмура бошини орқага ташлаб. — Сиздақанги сурбетини кўрган эмасман.

Меҳмон мийиғида кулимсиради.

— Майли, ҳазиллашиб олдик, бўлар энди, — деди шляпасини қўлига олиб. — Келинг, сизга очигини айтиб қўяқолай: менга бари бир жой берасиз. Чунки бу меҳмонхонани мен қурганман.

Маъмуранинг кўзларида қув бир учқун чақнади.

— Қачон қургансиз... меҳмонхонангизни?

— Ун етти йил бурун, — деди меҳмон бамайлихотир.

Маъмура унга илтифот билан жилмайди, бироқ бу табассумидан кўра бояги хўмрайиши афзалроқ эди.

— Балки Кўкалдош мадрасасини ҳам сиз қургандирсиз? — деди ўйиб олгудек.

— Йўқ,— деди меҳмон.— Уни ким қурганини ҳам билмайман. Эҳтимол сиз биларсиз?

Маъмура такаббуруна лаб бурди:

— Нега билмас эканман? Кўрга ҳасса қилиб ёзиб қўйилган: XV асрда Кўкалдош қурган.

— Ким?

— Кўкалдош деган вазир.

— Ҳа-а...— Меҳмон оғир тин олди.— Буни қаранг-а! Вазир Кўкалдош денг! Ҳойнаҳой, ўзи почасини шимариб лой қорган, қора терга тушиб ғишт терган бўлса керак, а?

Маъмурага бу заҳарханда ёқмади. Ҳамма қатори, унга ҳам бировларнинг истеҳзоли гаплари эмас, ўзининг ўзгалар устидан қилгувчи киноялари кўпроқ хуш ёқарди.

— Билмадим,— деди у қуруққина қилиб ва меҳмоннинг ҳужжатларини пештахтага ташлади.— Бўпти, муҳтарам бунёдкор, яхши боринг.

— Қайси қаватга?

— Қаватингиз нимаси?!

— Ахир, сизга айтдим-ку, жой...

— Мен ҳам сизга айтдим-ку, жой йўқ, деб!

Бошқа пайт бўлганда, бундай вазиятларда муқаррар жанжал чиқиши ва можаро муқаррар равишда маъмураининг тўла ғалабаси билан тугаши табиий эди. Бироқ бу воқеа ажойиб кунларнинг бирида рўй бермоқда эди, шу боис тамом ўзгача яқунланди:

— Менга қаранг,— деди меҳмон пештахта узра эгилиб.— Мана шу сиз савлат тўкиб ўтирган зални ҳам мен сувоқ қилганман. Мана шу қўлларим билан. Манави дуб эшикларингизни елкамда ташиб келганман. Тушундингизми?!

— ...

— Тушундингизми, деяпман?

— Учинчи қаватга чиқинг, ўттиз тўққизинчига,— деди маъмура хўмрайиб ва эшитилар-эшитилмас: — Шармандага шаҳар кенг,— деб қўшиб қўйди.

Меҳмон шляпасини кийди, эгилиб, оёғи остидаги чамадонини қўлига олди.

— Тўғри айтасиз, шармандага шаҳар кенг,— деди таъкидлаб.— Лекин бу меҳмонхонани ростдан ҳам мен қурганман. Тили бўлса, мана шу деворлар айтсин.

Меҳмон ортига қайрилиб қарамай, лифт томон юрди.

Афсуски, деворларнинг тили йўқ, маъмура синглим. Бўлмаса, шундай ҳақиқатларни ошкор этардики, ҳайратдан ёқа ушлаб қолармидинг... Агар уларнинг тили бўлганда эди, ҳар бир ғишт тагида кимларнинг манглай терию кимларнинг бир парча умри қолиб кетганини сўйлаб берарди.

Шукрки, деворларнинг тили йўқ, маъмура синглим. Бўлмаса, шундай сир-синаотларни фош этардики, уятдан ерга кириб кетармидинг... Қандай сир-синаот, дейсанми? Йўқ, яхшиси, сирнинг сирлигича, деворнинг деворлигича — абадий гунг, мангу соқов қолгани маъқул!

Туриб-туриб, одамга алам қилади: наинки жонсиз иморатнинг умри одамзод умридан кўра узунроқ, собитроқ бўлса?! Инсон хоки туроб бўлиб кетсаю унинг меҳнат самари яшайверса? Ҳақ гап, бор гап, лекин бари бир... Сенга алам қилмайдими, маъмура синглим: сен кетсанг-у, жондан ортиқ кўрган мана шу юмшоқ курсинг қолаверса, манави зангори дарпардалар қолаверса, манави мовий осмон қолаверса?..

Алам қилади, алам қилади!

Мен сенга айтсам, маъмура синглим, бу боғу боғчаларни, бу сафоли хиёбонларни, бу мунаввар фаввораларни кўкалдошлар бино этмаган. Улар бино қўйган, холос. Балки биларсан, билмасанг — билиб қўйганинг маъқул.

Бу қасри олийни хизматдан қайтган собиқ аскарлар, Исфараю Жомдан, Яйпану Термиздан, Жалолободу Туркистондан, Тошҳовузу

Жамбулдан Тошкенти азимга бахт излаб келган ўспиринлар, нозик-ниҳол қизлар, сочи чанг-тўзонда оқарган кекса меҳнатчилар биргаликда узоқ қурганмиз. Гоҳ жанжаллашиб, гоҳ сўкишиб, гоҳ ака-ука бўлиб... Қани улар, қайларда экан ҳозир? Соғ-омон бормикан? Барчасига умр вафо этдимикан? Илёс аканинг мудом ошқозони оғирди — фориг бўлиб кетдимикан? Акбар пул тўплаб, қачондир Ҳиндистонга саёҳат қилишни, Раж Капур билан бирга суратга тушишни орзу қиларди, тилагига етдимикан? Сувоқчи Клаванинг лейтенант эри йигирма олти ёшида ҳалок бўлган эди, ёлғиз қизини рассом қилмоқчи эди, ниятига эришдимикан? Бошқалар-чи, бошқалар? Уларнинг тақдири не кечди экан? Абужаҳл омонмикан? Шукрлар қил тақдирингга, маъмура синглим, сен бугун унга эмас, менга дуч келдинг!.. Қолганларни ким биларкин? Балки сен биларсан, маъмура синглим? Балки Шокир ҳам, Муштарий ҳам бахтини топиб кетгандир? Одам ҳодис, эҳтимол бирортаси сенга қўшнидир?..

Маъмура синглим, ҳар не бўлганда ҳам, сенга раҳмат. Жой бердинг. Бермаслигинг ҳам мумкин эди. Мутлақо мумкин эди: симпозиум, семинар, конференция, интурист, жим туринг... Унда, мен бутунлай ночор қолардим. Ваҳоланки, қачонлардир йигит умримнинг куч-қувватини бағишлаганим шу иморатда бир кеча бош қўймоқ энди мен учун бениҳоя муҳим.

«Меҳмонхонани қурган бўлсанг, текинга қурибсанми, қурутдек қилиб ақчасини санаб олгандирсан» дейишинг мумкин эди. Демадинг.

Демаганинг учун ҳам раҳмат.

Мен бир ўйлаб олишим керак, маъмура синглим. Шу боис ҳам бу қадар хиралик қилдим. Бўлмаса, кўчада қолган мусофир эмасман. Ана, икки қадам нарида жиянимнинг ўрдадек уйи. Агар бу ерга қўнганимни билса, аразлаб, уч кун юзимга қарамайди. Лекин... Бошпана сўраб келган меҳмоннинг рад жавоби олиши қанчалик оғир эканини сен хаёлингга ҳам келтиролмайсан. Чунки ҳаммамиз ҳам аслида бу дунёга меҳмонмиз, ўлмас Ҳофиз айтганидек: «Дунё як работе ду дар аст, Дар ин сарой ки, ҳар рўз қавми дигар аст»¹. Маъмура синглим, менга олам уйидан жой қолмади, сафарим қариди, муддатим битди. Бу ерга сўнги бир илинж билан келган эдим. Агар бунда ҳам...

Ун етти йил мобайнида бу шаҳри қадимга озмунча келмадим! Базми жамшидларда, кўнглим тиламаган давраларда, сафсата бозорларида кунларим тамаки тутунидай кўкка учди, идорама-идора бир имзога сарғайиб, ҳафталаб умримни елга берган вақтларим бўлди, мангу яшайдигандек, олтин дамларимни сомондек совурдим, бироқ, белимнинг қуввати, кўзимнинг нури, юрагимнинг ҳарорати қолган шу даргоҳни бир келиб кўрмоққа, бағрида бир кеча оёқ узатиб ором олмоққа фурсат топмадим.

Мана энди, фурсатим мўл, чексиз! Шу қадар чексизки, бундай чексизлик ҳеч кимсага насиб этмасин!..

У хонасига нари-бери жойлашдию дарҳол ваннахонага кирди. Майин, илиқ сув остида вужуд-вужуди яйраб, кўзларини юмиб тураркан, ёшлигини, Қудратни эслади: шу ҳовлида, ҳув анави бурчакда теграси қора қоғоз билан ўралган омонат душ бўларди. Ишдан кейин ҳамма шунга ёпириларди. У барчадан олдин кириб олар, соатлаб сувдан чиққиси келмасди. Қудрат эшикни тепиб дўк урарди: «Ҳой Султон! Кўксултон! Атирсовун! Чиқасанми-йўқми, оқем бўлиб кетгандирсан!» Ундан садо бўлмагач: «Сув кўрмаган, саҳройи,— деб куларди.— Агар Азроил келиб, Кўксултонга, тез бўл, жонингни оламан, десаям, у «Шошмайтур, олдин бир ювиниб олай», дейди. «Тўғри-да! — дерди у ҳам бўш келмай.— У ёққа озода бўлиб борган яхши-да. Ким билади, дўзахда сув хўжалиги қай аҳволда. Ҳассолга-ку ишонч йўқ, сенга ўхшаб халтура қилса...»

Ёз кунлари-ку майли, қаҳратон чиллада ҳам белигача ечиниб, муздек

¹ Дунё икки дарвозали бир саройга ўхшайди, ҳар куни унда янги меҳмон.

сувда ювинар, тўсдек қоп-қора, жингалак сочлари қуримасдан туриб, ялангбош, ялангтўш, қайдасан, Қатортоғ, деб ётоқхонасига жўнарди.

Бир гал апил-тапил калласини сувга पिшаётганида, қоровул чол кўзи тушиб қолиб, байбайлади: «Ҳаҳ, нодон бола, бошдан айриласан-ку!» Унинг бепарво кулимсираб қўйганини кўриб, баттар жиғибийрон бўлди, хужрасидан куя еган эски бир телпак кўтариб чиқди: «Ма, кийиб кет буни. Бошингга бир қалпоқ олсанг бўлмайдим, пулинг йўқми!» У хандон отиб кулди: «Ўзи яхши ишламайди, энди бунга қалпоқ олиб...» «Бўлди, билдим, пулинг бор экан-у, ақлинг йўқ экан», деди чол астойдил ранжиб.

Чиндан ҳам, ўшанда ақли йўқ экан. Йўф-э? Фақат ўшандами? Кейин-чи, кейин? Наҳот ақли бор одам у қилган хатоларни қилса? У юрган йўллардан юрса? Унингдек тарки ихтиёр этса?..

У деразadan ташқарига хомуш, бемурод тикилиб тураркан, бирдан ҳаёти мазмунсиз романдек зерикарли бўлиб қолганини, хаёли сийқа ва бетайин саҳифалар узра тинимсиз кезаётганини пайқади. Бемаза китобни-ку жонга теккан жойда шартта ёпиб қўйса бўлар, бироқ умр китобини... Яхшими-ёмонми, азоб-уқубатми, бари бир унинг сўнгги саҳифасигача бирдек азиз, бирдек юракни энтиктиради!

Шу кунгача ишида, ташвиш ва интилишларида ўзи англаб етмаган, англаб етганида ҳам асло қадрига етмайдиган бебаҳо бир маъно мужжасам эди. Кундалик югур-югурлар — эрталаб тик оёқда ичилган бир пиёла чойдан тортиб бошқармадаги ёқайиртар мажлисларгача, ишхонадаги уриш-сўкишу илтимос ва дўқ-пўписаларгача, ҳазил-мутоибаю кўз-ёшларгача, ошқора ва пинҳоний алам-армонларгача — ҳаммаси умр китобининг қадрдон саҳифалари эди, буларнинг барчаси унинг ҳаёти эди. Мана энди, дафъатан фикрсиз, ўйсиз қолди, юраги бўм-бўш, унда фақат ғашлик ва оғриқ ҳукмрон, ниманики ўйламасин, хаёлининг бир учи муқаррар равишда ўша дарди бедавога бориб тақалади. Аммо ўйламай яшаб бўлмайди, хаёл деганнинг бу қадар мислсиз азоб беришини энди кўриб туриши. Одамзодга, ўйнама, кулма, йиғлама, деб амр этиш мумкин дир, инсон боласи истаса буларнинг уддасидан чиқар, бироқ ўйлама деб айтиб бўлмас экан...

Ҳар бир арзимас нарса ҳам юрагида қарийб унутилган хотираларни қайта тирилтиради, аммо кўпинча бу воқеаларнинг аксарияти ҳозирги аҳвол-руҳиясига мутлақо дахлдор бўлмайди, лекин унинг бунга ишонгиси келмайди, шубҳаланади, негадир, оламда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ, йўқса, менинг буларни эслашимдан не мурод-мақсад бор, деб ўйлайди; бир боғлиқлик борки, улар мени изтиробга солади, фақат мен бунинг қандай сирли робита эканини билмайман, холос... Баъзан, ўзига-ўзи, хаёлим оғиб қолмадимикан, деган ваҳима билан мурожаат қилади, миясида оғриқ тўради, бундай дамларда тезроқ кимдир келишини, ҳатто душманининг бўлса-да, овозини эшитишни истаб қолади.

Икки йилдирки, шу аҳвол.

Область касалхонасидан чиққанидан буён ўзини қўярга жой тополмайди. Дафъатан қулоғига чалиниб қоладиган гап-сўзларда, байту ғазалларда энди бутунлай ўзгача маъно кўради. «Сен узоқ яшайсан ҳаммадан зиёд, ҳали тойчоқларинг ўйнаб юрибди, мени-чи, шум ажал нақ останада эгарланган отдай кутиб турибди». У бир оқшом палатада мана шундай ёлғиз эди, ёстиқ устида транзистор ётарди, бирдан машҳур шоир шеър ўқий бошлади: «Сен узоқ яшайсан...»

Назарида, вужуди симобдек эриб тушди, бошини деворга суяб унсиз йиғлайверди, йиғлайверди... Бу жудаям ғаройиб бир ҳол эди: ҳазин мисралар унинг дардига дард қўшар ва айни пайтда дилига сарин, ёруғ бир изтироб бағишлар эди. Бу изтироб кўнглини лаҳза сайин юксалтириб борар, чеккан ниҳоясиз риёзат ва азоблари эвазига унга юланч берар, ҳамдард бўлмаққа ваъда этар эди. Кўзёшлари нафаси тиқилиб қолгунича тинмади. Ўзига келганида хона қоп-қоронғи эди, ташқарида чироқлар ёнган, йўлакда тапир-тупур қадам товушлари, бақир-чақир, кулги — касалхонанинг одатдаги ҳаёти давом этарди. У кўкси тўлиб, яна андух билан шивирлади: «Сен узоқ яшайсан, ҳаммадан зиёд, ҳали тойчоқларинг

ўйнаб юрибди...» Давомини такрорлашга қурби-қудрати етмади, ўзини каравотга юзтубан отди...

Умиди кўп эди ҳали!

Ўлиб-тирилиб, тиришиб-тирмашиб, сув келса симириб, тош келса кемириб, эндигина одам қаторига кирдим, деб хаёл қилган эди, бир одамчалик гуноҳ-савоби бор эди, қайси феълию қилмиши учун фалак унга бу жазони раво кўрди экан — билолмас, дунёга шундоқ келиб, шундоқ кетишида қандай сирли маъно яширинлигини англаёлмай ўртанар эди. Йўқ, бундай бўлмаслиги керак, бундай бўлмаслиги керак, бу инсофдан эмас, агар шундай бўлса, оламда адолат деган нарсанинг уруғи ҳам қолмаган экан!..

Мана, олдинда — тун, уйқусиз кечажак, оғир, таҳликали яна бир тун...

Ҳар қалай, кундузлари амаллаб чидаса бўлади: бир-ярим яхши-ёмонни кўради, ундан-бундан икки оғиз сўзлашиб, пича тафти чиқади, ғубори арийди, аммо кечаси... Тун — Азроилнинг гумаштаси.

Босиб келаётган ғашликдан нима қилиб бўлса-да, қутулмоқ ниятида, чамадонидан ҳар эҳтимолга, деб солиб қўйган икки-учта китобни олди. Аста жойига чўзилиб, варақлай бошлади. Сал ўтмай, баттар юраги сиқилди. Аксига олгандек, китобларнинг ҳаммаси дард ҳақида, инсон азоб-уқубатларининг поёнсизлиги, одамзод бардошининг чексизлиги ҳақида ҳикоя қиларди. Аммо у сабр-бардошнинг ҳам чегараси борлигини аллақачон билиб олган, шу боис китоблар саҳифасидан термилиб турган ўзи каби одамларнинг туриш-турмуши, ташвиш-изтиробларининг энди унга кизиғи йўқ эди...

Боши тепасидаги радио қутчасига қўл чўзди. Симфоник музиканинг капалак қанотидек нозик оҳанглари нимқоронғи хонани тўлдирди. Кўп ўтмай тарона тиниб, мулойим аёл товуши янгради: «Энди Жўра Ҳабибов асарларидан эшиттирамыз. «Олмача анорингга балли». Халқ куйи. Жўра Ҳабибов қайта ишлаган».

Пауза тиниб улгурмасидан, ижирғаниб афтини буриштиради: «Қайта ишлаган?! Нега, қандай қилиб? Тавба! Халқдан ҳам дономики, қайта ишлаб...»

Ва шу заҳоти ўзининг бениҳоя бадбин, майдакаш бўлиб қолганини алам билан тан олди...

* * *

Тун бўйи шитирлатиб ёмғир ёғди, дераза ортида шамол изиллади. У жунжикиб уйғонди. Ташқарида сийрак қор қуроқ кўрпадек олачалпоқ бўлиб ётар, ер оқариб улгурмасидан эриб кетмоқда эди. Кўнглини тагин ғашлик чулғади, мана, қор ҳам ёғди, деб ўйлади, илгарилари биринчи қорни ҳатто сезмай ҳам қолардинг, сезсанг ҳам парвойинг фалак эди, энди шу ирқит қорга ҳам қараб йиғлагинг келади — ким билсин, қайтиб кўкламни кўрасанми-йўқми... Бу фикрдан дилидаги ғашлик янада ортди, ўтган-кетганлар хотираси оғриқ қўзғаб ёдига тушди. Хаёлида режа тузди: ёшлиги ўтган, умрининг яхши-ёмон кунлари кечган бу азим шаҳарнинг обод ва жинкўчаларини, паст-баланд майдонларини, хилват ва қадрдон хиёбонларини, беғам ва серташвиш одамларини яна бир кўрмоқни, кўрғошиндек оғир, дим ҳавосини тагин бир бор туймоқни, ўзи билган ва билмаган кўп азиз жойларни зиёрат қилиб, фикран алвидо айтмоқни тилади. Эҳтимол, у айна дамда худди шундай китобий ўйлама-гандир, бироқ тахминан шу тахлит хаёл қилгани ҳақиқатга яқинроқ, чунки одамизот бари бир одам, мушкул дамларда қандай бўлмасин, қаердан бўлмасин, бир паноҳ истаб қолади, бир оғиз ширин сўзнинг гадосига айланади, тасаллидан мўъжиза кутади.

Уст-бошини олмоқ бўлиб кийим жавонини очди. Костюми илгичда ғарибона шумшайиб турарди. Бирданига Зумрадни эслади: ҳар сафар ётоқ бўлмасидаги жавонни очаркан, ўзининг кийимлари устига хотинининг бирорта кўйлагими, халатими оҳиста, беозор ташлаб қўйилганини

кўрарди. Зумрад бирор нимани ўйлармиди-ўқми — билмайди, лекин ҳар сафар костюмининг елкасида нимпушти кўйлакка кўзи тушганида негадир бир хил бўлиб кетарди. Зумрад, Зумрад, беҳабар, беҳавотир Зумрад!..

Нейрохирургия институтига бориб, баттар феъли айниди: профессор Насимов чет элга — халқаро конгрессга кетган экан... Сўнги илинжи энди шу одамдан. Бироқ унинг тўғрисида афсонавий шуҳратидан бошқа ҳеч нарса билмайди. Султонни қабул қилган ёшгина, лекин қориндор бўлим мудир, ҳужжатларингизни қолдириб, анализ топшираверинг, доцент Абдураимова кўрадилар, деди, аммо биринчи кунданоқ иши юришмагани учунми, бутунлай ҳафсаласи пир бўлди.

Троллейбус дардманд кимсадек базўр судралиб, Эски шаҳар томон борарди.

Эски шаҳар!

Бундан ўн беш йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай ғаройиб бир файзу шукуҳ билан қайнаб ётарди у! Ҳар томонда тириклик тантанаси — ҳаёт уфурарди; осмонни тўлдирган байналмилал ғала-ғовур, расталарда қулф урган жаннат, хаёлкаш чоллар, пашмакдек мулойим кампирлар, бир зум-тинмагандек, бир зум тинмайдигандек туюлгувчи шикаста ҳинд кўйлари... Бу эски ва янги расталар бағрида, ҳашаматли тимлар остида мардлигу олчоқлик, хоксорлигу фирромлик, зиқналигу хотамтойлик, нозик лутфу чапани бир руҳ аралаш-қуралашига дарёдек гувиллаб ётар эди.

Қоғоз халтани тўлдириб харажат қилди: қайноқ патир, шўрданак, каттакўрғони майиз, ҳалво...

Бозордан чиқиб, сўлдаги жинкўчага бурилди. Ўйдим-чуқур, қадимий кўча. Хотирада собит нарсаларнинг ҳаммаси бунда буткул ўзгарган. Кўҳна дунё донишмандлари, бир дарёни икки марта кечиб ўтиш мумкин эмас, дейдилар. Бир кўчани-чи, бир кўчани икки марта кесиб ўтиб бўладими!.. Бу овлоқ, зебсиз гўшаларда унинг ёшлиги қолиб кетган. Мана шу муюлишдаги уйда бир букри чол пастак деразасини кўчага очиб дўконча қурган, қишин-ёзин белигача танчага кўмилиб ўтирар эди, олдидаги қатор халтачаларда писта, ерёнғоқ, қурут, тоқчаларда пачка-пачка сигарет... Чол қийшиқ, оқ соч бошини тинимсиз сарак-сарак қиларди — маъқуллаяптими, рад этяптими, билиб бўлмасди. Манави бурчақда эса гугурт қутисидек магазин бўларди, Қудрат иккаласи жазирама ёз оқшомлари шу ердан мусаллас сотиб олишарди. Ундан нарида — «мусулмон» фиштли пойдевори шўрлаб кетган, вақтида шаҳарнинг олди иморатларидан саналган, аллақайси машҳур бойнинг собиқ мулки бўлган болохонадор бино бор эди. Пастада нимқоронғи, қандайдир сирли йўлаклар, залворли нақшин дарвозалари ҳамиша ёпиқ, иккинчи қаватида арининг уясидек ғужғон алоқа бўлими жойлашган эди. У онда-сонда бу ерга бош суқар, «Тириклигимни билдириб қўяй», деб эчкининг йўталидек қисқа хат-хабарларини уйга жўнатар эди. Мана, мудом жилдираб ётадиган ариқча, ҳануз асфальт йўлгага лойқа сув тошиб ётибди...

Ва ниҳоят, халтакўчанинг этагида — ўша кадрдон маскан, Аянинг уйи.

Аянинг асл исмини ҳеч ким билмасди. Узи ҳам бирор марта айтмаган, кўни-кўшнилару бунда макон қурган ҳисобсиз «кунда-шундалар»нинг ҳаммаси учун у оддийгина «Ая» эди, вассалом.

Ая — у билган одамларнинг энг соддаси эди.

Ҳамиша жонсарак, ҳамиша ташвишманд, кўзлари доимо ёшланиб турадиган бу аёлнинг фарзандлари бир этак эди, аммо Султон ҳар замонда келиб турадиган Холниса деган қизию унинг Маматқул исмли асли каттакўрғонлик эрини ва кун узун кун айвонда ер билан битта бўлиб ётадиган Бакир деган ўғлини танирди, холос.

Бакирнинг аҳволи чатоқ эди. Ая ҳар куни эрталаб кўзига ёш олиб, уни оғирлашиб қолди, деб айтар, бироқ ҳафта ўтар, ой ўтар, беморнинг ётиши ўша-ўша эди. Баъзан ярим кечаси эшикда «Тез ёрдам» пайдо бўлиб, Бакирни олиб кетарди. Эртаси кампир Султон билан автобусга тушиб,

шаҳарнинг бир четидаги касалхонага банкада совиб қолган товукшўрва элтарди.

Султон Аяга ачинар, ундан ҳам кўра кўпроқ қирққа кирмай қирчинидан қийилган Бакирга қайғулар эди. Аммо ҳеч вақт, бир кун ўзим ҳам шу дарди бедавога йўлиқарман, деб хоби-хаёлига келтирмаган эди...

Бакирни қарғиш урган эди, қилмишига яраша тортиб ётарди. Аянинг айтишича, уни ичкилик соб қилган. Ичганда ҳам одам сиёқини йўқотиб ичаркан. Отаси дилидан ўтказворган, буни шу тамом қилди, дерди Ая юм-юм йиғлаб, «Бир куни итдек ичиб келганида, чолим раҳматли қаттиқ койиди, жуда қаттиқ койиди. Шунда бу баттол олтмиш бешга кирган отасининг юзига қараб: «Э, қирқиб олармидинг!»,» деб беҳаёларча кулди. Мен бечора, тилим калимага келмай, тошдай қотиб қолдим. Отаси бечора титраб-қақшаб қарғади, у дунёю бу дунё рози эмасман, илоё косанг оқармасин, деди. Кейин бир ҳафтагина кўрпа-тўшак қилиб ётдию узилди...»

Ая шундай деб кўзидан шашқатор ёш тўкарди-ю, лекин бари бир бирор лаҳза Бакирсиз турулмасди. Тўрт йилдан буён — Бакир ётиб қолгандан бери қўли косов, сочи супурги эди. Катта ўғли Қосимжон — проводник, икки йил бурун Россия шаҳарларидан бирида чайқовчилик билан қўлга тушиб кесилиб кетган, кампир кўпинча Султонга дардини айтиб йиғларди: «Нега менга фарзанд берди-ю, роҳат бермади...»

Султон ишдан, ўқишдан қайтиб, баъзан можаро устидан чиқиб қоларди: Холниса билан Маматқул Аяни ҳол-жонига қўймай, Қорасувдаги уйларига олиб кетмоқчи бўлар, Ая оёқ тираб қаршилиқ қилар эди: «Бакирнинг аҳволи не кечади?» Холниса бўғилиб, онасини жеркиб ташларди: «Ўзингизниям ўйланг-да, ойи, ўзингизни ўйламасангиз, бизларни ўйланг, мен ор қиламан сизни шундоқ ташлаб қўйгани. Зулмузуғумлари эсингиздан чиқдим, не кўнларни бошингизга солган эди. Берворинг касалхонага!»

Аммо Ая она эди, фарзанди турганда ўзини ўйламасди — ўйла-ёлмасди.

Холниса Бакирни сира-сира кечиролмасди, ҳатто вафотидан кейин ҳам бирор марта жигарим демади, кўзидан бир томчи ёш тўкмади — акаси унинг учун тириклигидаёқ ўлган эди.

Аянинг уйида Султон уч йил турди. Бу хонадондан унинг беҳисоб дўсту ёрлари борми, меҳмонхонага жойлашолмай қолган ҳамқишлоқлари борми, ўқишга келган укалару сингиллари, жиану бўлалари борми — барча-барчасига бошпана ва бир оғиз ширин сўз топилар эди. Вақти бемаҳал кимки эшигини қоқиб келмасин, Ая мудом парвона эди: «Аянгиз киргиттон, кечга нима томоқ қиламиз?» Унинг тили ҳам ўзидек соф, содда, қадимий эди. Қудрат ўқишни битиргунларича Аянинг гапларини такрорлаб юрди: «Қани, жужуқларим, кетдик, ёнимда бир пақир ҳам йўқ, томоқ олиб беринглар менга...»

Иккинчи йил қиш охирлаб қолганида Бакирнинг азоблари ниҳоят барҳам топди. У-ку қилган гуноҳлари учун, қилмишлари учун шунча вақт укубат тортди, аммо Султон нега, қайси ёзуғига...

Ҳаммамиз ҳам ўзгалар устидан ҳукм юргизган пайтда ўзимизни фаришта санаймиз. Лекин ҳар биримизнинг дунёга келиб содир этган очиқ ва яширин, катта ва кичик гуноҳларимиз, арзимас ва ювиб бўлмас айбу хатоларимиз борки, бошқаларнинг қилмишларига нечоғлиқ қаҳр-ғазаб билан муносабатда бўлсак, буларга шунчалик меҳр-мурувват билан қараймиз — сассиқ бўлса ҳам бурун ўзимизники!.. Ахир, Султоннинг гуноҳлари озми? Лоақал шу Аянинг олдида, шу мунис-муштипар аёлнинг олдида озмунча айби борми? Бу шу қадар улуғ айбки, энди ўйласа, юраги орқага тортиб кетади!..

Онасидек бўлиб қолган бу бояқиш кампирни куппа-кундуз куни алдаган эди, ахир!

Эсласа... ҳали-ҳануз баданидан совуқ тер чиқади, бошини қайси тошга уриб ёришни билмай қолади. Бир гал, қишлоққа бориб, негадир Зумраддан қаттиқ ранжиб қайтган кезлари эди, дунё кўзига қоронғи, оҳидан

аланга чиқиб юрган кунлар... Бир оқшом чидаёлмади, куни кеча танишгани — қийғоч кўзли бир санамни тўғри Аянинг уйига бошлаб келди, мана, Ая, келинингиз, қишлоқдан келди, деди, бақрайиб туриб, қилт этмай ёлғон сўзлади... Ая кўзига ёш олди, нозанинни бағрига босиб кўришди, узундан-узун дуо қилди, мотамдор бўлиб тўйга боролмагани учун қайта-қайта узр айтди, сўнг бемалол ўтирган одам, бирдан Холнисаникига бориши зарурлигини эслаб қолди, калитни унинг қўлига тутқазиб, чиқиб кетди.

Мана, ўшандан буён орадан шунча йил ўтди. Уша шармисор қилмиши учун у энди — боши қарсиллаб тошга текканда, саноқли кунлари қолгандагина надомат учун фурсат топди. Бироқ бу шундай надоматки, ундан халос бўлмаса, айбини бўйнига олиб, истиғфор келтирмаса, дунёдан кўзи очик кетади, дили сезиб турибди.

Аммо тазарру қилгани улгурармикин? Ахир, ундан бери бир ўспириннинг умри кечди, туз ичган, меҳр-оқибат кўргани бу хонадондан, унинг муштипар соҳибасидан бир келиб хабар олишга бўйни ёр бермади! Ая бормикан ўзи? Бор бўлса... қандай киради? Нима дейди? У кечирармикан? Кечиргани рост бўлармикан? Бу шафқатдан кўнгли таскин топармикан?

У, журъати тутдек тўкилиб, нураб ётган кўхна девор қаршисида паришон туриб қолди. Анча вақт ўтгач, ўткинчиларнинг ўзига ажабланиб қараётганини сезиб, юрак ютиб кўнғироққа кўл чўзди.

Ичкарида ит вовуллади; занжирнинг шилдирагани эшитилди, енгил қадам товуши, аёл овози: «Жим ёт!» Ва ниҳоят, эшикнинг зулфи туширилиб, бир табақаси қия очилди. Остонада бахмал халат кийган, лўппи юзли, сарғиш бир аёл турарди:

— Келинг?

У ғўлдираб салом берди, томоғи қуруқшаб:

— Ая бормилар? — деди.

Аёлнинг қошлари чимирилди:

— Қанақа ая?

«Ў! Аяни билмайди!»

— Бу Бакир акаларнинг уйими? — деди баттар довдираб.

— Йўқ, — деди аёл ва унга бошдан-оёқ шубҳаланиб тикилди. — Ким керак ўзи сизга?

— Ая...

— Қанақа ая?

«Э, ғалча-ей! Қандоқ тушунтирдим энди бунга?»

— Мен бир пайтлар шу ерда турган эдим. Бир кампир ая бўларди.

— Оти нима? — деди аёл эшик тутқичини ҳамон қўйиб юбормай.

— Оти... отини билмайман.

— Ҳеч қанақа кампир турмайди бу ерда, — деди аёл ва эшикни унинг юзига ёпди.

Тамом! Бугун иши юришмайдиган кун экан ўзи!

Энди нима қилса экан? Аяни қайдан сўроқласин? Сўроқлагани билан топармикан?

Кўчанинг бошигача ҳардамхаёл бориб, аста изига қайтди. Қўшни эшикни секин итарди. Бир чол ичкаридан обдаста кўтариб айвонга ўтаётган экан, уни кўриб, ёнига келди.

Ая беш йил бурун бандаликни бажо келтирибди. Қосимжон муҳлатини ўтаб келгандан кейин ҳовлини сотиб кетибди. Лекин ўшандан буён уйнинг муқим бир хўжайини йўқ эмиш, уч марта савдо бўлибди. Йўқ, у Холнисанинг турар жойини билмайди, эшитишича, эрининг юртига кўчиб кетган эмиш. Йўқ, йўқ, Қосимжонни кейин қайтиб ҳеч ким кўрган эмас. Ҳа, кампир ўзининг хилхонасига қўйилган, Минорга. Шунақа аҳвол...

Султон ўзини танитиб ўтирмади. Кўнгли муздек бўлиб, чол билан хўшлашди.

Кечас Орзу холани туш кўрди. Ҳамон ўша ҳайҳотдек ҳовлисида, қалдирғочлар уя қўйган айвонида шифтга термилиб ётибди. «Қўйларимни суғориб бергин, — деб ёлворармиш, — икки кундан бери сувсиз қолди...» «Неча пул берасиз?», деб сўрабди у. Орзу хола инқиллаб-синқиллаб

ёнбошига ағдарилибди, тўшагининг тагидан қирқ жойидан тугилган рўмолчасини олиб, уч-тўртта чақа чиқарибди. «Йўқ, оқидан беринг, оқидан! — деб унамасмиш у. — Бўлмаса, ҳозир кетиб қоламан...»

Соат уч ярим бўлган экан. Қайтиб миужжа қоқолмади. Тавба! Орзу хола... Қишлоқдаги қўшни кампир эди у, ҳеч кими йўқ, ўғли урушдан қайтмаган, дейишарди, ҳайҳотдек ҳовлиси, тўрт туп тутио бир-иккита дирдов қўйи бўларди. Қиш кунлари, кўклам чоғи оёғи шишиб кўзғалолмай қолар, кун узун-кун деразаси тагидан ўтадиган болаларга ялиниб ётар эди. У эса бечора кампирнинг пулини оларди, сўнги чақаларини шилиб оларди!..

«Яна гуноҳим йўқ, дейсан! Яна ҳайрон бўласан!»

Йўқ, бу оламда ҳеч бир нарса жавобсиз қолмагай, ҳеч бир нарса...

Эрталаб соқол қиртишлаётганида телефон жиринглади.

— Султон ака? — Дўрилдоқ товуш телефон трубкасини зириллатиб юборди.

«Абдулла! Қаердан билди? Оббо!»

— Салом, — деди у довдираб.

— Султон ака, ўзингизмисиз? — Бу сафар жиянининг овози хийла ишончсиз эшитилди.

— Ўзим, Абдуллажон.

— Э, яшанг-э! Шунақаям бўладими! Айтинг, бизнинг гуноҳимиз не?

«Ҳафа бўлибди, — деб ўйлади у. — Тавба, қаёқдан билди экан-а?»

— Қачон келдингиз? Уйлар тинчми? Янгам, Сардор?

— Зўр, — деди у кулишга уриниб. — Ўзларингиз қалай?

— Нима, иш билан келдингизми?

— Йўқ, шундай бир айланиб... Бу ердалигимни қаердан билдингиз?

— Агентурамиз зўр ишлайди. Ҳа-а, кайфият дурустми, ахир? Мен ҳозир етиб бораман.

— Э, шошманг, иш-чи, иш?

— Ўшанақаси ўтарман. Тагин қочиб қоласиз-да, бўлмаса.

— Қочмайман, — деди у стулга чўкиб. — бундай қилсак, Абдуллажон, сиз бемалол ишларни кўраверинг. Мен ҳали уч-тўрт кун шу ердаман. Кечқурун кўришайлик. Маъқулми?

— Бўпти, мен сизни ишдан кейин уйга опкетаман.

— Хай, қани, кўрармаз. Камол қалай?

— Э, юрибди лақиллаб. Сизни менга шу айтди-да, бўлмаса, кўролмай ҳам қолармидим.

— Ие! Қаерда кўрибди мени?

— Кечқурун шу меҳмонхонада санғиб юрган экан, сизга кўзи тушиб қолибди. Олдиларига боролмадим, ёнимда одам бор эди, деди.

— Қанақа одам? — деди у ажабланиб.

— Жонон-да! — деб ғудранди Абдулла жаҳл билан. — Биласиз-ку, уни!.. Бўпти бўлмаса, ҳозирча.

— Хўп. Камолни ҳам олиб келинг кечқурун.

— Э, бошингизга урасизми уни!

— Йўқ, Абдуллажон...

— Мен айтмасимдан етиб боради, хотирингиз жам бўлсин.

Наридан-бери тамадди қилиб, яна Нейрохирургия институтига жўнади. Кулранг халат кийган тўп-тўп беморларни, кўриқдан ўтмоқ учун саф тортган гала-гала касалмандларни кўриб яна ваҳми ортди, дунёда соғ одам қолмаган шекилли, деган хаёлга ҳам борди. Бадбўй, ўткир дори ҳиди анқиган нимқоронғи йўлақларда қон топшириш, минг бир хил қоғоз тўлдириш учун навбат кутиб кунни чошгоҳ қилди.

Кечга яқин гали етиб, «Доцент Абдураимова Н. А.» деган лавҳа осилган эшиқдан ичкари кирди. Остонада тўхтаб, салом берди. Оппоқ стол ортида ўтирганча нимадир ёзаётган паст бўйли, сийрак сочли аёл индамай, рўпарадаги суянчиқсиз катга ишора қилди. Бир оздан сўнг яна чурқ этмай, стол устидан унинг қоғозларини олиб ўқишга тутинди, алламаҳалдан кейин кўзойнаги оша унга қараб:

— Қирқ учга кирдингизми?—деб сўради.

— Қирқ учга... — деди Султон танглайи қуруқшаб.

Доцент Абдураимова тагин қоғозга тикиларкан, худди ўзига гапиргандек:

— Хатарли ёш бу,— деб қўйди.

Бир нарсалар ёзиб, «касаллик тарихи»га яна бир саҳифа қўшгач, у шошилмай ўрнидан турди, Султоннинг қон босимини ўлчаб кўрди-да, тўппа-тўсиндан:

— Намунча давлениянгиз паст?— деди.

Султон гангиб қолди.

— Бори-да...— деди гуноҳкор одамдек бўйинини қисиб.

— Уликнинг давлениясидан ҳам паст-у?— деди Абдураимова, жойига ўтиб ўтираркан.

Султон, азбаройи довдираганидан лом-мим деёлмади. Ҳазилми деса, Абдураимованинг вазоҳатига қараганда, ҳазил-мутоиба кўчасига яқин ҳам йўлайдиган аёлга ўхшамайди, чин деса, наҳот, туппа-тузук, эсли-хушли одам, эгнида оппоққина халати ҳам бор...

Бўшашибгина костюмини кийди, ҳағуз индамай ёзиб ўтирган врачга гарангсиб тикиларкан, хаёлига лоп этиб келган гап тилига чиқиб кетди:

— Сиз дўхтирма, ёзувчими?

Абдураимова эринибгина бошини кўтарди, унинг гапини англамаган чоғи:

— Рентген сурати қани?— деб сўради.

Султон қутулганига шукур қилиб:

— Кечирасиз, профессор Насимов қачон келадилар?— деди шоша-пиша. Аёлнинг ҳайрон боқиб турганини кўриб, ёлғон қўшди:— У киши... менга, ўзим кўраман, деб ваъда берувдилар!

Доцент Абдураимова, шунча вақти ҳайф кетганига афсусланиб, яна шитоб билан ёзишга киришди.

Насимов нариги ҳафтага қайтар экан. Демак, кутишдан ўзга чора йўқ...

Ҳориб-чарчаб, хонасига етиб келгач, қайноқ чой ҳўплаганча Абдулла билан Камолни кута бошлади. Абдулла — амакиси Ҳабибулла новвойнинг ўртанча ўғли, геология факультетини тугатиб, «илм қиламан», деб шаҳарда қолиб кетди. Утган йили бирга ишлайдиган Камол деган самарқандлик оғайниси билан Қўҳитанг тоғларида қадимий динозавр жасадининг қолдиқларини топиганда илм оламида анча шов-шув бўлиб кетган, гарчи Султон бир махлуқнинг жасади туфайли нега шунча овоза чиққанига тушунмаса-да, жияни билан ич-ичдан ифтихор қилиб юради.

Йўқ, у дардини жиянига зинҳор-базинҳор ошкор этмоқчи эмас. Ишли одам, бола-чақасининг ташвиши ўзига етиб ортади. Ахир, уйда ҳатто Зумрад ҳам беҳабар қолди! Эрим малака оширишга кетди, деб ўтиргандир бечора. Умуман, тўғри бўлдими шу иши? Агар ўша нарса муқаррар равишда юз берадиган бўлса, унда, ҳарчанд яширгани беҳуда — охириқибатда уни сўнги манзилга дафн идораси эмас, қариндош-уруғи, дўсту биродарлари элтиб қўяди-ку! Лекин... кўнгли сезиб турибдики, буни ҳозир ошкор айласа, атрофида бошланажак югур-югурлар, изтиробу кўзёшлар, сохта таскину нигоҳларда пинҳон ваҳималарнинг ўзиёқ уни ўлмай туриб ўлдиради: ҳамма сенга парвона, ҳамма сенга ҳамдари, бироқ ҳамма бирдек ночор! Бу ҳол қанчага чўзилади, қачон барҳам топади — ҳеч кимса билмаса... Бир одамнинг касали деб ўн одам изтироб чекканидан кўра, нақадар оғир бўлмасин, бир кишининг ўзи барчасига бардош бергани маъқул.

Нимқоронғи, жимжит хонада ўтирганча у совуқ бир қатъият билан шу қарорга келди. Ва лекин шу заҳоти бу қарорнинг заҳри юрак-бағрини музлатиб юборди.

«Энди ишлайдиган, энди яшайдиган ажойиб кунлар келган эди, Султон. Ғурбатлар ортада қолди, деб ўйлаган эдинг. Зарқўрғонда, қурилишда қанчалик қийин, қанчалик оғир ишларни бошлаган эдинг, ёдингдами? Наҳот ҳаммаси чала қолса? Наҳот Мавлонқуловга ўхшаган

ғанимларинг яна тантана қилса?.. Аслида, суюгингни оқартирган шу Мавлонқулов эмасмиди? Эсингдадир, уч йил бурун баҳорда уни бир машина тахта билан қўлга туширган эдинг. Аввал, илоннинг ёғини ялаган тумшуғи билан оёғингни ўпмоқ бўлди, ҳатто обидийда қилди, кейин ўзининг жуда ҳам ердан чиққан етимча эмаслигини, уни ҳам сўровчилар топилиб қолишини айтди; буям таъсир қилмагач, ошкора ҳужумга ўтди: «Майли, бойниқини бойтёват қизғанар экан, ўзинг ҳам емай, бировга ҳам едирмай, чиритиб ётавер-чи, қани, давлат гўрингга тилладан ҳайкал кўярмикан? Қўйса ҳам, бир қутурган итнинг ҳайкалини қўйса керак!..» Ажабо, ахир сен гугурт чўпига ҳам лов этиб ёнадинг одам эдинг, лекин, негадир унинг гирибонидан олмадинг (хайрият-хайрият, қўл теккизмаганинг — йўқса, тўрт-беш йилни бўйинингга илиб олишинг нақд экан!), чағир кўзига тикилиб туриб айтган гапинг шу бўлди: «Сен... каззоб! Сен... давлатга тил теккизма — маразинг юқади!» Чунки дилингни қат-қатида муқаддас қасамдек пинҳон мана бу сўзларни Мавлонқуловга раво кўрмадинг, чиндан ҳам, бу гаплар Мавлонқулов учун ҳайф эди: «Биласанми, ярамас, ўттиз учинчи йилги очарчиликда ўн саккиз жонли улкан бир хонадондан ёлғиз менинг отам омон қолган! Давлат кесраб қолган уни! Детдомнинг нони билан! Ушанда отам ҳам қирилиб кетса, мен бу ёруғ дунёни кўрармидим?! Қулоғингга кўрғошин бўлиб қуйилсин, мараз: шу давлатнинг фарзанди ҳам, эгаси ҳам мен! Чидайсанми шунга?! Шунинг учун давлатнинг тийинига чўзган қўлингни суғуриб оламан, билдингми?..» Бу гаплар Мавлонқулов каби кимсалар онгига икки дунёда ҳам етиб бормаслигини яхши билардинг — ҳукминг қисқа бўлди: «Кўтар тўрва-халтангни, эрта милицияга бориб жавоб берасан!»

Шу оқшом қаёқдандир кун чиқиб уйга эртароқ қайтган эдинг. Зумрад чучвара қилаётган экан, ишком тагидаги чорпояда ўғлингни қорнингга миндириб ётган эдинг, айвондаги телефон устма-уст жиринглайверди, жиринглайверди... Гуё агар яна бир-икки дақиқадан кейин телефонни биров олмаса, қўнғироқ қилаётган одамнинг тоқати тоқ бўлиб, нақ трубканинг ичидан чиқиб келадигандек эди. Юрагинг безиллаб, аста телефонга яқинлашдинг.

«Алло, қаердан бу?»

«Қаердан бу?» деган аҳмоқона гапни эшитдинг-у, одатдагидек, тағин тепа сочинг тикка бўлди. Чунки бу сўзнинг маъносини тушунмас эдинг, аниқроғи, у ўзи бемаъни ибора эди.

«Қаердан керак эди?!» — дединг тишларинг ғижирлаб.

«Муродовнинг уйими? Султонжон?»

«Қамар Шарипович!» — беихтиёр юрагинг шув этди.

«Ҳа, мен эшитяпман», — дединг ўзингни босиб.

«Яхшимисиз, укажон! Ишлар қалай? Чарчаб қолмаяпсизми? Ҳа, баракалла, бўшашманг, ука, бўшашманг. Умидимиз сизлардан энди. Бу, планлар бўляптими? Чавканчадаги мактабни топширдингизми?.. Нега?»

Товушингдаги титроқни сездирмасликка тиришиб, областдаги бошлиқингга ҳисоб бера бошладинг: тонна, кубометр, литраж, лимит... Айни пайтда ич-ичингда ҳайрон эдинг: нега йўқлади экан? Материал етишмовчилиги туфайли саккиз йилдан буён битмай ётган мактаб наҳотки шу оқшом тушига кирган бўлса?!

«Яхши. Жуда соз. Маъқул. Запчасть чатоқ, дейсизми? Да-а, бу оғир масала... — Қамар Шарипович қаттиқ сўлиш олди. Шундай улуғсифат одамни бунчалик уринтириб қўйганинг учун ўзинг хижолат бўлдинг, беихтиёр кечирим сўраб юборишингга сал қолди. Лекин зум ўтмай телефонда умидбахш оҳанг пайдо бўлди: — Майли, сиз учун топамиз. Сиз учун. — Қамар Шариповичнинг бу таъкидидан кўнглинг лаҳза ичра тоғдек ўсди. Умуман, бу одам сени доимо ҳайратга соларди: қурувчига ўхшаб дағалроқ, бетакаллуфроқ бирор оғиз сўз айтмайди, гапини эшитган, одам трест бошлиғи эмас, театр директори бўлса керак, деб ўйлайди. — Ҳа, коллективда кайфият қалай?»

«Унчалик эмас, Қамар Шарипович, — дединг таваккалига дангал қилиб. — Материалларни вақтида олмаяпмиз, план тўлмаяпти. План

тўлмагач, ўзингиз биласиз...— Юрагингда дардинг кўп эди, бу ногаҳоний эътибордан бошинг кўкка етиб, итоат қилмай қўйган, қатор-қатор муаммоларнинг қайси бирини айтишни билмас эдинг. Цемент заводи-дан...»

«Сиз кўпроқ ёнингиздагиларнинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилинг, ука. Ишчи халқи ширин сўзнинг гадоси. Бирини ака қилиб, бирини ука қилиб... Тушундингизми? Бўлмаса, коллективда аҳиллик бўлмади, аҳиллик йўқ жойда иш кетмайди. Ота-боболаримизнинг гапи борки, бир куни уриш бўлган жойдан қирқ кун барака қочади. Албатта, ўзингиз бу гапларни мендан ҳам яхши биласиз. Дарвоқе, месткомингиз юрибдими? Мавлонқулов бор-ку, Туроббой?»

Боягина тоғдек юксалган кўнглинг вулқон отилгандек вайрон бўлди: «Шу экан-да сўровчиси!» Сўнг суҳбатнинг давомини яққол тасаввур этиб, юрагингга санчиқ кирди.

«Юрибди»,— дединг базўр. Ғўлдирадингми, инградингми — ўзинг ҳам англаёлмай қолдинг.

«Салом деб қўясиз-да. Жуда дилбар, одамохун йигит».

Шу ерга етганда сира-сира чидаб туролмадинг:

«Дарров арз қилдими бориб?»— дединг бўғилиб.

«Ким арз қилади? Нимани арз қилади?»— Қамар Шариповичнинг товушида қилт этган ўзгариш сезилмади.

«Кечирасиз, Қамар Шарипович,— дединг ўзингни қўлга олиб,— балки Мавлонқулов чиндан ҳам одамохун йигитдир, мен билмайман, лекин қўли эгри экан».

«Нима?»— Қамар Шарипович томонда вазмин сукут содир бўлди.— Ука, ким айтди сизга бу гапни? Мен, масалан, шахсан ишонмаган бўлардим бундай ифлос мишмишга!»

«Мишмиш бўлса, мен ҳам ишонмас эдим,— дединг титраб,— лекин, мана бугун ўз қўлим билан иккинчи марта ушлаб ўтирибман!»

«Нима билан ушладингиз?»— Қамар Шариповичнинг бу гапи қулоғингга негадир «Нима ўчун ушладингиз?» деган каби эшитилди.

«Ўтган гал юзта дюралюмин труба ўзинг жанг қилиб ётганингдагина буни тавбазарру қилиб қутулган эди. Кеча бир чўпонга бир машина «пятидесятка» ортиб бераётганида қўлга тушди».

«Кечасими?»

«Қаёқда!— дединг ғазабинг қайнаб.— Куппа-кундузи, тушлик ҳам бўлмаган эди!»

«Чатоқ бўпти,— деди Қамар Шарипович қаттиқ афсусланиб. Аммо нима «чатоқ бўлган»— ўғирлик содир этилганими ёки Мавлонқуловнинг қўлга тушганими — сен буни у пайтда пайқамадинг. Фақат, кечаси уйқунг қочиб, миянғ ғувиллаб, ўзинг билан ўзинг жанг қилиб ётганингдагина буни қайта эсладинг.— Минг марта айтдим бу ярамасга, энди қўй, деб!.. Ўғрининг ўзи тавба қилса ҳам, кўзи тавба қилмас экан-да! Битта-яримта билмадими, ишқилиб?»

«Ҳамма, билди,— дединг совуққина.— Акт тузиб қўйдик, эрталаб милицияга топширамиз».

«Да-а! Жудаям чатоқ бўпти,— деб такрорлади Қамар Шарипович.— Квартал якуни бўйича пэмкангизга мукофот мўлжаллаб турган эдик. Буни қаранг-а! Ҳайронман, бу Туроббойни нима касофат босди экан. Қанча ўзи, кўпми?»

«Кўп».

«Энди, ука... — Қамар Шарипович томоқ қирди, — гап бундоқ: сиз ниҳоятда тўғри қилгансиз. Бу принципаллигингиз менга маъқул, биз уни ҳисобга олиб қўямиз. Лекин масаланинг яна бир нозик жиҳати борки, биз уни ҳам назардан қочирмаслигимиз керак: бу иш милицияга ўтса, судга ошса... гап-сўз кўпаяди-да. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сиз билан бизга ишониб топширилган жойда шундай хунук иш бўлиб ўтирса... Агар фалокат босиб, бу гап бирор рўйхатга тушиб қолса борми, камида уч йил мажлисма-мажлис дўмбира бўлдик, деяверинг. «Қамар Шариповичда бундоқ бўпти, ол, Қамар Шарипович қарамапти...» Уйлайсизки, Қамар Шариповичнинг

ўзига яраша душманлари йўқми? Тиқилиб ётибди! — Нафасинг ичингда, вужудинг карахт, лолу ҳайрон тинглардинг, лекин Қамар Шариповичдек одам, шарҳи дилини не боис сенга, келиб-келиб сенга изҳор этаётганига сира-сира тушунмас эдинг. — Расвои олам бўлиб шарманда бўлсак, кимга зарару кимга фойда? Унинг устига, республика кўчма байроғи бу йил бизга берилади, деган хушxabар шабадаси ҳам йўқ эмас, албатта, ҳозирча сир... Энди шундоқ пайтда... Бир ажойиб мақол борки, яхши хўжайин уйининг супуриндисини кўчага чиқармайди. Тўғрими? Майли, уринг-сўкинг у муттаҳамни, койинг, иккинчи бундай номаъқулчиликни қилмасин. Маъқулми?»

Телефонни чангаллаганча, ҳануз қотиб турар эдинг. Нима деяпти бу одам ўзи? Қаёққа кетяпти? Қаёққа бошляпти? Наҳотки шундай катта одам... Наҳот Мавлонқулов унга шунчалар азиз? Пуштикамаридан бўлган ўғли эмасдир, ахир?!

Эҳ, Султон оғайни, ҳаромхўр бандалар учун фарзанд — фарзанд эмас, пора — фарзанд эканини, ота—ота эмас, хушомад — ота эканини, она — она эмас, ёлғон — она эканини сен қаёқдан биласан!...

«...у ҳам яхшидир-ёмондир, ташкилотингизнинг раҳбарларидан бири, билишимча, ўн беш йиллардан бери шу месткомингизнинг бошлиғи. Ўзингиз, мана, бошингизга тушиб кўраётгандирсиз, тўртта одамга бош бўлиш учун ҳам аввало бошни тикиб қўйиш керак. Биласиз, шунча йил таъминотчи бўлиб ишлаш осон эмас. Ўзи, лекин ниҳоятда садоқатли йигит, сиз ҳали яхши синамабсиз-да. Аминман, ҳали ака-ука бўлиб кетасизлар. Келишиб ишланглар, тузукми? Гапни кавласангиз гап чиқади, лекин ҳеч иш чиқмайди.»

«Қамар Шарипович, — дединг ниҳоят тош қотган тилинг калимага келиб, — ўғри, каззоб билан қандай келишиб ишлай? Мен ҳам ўғри бўлайми ё кўзимни кўр қилайми?!»

«Э, гапни эгриликка олманг-да, ука, дарров! — Қамар Шариповичнинг овозида ҳам чарчоқ, ҳам ранжиш аломати сезилди. — Э, менга деса оттирвормайсизми! Инсоннинг тақдиридан кўра сизга тахта азиз экан, мен... билмабман буни! Мен азбаройи инсонийлик деб, ўша ярамаснинг бир этак бола-чақасини деб, қолаверса, сизни деб бу ғалвага бошимни оғритиб ўтирибан. Ҳа-ҳа, талмовсираманг, сизни деб! Ҳаммаёқни шикоят босиб кетди устингиздан. Ҳайронман, ҳаммани тирқиратиб қувиб, ким билан ишламоқчисиз!»

«Ўн-ўн беш киши — ҳамма эмас, Қамар Шарипович, — дединг имкони борича вазминлик билан, — дордан қочган ишёқмасларнинг жавобини бердик, холос.»

«Хўш, бунинг жавобини ким беради?»

«Ниманинг жавобини?» — дединг гангиб.

«Кадрлар қўнимсизлиги учун ким жавоб беради, дейман? Эртага, марказда, коллегияда? А? Билмайсиз? — Қамар Шарипович тантана қиларди. — Ўйлайсизки, менга ҳам қўл остимдагиларнинг ҳаммаси ёқадими? Лекин мен энг бетгачопар, сурбетига ҳам тоқат қиламан! — Бу гапдан очиқ-ойдин: «Мана, сенга ҳам тоқат қилиб турибман-ку!», деган маъно сезиларди, чурқ этмай тўравердинг. — Одамнинг чиқити бўлмайди, ука. Бизники — бир насихат, олсангиз ҳам ўзингиз биласиз, олмасангиз ҳам. Омон бўлинг.»

Бўғин-бўғининггача бўшашиб, деворга беҳол суяндинг. Қамар Шарипович сени икки ўт орасига ташлаб, трубкани қўйди.

Тун буйи Қамар Шарипович билан, аниқроғи, ўзинг билан ўзинг олишиб чиқдинг. Бири биридан кескин, бири биридан қақшатғич жавоблар хаёлингга ғужғон ўйнарди: «Кечирасиз, Қамар Шарипович, бир каззобнинг бола-чақасини ўйлабсиз-у, мени ўйламабсиз-да. Менинг ҳам бола-чақам бор, ахир! Майли, мени қўятурайлик — мен сурбет, андишасиз, лекин, лоақал нега ўзингизнинг бола-чақангизни ўйламайсиз?» «Сиз улуғ одамсиз, Қамар Шарипович, бироқ ҳақиқат сиздан ҳам улуғ...»

Афсус, энди кеч эди — ҳайит ўтган, хинани қўлингга эмас, кўзингга қўйишинг керак. Ахир, шу гапларни боя Қамар Шариповичга дангал

айтсанг, тилингни суғуриб олармиди? Олса — ишини оларди, холос. Хўш, энди нима бўлади? Мана, ҳадемай тонг отади, янги иш куни бошланади, ҳамманинг кўзи сенда, сен эса тўғри бориб... кечаги актларни йиртиб ташлашинг, сўнг каззоб Мавлонқулов билан келишиб ишлашинг лозим!

Йўқ, йўқ, Мавлонқулов билан келишгандан кўра иблис билан келишган маъкулроқ!..

Дераза ортида осмоннинг бир парчаси бўзариб келар, бош томонингда соат тинимсиз чиқиллар, сен эса алам билан ўйлар эдинг: «Тўғри бўл, деб айтиш қанчалар осон, аммо тўғри бўлиш қанчалар қийин! Агар кеча ўша ярамаснинг қилаётган ишини кўриб-кўрмасликка олганингда, олам гулистон, дунёда сендан яхши одам йўқ эди. Мана энди, сендан аввало кечаги чўпон хафа — иши битмай қолди; Мавлонқуловнингку отишга ўқи йўқ; қоровул Қобил чўлоқ ҳам жавоб бериши керак — у ҳам ичида сени алқаб ўтирмагандир; Мавлонқулов жазога тортилса, қари онаси, хотин, бола-чақаси чиқариб сени бир умр қарғайди; унинг бир дунё қариндоши бор — имзоли, имзосиз қилиб устингдан «юмалоғу» «тўртбурчак» хатларни қалаштириб ташлайди; мана, Қамар Шарипович ўз-ўзидан ранжиди — демак, тафтиш устига тафтиш кутавер... Аммо, бошқа нима иложинг бор? Шу пайтгача шундай яшаб келдингми, яна бир кунгина умринг қолган бўлса ҳам, худди шундай яшайсан!.. Лекин булар нега одамлардан уялмайди? Нега кўрқмайди?.. Э, Султон, гўдакдан ҳам баттар соддасан, виждонидан уялмаган, виждонидан кўрқмаган одам бошқа нарсадан кўрқадими?!»

Эрталаб бошинг ғовлаб, кўзларинг қизариб ишга бординг. Идорага кираверишда Мавлонқуловнинг қорасига кўзинг тушди. Югургилаб келиб сўрашди.

— Нима қилиб юрибсиз бу ерда? — дединг унинг башарасига тикилиб.

— Келувдим, — деди у ялтоқланиб.

— Бу ерга келиб нима қиласиз? — дединг қўлингни киссангга тиқиб — лаънати бармоқларинг қалтирай бошлаган эди. — Ишдан бўшатилган одам буйруқни кадрлар бўлимидан олади.

Мавлонқуловнинг ҳуши учди.

— Менга қаранг, ҳой... — деди йўлингни тўсиб.

— Мана, қарадим: нима дейсиз? — дединг шартта ўгирилиб. Ажабо, унинг талвасага тушган башарасини кўриб, юрагингда лаззатли бир титроқ пайдо бўлган эди ўшанда!

Мавлонқулов буни кутмаган экан.

— Кўрамиз ҳали! — деди гуручдек тишларини ярқиратиб. — Шошмайтур, сени кўчада иштонсиз қолдирмасам, отимни бошқа кўяман!

У сўкинганча даф бўлди. Ўзи даф бўлгани билан ғалваси даф бўлмади — «Мавлонқулов масаласи» қарийб олти ой давомида ишхонада ўлик илондек чўзилиб, қўланса ҳид чиқариб ётди. Терговнинг ҳали-вери ниҳояси кўринмасди, телефон ҳар куни тонгдан сени ваҳима билан бошқармага чақирар, борган эшикларинг соатлаб йўлакда музтар қилиб кўяр, юрагинг тарс ёрилгудек дилгир тураркансан, таниш-билишларинг тил учида сўрашиб ўтар, очилиб-ёпилиб турган кабинетларнинг эгаларига берган саломларинг аксар негадир аликсиз қолар эди... Ёдингдадир, ўша кунлар ишхонанинг дарвозасидан кирган икки кишининг бири албатта тафтишчи бўларди: гоҳ кадр масаласини текширади, гоҳ молиявий масала, баъзан ҳужжат масаласи, баъзан эса... Оламда масаладан кўпи йўқ эканига шунда ишонч ҳосил қилдинг. Идорага-ку, бош суқиб бўлмас эди: иш бошлангандан то тугагунча беш-олти киши бошини кўтармай тинимсиз бошқармага справка тайёрлаш билан овора эди. Эсингда бўлса, бир куни атай ҳисоблаб ўтирдинг: тушгача йигирма еттита справкага қўл қўйибсан!.. Назарингда, аллақерда — тоғлар бағридами, дашту биёбон қўйнидами, фақат справка ейдиган бир тўймас аждаҳо бордек туюларди. Мана, у тагин кўзини очди, мириқиб керишиб олди ва олдидаги тоғ-тоғ справкани ваҳшат билан домига торта бошлади: яна, яна, яна!..

Бир ёқда терговга қатнайвериб, тушунтириш беравериб тинканг

қуриган, бир ёқда, худди ўша кунлар миянгадаги мана шу лаънати оғриқ хуруж бошлаган, бунинг устига, планлар чатоқ, одамлар асабий, бошингни чангаллаб ўтирганинда, Мавлонқуловнинг ўрнига яқинда маҳаллий комитет раиси қилиб сайланган семиз аёл — экономист Светлана Кравцова ҳаллослаганча кириб келди.

— Биласизми, Султон Муродович, — деди у ҳовлиқиб, — бу, Мавлонқулов профсоюз аъзоси эмас экан-ку!

«Мавлонқулов» деган сўзни эшитиб, беихтиёр ижирғаниб кетдинг: — Хўш?

— Нима «хўш?» — деди Кравцова ажабланиб. — Мен айтмоқчиманки, Мавлонқулов умуман ҳеч қачон профсоюз аъзоси бўлмаган экан. Хушинг бирданига ўзинга келиб, Кравцовага шошиб қарадинг:

— Нима дедингиз? А... аъзо бўлмаса, шунча йил қандай қилиб профсоюзга раис бўлган экан?

— Мен ҳам шунга ҳайронман, — деди Кравцова елка қисиб. — Биз кеча Муҳаммадjon билан ҳамма аъзоларнинг ҳужжатларини бир четдан тартибга солиб чиқдик. Қарасак, унинг карточкаси ҳеч қаерда йўқ. Эски взнос ведомостларини ҳам кўтариб қарадик — фамилияси бирор жойда учрамайди. Фақат мажлислар протоколида имзоси бор.

Сен Кравцовага, Кравцова эса сенга қараганча анграйиб қолган эди. «Оббо, касофат-эй! — деб юбординг хаёлан. — Падарингга минг лаънат, Мавлонқулов! Сенга дарс берган устозларингга ҳам минг лаънат!»

— Ахир, сиз, — дединг ниҳоят Кравцовага, — илгари ҳам профкомда ишлагансиз, наҳот шуни билмагансиз?

— Қаёқдан билай? — деди Кравцова, — мен маданий-маиший сектор эдим. Взносни бўлса, катта бухгалтер Галя йиғарди, Мамедова. Афсуски, у биздан кетиб қолган. — хабарингиз бор, эрга тегиб, Ижевскка кўчиб кетди. Аллақачон болали ҳам бўлиб олгандир. Ким ўйлабди Мавлонқуловнинг...

— Ўй, лаънати! — дединг гап тополмай. — Билмайсизми, Мавлонқулов неча йил раис бўлган экан?

— Ун икки йил.

— Нима, ишчилар уни шунчалик яхши кўришармиди? Ё профсоюз ишларини жуда дўндириб кўярмиди?

Кравцова сассиз кулди.

— Нега куласиз, Светлана Сергеевна? — дединг тутаяқиб. — Ахир, мен мана, яқиндан буён сизлар билан ишляпман, ўтган гаплардан хабарим йўқ.

— Мавлонқуловнинг номзоди ҳар йили местком йиғилишида рад этиларди, — деди Кравцова, — лекин, бари бир сайланарди.

— Нега?

— Чунки бошқармадан тайинлаб қўйишарди. Ҳатто икки марта мажлисга Қамар Шариповичнинг ўзи келиб қатнашган.

«Ҳа-а... Томиринг сувга етган экан, Мавлонқулов!» — деб шивирладинг алам билан.

— Қирол ҳазратлари яланғоч-ку. Светлана Сергеевна? — дединг пешонанг тиришиб.

Кравцова ҳайрон бўлиб қўлларини ёзди:

— Ким ўйлабди шундай бўлишини, Султон Муродович? Биноидек одамга ўхшарди, мажлисларда куйиб-пишиб, ҳаммадан кўпроқ гапирарди...

— Энди нима қилмоқчисиз, Светлана Сергеевна? — дединг унинг гапини бўлиб.

— Нима қилишга ҳам ҳайронман. Жудаям хунук гап ташкилотимиз шаънига.

— Аввало, Мавлонқулов шу бизда ишлаган вақт давомида профсоюз йўли билан нимаики олган бўлса, ҳаммасини аниқлаб чиқиш керак.

— Вой-бў, Султон Муродович, ахир, у жуда кўп нарса бўлади! Менинг ўзим билганимдан, Мавлонқулов бир марта Болгарияга, бир марта Венгрияга бепул саёҳатга бориб келди. Ҳар йили профилакторий-

мизда албатта дам оларди. Агар бунинг устига касаллик варақаларини ҳам қўшсак...— Кравцова бош чайқади.

— Ҳаммасини шошилмасдан ҳисобланг. Акт тузинглар. Кейин обкомпрофсоюзга рапорт ёзинг. Вакил юборишин, унинг иштирокида профкомнинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказасиз.

— Султон Муродович, мен қарши эмасман, лекин...— Кравцова тараддулланиб қолди,— қандай бўларкин? Шунча одам қаёққа қараб ўтирган эдинглар, дейишмасмикан?

— Светлана Сергеевна,— дединг кескин оҳангда,— чипқонни биласизми? Кўпинча одамнинг номатлуб жойларидан чиқади. Лекин уялиб ўтиравериб, кестириб ташламасангиз, қонга ўтиб бутун аъзои-баданни чиритиб юбориши мумкин. Тушунинг, ахир, ёлғонни ҳеч қачон яшириб бўлмайди, ҳеч қачон!

Кравцова тараддулланганча чиқиб кетди. Узоқ ўйга толдинг. Ўйлаган сари юрагингдаги шубҳа-гумонлар баттар кучайди: не ишларни қўзғаб қўйдинг, биродар? Ахир, бу одамлар қандай разил, қандай маккор, қанчалар хавфли! Белинг чиқиб кетмасмикан, Султон оғайни? Ахир, улар сенга ўхшаган не-не одамларни ўз йўлидан хасдек супуриб ташлаган экан?! Дилингни ўртаётган нима бу — пушаймонми? Қўрқувми? Ҳа, буларнинг ишларидан, қора қилмишларидан қўрққулик, оғайни, лекин сен қўрқма! Бошладингми — энди бешараф бўлиб ортга қайтма! Йўқса, ҳамма қатори жимгина туриш керак эди. Лекин сен жим туролмадинг... Ҳар бир виждонли одам умрида лоақал бир марта шаҳзода Ҳамлетнинг вазиятига тушмоғи керак — ё ҳаёт, ё мамот! Фақат шу нарсага имонинг комил бўлсинки, мавлонқуловларнинг чўнг қоядек юксалишига қанчалик кўп муддат кетган бўлса, вақт-соати етгач, шу қоянинг кунпаякун бўлиши учун шунчалик оз фурсат кифоя! Мавлонқуловдан бошлаб то Қамар Шариповичга қадар ҳозир бир-бирини қандай кўринмас занжир билан тепага тортиб турган бўлса, ўша пайтда худди шу занжир билан бир-бирини тубанликка қараб тортиб кетади!..

Шундай деб ўзинга ўзинг далда берган бўлардинг-у, аммо борлигинга ўт солган қаҳр-ғазаб юрагинга сиғмасди: беандишалик, бедодлик, каззоблик шунчалар ҳам бўладими, ахир! Мавлонқулов-ку, қурумсоқлиги билан азалдан машҳури олам эди, лекин, наҳотки арзимас аъзолик бадалидан қочиб профсоюзга кирмаган бўлса? Булиши мумкин эмас. Балки, қачонлардир касаба союз соҳасида «хол қўйган» жойи бордир? Ким билсин!.. Бироқ бу шундай ғаройиб найрангки, ақлга сиғмайди! Э, ақлинг нимаси — ҳатто кўкнорининг хаёлига ҳам сиғмайди!.. Тавба, бу қадар ошкора сурбетлик! Нега у бунчалик ўзига био қўйган? Тоғдек таянчи бор учунми? Нимаики номаъқулчилик қилмасин, бежазо қолаверишини хўб яхши анлагани учунми? Ҳа, айнан шунинг учун! Шу сабабли кўнглига келган ишни қилган, одамларнинг кўзига қум тўлдириб, оғзига оҳак суртган! Одамлар ҳам ажойиб: ана шу лўттибоз учун доимо «якдиллик билан — қаршиларсиз, бетарафларсиз» овоз берганлар...

Бу воқеалар июлнинг бошларида содир бўлган эди, йигирма саккизинчи август куни сен ишдан кетдинг... Устма-уст келган тафтишчилар, қулоч-қулоч ҳисоботлар, моҳирона битилган «юмалоқ хат»лар, «Эплотмасангиз, ариза ёзинг!», деган маломатлар ниҳоят ўз ишини қилди. Дастлаб бошда ўзинга унчалик олмаган эдинг, сўнгги минутгача ичинингда бир умид пинҳон эди — гўё Қамар Шарипович аризангни йиртиб, саватга улоқтиради... «Ишхонамда вужудга келтирилган сунъий кескин вазият менинг бундан кейин ишни муваффақиятли давом эттиришимга имкон бермайди, деб ҳисоблайман. Шу сабабли мени ўз лавозимимдан озод қилишингизни сўрайман». Албатта, аризангда аччиқ таъна ҳам, бир оз инжиқсираш ҳам йўқ эмасди, аммо ундаги асосий гап рост эди. Шунданмикан, Қамар Шарипович аризанг тепасига бинафшаранг сиёҳ билан йирик қилиб: «Йигирма саккизинчи августдан озод этилсин», дея имзо чекиб кадрлар бўлимига чиқарганда, беихтиёр кўзингдан ёш чиқиб кетди деди!.. Сигарет тутатиб олай, деган баҳона билан шартта йўлакка чиқдинг. Бошқача натижа кутмаган бўлсанг-да, негадир юрагинг

бирданига хувиллаб қолди. Қорнингга эмас, қадрингга йиғлагинг келди, Султон оғайни...

Кадрлар бўлимидан чиқиб кетаётганингда катта-катта кўзлари билан сенга ҳамдардона тикилиб турган Зухраҳон, ишларни қачон топширасиз, деб сўради секингина. «Кимга топширай, ҳозироқ тайёрман», дединг. «Бўроновга топширасиз». «Бўроновга?! — Ҳайратдан қотиб қолдинг, сўнг бирдан ҳушингни йиғдинг.— Майли, қачон боради?» «Борган бўлса керак», деб Зухраҳон тагин ерга қаради-да, бошини аста кўтариб, яна бир бор маънос тикилди. Унинг нигоҳида ҳамма-ҳамма нарса ойдин эди...

Фигонинг фалакка чиқиб, зиналардан қоқила-сурина пастга тушдинг. Ҳай, ўзингни бос, ўзингни бос, дер эдинг тинимсиз. Бўроновга деса Бўроновга, Урмоновга деса Урмоновга, бизга нима, топшираверамиз! Лекин шу нарса яна бир карра аён бўлдики, уларнинг ишни яхшилашдан бошқа ҳар қандай мақсади бўлса бор экан-у, фақат шу нияти йўқ экан! Йўқса, Бўроновдек нобоп номзодни бутун область бўйлаб кундузи чироқ ёқиб қидирганда ҳам топиб бўлмасди. Демак, буларга менинг фақат жойим керак экан, холос... Майли, билганларини қилишсин, лекин энди мени тинч қўйишса — бас!

Шундай деб борардинг-у, юрагинг туз сепгандек ловиллаб ачишарди. Хароб бўлади ишлар, хароб бўлади! Энди-энди онгли одат тусига кира бошлаган тартиб-интизом ҳам, бригада пудрати ҳам, умумий иш учун жавобгарлик ҳиссининг куртаклари ҳам бир ойга қолмай йўққа чиқади. Ахир, уларни йўлга қўйиш учун қанчалар қон ютган, қанчалар жонингни жабборга берган эдинг! Ҳаммаси ҳеч гап экан — бир кечада тамом бўлди-қўйди.

Йўлда кетиб бораркансан, хаёлингга шундай бир фикр келди: инсон, агар касбига астойдил меҳр қўйган бўлса, иши ҳам бора-бора фарзандидек бўлиб қоларкан. Мана шу пэмка ҳам сенга учта фарзандинг қатори азиз бўлиб қолган экан. Сен уни оқ ювиб, оқ тарадинг, ўсиб-униши учун қўлингдан неки келса, барини қилдинг, ҳориган-толганингга, ўлган-тирилганингга қарамадинг. Ниҳоят, ўша мурғак гўдак бугун азамат паҳлавон бўлиб етишди. Унинг алп қоматига ҳавас ва ифтихор билан боқиб турганингда, бегона бир одам келдию шартта қўлидан етаклаганча индамай эргаштириб кета бошлади... «Ҳой, қаёққа олиб кетяпсиз? Бу менинг фарзандим!», дединг жонҳолатда. Бегона одам шошилмай ўгирилиб қаради, нурсиз кўзларида совуқ бир ўт чақнади. «Довдираманг, бу боланинг сизга ҳеч қандай дахли йўқ!», деди у секин, аммо қатъий қилиб. Бошингга болта тушгандек гангиб қолдинг, нажот тилаб алп қомат паҳлавонга қарадинг — у жимгина ер чизиб турар эди...

Уйга буткул афтодаҳол қайтдинг — суюкли фарзандини алдаб жаллод қўлига топшириб келган сотқин, манфур отадек кўнглинг алағда эди.

Отпускадан қайтишинг билан Серёжа Ершов РСУсига ишга чақирди. «Оғайни, бир-биримизни минг йилдан бери биламиз,— деди қўлингни қўйиб юбормай,— менга прораб керак, эртадан иш бошлайверасан». Упканг тўлиб ўтирардинг — индамадинг, ишлаб кетдинг.

Сен-ку, янги жойда тинч-омон ишлаб кетдинг, бироқ сени деб эски ишхонангдан бир йил ичида етти киши ишдан кетди: бульдозерчи Мухаммад, Сайфулло ака, Равиль Гиззатуллин, бетончилар бригадири Рихсивой, бухгалтер Самадова, анови сариқ бола — пайвандчи Утбосаров, экономист Кравцова... Уларнинг ҳаммаси бир мажлисда сени ёқлаб гапирган экан. Буни эшитиб кўзларингдан ёш чиқиб кетди. Ахир, уларга ҳеч бир мурувват қилган жойинг йўқ эди: Равиль абзийни ичиб қўйгани учун мукофотдан маҳрум қилган эдинг, Самадова икки марта ишдан кечикканда ҳайфсан берган эдинг... Мухаммад уч йилдан бери янги бульдозер деб ҳиқилларди, арзига қулоқ ҳам солмаган эдинг... Эҳ, нодон, наҳотки, улар сени деб олишишган бўлса? Йўқ, улар ҳақиқат излаб, адолат истаб таллашишган! Қамар Шариповичнинг қудратли бир ҳимоси билан бу етти киши бир йилнинг ичида етти ёққа пароканда бўлди-кетди: кимдир «ўз аризасига кўра» бўшади, кимдир базўр қочиб қутулди... Бир гал

Рихсивойнинг маслаҳат сўраб келгани ёдингдами? Биргаликда юқори-роққа арз қилайлик, деб келган эди у. Аранг йўлдан қайтардинг. Энди бир ками «гуруҳбоз» деб ном ортиришинг қолган эди! Рихсивой қаттиқ ранжиб кетган эди ўшанда...

Баъзан туриб-туриб, юрагинг қаъридан ички бир овоз исён кўтариб нидо қиларди. Наҳотки, шу тариха жимгина таслим бўлиб кетаверсанг? Тақдирга тан бериб ўтираверасанми? Мардлигинг, журъатинг, жасоратинг шундай тез тугаб битдимми?.. Аммо қўлингдан яна нима келади? Ахир, курашмоқ учун майдон керак, қурол керак. Сен эса иккисини ҳам бирдан бой бердинг. Йўлбарснинг қаршисига қуруқ қўл билан наъра тортиб чиқиш — курашчанлик эмас, қип-қизил телбалик бўлур эди. Яна нима қолди? Идорама-идора ариза кўтариб юришми? Маҳкамалараро саргардонликми? Эҳтимол, бошқа одам бунинг уддасидан чиқар, сўнги имконгача олишар, бироқ сенинг бунга қурби-қудратинг келмайди: биринчидан, бетинг чидамайди, иккинчидан, сабринг етмайди. Биласанки, ишдан айри тушган кунинг, бекор қолган кунинг — ўлганинг...

Аламингни, армонингни, қасду жаҳдингни меҳнатдан олдинг. Лаънати касаллик тинка-мадорингни қуритмаганида, Ершов билан пенсияга чиққунингга қадар ишлайверардинг. Бошингдаги оғриқ кундан-кунга кучаймоқда эди...

Пахта янги очилган кунлар эди, бир якшанба куни ишчиларни олиб ҳашарга чиқдинг. Кечқурун ҳориб-чарчаб, гузардан ўтиб, маҳаланга бурилганингда, ортингдан яп-янги «Волга» қувиб ўтди, ўн беш қадамча олдинда тўхтади. Машина эмас, дулдулнинг ўзи. Кишнамайди, холос. Эшик очилиб, не кўз билан кўргинки, илжайганча Мавлонқулов тушиб келяпти! Уст-бош шундай башанг, бежирим — гўё машҳур киноартист съёмкага кетаётгандек...

— Ассалому алайкум,— деди Мавлонқулов, қўлини чўзди.

Салом — қиёмат қарз, индамай сен ҳам қўл чўздинг.

— Ҳорманг. Ҳа, бундай? Пахтаданми? Утиринг, обориб ташлай?— Мавлонқулов илтифот билан машина эшигини очди.

— Қаёққа обориб ташлайсиз?— дединг заҳарханда қилиб.

— Қаёққа бўларди, уйингизга-да. Қўрқманг, бизда ундай номардчилик йўқ.— У шундай дея эгилиб, шимининг почасига қўнган гардни қоқди.— У гаплар... энди эсдан чиқиб кетган. Одамнинг насибаси узилмаса, қаердан бўлса ҳам териб еяверар экан.

— Қаердан териб еясиз энди?— дединг баттар ўчакишиб.

Ажабо, Мавлонқулов бу заҳар-заққум гапларингга пинак ҳам бузмасди!

— Трестдаман,— деди бамайлихотир.— Утиб туринг. РСУга ҳам улбул керак бўлиб турар, ахир? Хўп, бўлмаса, омон бўлинг.

У қисқа сигнал босиб, йўлига жўнади. Катта кўча бўйида лолу ҳайрон, тўзонга ботганча қолавердинг. Наҳот доим шундай кетаверса? Наҳот буларнинг танобини тортадиган киши бўлмаса?..

Бир тонг... худди эртақдагидек ғаройиб воқеалар рўй берди. Сен орзиқиб кутган кунлар келган эди! Ҳамма нарсанинг ўз номи бор экан, ўз номи билан айтила бошланди — ортиқ зарбулмасалга ўрин қолмади. Адолатни топтаганларнинг ўзи топтала бошлади, ҳақиқатни бўлганларнинг ўзи бўғила бошлади. Эсингдадир, юрагинг тўла ҳаяжон, бошингда мислсиз оғриқ, касалхонада ётганингда, тўсатдан марказий бир газетада сенинг номинг ҳам зикр этилиб қолди. Бу мутлақо кутилмаган ҳол эди. Бориборлигинг титраб, чўлу биёбонда сувсиз қолган йўловчи ташналиги билан, ҳамхонанг ҳовлиқиб топиб келган газетадаги «Собиқлар» деган мақолани ҳарфма-ҳарф ўқиб чиқдинг. Ва шундагина атрофингда инсонлик шаънига буткул бегона уят ишлар нақадар авж олиб кетганидан яна бир карра воқиф бўлдинг. Бойлик деб, шуҳрат деб виждонини йўқотган не-не улуғсифат кимсалар қатори собиқ бошлиқинг Қамар Шариповичнинг кирдикорлари ҳам бирма-бир баён қилинган эди. Мавлонқулов масаласи — у одам қилмишларининг денгиздан бир томчиси экан, холос! Мақолада у кишининг оилавий ҳаётига тааллуқли, латифадан ҳам баттар

кулгили бир воқеа зикр этилган эди: хотини область марказидаги медицина институтида декан экан. Бундан тўрт йил муқаддам кенжа қизи опаларининг изидан бориб, онаси декан бўлган факультетга ўқишга кирибди. Қизиғи шундаки, айни кириш имтиҳонлари бошланган пайтда абитуриент қизча Сочига — «Ўзбекистон» санаторийсига дам олгани жўнаб кетган экан. Августнинг охирида дам олишдан қайтиб, у ўзининг йигирма тўрт балл баҳо билан институтга қабул қилинганидан хабар топибди... Аммо, ҳаммасидан ҳам, меҳрибон онанинг бу воқеага берган шарҳи ғаройиб эди. «Нега бундай қилдингиз?», деган саволга у жиддий туриб: «Нима, бўлмаса, қизимни санаторийга нечестнийлик қилиб, бировнинг номи билан юборишим керакмиди?», деб жавоб қилган эди... Мақолада сенинг номинг ўзинг танийдиган ва танимайдиган беш-олти кишининг исм-фамилияси билан бирга қайд этилган эди, кўзларингга ёш қалқиб, шу жумлаларни энтикиб ўқидинг: «...сингари ҳалол, принципиал ва ташкилотчи мутахассисларни шафқатсизларча таъқиб этди, ҳар қандай йўллар билан бадном қилишга интилди...»

Давомини ўқиёлмай, деворга суюниб қолдинг. Юрагинг бутун вужудингга ларзага солгудек гурсилларди. Адолат бор экан-ку! Бор экан-ку ҳақиқат! Албатта, бор! Адолат албатта боқий! Ҳақиқат албатта мангу! Йўқса, одамзоднинг ер юзида қумурсқадек сургалиб юришидан ҳеч қандай маъно йўқ!..

Куз оқшомларининг бирида касалхонадан чиқдинг. Уч кундан кейин обкомга чақаришди. Бординг. Сухбат қисқа бўлди. «Ўртоқ Муродов, вазиятни кўриб турибсиз. Бизнинг ҳамма гапдан хабаримиз бор. Кеч бўлса-да, энди бу хатони тузатишимиз керак. Ўзингиз ишлаган ташкилотга юборсак, борасизми? Коллектив сизни талаб қиляпти. Мана, ишчиларнинг хати, имзоларни кўряпсизми? Лекин, олдиндан айтиб қўяйлик: аҳвол жудаям чатоқ. Бўронов пэмкани чўктириб қўйди, иши терговда. Борадиган одамга ниҳоятда оғир бўлади. Нима дейсиз?»

Нима деярингни билмай қолдинг. Худди эртақдагидек эди-да ахир! Ўпканг тўлиб кетди. Одамлар... одамлар сени унутмаган экан-да!.. Кўнглингда алам-армонлар, таассуфлар қат-қат, бироқ ҳозир майда-чуйда гиналару арзимас аразларнинг мутлақо ўрни эмас эди. Бир четда томошатаалаб бўлиб илжайиб туриш эмас, қўлга супурги олиб, пўпанак босган майдонларни тозалаш керак эди. Ахир, осмони фалакда қуёш нур сочиб турибди, боғу боғчаларда гуллар очилган, дарахтлар шохида қушлар валфажр ўқийди — ҳаёт давом этмоқда; ахир, ошиқ-маъшуқлар роз айтишиб қовушмоқда — кимдир уларга уй-жой қуриши керак; эртаиндин улар ширин-шакар фарзандлар кўради — кимдир боғча бунёд этиши керак; ҳадемай шу мурғак гўдаклар ўқишга боради — кимдир мактаб барпо этиши керак! Сен қилишинг керак шу ишларни, сен — Султон Муродов!

Ёдингдами, ажойиб куз кунларининг бирида икки йил бурун мосуво этилган даргоҳингга ёруғ юз билан қайтиб борганинг? Оламда сендан бахтли инсон йўқ эди ўша кун! Ҳаммасини яна бошдан бошлаш керак эди. Мавлонқуловлар бурчак-бурчакларда биқиниб ётарди... Иш демаганлари пўртанадек қайнаб тошарди — борлигинг билан шўнғиб кетдинг. Аммо бошингдаги мана шу чидаб бўлмас оғриқ...

Энди ишлайдиган, энди яшайдиган ажойиб кунлар келган эди, Султон оғайни. Алам қилмайдими, шундай пайтда сафларга ярамай ўтирсанг! Ахир, бу қандоқ бедодлик, қандоқ бедодлик!

Улар шовқин-сурон билан, қуюндай бостириб келишди. Жияни билан жўрасини кўриб, унинг баҳри дили очилиб кетди: иккаласи ҳам ёш, ўктам, кўзлари чақнайди, вужудидан навқиронлик ёғилади...

— Туринг-э мундай, ётаверадими шу, минг қўйли бойдай! — деб вағиллади Камол эшикдан кирган замони. — Ё бел-мел синиб кетганми? Бу ернинг жононлари шўх, қўймайди!

— Хўш, Султон ака, — деди Абдулла салом-аликдан сўнг, — қаёқлардан сўраймиз энди? Яна ўрмон қирққани кетяпсизми?

Султон илгари бир-икки марта ёғоч материаллари ундириб келгани Сибирь томонларга борган, жияни шунга шаъма қилмоқда эди.

— Тўғри айтасиз, — деб кулимсиради у. — Йўқ, бу гал сафаримиз қисқа. Томоша қилгани келдик-да шахрингизни.

— Сизларни кўрмай, деб-а?

— Э, бўлди-да, ҳадеб гинахонлик қилаверасанми! — деди Камол ёлғондан қовоқ уйиб. — Мениям шунақа амаким бўлганда, тўй қилиб берардим. Сенга бир малоли йўқ, оғирлиги йўқ. Ҳангоманинг ҳаммаси бизнинг уйда-да! Эрталабдан эшик жиринглайди. Аранг туриб очаман. «Ассалому алайкум, ака, танимадингизми, ўтган йили Омонқўтондаги чойхонада бирга чой ичиб эдик, ҳўв чинорди тагида, эсингиздами, ҳа-ҳа, ўша Сайфулломан, шўйтиб, десангиз, бир шахарлаб келиб эдик, гастинса-пастинса қилиб юрамизми, шундоқ оғайнимиз турганда, хафа бўлади, деб, мана, жўраларни эргаштириб келяпмиз-да. Ҳай, Омонтурди, юрингизлар, носингни ташла-е, касофат!» — У афтларини буриштириб, ўзини минг кўйга солиб шундай муқом қилардики, Султон билан Абдулла кулиб юборишди. — Ҳай, баъзан ўзимга ётишга жой қолмайди уйда. Шартта калитни кўноқларга бераман-да, ўзим бирор жўрамникига кетаман. Лекин манави жиянингизда одамгарчиликдан «о» ҳарфи ҳам йўқ, кечаси борсангиз, эшигини ҳам очмайди. Хор бўлиб меҳмонхонага бораман. Тошкент паспорти билан у ерга кўймайди, охири трамвайга осилиб, бир амаллаб, она вокзалга етиб оламан, иссиққина...

— Шунинг учун сира уйингда ётмас экансан-да! — деб кесатди Абдулла.

— Ҳе, менга осон дейсанми, жўражон? Вазифам оғир, Абдулмалик, вазифам оғир! Мана, шу бугун ҳам саккизтаси бостириб келган. Билмадим, ҳали Султон акаям, бораман деб қолса... — У қув кўзларини қисиб, «оламшумул ғусса»га ботди.

— Э, мен Камолжонникига бориб ётаман, деб меҳмонхона билан ҳисоб-китоб қилиб кўйган эдим-ку, — деб илжайди Султон.

— Вой-бўй! Абдулла, жўражон, ахир бир кун қамалиб кетаман-да, мана кўрасан, қамалмаган номард! Уйида гастинса очган, деб қамалиб кетишим аниқ! Вой, энажоним-эй! Майли, жўражон, ўлсам, менинг қабримга «Меҳмондўст мезмон эди», деб ёздириб кўярсан, хўпми?

— Бекорларни айтибсан! — деди Абдулла сигарет тутатиб. — Улиб қутулмоқчимисан? Бари бир бугун уйингга борамиз!

— Оҳ, шўрим курсин, шўргинам курсин! Аслида, ўзим аҳмоқ эканман — хотиннинг ҳам бир соқовини олганман!

Султоннинг дилида заррача бўлсин ғубор қолмади, хаёлида яна ўша сатрлар чарх урди, лекин бу сафар надомат ва афсус туймади: «Сен узоқ яшайсан, ҳаммадан зиёд, ҳали тойчоқларинг ўйнаб юрибди...»

— Начора, кетдик бўлмаса, уйда анави «истилочилардан» бирор бурда қотган-қутган нон омон қолгандир, — деди Камол ўрнидан туриб уҳ тортаркан.

— Кетдик, — деди Султон ҳам костюмини кийиб. — Хўш, ҳозир Тошкентда энг яхши ресторан қайси?

— Биз борадиган рестораннынг ҳаммаси яхши, — деди Камол шоша-пиша.

— Э, ресторанны нима қиласиз! — деди Абдулла асабий тиришиб. — Фақат пулни шилади, шовқин, бир бало иримтиклар беради, оғизга олиб бўлмайди. Кетдик уйга. Ярим косадан шўрва ичиб, гурунглашиб ўтираемиз.

— Шўрвангни ўзинг ич! — деб ғудранди Камол ва меҳрибонлик билан Султонга юзланди. — Парво қилманг, бу қишлоқини ўттиз йил кишмиш билан боқсангиз ҳам одам бўлмайди. Мен сизга айтсам, рестораннынг энг яхшиси — Киночилар уйида! Тошкентнинг бутун гуллари кечқурун шу ерда йиғилади...

— Тошкентнинг бутун пуллари, десанг-чи! — деб тўнғиллади Абдулла.

— Жим ўтир, қишлоқи! Қишлоқи ойимқиз! Сенда заррача одамгарчилик бўлса, озиб-ёзиб бир келган амакингни бетон каталагингга обориб

қамармидинг?! Нима, Султон ака кўрмабдими бунақа каталакни? А, Султон ака? Узингиз қанчасини қуриб ётибсиз-у, бунақани!

Султон кулимсираб бош ирғади.

— Меҳмон — отангдан улуғ, деган машойихлар. Меҳмоннинг кўнглига қараш керак, уни шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойлари билан таништириш керак, пўкакбош! Менга ўхшаган диққатга сазовор одамлар билан улфат қилиб қўйиш керак, англадингму, манглайи қора? — Камол ҳамон жағи-жағига тегмай жавраб борарди.

— Сенинг ниманг диққатга сазовор экан? — деди Абдулла эшикни очиб, Султонга йўл бераркан.

— Менинг ҳамма ёғим диққатга сазовор! Тилимни айтмайсанми, лоақал, бунақа...

— Ёғда қовриладиган тил, — деб луқма солди Абдулла.

— Тилимга тил теккизма, бетамиз! Нега эшикка кўндаланг бўлиб олдинг, худди бир нарсага ўхшаб...

Султон уларнинг беғубор даҳанаки жангига, беозор лақиллашларига оҳиста қулоқ тутиб келаркан, тагин Қудратни эслади, уни соғинганини, жуда қаттиқ кўргиси келаётганини ҳис этди. «Дўсти содиқ, қайлардасан? Чорласам, овозим етармикан? Куни кеча сен билан худди мана шундай юрардик, яйраб-яшнаб; бутун шаҳар, наинки шаҳар, бутун олам ўзимизники эди, дилда армон, юракда ваҳмдан асар ҳам йўқ, ҳаёт мангу қаҳқаҳадек туюларди...»

Такси бекатида яна жиндек мунозара бўлди. Абдулла сўнгги бор уйга қистаб кўрди.

— Эртага борамиз, — деди Султон унинг елкасига қўлини қўйиб. — Бугун шундоқ бир эркакча давра қилиб ўтирайлик.

— Уят-уят гаплардан айтиб... — деди Камол жиддий туриб.

Абдулла ночор кўнди.

— Қани, замондошлар, олға, бўлмаса! — Камол йўл бошлади.

— Ҳой, мунча вағиллайсан, секинроқ-да! — деди Абдулла унинг тирсагидан тутиб.

— Нар и тур-э, оғзимгаям хўжайинмисан! Кўрдингизми, Султон ака, бунингизни... — деб «арз қилди» Камол лабларини чўччайтириб.

— Парво қилманг, — деди Султон, — бу меҳмонхонани ўзимиз қурганмиз, қанча эркалик қилсак, ҳаддимиз сиғади.

— Ростданми? Яшанг-э! Манави ғалчага ўзингиз тушунтиринг. Эшитдингму, манглайи қора, бу ерни ўзимиз қурган эканмиз!

— Лекин, энди ўзимиз бузишимиз шарт эмасдир, — деди Абдулла илжайиб.

Ресторанда одам сийрак эди.

— Асосий воқеа — бир соатдан кейин, — деди Камол билафонлик қилиб. — Бу ернинг сунбул парилари ҳозир сўнгги кипригини бўяяпти. Эй, яхши-да! Ҳа-а, Султон ака, бундай паришон? Ё бизни таклиф этиб қўйиб, энди пушаймон қияпсизми?

— Йўғ-э, — деди Султон ва шоша-пиша кафтлари билан юзларини, пешонасини ҳорғин сидирди. — Қани, олинглар. Жиндак хаёлим кетиб...

Қачонки, ресторан остонасидан ҳатласа, ўша воқеа — Қодирқул «мингбоши»нинг туғилган куни эсига тушади, барча тафсилотлари секинлаштириб олинган кинолентасидай кўз олдидан бир-бир ўта бошлайди.

Улар Аянинг уйида танишган эдилар. Султон билан Қудрат бу ерга келгунича Қодирқул бир ўзи тўрдаги иккита хонани ишғол қилиб яшар, бекники бежоғлик, дегандек, ўзи хон, кўланкаси майдон эди. «Мингбоши» деган рутбаи олийни унга Қудрат ҳиммат кўрсатиб ўз ёнидан инъом этди — сарғишсоч, найнов бу йигит қўл узатиб: «Қодирқул», деганида у пилдираганча бориб таъзим қилди, товуши товланиб: «Ассалому алайкў-ўм, мингбоши почча!», деди. Ая ҳам, Султон ҳам, ҳатто Қодирқулнинг ўзи ҳам қулиб юборишди. Қудрат умрида бор-йўғи битта спектакль — «Бой ила хизматчи»ни (уни ҳам телевизорда!) кўрган, лекин барча репликаю ремаркалари ёд бўлиб кетган эди.

Шу тариқа Қодирқул «мингбоши»га айланди-қолди.

У асли Наманганнинг тоғлиқ районларидан, содда, бўш-баёвгина ийгит. Беш-олти йил бурун университетни тугатиб, аллақайси илмий тадқиқот даргоҳининг тупроғини ялаб ётарди. Ҳа, қўштирноқсиз, айни маънода — тупроқшунослик бўйича илмий иш қилиш ҳаваси билан юрарди. Аммо бу ишнинг қачон бошланишини ҳеч ким билмаганидек, қачон тугашини ҳам ҳеч ким билмасди. Қодирқулнинг тупроқшуносликдан кўра, санъат оламига, аниқроғи, санъаткорларнинг «ички» оламига муҳаббати баландроқ эди: ким қандай янги қўшиқ айтди, қайси артист қайси артистка билан топишди, ким ким билан ажрашди, фалончининг доирачиси пистончининг гармончисига қайси тўйда нима деган, писмадончи тўрт йил бурун сотиб юборган машинанинг номери қанақа эди ва ҳоказо. Бу соҳанинг у қомусий билимдони эди, фақат мазкур билимнинг нимага кераклигини бирор кимса билмасди, холос. Қодирқул ўқув хўжаликларига боришдан безиллар — далааларнинг диссертация бўладиган бўлиқ тупроғидан кўра, шаҳарнинг чанг-тўзонини афзал кўрар эди. Оддийгина қилиб, очиғини айтганда, у бунда нима учун қолганини, нима излаб юрганини ўзи ҳам билмайдиган юзлаб шаҳарсевар дўстларимизнинг бири эди.

Бир ёз оқшоми эди, Ая қизиникига кетган, ҳаво дим, каравотларни ҳовлига чиқариб, ярим яланғоч осмонга боқиб ётардилар, тўсатдан Қодирқул устма-уст хўрсиниб:

— Эҳ, укалар, қўли қисқалиқ қурсин, ўтиришимизни қаранглар, бугун туғилган куним-а! — деди.

Қудрат ўрнидан сапчиб турди, ғизиллаб, ялангоёқ уйга чопди, бир минутдан кейин деразадан бошини чиқариб қичқирди:

— Нега алдайсиз, мингбоши почча, йўқ-ку?

— Нима йўқ? — деб сўради Қодирқул оёғини талаётган пашшаларни шап-шап уриб.

— Календарда йўқ-ку, мана, ёзмаган-ку!

— Ҳа-а... — деб бепарво қўл силтади Қодирқул.

Султон ўқиб ётган китобини ёпиб, бошини кўтарди. Қудрат қотган нон кавшаганча келиб, Қодирқулнинг каравоти четига ўтирди:

— Оёгингизни уқалаб кўяйми, мингбоши почча?

— Боринг-э! — деди Қодирқул аччиқланиб ва терс ўгирилиб олди. Қудрат сассиз кулиб, водопровод томон кетди.

— Нечага кирдингиз, Қодирқул ака? — деди Султон хиёл жимликдан сўнг.

— Ўттизга, — деди Қодирқул, кейин қақдини ростлаб, ёстиққа ёнбошлади-да: — Қаранг, дарров-а! — деб ҳорғин жилмайди.

Султоннинг дафъатан кўнгли бир хил бўлиб кетди.

— Туринг, Қодирқул ака! — деди ўзи ҳам кутмаган бир шахдамлик билан: — Ўттиз йилда бир ўттизга кирибсиз-у... Ҳой, Қудрат, қай гўрга гум бўлдинг?

— Нима дейсан? — Ҳовли этагидан — ғира-шира қоронғиликдан Қудратнинг овози эшитилди, сал ўтмай ўзи ҳам кўланкадек судралиб келди.

— Қодирқул акам ўттизга кирибдилар, нима, ўтираверамизми шундоқ? — Султон товушини атай баландлатиб, унга синовчан тикилди.

— Қуллуқ бўлсин, мингбоши почча! — дея ҳиринглаб кулди Қудрат. — Қўйни сўяверайми? — Султоннинг ҳануз ўзидан кўз узмай турганини сезиб: — Нега бақраясан, менда бор-йўғи ўн икки сўм бор! — деди шаңғиллаб.

— Хўш, ўн икки бўлса... — Султон стул суянчиғидан шимини олиб, киссасини кавлади. — Мана, бизда тўққиз сўм экан.

Қодирқул индамай, ётган жойидан ғижимланган беш сўмлик узатди.

— Эртадан кейин ойлик... — деди гуноҳкорона илжайиб. — Ўтган куни Дадахоннинг концертига тушмаганимда...

Қудрат аллақачон кийиниб бўлган, пулни ҳам, ташаббусни ҳам қўлига олган эди.

— Йигирма беш, йигирма олти... — деди у лаблари пичирлаб, сўнг қўлларини бир-бирига ишқаб, хуш-хандон жилмайди. — Қани, турсинлар, мингбоши почча, бу пулга сизни бемалол уйлантириб қўйсам ҳам бўлади. Зўр бир жонон бор, онасидан бошқа ҳамма ўпган, оберайми шуни?

Қодирқул, чиройи ёришиб, оғзининг таноби қочди.

Троллейбусга тушиб, «Чинор» ресторанига келдилар. Қудратнинг йўлдаги ҳисоби бўйича, бемалол еб-ичиб, хурсандчилик қилиб, атир сепадиган қоровулга танга ҳам ташлаб чиқишлари мумкин эди.

Дарҳақиқат, бошда бинойидек ўтиришди. Таом, мусаллас, шарбат, кўкат, хуш кайфият, ёши ўтинқираган бўлса-да, серзавқ, сертабассум хизматчи аёл... «Мингбоши»нинг соғлиғига, илмий ишларининг ривожига, унинг бир кун келиб академик бўлиб кетганида иккита ялангоёқ студентни унутиб юбормаслигига, тезроқ яхши жойлардан ато қилишига қайта-қайта қизгин тилаклар билдирилди. Қодирқул, чиндан ҳам онадан қайта туғилгандек бахтиёр эди. Афсуски, одамзод ғам-ташвишдан бошқа ҳамма нарсанинг чексиз давом этишини истади. Бўлмаса, ўша бахтиёрликка заҳа етмай туриб астагина чиқиб кетишлари мумкин эди, тамшаниб қолишда ҳам қанчалар лаззат бор, ахир! Лекин...

Лекин шу пайт ердан чиқдимиди, осмондан тушдимиди, столларининг ёнгинасида мода журналининг муқовасидагидек башанг кийинган икки йигит ва Қудратнинг таъбири билан айтганда, бир жуфт қиз пайдо бўлди. Йигитлар «мингбоши» билан қучоқлашиб-ўпишиб кўришишди, улар билан ҳам гўё минг йиллик қадрдонлардек қуюқ омонлашишди. Давра ўз-ўзидан кенгайди. Султон бу йигитларнинг исмидан бошқа ҳеч нарсани — кимлигию Қодирқулга қандай алоқаси борлигини билмади, билолмади. Қудрат эса аллақачон ҳолвайтардек сув очиб, ёнида ўтирган кулча юзли, жамалаксоч қизга хушомад қилишга тушиб кетган эди. Йигитларнинг бири буюртма берди, кўп ўтмай янги ва янги, хилма-хил ноз-неъматлар келди. Бир оздан кейин туриб, қизлар билан навбатма-навбат рақс тушдилар. Султон пайт пойлаб, Қодирқулдан сўраб оламан, деб уввало уринди — беҳуда, қизларнинг иккинчиси «мингбоши»нинг атрофида парвона эди. Яна ҳазил-хузул билан ширингина гурун давом этди. Пайдар-пай қадаҳ айланди, латифа устига латифа... Бир маҳал «мингбоши» билан Қудрат қизларни тагин рақсга таклиф қилиб, даврага тушдилар. Султон йигитлар билан қолди. Ҳамманинг нигоҳи ўртада — рақс тушаётганларда, ғаройиб мусиқа гумбурлайди, кўнгилда титратма, кўзлар тўла ҳаяжон. Бир пайт ёнига қараса, йигитларнинг бири афтини буриштириб ўқчиёпти, иккинчиси унинг тепасида сув тутиб турибди, шунда ҳам қўли кўксига, Султонга боқиб хижолатомуз илжайди: «Сал мазаси қочиб қолди ошнамининг, кечирасиз-да, биз ҳозир...» «Бемалол, бемалол, — деди Султон, — бир совуқ сувга юзларини ювсалар...» «Ҳе-я, парво қилманг, боппаймиз, — деди йигит шеригини аста етаклаб, столлар орасидан олиб ўтаркан. — Ўзингиз ўтириб турасиз-да, узр».

Султон бош ирғаб, яна рақс тушаётганларга тикилди.

Йигит рост айтган экан: чиндан ҳам боппайди — беш минут ўтди, ўн, ўн беш, бир соат, икки соат, мана, ўн беш йил ўтди, аммо Султон қайтиб уларни кўрмади! Ҳатто афт-башараси қанақалигини ҳам минг урингани билан эслаёлмайди. Баланд бўйли бир йигитнинг қўлини кўксига қўйиб хижолатли илжайиб турганига ёдида қолган, қалос. Бу ғалати, сирли улфатлар «онасидан бошқа ҳамма ўпган» икки қизни, шоҳона дастурхонни, серзавқ, сертабассум ва сержаҳл хизматчи аёлни, эшиқ олдидаги столда минерал сув ҳўплаганча зерикиб ўтирган ёшгина милиционерни, жон олгувчи мусиқаю шўх рақсларнинг барча-барчасини «мингбоши»га, Султон ва Қудратга — унинг чўнтагидаги йигирма олти сўму қирқ икки тийин ва беш дона трамвай абонементига қолдириб, қандай пайдо бўлган бўлсалар шундай, ими-жимиди ғойиб бўлишди. Қизлар шерикларини лоақал кўнгил учун бир оғиз сўрамаганидан сўнг Султон нақадар чув тушганликларини англадию иситмаси чиқиб кетди. «Мингбоши» билан Қудратга қараб фиғони фалакка ўрлади: ҳеч гапдан беҳабар, қизлар билан хингиллаб ўтиришибди. Аста стол тагидан Қудратнинг оёғини босди.

— Ҳа? — деди Қудрат кўзини лўқ қилиб. Чамаси, суҳбати жонондан чалғитилганига бениҳоя оғринган эди.

— Бир чекиб келайлик, — деди Султон.

— Чекавер ўзинг, сигаретим қолмаган, — деди Қудрат бепарво ва яна эгилиб, қизга гапини маъқуллай бошлади: — Кейин мен шартта ўрнидан турдиму...

Султон бўғилиб, қаршисидаги қўл-оёқли, тил-жағли бу тўнкага тикилиб ўтираркан, шартта ўрнидан туриб, унинг ёқасидан олишдек бамаъни истакдан ўзини базўр тиймоқда эди. Ахийри бир бало қилиб, арқон солиб судрагандек уни базўр четга олиб чиқди. Қудратнинг кайфию капалаги бир зумда учди-кетди, ранги гезариб, унга ёпишди:

— Ҳаммаси сендан бўлди! Ётувдик тинчгина! Ҳе, туғилмай ўлсин мингбошинг! Мен билмайман, тўласин энди ўзи!

— Бўкирма. Нима қилдик энди?

Қудрат алам билан вишиллади:

— Тузукроқ қарадингми у ёқ-бу ёқни? — Тасдиқ жавоби олгач, бирдан бўшашиб: — Юр, биз ҳам... секингина... — деди.

— Мингбоши-чи? — деди Султон иккиланиб. — Улади-ку?

— Ҳе, ўлмаса, ўмбалоқ ошсин-а! Касофат, шундай кунда туғиладимиз келиб-келиб!

— Кунга нима қипти? — Султон беихтиёр кулиб юборди.

— Ун учинчи бугун, ой ҳам тутилади кечаси.

— Ойни қўйсанг-чи, ўзимиз тутилиб ўтирибмиз-ку...

— Нима қилдик, а? — Қудратнинг қудратидан заррача асар қолмаган, шу тобда дунёдаги энг ношуд-нотавон кимсага айланган эди. — Соатимни берсаммикан? Олмайди, бошига урадимиз, буям тўхтаб ётибди!

— Чақир анави мингбошини, — деди Султон ўйланиб.

— Сен бориб оёғини бос, шу ерга келсин.

Султон икки қадам жилиб, тўхтади:

— Тағин мени ташлаб, а? Худди Учқўрғондан кўрсатаман! — деди муштини дўлайтириб.

— Оббо, юрагинг чиқмасин! Фалокат босмаса, шу бугун сенларга кўшиламанми? Консервамни еб ётувдим-а, тинчгина...

Беш минутдан сўнг Қудрат билан «мингбоши», аниқроғи, унинг сурати стол ёнига қайтиб келди. Қудрат энгашиб, Султоннинг қулоғига:

— Мингбоши тилдан қолди, — деб шипшиди, сўнг гўё ҳеч нарса бўлмагандек қизларга юзланди: — Хўш, жононлар зерикиб қолмадимиз? Мана, битта янгиси: бир кун кечаси Афанди хотинига...

Султон унинг афт-ангорига қараб, «Бир иложини топгандир-ов», деб ўйлади, ичини тирнаётган ит ҳам «чарчаб, чўзилди». Бироқ айни паллада у Қудратнинг азбаройи кўрққанидан ўзини дадилликка уриб ўтирганини қаёқдан ҳам билсин! Бир-икки им қоқиб, «мингбоши»дан сир олмоқчи бўлди, аммо унинг тилдан қолгани рост шекилли, чурқ этмай ўтирарди.

У асаблари қақшаб, бу дилгир воқеанинг қандай бўлса-да, тезроқ тугашини бетоқат кута бошлади. Хизматчи аёл ҳам юзидаги табассумлари сўниб, уларнинг ёнидан жиддий қиёфада тез-тез ўтиб қолди. Қудрат, оғзи гапда бўлгани билан, кўзи эшикда экан, бир пайт сапчиб ўрнидан туриб кетди:

— Ражаб акам! Э, Ражаб акам!

Сўнг гулихандондек яшнаб, қизларга: «Бир секунд», деди-да, Султонга кўз қисиб имлади: «Юр». Султон ҳайрон, индамай, «ўлганнинг кетидан шаҳид бўлиб» эргашиди.

Қудрат тарс-турс босиб, зал этагидаги нимқоронғи, хилват бурчакка қараб юрди. Энг пойгакда басавлат, сочлари кумушранг, ялтираб турган, дўппидек қоринчаси қимматбаҳо кўйлагини туртиб чиққан қирқ яшар чамаси бир киши билан қорачадан келган, ранги совуқроқ бир жувон ўтиришарди.

— Ассаломў алайкўм, Ражаб ака! — деди Қудрат қироат билан.

Ражаб ака деганлари чўчиб тушди, апил-тапил қўлини аёлнинг тиззасидан олиб, дув қизарди, беўхшов илжайди:

— Э, э, Қудратбойми? Ҳа-а, бундай бемаҳалда?
— Ассаломў алайкўм, опажон! Яхши ўтирибсизларми? — деди Қудрат пинак бузмай. Аёл билинар-билинемас бош ирғаб қўйди. Қудрат стул суриб, жойлашиб ўтирди, Султонга ҳам манзират қилди. — Утир, ўртоқ. Ҳа, ҳорманглар энди? — дея Ражаб акага қаради у.

Ражаб ака баттар довдираб ёлдиради, дастурхонга таклиф этаверди.

— Ишлар яхшими? — деди пешонасини дастурмоли билан артиб. — Уқиш қалай?

— Зўр, — деди Қудрат олдидаги фужерни тўлдириб минерал сув қуяркан. — Ўзингиздан сўрасак? Малака кўпайиб қолдимми? Жуда камайиб кетган экан-да, а? Ҳе-хе...

— Кўрмайсизми, қариганда ўқийсан, деб... — Ражаб ака зўрма-зўраки кулмоқчи бўлди.

— Қариганда яхши-да, маза бўлади, — деб сирли ишшайди Қудрат. Ражаб ака бу гапни эшитмаганга олди.

— Хўш, қишлоққаям бориб турибсизми?

— Ҳа, ўтган ҳафта келдим, — деди Қудрат, сўнг Ражаб аканинг кўзига тикилиб: — Опачамни кўрдим, қаранг, худди билгандек, поччангизни учратсангиз, салом айтинг, деган эдилар, айтиб қўяй, қиёмат қарз...

«Ў, ўлдирди-ку!», деди Султон ичида ва зимдан аёлга разм солди: ерга тикилиб олибди, лаблари қимтилган, ҳозир туриб жўнайдигандек...

— Хай... — деди Ражаб ака тиш суғуртираётгандек инқиллаб ва кўзлари мўлтиллаб, Қудратга ёлворди.

— Жиянчаларни кўрдим, ҳаммаси соғ-омон экан, — дея бамайлихотир давом этди Қудрат. — Айниқса, кичкина ўғилчангиз, Бунёдмиди оти, жудаям ширин бўпти, шунақанги шўх...

Яна мусиқа янгради. Қудрат Султоннинг оёғини жон-жаҳди билан босди.

— Зўра-а?

Султон унинг ниятини англаб, аста ўрnidан турди, аёлнинг рўпарасига келиб, нақ Монпарнаста тарбия кўрган аслзодалардек, тавозе билан бош эгди:

— Рухсат этинг?

Рақс тугаб, стол ёнига қайтиб келганларида, Қудрат билан Ражаб ака апоқ-чапоқ, икковининг ҳам рангига қон югурган, тинмай хахолашар эди. Беш минутча ўтириб, хўшлашдилар.

— Энди эрталабгача давом эттирсак ҳам бўлади, — деди Қудрат дарров кўрган кунини унутиб.

— Валдирама. Нима қилдинг? Ким ўзи у?

— Сурама, соз бўлди. Сельпонинг раиси. Бизга жиндай поччабашара бўлади. Ўзи етқазди-да, хайрият-э! Пулини олаётганимда хурсанд бўлганини бир кўрсанг эди!

— Йўғ-э? — деди Султон ишонқирамай.

— Жон ука, шу гап шу ерда қолсин, деб шундай эланади!

— Мингбоши поччанга раис поччангдан оберибсан-да?

— Ҳе, мингбоши поччамни... Ўтиргандир қўриқчига ўхшаб?

«Мингбоши» чиндан ҳам полиздаги қўриқчининг ўзи бўлиб ўтирарди. Энг қизиғи шундаки, ташқарига чиққач, у сўкиниб:

— Э, номард экан-ку, оғайниларингиз! — деди.

— Қанақа оғайни?! — деб чувиллади Қудрат бошини чангаллаб. — Э, танимайсизми ҳали?

— Қаёқдан танийман?

— Ахир, ўпишиб кўришдингиз-ку? — деди Султон бўғилиб.

— Ўзлари лабини чўзди, ўпишавердим-да, — деди Қодиркул елка қисиб.

Учаласи тажанг, дарғазаб бўлиб, бир-бирига қарадию... бирданига кулиб юборишди. Айниқса, Қудрат қорнини чангаллаганча, сочлари тўзғиб-тўзғиб кулар эди:

— Қойил! Ўғрини қароқчи урибди, қойил! Мингбошининг туғилган

куни! Битта-яримта қаламкашнинг қўлига тушса, албатта комедия қилади! ...Султон ўша қайтарилмас ёшлик завқларини эрмакларини юраги тўлиб-тўкилиб эсларкан, ўз-ўзидан жилмаяр, чеҳраси ёришиб, лаблари пичирлар эди: «Ажойиб кунлар эди, ажойиб дамлар... Бари ўтди, бари, энди минг излаганинг, минг бўзлаганинг билан у дамларни топа олмасан...»

Чароғон зал энди гавжумлашиб қолган, музика ҳаддан ташқари қаттиқ гумбурлар, Абдулла билан Камол бир-бирининг гапини эшитмаганидан, бақриб-чақирганча тортишмоқда эди.

— Э, бекорларни айтибсан! — деб бош чайқади Камол. — Лақилла-тиб бўпсан! Марадона ўйнамаган бўлса, голни арвоҳи урадимми?

— Ия! — Абдулланинг кўзлари ола-кула бўлиб кетган эди. — Нега ўйнамас экан? Иккала голниям сен ургандирсан балки?! Тавба, гапни қаранг-у! «Барселона» ўйнармиш-у, Марадона бўлмасмиш! «Эвертон» ютқазганда инглизлар «Уэмбли»ни портлатиб юборай деган эди-да!

— Йўқ, йўқ! — деб бари бир кўнмади Камол. — Марадона йўқ эди, аниқ биламан! Хоҳлаган нарсангдан гаров ўйнаймиз!

— Бўпти! — дея қизишиб қўлини чўзди Абдулла. — Бўлмаса, ким урган эди голни?

— Мен қаёқдан билай? — деди Камол кўзларини пирпиратиб. — Тўрт йил бурунги гап бўлса...

— Ҳа, билмасанг, нега гапирасан? — деб тантана қилди Абдулла. — Билмаган нарсангни нега гапирасан?

— Нега гапирмас эканман? — деди Камол ҳамон таслим бўлгиси келмай. — Мен ўзим ўша ўйинни кўрмаганман, аммо бошимни гаровга қўйиб айтаманки, Марадона ўйнамаган!

Абдулла, азбаройи ҳайрон қолганидан, гап тополмай чўзиб ҳуштак чалиб юборди.

Султон мийғида кулимсираб, баҳсга қулоқ солиб ўтираркан, андух билан ўйларди: нақадар бахтлисиз, эҳ, ғофил иниларим! Шунинг учун ҳам бахтлисизки, бахтли эканингизни билмайсиз! Қандини урмайдиш ўша Марадонаю «Эвертон», шугина нарса деб, бир-бирингизнинг дилингизни сиёҳ қилиш, шодумон дамларингизни яксон қилиш шартми! Ахир, умр ўтяпти, умр, бебаҳо, бебаҳо умр, унинг ҳар лаҳзасини байрамга айлантириш керак, ҳар лаҳзасини! Кейин кеч бўлади, кеч!..

— Сиз нима дейсиз, Султон ака? — дея дабдурустан сўраб қолди Камол.

— Менми? — У бир зум ўйга ботди, кўзларини қисиб: — Мен, қўйинглар, дейман, — деди.

— Ана холос!

— Йўқ, олдин буни ҳал қилиб олмасак бўлмайди, — деди Абдулла жиддий.

— Беҳуда баҳсдан нима фойда?

— Фойданинг ҳаммаси шунда-да, — деди Камол илжайиб. — Бизнинг ишхонада бир одам бор. Танисанг керак, ака Фарҳод-да, — дея давом этди Абдуллага юзланиб. — Баҳс бойлашишни сендан баттар яхши кўради. Шу киши денг, Шукшиннинг ашадий мухлиси эди, у ҳақдаги ҳамма янги нарсани йиғиб юрарди — сурати борми, сўхбати борми... Бирор киши Шукшин тўғрисида янги гап топиб келса, суюниб кетганидан дарров бир нодир китоб совға қиларди. Бир куни эрталаб хонада ишлаб ўтирган эдик, қўшни бўлимдан бир ҳамкасбимиз бош суқиб қолди: «Ака Фарҳод, эшитдингизми, Шукшин ҳақида зўр янгилик?» «Хўш, хўш?», деди ака Фарҳод ҳовлиқиб. «Олдин келишиб олайлик, эвазига Фолкнернинг бир томлигини берасиз, маъқулми?» «Хўп, айтинг!», деди ака Фарҳод сабр косаси тўлиб. «Шукшин ўлибди, — деди ҳамкасбимиз, гўё ариқдан бир пиёла сув ичдим, дегандек бамайлихотир. — Мана, газета... Хўш, ака Фарҳод, китобни қачон оламиз энди?»

Султон Шукшиннинг деярли барча асарларини ўқиган, фильмларини кўрган, юрагида дарди бор бу одамни оғасидек яхши кўрарди, бу гапни эшитиб, титраб кетди.

- Кейин-чи? — деб сўради бирпас ўтиб.
- Олди китобни, қўймади, — деди Камол.
- Епирай-а!

— «Пахтакор» нобуд бўлганда ҳам шунақа бўлган эди, — деди Абдулла сув ҳўплаб. — Чиғатойдан чиқиб, троллейбус бекатига келсак, ур-йиқит, тўполон. Бир чол, команданинг сурати билан таъзия босилган газетани фотонусха қилиб кўпайтирган экан, донасини ўн беш сўмдан пуллаб ётибди! Нақ мозорнинг ёнгинасида!

Бир нафас сўзсиз қолдилар.

— Шундоқ йигитлар ҳам ўтиб кетди-я! — деди Камол бош чайқаб.

Султон ҳорғин тин олди. Гап шунда-да, укажон, деди хаёлан, ҳаммамиз ўтамиз, ҳаммамиз ғанимат, лекин нега ўзимизни мангу ўтмайдиғандек тутамиз?... Мана, ҳадемай бу оқшом ҳам ўтади, яна тонг отади, кун ботади, ким билсин, эрта-индин балки шу ерда мени ҳам худди шулардек йўқлаб, ғуссага ботиб ўтирарсизлар...

Бу тушкун хаёллардан кўнгли ер бўлиб чўкиб бораётганини сезди, гўё улардан қутулмоқчидек, ночор илжайди:

— Нега бундай ўтирибмиз ўзи, Камолжон? — деди. — Тажанг, дилгир... Яхсиси, боя айтганингиз, уят-уят гаплардан...

Камол ҳам кулимсиради.

Сахнага баланд бўйли, озғин, лўлинамо бир йигит чиқиб қўшиқ бошлади. У секин, бирмунча хирқироқ товуш билан машҳур қўшиқни куйлар, бояги жазавакор гумбур-гумбурлардан сўнг далалар нафаси янглиғ ёқимли бу тарона кўнгилга янада қадрдон ва азиз туюлар эди. Йигит саҳна ўртасидан кўзгалмай, дераза оша олисларга кўз тиккан, гўё ўша томонда термилиб турган кимгадир ўзининг ишқ йўлида чеккан азоб-уқубатларини ёруғ бир ҳасрат билан оҳиста сўйлаб бераётгандек эди:

Қайдасан, севгилим, қора кўзлигим,

Севгили юдузим, ширин сўзлигим...

Зал жимжит, шикаста оҳангларга маҳлиё эди.

Султон бошини кўтармай, хаёлан такрорлаб тинглади, қўшиқ тингач, Камолга қараб:

— Яхши-я? — деди.

— Яхши-ю... яхшимас-да, — деди Камол тағин майнавозчилигини бошлаб. — Маҳорат зўр, лекин юракнинг иштироки камроқ.

— Баъзан нухаси аслидан кўра зўрроқ туюлади, — деди Абдулла сигарет тутатиб.

— Э, нима деяпсан, Нозим аканинг ўзи қандоқ айтган буни, э! — дея жойидан бир кўзгалди Камол.

— Яна тортишмоқчисан-а? Мен ҳам шуни айтяпман, ахир! Бе, ким унга етказиб айтаолади!

— Қизиқ экан-да, ўзи-ку, йигирма йиллар бурунги қўшиқ, оҳанги ҳам, ижро ҳам шундоқ ўша давр нафаси, лекин, қурғур... ҳалиям юракни ўртаб юборади-да!

— Бизнинг ёшлигимиз шулар билан ўтган, — деди Султон ўйчан. — Мен буни биринчи марта олтмиш еттинчи йили, Украинада, Черкасси деган шаҳарда эшитганман.

— Сиз ҳам жуда кўхна одамсиз-а, Султон ака, нақ тош асридан келаётганга ўхшайсиз! — деб кулди Камол. — Нима бало, ўша пайтдаям ўрмон қирқарминдингиз?

— Султон акам уч йил у ёқда ўқиган, индустриаль техникумда, — деди Абдулла. — Нозим акага ош қилиб берганингизни айтинг.

— Э, нимасини айтади!

— Хай, айтсангиз-чи!

— Бир кунни, эрта кўклам эди, совуқ, изғирин. Совуқ шунақанги зўр эдики, кечаси пальто кийиб ётсак ҳам, тишимиз-тишимизга тегмай такиллаб чиқарди. Дийдираб дарсдан қайтиб келаётсак, ҳаммаёқда афиша: Нозим Қодиров гастролга кепти! Юрагимиз чиқиб кетди. Ётоққа чопди, соқол қиртишлаб, унниқиб кетган шимларга дазмол босиб, аранг кунни кеч қилдик. Кечқурун энг зўр қизларни бошлаб концертга бордик,

тумонат одам... Э, лекин, бир айтди, бир айтди, қарсақ чалавериб залдагиларнинг ҳам қўли қавариб кетди. Ёнида синглиси ҳам бор. Биз ҳам топган-тутганимизга гул оборган эдик, кўмиб юбордик ўзиниям. Гердайиб ўтирибмиз, ўзбек, Ўзбекистон, деган сўзнинг маъносию қадрига шунда етдим, укалар!.. Одам қараган сари қарагиси келади: ёш, келишган, уч соат тўхтовсиз айтди — қани, товуши қилт этса! Гўё ашула айтмаяптию шунчаки сиз билан дардлашиб ўтиргандек, оғиз очганини сезмайсиз. Ўзбекча айтди, туркманча, ҳиндчаю французча... «Араб танго»сини бошлаганида, ў!.. Эҳ, ажойиб кунлар экан-да! — Султон, олис ўтмиш хотирасининг ёди билан ҳаяжонланиб кетганини сезмай ўтирарди. — Концертдан кейин меҳмонхонасига бостириб бордик, хурсанд кутиб олди, чарчаганига қарамай, ётоққа судрадик. Борди! Қизил сабзи билан бирпасда ош дамладик, шундай яхши ўтирдикки... Ёқубжон деган ўшлик бир бола бўларди, доим сими узилиб ётадиган дутори бор эди, кўтариб келиб қолди, бирор нарса айтиб берсангиз, деб... У одам секин кулди, «Жоним билан», деди. Дуторниям сайратиб юборар экан, лекин! «Сайдинг қўя бер, сайёд...»ни айтди... Эсимда қолгани шуки, ўша кунни кечаси ётоқхонада совқотмай ухладик...

Сахнадаги йигит энди оммабоп бир лапар бошлаган, ҳозиргина бояги маъюс, дилкаш кўшиқни қандай дард ва масъумият билан айтган бўлса, бу бачкана ашулани шу қадар енгилтаклик билан ижро этарди.

— Бечора, бинойидек овози бор экан-у, дид масаласи... — деди Абдулла ачиниб.

— Ҳа, яхшигина косиблиги кўриниб турибди. Тўғрими, Султон ака? Султон индамай бош ирғади.

— Нозим ака бўлганда... — Камол тўсатдан Султонга тикилиб: — Эй, менга қаранглар, бормаймизми ҳозир? — деб қолди.

— Қаёққа?

— Нозим аканикига.

— Уйига-я? Йўғ-э!

— Бемаҳалда, ноқулай... — деб ғудранди Абдулла.

— Нима деб борамиз, қизиқмисизлар! — Султон кескин қўл силтади.

— Э, нимаси бемаҳал? — Камол қизишиб ўрнидан турди. — Қани, соат... мана, энди ўн ярим бўпти. Ҳеч ноқулай жойи йўқ, кўргани келдик сизни, деймиз, икки оғизгина гаплашиб ўтираемиз, холос. Туғилганимдан буён ҳамма нарсанинг фақат арзон-гаров нусхасини кўраман, аслига қачон етамиз, ахир! Хўш?

— Қайдам... — деб чайналди Абдулла.

— Кетдик, Султон ака, ўзимиз бораверамиз! Нима, иккиланиб? Сиздек эски кадрдонини кўрса, хурсанд бўлади қайтага.

— Э, Камолжон, не замонлар ўтиб кетдию...

— Ҳечқиси йўқ! — Камолнинг қарори қатъий, энди уни асло қайтариб бўлмаслиги сезилиб турар эди. — Чақиринг, ҳисоб-китоб қилсин. Пулдан борми? Бораверамиз, сира хижолат чекманг. Биз бирор нима таъма қилиб бораётганимиз йўқ-ку, тўғрими?

— Тоза ғалати бўлди-ку, а? — деди Султон гангиб.

— Нимаси ғалати экан? У одам халқ артисти, уйига халқи йўқлаб борса, менимча, албатта хурсанд бўлади.

— Оббо, сен халқмисан? Уйини билмасак... Лоақал танишмисан ўзи? — деди Абдулла жойидан қўзғалмай.

— Бир борганман уйига. Кетдиг-э! Биз ҳам умримизда бирор марта кўнглимиз буюрган ишни қилайлик!

«Рост айтади, — дея армон билан дилидан ўтказди Султон, — умр бўйи ўзгаларнинг кўнглига қараб келдим, ўзимнинг кўнглимга қарашга заррача фурсатим бўлмади, мана, энди фурсат етди деганимда...»

Ташқари совуққина эди, кеча ёққан қордан асар ҳам қолмаган, осмон ойдин, ғуборсиз.

Бекатда такси кутиб туришаркан, Султон рўпарадаги кўпқаватли бинога разм солди. Баланд-баланд деразаларнинг барчасида чироқлар порлаган, фақат учинчи қаватдаги бир уйнинг ойналарида милт этган

шуъла йўқ, лаҳаддек қорайиб кўринади. Хиёл ёришган кўнглини тағин ғашлик чулғади. Ким билсин, балки худди шу уйда кимсасиз бир бемор шифтга бемажол боқиб ётибдимми? Эҳтимол, у бениҳоят ҳолдан тойгандир, ҳатто туриб чироғини ёқишга ҳам қурби етмай қолгандир? Балки унга энди на ёруғлигу на чироқнинг ҳожати йўқдир. Эҳтимол буни ҳозир бирор кимса билмас...

Нотаниш, бегона бир уйда ўчиб қолган чироқлар унинг дилида ана шундай ажиб ғалаёнлар уйғотди. «Чироғинг ўчмасин», деган соддагина ҳикмат замиридаги теран инсоний маънони шу тобдагина юрак-юраклари зирқираб идрок этди...

Такси уларни ўн беш минутда манзилга элиб кўйди. Озода, чароғон йўлакдан бирин-кетин бошлашиб, учинчи қаватга кўтарилишди.

— Бир китобда ўқиганман: машҳур кишиларнинг ҳузурига кўпинча истиҳола қилиб одам зоти қадам босмайди, аммо улар ҳам баъзан бениҳоя меҳрга зор бўладилар, — деди Камол ўзигами, уларгами далда бериш учун.

Торгина майдонча. Қора чарм қопланган эшик. Оқ тугма.

— Қани, Султон ака, марҳамат, — деди Камол уни олдинга ўтказиб.

— Юраверинг, юраверинг.

— Менга қара, чакки бўляпти-да шу иш, — деди Абдулла атрофга аланглаб. — Ҳар ҳолда... Сен қачон келгансан ўзи?

— Янги йил арафасида. Анор судраб олиб келувди. Кираверамиз, мунча қалтирайсан?! Бос кўнғироқни!

Кўнғироқ жириглади. Жимлик чўкди.

— Уйда бўлмаса, яхши бўларди... — Абдулла беихтиёр бир қадам ортига тисланди.

— Анор ким? — деб шивирлади Султон Абдулла томон энгашиб.

— Бир оғайниси бор, Навоий театрида. Эй, Анор нима чаларди?

— Ким билади дейсан, — деди Камол елка қисиб ва тағин кўнғироқ тугмасини босди.

Эшик қия очилиб, остонада ўша таниш, қадрдон сиймо кўринди. Султон ялт этиб қарадию ҳайрон қолди: ўзгармаган, деярли ўзгармабди! Ўша-ўша қотма, навқирон вужуд, ўша тўлқин-тўлқин сочлар, ўша йирик, ёруғ ғусса тўла туйғун кўзлар...

— Ассалому алайкум, Нозим ака! — деди Камол вағиллаб. — Ростини айтинг, кўзингиз учганмиди-йўқми? Бир гала қароқчини бошлаб келдим, қабул қилмай иложингиз йўқ.

— Камолжон? Э, келинлар, келинлар! — деди уй эгаси шошиб. Унинг озгин, чўзинчоқ юзида бир зум таажжуб зоҳир бўлди. — Қани, бу ёққа...

Султон билан Абдулла, машҳур санъаткорнинг салобати босиб, йўлакда қимтиниб туриб қолишди, бироқ Камол гўё минг йиллик қадрдондек у билан бетакаллуф кулишиб-қучоқлашиб кўришди-да, тағин сайрай кетди.

Узун йўлакнинг икки томони бўйлаб деворга катта-кичик, турли-туман расмлар осилган эди: портретлар, ёрқин ёз, маҳзун куз манзаралари, мойбўёқда чизилган нафис лавҳалар. Султон даҳлиз адоғидаги сувратлардан бирига тикилиб қолди: Нозим аканинг аллақандай қабарик, шиддатли бир услубда ишланган ғайриодатий портрети. Ич-ичига ботган, теран бир дард, тафаккур ёлқини ёнган кўзлар. Ва шу чақноқ кўзларда бу одамнинг бутун сийрати мужассам эди.

— Нозим акамнинг ўзлари чизган, — деди Камол уст-бошини ечиб бўлгач, шерикларига юзланиб ва билағонлик билан сўради: — «Саратон» битдимми, Нозим ака? «Анор»-чи?

Нозим ака уларни турдаги хонага бошлаб кираркан, сезилар-сезилмас кулди:

— Битиб қолар...

Ҳол-аҳвол сўрашилгач, Нозим ака ўрнидан турди, айбга буюрмайсизлар, бугун ёлғиз эдим, болалар бувисини кўришга кетган, деб ошхонага чиқди, ҳаял ўтмай, қайноқ, аччиқ чой дамлаб кирди. Султон, умри бино

бўлиб бундай хуштаъм, ўткир ҳидли чой ичмаган эди, таажжуб билан қўлидаги олмадек пиёлага тикилиб қолди.

— Цейлон чойи, — деди Камол унинг ҳайратини сезиб. — Нозим акам ўша ёқдан опкелганлар, ўтган йили.

Пиёласини эндигина лабига олиб борган Нозим ака ўзини тутолмай кулиб юборди:

— Сиз ҳам икки оёқли архив бўлиб қолибсиз, Камолжон.

— Бўлмаса-чи! — деди Камол пинагини бузмай. — Мана буларни мен арқон билан судраб келдим, Нозим ака. Халқ артистининг уйига халқи бормаса, ким боради, дедим, тўғрими?

Нозим ака ҳам унинг дали-ғули гапларига ўрганиб кетган шекилли, индамай бош ирғади.

— Хўш, энди сизга бир илмий савол, — деди Камол рухланиб. — Архив бўлсам, бирйўла бўлиб қўяқолай. Минг тўққиз юз олтмиш еттинчи йил, ўн биринчи март куни қаерда эдингиз?

Мезбон ҳайроналик билан шифтга боқди.

— Ким билади, дейсиз.

— Биз биламиз, деймиз, — деди Камол. — Ўша куни сиз Украинада, Черкасси шаҳрида, «Юбилей» маданият саройида концерт бергансиз. Эсладингизми?

— Ҳа... шундай бир гап бўлган эди, — деди Нозим ака ўйланиб.

— Концерт маҳаллий вақт билан тўққиздан ўттиз беш минут ўтганда тугаган. Кейин нима ишлар билан банд бўлгансиз?

— Ухлагандирман. — Нозим ака беозор жилмайди.

— Ҳамма гап шундаки, ухламагансиз. Ухлаб қолганингизда эди, ажойиб бир одам билан танишиш бахтидан маҳрум бўлардингиз! Сиз индустриаль техникум ётоқхонасига боргансиз...

— Шошманг-шошманг! Сиз буларни қаёқдан биласиз?

— Терговхонада туғилган бу, — деб ғудранди Абдулла эшитилар-эшитилмас.

— Нега билмас эканмиз? — деди Камол кўзларини пирпиратиб. — Бу дунёда ҳеч нарса исиз йўқолмайди. Фақат нодонларгина бунинг аксини ўйлаши мумкин. Хуллас, сиз ўшанда бир одам билан танишгансиз...

— Камолжоннинг даромади бугун тугайдиганга ўхшамайди, — деб гапга аралашди Султон кулимсираб, — Нозим ака, эсингизда бўлса, техникум ётоқхонасида ўтирган эдик. Мен ўшанда учинчи курсда ўқирдим.

— Э-э! Ҳа-ҳа, ёдимга тушди! Жуда қаттиқ совуқ эди-я?

— Ҳа, эсингизда экан!

— Кечирасиз, исмингиз...

— Султон.

— Ҳа, Султонжон, рост айтасиз, совуқ эди. Ҳеч чидаёлмайман совуққа. Биз Шарқ фарзандларимиз, қонимизда қуёш кезиши керак, лекин, билмайман... — У хушнуд кулимсираб, елка қисди. — Қаранг, шунча йил ўтиб кетибди-я!.. Соғ-омон бормисиз? Хизмат қаерда?

— Хизмат... Зарқўрғонда, Нозим ака. Уй қурамыз одамларга...

— Султон акам инженер. Студентлик пайтлари «Семурғ» меҳмонхонасини ҳам қурган, — дея шоша-пиша қўшимча қилди Камол.

Султон истеҳзо билан хаёлидан ўтказди: «Кўкалдош мадрасасини вазир Кўкалдош қурган!»

— Биз, очиғи, Нозим ака, тўғри ресторандан келяпмиз, — деди у тараддулланиб. — Бир йигит чиқиб сизнинг қўшиғингизни айтди. Тўсатдан сизни эсладик, кўргимиз келди, бостириб...

— Раҳмат, — деди Нозим ака. — Султонжон, сиз хижолат тортаверманг, агар ҳадеб хижолат бўлаверсанглар, мен бундан баттар хижолатга тушаман. Майлими? Қани, чойга қаранглар. Кучалар совуқ эмасми? Баҳор қачон келади, а? — деди у алланечук бир армон билан.

Камол кресло ёнидаги пастак стол устида ётган альбомлар, даста-даста китоблардан бирига қўл чўзди:

— Кўрсам майлими, Нозим ака?

— Бемалол, бемалол.

— Навоий! — деди Камол сабзаранг муқовали қалин китобни аста варақлаб.

— Ҳа, кеча оқшом дадам раҳматли эсимга тушиб кетди. Бу китоб улардан ёдгор. У киши узун қиш кечалари мана шундай деразанинг олдида, эски-эски китобларни варақлаб ўтирардилар. Мен жимгина томоша қилишни яхши кўрардим. Назаримда, дадам китобдан ниманидир излапти-ю, ҳеч тополмаётгандек туюларди. Бир куни: «Ҳадеб нимани қидираверасиз?» деб сўраганим эсимда. Дадам кулдилар-да: «Ўзимни қидиряпман, ўғлим, — дедилар. — Мана, қулоқ сол: «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам». Мир Алишер мана шундоқ деганлар, уқдингми?» — Нозим ака нафасини ростлаб оҳиста хўрсинди. — Ўшанда бу гап хаёлимга жуда қаттиқ ўрнашди. «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...» Мен бунинг маънисини энди-энди тушунапман. Агар мен ўзимни, ўзлимни топмасам, эл-юртим мендан нима баҳра топади, дегани экан. Афсуски, бу байт Навоийнинг қайси асаридан, қачон ёзилган — билмайман.

Узоқ жимлик чўкди.

— «Маҳбуб ул-қулубдан»микан? — деди Камол тусмоллаб.

Нозим ака фаромуш бош чайқади.

— Қайдам... Ҳали на Навоийни биламиз, на ўзимизни...

— Энди, сизки шундай десангиз, Нозим ака... — деди Абдулла қимтиниб, — бизга ўхшаган ялангоёқлар дунёдан дод деб ўтиши керак экан-да.

— Ҳе! — Нозим ака кескин қўл силтади. — Еш эканмиз, ғўрлик қилиб ҳар нарсани қўшиқ деб айтаверган эканмиз. Мана энди, эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади...

Яна узоқ жимлик чўкди. Султон Нозим акадан кўз узмай ўтираркан: «Шу одамнинг ҳам армони бормикан, деб юрардим. Бор экан! — деб ўйлади. — Лекин бу қандай ажиб, ёруғ армон! Қани эди, ҳар кимсага фақат шундай армон насиб этса!»

— Навоийдан, Фузулийдан, Машрабдан айтишим керак эди. Қандоқ тоза, маъноли сўзлари бор экан уларнинг! Фузулийни қаранг-а: «Фаллақлар ёнди оҳидан, муродим шаъми ёнмасми?» Халқ қўшиқлари-чи? «Дутор чалиб ўтирсам, тори узилиб кетди, ёрим эсимга тушиб, кўнглим бузилиб кетди...» Сезяпсизми, қанчалик соф, содда, мардона! Ахир, мен шуларни эшитиб улғайганман, отам ҳам, онам ҳам айтишарди. Мен кўп адашдим, кўп...

— Нега ундай дейсиз, Нозим ака... — Султон унга ҳайроналик билан боқди.

— Мен Масиасга, Азнавурга эргашиб, уларнинг қўшиқларини такрорлаб, француз саҳнасига чиқдим. Ким билсин, нима хаёл билан шундай қилдим экан? Аллақачон ҳайратни унутган французларни лол қолдирмоқчи бўлдими? — У ғамгин кулимсиради. — Аммо уларга, қанчалик буюк бўлмасин, иккита Масиаснинг кераги йўқ экан. Умуман, санъатда ҳар бир ҳақиқий ижодкор ягоналиги билан қадрли — мен буни кеч англадим, жуда кеч...

— Нозим Қодиров бизга шунинг учун қадрли-да! — деб яна луқма ташлади Камол.

Нозим ака аста бош чайқади. Абдулла анчадан бери нимадир демоққа чоғлангандек тараддулланиб ўтирарди, орага чўмган бир оз жимликдан сўнг секин сўз бошлади:

— Бир гап... шу юрагимда қолиб кетмасин, Нозим ака. Қачонлардир сизни бир топиб, раҳмат айтаман, деб юрардим-у, ҳеч... журъат қилолмасдим. Қарангки, бугун мавриди келган экан-да. Етти йил бурун Темирийулчилар маданият саройида бўлган концертингизга тушган эдим. Очиги, ўша куни кайфиятим ниҳоятда расво эди: яхши кўрган қизим билан жуда қаттиқ уришиб қолган эдим, тамом, энди юзкўрмас бўлиб кетсак керак, деб ўйлардим. Жанжал, ўша пайтда бизга ғоят муҳим, ҳаёт-мамот масаласидек кескин бўлиб туюлган қандайдир бир гап юзасидан келиб

чиққан эди. Кейинчалик ўйлаб-ўйлаб ҳам унинг қандай гап эканини сира эслаёлмадим — аслида шундай арзимаган нарса экан... Хуллас, концерт бошланди. Тумонат одам, бир чеккада шумшайиб ўтирибман. Туриб-туриб, хўрлигим келади — концертларингизга доим у билан бирга тушардим, яйраб-яшнаб ўтирардик... Ҳозир эса кўшиқ ҳам қулоғимга кирмасди, гоҳ ўзимни сўкаман, гоҳ уни айбламан. Бир маҳал нима бўлди, қандоқ бўлди — билмайман, бир парча қоғозга икки энли хат ёзиб, зал оша сизга узаттириб юбордим. Кейин ўриндиқда ғужанак бўлиб олганча сизни бетоқат кузата бошладим. Ниҳоят, гуллар билан, мактублар билан бирга мен хат битган бир парча қоғоз ҳам қўлингизга бориб тегди. Шошилмай кўз югуртирдингиз. Гулдасталарни саҳна четидаги столчага қўйдингиз-у, негадир қўлингизда фақат менинг хатим қолди. Юрагим гурсиллаб кетди. Микрофон олдига шошилмай келиб, яна бир бор қоғозга қарадингиз, кейин: «Абдуллажон деган бир дўстимиз ўзи учун «Раъно» қўшиғини айтиб беришимизни сўрабдилар. Жоним билан», дедингиз. Бошим кўкларга етди ўшанда, Нозим ака... Концерт тугаб ташқари чиқаётсам, эшикнинг олдида мўлтираб Раъно турибди, кўзларида ёш! У ҳам келган экан, бир бурчакда мендан баттар қийналиб ўтирган экан. Индамай келиб бошини эгди — бир лаҳзада ярашиб олдик. Билмадим, ўшанда сиз бўлмаганингизда, уни қайтиб топармидим-йўқми... — Абдулла оҳиста хўрсиниб, узун ҳикоясига якун ясади.

— Қачон бўлган экан бу гап? Етти йил бурун дейсизми? — Нозим ака ўйланиб қолди. — Қайдам...

— Нозим ака, эҳтимол сизнинг ҳаётингизда бундай воқеалар кўп бўлгандир, аммо менинг умримда бир мартагина бўлган, лекин уни бир умр унутмайман.

— Э, аравани опқочмасанг-чи! Унутмайман, дейсан-у, Раънога уланганингизда Нозим акани тўйга айтишни унутган экансан-у! — деб вағиллаб берди Камол.

— Йўқ, унутган эмасман, — деди Абдулла секин. — Нозим акани таклиф қилгани атай филармонияга борганмиз, Раъно билан. Тўйимизга келса-келмасалар, у кишига раҳмат айтишимиз керак эди. Афсуски, сиз у пайт касалхонада ётган экансиз.

— Ҳа-а, умрнинг ҳам ярми касалхонада ўтди, — деб қўл силкиди Нозим ака. — Ишқилиб, бахтли бўлган экансиз, мен хурсандман, Абдуллажон. Нега чойдан ичмаяпсизлар?

— Ичяпмиз, — деди Камол қув кўзларини қисиб, — бу... қатағондан кейин чой асри бошланди-да: уйда чой, тўйда чой, ресторанда ҳам чой!

Ҳамма кулиб юборди.

— Агар истак бўлса, — деди Нозим ака қўзғалиб, — «совуқ чой»лардан ҳам йўқ эмас.

— Э, қўйинг, қўйинг! — деди Камол шоша-пиша. — Ҳазиллашдим-э! Янги мақолни эшитмадингизми? Ичар бўлсанг «совуқ чой», борар жойинг совуқ жой!

— Оббо, Камолжон-эй! — Нозим ака кулгидан ёшланган кўзларини артиб, унинг елкасига қоқди. — Сиз билан ўтириш маза-да!

— Шу гапни бир варақ қоғозга ёзиб қўл қўйиб беринг, Нозим ака! — деди Камол гердайиб, сўнг негадир бирдан жиддий тортиб: — Соғлиқ яхшими ўзи? — деб сўради.

— Касалдан гаплашмайлик, — деди Нозим ака қатъий қилиб, — касалдан гаплашган одам баттар касал бўлади. Хўш, динозаврларнинг ўлигидан яна топдингларми?

— Топамиз! — деди Камол ишонч билан. — Ҳозир у ерда катта қидирув ишлари олиб боряпмиз. Жуда улкан нефть конлари бўлиши керак, деган тахминлар бор. Э, Нозим ака, қўйинг, бизнинг бу гаплар қизиқ эмас, яхшиси, ўзингизнинг ишларингиздан гапиринг.

— Нега қизиқ эмас экан? Мудраб ишга бориб, мудраб қайтгандан кўра, динозаврнинг жасадини бўлса ҳам излаган маъкул.

— Албатта, — деб тасдиқлади Султон.

— Янги қўшиқлардан қачон эшитамиз, Нозим ака? — Абдулла пиёлаларга чой қўйди.

Нозим ака бирдан хомуш тортди.

— Билмайман, — деди бўғиқ товуш билан, — Билсам, айтар эдим, укажон. Лекин умидим бор: бир куни бутунлай бошқача, оҳанглари, сўзлари бутунлай янгича қўшиқлар айтсам... Ҳозир эса фақат бир сувратнинг шаклу шамойили айланиб юрибди хаёлимда. Уни ҳам Навойини ўқиб ўтириб топиб олдим. Дадам қалам билан белги қўйиб кетган эканлар. Мана... мана шу ерда, — у узун, ингичка бармоқлари билан китоб саҳифаларини варақлай бошлади: — Мана, қаранг-а:

Боғ мендек сарғариб, булбул менингдек бўлди лол,
Гўйиё мундоқ бўлур бир гулдин айрилғонга ҳол.

Ердаги яфроғ ғарибу хокисор ар бўлмаса,
Мен киби не важҳдиндур юзи сориг, ашки ол.

Сувғаким тушмиш қизорғон барглар, кўрган киши
Кўз ёшим ичра бағир парғоласи айлар хаёл.

Бу сариғ рухсор уза ҳар сори ашким ўхшашур
Бир хазонлиғ боғ ичинда ҳар тараф равшан зилол...

Сездингизми? Сезяпсизми? Нигоҳи қанчалар ўткир, тиниқ экан Навойининг! Ахир, бу бутун бошли бир куз симфонияси-ку! Рангга кўчирилса, қандай ғаройиб манзара бўлади. Бир уриниб кўрмоқчиман. «Бир хазонлиғ боғ ичинда» деб кўяман номини...

Султоннинг кўз ўнгида азамат асрий чинорлар кўкка бўй чўзган поёнсиз бир кенглик намоён бўлди. Куз қуёшининг ҳорғин нурлари поёнсиз бу кенгликда мулойим жилва қилади, забардаст шохларда қушлар чарх уради, оёқ остида — зилол қўл титрайди, сув узра — сонсиз-саноксиз қонталаш, алвон япроқлар... Бир хазонлиғ боғ ичинда танҳо бир кимса оҳиста кезади. Нимани излаётир у? Нимани истайди? Қарашлари бунчалар дардли, бунчалар ўйчан... Бир хазонлиғ боғ ичинда не сир-асроф?..

* * *

Меҳмонхона олдида хайрлашдилар. Абдулла, уйга юрасиз, деб туриб олди, Султон эртага албатта боришини айтиб, аранг кўндирди.

Оғайнилари жўнаб кетгач, у бўм-бўш майдон бўйлаб бир оз сайр қилди — хонага киришга юраги безилларди. Бу куннинг ғаройиб, турфа таассуротлари, Нозим Қодиров хонадонидаги хаёлийдек туюлган суҳбат хотирасидан қайта-қайта ўтди, нимадандир кўнгли кўтарилди, нимадандир ўксиди.

«Касалдан гаплашган одам баттар касал бўлади...» Рост айтади. Аммо бемор одам бундан бошқа яна нимани гапирадию нимани ўйлайди?..

Афсонавий қушдек мағрур қанот ёзиб турган меҳмонхона биносига беихтиёр тикилиб қолди. Ана, унинг хонаси — чироқлари ўчган, қоронғи. Шу учинчи қаватнинг сувоғини уларнинг бригадаси қилган эди. Худди мана шу ерда биринчи марта қўлига андава ушлаган, Муштарий деган нозик-ниҳол қиздан бетонсувоқни ўрганган. Дастлаб сира қўли қовушмаганлари, деворга чапиган қоришмаси сувдек оқиб тушавериш, шу қизнинг олдида мулзам бўлганлари, баджаҳл бригадирнинг кўзидан қочиб юрганлари... бу олис хотираларнинг барчаси дафъатан юрагини нурга тўлдирди, аста-аста одимлаб, ичкари кирди, лифтни кутиб ўтирмай, бундан ўн етти йил аввал ҳавозага қандай чиққан бўлса, зиғалардан бир-бир босганча учинчи қаватга кўтарилди бошлади...

«Қабул қилсак, қурилишга ишга борасизми?»

Султон, агар институтга қабул қилинса, Кўҳи Қофга ҳам пиёда боришга тайёр эди, ўйлаб ўтирмай рози бўлди...

Сувоқчилар бригадасининг ўн тўртта аъзоси бўлиб, шундан учтаси хотин-қиз, олтитаси бўйдоқ, биттаси бева экан. Султон келиб қўшилгач, бу ерда яна бир киши кўпайди, лекин, бари бир, бригадада нечта о д а м борлиги аъзоларнинг ўзигагина аён эди.

Учта хотин-қизнинг бири — Зайтуна; эсини танибдики, шу бригадада ишлайди, кимсага гапани ҳам, ҳақини ҳам бермайди. Иккинчиси — оқ юзли, қўнғирсочли Клава. Бир йил бурун йигирма олти яшар лейтенант эри ҳалок бўлиб, ёлғиз қизчаси билан қолган. Камгап, камсуқум, биров билан иши йўқ, сокин мовий кўзларига тикилиб қараган одам эзилиб кетади. Ва ниҳоят, учинчиси — исми дафъатан қулоққа андак ғалати эшитиладиган қиз — Муштарий. Йигирма тўрт яшар бу қизни кўрган киши беихтиёр: «Ҳаҳ, номард табиат!», деб юбориши тайин: шундай лобар, шундай хушфеъл ва шундай..!

Ун саккизга кирган қизнинг хунуги бўлмайди, дейдилар. Ким билсин, бу гапни қайси бир муруватли қалб ўйлаб топган экан? Афсуски, Муштарий аллақачон бу «таскин ёши»дан ўтиб кетган, тўрт йилдан бери шу бригадада ишлаб, кечқурунлари университетнинг тарих факультетида ўқиркан. У Зайтуна ва Клавага сирдош дугона, олти бўйдоққа сингил, ишга Султон билан олдинма-кейин — хунар мактабини битириб келган маҳмадона Шокирга меҳрибон опа! Ҳатто ҳаммани зириллатиб жонини оладиган бригадир — аъзолар орқасидан «Абужаҳл» деб атайдиган қаттиққўл Абубакир ака ҳам унга бирор марта товушини кўтариб гапирмаган, мудом «она қизим» деб қақиради.

Султон дастлаб қизнинг мактабданми, музейданми, енгилроқ иш топиб ўтиб кетиши мумкин бўлгани ҳолда, новдадек нарса, ҳануз бетонга қоришиб юрганига бир оз таажжубланди, аммо ортиқча аҳамият бермади. Фақат, унинг ажабтовур номи диққатини тортди, холос. Иш бошлаган кунининг эртаси, кечга томон бочкадан сув оларкан, ёнгинасида андава юваётган қиздан сўради:

— Кечирасиз, исмингизнинг маъноси нима?

— Билмайман, — деди қиз оддийгина қилиб ва бир оздан кейин: — Бултур «Фан ва турмуш»да ўқиб қолдим, «обуначи» дегани экан, — деб қўшиб қўйди.

— Йўғ-э!

— Рост.

— Мен бўлсам... мен жуда-а бир бошқача маъноси бордир деб ўйловдим. — Султоннинг негадир бирдан ҳафсаласи пир бўлди, аммо қизнинг кўнгли учун: — Лекин бари бир чиройли ном экан, — деди.

— Тўғри, — деб бош силкиди қиз. — Чиройли нарсаларнинг кўпи бемаъни бўлади. — У, бу гапни ўйламай айтиб юборганини сезиб қолдим, билинар-билинимас қизарди-да, коржомасига ёпишган цемент қоришмасини қоқиб, ерга қаради.

Султон нима деярини билмай қолди. Бу қиз билан чирой хусусида сўз юритмоқ... кўр одам билан камалакнинг ранги ҳақида баҳслашишдек мантиқсиз туюлди.

— Чунки одамлар кўпинча чиройли шаклга, чиройли оҳангга учиб, кулгили аҳволга тушиб қолганларини сезмайдилар, — дея давом этди қиз ўзини бирмунча босиб. — Масалан, бир пайтлар, ўттизинчи йиллармикан, болаларга шунақанги чиройли исмлар қўйиш расм бўлганда, бизнинг бир узоқ қариндошимиз, вафот этиб кетган ҳозир, янги амалдор бўлиб, қизига «Дизентерия» деб ном қўйган экан.

— Нима? Дизентерия?

— Ҳа. Чиройли эшитилган-да, у кишининг қулоғига. Маъносини бировдан сўраб олишга бўйинлари ёр бермаган экан, — деди Муштарий кулимсираб. — Мен билардим ўша кампирни, яқин-яқиндагина паспортини алмаштириб олган эди.

Султон кулгидан ёшланган кўзларини артаркан, сездики, қизнинг юрагида чирой оламига, чирой деган сўзнинг ўзига пинҳоний бир нафрат аланга олиб ёнади.

— А, Муштарий деб... ким ном берган сизга? Тағин ўша қариндошингиз бўлмасин? — деб сўради у челагини кўтариб. — Ё дадангиз қўйганмилар?

Қиз хомуш бош чайқади.

— Йўқ, онам раҳматли қўйган эканлар. Эскичадан хабарлари бор эди

онамнинг. Нодирани яхши кўриб ўқирдилар. «Дода келдим эй салотин сарвари, додим эшит, Сен шаҳу мен бенаво, лутф айла фарёдим эшит», — деб такрорлади у. — Дадам... у киши доим «Муштар» деб чақирадилар, — унинг қалин лаблари алам билан титраб кетди. — Худди «наштар» дегандек...

Шу билан суҳбатга ўз-ўзидан нуқта қўйилди — индамай ҳавоза сари йўл олдилар.

У пайтлар ҳали Султон салти-сувой, ҳали Зумрадни ҳам учратмаган, оламдаги барча бўйдоқлар сингари, осмондаги ойни оламан, деб юрган кезлари эди, табиийки, умр йўлида дуч келган бу кўримсизгина қизни ҳам, унинг меҳр тўла умидвор кўзларини ҳам пайқамади. У, баландлигидан кўз тиниб кетадиган ҳавозаларда кун бўйи қора терга ботганча ишлар, кечқурун, апил-тапил тамадди қилиб олгач, бутун бадани зирқираб дартсига чопар, ярим кечагача мук тушиб китоб ўқир, сўнг уч-тўрт соатлик «қуш уйқуси»да афсонавий маликаларни туш кўрар эди.

Икки ойлardan кейин химфак лабораториясида лаборантлик қилаётган курсдоши Қудрат уни паноҳ тортиб келди.

— Бўлмади, оғайни, — деди уҳ тортиб, — колбадан ҳам кўра кўпроқ мудирнинг машинасини ювишимга тўғри келяпти. Ойлик ҳам ҳалигидек, пиёз билан қотган нонга қолган куним. Абужаҳлингга айт, мениям олсин бригадасига. Ке, энди, тирик бўлсак — тўрда, ўлик бўлсак — гўрда бирга бўлайлик, оғайни!

Абужаҳлни кўндириш осон бўлмади. «Қайдам, акаси, иш ёқмасроққа ўхшайди-да, бўлмаса, ярим йилда тўқимини ёнбошига олармиди? Майли энди, сиз ўртага тушибсиз — сазангиз ўлмасин, Илёсга шогирд туша-қолсин.» Султон ичида кулди: Илёс акага шогирд тушди деган сўз — автоматга шогирд тушди, деган гап. Ишлаб чарчамайди, бир дақиқа тек турмайди, «сиз»лаб одамнинг жонини олади. Ўлдинг, Қудрат!

Аммо Қудрат ўлмади, шундай ғайрат билан ишлаб кетдики, тўрт ойдан кейин Абужаҳл уни ҳар замонда мақтаб ҳам кўядиган бўлди: «Қаранг, акаси, оғайнингиз Холиқовни, бир иш топширсанг, тинчитади кўяди — моховга ошна қилиб бўлсаям дарров бажаради». Абужаҳлнинг феъли шу, бировни алқаётганида ҳам ҳақим кетиб қолмасин, деб кўрқарди.

Қурилишга жойлашиб олгач, Қудрат унинг ёнига — Аянинг уйига кўчиб келди-да, кун узун-кун шарпадек эргашиб юрадиган бўлди. Бу орада Султоннинг ҳам қўли сувоққа келиб қолган, Муштарий эса энди Шокирга иш ўргатиш билан овора эди. Кунларнинг бирида у Султонга арз қилиб қолди:

— Султон ака, шу ўртоғингиз... Қудратга айтиб қўйсангиз: менинг отимни яримта қилиб чақирмасинлар.

— Нима деб чақиряпти? — деди Султон сигаретини улоқтириб.

— «Муштар», дейдилар нуқул. Уйда эшитганим ҳам етар... Ўзим айтай, десам, ноқулай. Майлими?

— Хафа бўлманг, — деди Султон уни юпатиб, — бу бир юрган тентак-да. Мен тушунтириб қўяман...

Кечқурун ишдан қайтаркан, ўзича ўйлади: қизнинг исмида яширин бир маъно борлиги шубҳасиз. Ахир, наҳотки Нодирабегим девонини ёд билган зукко бир аёл, суюкли фарзандига «обуначи» деб ном қўйса!

Эртаси шанба эди, атай кутубхонага борди, «Навоий асарлари луғати»ни олиб, бир-бир варақлади. «Мушриф, муштаил, муштамил, муштарак, муштарий... Икки хил маъноси бор экан: 1. Сотиб олувчи, харидор. 2. Юлдуз, Юпитер сайёрасининг номи.» Худди ўзи ўйлагандек. Ҳа, бошқача бўлиши мумкин эмасди. Муштарий — ёруғ, порлоқ юлдуз, олис, сирли сайёра... Маърифатли, оқила она қизига ана шундай гўзал сифатлар ёр бўлишини тилаб кетган экан.

Душанба кuni эрталаб шошиб ишга келди. Меҳмонхона яқинлашиб қолган аллақайси байрамга очилиши лозим эди, сигарет чекишга ҳам фурсат йўқ, Абужаҳлга қолса, тушлик ҳам қилмай ишлаш керак. Султон апил-тапил коржомасини кийиб, бетон қорадиган машина томон

бораркан, жанжалнинг устидан чиқиб қолди. Абужаҳл кўкариб-бўзариб кетган, қўлидаги қоғозга ўроғлиқ алланарсани қиличдек ўйнатиб, Шермат кесакни бурчакка тирамоқда. Шермат кесак адои тамом бўлган, теракнинг баргидек титраб турар эди, уни кўриб, нажот тилаб мўлтиради.

— Мана, мана, гувоҳ! Султон, акаси, гувоҳ бўласиз, бу ёққа келинг! — Абдужаҳл жонининг борица унинг енгидан тортқилай бошлади. — Қаматаман сен ярамасни! Мени ким деб ўйляпсан? Сотиб оламан, деяпсанми? Хўв, имонсиз, гапир, сенга мени порахўр деб қайси уйингга ўт тушгур айтди?!

— Э, Абубакир ака, тинчликми? — деди Султон капалаги учиб.

Абужаҳл ҳамон унинг енгидан чангаллаганча, қалтираб-қақшаб воқеани баён қилди.

Ўтган ҳафта Шермат кесак икки кун ишга чиқмабди — бир юмуш билан Жамбулга, юртига кетган экан. Табиийки, ижозат олиб кетишга юраги бетламаган, қайтиб келгач эса, Абужаҳлга нима ваз-корсон рўқач қилишни билмай боши қотган. Шунда кимдир унга йўл кўрсатибди, уйдан олиб келган қазиларингдан биттасини Абужаҳлга обориб берсанг, прогулдан ҳам қутулсан, гап эшитишдан ҳам, дебди. Шермат кесак қазининг узунроқ, йўғонроғини қоғозга ўраб кепти-да, эрталаб Абужаҳлни холи топиб тутқазган экан, у бомбадай портлаб кетибди. Мана энди, у ўша «падарингга лаънат кимдир»нинг кимлигини тез айтасан, деб талаб қилар, шўринг қурғур Шермат эса лақабини оқлаб — кесак бўлиб турар эди.

— Хафа бўлманг-э, бирорта ҳазилкашингиз... — деб Султон гап бошлаган эди, Абужаҳл уни ҳам силтаб ташлади:

— Мен билан ҳазиллашадиган одам ҳали онасининг қорнида, билдингизми, акаси! — Сўнг бирдан товуши ўзгариб, Шермат кесакка йиғлагудек бўлиб деди: — Ахир, жон ука, бир аблаҳ шундоқ деса, ишонаверасанми? Мени шунақа ифлос, деб ўйлар экансан-да, а? Бошқалар ҳам шунақа деб юраркан-да! Э, тавбандан кетай, қариган чоғимда бу қандоқ маломат менга!

— Кечиринг, — деб ғўлдиради Шермат кесак.

— Ўттиз йилдан бери лой чангаллаб бола-чақа боқаман, — деб куйиб-пишарди Абужаҳл бошини чайқаб, — бировнинг бир тийинига хиёнат қилган бўлсам, мана, ким ўтмаган жойларда турибман! Пора егунча, Алининг тиғига учраб тилка-пора бўлмайманми!

— Абубакир ака, кўйинг, ўзингизни босинг, — деди Султон ва ҳадиксираб четга қаради. — Бир янглишган-да энди. Ҳой, нега без бўлиб турибсан? Қазингни олу йўқол бу ердан!

Шермат кесак жонҳолатда ортига чекинаркан:

— Кечиринг, — деб шивирлади, — кечиринг...

Абужаҳл уҳ тортиб, бетон плита устига чўкди.

— Қаранг, акаси, ерга қориб кетди мени, — деди хиёл ўтиб, пешонасини артаркан, — қай бир каззоб мени тўғримда шундоқ фикрда экан-да. Наҳот шунча бирга ишлаб менинг кимлигимни билмаган бўлса?

У инқиллаб ўрнидан турди-да, судралганча вагонетка томон кетди. Дуррачасини шоша-пиша танғиб келаётган Муштарийнинг саломига базўр алик олиб, кўздан йўқолди.

Муштарий Султон билан қўл бериб кўришаркан, сўради:

— Кайфиятлари йўқ?

— Қайдам, — деди Султон елка қисиб, сўнг қизнинг кўзларига синовчан тикилиб: — Исмингизнинг маъноси нима, биласизми? — деб жилмайди.

Қиз бунини одатдаги ҳазил фаҳмлаб, қошлари норози чимирилди.

— Билмайман. Қани, бошладикми? Қоришма тайёр эканми?

— Тайёр. Исмингизнинг маъносини айтайми? Эвазига нима берасиз?

Муштарий кулимсираб, оёғи остида ётган тешик пақирга ишора қилди.

— Шуними? Майли, шуни раво кўрсангиз... бўлаверади. Бўйнимга осиб юраман. Қулоқ солинг: Муштарий дегани — юлдуз, Юпитер сайёрасининг номи экан.

— Нима? Юлдуз? Юпитер? Қўйсангиз-чи! — Қизнинг кўзлари чақнаб кетди. — Қаёқдан олдингиз бу гапни?

— «Навойи асарлари луғати»дан, — деди Султон содда қилиб. — Бундан буён сизнинг исмингиз — Сайёра. Йўқ, Юлдуз. Қўл етмас юлдуз. Муштарий, юзлари ёниб ерга қаради, чеҳрасида миннатдор бир табассум балқиди.

«Одамни бахтли қилиш баъзан қанчалар осон!», деб ўйлади Султон қизнинг ортидан ҳавоза томон бораркан...

Уша кундан бошлаб у Муштарийни гоҳ Сайёрахон деб, гоҳ Юлдузхон деб чақирадиган бўлди.

Абужаҳл эртаси ҳам, индинига ҳам ишга чиқмади — қазини оғзига олмаган бўлсаям, қон босими ошиб кетибди. Султон, унинг барча ҳалол одамлар сингари, териси юпқалигини, тухмат-маломат қаршисида буткул довдираб, ўзини йўқотар даражада ожиз қолганини пайқади, бақироқ, аммо оккўнгил бу қолни шундан кейин янада яхши кўриб қолди. Шермат кесак эси борида этагини ёпиб, Абужаҳл тузалиб чиққунича ариза ёзиб ишдан бўшаб кетди.

Янги йилни Султон касалхонада кутиб олди. Йигирма олтинчи декабрь кечаси кўричаги тутиб қолди. Қудрат одатдагидек аллақаерда санғиб юрарди, Қодирқул «Тез ёрдам»да бирга келиб, уни ТошМИга жойлаштириб кетди. Эртаси кечқурун тиғ теккан жойларнинг оғриғи энди сезилиб, тишини-тишига босиб ётганида, оқ халатни қийшиқ ёпиниб Қудрат кириб келди. Ҳеч эсидан чиқмайди: Қудрат уни кўргани иккита «Скумбрия» консерваси олиб келган эди, не азобда ётганига қарамай, буни кўрдию кулиб юборди.

— Э, консерва бўлмайдими? — деди Қудрат бепарво, бошини қашиб. — Майли, мингбоши билан эрталаб уриб ташлармиз.

Қудрат кетганидан кейин ярим соатлар ўтиб, ҳарсиллаб-гурсиллаб Ая Қодирқул билан кириб келди, йиғлаб-сиқтаб, кастрюлқадаги қайнатма шўрванинг сувидан икки қошиққина ичириб кетди.

Туни билан иситмаси гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб, уйқусида ҳаловат бўлмади. Тонга яқин кўзи илиниб ухлаб қолган экан, бир пайт кимдир аста елкасига туртди:

— Сизни йўқлаб келишибди, чиқаркансиз.

Қараса, ҳамхонаси — қилтирик, дароз ўспирин.

— Э, ука, — деди Султон каловланиб, — мен чиқолмайман-ку... Ким экан-а?

— Бир қиз. Оти Юлдуз экан.

Султоннинг таажжуби ошди. Унинг бу шаҳарда, умуман бу оламда бундай йўқловчиси йўқ эди-ку?

— Халат оберайми бўлмаса?

У шоша-пиша бош ирғади, шифтга ҳайрон тикилиб қолаверди.

Бир маҳал эшик очилиб, Муштарий кириб келди!

«Э, калла!», деди Султон.

Қизнинг кўзлари... Фақат суйган одамнинг кўзларигина шундай ҳамдардлик билан боқа олади.

Кечқурун у тагин келди, эртасига яна...

Султон ҳар сафар уни ҳазил-ҳузул билан кузатиб қоларкан, ўзини номарддек сезарди.

Касалхонадан рухсат тегиши билан қишки имтиҳонлар бошланиб, бир ойлик ўқув отпускасига чиқди. Қайтиб боргач, Абужаҳлга ҳол-кунини арз қилди, мен энди оғир ишга ярамайман, жавоб берсангиз, деди. Абужаҳл бу гапга қулоқ солишнIAM истамади, кўйинг, акаси, деди, мени жуда жаллод деб ўйламанг, бизда ҳам одамгарчилик бор, соғ пайтингизда ишлатиб-ишлатиб, энди касал бўлганингизда кўчага ҳайдайманми? Эшакнинг кучи ҳалол-у, ўзи ҳаромми? Кўнглингизга олманг, акаси, мисол учун аятайпман, сиз парво қилманг, хўжайинлар билан гаплашаман, бирор-ярим ой идорадан енгилроқ иш топиб берамиз, кейин тагин жиққамушт бўлиб ишлайверамиз, хаёлни бўлманг, акаси!

Бу гапни дарров қаёқдандир эшитган экан, зум ўтмай Муштарий етиб келди.

— Кетяпсизми? — деди кўзлари ғилтиллаб.

Султоннинг томоғига данакдек нимадир нарса тиқилди.

«Қани эди, мен ҳам бировни шунчалик яхши кўрсам!», деб ўйлади армон билан.

— Кетмаганда... нима қилдим энди сизларга дардисар бўлиб? — деди атай бардам оҳангда.

— Сиз дардисарми? — Қиз маъюс кулди, таъна билан бош чайқади, сўнг коржомасининг тугмасини ўйнаб, эшитилар-эшитилмас: — Қолсангиз... кўпчилик сизга ўрганиб қолган эди, — деди-да, югургудек бўлиб вагонеткадан чиқиб кетди.

Абужаҳл айтганини қилдирди: Султон икки ойча идорада ишлаб, кейин бригадага қайтиб келди. Ишга чиққан куни Муштарий кўринмади. Пайт топиб туриб Зайтунадан сўради.

— Соғиниб қолдингизми? — деди Зайтуна, гўё буюк бир сирдан воқиф одамдек илжайиб. Сўнг қўли-қўлига тегмай, девор сатҳини ойнадек ярқиратиб кетаркан, бирпасда олам-жаҳон гапни айтиб ташлади: Клаванинг қизи бир ярим ойдан бери сариқ касал бўлиб ётганмиш, ўтиброқ кетган экан, анча оғирмиш. Клаванинг ўзи бошида ўтирганмиш, бир ноёб дори керак экан, Муштарий шуни қидириб кетибди.

— Султон, сенга бир гап айтай, — деб давом этди Зайтуна русчалаб, — сен шу қизга уйлангин. Агар мен йигит бўлсаму бошим очиқ бўлганида, бир секунд ҳам ўйлаб ўтирмас эдим. Биласан, аёл аёлни тан олиши — жуда қийин масала. Тагин мендан хафа бўлма, шахсий ҳаётимга аралашмоқчи, деб. Агар мўлжалингда бирортаси бўлмаса, уйлан шунга, бахтли қилади сени.

— Мен-чи, мен? Мен бахтли қила оламанми уни? — деди Султон сигарет тутатиб.

— Эй, Султон, қўйсанг-чи! Ахир, сендек йигит...

— Э, мени билмайсиз-да, Зайтуна опа, ҳар айбларим борки, агар ҳозир бирортасини айтсам, андавангиз билан уриб ўлдирасиз. Муштарий чиндан ҳам ниҳоятда яхши қиз, ўзига ўхшаган яхши бир одамни бахтли қилиши керак.

Зайтуна қўлидаги ҳўл латтани пақирдаги сувга ботириб олди.

— Ўзинг биласан, Султон. Сезиб юрибман, кўнгли бор сенга, — деди-да, ўзбекчага ўтди: — Сиз унинг чиройига қараманг-да. Нима, ҳуснига нон ботириб ердингизми? Бунинг одамгарчилиги, бунинг меҳнаткашлиги!.. Ҳамма айб отасида, бўлмаса...

— Қанақа айб?

— Шундоқ қизни, кўрмайсизми, бахтини боғлаб... Отасини кўрмагансиз-а? Улардай ичаркан. Ичгандан кейин, биласиз, хотинига меҳру муҳаббати ошиб... Булар асли уч қиз, иккита синглиси ҳам бор, уларниям бўйи етган, уйда ўтирибди... Ичкиликнинг касофати қурсин.

Султон туйқусдан, Муштарийнинг отасидан пинҳона ранжиб юришларининг боисини энди англади.

— ...мениям хўжайиним бир ўрганди, денг. Ҳар куни қийшайиб келади. На ойлигида барака бор, на гапида маъни. Йўқ, бир бурадим, бир бурадим — ярқ этиб кўзи очилди. — Зайтуна ғурур билан ҳикоя қиларди. — Бўлмаса...

— Менга қаранг, — деди у Зайтунанинг гапини бўлиб, — отаси ҳозир ҳам ичармикан?

— Йўқ, — дея бош чайқади Зайтуна. — Икки йил бўпти, ташлабди. Энди ҳамма ароқхўрларга ўхшаб, мачитга қатнаб қолганмиш.

— Нима зарур экан шунчалик ичиб... — Султон ғўлдираб қўйди.

— Ким билади дейсиз, — деди Зайтуна, — бир дарди бўлгандир-да. Хотини эрта ўлиб кетган, кейин бошқа оила қилмаган. Ҳаммаси ёш болалар, қийинчилик. Может подумал, что, лучше умереть от водки, чем от скуки, — дея русчалаб қўшиб қўйди у.

Султон кечаси Зайтунанинг гапларини кўп ўйлади. Тўғри, ҳуснга нон ботириб еб бўлмайди. Лекин ҳаёт деганлари фақат мураббою бўрсилдоқ нондан иборат эмас-да...

Юрагида қизга нисбатан мурувватдан ўзга нарса йўқ. У Султонга етишса, гўё бахтли бўлармиш. Оламда бир бахтиёр инсон кўпаярмиш. Аммо Султон унга бахт берса-ю, ўзи бахтсиз қолса, дунёда яна бир бахти нигун кимса кўпайса — бундан не маъно бор?..

Шу тариқа у кўкламга қадар қизнинг қаршисида киши билмас виждон азобида қийналиб юрди. Илк баҳор кунларининг бирида Зумрадни учратдию ҳаёти остин-устин бўлиб кетди. Ахир, муҳаббат деганлари бутунлай бошқа нарса экан-ку! Чорак аср Зумрадсиз қандай яшаганига ақли сира-сира бовар қилмас эди...

Муҳаббат одамнинг феълени қанчалик кенг қилса, шунчалик худбин ҳам қилиб қўяркан. Султон жуда кўп нарсани, жуда кўп одамни бирданига унутиб юборди. Умр йўлида қачонлардир дуч келган, меҳр тўла кўзлари умидвор термиладиган бир қиз ҳам Муштарий сайёрасидек бениҳоя олисларда қолиб кетди.

Августнинг бошида Муштарий отпускага чиқди-да, уч кундан кейин тўйга таклифнома ташлаб кетди.

Ёзда қор ёққандек, ҳамма бирданига довдираб қолди. На Клава, на Шокир, на Зайтунанинг бундан хабари бор эди.

Эртаси кечқурун Зайтуна тўйхонага бориб гап топиб келди: куёв бўлмиш Муштарийнинг ҳаммаҳалласи эмиш, беш йил бурун хотини ўлган экан, уч қиз, бир ўғли бормиш, сабзавот дўконида юкчилик қиларкан, уй-жойи бадастур, таниган-билганларнинг айтишига қараганда, ўзиям унчалик қари эмасмиш...

Абужаҳл киши бошига беш сўмдан пул йиғдирди. Тўёна масаласи мунозарага айланиб кетди. Биров у деди, биров бу, лекин ҳеч кимдан жўяли маслаҳат чиқмагач, Абужаҳл аччиқланиб, шартта икки жуфт (!) торшер олиб келди, вагонеткага қўйиб, икки кун кирган-чиққаннинг ҳаммасига мақтаб ўтирди.

Бутун бригада бўлиб тўйга бордилар.

Султоннинг эсида қолгани: Бешёғоч, тутдек тўкилай деб турган озода-ораста ҳовли, бахмал, дўппи кийган жиккаккина мўйсафид — отанинг юзидаги хоксор, андак гуноҳқорона кўлги ва Муштарийнинг кўзлари!.. Оҳ, у кўзлардаги таъна-табассум!

Султон шу ёшга кириб, шунча маврид-маъракага аралашиб, бунчалик чиройли тўйни кўрмаган эди. Уйнаган ҳам ўйнади, ўйнамаган ҳам. Ҳатто бир пайт Клава юрак ютиб, қаршисига келиб муқом қилиб қолганида, Абужаҳл ҳам даст ўрнидан туриб кетди, негадир, лой қорадигандек енгини шимариб ўртага тушди-да, айиқдек лапанглаб шох ташлади. Кейин Султонга қараб имо қилди. Умрида қўл кўтармаган Султон азбаройи кўрқанидан, ноилож даврага чиқди...

Тун ярмидан оққанда тарқалишди. Такси топиб, хотинлар билан Абужаҳлни ўтқазиб юборишди. Уч-тўрт қадам юргач, машина тўхтаб, Абужаҳл деразадан бошини чиқарди:

— Акаси, Ҳалёқунинг итидек кўп санғиб юрманглар энди. Султон, акаси, сиз ўзингиз бош бўлиб опкетинг буларингизни, хўпми? Тағин душанба куни қайдасан, ҳушёрхона, деб юрмай!

— Йўғ-э, Абубакир ака, — деди Султон кулимсираб.

— Э, ҳушёрхонада пишириб қўйибдимиз бизга! — деб тўнғиллади Қудрат.

— Майли-да, акаси, бир айтдим-қўйдим-да, — деди Абужаҳл товуши олиниб. — Ўзингга ҳушёр бўл, қўшнингни ўғри тутма, деган! Ҳайданг!

— Улдинг, — деди Султон.

— Э! — деди Қудрат қўл силтаб.

Ўрданинг кўпригига қадар чурқ этмай бордилар. Кўчалар жимжит, ёруғ, бошлар сархуш, кўнгилда ишқ оташи, шу тахлит сўзсиз кетаверсанг, кетаверсанг... Ҳеч кимнинг уйга қайтгиси келмасди, гўё уйга элтажак йўллар унут, дилда ажиб бир туйғу ғалаён қилади, барчанинг тили учида бир гап, аммо бирор мард йўқки, юрак ютиб ошкор айласа... Беш дақиқа ўтди, ўн, ўн беш... Ниҳоят, Қудрат оёғи остига чирт этказиб тупурди-да;

— Одам эмас эканмиз, оғайнилар! — деди.

Яна бир кимсадан садо чиқмади. Акбар сигарет тутатди, Исомиддин ҳомуза тортди.

— Шундоқ қизни... Эҳ! — Қудрат асабий қўл силтаб, кўприк панжарасига суянганча тескари қараб олди.

На эътироз бўлди, на эътироф. Ҳатто энг ўринли сўз ҳам ўринсиз эди ҳозир...

— Кетдик, — деди Султон бир маҳал бўғиқ товуш билан.

Ёруғ, кимсасиз кўчалар бўйлаб яна жимгина юриб кетдилар. Шу тобда ҳеч ким уларни тўйдан қайтпти, деб ўйламас эди.

* * *

Қориндор бўлим мудирини Султонни эслаб қолган экан, бу сафар эски танишлардек кулимсираб кўришди.

— Утиринг, — деди тўрдаги оқ жилд сирилган диванга ишора қилиб, сўнг халатининг кўкрак чўнтагидан сигарет олиб, унга ҳам тутди: — Чекасизми?

Султон бош чайқади:

— Ҳозир чекувдим.

— Так, энди сизни нима қилсак экан? — деди бўлим мудирини ўйлаиб. — Областан келган экансиз, қийналиб ҳам кетгандирсиз. Бугун тушдан кейин бир кишига жавоб берамиз, ўрнига келақолинг бўлмаса.

— Бугунми? — деб сўради Султон ишонқирамай.

— Ҳа. Бугун жумами, ахир? Бўпти, келаверинг. Шиппак борми?

— Топамиз, — деди Султон бўшашиб. — Бу... Насимов қачон келади-лар?

Бўлим мудирини унга кўз қирини ташлади.

— Домла, менимча, душанба кун қайтсалар керак, — деди столидаги календарни варақлаб. — Хотиржам бўлинг, сизни у кишига албатта кўрсатамиз. Ҳозирча дастлабки текширишларни бошлайверсак. Келишдикми? Йўлланмангизни қолдириб кетинг.

Султон, шу дамгача бир мўъжиза рўй бериб, ўзининг соғ-омон қайтиб кетишига ич-ичидан заиф бир умид билан ишонар эди, бўлим мудирининг гапларини эшитдию буткул руҳи тушиб кетди: «Демак, рост экан-да...» Тушдан кейин бўйнидан боғлагандек базўр судралиб касалхона ҳовлисига кириб келаркан, кулранг иморатнинг совуқ пештоқларига тикилиб, ваҳима билан ўйлади: «Наҳот ўлигим шу ердан чиқса?!»

Уни учинчи қаватга, одам бир-бирининг қорасини илғаёлмайдиган узун йўлак этагидаги ўттиз тўртинчи палатага ётқизишди. Уша баланд шифт, ўша юракни сиқадиган оппоқ деворлар, ҳаммаси бир-бирига ўхшаш ўша беморлар...

Шанба кун диққинафаслик билан ўтди: билагидан қон олган семиз ҳамширадан бошқа ҳеч ким уни йўқламади. Унинг ҳам ҳозир бировни кўргиси йўқ эди, кун бўйи жойида кўзларини юмганча ғужанак бўлиб ётди.

Кеч кирди. Келадиган одам келиб, кетадиган одам кетиб бўлди. Кечки муолажалар ҳам ниҳоясига етди. Чироқлар ўчди, шовқин-суронлар тинди — ором онлари бошланди.

Султон халатини эгнига илиб, йўлакка чиқди. Рўпарадаги деразанинг бир тавақасини қия очиб, сигарет тутатди. Эҳ, қачон тонг отадию қачон қуёш чиқади? Қачон бу азоблар барҳам топади? Балки азобларга қўшилиб бирийўла умри ҳам барҳам топар?..

Пастда, чироқлар ёғдуси билан чароғон кўчада эса бегона бир ҳаёт ўз маромида давом этарди. Машиналар шитоб билан олға елар, кеч қолган йўловчилар уй-уйларига ошиқар эди. Буларнинг ҳаммаси бахтли одамлар! Чунки барчаси касалхонадан нари кетмоқда — ўз оёғи билан юриб, ўз кўзи билан кўриб...

Саодатманд бу кимсаларга термилиб тураркан, у тагин андуҳ билан шивирлади: «Сен узок яшайсан, ҳаммадан зиёд, ҳали тойчоқларинг ўйнаб юрибди, мени-чи, шум ажал нақ остонада, эгарланган отдай кутиб турибди...»

Бу кечани ҳам не машаққатлар чекиб ўтказганини ёлғиз Султоннинг ўзи билади. Фақат, дераза ортида офтобнинг илк титроқ шуъласи пайдо бўлди у шукроналик билан тин олди: «Тонг отди!»

Тонг отди. Олам ёришди. Шифтга беҳол термилиб ётган беморлар дилида яна эртанги кунга умид уйғонди.

Чой пайти радиоода одатдагидек эрталабки концерт бошланди. Султон дераза олдида ташқарига паришон тикилиб ўтирар, пиёладаги чойи аллақачон музлаб қолганини сезмас эди.

— ... халқ артисти Нозим Қодиров ижро этган қўшиқлардан эшиттирамин, — деб эълон қилди диктор.

Султон бирдан сергак тортди. Нозим ака айтаркан-да. «Ижро этган қўшиқлардан» дедими? «Ижро этади», дейиларди шекилли. Адашиб кетди чамаси.

Назарида, Нозим Қодиров ҳеч қачон бунчалар тўлиб-тошиб куйламаган эди. Ким билсин, эҳтимол ўзи ҳам юракнинг энг нозик, дардли тебранишлари янглиғ янграган бу қўшиқларни балки ҳеч қачон бунчалар мафтун бўлиб тингламагандир?

Дилгир руҳида ажиб бир тиниқлик пайдо бўлди. Палатага қайтиб киргач, рўпарасидаги каравотда ётган Фима амакини гапга солди, икки кундан буён қовоғидан қор ёғаётган ҳамхонасининг чиройи очилганини кўриб, чол ёш боладек суюнди, бунга сари унинг кўнгли янада ёришди.

Фима амаки жиннилар ҳақидаги битмас-туганмас латифалар туркумини бошлади:

— Бир куни жиннихонага телефон бўпти. «Доктор, илтимос, ўнинчи палатадаги беморни чақириб берсангиз.» «Ўнинчи палатадаги бемор бугун эрталаб қочиб кетибди», деб жавоб берибди доктор афсусланиб. «Хайрият-э! Демак, мен ростдан ҳам қочиб кетишга муваффақ бўлибман-да», дебди телефондаги одам.

Ҳамма қотиб-қотиб кулди.

— Латифа эшитганда маза қилиб куламан-у, лекин сира эслаб қололмайман, — деди Султон ёстиққа ястаниб.

— Мениям эсимда турмайди, — деди Фима амаки, — буни кеча газетадан ўқиб олган эдим, «Оқшом»да. Кўп латифа бор у ерда. Ўқий-сизми? — У тумбочкасининг тортмасидан ёғ босган газета олиб Султонга узатди. — Эрмак-да.

Султон аста жойига ёнбошлаб, газетга кўз югуртирди. «Шанба саҳифаси»... «Фойдали маслаҳатлар»... «Ҳар тўғрида»... «Ёнғоқ беҳосият дарахтми?»... Қизиқ... Ҳа, мана, «Келинг, бир кулишайлик». Хай, майли, қани, кулишсак кулиша қолайлик.

Латифаларнинг қолганлари айтарли қизиқ эмас — «қитиқлаб кулдиришга» мўлжалланган енгил-елпи гаплардан иборат экан. У ҳомуза тортиб, тўртинчи саҳифани очди, жиддий бир машғулотга берилгандек, камоли диққат билан ўқий бошлади. «Реклама ва эълонлар...» Хўш, «мавсумбоп пальтоллар...» Яхши... «Ҳам салқин, ҳам озода...» Ҳойнаҳой, кондиционер бўлса керак. «Йўқолган тоза бланкалари...» Оббо, чатоқ бўпти-ку! Буниси таъзиялар. Тағин икки кишининг умри битибди. Ах, ҳаёт!.. Ие! Йўғ-э?!

Султон каравотдан сапчиб турди, ерга тушиб кетган газетани жонҳолатда олиб тикилди: «...халқ артисти Нозим Қодировнинг бевақт вафот этгани муносабати билан...»

У, оёқ-қўлидан мадор кетганча серрайиб турар, вужудини совуқ титроқ чулғаб, қулоғи шанғиллай бошлаган эди. Епирай! Бу қандай гап, ахир?! Наҳот рост бўлса?! Ахир, кечагина... Епирай!.. Нозим ака, Нозим ака!..

Фима амаки уни кузатиб турган экан шекилли, дарҳол ёнига келди:

— Нима қилди? Мазангиз қочдими? Врачни чақирайми?

— Йўқ, — деди Султон жонсиз бир алфозда жойига чўкаркан, — ўтиб кетар... ҳозир...

— Манг, валидол ичворинг, — деди дераза олдида ётадиган, боши дока билан боғлаб ташланган Саидақбар исмли йигит дори узатиб.

Султон тугмачадек дорини тилининг тагига ташлаб, узоқ вақт сўзсиз ётди. Мияси карахт, тилининг учида «Епирай! Епирай!», деган сўзгина тинимсиз айланар эди. Нега, нега бундай бўлди экан? Бахтсиз тасодифми? Нега ҳеч ким беҳабар?

— Менга қаранг, — деди у алламаҳал ўтиб, бўғиқ товуш билан Саидақбарга, — эшитмадингизми, Нозим Қодиров вафот этибдими?

— Ким дейсиз? Э, анови артистми? Билмадим, лекин кеча ҳовлида айланиб юрганимда қайсидир артист ўлибди, деган гап қулоғимга чалингандек бўлудди. Нима, уям шу ерда ётган эканми?

Унинг саволи жавобсиз қолди — Султон шартта ўрнидан туриб, ташқарига отилди.

Аксига олиб, ҳовлидаги автомат телефоннинг биттаси мутлақо ишламас экан, иккинчиси тангани шириқ этиб ютдию без бўлиб тураверди. Султон атрофда айланиб юрган касаллардан икки тийинлик тилаб олиб, учинчи марта жаҳл ва умид билан рақам терди.

Трубкани Абдулланинг ўзи олди:

— Султон ака? Э, одамни куйдирдингиз-ку, қаёқларда юрибсиз? Излайвериб ахир...

— Менга қаранг, — деди у нафаси бўғзига тикилиб, — Нозим ака... ростми?

— ...

— Нега индамайсиз? Алло, эшитяпсизми?

— Рост, — деди Абдулла хўрсиниб. — Эшитганингиз йўқмиди? Қардан телефон қияпсиз ўзи?

— Касалхонадан, — деди Султон бўғин-бўғинлари бўшашиб. — Нега, Абдуллажон, нега, қандай қилиб?..

Абдулла шошиб қолди:

— Э, касалхонада нима қиласиз?! Касалхонага тушиб қолдингизми? Қайси касалхона? Э, Султон ака, айтинг, мен ҳозир етиб бораман.

— Ташвиш қилманг, мен ўзимга тузукман. Шунчаки, бир кўриниб кетишим керак эди. Нейрохирургия институтидаман.

— Нейрохирургия?! — Абдулла шундай ваҳима билан сўрадики, Султон унинг капалаги учиб кетганини сездди. — Султон ака, нима бало, авария-павария...

— Йўк, йўк, унақамас, — деди Султон шошиб, — айтдим-ку, нималигини. Очиғи, сизга билдирмоқчи эмас эдим-у, манави гапни эшитиб...

— Ҳе-ей, Султон ака-я! Бўпти, трубкани қўйинг, мен ярим соатда етиб бораман. Палатангиз нечанчи?

Султон нима деярини билмай:

— Ҳовлида, дарвозанинг олдида юриб тураман, — деди.

Абдулла айтганидек — ярим соатга қолмай, ранг-қути ўчган ҳолда етиб келди, уни соғ-омон кўриб, шундан кейингина юзига қон югурди.

Дарвоза ёнидаги, кимдир газета тўшаб кетган ўриндиққа чўкиб, сигарет тутатишди.

— Ёмон эзилиб кетдим, Султон ака, — деди Абдулла. — Бу ёқда бундай гап, бу ёқда сиз бедарак кетворгансиз, нима қилишимни билмайман. Агар бугун ҳам дарагингиз чиқмаганида, қишлоққа телефон қилмоқчи эдим, томошани ана унда кўрардингиз.

Султон бу томонини ўйламаган эди, энди кўз олдига келтириб, баттар юраги сиқилди.

— Қачон бўлди? — деб сўради сигаретини бетоқат сўриб.

— Жума қуни эрталаб узилган экан. Тушдан кейин чиқаришди.

— Нега, нимага? — деди Султон сўз тополмай титраб.

— Юрак... — Абдулла ерга қараганча жим бўлиб қолди, сўнг ух тортиб: — Э, шунақа экан-да, одамзотга ишониб бўлмас экан, — деди.

— Юраги касалмиди?

— Икки марта инфаркт бўлган экан... Умуман, унга қўшиқ айтиш мумкин эмас эди.

Яқингинадан, худди девор ортида янграгандек, паровознинг чўзиқ гудоги эшитилди. Султон, хаёллари тўзғиб, бошини кўтарди: шаҳарнинг

қоқ ўртасида паровоз нима қилади? Бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас... ҳаҳ, бечора Нозим ака!

— Докторлар билмас эканми? — деди танглайи қуруқшаб.

— Доктор ҳам биларди, ўзи ҳам... Улимни бўйнига олиб қўйиб айтаркан-да. Эсингиздами, ўша кун қандай яхши ўтирган эдик?

Султон индамай бош ирғади, сўнг:

— Ё тавба! — деб уҳ тортди. — Биз қачон борган эдик, пайшанба куними?

— Йўқ, чоршанба кун.

— Уни қаранг! Демак икки кун ўтиб... Ё тавба! Худди туш кўраётганга ўхшайман... Эсингиздами, Навоийдан ғазал ўқиб берган эди?

— Эсимда, — деб тасдиқлади Абдулла.

— Ўша ғазални суврат қилиб чизаман, деган эди. Сувратга қўймоқчи бўлган номиям шундоқ ёдимда турибди. «Бир хазонлиғ боғ ичинда»... Эҳ! Мана шундай бир боғни тасаввур қилган бўлса керак-да. — Султон рўпарада қорайиб ётган намчил хиёбонга тикилди. — Ўзи ҳам хазонли боғдек тўкилиб қолган экан-да. Сизни билмадим-у, лекин мен ўшанда уни бунчалик маъюс кўриб ҳайрон қолган эдим. Наҳотки, ўзи сезган бўлса?

— Билмадим, — Абдулла тиззасининг кўзига таяниб, ўрнидан турди, — балки сезгандир... «Баҳор» концерт залидан чиқаришди, тумонат одам. Укалари, шогирдлари бошида қўшиқларини айтиб ўтиришди.

— Эҳ, менга хабар қилмабсиз-да, ўлигимни судраб бўлса ҳам борардим-ку! — деб юборди Султон.

— Қандай хабар қиламан?! — деди Абдулла ҳам гангиб, ҳам ранжиб.

Султон бирдан ҳушини йиғди:

— Ҳа, дарвоқе...

Абдулла унинг уст-бошига синчиклаб назар солди, чийдухоба халатининг ёқасини тузатиб қўйди-да, қатъият билан сўради:

— Қани, ўзингиз нима қилиб юрибсиз бу ерда?

Султоннинг мутаассир бўлиб турган кўнгли бирдан бузилиб кетди: «Қилдай бўлса ҳам жигар жигар экан-да, овозимни эшитган заҳоти йўқлаб келди, энди ўлигим кўчада қолмас...»

— Нимасини айтмай, Абдуллажон, — дея бўғзига тикилиб келган тугундек нарсани қулт этиб ютди, — асли Нозим акангиз менинг ўрнимга кетибди-да. — Сўнг ағрайиб қолган жиянига қараб, шивирлагудек: — Рақ бўлиб қолганман, — дедию шартта юзини четга бурди...

Абдулла сир бермасликка тиришиб сўраб-суриштирар, рангу рафтори ичида не бир ғалаёнлар кечаётганидан далолат бериб турар эди.

— Нақ ваҳиманинг ини бўлиб қолибсиз, — деди у ўриндиққа чўкиб. Кўзлари девор оша олмакесак тераётганидан, Султон Абдулла бу гапни кўпроқ ўзи учун, далда излаб айтаётганини пайқади. — Ахир, бор-йўғи гумон экан-ку. Мана кўрасиз, отдек бўлиб кетасиз ҳали. Эй, Султон ака-ей, шунга шунчалик...

Султон аслида худди мана шу нарсадан — сохта тасаллию мададга муҳтож мададлардан, кўрқмаганмиди? Худди шу боис ўзини шу кўйларга солмаганмиди? Бу ночор таскинларга не деб жавоб берсин?

— Майли, Абдуллажон, — деди у ниҳоят, — пешонада борини кўрармиз. Сиздан ягона илтимос шуки, ҳозирча бу гапни сир тутинг. Ҳали қанча ётаман-қўяман — номаълум. Кейин, ўзингиз ҳам ҳеч безовта бўлманг. Мана, телефон бор, бирор гап бўлса, ўзим хабар қиламан. Фақат... — у тараддулланиб қолди.

— Айтинг, айтаверинг, Султон ака, — деди Абдулла унга жавдираб боқиб.

— Билмадим, иложи бўлармикан, Қудрат акангизни бир кўрсам, деган эдим...

— Қудрат аканими? Бўпти. Ҳалиям шу нур станциясидамикан? Мен ҳам ўша, тўрт йил бурун сиз билан бирга охирги марта кўрганам.

— Ҳалиям ўша жойда. Буни қаранг, бир ерга телефонини ҳам ёзиб қўйган эдим, ким билсин, қаёқларда қолиб кетди экан.

— Хотиржам бўлинг, — деди Абдулла, — топамиз. Унчалик узоқ эмас шекилли ўзиям? Юз километрча бордир?

— Қайдам... — Султон хомуш тортиб, ўйланиб қолди.

Абдулла кетди.

Султон кимсасиз ҳовлида, муздек ўриндиқда яна узоқ ўтирди. Қоронғи тушди, осмонда илк юлдузлар милтиллай бошлади, у аста ўрнидан туриб, ҳувиллаб ётган хиёбон томон юрди. Бир хазонлиғ боғ ичида сукунат титрайди, теграсида — ҳар бири юракдек-юракдек япроқлар...

«Ҳаёт қанчалар ширин! Уни ташлаб кетишга одамнинг қандоқ кўзи қияркин? Сиз қандай ташлаб кетдингиз уни, Нозим ака?! Эҳ, ҳали сизга айтадиган гапларим кўп эди, сиздан эшитмоқчи бўлган гапларим ҳам ҳали кўп эди!.. Эҳ, ҳаёт, бевафо, бебаҳо ҳаёт, изтиробинг ҳам шунчалар лаззатлики, сени қандай ташлаб кетиб бўлади?! Сиз қандай ташлаб кетдингиз уни, Нозим ака? Ўзинг-чи, ўзинг, энди қандай ташлаб кетасан уни?!»

* * *

Кечаси, эл ётгандан кейин, Султон стуллари тўнтариб қўйилган ошхонага кириб иккита хат ёзди. Хатнинг биринчиси Зумрадга, иккинчиси фарзандларига аталган эди.

Ажабки, дилида Зумрадга айтиши шарт бўлган гаплари тўлиб-тошиб ётгандек туюлган эди, бироқ негадир ёзган узуқ-юлуқ сўзларига бир саҳифанинг ярми ҳам тўлмади.

«Албатта, сенга қийин бўлади, Зумрад, — деб ёзди у, — лекин қанчалик оғир бўлмасин, хонадонимизга ҳаромни яқин йўлатма. Майли, болаларим оч қолсин, яланғоч қолсин, аммо ҳалол бўлиб ўссин! Ахир, илгарилари ҳам кўп айтардим-ку: яримта нон қанчалар ширин... Кейин... ҳали ёшсан, ихтиёринг ўзингда. Фақат болалар ранжимаса бас...»

У, ортиқ бу мактубни давом эттиролмаслигини сезиб, бошини кўтарди. Стул суюнчиғига гавдасини ташлаб, қоп-қоронғи деразага тикилди.

Ҳаммаёқ жимжит. Фақат бурчакдаги газ плита устида турган сариқ кастрюлгина беғам пишиллайти, аҳён-аҳён муюлишдан бурилиб кетаётган машиналар чироғининг заиф шуъласи деразада лип-лип қилиб қолади.

Эҳ, қани эди, бир мўъжиза юз берсаю...

Авалло отаси билан онасининг қабрини обод қиларди. Ҳар замонда — кимнингдир дафн маросимида мазорга бориб қолганида ота-онасининг чўкиб, ер билан текисланиб кетаётган қабрларига кўзи тушиб юрагида чидаб бўлмас оғриқ уйғонар, «Эртага!» деб қасам ичар, афсуски, эртаси куни тирикликнинг туганмас ташвишлари туфайли барчасини унутар эди... Бу дунёда ундан умидвор бўлиб ётган марҳумлар кўп: Ая, Орзу хола, Нозим ака... Тириклар-чи? Унинг меҳру шафқатига, қатъияту адолатига интизор юрган тириклар озми? Албатта, даставвал шуларнинг кўнглини олган бўларди. Бечора Зумрадга етишгунча не ваъдаларни бермаган эди! Агар умр вафо қилса, ўша ваъдаларининг лоақал мингдан бирини бажарармиди... Кейин, сал-пал ўзига ҳам қараган бўларди; ахир шу кунгача мудом иш ташвиши билан ўтди, ишга бораётиб ҳам «иш» деди, ишдан қайтиб ҳам «иш» деди. Ваҳоланки, иш ҳам одам билан иш эканини у эндигина тушуниб турибди. Эҳ, қани эди, умрини қайтадан бошласа, нима қилишни ўзи биларди. Паҳлавон Маҳмуд айтганидек, қул бўлиб ишлаб, бек бўлиб яшар эди!

Минг афсуски, мўъжиза фақат эртактагина юз беради.

Иккинчи хатни ёзиш айниқса қийин бўлди. У энди ўзини бутунлай босиб олган, тақдирга тан бериш баробари қалбида мардона бир туйғу ҳам пайдо бўлган эди. Уни қийнаган нарса фақат шу эдики, Жамила ҳам, Комила ҳам, Сардор ҳам пуштикамаридан бўлган зурёдлари эса-да, буткул янги авлод вакиллари эди, улар ҳали на риё, на алдов, на фирибгарликни биларди, бинобарин, у жигарбандларини умр йўлларига дуч келгуси ана шу балолардан огоҳ этиб қўймоқ учун қайғурар эди.

Ун беш йиллик ҳаёт ҳамроҳига айтолмай, дилида қолиб кетган армонларини ҳам у фарзандларига бағишлади — борлиғи титраб, шитоб билан узоқ ёзди, гоҳ қадрдон ота бўлиб, гоҳ маънавий устоз бўлиб юрагида неки бўлса, барини баён қилди.

«Болаларим, мен бу хатни сизлардан узоқда, олис бир касалхонада ётиб ёзаяпман, — деб бошлади у. — Эрта бир кун улғайиб, ақлингизни таниганингизда шу гапларимни бир мулоҳаза қилиб кўрарсизлар. Мен сизларни кучим етганича ҳалол меҳнатим, пешона терим билан боқдим, бунинг учун виждоним пок. Афсуски, бедаво дардга чалиниб, сизларга ўзим истагандек тарбия ва билим беролмадим, бунинг учун эса армоним чексиз. Аммо, фарзандларим, сизлар мард бўлинглар, ҳар қандай қийинчиликни ҳам бардош билан енгишни ўрганинглар. Сардоржон, ботир ўғлим, сен энди оиламизда ягона эркак бўлиб қоляпсан, онангни, опанг билан синглингни ҳеч қачон, ҳеч кимга хафа қилдириб қўймагин. Отам, мен сени учувчиликка ўқитмоқчи эдим, осмони фалакларда парвоз қилсанг, дердим, катта бўлганингда албатта шуни ўйлаб кўргин. Жамилахон, она қизим, тилаб олган тўнғичим, сен энди укаларингга бош бўлиб қоласан, ўқишларидан доим хабардор бўлиб тургин. Жоним қизим, сенинг бармоқларинг узун-узун, кўзларинг мулойим, бори-борлигинг шафқатнинг ўзи, ўқишни битирганингдан кейин албатта доктор бўлгин, бедаво дардларга даво топгин. Комилахон, кундузим, сен ҳали жудаям ёшсан, бу гапларни тушунмассан, энди Сардор аканг сенга ҳам ака, ҳам ота бўлади... Асал қизим, мен сени ой кулчам, деганман, ширин кулчам, деганман, ҳамиша шундоқ ардоқли бўлиб қолгин. Улғайиб, мактабни тугатганингдан кейин мен сени ўқитувчи қилмоқчи эдим, агар насиб этса, она тили муаллимаси бўлгин... — У мижжаларини артиб, яна давом этди. — Ҳамиша, ҳамма юрту элларда оталар болаларига мард, ақлли, ҳалол бўлинглар, деб айтиб келганлар. Бизга ҳам оталаримиз шундай деб васият қилган эдилар. Афсуски, бизнинг барчамиз ҳам оталар васиятига амал қилмадик. Авлодимиздан кўп ўғри, муттаҳам, порахўр чиқди. Энг ёмони, болаларим, буларнинг ҳаммаси сизларнинг беғубор нигоҳингиз қаршисида рўй берди. Қўрқаманки, бу ярамас ишларимиз мурғак, тоза юракларингизни заҳарламаган бўлса!.. Қўзиларим, бироқ менинг имоним комилки, сизларнинг бирортангиз бу эгри йўллардан юрмайсиз, чунки мен сизларни ҳалол меҳнатнинг нони билан боқдим, тўғрисўз бўлишга ўргатдим. Бундан кейин ҳам, бир умр шундай яшаб ўтинглар, фарзандларингизни ҳам, уларнинг болаларини ҳам покликка, тўғрилиikka ўргатинглар, буни қайта-қайта уларнинг онгига қуйишдан эринманглар. Дунёда пок одамлар қанчалик кўпайса, нопок одамлар шунчалик камаяди, буни доимо ёдда тутинглар.

Шамчироқларим, сизлар ажойиб кунларда улғайиб вояга етасизлар. Ана шундай ажойиб кунлар келади, мен бунга бутун борлиғим билан ишонаман. Аммо ана шу кунлар тезроқ келиши учун ҳамма тўғри бўлиши, ҳамма бирдек ҳалол меҳнат қилиши лозим. Сардоржон, Жамилахон, Комилахон, сизлар менинг бу дунёда келиб топган гавҳарларимсиз, ҳамиша гавҳардек соф, гавҳардек асл бўлиб қолинглар...»

Эрталаб, тонг саҳарда тўрхалта кўтарганча Абдулла ётиб келди. — Ишга кетаётиб кирдим, — деди тугунчасини узатиб. — Яхши ётибсизми? Кечқурун келаман.

Султон норизо бош чайқади:

— Овора бўлаверасизми ҳадеб? Мен... мана, ётган бўлсам...

— Ишингиз бўлмасин, — деди Абдулла бепарво. — Хўш, бирор нарса керак эмасми?

— Йўқ. Дарвоқе... майли, қўяверинг.

— «Қўяверинг»из нимаси? — деди Абдулла ранжиб. — Энди, шунақа қилманг-да, Султон ака. Буюрадиган хизматингиз Қоратоғни қайириб келиш эмасдир, ахир!

Султон тараддудланиб, халатининг чўнтагидан иккита конверт чиқарди.

— Мана шу хатларни олиб қўйсангиз. Ҳар эқтимолга қарши. Бири янгангизга, бири укаларингизга. Кейин... берарсиз.

Абдулла доводи раб қолди.

— Емон ниёт қилавера дими одам деган! — деб ғўлдиради зарда аралаш, бироқ гангиб тургани учунми, бари бир хатни олди-да, нари-бери хайрлашиб жўнади.

Чойдан кейин йўлакда, палаталарда югур-югур кучайиб қолди: «Профессор Насимов!» Ҳамширалар, санитаркалар бир-бирларини шошириб, палатани қайта-қайта текшириб чиқишди, ҳатто қориндор бўлим мудирини ҳам икки марта эшикдан мўралаб кетди. Хизматчиларнинг ҳаяжони Султонга ҳам юқиб, каравотида бетоқат бўлиб кута бошлади.

Ниҳоят, соат ўн бирдан ўтганда эшик очилиб, профессор бир тўда оқ халатли киши қуршовида палатага кириб келди. Бояги ваҳималарга қараб Султон уни бениҳоя баджаҳл, девқомат одам бўлса керак, деб хаёл қилган эди, бироқ бўйи ўртадан пастроқ, ранги заҳил, сочи йигитларникидек куюк, жикқаккина бир чолни кўриб, бир оз таажжубланди.

Кўрик бошланди.

Султон нафасини ичига ютиб, кўз қири билан Насимовни кузатиб ётарди. Шу одам экан-да. Энди унинг тақдири ёлғиз шу одамга боғлиқ, бутун умиди шундан!

Кўзига авлиёдек кўринган шу кишидан нажот тилаб термилиб ётаркан, Султоннинг ҳайрати тобора ошмоқда эди: бу жикқак чол ҳар бир касалнинг исм-фамилиясини, касб-корию феъл-атворини беш қўлидай биларкан, ҳар бирининг ўзига қараб муомалаю ҳазил-мутоиба қилиб кўярди. Шунча бемор, қандай эслаб қоларкин?

— Хўш, Искандар Зулқарнайн, аҳволлар қалай? — деди у Саид-акбарнинг каравоти четига ўтириб. Беморнинг ҳам, врачнинг ҳам лабига кулги югурди: Саидакбар аварияга учраб, калла суяги синган, тўрт энлик келадиган суяк бошини ёриб чиқиб, тепага ўса бошлаган экан.

— Яхши, — деди Саидакбар дўриллаб ва кулимсираганча бинт билан чирмаб ташланган «шоҳ»ини силаб қўйди.

— Буларни сузмаяпсизми? — Профессор Насимов шундай дедию ундан жавоб кутмай, қориндор бўлим мудирини «ўзларининг тили»да алланарсаларни сўраб-суриштира бошлади, сўнг ҳамширага бинтни ечишни буюрди... Султон юраги орқага тортиб, кўзларини юмганча, кишибилмас девор томон ўгирилиб олди. Докторлар ўзаро ғўнғир-ғўнғир гаплашибди, Саидакбар войвойлади, ниҳоят, Насимовнинг тағин хушчақчақ овози эшитилди: — Бақираверманг-э, шу, шохим бор, деб! Қудуққа айтинг додингизни, қудуққа!

— Вой, жоним-э... — дерди Саидакбар инқиллаб.

Султон аста кўзини очди.

— Сиз қалайсиз, ўртоқ гвардиячи сержант? — Насимов Фима амакининг каравоти тепасида турарди. — Бош қандай, бош?

— Биноийдек, ўртоқ капитан, — деб жавоб берди Фима амаки ҳам дарров қондасини келиштириб. — Яхши бориб келдингизми? Қалай экан Вена?

— Вена яхши, — деди профессор кўзларини қисиб, — лекин Тошкент ҳам ёмон эмас.

— Аввал ҳам борганмидингиз?

— Қирқ бешинчи йили. Госпиталда ишлаганман икки ой.

— Ўртоқ капитан, сир бўлмаса, нима масалада бордингиз?

— Эҳ, ўртоқ гвардиячи сержант, бари бир разведкачилигингизга борасиз-да! — Насимов завқ билан кулди. — Нимага борардим, сизга ўхшаш бошоғриқларнинг дардида бораман-да. Хўш, аҳволингиз қалай? Пункция қилишдими? Хўш, яхши, яхши... Қани, бундай ётинг-чи. Венага борганмисиз?

— Ииҳ-иих... — Фима амаки ётган жойида бош чайқади.

— Албатта бормайсиз-да. Йўл бўлсин сизга! Фронтигиз Узоқ Шарқда судралиб юрган эди-ю! Иштаҳа қалай?..

Навбат Султонга келди.

— Ҳа, Собиров кетдими? — деди профессор унга ишора қилиб. Бўлим мудирини шоша-пиша тасдиқлади, қўлидаги «касаллик тарихи»ни Насимовга тутқазиб, секингина нимадир деди.

Насимов «касаллик тарихи»ни беш минутлар чамаси ўқиди, аммо Султоннинг назарида бир соатча вақт ўтгандек туюлди.

— Ҳа-а, — деди бир пайт профессор сўлиш олиб ва унга бошдан-оёқ синчиклаб тикилди-да: — Бола-чақангиз борми? — деб сўради дабдурустандан.

Султоннинг вужуди зириллаб бўшашди.

«Тамом! Чақиринг, деса керак».

— Бор, — деди у базўр, — бир ўфил, икки қизим бор.

— Нега уларни ўйламайсиз? — Насимов ундан кўз узмай турарди.

— Нега ўйламас эканман? — деди Султон гангиб.

— Ҳайлаган одам шундай қиладимиз? Аҳволингизни қаранг! Сизнинг ёшингиздаги одам ҳам эллик икки кило бўладими? Узингизни еб ташлабсиз-ку, биродар! — У аччиқланиб, бўлим мудирига ўгирилди. — Қон таркиби қалай? — Бўлим мудирини қўлидаги папкадан аллақандай қоғозларни олиб узатди. Профессор кескин бош чайқади: — Чатоқ, оғайни. Бунақада сизни қандай даволаймиз?

Султоннинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

«Даволаймиз! Даволаймиз?!»

— Дардни енгмасангиз, дард сизни енгади. Сукротни биласизми? Бир соатдан кейин ўлишини билатуриб ҳам музика чалишни ўрганмоқчи бўлган. Мусо Жалил, эртага отиладиган кечаси ҳам шеър ёзган.

«Ҳа, гап бу ёқда экан-да! Шундоқ одамлар ҳам ўтиб кетган ҳаётдан, сен нега оҳ-воҳ қиласан, демоқчи шекилли...»

— Уйқунгиз қалай?

Султон тирсагига таяниб, яғринини кўтарди.

— Уйқу... йўқ ҳисоб.

— Так, ҳамшира, ёзинг: бу кишига аввало ором керак, кучли овқат керак, режимга ёзиб қўйинг. Тофиқ Мамедович!

— Лаббай, Исмоил Раҳимович? — Бўлим мудирини солдатдай ғоз қотди.

— Бу ёқни махсус назоратга оласиз. Рентген суратларини, ҳамма қоғозларини кўриқдан кейин менга киритиб беринг. Пункция қилингани йўқми? Нега?.. Яхши.

Насимов ўрнидан турди, бошқалар унга эргашиб, олдинма-кейин чиқиб кетишди. Султон ҳушини йиғолмай қолаверди.

— Во одам! Ҳақиқий гвардиячи! — деди Фима амаки бошмалдоғини тепага нуқиб, сўнг тортмасидан «Беломор» олиб, Султонга имлади: — Тутатамизми?

Йўлакдан ўтиб боришаркан, Султон эшик олдидаги ойна қаршисига бир зум тўхтадию кўзларига ишонмади. Ё тавба! Наҳотки шу нотавон кимса ўзи бўлса?! Кўзлар ич-ичига ўрадай тушган, қоқчакак юзига сўррайиб бурнигина қолибди, ияги танғилса — тайёр мурда.

«Шалвирамай ўл! — деб сўкинди афтини буриб нари кетаркан. — Тагин ҳам Насимов сени одам деб гаплашиб ўтирибди».

Тушдан кейин халатининг энгини тирсагигача шимарган, бўйи шифтдек бир йигит иккита ҳамширани бошлаб кирди.

— Муродов, пункцияга тайёрланинг, — деди семиз ҳамшира қўлидаги асбобларни тумбочка устига қўяркан.

Султон, ҳароммағиздан намуна олдиришнинг қандай азоб эканини бошидан кечириб билган эди, бу гапни эшитиб кўнгли озиб кетди.

... Ва ниҳоят, бу уқубат ҳам поёнига етиб, Султон кўзларини очди. Унга юзтубан қимир этмай ётиш буюрилди — ҳақиқий азоб энди бошланди.

Палатада эса ҳар ким ўз ташвиши, ўз тирикчилиги билан овора: кимдир чой ичади, кимдир инқиллайди, кимдир юзига сочиқ ташлаб пинакка кетган, эшик олдида ётадиган занжидек қоп-қора таксичи Уммат ака каравотда чордана қуриб олганча шанғиллаб гап сотади:

— ...қарасам, соат икки ярим бўпти. Чиқиб дарвозани очдим устона

ҳатлаши билан қулоқчаккасига қўйиб юбордим. Ҳазим бўқирворди, бадбахт. Оғзидан гупиллаб ҳиди кеп турибди. «Учта болали бўлсам ҳам ураверасизми, ада!», деб додлайди. Бу гапни эшитиб меники баттар қайнаб кетди. «Ҳўв онангни, — дедим, — қадамингни билиб босмасанг, ўнта болали бўлганингдаям уриб ўлдирман», дедим. Ҳазим сезиб юрувдимда, Чилонзорда бир қанжиққа илиқиб қолганини. Ҳаҳ, касофат, дейман, уйда гулдек хотининг бўлса, тиллага бермайдиган ўғил-қизинг бўлса...

— Бечорани чатоқ қилибсиз-да. — Нариги бурчакдан Саидақбарнинг хирқироқ товуши эшитилди.

— Бе, чатоқ ҳам гапми! Ҳа, қўрқмас экан, мулла минган эшакдай бўлди-қолди. Қўрдингиз-у, кунига уч мартадан олдимга физиллаб ётибди. — Уммат аканинг остидаги каравот залворли ғижирлади. — Болага қаттиқ турмасангиз-чи, вей...

Эшик очилиб ёпилди. Биров ташқари чиқди шекилли. Фима амаки тагин латифа бошлади. Аллақаердан радиоприёмникнинг гўнғир-гўнғир товуши қулоққа чалинарди.

«Наҳот шундайгина ўлиб кетсам? Бола-чақамни, дўсту ёримни қайтиб кўрмай, бир оғиз сўзини эшитмай? Ахир, мен ҳали бу ёруғ дунёга тўймадим-ку! Тўймадим-ку, ахир, тўймадим-ку!»

У, палата бирданига жимжит бўлиб қолганини пайқади. Кимдир ёнига келиб, пешонасига кафтини босди, сўнг, гўё биров эшитиб қолишидан чўчигандек, шивирлаб:

— Олов, олов. Алаҳсираяпти, — деб қўйди.

Султон чурқ этмади — алангаи оташ бўлиб ёнаётган вужудидаги, лағча чўққа айланган миясидаги оғриқ ўрнини ғалати бир карахтлик эгаллаб, ўз домига тортиб кетаётганини элас-элас сезиб ётарди...

Эрталаб кўзини очдию узун чарм пальто этаги остидан чиқиб турган, тагчарми қалин, қўнжи баланд бир жуфт ботинкага нигоҳи тушди. Аллаким унинг бош томонидаги стулга бамайлихотир ўрнашиб олиб, дераза раҳига суюнганча ниманидир мароқ билан гапирар, бир оз шамоллагандек дағал товуши бениҳоя таниш, бениҳоя қадрдон эди. Султон юзини тошдек ёстиққа буркаб ҳамон қимир этмай ётаркан, хотирасини зўриқтириб, бу одамни эслашга тиришарди.

«Ким бу? Ким эди бу? Ё тавба, шунчалар таниш! Кеча оқшом... Уммат ака эди-ку у! Ахир, ким бу?»

— Уйғондингизми? — деб сўради кимдир бош узра энгашиб.

«Саидақбар! Аммо буниси ким бўлди?»

У кўз қири билан тасдиқ ишорасини билдирди, лабларини қимтиб жилмайишга уринди.

— Турдимми? — Чарм пальтоли одам шундай деб ўрнидан чаққон қўзғалди, унинг тепасига келиб эгилди: — Жуда-а оширвордингиз-ку, оғайни. Айиқполвон ҳам бунча ухлამас! Қалайсан, Кўксултон?

«Қудрат! — Султоннинг юраги ўйнаб кетди. — Келдингми, келдингми, дўстим, қадрдоним!»

Ўз-кўзларида беўхшов бир табассум, у аёл тагидан қўлини чиқариб узатди. Қудрат куракдек кафти билан унинг бармоқларини маҳкам сиқди, титраётган елкасидан қучиб, соқол босган ёноқларидан ўпди. Ёшлик биродарининг илиқ нафаси димоғига урилдию Султоннинг кўнгли тагин аллатовур бўлиб кетди, кўзлари миннатдорлик билан боқди. «Мана, дўсти азиз, бошимизда шу кунлар ҳам бор экан, тортгулигимни тортиб ётибман. Лекин бу ғурбатлар шундай тез қувиб етади, деб ким хаёлига келтирибди, дейсан. Дийдорингни бир кўрмай кетаманми, деб қўрқувдим. Хайрият, хайрият! Дўсти содиқ, кел, видолашайлик...»

Қудрат унинг жавдираб турган кўзларидан айна шу маъноларни уқибми, дош беролмади, аёлини тузатиб қўйиш баҳонасида нигоҳини олиб қочди.

— Қачон келдинг? — деб сўради Султон буни сезиб.

— Кечқурун.

— Йўқ, касалхонага деяпман.

— Мен ҳам касалхонани айтаяпман-да. Оқшом келган эдим. Донг қотиб ётган экансан. Кесиб кетсаям билмайсан.

«Уша-ўша Қудрат, сочи оқарибди, юзига ажин тушибди-ю, гап-сўзи сира-сира ўзгармаган...»

— Озарбойжон дўхтиринг бор экан, кўп ўтиришга қўймади. Неча кундан бери бугун ухлади, дейди. Аллақачон неварга кўргандир, энди кечаси тинчгина ухлайверса бўлмайдими, десам, кулади. — Қудрат кўзларини қисиб, бир қўзғалиб қўйди. — Кейин кетдик Абдулла икковимиз.

— Сен... қаёқдан билдинг? Абдулла телефон қилдими?

— Нега билмас эканман? Радиодан айтди, газеталарда чиқди: нима дейсан, Султон Муродов жаноблари ишламайдиган қовоқ бошларини даволатгани Тошкенти азимга келдилар, деб. Ҳайрон бўлиб қотиб қолдим. Тавба, дейман ўзимга ўзим, ахир бу Султонда бош деган нарса йўқ эди-ку, йўқ нарсани қандай даволатар экан, деб ўйлаб хуноб бўламан-да!

Палатадагилар пиқир-пиқир кулиб юборишди. Қудрат эса пинак бузмай ўтирарди.

— Валдирайвер, — деди Султон беихтиёр илжайиб. — Бола-чақанг омонми? Анзират яхши ўтирибдими?

Қудрат астойдил ҳайрон бўлиб, кўзларини пирпиратди:

— Ўтиргандир, ким билади, дейсан.

— Ие! Уйингдан келяпсанми, ахир?

— Уйдан бир ҳафта бўлди чиққанимга. Сени баҳона қилиб. Айтиб қўяй, мабодо хотин қидириб келиб қолса, мен бир ҳафтадан бери шу ердман-а, ёдингда бўлсин!

— Ана холос! — дея қийқириб кулди Уммат ака.

— Епирай! Ҳали бу тухматинг ҳам борми менга? — Султон мийиғида кулимсиради. — Уммат ака, мен ҳали-вери ҳеч касал-пасал бўладиган эмасдим, мана шу билан олти йил бир хонада яшаганман, ўшанда...

— Менга қара, ўшанда бошинг бормиди? — деб луқма солди Қудрат ва соатига ўғринча кўз ташлади.

— Э, омон бўлинглар-э! — Уммат ака кароватни ғичирлатиб ўрнидан турди, Қудратга қараб деди: — Оғайнингиз ҳам куларканлар-у! Сиз энди тез-тез келиб туринг.

— Майли, хотин рухсат берса, — деди Қудрат жиддий оҳангда.

— Э, эркак одам хотиндан сўраб ўтирадимми! — деди Уммат ака аччиқланиб.

Султон кулимсираб, ётган жойидан гап қўшди:

— Бу вақиллайверади, хотини ҳеч унақа эмас.

— Сен биринчисини айтаяпсан-да, оғайни, — деди Қудрат ух тортиб.

— Вой касофат-эй, иккинчиси ҳам борми ҳали?

— Сен билмасмидинг? Албатта, энди ўн йилда бир кўришганимиздан кейин... Жуда баджаҳл, ярамасига учраб қолганман, оғайни. Бир минут бир ёққа қўйиб юбормайди. Мана, сенинг олдинга ҳам аранг кўзини шамғалат қилиб қочдим.

— Ростданми? — деди Султон ишонқирамай. — Қай гўрдан орттирдинг уни?

— Энди... ҳаёт мураккаб экан-да, оғайни. — Қудрат товушини пасайтириб, бошини қуйи эгди. — Бир йигитчилик қилиб, илашиб қолдим-да. Энди қутулмай доғдаман.

— Э, парво қилманг, кўрғилик-да! — деди Уммат ака унга таскин бериб.

— Епирай! Сени нима гумроҳлик босди? — Султон ачиниб, машаққат билан бошини тебратди. — Ким ўзи, қанақа? Мен танайманми? Оти нима?

— Ким билади, балки танирсан, — деди Қудрат ҳамон гуноҳкор оҳангда. — Оти... отиям бор у касофатнинг: гелиостанция.

— Нима? — деди Султон қулоғига ишонмай.

— Гелиостанция — оти.

Султон бир зум қотиб қолди, сўнг бўғзига тиқилиб келган қаҳқаҳанинг

зўридан ноқулайроқ тўлғонган эди, умуртқа поғонаси узилиб кетгудек бўлиб, оғриқдан ҳушини йўқотаёзди.

— Э, ўл-э! — деди бир оздан кейин базўр. Ағрайиб ўтирган ҳамхоналари эшитсин деб товушини баландлатди. — Бу нур станцияси қурилишида бошлик, шуни айтаётган экан.

— Ол-а! — деди Уммат ака ҳафсаласи пир бўлиб ва тумбочка устидаги чойнакни олиб, эшик томон юрди.

— Ахийри битказдингми? — деб сўради Султон дўстининг қорайиб кетган юзига тикилиб.

— Ҳа, — деди Қудрат. — Лекин мана буни қурилиш деса бўлади. Телевизордаям кўрсатди, кўргандирсан балки?

— Кўрдим, — Султоннинг эсига бирдан Зарқўрғон, ишхонаси, чала қолган ишлар тушди, маъюс тортиб деди: — Мен бўлсам, мана, ётибман...

— Ётавер, — деди Қудрат унинг товушидаги ўзгаришни сезма-гандек. — Ваҳима қилиб юрганмишсан?

— Ваҳима эмас.

— Ваҳима бўлмаса, паникадир. Аҳмоқмисан, ўлиб нима қиласан? Айтиб қўяй, қурувчига у ёқда мутлақо иш йўқ: жаннат аллақачон қуриб бўлинган, уч-тўрт марта капитал ремонтдан ҳам чиқарилган бўлса керак. Дўзахга келсак, у ўз оти билан дўзах-да, у ерда биров қурилиш қиларми-ди? Шунинг учун, оғайни, ўлишни хаёлингга ҳам келтирма. Ишсиз қолишинг аниқ.

— Майли, — деди Султон, тагин кулимсиради.

— Кейин, ваъдаям эсингдан чиққан шекилли?

— Қанақа ваъда?

— Ана, азалдан бошинг йўқ эди, десам, яна биғиллайсан. «Қанақа ваъда» дейди-я! Қуда бўлмоқчи эдик-ку?

— Ҳа-а... — Султоннинг кўнгли ёришиб жилмайди.

— Айниб қолмадингми, ахир? Уғлимнинг бўйи менинг бўйим билан баравар бўлиб қолди, эрта-индин челақларни тарақлатиб тепиб қолса ҳам ажабмас. Айтгандек, қизинг чиройлими ўзи? Нега ишшаясан?

— Совчи бўлиб борсанг, кўрарсан.

— Бормасдан ҳам биламан, — деди Қудрат ва стулини яқинроқ суриб ўтирди. — Зумрадга тортган бўлса-ку, майли, агар сенга тортган бўлса... билмадим-да, э!

— Уғлинг-чи, ўғлинг кимга тортган? — деди Султон кўзлари чақнаб.

— Менга тортади-да, қўшнимга тортармиди, — деди Қудрат кери-либ ва яна соатига разм солди.

— Шошяпсанми?

Қудрат кулди:

— Мен-ку, шошмаяпман-а, вақт шошяпти, оғайни, вақт! Бир соатдан кейин аэропортга чиқишим керак.

— Ҳа? — Султон унга савол назари билан тикилди. — Бировни кузатасанми?

— Йўқ, бу сафар мени кузатишадим, — Қудрат оёғи остидаги қопдек келадиган қоғоз халтанинг оғзини шалдиратиб очди, орқасига ўгирилиб, Саиданбарни чақирди. — Укажон, илтимос, мана бунда майда-чуйда бор, баҳам кўринглар. Хўш, Султон, оғайничалиш, бизга рухсат энди.

— Қаёққа кетяпсан ўзи? — деди Султон гангиб. — Москвагами?

Қудрат бош чайқади:

— Энди, гап бундоқ, дўстим: мен икки йилга командировкага кетяпман. Афғонистонга.

Султон ҳангу манг бўлиб қолди.

— Ҳозир-а?!

— Бир соатдан кейин, — деди Қудрат ва ўрнидан турди, стул суянчиғидаги оқ халатни олиб елкасига ташлади-да, унинг тепасига энгашди. — Энди... вазият шундай бўлиб қолди, оғайни. Мириқиб отамлашолмадик ҳам.

— Қудрат, дўстим, ахир бу... — Султон бўғзига нимадир тикилиб, гапиролмай қолди.

— Ҳечқиси йўқ. Ҳали ҳўб хумордан чиққунча гурунглашамиз. «Олинг қуда, беринг, қуда!» — Қудрат юзини унинг юзларига босди, икки чаккасидан ўпди. — Ажойиб бўлади-да ўшанда! Майли, оғайни, сенга фармон шу: зудлик билан соғайиб чиққину бориб бизнинг келинни тарбияси билан шуғуллангин. Тушунарлими? Бўпти, бўлмаса! Хайр, оғайни! Етиб боришим билан хат ёзаман.

— Хайр...

Қудрат хонадагилар билан бир-бир қўл бериб хайрлашди-да, ҳануз юзтубан, қимир этмай ётган дўстига сўнги бор назар ташлаб, оёқ учида юрганча чиқиб кетди. Султоннинг силкиниб-силкиниб титраётган елкаларини у кўрмади...

* * *

Уч йилдек бўлиб уч кечаю уч кундуз ўтди.

Умнат акага жавоб тегиб, хайр-хўшлашиб кетди.

Саидакбар операция бўлди, лекин палатага қайтиб келмади. Фима амакининг айтишича, бир оз ўзига келгунига қадар алоҳида хонада ётармиш.

Султон эса ҳамон ўша алфозда — ерпарчин бўлиб ётар ва ўз ихтиёри билан қўл-оёғини қимирлатиш ҳам баъзан кишига чинакам саодат бўлишини суяклари зирқираб ўйлар эди.

Чошгоҳ пайти палатага тўсатдан Насимов кириб келди. Бу сафар у негадир ёлғиз, ёнида ҳатто Тофиқ Мамедович ҳам йўқ эди. Тўғри келиб Султоннинг тепасида тўхтади, саломига алик олиб:

— Шеригингиз қани? — деб сўради Фима амакининг каравотига имо қилиб.

— Ошхонага чиқувди.

— Хўш, ишлар қалай? — Профессор унга бошдан-оёқ синчиклаб тикилди. — Ётибсизми?

— Ётибман, — деди Султон қуруқшаб қолган лабларини қимтиб.

— Нега ўйларни чала қилиб қурасиз? — Насимов стулга жойлашиб ўтирди.

— Қайси ўйларни? — деди Султон ажабланиб.

— Қайси бўларди, умуман ўйларни дейман-да. Менинг кичик кўвим Юнусободдан квартира олган эди. Уч ойдан бери кўчиб киролмайди. Эшик-деразалар йўқ эмиш, батареялар қўйилмаган, санузеллар чатоқ, дейди. Шунақаям бўладими, а?

Султон, худди ўша ўйни ўзи қургандек, қизарди:

— Бўлади баъзан...

— Шунинг учун ҳам бошинглар оғрийди-да! Йўқ, кулманг, бу хурوفот эмас: кимнидир ноҳақ ранжитсангиз, албатта бир кун ё ошқора, ё ғойибона жавоб беришингизга тўғри келади. Геродот бунини «қасос қонуни» деб атаган. — Насимов унинг устидан аёлни олди. — Қани, бир кўрайлик-чи... Хўш, диагнозни сиз қаёқдан билиб олдингиз?

Султон кўзини олиб қочди.

— Область касалхонасида ётганимда бир кечаси уйқум қочиб коридорга чикдим. Навбатчи ҳамширанинг столи устида «касаллик тарихи»м ётган экан, олиб ўқидим. Албатта, нотўғри иш бўлди, лекин...

— Шу бўйи ваҳимага тушдингизу ўзингизни ўзингиз еявердингиз, шундайми? — Насимов халатининг кўкрак чўнтагидан бир варақ қоғоз олди. Область касалхонасида сизни Алиасқаров кўрган эканлар, олий категорияли врач. Билмайсизми, қаерда ўқиган экан у — ТошМИдами, Самарқанддами?

— Йўқ, — деди Султон хавотирланиб. — Тинчликми ўзи?

— Агар ТошМИда ўқиган бўлса, — деди профессор хаёлчан, унинг гапини эшитмагандек, — балки мен ҳам дарс бергандирман. Эсиз!

Султон гарангсиб бошини кўтарган ҳам эдики, Насимов имо билан тек ётишни буюрди.

— Яна озроқ чидайсиз, шоҳ Султон! — деди кулимсираб. — Босим қалай? Мана, менинг қон босимим ўз-ўзидан ошди-кетди.

— Нега, домла?

— Нега бўларди! Биз Веналарда юрамиз. Керилиб, халқаро конгрессларда маъруза ўқиймиз! Бу ёқда эса чаласавод шогирдларимиз... — Профессор бош чайқаб, ўрнидан турди. — Айтмоқчи, диагноз тасдиқланмади, оғайни.

Султон унинг гапидан эмас, гапининг оҳангидан довдираб қолди:
— Нега тасдиқланмайди? — деб юборди шошиб.

Насимов ялт этиб қаради:

— Тасдиқланиши керакмиди?

— Йўқ, кечирасиз... Аҳ! — Султон ўзини йўқотиб, ўрнидан туриб кетай деди. Профессор ҳайҳайлаб елкасидан босиб қолди. — Кечирасиз, — деб такрорлади у буткул гангиб ва бўғилиб шивирлади: — Мен кўп қийналдим, домла!..

— Сизники бутунлай бошқа нарса, — деди профессор. — Лейптоменингит. Парво қилманг. Ҳали узоқ яшасиз.

Султоннинг назарида юраги тўхтаб қолгандек бўлди. Чўчиб бошини кўтарди. Боши айланди, девору шифтлар бирлашиб айланаверди...

«Мен узоқ яшайман, ҳаммадан зиёд, ҳали тойчоқларим ўйнаб юрибди... Мен узоқ яшайман...»

Остона олдида турган Насимовнинг товуши гўё ўзга сайёрадан келаётгандек қулоғига базўр чалинарди:

— ...бошни боғлаб ётаверасиз энди. Яхшилаб даволаймиз. Ўрик гуллаганда жавоб берамиз.

Эшик секин ёпилди.

«Ҳаёт қайтиб келди... — деб шивирлади Султон ва кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. — Қайтиб келди!»

Энди шу гўзал, аламли ва армонли ҳаётнинг — тенги йўқ, тимсоли йўқ шу буюк мўъжизанинг ҳар бир сонияси қадрига етмоқ лозим эди, у хаёлан ана шунга қасамёд қилди. Қолган умр энди фойдага қолди. Бироқ кечаги кун хатолари, хотиралари... Абдуллага берган хатлари-чи?..

Дийдор қувончи ва айрилиқлар азоби, мубҳам дард изтиробию умидвор дил ўртанишлари билан кечган кейинги кунларини бир-бир хаёлидан ўтказаркан, Султон юрак-бағри тўкилиб, уйини, фарзандларини, Зумрадни чидаб бўлмас даражада соғинганини ҳис қилди.

«Ахир, — деб ўйлади у энтиқиб, — ахир, уларни бир кўрмасдан ўлиб кетишим ҳам мумкин эди-я!.. Йўқ, йўқ, ўзингни бос, ҳовлиқма, ортиқча ҳаяжон сен учун кони зарар!»

У аста тин олиб, кўзларини юмди.

Ҳадемай кўклам келади. Қиш рутубатлари ортда қолади. Баҳор чечаклари яшил туғ кўтариб, замин узра музаффар юришини бошлайди. Олам яшаради. Олди билан бодом гуллайди, кейин ўрик, шафтоли... Ана шундай ажойиб кунларнинг бирида у касалхонадан чиқади. Бу димиққан хоналарни, дарду укубатларни бутунлай тарк этади. Соғинтирган фарзандларига, ёру биродарларига қучоқ очиб: «Ассалом, қадрдонларим! — деб табассум қилади. — Мен бир ўлиб тирилдим, азизларим. Мен яна қайтиб келдим!»

Кейин... ташвишлари, қувончлари, мағлубият ва зафарлари билан ҳаёт давом этаверади. Кўнгли сезиб турибди: у энди узоқ яшайди. Ҳали кўпдан-кўп дарахтлар экади, мурғак ўғил-қизларини вояга етказади, ҳали беҳисоб иморатлар қуради, янги-янги дўстлар ва душманлар ортиради, умр йўлларида гоҳ энгилиб, гоҳ енгади...

Хона сув қуйгандек жимжит эди.

Султон ортиқ чидаёлмаслигини — ортиқ бу алфозда ёта олмаслигини англади.


«Туриш керак! Туриш керак!»

Гурсиллаб ураётган юрагида, икки чаккасида акс садо янгради:

«Туриш керак! Туриш керак!»

Унг қўлига таяниб, аста-секин қадини ростлай бошлади, пешонасига муздай тер чиқди...

Абдулла қачон келаркин?



Тошпўлат Аҳмедов

СИЗ КЎЗЛАРИН ОЧГАН ЧАШМА АБАДИЙ ШАФФОФ

Бу оламнинг олийлиги

Бу оламнинг олийлиги она юртим чароғидан,
Бу заминнинг зеболиги равшан кўзлар қароғидан.

Нечук бахтким, мудом менга ҳамроҳ эрур покиза руҳ,
Нечук бахтким, ўпиб юргум турфа гуллар дудоғидан.

Ҳаёт гўзал бир бўстондир, равон-равон йўллари кўп,
Нетай, баъзан бу бўстоннинг чиқиб қолгум сўкмоғидан.

Манзилим-ку ойдин, гаҳе ўтар бўлсам бу мавзедан,
Жон қийналар: тиканлари йўқми, деган сўроғидан.

Умр мисли дарё эрур, орзулардан қувват олган,
Мавжли-мавжли тўлқинлари тошиб тургай қирғоғидан.

Замон учқур, замин нотинч, бир ҳадик бор: еру осмон
Тўлғанмасми одамзоднинг ўйлаб топган яроғидан?!

Ҳар мушкулга чора бордир, аммо анланг Аҳмадийни,
Ҳеч кимсани айирмасин она юртнинг тупроғидан.

Вазминлик

Ўқувчилик йилларим эди...

Бир куни ҳисоб дарсида,

Ёшгина муаллим:

Билибми-билмайми, хато қилганда,

Чуғурлашиб кетдик биз — болакайлар,

Кетма-кет саволга тутдик биз — болакайлар.

Дастлаб нафрати кўзиди унинг,

Жингала сочлари тўзиди унинг.

Бир оз сукут ичра қолди у
 Кўзларини синфга қадаб:
 — Вазмин бўлинг! Вазмин.
 Мен атайлаб, шундай ёзгандим... — деб оқлади ўзин. —
 Ва: — Вазминлик —
 Одобнинг боши, — дея тугатди сўзин.
 Биз, одобли бўламиз деб, вазмин тортиб қолдик...
 Студентлик йилларим эди...
 Бир куни тарих дарсида,
 Кексайган, сочлари тўкилган профессор
 Уйламай-нетмай:
 — Халқимиз ўтмишда саводсиз бўлган... —
 Деб айтганида,
 Биз — тўрт-беш чапани йигитлар:
 «Ёлғон!» — дедик жаҳлимиз чиқиб.
 Бир дақиқа ўтар-ўтмасдан:
 — Вазмин бўлинг! Вазмин, — деди совук тиржайиб. —
 Мен сенларни синаш учун,
 Атайин айтгандим бу гапни.
 Сўнгра: — Донишмандлик сири —
 Вазминликда, — дея тугатди фикрин.
 Биз, донишманд бўламиз, деб вазмин тортиб қолдик...
 Вақт келиб, бағрига чорлади ҳаёт...
 Бир куни денг:
 Чарсиллаб турган бошлиғимиз
 Тагига сув югурган бошлиғимиз
 Чақирди мени ўз хонасига.
 — Хўш? — сўз бошлади аянчли ҳолда. —
 Сенга нима керак, бунча тинмайсан,
 Ёзасан, чизасан — бағринг тирнайсан?
 Қаёнга боқмайин сенинг имзойинг,
 Овозанг, овозинг...
 Нима даъвойинг бор, қани, айтгин-чи?
 Ё ўрнимни қиляпсанми ҳавас?
 — Уят эмасми, сизга бу гаплар? — дедим,
 Ундан сира тортинмай.
 — Қўрқманг, ғам чўкмасин кўзингизга,
 Курсингиз буюрсин ўзингизга!
 Мен умрим китобин ёзаяпман,
 Бахтим офтобини чизаяпман!..
 — Шунақами?
 — Шунақа!..
 Сағ фурсат ўтмай:
 — Вазмин бўлинг! Вазмин, — деди безрайиб. —
 Ниятингиз билмоқ учун
 Атайин айтгандим, бу гапни.
 Кейин: — Ўсмоқликнинг йўли —
 Вазминликда! — дея тугатди сўзин.
 Мен, «ўсайин», деб аста-секин вазмин тортиб қолдим...
 Болам —
 Юрагимнинг қонидан кўкарган,
 Виждонимдай, имонимдай пок-покиза —
 Баҳорий, бухорий лолам!
 Мен-ку ўргандим вазминликка!
 Лекин сен:
 Ёлғон хатога дуч келганингда —
 Одобли бўламан, деб вазмин тортма!..
 Тарихингга тош отмоқчи бўлганлариди —
 Донишманд бўламан, деб вазмин тортма!
 Ноҳақликка дуч келганингда —

Усаман, деб вазмин тортма, мендай!..
Майли, сени енгил десинлар...
Вазминлик фақат тоғларгагина ярашади!

Менинг бағрим

Шаффоф дала — менинг бағрим,
Дарахтлари ям-яшил.
Майсалари заррин-заррин,
Гиёҳлари турфа хил.
Кўкка туташ чинорлари,
Гул ҳиди бор ирмоғида.
Кўшиқ куйлар анҳорлари,
Буғдой ҳиди тупроғида.
Шабадаси майин-майин,
Юлдузлидир кенг осмони.
Тунлари ҳам бахмалдайин,
Жилвагардир боғ-бўстони.
Баҳорининг баҳоси йўқ,
Қуёши пок — мисли хаёл.
Ёз-кузининг қиёси йўқ,
Мевасидан томади бол.
Сен қишлардан кўрқма, санам,
Қор-кирови — кўнгил оқи.
Кел, муштоқдир сенга далам —
Осмонида ойдаи балқи...
Менинг бағрим — шаффоф дала...

Шариф Нурхонни эслаб

Шариф ота, сизни бугун соғиниб келдим,
Қабрингизга қўймоқдаман меҳрдан гуллар.
Номингизни дилга жойлаб, сиғиниб келдим,
Мени шодон қаршилади сиз ўтган йўллар.
Умр гарчи бевафодир — ўткинчи баҳор,
Билинтирмай ўтар-кетар гуллаб-гулламай.
Лекин сизни эслаганда шубҳалар бекор,
Сизнинг умр баҳорингиз асло сўлмагай.
Ариқларнинг бўйларида яшнаб турибди,
Нафасингиз кўкартирган ниҳоллар ҳануз.
Шўх шабада гул бўйини тараб юрибди,
Боғ кўксига маржон-маржон таққанча юлдуз.
«Боғи Нурхон» бағридаги қантак ўрикнинг
Шохларида жимирлайди зард олучалар.
Ўзингизга монанд бўлган кекса теракни,
Макон этиб, яйраб-яйраб куйлар қушчалар.
Мақтамоққа ҳожат йўқдир: магарким уфқ,
Юзларига нусха олса анор рангидан.
Кўзларини ишқаб-ишқаб, не тонгким, шафақ —
Киприк очса, ушбу боғнинг соз-жарангидан.
Шариф ота, бехазондир бу нурли чаман,
Ҳавоси ҳам, навоси ҳам қалбингиздай соф.
Сизнинг боғ бу, сизнинг бўстон, сизнинг пок гулшан,
Сиз кўзларин очган чашма абадий шаффоф...

Нозик

Қор ёққан кўчаларнинг ҳавоси нозик,
Сабосайр кечаларнинг навоси нозик.
Саросар оқ кийинсин, тин олсин замин,
Заминдай мушфиқ элнинг садоси нозик.
Авлоди башар ўпсин хоки-покидан,
Ўзбегим саховати — тиллоси нозик.
Саодат соҳилидан кўз солсам, не тонг,
Амунинг инжа мавжи — жилоси нозик:
Бир чора изла, элим, меҳрингга зор ул,
Йўқ эрса, зеболикнинг видоси нозик.
Оҳуни дийдиратма, сайёди сангдил,
Саҳрода ўқ узилса, ҳув-ҳувси нозик.
Гар айтсам: молу мулк деб, савдойи бўлган,
Беибо кимсаларнинг дунёси нозик.
Эй дўсти мукаррамим, ҳалолдир нонинг,
Яримта бўлса ҳамки, маъноси нозик.
Аҳмадий қалб чароғи — ҳамиша равшан,
Шамсни шам деганнинг даъвоси нозик.

Бухоро



Бухоро кишилар ҳаётинан

«Илҳомни ижоднинг сабаби ва кўз-
гатувчиси, деб хато ўйлашади. Аслида,
илҳом яхши ишлаш жараёнида, ишдан
роҳат олиш натижасида туғилади...
Ўзидан, ўз ишидан маълум даражада
қониқиш ҳосил қилмаслик ҳар бир
самимий ёзувчига хос доимий фазилат
бўлмоғи даркор. Бундай қониқмаслик
ҳақиқий ёзувчи учун турган-битгани
азоб, айни дамда, муттасил камол
топа боришининг гаровидир».

М. ГОРЬКИЙ.


Абдулла Қаҳҳор «Ўтмишда кўрган-
кечирганларим кўп ҳикояларим, ва
йирик асарларимдаги эпизодларга
асос бўлди», деб ёзади. Ва қуйидаги
воқеани мисол қилиб келтиради:

«Санъаткор» ҳикояси ҳам бир но-
дон, чаласавод артист ҳақида ёзил-

ган... Ҳикоя 36-йили ёзилган, лекин бу
ҳикоя учун «материал бўлган» одамни
Кўқонда эканимда кўрганман, яъни,
22 йилдан бери билар эдим. Ашула
айтганда айрим сўзларни шунчалик
бузиб айтар эдики, ашуланинг таъ-
сирли жойида одамнинг кулгиси
қистар эди. Санъаткор бир куни ашула
айтар экан, «Лабингиздан бўса олсам,
эй шакарлаб» дейиш ўрнига «бўлса
олсам» дейди. Пайқаган одамлар ку-
либ қўйишди.


Бир куни икковимиз кўчада кета-
ётган эдик. Санъаткор мендан сўради:
«Ўзингиз шундай яхши ёзувчисиз-у
[менинг бирон сатримни ўқиган эмас,
албатта], нима учун ҳалигача опера
ёзиб ташламадингиз...» Мен ўзимни
тутолмай, хахолаб кулиб юбордим.
Санъаткор ранжиди. У худди мана шу
ерда ҳикоя қаҳрамони бўлиб кўз
ўнгимда гавдаланди».

Илҳом СУЛТОНОВ тўплаган.



Мақсуд Қориев

ИМТИҲОН



Умар Валиев ишдан келасолиб, папкасини бир чеккага қўйдию телефонга ёпишди. «Междугородний»га телефон қилиб, тезда Наврўзистон районини улаб беришни сўради. Телефонисткага зарур номерни қайта-қайта ҳижжалаб тушунтириб, кейин кийимларини алмаштириш учун хонасига кириб кетди.

Бироздан сўнг қайтиб чиқиб, телефон ёнидаги креслога чўкиб, гўё аппаратга қараб турса тезроқ қўнғироқ бўладигандек, мўлтайиб пойлаб ўтирди. Қўнғироқ бўлавермагач, яна телефон трубкасини олиб, «Междугородний»га шоша-пиша қўнғироқ қилабошлади. Лекин телефон доимо банд эди. Дикқати ошиб, трубкани жаҳл билан жойига ташлаб қўйди.

— Ҳа, нима гап ўзи, қаерга телефон қиялсиз? — сўради хотини.

— Эй, анави Тошмамат Бобоев-чи, ўшанга, буларнинг ҳам ишини тўғрила, ҳам кетидан қидириб юр. Шунақа ҳам бўладими, одамлар институтга кираман деб тишини синдираяпти-ку, у кишининг эркатойлари бўлса парвои палак юрибдилар. Гўё биз ялиниб институтга киритаётгандек. Мана энди, математиканинг ёзмасидан чаток, шундай бўлгач ишим нима бўлди деб, ҳатто келиб хабар ҳам олмайди. Кап-катта одам шу зумрашани деб институтда шу вақтга қадар қолиб кетдим.

— Қидириб нима қиласиз, ўзи келиб қолар, — деди хотини пинагини бузмай.

— Эй, ҳеч соддалигинг қолмади-да, ахир математиканинг ёзмасидан йиқилган, тушунсанг-чи!

— Сизга нима, йиқилган бўлса, вой-бў... — деди хотини бепарволик билан.

— Ҳеч балога тушунмайсан... — деди Умар Валиевич хуноби чиқиб.

— Сизни улاردан тили қисик жойингиз борми ўзи?

— Ёзма ишини олиб келгандим... — чайналди эри.

Марямхон эрининг нима қилмоқчи эканлигини, ёзма ишни нега олиб келганлигини яхши тушунолмайд савол назари билан қараб турди.

— Шунга ҳам бош қотириб хуноб бўлаверасизми, кирса кирар, кирмаса йўқ, — деди Марямхон эрига тасалли бериб.

— Зиёфатини еганингиз эсингиздан чиқибди-да, — кесатди эри.

— Зиёфат қилса қилибди-да, асакаси кетибдими!

Шу вақт телефон муттасил жиринглай бошлади. Умар Валиев чўчиб кетди, гўё гапини биров эшитиб телефон қилаётгандек.

— Эсимни чиқариб юбораёзди-я, намунча қаттиқ жирингламаса, — ёқасига туф-туф дедию телефон трубкасини олди.

— Наврўзистонми? — деди қулоғига трубкани қаттиқроқ босиб. — Алло, алло, ким бу, Сурайёхон, сизмисиз?

Умар Валиев Сурайёхон билан яқин одамлардек узоқ саломлашди.

— Тошмат ака уйдаларми? Ҳали ишдан қайтмадиларми? Келиб қолсалар

керак-а? Ботирбекми? Ўтади, албатта ўтади! Ўзини тополмаяпман. Ҳа, бу гапларни телефонда айтиб бўлмайди. Хуллас, Тошкентдаги танишларингизга кўнғироқ қилиб айтинглар, Ботирбекни тезда топиб уйимга юборишсин.

Умар Валиев телефонни қўйиб, кўнгли жойига тушгандек чуқур уҳ тортиди, энди чарчаганлиги сезилди, кичик ёстиқчани қўйиб диванга ёнбошлади. Ётган ерида бирпас газета ўқиган бўлди-ю, кўзи кетиб қолди. Соат ўнлар чамаси хотини уни уйғотди.

— Туринг, анави йигитингиз келди, айвонда кутиб ўтирибди.

— Ким... Қаерга? — Умар Валиев ширин уйқидан кўзини очолмас эди.

— Эй, кўзингизни очсангиз-чи, наврўзистонлик йигит келди, деяпман.

— Келди, дейсанми?

Умар Валиев кўзини уқалаганча, шоша-пиша айвонга чиқди. Бир чеккада ўнғайсиз аҳволда Ботирбек ўтирарди.

— Ассалому алайкум, Умар ака, — йигит ийманиб ўрнидан турди.

— Қизиқ экансан, институтга кираётган одам ҳам шунчалик беғам бўладими? Математикани «боплабсиз-ку», тагин бепарво юраберасан, қойил-ей! Мен уйингга телефон қилиб қўрибман...

— Кечирасиз, кундузи сизни қидириб хонангизга кирган эдим, йўқ экансиз, лаборантка қиз ҳам қаердалигингизни билмади, қачон келишлари номаълум, деди.

— Шу кунда нима кўп, чақир-чақир кўп, умримизнинг ярми ана шундай йиғинларда ўтаяпти. Хўш, гап унда эмас, энг муҳими, ёзгани қайта ишлаб бериш керак. Гап шундай...

— Ия, қандай қилиб, ахир ишлаб берган эдим-ку?

— Расво қилиб ишлабсан, азизим, ҳа, эссиз-эссиз олтин медаль, қандай қилиб олгансан уни... Майли энди сўзларимга хафа бўлма, бунақаларни кўп кўрганман.

Ботирбек бошини қуйи солганча жим ўтирар, ўнғайсизланиб ҳадеб сочларини тузатар, пешонасидан тер қуйилиб, чўнтагидан рўмолчасини олиб бетўхтов артинарди.

— Майли, гапимга хафа бўлма, шунақа бетга айтишга ўрганганман, математиканг менинг кўлимда, кўнглини тўқ қилабер.

— Нега сизда бўлади? — таажжубланди Ботирбек.

— Эй, ўғлим, намуноча содда бўлмасанг-а...

— Қалай, текширишибдими?

— Эй, гап шунда-да, ишингга яхшилаб, ўчмайдиغان қилиб «икки» қўйишибди, мана кўрақол.

Умар Валиев шкаф устидан қизил қалам билан чизиб ташланган қўлёзмани олиб Ботирбекка узатди.

Йигит ҳайрон. Эрта билан ёзилган, институт муҳри босилган бу ёзма иш наҳотки профессорнинг қўлига келиб тушган бўлса! Буни қандай қилиб олинганлигига ақли бовар қилмай, бир Умар Валиевга, бир бугун эрталаб ишлаб берган ёзма ишига тикилди. «Бу соҳада ҳам шунақа ишлар бўлар экан-да. Имтиҳон топширган бошқа болаларнинг ишини ҳам шунга ўхшаб олиб кетишганмикин-а? Ёзма иш олинган хонага ҳеч ким қўйилмаган эди-ку! Ёки бирор одам билдирмасдан олиб чиқиб берганмикин?» Шу саволлар бир зумда унинг миёсида айланиб, қизиқ бир ҳолатга тушди, қаршисида турган салобатли домлага нима дейишини билмай қолди. Пешонасидан маржон-маржон тер оқиб, ўзини ёмон ҳис этди, гўё боши айланиб ҳозир эс-ҳушини йўқотиб қўядигандек.

— Энди гап бундай, ўғлим, мана бу қўлёзмангни олиб, бирор жойга олиб бориб, яхшилаб қайтадан кўчириб ёзасан. Эҳтиёт бўл, бирорта одам билиб қолмасин. Эсингда тут, битта ҳам хатоси бўлмасин. Кейин яна қайта-қайта текшириб чиқ, эрта билан соат олтига менга, шу ерга етказиб келсан.

Умар Валиев «эҳтиёт бўл», «битта ҳам хатоси бўлмасин», деб ҳар гапни икки-уч марта қайталаб ҳижжалаб, жон куйдириб тушунтирарди.

Ботирбек бўлса ёзма ишни қўлига олиб, бошини ҳам қилганича жим ўтирарди. Уни институтга киритиш учун олиб-югураётган, астойдил жон куйдираётган бу меҳрибон кишига нима деб жавоб беришни билмай безовталанарди.

— Узинг ҳозир қаерда турибсан, кимникида ётиб юрибсан? — энди эсига келиб сўраб қолди Умар Валиев...

— Бир қариндошимизникида.

— Саводлироқ одамларми, қариндошларинг?

— Ҳа, Муҳтарам опам поликлиникада врач бўлиб ишлайдилар. Ўғиллари ТошДуда ўқийди.

— Жуда яхши, жуда яхши. Хўш, бўлмаса, агар уларнинг математикага тишлари ўтса, кўчириб ёзганидан кейин бир кўрсатиб ол.

— Мени кечирасиз... — дудукланди Ботирбек.

— Хўш...

- Илтимос сиздан...
- Нима демоқчисиз?
- Шу... кечирасиз, Умар ака...
- Нима гап ўзи?
- Иложи бўлса шуни қайта ёзмасам...
- Ёзмасангиз институтга кираолмайсиз...
- Майли... Кирилмасам...
- Ия, ўйлаб гапираяпсанми, хаёлинг жойидами ўзи?
- Уйлаб кўрдим...
- Нимани ўйлаб кўрдинг?
- Шуни...
- Ақли-ҳушинг жойидами ўзи, ўғлим, нима деяпганингни тушиняпсанми?
- Тушундим, чамамда, институтга бу йил киролмас эканман...
- Нима?
- Бундай қилмайман...
- Бу қанақаси энди?
- ...
- Нега ундай дейсан?
- Бўлмайди, домла...
- Даданг, ойинг институтга киради деб хурсанд бўлиб ўтиришибди, сен бўлсанг...

— Уларга ўзим айтаман...

— Калтабинлик қиялпсан!

Ботирбекка сира ҳам гап уқтириб бўлмасди. Умар Валиев яхши гапирса ҳам, қаттиқ сўзласа ҳам Ботирбек «бу йил ўқишга киролмайман» деб тураберди. Умар Валиев ўз бисотидаги тарбиявий аҳамиятга эга бўлган барча сўзлардан фойдаланиб, панд-насихат қилиб кўрди. Бир сўзлик бу қайсар йигит ёзма ишни қайта кўчириб беришга рози бўлмади. Охири домланинг сабр косаси тўлиб, бу йигитнинг тарбиясизлигидан, ношудлигидан, ўқишнинг қадр-қимматига етмаганлигидан куйиниб узоқ сўзлади.

«Баъзи одамлар институтга кириш учун ошна-оғайни, таниш-билиш қидириб, ёрдам берадиган одам тополмай гаранг-у, бу ландовур тайёр ошни ичмайман, деб ўтирса. Бу ахир онкўрлик эмасми?»

Умар Валиев жуда ҳам қийин аҳволда қолганди. Ботирбекнинг отаси Тошмамат акага, ўғлингизни ўқишга албатта киритаман, деб ваъда берган эди, энди буёғи нима бўлади? Институт қабул комиссиясидаги қадрдон дўстига нима дейди? Дўстларига Тошмамат аканинг танти одамлигини мақтаган, Тошкентга келиши билан яхшилаб таништириб қўймоқчи ҳам бўлган...

Тошмамат Бобоев имтиҳонлар бошланмасдан олдин майда-чуйда қилиб профессор Умар Валиевникига келиб кетган, унга сиз ойликка турасиз, корингизга яраб қолар деб, олмаганига қўймай, бироз ширинкома ҳам берган. Умар Валиев аввалига пулни олмай, кейин «қарзга бераяпсиз, қайтариб бераман» деб писанда қилганди. Умар Валиев Тошмамат берган «чойчақан»нинг ярмидан кўпроғини сарф қилиб юборган.

— Шу қароринг қатъийми? — сўради Умар Валиев.

— Ҳа... — деди йигит.

Мақсуд Қориев ижоди билан ўқувчилар кўпдан бери таниш. Унинг «Ойдин кечалар», «Афросиёб гўзали», «Турналар баланд учади», «Қиз узатиб борганда» каби қатор қиссалари ва ҳикоялари талабчан китобхонларнинг мулкига айланган. Бу асарлар ёш авлодни юксак коммунистик эътиқод, маънавий софлик ва фаоллик, меҳнатсеварлик, оталар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу, муқаддас ишимизга кўмак бериб келмоқда.

Адиб яратган кўп сонли «Митти ҳикоялар»ни ҳам адабий жамоатчилик хайрихоҳлик билан кўтиб олди. Уларда она табиатга меҳр, унинг гўзалликларини асраб-авайлаш ҳамда келажак наслларга беғубор ҳолда етказишдек олижаноб туйғулар эҳтирос билан куйланади, ҳаётий, таъсирли лавҳалар воситасида ўқувчига етказилади.

Мақсуд Қориев истеъдодли журналист сифатида ҳам танилган. У ҳаётнинг турли долзарб муаммоларини ёритувчи, фидойи замондошларимизнинг меҳнат жасоратларини улугловчи қатор очерклар муаллифидир. Адиб кўп йиллар давомида «Совет Ўзбекистони» газетасида ишлаб, оддий адабий ходимдан бош редактор даражасигача кўтарилди. Ҳозирги кунда эса сеvimли сати-

— Ўлгудек қайсар экансан. Отанга ҳаммасини айтаман, ҳозир ўзи ҳам кўнғироқ қилиб қолса керак.

— Майли, айтақолинг... менга барибир энди...

Умар Валиев бошқа ҳеч нарса демади, чунки қайсар йигитнинг қатъияти домла «шўрлик»ни маънавий эзмоқда эди.

— Менга қара, ўғлим, ҳали ҳам бўлса ёшлик қилма, эсингни йиғиб ол, биз ҳам бир вақтлар қийналиб ўқиганмиз, бошимизда отамиз бўлмаган, бирор ёрдамчимиз, суянчиғимиз ҳам йўқ эди.

— Тўғри айтдингиз, биз ҳам сизга ўхшаб қийналиб ўқийлик...

— Эй, тўхтасанг-чи, гапни охиригача қулоқ сол. Демокриманки, сенда ўқишга кириб олиш учун ҳамма имконият бор. Фақат мана буни яхшилаб, қайтадан ёзиб берсанг бас, бўёғи тўғри бўлиб кетади. Ахир мен сенга бирор қийин бир масалани ишлаб бер деяпганим йўқ-ку, тўғрилаб кўчириб бер деяпман...

Профессорнинг шунчалик жон куйдириб, ҳадеб қистайбериши Ботирбекнинг бир томондан ғашига тегса, иккиламчи, Умар Валиевга нисбатан бир қадар негадир ачиниш ҳиссиётини уйғотди. Урта мактабдаги Носирхўжа Акбаров деган математика ўқитувчисини эслади. Бир куни контроль иш олинаятганда бир масалани ечолмай ёнидаги ўртоғига кўз қирини ташлаганда ўқитувчисидан қанчалик гап эшитганди. Дарс тамом бўлгандан кейин Носирхўжа ака ҳамма болаларни олиб қолиб ҳалоллик, ўз ўстида қунт билан ишлаш ҳақида, ахлоқ-одоб масалаларида бир соатча гапирганди.

— Илтимос, энди менга рухсат берсангиз, буни удалай олмайман...

Умар Валиевнинг энди чинакамига жаҳли чиқди.

— Майли, хоҳламасанг мажбур этолмайман, хафа бўлма-ю ростини айтсам, ўлгудек безбет экансан...

— Унчалик эмас...

Ботирбек индамасдан чиқиб кетди. Умар Валиев ўз хонасига кириб, шкафнинг дорилар сақланадиган жойидан валидол олиб ичди, кейин креслога ўтириб, кўзини юмганча ўйга толди.

Умар Валиев ҳозир унинг, кап-катта одамнинг фикри билан келишмай, ўз йўли, ўз ақли билан иш тутаётган Ботирбекни ўйлади. «Ота-онаси жуда бамаъни, тагли-тахтли одамлар бўлса-ю, бу ёш гўдак уларнинг ҳам, менинг ҳам гапимга кирмай, ўз бўлишича иш тутса. Тавба, тайёр ошни ичмайман, деб, турса-я!..»

Бундай бўлиши мумкин эмасди. Балки у ёзма ишни қайта тўғрилаб ёзолмас, бунга кучи етмас, яна кўпроқ хато қилиб қўяман деб қўрқаётгандир? Қариндошларига ишлаб бер дейишга юзи бормас. Ўзи анча ор-номусли, виждонли йигит кўринади. Ҳа, ҳали бузилмаган. Аслида Ботирбекни шу ерда олиб қолиб, биргалашиб ишлашса бўларкан. Ундай деса, ўзининг ҳам шу масалани еча олишига кўзи етмайди, Ботирбек қайта кўчириб берганда ҳам Умар Валиев текшириб беришга кучи етмаса керак. Шуларни ўйлади-ю, ўзининг укувсизлигидан бир оз хижолат чекди. Кейин «ахир мен аналитик математика соҳасида мутахассисман, бунга тишим ўтмаслиги мумкин» деб, ўзига-ўзи тасалли берди.

Шу вақт хотини келиб, райондан телефон қилишаётганини айтди. Бу албатта Тошмамаат Бобоев бўлиши керак. Умар Валиев шошганча қиқиб телефон трубкасини олди.

рик журналимиз «Муштум»нинг бош редактори сифатида самарали меҳнат қилмоқда.

Партия ва ҳукуватимиз Мақсуд Қориевнинг адабиёт ва жамоатчилик соҳасидаги хизматларини муносиб тақдирлади. У уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, уч марта «Хурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотланди. ВЛКСМ Марказий Комитети таъсис этган Н. Островский номли мукофотга сазовор бўлди.

Адиб кейинги йилларда йирик адабий жанрга қўл уриб, тарихий мавзуда «Спитамен» романини яратди. Унда халқимизнинг олис асрлардаги ҳаёти, чет эл босқинчиларига қарши фидокорона кураши манзаралари гавдалантирилади.

Мақсуд Қориевнинг «Қалдирғочлар баҳорда келади» ва «Қиз узатиб борганда» асарлари асосида бадиий фильмлар ҳам яратилган.

60 йиллик тўйини янги ижодий режалари билан кутиб олаётган серғайрат адибни кўп минг сонли журналхонлар номидан қутлаймиз ва улкан муваффақи-ятлар тилаймиз.

— Ассалому алайкум. Ҳа, Тошмамат ака, саломатмисиз. Яхшимисиз, болачақалар...

Узоқ ҳол-аҳвол сўрашилгандан сўнг, Умар Валиев: «Бир келиб кетмасангиз бўлмайди, телефонда кўп гапларни айтиб бўлмайди», деб ўғлидан шикоят қилакетди. Кейин қатъийлик билан:

— Гап бундай, яхшиси тезроқ етиб келинг, — деди.

Умар Валиев айвонга қайтиб чиқдию стол устида турган ҳалиги ёзма ишга кўзи тушди. Ҳа, уни эртага эрта билан барвақт олиб бориб бериш керак. Бобоев бўлса биринчи рейс билан учганда ҳам эрталаб олтига етиб кела олмайди. Хўш, келганда нима ҳам кўлидан келарди? Барибир ёзма ишни бирор йўл билан қайта кўчириб бермаса бўлмайди. Отаси етиб келгунга қадар шу ишни уддаласа борми, зап иш бўларди, лекин қандай қилиб?

Бундай хуржун ишга қўл урганлиги учун ўзини-ўзи койиди. Бола қурғур тиштирноқли бўлиб, ўқийман, деб турса ҳам майли эди. Ишни қайта ёзмайман деб туриб олгани қизиқ бўлди. Эси йўқ, ўз келажаги ҳақида ўйламайдиган калтабин деб шуни айтадилар-да!

Умар Валиев нима бўлса бўлди қабилда иш тутиб, бу оғир муаммони ўз зиммасига олди. Ботирбек кўнмагандан кейин бирорта уддабурро одам топиб, ишни қайтадан ёздирishi керак. Кейин эрталаб секингина ёзма ишлар ичига қўшиб кўяди. Кейин Ботирбекни институтга кирди деябер. Шундан кейин Тошмамат ака унинг кўлида...

* * *

Ботирбек бўлса Умар Валиевникидан чиқиб, ўзини қаерга кўярини билмай, кўча-кўйда юра-юра, оқибат институтга кириш имтиҳонларига тайёрланганда танишиб қолган дўсти Зокир эсига тушиб қолди.

Ишчи оиласидан чиққан бу камсуқум йигит Ботирбекнинг кўнглига жуда ёқиб қолган эди. Зокир кириш имтиҳонларига шундай яхши тайёргарлик кўрган эдики, бу йигитнинг тиришқоқлигига, масъулиятни ҳис этиши ва жонқуярлигига қойил қолганди. Ботирбек унинг идрокига тан бериб, ўзининг ҳали олий ўқув юртига киришга тайёр эмаслигига тўла ишонч ҳосил қилган эди. Унинг бундай хулосага келишига фақат Зокиргина эмас, балки имтиҳонда иштирок этаётган олий билим олишига жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган ақл-идрокли ёшлар ҳам сабаб эди.

Институт олдида Қашқадарёдан келган бир қиз билан гаплашиб қолди. Исми Тожихол экан. Қобилиятли, ҳамма нарсага ақли етадиган, тиришқоқ қиз экан. У ҳам ўрта мактабни олтин медаль билан тугатган. Тожихол билан суҳбатлашиш учун жуда кўп нарса билиш керак. Унинг ўқиган китобларининг бирортасини ҳам Ботирбек ўқимаган эди.

— Математиканинг ёзмасидан албатта топшираман, чунки ўзим шу фанни севаман. Урта мактабда ҳам фақат бешга ўқиганман, — деди Тожихол ишонч билан.

— Бу ерни институт дейдилар, қийин масала тушиб қолса, нима бўлади?

— Математика — менинг жоним, ишончим комил, албатта «беш»га ёзмаман, — деди қатъий ишонч билан қиз.

Институтга кираётганлар ичида бундай ёшлар жуда кўп эди.

Демак, Ботирбекнинг ўрта мактабда олган таълими анча сифатсиз бўлган. Олтин медали ҳам иш бермади. Математиканинг ёзмасидан йиқилди. Буни ўзи ҳам тан олди.

...Зокир уни самимий қаршилаб олди. Бунинг устига, бу хонадонда қувончли воқеа юз берган, Зокирнинг заводда мастер бўлиб ишлайдиган Рауф деган акаси биринчи бор фарзанд кўрган экан.

— Қут оёқ экансан, севинчини чўзабер, дўстим, — деди Зокир қувониб.

— Ўғилми, қизми?

— Ўғил, ўғил, — деди Рауф ака деразадан қараб қувончини ичига сиғди-ролмади.

Бирпасда ҳаммаёқ шодон шовқинга тўлди. Дастурхонлар ёзилиб, турли таомлар келтирилди. Уйда бор ҳамма нарса дастурхонга кўйилди. Зокирнинг онаси бир лаган қилиб иссиққина билише пишириб кирди.

Катта стол турли мевалар, ширинликлар билан ясатилган. Стол чеккасида катта самовар қайнаб турибди. Поллар тозалаб ювилган, ҳаммаёқ ёғ тушса ялагудек. Оиланинг барча аъзолари шу бугунги қувончдан беҳад хурсанд эканликлари боисидан бўлса керак, қарабсизки, ҳаммалари бир ёқадан бош чиқариб,

бири ҳовли тозалаган, бири дастурхон тузаган, яна бири бўлса деразаларни артган.

Ботирбек бу оилада ўзига нисбатан бўлган самимий муносабатни кўриб ғоят қувонди. Умуман, ака-ука, ота-боланинг бир-бирга қилаётган меҳрибонликлари унга қаттиқ таъсир қилди. Ҳамма нарсани мол-дунё билан ўлчаيدиган ўз оиласидаги муносабатлар билан таққослади. «Нега шундай, нега бизнинг хонадонда самимият йўқ? Ҳамма нарса пул билан ўлчанади. Ҳатто институтга кириш ҳам, бирор жойга ишга жойлашиш ҳам, илтимос ҳам?...»

Бир куни отасининг базада ишлайдиган инспектор билан карта ўйнаб ўтириб айтган бир гапи эсига тушиб кетди.

— Тошмамат ака, энди бизга ҳам бир мустақил иш берсангиз бўларди, сизнинг даврингизда ялло қилиб юрайлик энди.

Шунда дадаси унга юзланиб:

— Азизим, чиқими катта бўлади, бўйингиз етмайди, — деганди.

Уларнинг хонадонига қадам кўядиган отасининг таниш-билишлари, яқинлари фойда чиқмаса иш қилмайдиган одамлар. Агар бирор меҳмондорчилик бўлиб, ҳаммалари тўпланиб қолишса борми, бир-бирларини мақтаганлари-мақтаган. Бундай пайтларда кўпинча отаси Тошмамат Бобоевнинг номи биринчи бўлиб тилга олинади: «Тошмамат акам ундайлар, Тошмамат акам бундайлар». «Дунёда у кишидан камтар, олижаноб одам йўқ...» «Ажойиб инсон, мард, танти одам, ажойиб оила бошлиғи, доно маслаҳатгўй, ҳаммамизнинг пушти-паноҳимиз. Ишқилиб, бахтимизга омон бўлсинлар...» Бирор кишининг тўйи, туғилган куни бўлса ўша ерда шу одамлар йиғилиб қолишса борми, келин-куёв ёки туғилган киши буюқда қолиб кетиб, Тошмамат ака мақталади. У киши картада «пирра» ўйнашни жуда яхши кўрадилар. Агар картадан қолсалар борми, бирпасда жахллари чиқиб кетади. Кейин бошқалар бирпасда қолиб беришадию шунда Тошмамат ака жахлларида тушадилар.

Бобоев илгари ўзи бошлиқ бўлиб ишлаган бўрдоқчилик базасига қимматбаҳо катта бильярд олиб келиб қўйдирган эди. Уни фақат ўзлари келганларида очишарди. Тошмамат ака билан ўйнаган киши меъёрни билиши керак. Бир куни кимдир билмай кетма-кет шар тушириб қўйганда, Тошмамат ака унга юзланиб: «Сен неча йилдан бери базада ишлайсан?» — деб сўраб қолди. Ҳамма кулиб юборди, лекин ўшанда ҳақиқатан ҳам Бобоевнинг жаҳли чиққанди. Эртасидан ўша «одобсиз»ни роса элак-элак қилишди...

Ботирбек бундай бемаънигарчиликларга фақат отасининг ўзигина айбдор эканлигига энди тушуна бошлаганди. Уйдаги шинам обстановка, қўша-қўша гиламлар, ҳар бир хонага мослаб қўйилган қимматбаҳо мебеллар, рангсиз, рангли телевизорлар, гаражда ҳеч кимга миндирилмай қантариб қўйилган ГАЗ-24 машина, онасининг дуру бриллиантлари — буларнинг ҳаммаси шу хонадондаги самимий муносабатларни йўққа чиқариб, ўрнига молпарастлик, ҳамма нарсага пул, мол-дунё орқали қарашдек ҳиссиётни юзага келтирган эдики, энди Ботирбек аста-секин бу шароитга тушуниб етмоқда эди.

— Энди Рауф ака, рухсат берсангиз мен кетақолсам, — деди Ботирбек.

Зокир уни эшиккача кузатиб чиқди.

— Кечирасиз, Ботирбек, сўрамабман, имтиҳонларингиз нима бўлди?

— Билмадим, ҳар ҳолда...

— Хўш, нега тўхтаб қолдингиз?

— Бир оз чатоқ бўлиб турибди, — деди Ботирбек.

— Йиқилдингизми?

— Ҳа...

— Қўйинг, хафа бўлманг, биласизми, анави куни заводимизга бир лектор келган эди, ўша айтди, мен қаердан билай, ҳар йили ўрта мактабни юз мингга яқин бола бирирар экан. Олий ўқув юртларимизга шундан 30 мингга яқин бола кирар экан, холос. Кейинги йилларда қолиб келаётган, армиядан бўшаганлар ҳисобга кирмас экан. Хўш, шундай бўлгач, бунга хафа бўлишнинг ҳожати борми? Сиз ҳам ўқишга киролмай қолган етмиш мингнинг биттасисиз.

— Мен хафа бўлаётганим йўқ, лекин...

— Қурилишга ишга кирақолинг — деди Зокир.

— Энди армияга кетаман, қайтиб келгач ишлайман, ҳам ўқийман.

— Бу бошқа гап, эгри-бурги йўллар билан бахт ахтарсанг, оқибати яхши бўлмайди...

— Тўғри гапни айтдингиз, дўстим, — деди Ботирбек, Зокир билан хайрлашар экан.

— Институтга кириш имтиҳонларидан ўтолмаган бўлсангиз ҳам, ҳаёт имтиҳонидан ўтдингиз, сизга оқ йўл тилайман, — деди Зокир унинг қўлини қисиб.

ИМЗОСИЗ ХАТ

Куз. Кечалари салқин бўлса ҳам кундузи ҳаво исиб кетарди ўша кезлари. Баҳор бетинч келиб, пахта кечки бўлиб қолгани боисидан йғим-терим ишлари анча чўзилиб кетган. Бундай пайтларда теришга пахта бўлмайти-да, суръат ҳеч кўтарилмай бир нуқтада тураберилади. Ҳа, ўшанда пахтакорлар учун анча қийин бўлганди.

Колхоз раиси Аҳмадали Бўриевнинг кайфияти йўқ. «Кечаси қаттиқроқ совуқ бўлса, тошдек бўлиб ётган кўсақлар очилиб кетармиди,» — деб хаёлидан ўтказди. Кейин «қозонда бўлса, чўмичга чиқади-да», деб кўйди.

Аҳмадали Бўриев колхоз боғига келиб уёқ-буёқлардан хабар олиб, ҳамма нарса жойидалигини кўриб, кўнгли таскин топди. «Ҳар ҳолда Содиққа бир иш буюрсанг, жой-жойига қўяди, ўйлаганингдан ҳам ортиқча қилиб бажаради», деб фикридан ўтказди.

— Содиқжон, кечаги жиблажибон индамай кетдимиз? — сўради раис Содиқдан.

— Узингиз қочиб кетдингиз-ку, хўжайин, одамнинг ёши ўтгандан кейин шунақа бўларкан-да...

Содиқнинг аскияси раисга ёқмади, иззат-нафсига теккандек бўлди. Машинага чиқаётиб:

— Кўп маҳмадонагарчилик қилмай, анави биллиардхонани тозалатиб, кийларга қараб кўй, — деди-да, кейин шофёрга юзланди, — ҳайда.

— Қаерга? — деди Маҳмуджон раисга савол назари билан қараб.

— Қаерга бўларди, идорага-да!

Шофёр раиснинг зардасидан эсанкираб газни қаттиқроқ босиб юборганди, раис қалқиб кетди. Шофёрга қараб ўқрайди, Маҳмуджон қовоғини солиб индамай ҳайдаб кетаберди. «Буларга сир бериб кўйсанг, шунақа бўлади, туппа-тузук йигит эди, нима десанг «лаббай», «хўп бўлади» деб турарди. Энди бўлса онги ошди шекилли, вақти келса гап қайтаради, ҳали сирингни очиб беришдан ҳам тоймайди бундайлар». Раис шу хаёллар билан идорага етиб борганини ҳам билмай қолди. Машина эшигини қарс этиб ёпди-да, шофёрга ҳеч нарса демай, лапанглаганча идорага кириб кетди. Маҳмуджон раиснинг орқасидан қараганча қолаберди.

Тушга яқин раис партком секретари билан катта йўл ёқасига чиқиб, райком секретарининг келишини кутабошлади. Аввал ГАИнинг машинаси келиб, кўчани чангитиб йўл чеккасига тўхтади. Аҳмадали Бўриев қўли билан чангни елпиб, одамларнинг ўқувсизлигидан бироз жаҳли чиққан бўлди. Аммо бу машина райкомнинг биринчи секретарини бошлаб олиб келаётганлиги учун чанг ютиб индамай тураберди.

— Кўчага сув септирмабсиз-да! — деди райисполком раиси Аҳмадали акага гап ташлаб.

Аҳмадали ака унча-мунча одамга сўзини берадиганлардан эмас. Райисполком раисини ўлгудек ёмон кўради, унинг айтганларини кўпинча бажармайди. Кўрганда худди қадрдонлардек сўрашади, баъзан колхозга меҳмонга ҳам таклиф қилади. Лекин орқасидан йўқ ердаги гапларни айтиб обрўсизлантиришга уринади. Шу топда, «Кўчага сув септирмабсиз» дегани раисга қаттиқ ботса ҳам, ҳар ҳолда исполком раисининг сўзи ҳақ эди.

— Септириб юборайми? — деди раис.

— Энди фойдаси йўқ, Маҳкам Маҳкамович йўлга чиқдилар, — деди милиция бошлиғи гапга аралашиб.

Шу вақт ГАИнинг катта машинаси, кейин райком секретарининг булутдек оқ ГАЗ-24 машинаси кўринди. Кутувчилар безовта қимирлаб қолишди. ГАИ машинаси бироз ўтиб тўхтади-да, райкомнинг машинаси худди раиснинг ёнига келиб тўхтади. Машина эшиги очилиб, бошига сават шляпа кийган, костюми кўлида — Маҳкам Маҳкамович тушди. Секретарь эғнидаги калта энгли оқ кўйлагига олчананг галстук тақиб олганди. Машинанинг иккинчи томонидан костюмига чиройли қилиб депутатлик значоги тақиб олган узун бўйли, бошида битта ҳам сочи йўқ, басавлат одам тушди. Афтидан, сайловчилар билан учрашўвга келган министр шу бўлса керак. Унинг орқасидан район матлубот жамятининг раиси Тошматов тушиб келди. Буни кўриб турганларнинг энсаси қотди. «Тулки» деб кўйди кимдир. Райком секретари турганларга «Олим Назарович» деб, депутатни таништирди. Улар ҳамма билан бирма-бир кўришиб чиқишди. Райком секретари раисни қўлтиқлаб олди. Тошматов вазиятдан хижолат тортиб одамларга салом берди-ю, ҳеч ким билан кўришмади, биринчи секретарининг машинасида министр билан бирга

келганлиги учун ўзини негадир ноқулай ҳис этди. Айниқса, райисполком раиси олдида юзи шувит бўлди, чунки эрта билан мажлисга чақирганда «райком секретари чақиряпти», деб бормаганди.

— Ҳа, ўртоқ Тошматов, ҳеч кўринмайсиз, аёлларга япон кўйлаклари олганмишсиз, бизларга айтмайсиз ҳам... — деди прокурор гап қочириб.

— Бизларни эсларидан чиқариб юборганлар, — деди милиция бошлиғи.

— Сизлар учун эшигимиз ҳаммавақт очиқ, — деди Тошматов қадрдонлардек.

Маҳкам Маҳкамович раис билан нималар ҳақидадир узоқ сўзлашди, районнинг казо-казолари бўлса, «энди қандай фармойиш бўларкин», деб кутиб туришарди. Уларнинг ҳаммаси ҳурматли меҳмон келиши муносабати билан колхоз меҳмонхонасида кўйлар сўйилиб, зиёфатга ҳамма нарса шай қилиб қўйилганини билишарди.

Маҳкам Маҳкамович раисни қўлтиқлаб активлар билан қизғин суҳбатлашиб турган министр ҳузурига келди-да:

— Раисимиз айтаяптилар, чой тайёр экан, учрашувдан олдин бир овқатланиб олсак деб, менимча, бу тўғри таклиф.

Министр елкасини қисиб, «билмадим» дегандек қилди.

— Одамлар соат тўртга клубга йиғилишади, нақазларингизнинг бажарилиши яхши, агар ҳақ гапни айтсак, ўша янги клубни ҳам сиз ўзингиз қуриб бергансиз, нақазга киритганмиз, энди тўрт йил бемалол юраберсангиз бўлади, — деди райисполком раиси.

— Ана, эшитдингизми, Олим Назирович, қани энди сиздақа депутатлар кўпроқ бўлса, ҳаммаёқ аллақачон обод бўлиб кетарди.

— Нақазларнинг бажарилмаганлари кўп, ҳали сизларга анча иш қилиб беришимиз керак, — деди Олим Назирович.

— Йўл қурилиши бу йил тугалланади, янги мактабни ҳам бошладик, ишлар яхши кетяпти, қолганлари майда-чуйдалар, — деди Маҳкам Маҳкамович депутатни юпатиб.

Олим Назировичнинг нақазлар бажарилишидан кўнгли таскин топгандек бўлди, «кетдик, бўлмаса» деб машина томон юрди. Маҳкам Маҳкамович раисга «сиз кетаберинг» деб ўзи ҳам машинага чиқди. Райком секретари кетиши билан турганларнинг ҳаммаси ўз машиналарига ўтиришди. Машиналарнинг эшиклари кетма-кет тарақлаб ёпилди, турна қатор бўлиб катта йўлдан кетишди.

— Мактаб қурилишини бир кўриб ўтсак, — деб қолди Олим Назирович секретарга.

— Майли, бемалол, — деди секретарь ва шофёрга юзланиб: «Янги мактаб қурилаётган жойга бур», деди.

— Яна бир илтимос, — деди Олим Назирович секретарга юзланиб.

— Марҳамат.

— Орқамиздан машинада келаётганлар ишларига бораберишсин, ҳозирча керак эмас улар.

Райком секретари машинани тўхтатиб, тушди-да, орқасидан келаётган райисполком раисига «анавилар ишларини қилаберишсин» деб кўрсатма берди.

— Йиғилишгачи?

— Келишсин, албатта келишсин, — деди секретарь машинага чиқаётиб.

Мактаб қурилишидаги аҳвол секретарь айтгандек бўлиб чиқмади. Ҳамма ишлар ўлда-жўлда, қурилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мактаб фундаменти кўтарилган бўлса ҳам, аммо олиб келинган минг-минглаб пишиқ фишт синиб, ивиб ётибди. Катта кран анча вақтдан бери ишламай бекор турибди. Қурилишда бирорта ҳам ишлаётган одам кўринмасди.

— Қурилишга жавоб берадиган бирорта одам борми бу ерда? — сўради Олим Назирович.

Маҳкам Маҳкамович ҳеч нарсадан хабарсиздек ғазаб билан райисполком раисига қаради:

— ПМК бошлиғи қаерда?

— Ўзида бўлса керак, лекин қурилишни область ташкилоти олиб боряпти, — деди исполком раиси.

— Ким?

— Ўша, ўзингиз билган Чинтошев.

— Ўзимизнинг ПМК жавоб бермайдими? — сўради секретарь.

— У ҳам жавоб беради... — деди райисполком раиси чайналиб.

— Гап бундай, — деди Олим Назирович қатъийлик билан, — учрашувга ПМК бошлиғи, район маориф бўлимининг мудирини ҳам чақириб керак. Илтимос, Маҳкам Маҳкамович, ҳозир райкомга борсак, мен бир обкомга телефон қилишим керак.

— Овқатланиб олмаймизми? — сўради секретарь.

Олим Назирович «овқатдан бошқа ташвиш йўқми», дегандек ялт этиб Маҳкам Маҳкамовичга қаради. Кейин беихтиёр машина томон юрди.

— Эрталаб яхшилаб нонушта қилиб олганмиз, ҳали қорнимиз очгани йўқ. Яхшиси зарур ишларни битирайлик, овқатланиш бўлса қочмас, — деди босиқлик билан министр.

Депутат билан учрашувга бағишланган йиғилиш айтилган вақтда, роппа-роса соат тўртда очилди. Райкомнинг биринчи секретари йиғинни очиб, ўн минутлик кириш нутқидан сўнг Олим Назировичга сўз берди. Аммо Олим Назирович ўрнидан турди-да, минбарга чиқмасдан сайловчиларга мактаб қурилишидаги аҳволни батафсил сўзлаб берди. Кейин жиддийлик билан:

— Мен ҳозирча сизларга ҳисоб бермайман, яхшиси, аввал ПМК бошлиғи гапирсин. Кейин область қурилиш бошлиғи ўртоқ Чинтошевга, райисполком раисига ҳам сўз берамиз. Мактаб қурилишига деб, бу йил давлат юз минг сўм ажратган. Нега давлат пули бекорга сарф бўлиб ётибди? Сувга ташланган маблағларни энди кимдан ундириб оламиз? Бу ахир халқнинг маблағи-ку! — Олим Назирович шундай дедию жойига ўтириб, блокнотини очди.

Учрашувга келганлар жим бўлиб қолишди. Бундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Райком секретари ўрнидан туриб:

— Депутатимиз масалани жуда ҳам тўғри қўйдилар, ҳақиқатдан ҳам бугун қурилишни бориб кўрдик, аҳвол яхши эмас, бунга ҳаммамиз, қолаберса мен ҳам айбдорман. Хўш, ўртоқ Ҳакимов, ПМК раиси, минбарга чиқинг, сўз сизга!

ПМК раиси Ҳакимов қорачадан келган, семиз одам эди, лапанглаб минбарга кўтарилди-ю, чўнтагидан ёзилган қоғозни олиб, узоқдан сўз бошлаган эди, Олим Назирович тўхтатиб, унга мурожаат қилди:

— Бу гаплар ҳеч кимга керак эмас, қани айтинг-чи, нега қурилишда аҳвол шу даражагача борди? Кран икки ойдан бери ишламас экан. Қурувчилар қаерда ўзи, нега олиб келинган фишлар брак аҳволга келиб қолибди?

— Қурувчиларни бошқа объектга олиб кетишди.

— Нега?

— ...

Хуллас, ПМК бошлиғи бирор маъноли гап айтолмай минбардан тушиб кетди. Кейин Чинтошев чиқиб, у ҳам сўз тополмай, қийин аҳволда қолди.

Райком секретари бугунги учрашувни бунақа томонга бурилиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Одатда депутатлар билан бўладиган учрашув силлиқина ўтар, депутатнинг фаолиятидаги ишлари батафсил санаб ўтилар, кейин айрим нақазлар бажарилмаганлиги қайд этиларди. Гўё бугунги йиғинда районда юз бераётган ҳайбаракалла ишлар, раҳбарликдаги юзакчилик очилиб қолгандек бўлди.

Шундан кейин савол-жавоблар бошланди.

— Сайловчилардан битта савол тушибди, аммо имзосиз, шундай бўлса ҳам ўқиб бераман сизларга, — деди секретарь ўрнидан туриб.

У шундай дейишга деб қўйди-ю, иккиланиб қолди.

«Нега райком секретари бирор колхозга борадиган бўлса ГАИ машинаси бошлаб юради. Кейин колхоз меҳмонхонасида зиёфат уюштирилади. Колхоз меҳмонхоналаридаги қимматбаҳо биллиардлар кимга керак. У ер курорт эмас-ку ахир? Ушаларнинг ўрнига қишлоқ учун ҳаммом, кинотеатр, спорт иншоотлари, маданий-маиший корхоналар қурса яхши бўлмайдими? Район марказида меҳмонхона бўлгач, колхозда бўлиши шартми? Ёки раиснинг маишати учун зарурми?»

Райком секретари хатни бир чеккага қўйиб:

— Бу имзосиз хат экан. Унда райкомнинг адресига танқидий мулоҳазалар билдирилибди. Биз ундан ҳар биримиз ўзимизга хулоса чиқарамиз, — деб қўя қолди.

— Имзосиз бўлса ҳам, барибир жавоб бериш керак? — деди кимдир пастдан.

— Саволни сиз ёздингизми? — сўради Маҳкам Маҳкамович иккинчи қаторда ўтирган узун бўйли кишидан.

— Мен ёзганим йўқ. Лекин саволни ким берган бўлса ҳам масалани тўғри қўйган, — деди ўша одам.

— Масалани тўғри қўйганини қаёқдан билдингиз? — деди Маҳкам Маҳкамович зардалироқ оҳангда.

Узун бўйли киши ўрнидан турди.

— Хўп майли, истасангиз мен ёзган бўлақолай.

Ҳамма кулиб юборди.

— Сиз ким бўласиз? — сўради секретарь.

— «Намуна»дан, оддий колхозчиман.

Негадир ҳамма чапак чалиб юборди, гўё бу билан ҳечнарсдан тап тортмай

дадил сўзлаётган оддий колхозчини қўллаб-қувватлагандек. Зални ғовур-ғовур босиб кетди. Райком секретари микрофонни чертиб одамларни тинчитди. Кейин хатдаги саволларни ўқиди. Депутатга бир қараб қўйди-да, сўзлай кетди.

— Савол жуда тўғри. Райком райондаги ҳамма нарсага жавоб бериши керак. Бепарволик — масъулиятсизлик бу! Мен ҳам, райком бўлимлари ҳам айбдор, ҳа, лоқайдлик қилдик.

Маҳкам Маҳкамович шундай дедию юраги орқасига тортиб кетди. Демак, ишлар яхши эмас. Раҳбарликни эплай олмаяпти.

«Саволда ҳақиқатан жон бор, қўрқмасдан тўғриси айтибди-қўйибди. Атрофимдаги «эрка»ларим мени жарнинг лабига олиб бориб қўйишибди. Уларга ишониб одамларнинг арзи додига қулоқ солмабман. Менинг панамга ўтиб олиб, «Райком секретарининг одами»га айланган бу лаганбардорлар бошимни айлантириб қўйишмадимикан? Анави «ман-ман» раис ҳақида қанчадан-қанча шикоят келди, ҳатто юқори ташкилотларга ҳам ёзишди. Раисни ҳимоя қилдим, унга гард юқтирмадим, раис шунга билади, бу гаплар тўхмат деди. Энди нима бўлди? Раис босар-тусарини билмай қолди. Машинага район матлубот жамиятининг раиси Холматов ўтириб олганлиги ҳам қизиқ бўлди. Олим Назирович нима деб ўйлайди, ўзи ҳам ўлгидек сурбет одам-да, бу Холматов! Қаранг, депутат келибди, деб районнинг ҳамма казо-казолари колхозга югуриб келишибди, уларни бу ерга ким чақирди, ҳаммасига анави эрка раис сабабчи, министр ҳам «анавилар ишини қилаберсин» деб болади. Мен-чи, нега шунчаликка боришларига йўл қўйиб бердим!..»

Мақтаб қурилиши ўлда-жўлда экан, мен бўлсам ундан бутунлай беҳабарман. Нега менга бирор одам ҳеч нарса демабди? Хўш, ўзимчи? Мақтабни бир келиб кўрсам бўлмасмиди, шу даражада ҳам бепарволик бўладими? Уйлаб қарасам, Олим Назирович ҳақ гапни айтди, мен бўлсам уни ҳадеб овқатланишга, чойга таклиф этаверибман. Ҳаммаси ўша раисдан чиққан «ақл». Районда пахта йиғим-терими чаток, хўжаликнинг бошқа соҳалари ҳам кўнгилдагидек эмас. Депутатимиз ҳаммасини ўз кўзи билан кўрди, шундай бўлгач, бу дабдабалар, тантанавор кутиб олишлар кимга керак эди? Хатдаги гап тўғри. Қаёққа борсам — дабдабаю асъас! Нега? Нимага керак булар?!

Ҳаммаси майли-ю, аммо бу гаплар депутатнинг иштирокида бўлгани яхши бўлмади. Энди Олим Назирович ҳаммасини обкомга бориб иккинчига айтади, кейин Тошкентга, юқори ташкилотларга ҳам маълум бўлади. Олим Назирович кичкина одам эмас, энг катта министрликни бошқаради. Ута принципал одам...

...Шундай қилиб бугунги учрашув анча чўзилиб кетган бўлса ҳам одамларнинг кўзини очди. Принципиал танқид асосида, жуда ҳам жонли ўтди. Йиғиндан сўнг, Олим Назирович тўппа-тўғри райкомга борди. Бюрода ҳамма масала очиқчасига гаплашиб олинди.

Колхоз меҳмонхонасидаги зиёфатга ҳеч ким бормади. Олим Назирович кечқурунги рейс билан Тошкентга учиб кетди.

ОНАМГА ХАТ

Дунёда сендан азиз, сендан меҳрибон ким бор, онажоним! Қалбинг сажоватидан, меҳринг гиёсидан бир умр баҳраманд бўлган фарзандларинг сени ҳамма вақт иззат-икром билан эслайди. Мўтабар сиймонг олдида бош эгади.

Сени қуёшга ўхшатаман. Зеро қалбинг нури, қўри билан танамга куч-қувват, ақл-идрокимга зиё бахш этдинг. Сен қуёшдан ҳам улкан экансан, қуёш узлатга кетиб, тун қора чодирини ёйганда ҳам меҳринг гиёси билан иссиқ бағринга босиб фарзандларингни ардоқладинг, эркаладинг, эъозладинг.

Сени ойга қиёс қиламан. Лекин сен ойдан ҳам гўзалсан. Қараб жамолингга тўймайман. Бирор жойингда доғинг йўқ, азиз волидам! Сен ҳамма нарсадан улўфсан.

Мана, ёшинг улғайиб, пири бадавлат бўлдинг. Болаларинг ҳаммаси жой-жойини топиб кетди. Лекин сен бирон кун, бирор дақиқа ҳам тиниб-тинчимайсан, оламнинг ҳамма ташвишлари сен билан. Фароғатли, осойишта хонадондан кўнглинг тўқ бўлганда ҳам, фарзандларингнинг қайси бири бетинч бўлса, сен ўша ердасан, ҳамдам-ҳамдардсан.

Меҳрибон онажон, табарруқ умрининг қолган қисмини беташвишроқ ўтказсанг, фарзандлик бурчимни адо этсам, беқиёс меҳрингга ўн бор ортик муҳаббат-садоқат билан жавоб берсам деб орзу қиламан.

Аммо ҳаёт қонунлари киши иродасига бўйсунмас, турмуш эса ўз йўли билан борар экан. Мана, эшит, бир дўстимнинг ҳаётидан кичик бир ҳикояни баён этмоқчиман. Буни сенга ёзаяпман-у, лекин бошқалар эшитсин.

* * *

Рустам Онабибининг икки қиз орасида эркаланиб ўсган якка-ягона ўғли, кўзининг оқу қораси, умиди. Агар ўғлини бир кун, бир дақиқа кўрмаса тура олмайди. Энди-чи, ўғли унинг бағридан бутунлай чиқиб кетган... Илгаригидек унинг ёнида эмас. Гўё, учирма бўлиб кетган қуш боласидек. Унинг ҳам ўз оиласи, бола-чақалари бор. Ҳамма ҳам фарзандим дейди. Она-чи?.. Унинг яна туғиладиган фарзанди йўқ-ку! Шунинг учун Рустам деса Онабибининг юраги ёришиб кетади. Ўғлини соғинади, кўргиси, бағрига босгиси келади.

Баҳор — Онабибининг энг кенжатоғи. Катта қизи — Нафиса турмушга чиқиб, ўздан тиниб кетган. Онабибининг эри Қаҳҳор аканинг вафот этганига мана ўн йилдан ошиб қолди. Отаси вафот этган вақтда Рустам ўн тўрт ёшга қадам қўйганди. Баҳор ўша вақтда эндигина атак-чечак қила бошлаганди.

Қаҳҳор аканинг вафотидан кейин болаларни тарбиялаш ёлғиз Онабибининг зиммасига тушди. У артелга кириб ишлади, болаларига отаси йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қилди. Кун бўйи ишлаб келиб, кечалари кир юварди, кўз нурини тўкиб машина тикарди, болаларини ок ювиб, оқ тарарди. Хуллас, болаларига отаси йўқлигини билдирмади.

Шундай бўлса ҳам баъзан беваалиги сезилиб қоларди. Бундай кезларда болаларига билдирмай, ичкари уйга кириб аччиқ-аччик йиғларди, юрагини бир оз бўлса ҳам бўшатиб оларди. Шу зайлда кўп азоб-уқубат билан болаларини вояга етказди.

Рустам институтни битириб, кейин аспирантурада қолди. Москвага бориб кандидатлик диссертациясини ёқлаб ҳам келди. Академияда катта илмий ходим бўлиб ишлаш бошлади. Хуллас, Рустам топишли-тутишли йигит бўлди. Онабибининг кўкрагига бир оз шамол тегиб, турмушлари яхши бўлиб кетди.

Шундан кейин Онабибининг орзу-ҳавас кўргиси келиб, ўғлини уйлантириш кўйига тушди. У ёқ-бу ёққа кўз-қулоқ бўлиб қиз қидира бошлади. Оқибат қиз ҳам топилди. Уни Рустамнинг ўзи танлади. Келин тўғрисида гап очилганда Рустам онасига академиядаги Мамлакат деган лаборантка билан гаплашиб юрганлигини очик айтди-қўйди. Онаси ҳам ўғлининг раъйига қараб, уларнинг никоҳига розилик берди. Онабиби келинлик бўлди. Энди оёғимни бемалол узатиб ётаман, орзум ушалди деб ўйлади. Қаёқда дейсиз, ҳамма гап ана шундан кейин бошланди.

Онабиби келинга зулм ўтказадиган баъзи бир қайноналардан эмас. У келинини қизидан яхши кўрарди. Тиниб-тинчимеган Онабиби, Мамлакат ҳали ёш, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, ҳеч нарсани билмайди, бунинг устига ишлайди, деб бутун уй ишларининг оғирлигини ўз зиммасига олганди. Қизи Баҳор ҳеч тинч ўтирмай, ишдан келди дегунча енг шимариб онасига ёрдам берарди.

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Мамлакат дастлаб жуда мулоимдек кўринди. У қайнонасининг гапларига қулоқ бериб, иззат-ҳурматини жойига қўйди. Лекин ойлар ўтиши билан оиладаги самимий муносабатлар аста-секин ўзгарди. Мамлакатнинг юриш-туриши, феъл-атвори бошқача бўлиб қолди. Қайнонасига гап қайтарадиган, баъзан эса қаттиқ жеркиб ташлайдиган одат чиқарди. Баҳорга эса кун бермади. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб бечорани чиқиштирмай қўйди.

Бир кўни Рустам ишдан қайтиб келганида Мамлакат диванда йиғлаб ўтирарди. — Ҳа, Мамлакатхон, нима бўлди, нега йиғлаяпсан?

Мамлакат индамади, ўпкаси тўлиб, хўнграб юборди.

Рустам Мамлакатнинг сочларини силади, рўмолчасини олиб унинг кўз-ёшларини артди, эркалади.

— Айтсанг-чи, ахир, нима бўлди, нега йиғлайсан, бирор сабаби борми ўзи? Мамлакат эрига бакрайиб қаради ва тўсатдан йиғи аралаш:

— Бу уйда ё мен турай, ё онангиз билан синглингиз турсин!.. — деди.

Рустамнинг асаби бузилди. Наҳотки унинг онаси «қайнона»лигини қилса! Уйларига умид билан келган келинига шунчалик алам ўтказса! Бунинг устига ишдан чарчаб келсангу уйда жанжал, хафагарчилик.

Рустам юрганича онасининг олдига кирди. Жаҳл устида:

— Ойи, бу қанақаси бўлди, Мамлакатга нима дедингиз, хафа кўринади? — деб юборганини ўзи сезмай қолди.

Онабиби тикиб турган ишини бир чеккага қўйиб, кўзойнак устидан ўғлига қаради. Ҳайрон бўлди, ўғли нима демоқчи эканлигига ақли етмай, бироз жим турди-да, кейин:

— Нима дебман, ўғлим? — деди секингина.

— Қайнана деган қайнаналигини, бегоналигини қилар экан, келинга ҳеч қачон она бўлмас экан, — деди Рустам томдан тараша тушгандек.

Бу гапни Рустам айтяптими ё бошқами? Онабининг боши гаранг бўлиб қолди. Бундан ярим соат илгари келини Мамлакатдан эшитган галпларини ҳозир ўғли сўзма-сўз қайтармоқда эди.

Онабиби индамади, ўзини босди. Аммо дард-дунёси қоронғи бўлиб кетди. Нима ҳам дер эди. Рустам ўғли-ку, ахир! Ҳеч вақтда кўнглини оғритармиди! Шу вақтга қадар ўғлини йўлга солиб келди. Энди бўлса Рустам, албатта катта бўлиб қолган, ақли-ҳуши ўзида, мустақил оила тебратади. Келинига бугун бироз насиҳат қилишининг боиси ҳам фақат жондан севган ўғли учун, оиласининг мустаҳкам, турмушининг ширин бўлиши учун эди.

Аммо Мамлакат уни ҳадеб ҳурматсизлайверса, қизи Баҳорни турткилайверса, она бечора қандай нидасин! Айниқса, келинининг бугунги қилиғи унинг суяк-суягидан ўтиб кетди.

Баҳор акасининг шим-кўйлагини дазмоллаб турганди. Мамлакат ишдан келиб бирданига туюқиб кетди. Нега эрининг шимини «биров» дазмоллайди? Бу, Мамлакатга ҳақорат бўлиб туюлди. Шундан кейин Баҳорга: «Жонимга тегиб кетдинг, тезроқ эрга тегиб кетсанг қутулардим, эр ҳам чиқмаяпти, ҳа, сени ким ҳам оларди», деб йўқ ердаги гапларни айтди. Баҳор ҳам жим тура олмади.

— Эрталаб эрингиз нонушта қилмай кетади, сиз ухлаб ётсангиз, хотинлик бурчингизни биласизми, ўзи?!

Онабиби қизи билан келинининг бир-бирларини беҳурмат қилишларига чидай олмади. Уртага тушишга мажбур бўлди.

— Мамлакатхон, кўшнилар эшитса нима бўлади, Баҳор, сен битта гапдан қолгин, шарманда қилдиларинг-ку! Мамлакатхон, сиз каттасиз, битта гапдан қола қолинг!

— Қизингизнинг ёнини олмай кўяқолинг, шарманда қилган бўлсам, мен билан турмай кўяқолинг! — деди Мамлакат овозининг борича бақириб.

— Вой ўлай, мунча бақирасиз, эшитганлар нима дейди?

— Нима деса деяверсин, истасангиз шу, истамасангиз катта кўча! Ҳаммаларинг қирилиб кетларинг!

Мамлакат эшикни қарс этиб ёпиб, уйга кириб кетди. Она-бола бир-бирларига бақрайишганларича қола бердилар. Бўлган воқеа ана шу.

Рустамнинг бу гаплардан хабари йўқ, онасига не ердаги гапларни айтди. «Бундан кейин бизнинг оилавий йиғимизга аралашманг, Мамлакатни ўз ҳолига қўйинг, агар бундан кейин сиз ёки Баҳор Мамлакатга бир оғиз қаттиқ сўз айтсаларинг, мендан хафа бўлманглар», — дедию у ҳам эшикни қарс этиб ёпиб чиқиб кетди.

Онабинининг дард-дунёси қоронғи бўлди. Наҳотки, ўз фарзанди, жигаргўшаси она қалбини тушунмаса, билмаса... Онаси билан шунча йил бирга туриб, унинг меҳр-муҳаббати, шафқатидан баҳраманд бўлиб, эндиликда оқибат шу бўлдими? Ахир она бечора болаларини деб қанча азоб-уқубат чекмади. Унинг қордек оппоқ сочларининг ҳар бир толасида, ажин босган юзларида, томирлари чиқиб кетган кўлларида узоқ йиллик меҳнат, болаларим деб чеккан ғам-ташвиш излари бор.

Орага совуқчилик тушди, оиладан барака қочди. Ойлар кетидан ойлар ўтди. Шу орада Мамлакатнинг бўйида бўлди. Мана, паҳлавондек ўғил ҳам туғиб берди. Ўғлининг отини Равшан қўйдилар. Келди-кетдилар бошланди. Шу кезларда ҳам Мамлакат қайнонаси ва қайин синглисига бўлган муносабатини ўзгартирмади. Ҳар ишда, ҳар гапда уларни чақиб турди. Рустам бўлса, энди бетарафлик йўлига ўтиб олди. (Начора унгаям қийин.)

Бир марта яна тўполон бўлди. Бу сафар Рустам хотинининг ноҳақ эканлигини билиб, унга қаттиқ гапирди.

Мамлакат бир ой онасиникига бориб ўтириб олди. Хотинимни олиб келаман деб бориб Рустам ҳам қайнонасиникида қолиб кетди.

Онабиби ялиниб-ёлбориб эр-хотинни олиб келди.

...Янги йил арафаси. Ташқарига майда қор бўралаб ёғмоқда, совуқ қақшатмоқда эди. Кечки пайт Рустам ҳовлиқиб келиб қолди. Пальтосини ҳам ечмасдан:

— Қани, Мамлакатхон, тезроқ бўлинг, янги квартира олдим... Мана ордер... Нарсаларни йиғиштиринг, — деди нафаси оғзига тикилиб.

Неварасини кучоқлаб печка ёнида ўтирган Онабиби ҳеч нарсага тушуна олмай қолди:

— Ҳай, Рустам, нима гап ўзи, ўғлим?!

— Янги уй олдик, ойижон, кўчамиз.

— Сотиб олдингми?

— Йўқ, давлат берди.

— Нега илгарироқ айтмадинг? — Онабиби ҳайрон бўлди.

— Ҳозир айтсам нима-ю, илгари айтсам нима бўларди, гапни кўпайтирманглар, машина олиб келдим, қани, тезроқ йиғиштиринглар.

Юклар машинага ортилди. Онабиби кўзига ёш олди.

— Ойи, нима, менинг янги уй олганимга хурсанд эмасмисиз? — деди Рустам онасининг кўзёшини кўриб.

— Нега хурсанд бўлмай болам, фақат хўрлигим келяпти, мен сенсиз қандай чидаб тураман...

— Сизни бирга олиб кетамиз.

— Баҳор-чи?

Рустам жавоб бермай шофёр билан бирга шкафни кўтаришиб, машинага олиб чиқди. Катта уй ҳувиллаб қолди.

Шундай қилиб, янги йил арафасида Рустам янги уйга кўчиб кетди. Онабиби қизи билан қолди...

Бир неча кун ўтгач Онабиби ўғлининг янги уйига меҳмон бўлиб борди. Қизим уйда ёлғиз деб, ётиб қолмасдан ўша куниеқ қайтиб келди. Икки-уч кун ўтказиб яна борди.

Баҳорнинг онасига раҳми келди, куйинди, онасининг худди болаларга ўхшаб қолганлигига ачинди ва уни койиган бўлди:

— Намунча ўғлингизникига танда қўймасангиз, сизга ўша нима қилиб беряпти?..

— Қўй, қизим, ундай дема, бегонани гапни айтма, — дедию Онабиби кўзига ёш олди.

Шундан кейин орадан бир ойча вақт ўтди. Рустамдан дарак бўлмади. Она ўғлини, неварасини соғинди. Рустамникига боришга қарор қилди. Қизининг жаврашига қарамасдан отлана бошлади. Кўк товар кўйлагини кийди, қизлари олиб келган ва неварамга деб ўзи эмасдан сақлаб қўйган ширинликларни рўмолга тугди. Уни кўриб Баҳор кесатди:

— Каттаси нима қилиб бераётган эди, кичкинаси нима қилиб берарди сизга... Ўзингиз эмасдан, неварангизга олиб боринг!

— Сенинг ишинг бўлмасин, — деди Онабиби.

— Ушаққа бориб яна хафақонлигингиз ошиб келади, — деди Баҳор онасига ачиниб.

Онабиби жавоб бермади. Тугунини кўтариб йўлга тушди.

Онабиби ўғлиникига борганида Рустам уйда йўқ эди. Мамлакат уни совуққина қарши ошди:

— Келинг, яхшимисиз...

Онабиби невараси Равшанни бағрига босди, пешонасидан ўпди, олиб келган совға-саломини шоша-пиша болага тутқазди.

— Вой, ундай нарсаларни берманг болага, — деди Мамлакат ва Равшаннинг кўлидаги попуқ қандларни олиб стол устига қўйди.

Бола эмасми, Равшан бақариб йиғлай бошлади.

— Мамлакатхон, бераверинг, ҳеч нарса қилмайди, — деди Онабиби.

— Вой, шундай дейсиз-да! Сиз билмайсиз, ўзининг шу кунларда ичи кетяпти. Равшан ҳадеб хархаша қилаверган эди, Мамлакат унинг юзига тарсаки тортди. Равшан йиғлаб бувисига ёпишди.

Онабиби неварасини кучоқлади. «Ёш болани урманг», деб танбех берган бўлди. Мамлакат оғзига келган сўз билан Равшанни қарғади ва қайнонасига ўшқирди:

— Қўйинг, ўртага тушманг, келдингиз ғалва бошлайсиз...

— Вой ундай деманг, қизим, келганим ёқмаса кета қолай.

— Менга барибир, — деди Мамлакат. У боласини олиб зарда билан уйдан чиқиб кетди. Онабиби алланечук бўлиб кетди. Ўғлини кўриб кетай деб, чидам билан диваннинг бир чеккасида омонат ўтирди. Ўғли ҳам келавермаганидан кейин жимгина ўрнидан турди.

— Хай, Мамлакатхон, мен кетдим бўлмаса.

Мамлакат ичкаридан чиқиб, қайнонаси билан совуққина хайрлашди. Рустам ишдан қайтиб келганда уйда ҳеч ким йўқ эди. Эшикни жиринглатавериб қўли толди. Мамлакат калитни ҳам ташлаб кетмабди. Рустамнинг жаҳли чиқиб эшикнинг қулфини бузиб, уйга кирди. Мамлакат ўша кун хуфтонга яқин қайтиб келди. Афтидан онасиникига кетган бўлса керак. Ҳеч нарса демасдан боласини олиб, ётоқхонага қириб кетди.

— Бу нима қилганингиз, Мамлакатхон, лоақал калитни қўшнига ташлаб кетсангиз бўлмайдимми? — деди Рустам унинг орқасидан ётоқхонага кириб.

— ...

— Нега индамайсиз, бирор гап ўтдимми ўзи?

— Сиз мени хотин ўрнида кўрмайсиз, кўзингизга бир бало бўлиб кўринсам

керак. Бирор киши мени сизга ёмон кўрсатиб қўйган. Онангиз иссиқ-совуқ қилиб, мендан сизни совутган.

— Энди топган гапингиз шу бўлдими, иссиқ-совуғингиз нимаси?

— Буёғини онангиздан сўранг, айтиб берадилар!

— Ойим келган эдиларми?

Мамлакат индамади.

Эртаси куни Рустам ойисиникига борди. Онабиби унга ҳамма гапни ётиғи билан айтиб берди. Кейин:

— Мен хафа бўлмайман, ҳали ёш, ақли кириб инсофга келиб қолар. Турмушда бунақа воқеалар бўлиб туради, — деди.

Рустам онасининг кўнглини кўтарди, яхши гаплар айтиб, яна уйига олиб кетди. Мамлакат бўлса қайнонасига қайрилиб ҳам қарамади, боласини етаклаб, эшикни қарс этиб ёпиб, бошқа хонага кириб кетди. Равшанни уйдан чиқармади. Онабиби бироз кутиб ўтирди, кейин Мамлакатнинг олдига кирди. Келинига насиҳат қилмоқчи эди, бир қоп гап эшитди.

— Сизнинг таълимингизни олган ўғлингиз ўзингизга ўхшайди, ўлгудек хасис. Сизларда маъни борми ўзи?..

Рустам чидаб туролмади, яна ғалвага аралашди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, Мамлакатхон, онамни ҳақорат қилманг!

— Менга онангизми, бошқами, барибир, эссиз-эссиз умрим! Эрга чиқиб, роҳат-фароғатда яшайман, деб ўйлагандим. Онам мени шу азобларга туққан экан-да!..

Шу гапларни айтиб-айтиб, кейин овозининг борича бақириб йиғлайверди. Рустам онасига қаради, онаси унга. Равшаннинг ранги ўчиб кетган, онасига ёпишиб бетўхтов йиғларди.

Энди жанжаллашиб ўтириш — обрў тўкишдан бошқа нарса эмас эди. Онабиби «кета қолай», деб йўлга отланди. Рустам нима ҳам дерди, ноилож онасини таксига ўтқазиб уйига олиб кетди.

— Болам, хотининг билан олишиб юрма, ҳали ёш, бир куни ақли кириб қолар, — деди Онабиби ўғлини кузатаркан.

* * *

...Орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Қорлар ёғиб, излар босилди. Онабиби ҳам ошини ошаб, ёшини яшаб оламдан ўтди.

Рустам катта оилага бош. Яна иккита қизли бўлди. Равшан университетни тугатиб аспирантурада қолди. Мамлакат ўғли университетни битирган йилиёқ уйлантириб қўйди. Бир йил бўлди, Мамлакат неварга кўриб ўзи ҳам буви бўлиб қолди.

Рустам ҳозир фан доктори, ўғли Равшан ҳам отасининг изидан бориб яқин орада кандидатлик диссертациясини ёқлайди. Бу оилага ташқаридан ҳамма ҳавас қилади.

Рустам бугун ишдан келиб, жанжалнинг устидан чиқди. Келини қайнонаси Мамлакатга оғзидан боди кириб, шоди чиқиб ўшқиради эди.

— Ҳой, қизим, кўшнилари эшитса нима бўлади, ахир бу шармандалик-ку! — деб ёлборарди Мамлакат.

— Шармандалик бўлса мен билан турмай қўя қол, — зарда қилди келини.

— Вой ўлай секин, эшитганлар нима дейди, — Мамлакат йиғламсиради.

— Нима деса деяверсин, истасангиз шу, истамасангиз катта кўча! Қирилиб кетларинг!

— Агар эрим ёмон кўриб қолмасин десанг, қайнонангни ҳурмат қил, — деди Мамлакат ранги ўчиб.

Орага Равшан тушган эди, балога қолди.


Лекин келини бўш келмади:

— Сиз мени хотин ўрнида кўрмайсиз, — деди келини бижирлаб. — Онангизнинг сўзидан чиқмайсиз. Ҳамманг қўшмозор бўл!

Рустам турган жойида қотиб қолди. Қулоғи чиппа битиб, кўз олди қоронғилашди... Нималар бўляпти ўзи? Илгари бу гапларни кимдан эшитган эди...


* * *

Азиз онажон, хатни сенга йўллайман. Улуғ сиймонг олдида сажда қиламан, умрингни қолган қисмида сенга бутун борлигимни берсам сен берган оқ сутингни тўла оқлай олармиканман. Бахтимга узоқ йиллар сиҳат-саломат бўл, азиз онажоним.



Неъмат Арслонов

ТОҒ ҲАВОСИ



МЕҲРИГИЁ

У Такияга қоқ туш пайти кириб келди. Қуёш осмонда муаллақ турибди: гўё пастаккина тепаликлар этагида жойлашган шу қишлоқдан кетгуси йўқдек. Кўчанинг билқиллаган тўпроғидан, йўл бўйида қовжираб ётган ўт-ўланлардан кўтарилаётган олов сели қуёшнинг ўзини ҳам ёндириб юборадигандай.

Султонмурод жазирамада ҳарсиллаб йўл босаркан, манзилга, дўсти Муқимнинг ҳовлисига тезроқ етиб бориб, бир салқинлаб олишдан бўлак нарсани ўйламасди. Мана, таниш дарвоза кўринди. Султонмурод ичкарига кираркан, тиззалаб туриб беда ўраётган кишига кўзи тушди. Бўйни, елкалари қуёшда қорайган, мускулларининг ҳар бир пайи бўртиб турган ялангбош, ялангоёқ бу одамнинг Муқимлигига шубҳалангандай бир нафас тикилиб қолди. Ниҳоят, у қаддини ростлади, қаршисида хўмрайиб турган кишига қалин ва ўсиқ қошларини чимирганча қовоқ уюб қаради, аммо зум ўтмай юзи майин жилмайишдан ёришиб кетди. Дўстлар бир-бирларининг кучоқларига отилишди.

Улар ажриқ босган уватга ўтиришди. Султонмурод сигарета олиб тутатди.

— Ўпканинг дорисидан уринг!

— Бу япон чекмайде-е-е...

Султонмурод дўстининг талаффузи нашъа қилиб кулди.

— Қишлоғингизнинг отига нисбат бериб, «япон» деганим сира эсингиздан чиқмайди-да, — деди у ҳамон кулгидан тўхтамай. Сўнгра нарироқда турган сафархалтасини кўрсатди.

— Жанговар ҳозирлик билан келганман. Бир тоғу тошларга чиқиб дилнинг чигилини ёзиб келайлик.

- Уйга кирайлик, — таклиф қилди Муқим.
- Шу ер яхши менга. Қаранг, ялпизларнинг ҳиди гуркираганини...
- Ҳеч бўлмаса супага ўтайлик, — деди Муқим уйдан кўрпача кўтариб чиқаркан.
- Йўқ, бутун вужудимга роҳат бағишляяпти мана шу кўкатлар. Чойни шу ерга олиб келаверинг. Бир пиёладан ичамиз-у, йўлга равона бўламиз.
- Ҳеч қайсарлигингиз қолмади-да.
- Султонмурод дўстининг бу гинаомуз гапини эшитмади. У уйдан бирин-кетин чиқиб саломлашаётган қизалоқлар билан овора эди. Энг кейин Муқимнинг беш яшар ўғилчаси келиб қўл бериб сўрашди.
- Муқим дастурхон ва чой олиб келди.
- Нега пахта гулли чойнакда дамламадингиз? — томдан тараша тушгандай сўради Султонмурод.
- Бари бир эмасми? — ажабланди Муқим, сўнгра мулойимлик билан қўшиб қўйди. — Бизда унақасидан йўқ эди-да.
- Ундай бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистонда ҳамма пахта гулли чойнакда чой ичиши керак.
- Муқим нимадир демоқчи бўлди, аммо Султонмурод унга навбат бермади.
- Биласизми, бу менинг зардамни қайнатади.
- Э, чойнакдан бўларканми зарда қайнаши?
- Султонмурод кулиб юборди. Муқимнинг соддалик билан берган саволи ва қизиқсиниб жавоб кутиб туриши ҳақиқатан ҳам кулгили эди.
- Чойнакда айб йўқ, гап бошқа нарсада. Келинг, ишонмасангиз шартлашамиз. Истаган китобингизни олиб ўқинг, романми, ҳикоями, поэмами — бари бир. Ҳаммасида қаҳрамонлар пахта гулли чойнак-пиёлада чой ичишади. Мен оддий ўқитувчи бўлсам ҳам бунинг шаблонлигини сезиб турибман.
- Эйтибор қилмаган эканман.
- Султонмурод бу мавзуни шартта тўхтатиб, яна мақсадга кўчди.
- Тайёрмисиз?
- Қачонга дейсиз?
- Иложи бўлса бугун, кечки салқинда, бўлмаса, эрта тонгда. Нима қиламиз орқага суриб?
- Бирор мақсад биланми ёки шунчаки саёҳатми?
- Султонмурод Муқимни кўндириш учун муҳимроқ бирор гап айтишни, акс ҳолда уйдан узоқроқ кетишни ёқтирмайдиган дўсти бирор баҳона топиб, саёҳатни орқага суриши мумкинлигини ўйлаб шошилиб қолди.
- Мандрагора ҳақида эшитганмисиз? — сўради у овозига сирли тус бериб.
- Қаердадир ўқигандайман.
- Панацияни-чи?
- Билмадим-ов...
- Меҳригиёни ҳам билмайсизми?
- Бу ҳақда ўқиганман, — жонланиб кетди Муқим. — Гўё меҳригиёси бор одамни ҳамма севар, у истаган мақсадига эришармиш...
- Ана кўрдингизми? Мен ана шу гиёҳ ҳақида бир чўпондан қизиқ гап эшитиб қолдим. Фақат уни ҳар ким ҳам қўлга киритолмасакан. Узиб олгунча чунонам нола қилармишки, ҳар қандай бағри тош одам ҳам сув бўлиб эриб кетармиш.
- Аввало бу афсона, — эътироз билдирди Муқим, — рост бўлганда ҳам унинг ранги қандай, гули қандай, қаерда ўсади ўзи — буни билмай-миз-ку.
- Топамиз! — сирли тус олди Султонмуроднинг юзи.
- Қандай қилиб?
- Тунда шуъла сочиб ёниб турармиш. Худди жинчиरोқдек.
- Сиз астойдил ишониб айтяпсизми бу гапларни? Бизнинг бу гапимизни биринчи синф ўқувчиси эшитса ҳам устимиздан роса кулган бўларди. Шу ёшимизда эртакка ишониб ўтирсак. Афсона бу.
- Ҳар қандай афсона тагида ҳақиқат ётади.

Дўстлар бир нафас жим қолишди.

— Майли, чиқсак чиқиб, бир айланиб келайлик. Тоғда, Ҳисоракдаям, Сарчашмадаям қариндошларимиз кўп. Борсак, бошлари осмонга етади. Фақат эртага эмас, эрта Жавли аканинг тўйи бор.

— Тўй бизсиз ҳам ўтаверади.

— Бўлмайдими, дўстим. Маслаҳатда тўйга раислик қилишни бўйнимга олганман.

— Раислик? Шу сўзни эшитсам энсам қотади. Раис дегани... Раис дегани тўй баҳонасида нотиқликни машқ қилувчи шахс, билсангиз. Қўлига микрофонни оладия ўзича Цицеронни ҳам йўлда қолдириб кетади. Қачон тамомларкин бу бетамиз, деб, дастурхонда аллақачон совуб қолган овқатга қараб ўтираверасиз. Раис деганлари бўлса, «шу икки ёшга, шу икки қаро кўзга, шу икки ошуфта қалбга...» деб, бисотидаги бор синонимни тўкиб солади. Табрик учун сўз палончига деганидан фойдаланиб, бир луқма ошни шоша-пиша ўғринча ютасиз, ҳали қошиқни қўймай туриб, иккинчи нотиқ сўз бошлаб қолади. Хуллас, тўйларимиз тўйдан кўра кўпроқ мажлисга ўхшаб қоляпти.

Муқим дўстини бир амаллаб тўйга олиб борди.

Эртаси Султонмурод уйғонганида кун ёйилиб кетганди. Муқим участкада нима иш биландир банд. Султонмурод Оқдарёнинг шовуллашига қулоқ тутганча яна бир оз ётди. Боши сирқибдан оғримоқда. Сўнг ўрнидан туриб соҳил томон кетди. Дарё бўйи салқин, оппоқ кўпириб, тошдан-тошга сакраб, шовқин солиб оқаётган сувнинг эпкинисида оқбошлар хаёлдан тебранади. Юлғунлар қип-қизил бўлиб гуллаган. Сувнинг оқимига қараган киши беихтиёр хаёл суриб кетади. Султонмурод ҳам шовуллаб қирғоққа томон ёпирилиб келаётган ва тошларга урилиб, сўниб, чилпарчин бўлиб, жимгина ортга қайтаётган тўлқинларга тикилганча анча вақт ўтириб қолди. Унинг дам жилмайиб, дам тундлашаётган чеҳрасига қараб қандайдир қарама-қарши ўйлар оғушида қолганлигини англаш мумкин.

Кечки овқатдан кейин йўл тараддуи бошланиб кетди. Икки дўстнинг бу ташвишига бутун хонадон шерик бўлди. Муқимнинг хотини саёҳатчилар учун бир тандир ёғли патир ёпиб қўйганди. Уни халталарга бўлиб жойлашди. Энг зарур нарсалар олинди. Уй ўртасида иккита сафархалта тик турар, дўстлар эса, ўз ишларидан кўнгиллари тўлмай, ҳамон атрофга аланглашарди.

— Хўш, кайфият қандай, қишлоқи сайёҳ?

— Зўр!

— Ҳеч нарсани унутмадикми?

— Менимча, ўзимиздан бўлак ҳамма нарсани жойладик.

— Шаҳарлик сайёҳнинг халтаси сал бўшроқми дейман?..

Муқим ҳали гапни тугатмай эшик тақиллаб қолди.

— Муқимжон, уйдამисиз ука, — деди ичкарига кириб келган киши, — эртага бизниқига ўтасиз, панжакаш қиламиз.

Дўстлар «бу қанақаси бўлди» дегандай бир-бирларига қараб олишди. Султонмуроднинг эса қовоғи солинди. Сўнг «йўқ денг» деган маънода кўз қисди.

— Дилмурод ака, биз...

— Командировкага кетяпмиз, — дўстининг сўзини бўлди Султонмурод, — топшириқ шундай.

Дилмурод ака мўйлабини бураб туриб, қисик шишадай кўм-кўк кўзлари билан нотаниш йигитни бошдан-оёқ кўздан кечирди. Чорпахилдан келган, гавдалиқкина бу йигит ҳашарда жуда иш бериб қолишини мўлжаллади шекилли, ётиғи билан гап бошлади:

— Ука, бир кун минг кун эмас...

— Биламиз, ака, минг сони бирдан тўққиз юз тўқсон тўққиз марта кўп.

Бу гап афтидан Дилмурод аканинг иззат нафсига тегди:

— Мана шу уйни Муқимжонга халқ қуриб берган, ука, биз бола-бақрамиз билан ўтиб, лойга беланиб ишлаганмиз. Миннат қиялпти деманг-у, гап келганда... қишлоқнинг таомили шундай, ука.

— Утамиз, Дилмурод ака, ўтамиз, — дарҳол орага кирди Муқим.
— Баракалла, Муқимжон, дўстингизни ҳам олиб ўтинг.
— Ана холос! — деди Муқим, Дилмурод ака чиқиб кетган.
— Ҳашарга бало бораканми, уддасидан чиқса қурсин-да уйни. Мана, шаҳарда бировнинг биров билан иши йўқ. Ҳатто баъзи «дом»дагилар ён қўшнисини тузукроқ танимайди.

— Шундайку-я, лекин уй қуриш менинг қўлимдан келадиган иш эмасди. Шулар...

Ҳашар соат учгача чўзилди. Тўладан келган, бақувват гавдасига қараб Султонмуродни арқон билан лой тортишга қўйишди. У умрида бунчалик қийин ишни кўрмаганди. Икки оёғини сардеворга маҳкам тираганча, дағал арғамчини қулочкашлаб тортар, лой тўла челак илмоқдан чиқиб кетай-чиқиб кетай деб саланглар, гоҳ деворларга урилар, гоҳ пардагир остига кириб, тикилиб қоларди. Кўп ўтмай Султонмуроднинг кафтларида қизғиш доғлар ва сувли пуфакчалар пайдо бўлди. Қаварган бармоқлари билан дағал жун арқонни ушлашга юраги безиллаб қолди.

Пастда туриб челакларга лой тўлдираётган Муқим, шаҳарлик ношуд дўстига ичи куйиб, бир неча марта «пастга тушинг, ишни алмаштирамиз», дегандек имо-ишора қилди. Лекин Султонмурод ўчакишгандек қулочлаб лой тортаверди.

Ҳашардан кейин улар уйга жимгина қайтишди. Иккаласи ҳам хомуш тортган, оёқларини судраганча қадам ташлашарди.

— Яхши иш бўлди, — деди Муқим дарвозани очиб, ичкарига кираркан, — озчилик бўлсак ҳам қўлдан чиқардик.

— Нимани қўлдан чиқардингиз? Соғлиқнимиз?

— Уйни-да... битказдик. Ҳатто томини ёпиб, суваб ҳам бердик.

«Хих» деган товуш чиқди Султонмуроднинг қақраган бўғзидан. Истеҳзога тўла бу товуш кулгига ҳам, йўталга ҳам, ё бўлмаса, аксиришга ҳам ўхшамасди. Муқим гуноҳқорона илжайди.

— Бу туришда ҳамма нарсани қўлдан чиқарасиз.

— Йўқ, одам тобланади қайтага.

Султонмурод ажабтовур бош ирғади:

— Хўп, яхши, эртага жўнаймизми?

У жуда толиққан, мақсади амалга ошмаганидан ранжиган, ҳатто мунозара қилишга ҳам тоб-тоқати йўқ эди.

Иккала дўст олдин мизғиб олишди. Сўнгра бир-икки қўл шахмат суришди. Доскада зарб билан уриб олинаётган тошларнинг ора-сира тақиллаши, «ўйинларим қурсин», «бу партиядо мен эзаман», деган товушлар анчагача эшитилиб турди. Катта сербарг, шохдор шотут ерга қоп-қора соя ташлаб, бу икки дўстни офтоб тифидан ҳимоя қилар ва уларнинг боши узра юксалиб турарди.

Кун кечга оғиб, кўчадан қўй-эчкиларнинг маъраши эшитила бошлади. Пода келди. Муқим сигирни боғлаб, олдига бир қучоқ ўт ташлади. Сўнгра бузоқни етаклаб келди. Хотини челакни олиб чиқиб сут соғишга киришди. Сут тизимлари дастлаб челак тубига «зинг-зинг» этиб урилди, сўнгра бир маромда повиллай бошлади. Аёл ана шу оҳангга мос ҳаракат қилар ва қандайдир мунгли товуш билан куйларди. Нима учундир Султонмуроднинг кўнгли юмшаб, аъзои бадани бўшашиб кетди. Сигирнинг бир маромда ковшаши, эзилган ўтнинг ва челакдаги сутнинг қандайдир илқликни эсга солувчи ҳиди, бузоқнинг тумшугидаги сут кўпиклари, аёлнинг «хўш-хўш»лаб айтган ашуласи Оқдарёнинг бетин гувранишига қўшилиб уни элитаётгандай эди. Унинг юзида — худди эртак тинглаётган боланинг завқу шавқига ўхшаш ифода. Пода келганда кўтарилган чанг аста-секин тарқалаётир. «Қишлоқ... Нега биз шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотишга интиламиз, шу тафовут йўқолди ҳам дейлик, унда нима бўлади?» Султонмурод ана шундай хаёлларга берилиб ўтирганда уст-боши чангга ботган бир киши келиб, дўриллаган овоз билан саломлашди.

Муқим бузоқни қозиққа боғлаб қўйиб, дарвоза томон юрди. «Қим бўлди бу опера артисти?» — сергак тортди Султонмурод. Улар бир нафас

дарвоза олдида гаплашиб туришгач, бирга ташқарига чиқиб кетишди. Шу кетишда Муқим бир соатлар ўтгандан сўнг уйга кириб келди. Кўнгли ниманидир сезган Султонмурод дўстига масхараомуз тикилиб турарди. Муқим унга қисқагина бир назар ташлаб олди-да, бошини сарак-сарак қилди.

— Нима гап?

— Иш пачава.

— Яна ҳашарми?

— Ундан баттар. Ҳашар бўлганда ҳам майли эди.

— Ҳим-м, кўнглим сезганди.

Энди Султонмурод астойдил аччиқланди:

— Ҳашар бўлмаса нима ўзи?

— Пода.

— Пода?!

— Шундай.

— Хўш, пода бўлса, нима бўпти? Неҳчи пуллик ишимиз бор?

Муқим бир муддат жим турди. Қўлига қаердандир тушиб қолган ялпиз баргини эзгилай туриб, «бормасам бўлмайди, дўстим», деди.

— Бўлдирамиз!..

— Подага чиқишим керак. Навбат менга келиб қолганини бутунлай унутган эканман. Тўғриси, мол-ҳол ҳам жонга тегди. Шаҳарга кўчиб кетсамми дейман баъзида. Қўлни совуқ сувга урмайсиз. Ёнбошлаб олиб, телевизор кўришдан зерикмасангиз бўлди. Ҳамма нарсангиз муҳайё магазинда. Бу ерда-чи, ҳар кун югур-югур. Қишлоқни бир айланиб чиқдим. Биров янтоқ ўришга бораман дейди, бошқаси колхознинг иши билан банд, хуллас, ўрнимга боришга ҳеч кимни кўндиролмадим. Чиқмасанг, қишлоқнинг подаси қолиб кетади.

— Сенсация! — бўкириб юборди бу гапларни чидам билан тинглаб ўтирган Султонмурод. У ана шу сўзни айтаркан, бошини илкис юқорига кўтариб, осмонга қараганча бир муддат қотиб қолди. Қўллари икки ёнга ёзилган, шифтга термулиб турган кўзларининг фақат оқигина кўринар, бир томонга ғайритабиий қийшайиб турган гавдаси кулгили эди. Аммо Муқим ўзини босди. — Шундай қилиб эртага пода боқаман денг. Сенсация! Олий маълумотли ўқитувчи-подачи! Ўз ўқувчиларингизнинг молини боқиб келасиз-да? Кечқурун болалар поданинг олдига чиқиб, ҳа домла, дейишадими, ёки ҳа, подачи дейишадими? Сиз бунинг ўрнига биласизми, нима қилинг?

Муқимнинг юзида савол аломати кўринди.

— Бунинг ўрнига реформани ўқинг; ҳуқуқингизни билиб олинг. Мурғак болаларни ойлаб қор демай, совуқ демай пахта тердирасиз, — дея борган сари қизишарди Султонмурод.

— Сизчи, тердирмайсизми?

Аммо Султонмурод бу саволни эшитмади ҳам.

— Йўқ, энди бундай қилолмайди улар!..

Муқим, гўё «улар» кимлигини билмоқчи бўлгандек, дўсти бармоқ ўқталиб турган томонга қараб олди. Зум ўтмай, яна ўша томонга кўз ташлади. Айвон пештоқидаги оғир чорқирра ёғочни тўртта устун бошида кўтариб турарди. Муқим ўз уйидаги устунчаларнинг ингичкалигини гўё энди пайқагандай ажабланиб туриб қолди.

— Нима қилайлик, — деди сўнгра синиқ овозда, — қарийб ўн йилдан бери аҳвол шу. Қишлоқда подачи йўқ. Ҳеч ким унамаяпти. Ҳамма ёқ — экинзор, мол ҳайдашга жой йўқ. Қим ҳам рози бўларди, пода боқишга. Эслайсизми, болалигимизда орқа-орқа ўт олиб келардик. Йўлларнинг четида ғумай дейсизми, шамак дейсизми, гуркираб ўсиб ётарди. Оқпарраларнинг орасидан юриб бўлмасди. Энди-чи? Йўл четларини ёз давомида уч-тўрт марта дори сепиб куйдиришяпти. Ҳидига чидаб бўлмайди. Балки зарарсиздир, аммо ҳидининг ўзидан кишининг руҳи тушиб кетади. Нимадир таҳдид қилиб тургандай... Биз одамлар-ку, буни тушунамиз, аммо моллар-чи? Улар нима деб ўйлашаркин. Ахир ўт уларнинг нони-ку! Нонга бундай муносабатда бўлиш...

— Анчадан бери орзиқиб юрганаканлар-да, зўр нутқ бўлди, — деди Султонмурод анча ҳовридан тушиб.

— Сиз эртага дам олинг. «Хофиз»ни ташлаб кетаман. Ёки балиқ овига тушасизми?

— Подачилик қиламан.

Муқим дўстининг гап оҳангидан ҳеч нарса англамади.

— Сиз бекорга хафа бўляпсиз, Султонмурод, — деди у ниҳоят дўстининг ҳолатини ўзича тушуниб.

— Подага чиқаман! — қатъий туриб олди Султонмурод.

...Кечқурун яна чанг кўтарилди. Қўй-эчкиларнинг маъраши, сигирларнинг чўзиб-чўзиб бўкириши эшитилди. Пода ортидан таёғини судраганича қишлоқлик, ундан анча нарида шаҳарлик келарди. Пахмоқ сочи, киприклари, қошларига қалин чанг кўнган; елкаси погонли кўйлагининг тугмалари узилган, тер елкасида оппоқ туз бўлиб қотиб қолганди. Султонмуроднинг орқасидан ҳисори она совлиқ қадам-бақадам эргашиб келаяпти.

Пода борган сари сйраклаша бошлади. Муқим тўхтаб, Султонмуроднинг етиб келишини кутди.

— Мана шу ҳовлиники, — деди у қўш табақали дарвозани кўрсатиб.

Султонмурод кўзичоқни ерга қўйди. Совлиқ боласини пишқирганча ҳидлаб ялай бошлади.

— Кетдик, — деди Муқим Султонмуроднинг елкасига дўстона қўл ташлаб, — сиздан яхши подачи чиқаркан. Қаранг, таёғингиз ҳам ўзингизга ярашиб турибди.

Эртаси улар кун ёйилиб кетгунча донг қотиб ухлашди. Султонмурод шу кўйи саёҳат ҳақида оғиз ҳам очмади. Иккаласи нонуштадан кейин дарёга тушишди. Кеча подани жуда узоққа — Сўқарота тоғи этакларига ҳайдаб боришгани ва кўп йўл юришгани учун Султонмуроднинг оёқлари толиқиб оғрир, аммо бу оғриқ қандайдир ёқимли, ҳеч қанақа асорат қолдирмайдиган, кишига соғломлик ато этувчи ҳузурбахш оғриқ эди.

Кечга яқин томорқага туриб картошка сўғоришди. Тун алламаҳал бўлгунча далада қолиб кетишди улар. Барқут осмонда юлдузлар пирпирар, уларнинг шуъласи ариқчадаги сувда чўмилар, уватда эса қипқизариб сигарета чўғланарди. Султонмурод ариқ уватига ёнбошлаганча қоп-қора, бепоён осмонга тикилди. Минглаб нотаниш, номаълум ва сирли оламларни бирлаштириб турган бу қора чексизлик сокин ва салобатли эди. Нима учундир Султонмурод шунча йил шаҳарда яшаб унинг осмонига бунчалик ҳайрат билан қараганини сира эсполмади.

Эрталаб бригадир чақириб келди...

ИБРАТ

Агар Арпақор қишлоғида ўнта раҳмдил одам бўлса, шунинг биттаси Ислом эди. Аммо, шу лаҳзада, милтиқ қўндоғини елкасига тираганча, совуқдан карахтлашиб қолган бармоғи билан тепкини босаётганда, унинг қалбида заррача раҳм-шафқат бормиди ёки юраги бутунлай тошга айланганмиди, буни айтолмайман. Милтиқ нилининг учидаги зиғирдек қора нуқта бетин титраб турибди. Ислом мўлжалга аниқ уриш учун қўндоқнинг совуқ ва силлиқ сиртига чаккасини босиб, ўпкасини тўлдириб нафас олди, аммо ўқ узилмади. Қора нуқта бир силкиниб нишондан узоқлашди ва оппоқ қор устида титраганча туриб қолди. Нишонга олинган жонивор эса, худди шундай бўлишини билгандек, бақувват кўкрагини кериб, тумшуғини осмонга чўзганча ҳавони ҳидлаб-ҳидлаб кўряпти. Унинг хўл, қоп-қора тумшуғи, бурун карракларининг ҳар бир титраши барча ҳидларни илғаб олишга қодир бўлса ҳам шу дақиқада рўпарасида, жуда яқинда турган ўлим шарпасини сезмаётир. Алғов-далғов эсаётган шамол жониворни чалғитмоқда.

Ислом аслида овчи ҳам эмасди. Бундан уч йил аввал икки дона ёввойи

каптар отиб келганини ҳисобга олмаганда, бирор жониворни бежон қилмаган. Жуда кўп марта милтиқ кўтариб тоғу тошларни кезган бўлса-да, овчиликнинг ҳадисини ололмаганди. Тўғриси, бу касбга унда ҳақиқий қизиқиш уйғонмади. Ҳатто милтиқ отилгандан сўнг тарқаладиган аллақандай қўнғирсиқ ҳид, қўндоқнинг елкага зарб билан тепиши, атроф гумбирлаб, тоғу тошнинг ларзага келиши уни ҳаммиша чўчитарди. Милтиқ отилиши билан чуғур-чуғур қилаётган қушлар, мастона сайраётган оқилларнинг овози тиниб қолар, борлиқ сукунат қўйнига чўмарди. Айниқса, ўқ тегиб яраланган жониворнинг жонҳолатда патирлаши Ислому чун энг хунук манзара бўлиб туюларди.

Ушанда ёввойи каптарларни отганда ҳам шундай бўлди. Ислому саросима ичида, худди биров кўриб қолишидан кўрққандек, атрофга аланлаганча, қушларни шоша-пиша халтасига тиқиб, уйига жўнади. Аслида у кун бўйи юриб, тоғдан ҳеч нарса отолмай қайтаётганди. Қишлоққа кираверишда бир тўп каптарга дуч келди. Қуёш эндигина ботиб, атрофга ғира-шира қоронғилик чўка бошлаган бўлса ҳам Ислому ёнғоқ дарахтининг яланғоч новдаларида қушлар қўниб турганини пайқади. Тўғри, шохлардаги қорамтир шаклларни кузда тўкилмай қолган япроқлармикин деб бироз иккиланди ҳам, аммо шу пайт икки-учта қорамтир «япроқ» ўрнидан кўзғалиб, патирлаб қанот қоққанча бошқа новдага кўчиб ўтди. Демак, аниқ, каптарлар!

Тоғ этагидаги бу қишлоқда қуёш ботгандан кейин бир неча фурсат давом этадиган паллани «говгум» дейишади. Бу пайтда шундай бир қорамтир, кулранг ва кўкимтир ранглар қоришмаси пайдо бўладики, ҳатто яқингинада турган нарсаларни ҳам илғаш қийинлашади. Аксинча, орадан бироз вақт ўтгач, қоронғилик бошқа рангларни маҳв этиб тиниқлашади, говгум палла ўтиб кетади. Ислому каптарларни отганда ҳам ана шундай бир неча дақиқа давом этадиган говгум палла эди. Агар қушлар ерда ёки пастроқ бирор дарахтда бўлганида овчи уларни балки пайқамай ўтиб кетарди. Аммо улкан ёнғоқ дарахтининг шохлари хира оқ шафақ ўйнаб турган осмон гумбазида ўзининг новдалари, эгри-бугри ва катта-катта бўртмалари билан кўзга ташланиб турарди.

Тепки босилди. Милтиқ нилининг учиде ялт этиб қизғиш шуъла кўринди. Атроф қаттиқ гумбурлашдан ларзага келди. Қушлар тўзғиб, аралинди-қуралаш бўлиб осмонга кўтарилдилар. Зум ўтмай қанотларнинг шапирлаши тинди. Ислому ўзидан тўрт-беш қадам нарида патирлаётган каптарни дарҳол топди. Уни оларкан, нарироқда жонҳолатда қанот қоқиб қочишга уринаётган яна бир каптарни кўриб қолди.

Ислому сўнги тепаликни ошиб ўтиб, тўғри йўлга тушиб олди. Сўнгра қишлоқ ўртасидан юрмай, сой ёқалаб кетди. Йўл устида кўндаланг тушиб ётган тошдан сакраб ўтаркан, каптарлар қаттиқ патирлади. Шунда Исломининг хаёлига «каптар ўзи ҳалолмикин?» деган фикр келди ва шу билан бир вақтнинг ўзиде мияси, бўғзи, оғиз бўшлиғида ғамгин бир куй сўзларга қоришиб айлана бошлади: —

Сайд этма кабутари ҳара-а-мин...

«Тўхта, қандай бошланарди шу қўшиқ?» Товушсиз, ички бир нидо билан ўз-ўзидан сўради Ислому ва ғазалнинг матнини топди: —

Қошинга текизмагил қалами,
Бу хат бирла бузмагил рақамни...

Ислому бу қўшиқни кўп хиргойи қиларди бир пайтлар. Хотинига қараши билан шу ғазал ёдига келаверарди. Хосиятнинг қошлари ҳам худди қалам билан чизилгандек эди. У келин бўлиб тушган дастлабки пайтлар тез-тез ўсма қўярди. Бошини гоҳ у, гоҳ бу томонга эгганида ўсма қошлари орасидан сизиб, боши эгилган томонга оқарди. Ислому бу машғулотга синчиклаб разм солар, аёл бошини эгиб солланаётганда қўнғир кўзлари сузилиб кетишини, бутун диққати ўсма сувини чапламасдан, бурчакдор, ингичка ва бежирим қилиб қўйиш билан банд бўлганидан юзидаги ифода ўзгариб, лабларининг чети беихтиёр бурилиб кетишини кўриб завқланса-да, ўзини енгилгина аччиқланган қилиб кўрсатарди.

Бир сафар хотини яна ўсма қўйишга чоғланаётганда унинг рўпарасида ўтириб олиб шу ғазални айта бошлади. «Рақам бузилса ҳам сизнинг кўнглингиз бузилмасин», деди аёл ёш келинларга хос ғамза билан.

Жуда масрур ва бахтга тўла эди ўша дамлар. Кейинчалик эру хотин ўртасидаги муносабат ўзгара бошлади. Мана, Хосиятнинг қошлари ўсма кўрмаганига ҳам анча йиллар бўлди. Озиб-тўзиб қолди бечора аёл. Эрига мўлтирабгина қарайди. Кеч бўлаверса дилгирлиги ортади. Ислом хотинидаги бу ҳолатни кўрган сари аччиғи чиқадиган бўлиб қолган. У ҳар куни ишдан қайтаётганида Хосиятга илиқроқ гапириш, кўнглини кўтаришни дилига туғиб олади, аммо остона ҳатлаб уйга кириши билан нима ҳам бўладию, қовоғи осилиб кетади, кўрслиги тутади.

Каптар отиб олган куни ҳам шундай бўлди. Ярим овоз билан хиргойи қилиб келаркан, «кеч бўлса ҳам бир шўрва ос, дейман, сўнгра буларни говгум паллада қандай отганимни гапириб бераман» деган хаёл хотини эшик тутқичини тортди. Ичкаридан Хосиятнинг шошилини қадам товуши эшитилди. Уй жимжит эди. «Ҳеч бўлмаса телевизор ҳам қўйиб ўтирмайди-я! Бу уй эмас, мозор!..» Бу фикрдан Исломнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. Ўзини аранг қўлга олиб хонага кираркан, хотинига қарамасдан туриб халтасини кавлай бошлади. Қани энди Хосият шу пайт қувноқ ва ўктам овоз билан бирор нарса деса, ҳеч бўлмаганда қарғаса, ҳақорат қилса ҳам майли, фақат эгасининг таъқибидан зада бўлиб қолган итдек мўлтираб қарамаса! Ислом ана шу умид билан халтани кавлаб имирсиларди. Этигига ёпишган қор эриб, суви тахта пол устига оқиб бормоқда. Аммо Хосият ҳеч нарса демади. Ниҳоят у каптарларни олиб, шундайгина аёлнинг оёқлари остига ташлади ва йўлда дилига туғиб олган гапларни айтишга чоғланиб бошини кўтарди.

Хосият миқ этмай каптарларга қараб турарди. Уларнинг бири аллақачон ўлиб қолган, иккинчисининг қаноти остидан қон сизиб чиқиб полга оқар ва Исломнинг этигидан сизиб ҳосил бўлган халқоб сувга қўшилиб борарди. Ислом ҳам хотинидан кўз узиб, каптарларга қаради. Шунда жуда ғалати бир ҳолат унинг эътиборини тортди. Жон таслим қилаётган қуш оғзини каппа-каппа очиб ёпар, гўё уйқуси келиб эснаётганга ўхшарди. Жониворнинг кўзлари парда тортилгандай хиралашди. Аммо буни Ислом пайқамади, фақат қушнинг патлари бирдан ҳурпайиб кетганини сезди.

— Бекор отибсиз...

Хосиятнинг хаста ва ҳадик аралаш ҳазин овозда айтган бу гапи толиққан овчининг бирдан ғазабини келтирди. Бирор аччиқ гап айтиб, қаршисида турган нотавон кимсани чақиб олиш истаги туғилди унда. Ислом узоқ ўйлаб ўтирмади, ғазабга тўла мияси шу аснода тез ишлаб кетди:

— Каптарга бошқоронғимикансан деб ўйловдим...

Аёл бирдан кичрайиб, ғужанак бўлиб қолди. У ич-ичидан йиғларди. Бошини қўйи солганча нарироқ борди, хона ўртасида ниманидир унутгандай тараддудланиб тўхтаб қолди. Шу он аёллик ҳиссиёти уни ошхона томон бошлади. Ичкаридан гугурт чақилгани, газнинг лоп этиб олов олгани эшитилди.

Исломнинг ғазоби энди сўниб, унинг ўрнини алам ва дилгирлик эгаллай бошлади. У этигини ечиб бўшашганча полга ташлади. Ҳатто этикнинг полга тарақлаб урилиши ҳам Хосиятни чўчитиб юборди, у ошхонанинг очиқ турган эшиги олдида лип этиб бир кўринди-ю, яна ўзини панага олди. Шу лаҳза аёл бутун умр бўйи ошхонадан чиқмасликка, гувиллаб, яшил аланга таратиб, шиддат билан ёнаётган оловга қараганча сўнги нафасигача туришга ҳам, эрининг кўзига кўринмаслик учун мана шу алангага қўшилиб кетишга ҳам розидай эди. У конфорка тирқишларидан куч билан отилиб чиқаётган алангага хаёлчан қараб турар ва, «олов қандай нарса ўзи? Нега уни ушлаб, эркалаб бўлмайди? Унинг вужуди нимадан иборат?», деб ўйларди.

Ислом овқатдан кейин ёнбошлаб олиб, иссиқ-иссиқ чой ҳўплади. Хосият нариги хонага кириб кетди. Янги оҳорланган чойшабнинг

шитирлаши эшитилди. Ислоннинг диққати бўлинди. У эшикка тутилган нафис парда ортидан хотинининг ойна олдига борганини кўриб турди. Шиша идишчалар тиқирлади. Аёл, афтидан, атир суртмоқда эди. Ислон хотинининг баъзи пайтлар иккала қулоғи ортига атир суртишини биларди. Бироздан сўнгра хонада электр чироқ ўчди. Парда ортида энди тунги чироқнинг хирагина кўкимтир шуъласи таралди. Диван-каравот оҳиштагина ёғжирлади ва яна чойшабнинг шитирлаши эшитилди.

Эр тунда аёлнинг сочларини ички бир алам ва хўрлик қоришиқ меҳр билан силай бошлади. Хосият унинг кўксига юзини босди.

— Йиғлама!..

Аёл индамади, фақат, йиғламаяпман, дегандай бошини силкитди. ...Бўрининг кенг, юнғдор ва бақувват кўкраги устида титраб турган нуқта сакраб кетди. Рўпарадан эсаётган аччиқ изғириндан Ислоннинг нишонга қадалган кўзлари ёшланиб, ҳамма нарса чаплашиб, кўринмай қолди. Унинг кўзларидан ёш оқар, балки изғириндан ҳам аччиқ хотиралар овчини йиғлатмоқда эди. Ислон яна бошини кўтариб қараганда қаршисида қорайиб турган бўри уясидан бўлак ҳеч нарса кўринмади. Бўри аввалги жойида йўқ эди. Ислон атрофга аланглади. Шу пайт жуда яқин ерда, ўзи беркиниб олган тош ортида қуруқ қорнинг шитирлаб сачрагани, қитирлаб босилгани эшитилди. Ислон беркинган жойидан аста кўтарилиб пастликка энгашиб қаради. Бу ерда кичикроқ сойлик бўлиб, ўнғурда қор жуда бўлиқ тўпланганди. Бир неча дақиқа аввал нишонга олинган кўк бўри қор томонга ирғишлаб ўйнар, оёқларидан атрофга қор учқунлари сачрар, қулоқларини динг қилганча жимгина турган жуссаси кичикроқ, ориққина, сарғиш юнгли бўрининг теграсида гир-гир айланарди. Сарғиш бўри эса думини оёқлари орасига қисганча миқ этмай турарди. «Буларнинг ҳам жанжали бор экан» — хаёлидан ўтказди Ислон. Бу ҳазилга мойил фикрдан унинг лабларида маҳзун жилмайиш зоҳир бўлди. Энди нима учундир бўриларни отишга шошилмасди. Кўк бўрининг антиқа ҳаракатларидан сеҳрланиб қолгандай, жимгина қараб турарди. Жониворларнинг ҳеч нарсадан ҳадиксирамай эркин ўйин қилишларини кўриш камдан кам овчига nasib этган бўлса керак. Чунки ҳақиқий овчи ўлжани кўриши билан дарҳол ўқ узиб, отиб олиш пайида бўлади. Ислон эса бундай қилолмади. Энди кўк бўри ҳамроҳи қаршисида тўхтаб, тумшуғини унинг бўйни остидаги оқиш ва майин юнглари орасига тиқди. Томоғининг остини ва қулоғининг ортини аста-аста тишлаб қўйди. Балки ҳидлагандир... Яна беихтиёр жилмайди Ислон: «Бу хоним ҳам атирни қулоқлари орқасига суртарканлар-да...»


Ислон бу манзарани аниқ-тиниқ кўриб турарди. Унинг назарида нар бўрининг эркалашлари урғочисига ёқаётган бўлса ҳам яна бироз ялтинтириш ниятида пинак бузмай тургандай туюлди. Кўк бўри олдинги оёғини жуфтининг елкасига қўйиб турди. Сўнгра аразлагандай бошини эгиб нари кетди ва бирдан кескин ортига қайрилиб, югурганча келдию урғочи бўрини кўкраги билан уриб қорга думалатди. Аммо бу қилиқларни кўк бўри шу қадар меҳрибонлик билан бажарардики, бундан урғочи бўри сира ҳам озор топмасди. Мана, у ҳам сакраб туриб ўзини кўк бўрига отди. Кўк бўри ерга йиқилди. Аммо у атайлаб шундай қилди. Жуфтининг кўнгли учун, унинг дилгирлигини ёзиш учун.

Бўрининг кўзига қараган паллада нимадандир Ислоннинг юраги ҳаприқиб, бутун вужуди титраб кетди. Йўқ, қўрқмади у. Ҳатто шу лаҳзада бўрини қучоқлаб олишга ҳам тайёр эди. Ислон бутун вужуди кучга тўлиб, дили ёришиб бораётганини, кўк бўрининг вужудидаги куч ва қудрат ўзининг баданида кезаётганини ҳис қилди. Унинг дили ёришиб кетди...

* * *

Яқинда Ислон яшаётган уй яқинидан ўтиб қолдим. Аёл кишининг шўх ва жарангдор кулгуси диққатимни тортди. Оппоқ гулга бурканган олча дарахти остида Хосият билан Ислон чой ичиб ўтиришар, нарироқда эса жажжигина бола ўйнаб юрарди.

Боланинг оти Бўривой эди...



Исмоил Тўлаков

**ҚУТЛУҒ БЎЛСИН
ФАРАҲЛИ КУНИНГ**

Ёмғирдан сўнг...

Кезаман.
Қишлоқнинг тор кўчаларида.
Ёмғирдан сўнг,
тиниклаша боради осмон.
Баҳорнинг ҳузурбахш кечаларида
эрка ўғлон каби ухлайди ёбон.

Деразалар кўзларини юмар бирма-бир,
номозшом салқини эсади.
Толлар ошиқлардан тинглагандай сир,
бир оз қадларини эгади.

Қизлар қулоғида ёнган балдоқдай,
ой терак учида туради қалқиб.
Шамолнинг нияти эса бошқача:
ойни олма каби олмоқчи қоқиб...

* * *

Мен зардобин ичурман туннинг,
тонг гулобин илиниб сенга.
Қутлуғ бўлсин фараҳли кунинг,
ортиқ толе керакмас менга.

Сочларингдек узун кечанинг
чилвирлари занжир бўйнимда.
Кўзларингдек сузгун кечанинг
оппоқ хаёллари қўйнимда.

Оқ каптардай потрайди бирам,
юрагимда эрир волалар.
Кўк ҳолимга кулади шу дам,
кўзларида юлдуз — жолалар.

Маънос ҳилол термилади жим,
мисли ёбондаги суманбар.
Нигоҳидан ёғилар сим-сим
юрагимга самовий анбар...

Туннинг зардобини ичурман,
сенга асраб тонг гулобини.
Барча шодликлардан кечурман,
танлаб ишқинг изтиробини.

Сиёҳ тундан йўнурман қалам,
сен очурсан тонг дафтарларин.

Қувончларга тўлади олам,
парвоз этса шўх каптарларинг.

Парвозлар-ла эрурман сармаст,
кўнгил йироқларни қўмсайди.
Кафтларимга юлдузлар эмас,
сенинг юлдузларинг қўнсайди...

* * *

Ҳақсизлик лашкари келсаю устун,
Ҳақиқатнинг ногоҳ қонаса бурни,
ўзини панага олганлар, беун
шивирлар: «Ҳушёр бўл... эмасдир ўрни».

«Ҳақ эгилар, синмас...» деганди қачон,
муқаддас номингдан сўзлаган қай кас?
Қаршингда тиз чўкиб, келтиргум имон,
йўқ, бу гаплар сенинг ҳикматинг эмас.

Халқим — ҳақиқатнинг метин қалқони,
ўзингсан ҳақ тоғин этган сарбаланд.
Халқим, бахтли кўрмоқ бўлиб дунёни,
сен-ку, ёв йўлига ташлаган каманд.

Ҳақиқатнинг қадди бўлмасин деб дол,
қиличларга мағрур бошингни тутдинг.
Ҳақиқат бағридан учмасин Иқбол,
дея минг йилларки, лахта қон ютдинг.

Ҳақиқат бир лаҳза эгилар бўлса,
қанча тик қадларни эгар Разолат.
Тул қолган келиндек эзилар бўлса,
зулмат занжирдан мажруҳ Адолат;

эзгулик нурлари сўнади бутун,
минг йиллик курашлар бўлади бекор.
Халқим, ҳақиқатнинг тиклиги учун
курашларга чорла,
чиқ мардонавор!

* * *

Ҳали кўп бор оқ тонглар отар,
кўп бор мағлуб бўлар кечалар.
Кўзларингга юлдузлар ботар,
кўзларингдек порлар кўчалар.

Ҳали кўп бор ғолиб келар тун,
булутлар ойингни яширар.
Орзунгдаги ўшал порлоқ кун
эртакдаги чолдек яшарар.

Биз ҳам яшарамиз дафъатан.
Ланг очганча кўкрак қафасимизни
лолазор қирларга чопамиз,
ҳозирги ёшларга нисбатан
сал чуқурроқ олиб нафасимизни...

Дехқон ҳаётидан айрим чизгилар

1


Уйингизга йўқлаб борганда,
топдим сизни
дала — тузлардан.
Қўлда кетмон
юрар эдингиз,
тупроқ, лойни кечиб
тизлардан.
Сизга — аёл,
содик дўст эди,
юррак каби безовта чигит.
Ҳисларингиз
шундан маст эди,
яктагини бар урган йигит.

2

Уйда келин,
бешиқда ўғлон
ва косада палов интизор.
Ярим кеча
ҳорғин, бемадор
йўл оласиз уйингиз томон.
Уйғонади,
аччиқ тер иси
димоғига уриб гўдакнинг.
Сўнгра онасидан олдинроқ
бошлаб берар тунги «гудок»ни...
Келин бир сўз демас,
безабон
бастингизга боқади ҳуррак.
Фурсат ўтмай,
унга жавобан
бошланади азамат хуррак...

3

— Не ишлар қиласиз бўш вақтингизда?
— Қафтдек томорқамни экаман.
— Экишдан кейинги бўш вақтда-чи?
— Бўш вақтимни гулдек экаман.
— Хўш, ундан кейин-чи?
— Ундан кейин ҳам
вақт уруғини саралаб,
давр пуштасига тикаман.
— ...
— Елғиз битта кучга эгаман:
экаман.
Шу йўсин ўзимни тўкаман...



Эдгар По

Вақт ўроғи

Нега бунча қайғурасиз,
Эй, ноёб гўзал!

Ж. Мильтон. ҚОМУС

Ажойиб, фусункор шахар Эдинани сайр этишга чиққанимда оромли, фарахбахш оқшом тушаётган эди. Кўчалар гавжум, ҳар ёнда ғала-ғовур, одамлар бир-бирига туртиниб-суртиниб, қаёққадир ошиқишади. Хотин-халаж бақириб-чақиршади. Болалар қийқиришади. Чўққалар чийиллаб, хуриллашади. Аравалар ғижирлайди. Ҳўкизлар бўқиришади. Сигирлар мўърашади. Отлар кишнашади. Мушуклар миёвлашади. Итлар қувалашиб ўйнашади. Эвоҳ, мен эсам ўйнаёлмайман. Бундан жуда маъюсландим. Ҳа, ҳаёт ўзи шунақа. Даҳо ва шоиртаъб одам қалби, айниқса даҳо қалби, ниҳоятда ҳавасни келтирувчи, кўнгилни суст кеткизувчи, йўқ, дилни шайдо қилувчи, мафтункор, ҳаётбахш гўзалликдан (ўқувчи мени афв этсин), оламдаги энг эзгу ҳусну малоҳатдан таъсирланаверадиган бўлади; шоир қалби тинимсиз, доимий, узоқ давом этувчи, аччиқ, изтиробли, ташвишли, мусаффо, илоҳий, самовий, кўтаринки, ҳа, инсонни кўкларга кўтарувчи ва поклантирувчи нафосат қудратини ҳис қилиб яшашга маҳкум этилган. Шоир қалбида бот-бот энг ширин хотиралар ғужғон ўйнайди. Аммо узр, гапга маҳлиё бўлиб кетдим. Такрор айтаманки, дохиёна, шоирона қалбда энг арзимас нарса ҳам бир олам хотиралар уйғота олади. Итлар ўйноқлашарди, мен эса бунга қурбим етмасди! Улар қувнашарди — мен эса йиғлардим. Улар яйрашарди — мен эсам аччиқ-аччиқ йиғлардим. Ҳаяжонли манзара! Бу манзара маърифатли ўқувчига,

Эдгар Аллан По (1809—1849) жаҳон ҳикоячилиги усталаридан бири. Аммо, у ҳикоячиликда ҳам шоирдир. Ф. Достоевский ҳаётини, фантастик воқеаларни Эдгар По ниҳоятда ишонарли тасвирлаши ҳақида гапириб, унинг тасаввури бойлигига қойил қолганди. Ҳозирги замон модернистлари, символистлари, сюрреалистлари, детектив адабиёт усталари ҳам Эдгар Пони ўзларининг устози деб ҳисоблашади. Аммо, Александр Блок айтганидай, Эдгар По ижоди шу қадар кенг кўламлики, уни символизм асосчиси дейиш унчалик тўғри бўлмайди.

Шарль Бодлер ёзишча, табиат Эдгар Подан саховатини аямаган: «У инсонни мафтун қилади, ўйлашга, орзу қилишга ундайди, қалбларни жаҳолатнинг ифлос ботқоғидан қутқаса олади. Такрор айтаман, инсон ҳаёти ва табиатидаги ғаройиботларни, соғаяётган одамнинг қизиқишини, йил фасллари ўзгаришидаги гўзалликларни, жазирама иссиқ, рутубат ва туманларни, жануб шамоли одамлар асабини чолғу торларидай бўшаштириб, кўздан беихтиёр ёш чиқариб юборишни ҳеч ким Эдгар По каби тасвирлаёлмайди. Аввал шубҳа,

албатта, маълум ва машҳур Чой-Ич-Сан ёзган дурдона хитойча романнинг учинчи жилдида тасвирланган бутун олам уйғунлиги ҳақидаги гўзал сатрларни эслатиши турган гап.

Шаҳарни ёлғиз томоша қилиб юрган пайтимда, иккита жуда ювош ва жуда садоқатли ҳамроҳим бор эди. Бири — ширингина бароқ кучугим Диана эди. У бирам ажойиб, бирам ажойиб эдики! Биттаю битта кўзининг устини бир тутам юнг қоплаган, бўйнига нозик қилиб ҳаворанг шойи бант боғланган. Бўйи беш дюймдан ошмас, бутун жуссасидан боши каттароқ эди; кесилган, калта думи эса уни жуда ширин, жуда беозор, худди бегуноҳ ранжитилган ёш боладай қилиб кўрсатарди.

Занжи қулим Помпей, садоқатли Помпейни айтмайсизми? Уни қандай унутиб бўлади? Ҳа, мен Помпейнинг қўлига оғирлигимни ташлаб борардим. Унинг бўйи уч фут (аниқликни яхши кўраман), ёши етмишда; эҳтимол саксондадир? У маймоқ ва жуссадор эди. Оғзи шалпанг қулоғига етарди. Аммо тишлари оппоқ дурдай, чақчайган кўзининг оқи ярқираб туради. Табиат унга бўйин ато этмаган, тўпиги билан оёғининг учи қўшилиб кетгандай кўринади (ҳабашларнинг оёғи одатда шунақа бўлади). Эгни-боши жуда одми. Тўққиз дюймли бўйинбоғу мовут пальто — бор-йўқ кийими шу эди. Илгари бу пальто қадди-қомати келишган жаноб Пулберманники эди. Жуда ажойиб пальто эди-да ўзиям! Бичимини айтмайсизми! Хайтовур уни яп-янги десаям бўларди. Ифлосланмасин деб Помпей пальтосининг барини сал кўтариб юрарди.

Биз учовлон эдик. Иккитамиз кимлигимизни юқорида тавсиф этдим. Учинчи зот эса — каминанинг ўзи, яъни Рухия Зенобия хоним эдилар. Баъзи ҳасадгўйлар мени Рухия Жанубия деб аташади. Қоматимга бир қараган одам ўзини йўқотиб қўяди. Уша куни эгнимга алвонранг атлас кўйлак билан мовий, ҳарир арабий қабо кийган эдим. Алвон кўйлагим яшил тўқа-илгаклар ва етти жойида норинжранг гулли нафис кашта билан безалганди. Хуллас, учинчи шахс — камина эдим. Демак, бароқ итим бор эди. Помпей бор эди. Ўзим эса учинчи одам эдим. Хуллас, биз учовлон эдик. Ахир қасос маъбудалари ҳам даставвал учта экан — Мельти, Нимми ва Хетти — Тафаккур, Хотира ва Умр эгови бўлган экан.

Алқисса, камина назокатли занжи қулимнинг қўлига салгина суянганимча ҳозир ҳувиллаб қолган Эдина шаҳрининг у пайт гавжум бўлган кўчаларини сайр қилиб юрардим, итим Диана менга яқинлашишга журъат қилмай, одоб сақлаганича орқамдан соядай эргашарди. Тўсатдан рўпарамда баланд жоме черкови кўринди. У жуда маҳобатли, қадимий, қуббасининг найзаси кўкка санчилган. Шу пайт ғалати, телба бир истак вужудимни чулғаб олди. Қазои тақдирим сари бунчалар шошмасам? Бош айланадиган даражадаги баландликка чиқиб, ўша ердан маҳобатли шаҳарни томоша қилиш истағи кўнглимни эгаллаб олди. Қаср дарвозаси очик, гўё мени ичкарига таклиф қилаётгандай туюларди. Шу тобда тақдирим ҳал бўлаётганди. Гумбазлар остидаги қоронғи, совуқ гўшага қадам қўйдим. Мабодо, халоскор фаришталар борлиги рост эрса, менинг фариштам қаерларда юрганикин? Ахир у мени бу йўлдан асраб қолмасмиди? Мабодо! Нақадар қисқа, лекин машъум сўзсан! Сенинг ҳарфларингда олам-олам сирлар, маънолар, шубҳа, гумон ва номаълумлик яширинган! Ҳа, гумбазлар остидаги қоронғи гўшага қадам қўйдим! Норинжранг кўйлагим этагини ҳеч нарсага тегизмай, авайлаб тутганча пештоқ остидан ўтиб, қаср остонасида туриб қолдим. Айтишларича, уммон сувлари остида ҳайбатли Наҳри Қулзум ҳеч нарсага халал бермай, ҳатто ҳўл бўлмай оқар экан.

Айланма зиналарнинг охири кўринмасди. Айланма! Ҳа, зиналар айланар ва кўтарилар, айланар ва кўтарилар, айланар ва кўтарилар эди... Шу пайт менинг

сўнг ишонч ва мулоҳаза уйғотувчи галлюцинацияларни, ақлни забт этувчи ва ўзининг даҳшатли мантиқига эга бўлган ғалатликни, иродани вайрон қилувчи телбаликни, асаблар ва ақл ўртасидаги зиддиятни, дардини қаҳқаҳа билан ифодаловчи одамларни ҳеч ким шу адибчалик тасвирлаёлмайди. По сезилмас лаҳзаларни таҳлил қила олади, ўлчанмайдиган нарсаларни ўлчаёлади, асабий одам атрофини ўраб турган ва уни ўлимга олиб борувчи хаёлий шарпаларни энг майда тафсилотларигача муфассал, илмий асосда ва бутун даҳшатлари билан тасвирлай олади».

Адиб қисқа, лекин ғоят мазмунли ҳаёт кечирди. У қирқ ёшида, кўчада ҳушидан кетиб қолган. Нимадан вафот этгани ҳалигача сир бўлиб келади.

Эдгар По ҳикояларида жиддийлик билан ҳазил-мутойиба чегарасини аниқлаш қийин. У фожеий ҳодисаларни ҳам ҳазил оҳангида, арзимас нарсаларни жиддийят билан акс эттира олади. Қуйида адибнинг турли услубдаги ҳикояларидан иккитасини журналхонга ҳавола қиламиз.

ҳамда содиқ занжи қулим Помпейнинг ҳаёлимизга ғалати бир гумон келиб қолди: бу адоқсиз зиналарнинг адоғига етмай туриб, тасодифан ёки қасддан сўнги қисми олиб ташланган бўлса-я? Нафасни ростлаш учун бир зум тўхтадим... Худди шу пайт фаройиб бир воқеа юз бердики, у ҳам ахлоқий, ҳам фалсафий маънода муҳим аҳамиятга молик бўлгани учун бу ҳақда индамай ўтолмайман. Диана итимнинг хатти-ҳаракатлари менга ғалати кўринди (йўқ, янглишаётганим йўқ, чунки мен бир неча лаҳза итимнинг қилиқларини диққат билан кузатиб турган эдим-да). Ҳа, итимнинг хатти-ҳаракати мени ташвишга солиб қўйди (такрор айтаман, мен янглишаётганим йўқ). Худди шундай — Диана бу ерда каламуш борлигини сезган эди! Мен бу гумонимни дарров Помпейга айтган эдим, у ҳам фикримга қўшилди. Хуллас, бу ерда каламуш борлиги сезилди — буни Диана сезиб қолди.

Ё, кудратингдан! Шу лаҳзаларда қанчалик ҳаяжонланганимни айтиш қийин. Эвоҳ! Мақталган, улғуланган инсон ақл-заковати оёғимиз остидаги шу кичкина шарпани сезишга ҳам етмайди-ю, бунга итнинг ақли етибди-я. Доҳиёна, шоирона қалб эгаси бўлган менинг ақлим шу кучукнинг ақличалик эмас экан-да! Айтишларича, Пруссия райҳони баъзи одамлар учун жуда хушбўй, баъзи одамлар учун эса мутлақо бўйсиз бўлар экан.

Ниҳоят зиналарнинг охири кўринди; сўнги майдончага етишга уч-тўрт зина қолган эди. Биз яна олға юрдик ва охирига етишимизга атиги бир қадам қолди. Бир қадам! Кичкинагина бир қадам-а! Ҳаётнинг буюк пиллапоёсида бир қадам босишимиз бизга нақадар улуғ бахт-саодат ёки қайғу-кулфат келтириши мумкин! Шу чоғ ўзимни ўйладим, Помпейни ўйладим, бошимиз узра оқ соя ташлаган сирли ва англаб бўлмас тақдир қанотини ўйладим. Помпейни ўйлар эканман, унга меҳрим товланиб кетди. Одамни йўлдан оздирган ва бундан кейин ҳам оздирадиган жуда кўп сохта қадамларни ўйладим, ўзимни тийишга, эҳтиёт бўлишга аҳд қилдим. Қўлимни Помпейнинг қўлидан секин ажратволдим ва унинг ёрдамсиз ўзим сўнги зинага қадам босиб, кўнғироқхонага кўтарилдим. Бироқ итим ҳам лип этиб ёнимга чиқди. Помпей орқада қолди. Зинапоянни юқорисиди туриб, унга далда бердим. У менга қўлини чўзди ва бахтга қарши пальтосининг барини қўйиб юборди. Эвоҳ, тақдир бизни таъқиб қилишини қўймади. Помпей рўдапо пальтосининг ерга тушган этагини билмасдан босиб олди ва қоқилиб, олдига мункиб кетди. Қулаётиб, боши билан менинг сийнамга урилди, оғирлиги билан мени ҳам кўнғироқхонанинг зах ва ифлос полига ағнатиб юборди. Лекин мен шу заҳоти ундан ўчимни олдим. Занжининг қалин, жингалак сочларини иккала қўлим билан чангаллаб, юлиб ташладим, бу қаттиқ жингалак сочларни тутамлаб-тутамлаб узиб-узиб олдим-у, жирканиб отиб юбордим. Соч тутамлари кўнғироқ арқонларига ёпишиб, осилиб қолди. Помпей ўрнидан турди ва чурқ этиб оғиз очмади. У фақат кўзларини катта очганча менга аянчли боқар экан, оғир хўрсиниб қўйди. Ё раббий, бундай хўрсинишни умрим бино бўлиб кўрмагандим, шунинг учун у кўнглимни жимирлатиб, ўртаб юборди. Анови осилган сочлар, юнглари айтмайсизми? Бу соч тутамларига бўйим етганидайди, уларни афсус ёшларим билан ҳўллардим. Лекин, эвоҳ, уларга энди етиб бўлмасди. Мана шу соч тутамлари кўнғироқ арқонлари билан чайқалар экан, назаримда худди жонлидай туюларди, бу сочлар ғазабдан тикка бўлгандай эди. Айтишларича, Ява оролида ўсадиган Хаппи денди Флое Аерис ўсимлиги жуда чиройли гуллар экан ва томири билан юлиб олинганидан кейин ҳам сўлимас экан. Ўша ердаги аҳоли бу ўсимликни шифтга осиб қўяр ва бир неча йилгача унинг бўйидан лаззат олишар экан.

Биз яна ярашдик ва Эдина шахрини яхшироқ томоша қилиш учун тузукроқ тешик-ёриқ қидира бошладик. Бу ерда дераза, равоқ йўқ эди. Қоронғи хонага полдан етти фут баландликдаги, тахминан бир фут келадиган тўртбурчак туйнукдан бир тутам нур, ёруғлик кириб турарди. Аммо чинакам даҳо куч-ғайрати нималарга қодир эмас дейсиз? Мен ана шу баланд туйнукка етишга аҳд қилдим. Туйнук остида соат механизмининг жуда кўп парраклари, тишли ғилдираклари ва бошқа сирли қисмлари жойлашганди, туйнук ташқарисиди эса мана шу механизмдан борган узун темир ўқ, кўриниб турарди. Паррак, ғилдирақлар билан девор ўртасига одам аранг сиғар эди — лекин мен ўжарлик билан яна ўша истагимда собит туриб олдим. Помпейни ёнимга қақирдим.

— Анови туйнукни кўряпсанми, Помпей? Мен ўша ердан қарагим келяпти. Шу туйнук тагига келиб тургин. Мана бу ерга. Қўлингни чўз, анави ерга ўтиб олай. Яхши, энди нариги қўлингни узатсанг, елканга чиқиб туриб оламан-да, томоша қилавераман.

Занжи қулим барча истақларимни бажо келтирди. Унинг елкасида яхшилаб ўрнашиб олгач, бояги туйнукдан бемалол бошимни чиқариб, ташқарига қарашга имкон туғилди. Кўз ўнгимда ажойиб манзара намоён бўлди. Ниҳоятда ажойиб томоша эди бу. Фақат Диана итимга жойингда тек тур, деб ёлғондакам пўписа қилиб қўйдим. Помпейни эса аяб, елкангни эзвормаяпманми, дея тасалли бердим, энди сенга ҳар доим яхши гапираман, деб кўнглини кўтардим. Шу тарикка қулимга

бир оз илтифот кўрсатиб, туйнук нарёғидаги ажойиб манзарани шавқ билан томоша қила бошладим.

Гапни майдалаб ўтирмай. Эдинбург шахрини таърифламай қўяқолай. Ҳаммангиз Эдинбургда, қадимги Эдинада бўлгандирсиз. Мен фақат ўз бошимга қандай кулфат орттирганимни лўнда қилиб айтиб қўяқолай. Шаҳарнинг қаёқдан қаёққача чўзилганини, қандай ерда жойлашганлигини, умумий қиёфасини мароқ билан кўздан кечиргач, ўзим турган ибодатхона биносини, унинг кўнғироқхона минорасининг нозик архитектурасини ҳам кўришга улгурдим. Аён бўлишича, мен бошимни чиқазиб турган туйнук улкан соатнинг кафтгирида жойлашган экан ва у пастдан қараганда гўё француз чўнтак соатидагига ўхшаш, калит солиб бурайдиган тешикчадай кўринса керак, деб ўйладим. Шубҳасиз, бу туйнук зарур бўлиб қолганида соатсоз уста қўлини ташқарига чиқариб, соат милини тўғри-лаб қўйиш учун қилинган, деган фикрга келдим. Соат миллирининг нақадар катталиги мени ҳайрон қолдирди. Чўзиқроқ миллининг узунлиги камида тўққиз фут, кенглиги энг катта жойида тўққиз дюйм келарди. Кўринишдан бу миллир қаттиқ пўлатдан ясалган ва четлари қилич дамидай юпқа эди. Мана шунга ўхшаш тафсилотларни билиб олгач, яна қўйда ястанган шаҳарнинг улўвор манзарасини кузатиб, мушоҳада қила бошладим.

Бир неча дақиқадан кейин Помпейнинг овози томошанинг белига тепди. У ортиқ бардош беролмаслигини айтиб, марҳамат қилиб, пастга тушсангиз яхши бўларди, дея ялина бошлади. Унинг бу талаби аҳмоқона эканлигини эринмай тушунтирдим. У ғудурлаб жавоб берди, аммо гапимни унчалик уқмас эди. Охири ғазабланиб, юзига шартта «аҳмоқсан» дедим. «Игнорамусга йўл қўйиб, тиланчилик қиляпсан, сенинг тушунчаларинг барчаси «инсоммари явис», сўзларинг эса «аниманимажмуа»дан бошқа нарса эмас, деб жеркиб бердим. Шундан сўнг занжи қулим қаноат ҳосил қилди шекилли, жимиб қолди, мен томошани давом эттирдим.

Даҳанани жангимиздан кейин ярим соатча ўтгач, оёғим остидаги мафтункор манзарага маҳлиё бўлиб турганимда, бўйнимнинг орқасига совуқ бир нарса келиб текканидан сесканиб кетдим. Қанчалик қўрққанимни айтмай қўя қолай. Ҳарҳолда оёғим остида содиқ занжи қулим Помпей турганлигини, хонанинг нариги бурчида Диана итим фармонимга мунтазир бўлиб, диккайиб ўтирганини билардим. Бўйнимга теккан совуқ нарса нима бўлиши мумкин? Эвоҳ! Тез орада бунинг нима эканлигини билдим. Бир оз қайрилиб, минора соатнинг минутларини кўрсатадиган, баҳайбат қиличга ўхшаган ярқирок мили циферблат атрофида силжиб келиб бўйнимга етиб қолганлигини кўриб, даҳшатга тушдим. Узимни орқага ташладим — лекин вақт ўтган эди. Бошим аллақачон даҳшатли қопқонга тушиб қолган ва бу қопқон тобора қисилиб, ажалдай тезлашиб келарди. Мана шу лаҳзаларда кўрқувдан музлаб қолганимни тасаввур этиш қийин. Чиқмаган жондан умид, деб, қўлимни юқорига тираб, маҳобатли пўлат тасмани кўтариб, бошимни чиқариб олишга жон-жаҳдим билан уриниб кўрдим. Лекин бу пўлат тасмани кўтаришга уриниш бутун қасрни кўтаришга уриниш билан тенг эди. Пўлат шамшир тобора яқинроқ, янада яқинроқ, тагин ҳам яқинроқ кела бошлади. Занжи қулим Помпейни ёрдамга чақирдим. Аммо у: «Бекам, мени қари овсар деб, гадойлик қиляпсан, деб хафа қилдингиз», деди. Жоним борича қичқириб, Дианани чорладим. Аммо у «ўзингиз бурчақда қимирламай ўтир» дедингиз-ку, дегандай, вовуллаб қўйди. Хуллас, йўлдошларимдан мадад кутиш беҳуда эди.

Шу орада оғир, маҳобатли ва даҳшатли Вақт Уроғи ўзининг тўхтовсиз ҳаракатини давом эттираверди (бу классик иборанинг мана шундай том маъно касб этишини энди сездим). Уроқ тобора пастга туша бошлади. Унинг дами ўткир қирраси бўйнимга бир дюймча кириб борди ва менинг хаёлларим айқаш-уйқаш бўлиб, ҳушим оға бошлади. Энди ўзимни гоҳ Филадельфияда, доктор Пулберман ҳузурда, гоҳ жаноб Блеквуд қошида қимматли маслаҳатлар олаётган ҳолатда кўра бошладим. Сўнгра бирдан бахтиёр кунларим хаёлимда жонланди. У замонлар бутун олам менга саҳро эмас, чаманзор эди, занжи қулим Помпей ҳам ҳозиргидай тошбағир эмас, беозор эди.

Соат мурватларининг чиқиллаши кўнглимга хуш ёқа бошлади. Ҳа, хуш ёқа бошлади, чунки ҳозирги ҳолатимдан сармаст эдим, ҳар қандай арзимас нарсалар ҳам энди менга ҳузур, ором берарди. Соатнинг тинимсиз чиқ-чиқ, чиқ-чиқ қилиши қулоғимга худди мафтункор мусиқадай эшитилар, ҳатто бу товушлар доктор Оллаподнинг ваъзларини эслатарди. Циферблатдаги йирик рақамларни айтмай-сизми? Улар кўзимга ниҳоятда ақлли, доно кўринарди. Рақамлар мазурка рақсига туша кетди, менга айниқса V рақамининг рақси жуда хуш ёқди. У шубҳасиз, аъло тарбия олган кўринарди. Унда заррача тўпорилик, заррача такаббурлик йўқ эди. У ўзининг ўткир учида чир айланиб, бирам ажойиб пируэтлар қилар эдики! Назаримда у рақсга тушавериб чарчаган кўринди, унга курси таклиф қилмоқчи бўлдим, аммо бу ишни уддалолмаслигимга, чорасиз аҳволда эканлигимга ақлим

етди. Ҳа, чиндан чорасиз аҳволда эдим! Соат ўқи бўйнимга энди икки дюймча бутган эди. Оғриғига чидаб бўлмасди. Тезроқ ўлишимни тилардим, даҳшатли оғриқ ичида беихтиёр шоир Мигель де Сервантеснинг испанча икки мисра шеъри хаёлимга келди.

Аммо олдинда мени бундан ҳам даҳшатли азоблар кутарди, бу азобларга асаблари пўлат одам ҳам чидаш беролмасди. Соат ўқи босими билан кўзларим чаноғидан чиқа бошлади. Кўзсиз одам қандай яшаёлади, деб ўйлаб улгурмасимдан бир кўзимнинг қорачиғи отилиб чиқиб, кўнғироқхона томининг нишаб жойидан пилдираб думалаганича, сарой пештоқи томининг тарновига тушиб қолди. Кўзсиз қолганимдан кўра унинг олифтагарчилик билан менга ҳаёсизларча тикилиб тургани алам қилар эди. У шундоқ ёнгинамда, тарнов ичида ётар экан, ўзига бино қўйгани ҳам жирканчли, ҳам кулгили эди. Дунёда бирорта кўзнинг мана бундай пирпирашини ва энг қизиғи, кўз қисишини кўрмаганман.

Кўзимнинг ўзини бундай аҳмоқона тутиши, ошқора беодоблиги ва разил кўрнамақлигидан ташқари, мени яна бошқа бир нарса қийнарди. Бир бошга мансуб икки кўз ҳамиша бир хил ҳаракат қилгани учун, ораси узоклигига қарамай, ҳозир ҳам уларнинг ҳаракати айнан бир-бирини такрорларди. Шу туфайли, мен истасам-истамасам анови қаршимда турган разилнинг ҳаракатларига мослаб соғ кўзимни пирпиратар ва қисар эдим. Кўп ўтмай бу азобдан қутулдим, иккинчи кўзим ҳам отилиб чиқди. У, худди келишиб олгандай, шеригининг ёнига тушди. Иккаласи бир бўлиб тарновдан думалаб кетишди.

Соат ўроғи бўйнимга энди тўрт дюймча бутган ва у охириги бир парча этни узиши қолган эди. Мен ўзимни бахтиёр сезардим, чунки бир неча дақиқадан сўнг азобларимга чек қўйилишини билардим. Бу энтиқишим тўғри чиқди. Соат роппароса олтидан йигирма беш дақиқа ўтганида минут ўқи ўзининг даҳшатли йўлида шунчалик силжидики, бўйнимнинг қолган қисми ҳам узилиб кетди. Менга шунчалар қаттиқ азоб берган бошим гавдамдан бутунлай ажралди. Даставвал у кўнғироқхона деворидан думалаб, тарновда бир лаҳза тўхтаб қолди-да, сўнг сакраб-сакраб кўчанинг ўртасига тушди.

Очиғини айта қолай, энди менинг ҳиссиётларим ниҳоятда ғалати, сирли ва тушуниксиз тус олди. Энди онгим гоҳ бу ёқда, гоҳ у ёқда бўлиб қолди. Бошим ўзича «Мен — Рухия Зенобияман» деб ҳис қилар, сал ўтмай, гавдам: «Йўқ, менинг шахсим шу ерда» деб ишонар эди. Мана шу муаммони ҳал этишни ўйлаб, чўнтагимни тимирскилаб тамакидонимни олдим ва унинг бир чимдимини одатдагидай ишлатмоқчи эдим, бўлмади, шу заҳоти қандай аҳволдалигимни сездим ва тамакидонни бошим томонга отиб юбордим; бошим тамакининг тўкилганини маъза қилиб ҳидлади ва гўё мамнун бўлгандай жилмайиб қўйди. Шундан сўнг у менга қарата нималардир гапирга бошлади, қўлоғим ўзимда эмаслиги учун яхши англамасдим. Аммо шуни ҳис қилдимки, у менинг шу аҳволда ҳам яшашга интилаётганимдан ажабланаётган экан. Хуллас, у Ариостодан қуйидаги шеърий парчани айтди:

**Мухораба қизир, паҳлавон
Жанг қиларди берганда ҳам жон.**

Шундай деб, у мени қизиқ устида ўлгани ҳам эсидан чиқиб, жангни давом эттирган паҳлавонга ўхшатди. Энди менинг баланд ўрнимдан тушиб кетишимга ҳеч ким халал бермасди. Шундай ҳам қилдим. Ие, Помпейнинг менга кўзи тушиб, ғаройиб нарсани кўргандай эси оғиб қолди. У ҳайратдан оғзи очилиб, кўзларини чирт юмиб олди, худди киприклари билан ёнғоқ чақмоқчидай эди. Сўнг пальтосини ҳам улоқтириб, зинапоя томонга отилди ва ғойиб бўлди. Мен унинг ортидан оташин мисралар билан:

— Эндрю О'легетон, мени ташлаб кетишга қандай кўнглинг борди? — деганимча қолавердим, сўнг бир кўзли овуноғим, пахмоқ Диана тарафга ўгирилдим. Эвоҳ! Қандай даҳшат! Наҳотки ҳозиргина уясига физиллаб кириб кетган каламуш бўлса? Анови сочилиб ётган суяклар наҳотки менинг овуноғим, бароқ итимники бўлса? Е раббий! Нималарни кўряпман? Анови бурчақда маъюс назокат билан одоб сақлаб ўтирган жонзот наҳотки арзанда кучугимнинг арвоҳи бўлса? Бас, тўхтанг! О, самовий зотлар, у Шиллер руҳида, немисча тилга кирди:

**Унт штабби дак, зо штабби дун,
Дук зи! Дук зи!**

Эвоҳ! Нақадар ҳаққоний эди бу сўзлар!

**Майли, кел эй, ажал, келавер,
Менга ҳузур бағишлар ўлим.—
Оёқларинг, оёқларинг, азиз оёқларинг остида.**

Нафис вужуд! У ҳам мени деб жонидан кечибти. Кучугимдан айрилдим, занжи кулимдан айрилдим, бошгинамдан айрилдим, энди бу дунёда бахти қаро Рухия Зенобияга нима ҳам қолди? Эвоҳ, Ҷечлик! Бари тугади.

Сукунат

Тоғ чўққиларида мудроқлик ҳоким,
Сукунат изғийди ғор, қояларда...
АЛКМАН, юнон шоири

ЭДГАР ПО
◆ ХИКОЯЛАР

— Қулоқ сол, — деди Иблис меҳрибонлик билан кўлини бошимга қўйиб, — мен сенга Ливиядаги бир ҳувиллаган ўлка ҳақида гапириб бермоқчиман. Заҳира дарёси соҳилларида ястанган бу ўлкада ором ҳам, сукунат ҳам йўқ.

Дарё суви заъфарон рангда, у денгизга қараб оқмайди, аммо қуёшнинг алвон шафағида саркаш ва асов мавжланади, тинимсиз пўртаналари тўлғонади. Иккала соҳил бўйлаб, ботқоқли ўзанда ҳайбатли сув лолагуллари айқаш-уйқаш бўлиб ётади. Кимсасизликдан хўрсинаётгандай, лолалар рангпар толма бўйинларини кўтариб, бир-бирларига қараб бош чайқашади. Улар ерости сувларининг шовирига ўхшаш аллақандай тушунуксиз бир оҳангда шивирлашаётгандай туюлади, элас-элас хўрсинишади.

Аммо бу заъфарон сув лолалари салтанатининг чегараси бор — даҳшатли қоронғи, дарахтлари кўкка бўй чўзган ўрмон уларнинг ҳудуди. Ана шу ўрмон ҳудудида пастак бутазор Гебрид ороллари соҳилидаги тўлқинлардай тинимсиз чайқалиб туради. Лекин самода қилт этган шабада эсмайди. Маҳобатли ёввойи дарахтлар эса бўрон тургандай тинимсиз шовқин солиб, гувиллайверади. Уларнинг самовий шохларидан шудринг томчилари муттасил томиб туради. Дарахтларнинг илдизлари устида заҳарли гуллар беором мудроқ ичида буралиб, уйқашиб ўсади. Самода эса қора булутлар ғужғон ўйнаб, гувиллаб, тинмай мағрибга интилади, шаршарадан пастга тушиб кетгандай, уфқнинг оловли ҳудудига гулдурос чақмоқ бўлиб сингиб, йўқолади. Лекин самода қилт этган шабада эсмайди. Заҳира дарёси соҳилларида ором ҳам, сукунат ҳам йўқ.

Қоронғи кеча эди, ёмғир ёғарди, ёғаётганида ёмғир эди, аммо дарёга тушганида қонга айланарди. Бўйдор сув лолалари ўсиб ётган жарликда турардим, бошимга қонли ёмғир ёғарди, гуллар улғувор хароботдан хўрсиниб, бир-бирларига қараб бош чайқашади.

Бирданига ҳарир туман орасидан қонга белангандай алвон ой чиқди. Ой ёруғида соҳилдаги ҳайбатли қора қоя кўзимга ташланади. Қоя рангсиз, жонсиз, юксак эди. Қоя рангсиз эди. Қояга аллақандай битик ўйиб ёзилганди. Сув лолалари чайқалиб турган жарликдан сузиб бориб, тош битикни ўқиш мақсадида соҳилга яқинлашдим. Лекин ёзувни ўқиёлмадим. Яна жарликка қайтдим, ой бағри баттар қонга беланди, мен яна қояга қарадим ва ундаги ёзувни ўқидим: ХАРОБОТ.

Қоя чўққисига қарадим, четида бир одам турарди, мен унинг нима қилишини кузатиш учун сув лолалари орасига яшириндим. Инсон қоматдор ва улғувор эди, елкасидан товонигача қадимги румо ридосига бурканган эди. Унинг жуссаси элас-элас кўринар, аммо юзидан нур ёғиларди. Тун қоронғилиги, туман ва шабнамнинг ҳарир пардалари унинг чеҳрасини тўсолмасди; манглайи ўйлардан баланд, нигоҳи ташвишлардан телбаваш, пешонасидаги ажинлар ёзуви ғам-андух, чарчоқ, ҳорғинликдан сўзлар, башар авлодларидан кўнгли қолган ва ёлғизлик кўмсаган қалб ҳикоясини айтарди.

Инсон харсангга ўтирди, бошини кўлига тиради ва қаршисидаги хароботга қаради. У пастак, оромсиз буталарга, баланд ёввойи дарахтларга, гувиллаган садоларга тўла самога, бағри қонга беланган ойга қаради. Мен эсам сув лолалари орасида беркиниб, инсоннинг нима қилишини кузатардим. Инсон ёлғизликдан титрарди; лекин тун охирлаб борар, у ҳамон қояда ўтирарди.

Инсон самодан нигоҳини олди ва кимсасиз, ташландиқ Заҳира дарёсига, унинг жонсиз, заъфарон сувларига ва қонсиз сув лолаларининг лак-лак қўшинига қаради. Инсон сув лолаларининг хўрсинишига, уларнинг тинимсиз шивирига қулоқ солди. Мен эсам яширинган жойимдан уни кузатардим. Инсон ёлғизликдан титрарди, тун охирлаб борар, у ҳамон қояда ўтирар эди.

Ана шунда мен жарлик тубига тушиб, ботқоқзор орасидаги оролчаларда яшайдиган гиппопотамларни чорладим, улар овозимни эшитиб, ўзларининг бегемоти — сув оти бошчилигида қоя этагига етиб келишди, ой нурида ўтирган инсонга қараб даҳшатли бўкириб, шовқин кўтаришди. Мен гуллар орасида яширинганимча одамни кузатардим. Инсон ёлғизликдан титрарди, тун охирлаб борар, у эса ҳамон қояда ўтирарди.


Ана шунда мен борлиқ табиат қудратларини ёрдамга чорладим; ҳалигина шабада қилт этмаган самода бўрон бошланди. Бўрон қаҳри-ғазабидан осмон қорайиб кетди; ёмғир, жала ёғиб, инсонни савалашга тушди, дарё азобдан мавжланиб, қирғоқларидан тошди; сувлари сув лолалари изтиробдан дод-фарёд кўтарди; дарахтлар бўрон зарбига дош беролмай ағдарила бошлади; момақалди-роқ гумбирлаб, чақмоқ чақиб, тоғ қояси замин-заминигача чайқалиб кетди. Мен яширинган жойимдан инсонни кузатардим. Одам ёлғизликдан титрарди; тун охирлаб борар, у эса ҳамон қояда ўтирарди.


Ана шунда мен қаҳрландим ва борлиқни «Сукунатга бот!» деб лаънатладим; дарё ва буталарни, шамол ва ўрмонни, осмон ва момақалди-роқни, хўрсинаётган сув лолаларини сукунат номи билан, кунпаякун бўл, деб лаънатладим. Борлиқ лаънатга учради ва сукунатга чўмди. Ой осмон сўқмоғидан тирмашиб чиқишини бас қилди, момақалди-роқнинг уни, чақмоқнинг олови ўчди, булутлар ҳаракатсиз осилиб қолди, тошқин ўз қирғоқларига қайтиб, тошдай қотди, дарахтлар чайқали-ши тўхтади, сув лолалари бир-бирларига бош ирғамай, хўрсинмай, шивирламай қолишди, улкан, ҳайҳотдай, ҳудудсиз саҳрода ғинг деган товуш эшитилмай қолди. Шунда мен қояга қарадим ва ундаги «**СУКУНАТ**» деган ёзувни ўқидим.

Сўнг Инсон чеҳрасига қарадим. Даҳшатдан унинг юзи оқариб кетди. Шошиб бошини кўтарди, бор бўйи тикланди ва борлиққа қулоқ тутди. Аммо бепоён, ҳудудсиз саҳрода тиқ этган товуш йўқ эди, қояда эса «сукунат» деган ёзув бор эди. Инсон саросимага тушди, орқага бурилди ва қояни ташлаб кетди; ўшандан буён мен уни кўрмадим».

Темир занжирли муқоваларда сақланиб қолган қадимги кароматгўй — волхвларнинг қайғули китобларида ажойиб-ғаройиб ҳикоятлар бор. Ана шу китобларда Ер ва Осмон, буюк тўфон тарихи ҳақида, денгиз ва уммонларни, Ер ва Осмонни эгаллаб олган Жинлар тўғрисида ажойиб гаплар бор. Сивиллаларнинг муқаддас эман япроқлари шивир остида айтган ҳикматларини қадимгилар жон қулоғи билан эшитишарди. Лекин, худо ҳаққи, ҳаммасидан ҳам Иблис қабр тоши соясида менга айтиб берган ҳикоят жуда-жуда қизиқ ва ғаройиб кўринди! Иблис ҳикоясини тугаллади ва очиқ гўрга тушиб, қаҳқаҳа урди. Мен эсам Иблиснинг кулгисига қўшилмадим. У мени лаънатлади. Чунки мен унга қўшилиб кулмадим. Гурда абадий яшовчи сиртлон ташқарига чиқиб, Иблиснинг оёғи остига чўзилди ва унинг юзига тикилиб қолди.

Рус тилидан **Маҳкам МАҲМУДОВ** таржималари





Саид Аҳмад

Устоз запозил

Абдулла Қаҳҳор ҳақида хотиралар

Бундан эллик йил олдин энди ўн олти ёшга кирган ғўр бола эдим. Ҳар куни бир касб танлардим. Артист бўлсаммикин, деб Ҳамза театрининг остонасида кунни кеч қилардим, рассом бўлсаммикин, деб Ҳамдабий деган машҳур рассомнинг устахонасини супуриб, ҳар хил сувратлар чизардим. Рассомлар мактабига кириб, бирон йил ўқиб ҳам кўрдим. Кал Одил деган фотографга шогирд тушиб хизматини қилдим. Доктор бўлсаммикин, деб медтехникумда озроқ таълим олдим. Қурилиш техникумига қатнадим. Солиҳ дорбознинг арқонларини судраб юрдим. Бу ҳам етмагандек, Карим қизиққа тақлид қиламан, деб бетимга минг хил бўёқлар суртдим.

Қайси касбни танламай, сал кунда ундан кўнглим совиб, бошқа касб пайига тушардим.

1936 йили кўлимга Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялар китоби тушиб қолди. Ўқиб кўрдим... Яна ўқидим. Ўқийвердим. Бирдан ёзувчи бўлиш ҳаваси дилимга тушди. Ёзиб кўрдим. Сира ҳикояга ўхшатолмадим. Э, бу ҳам бўлмади, деб қаламни улоқтирдим. Эртасига яна ёзувчи бўлгим келаверди. Яна ёздим. Яна бўлмади, индинига яна ёзувчи бўлгим келди. Бу галги қарорим қатъийроққа ўхшади. Кечаси ҳам, кундузи ҳам ёзавердим. Беш-ўн кун машқ қилгандан кейин, энди ёзувчи бўлдим деб, «Ишқивоз» деган ҳикоямни кўлтиқлаб, «Муштум» журнали редакциясига бордим. Уша пайтларда жуда машҳур бўлган фельетончи Комил Алиев журналда ишлар экан. Ҳикоямни ўқиб туриб, тез-тез менга қараб кўярди. Охири ўқиб бўлгандан кейин папирос тутатиб, тутунини осмонга пуфлади-да, менга синовчан тикилиб қолди.

— Агар манави иккита журнални Ғафурнинг уйига обориб берсанг, ҳикоянгни яхшилаб тузатиб бераман, — деди.

Ғафур Ғуломнинг шеър ва ҳикояларини ўқиган эдим. Хўп дейиш ўрнига, Абдулла Қаҳҳорга обориб берадиган нарсангиз йўқми, деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман.

— Журналнинг бу сонида Абдулланинг нарсаси йўқ. Ғафурники бор. Оборасанми?

Мен ҳўп дедиму, иккита журнални қўлтиқлаб йўлга тушдим. Ғафур Ғуломнинг уйи қайдалигини биламан. Икки марта орқасидан эргашиб, қорама-қора юриб уйига ча боргандим.

Ғафур Ғулом уйда экан. Деворга тираб қўйилган велосипедга қараб ниманидир ўйлаб турарди. Нима учун келганимни, ким юборганини айтдим-да, иккита «Муштум»ни кўлига бердим. Йўлда кетаётганимда журнални варақлаб кўргандим. Унда Ғафур Ғуломнинг «Довдираш» деган қиссасининг бошланиши босилган эди. У қўлимдан журнални олдию шошиб кўзўянагини тақаркан:

— Ҳой бола, ғилдиракка қиттайгина ел уриб юбор, — дея сура даҳанига ўтириб ўқишга тушди. То ғилдиракка ел бергунимча терлаб кетдим.

— Комил ака давомини бериб юборсин, деб тайинлаган эдилар. Жуда зарур экан, — дедим юзимдан терни артарканман.

— Э, шунақа демайсанми, — деди Ғафур ака ва жадал уйга кириб, арабча ҳарфда чиройли қилиб ёзилган тўрт-беш саҳифани буклаб қўлимга берди.

— Йўқотиб қўймайсанми? Эҳтиёт бўл, бола!

Қўлёмани олдиму орқага қайтдим. Трамвайда, бир чеккада ўтириб, қўлёмани ўқий бошладим. Жуда қизиқ экан. Афсуски, бошида нима бўлишини билмас эдим.

Келсам, Комил Алиев ҳикоямни таҳрир қилиб, машинкадан чиқазиб қўйган экан. Ё тавба, ҳақиқатан ҳам шунақами ё севинганимдан шунақа туйилдими, ҳикоям Абдулла Қаҳҳорниқидан ҳам, Ғафур Ғуломниқидан ҳам зўр чиқибди.

Ордан йигирма кунлар ўтиб, журналда бир бет бўлиб ҳикоям чиқди. Қиоскадан беш нухса сотиб олдим. Уртоқларимга тарқатиб, яна бешта олдим. Эртасига яна олдим. Соцларимни «поправка» қилиб, галстук тақиб, кечаси билан тўшак тагига бостирилган шимни кийиб кўчага чиқдим. Назаримда, ҳамма, ана, ёзувчи келяпти, деётганга ўхшарди. Юрганда оёғим ерга тегмаётгандек. Гапларим ҳам ғалати. Биров билан гаплашганимда ҳар бир сўзнинг охирига «нинг» қўшиб гапираман. Масалан, «Овқатнинг едингизми?», «Товуқнинг ҳайданга», «Газитнинг ўқинг» деб гапира бошладим. Биров кулади, биров шунақа бўлса керак, деб эътибор бермайди. Илҳомим жўш уриб, ҳар кун биттадан ҳикоя ёзаман. Журналдаги ҳикоямни бошқа редакциядагилар ҳам ўқишган экан, оборган нарсамни тўхтатмай босадиган бўлиб қолишди. «Ёш ленинчи»да «Дайди ошиқ», «Чарлстон», «Муштум»да «Севинчи» деган ҳикояларим босилди. Бир-икки ой ичида китоб қилса бўладиган ҳикоя йиғилиб қолди. Тўплаб нашриётга обордим. Уша пайтда нашриётда китоб чиқариш имкони бор экан. Уч ой деганда «Тортиқ» деган китобим босилиб чиқди.

Ёзувчилар союзи атрофида ўралашадиган бўлиб қолдим. Одамлар билан: «ёзувчи Саид Аҳмад» деб кўришаман. Тошкентда нечта китоб дўкони бўлса, ҳаммасидан беш-ўнтадан сотиб олавердим. Тарқатдим. Ўзимдагилар эскиб қолаётгандек, яна янгисини олардим. Шундай қилиб, учиб-қўниб бирон йилни ўтказдим. Бирданига бошимга чақмоқ урилгандек гангиб қолдим. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида китобим тўғрисида Абдулла Қаҳҳорнинг мақоласи босилибди. Уқиб, кўзларим тиниб кетди! Бошим айланиб, ўтириб қолдим.

Абдулла Қаҳҳор китобдаги биронта ҳикояни кўнгил учун ҳам дуруст демаган. Ҳаммасини бракка чиқарган. Кошки эди, айтадиган гапларини илиқ-иссиқ қилиб айтган бўлса, ачитиб-ачитиб айтган.

Ҳозирги савиям билан ўқисам, у кишининг айтган гаплари юз фоиз ҳақ эканига тан берардим. Аммо мен ўша пайтларда ғирт гўдак «ёзувчи» эдим. Адабиёт ҳақидаги илмим Ғафур Ғуломнинг тўртта, Абдулла Қаҳҳорнинг олтига ҳикояси берган илм эди. На роман ўқиганман, на адабиёт назариясини биламан. Қизиқ бир воқеани олиб, охирида қизиқ қилиб тугатсам ҳикоя бўлади, деб ўйлардим. Мақолани ўқиганимдан кейин ҳар хил ўйларга бордим. «Абдулла Қаҳҳор мени кўролмайди: ўзидан ўтиб кетишимни хоҳламаяпти, икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас», деб шуни айтишади-да, деб ўйладим.

Нашриёт кассасидан пул олгани борган эдим. Абдулла Қаҳҳор ҳам журналдаги ўша мақоласига пул олаётган экан, аччиқ-аччиқ гапириб бир аламдан чиқайми, деб ўйладим.

— Домла, — дедим. — Уша мақолага неча пул берипти? Ўзимга айтсангиз кўпроқ берардим-ку, — дедим.

Абдулла ака менга бошдан-оёқ қараб чиқди, нимадир демоқчи бўлиб ўйланиб қолди, кейин индамай кетаверди. Унинг жавоб бермаганидан икки маъно англадим. У ё «нодон» деди, ё «шу эси йўқ бола билан талашиб ўтираманми, садқайи гапим» дегандек эди.

Бир йилга яқин ҳеч нарсә ёзолмадим. Қўлимга қалам олишим билан кўзимга домланинг чимирилган қоши кўринаверади. Шундай алам ўтгандики, сира-сира чидаёлмасдим. Ҳатто, бирон мажлисда битта-яримта ҳикоясини танқид қилсамми-

кан, деб ҳам ўйладим. Аммо нима деб танқид қиламан? Бунга қанақа асос топаман? Домла икки ямлаб бир ютиб қўяди-ку.

Уша кезлари домлани жинимдан ҳам ёмон кўрардим. Илгарилари бўлар-бўлмасга атрофида ўралашавериб, кунига етти-саккиз марта салом берардим. Энди рўпара келганда салом бермай, индамай без бўлиб ўтиб кетавераман. Менинг бу қилиғимга Абдулла ака мийиғида кулибгина қўяқоларди.

Профессор Муҳаммадҷон Урозбоев бизга почта бўларди. Унинг тўйида Абдулла ака билан учрашиб қолдим. Домла кўк чой ичар экан. Менга чой буюрган эди, суяқ қилиб памилчой дамлаб келдим. Атайин шундай қилганимни домла сезди. Бошқа одамга айтиб, кўкчой дамлатиб ича бошлади.

Абдулла ака менинг гўдакларча жириллашимга эътибор бериб юрган экан. Уша тўй куни ёнига қақриб насихат қилди.

— Сиз ғалати одам экансиз-ку. Шу билим, шу савия билан ёзувчи бўламан деб юрибсизми? Биронта роман ўқимай, адабиёт назариясини мутлақо билмай, атрофда бўлаётган воқеаларни таҳлил қилмай ёзувчи бўлмоқчимисиз? Ўқинг, кўп ўқинг. Чеховни ўқинг, Мопассанни ўқинг, Шchedринни ўқинг. Русча биласизми? Ана, билмайсиз. Маълумотингиз ҳам ўрта экан. Шеърда бахши бўлиб ўрта маълумот билан кун кўрса бўлар-ку, аммо прозада бахшилик кетмайди. Ҳатто кўчалардаги вивескаларни, кино афишаларини ўқиб русчани ўрганса бўлади. Майли, ёзинг. Аммо ўйлаб ёзинг. Ёзганларингизни менга опкелинг. Ўқиб, қўлимдан келганча тушунтириб бераман.

Уша кундан бошлаб икковимиз яқинлашиб қолдик. Нимаики ёзсам, олиб бораман. Домла, бўлмайди, деб қайтиб беради. Етти-саккиз марта шундай қилгандан кейин домладан ҳафсалам пир бўлди. Бўлмайди, деб қайтиб берган ҳамма ҳикояларни уёқ-буёғини сал-пал тузатиб, газеталарга чиқаравердим. Ҳаммага ёқади. Аммо домлага ёқмайди.

Абдулла аканинг ўзи ўша кезларда ниҳоятда гўзал ҳикоялар ёзарди. Ўқиб қойил қолардим. Қандоқ қилсам ўшаёнақа ҳикоя ёзаман, деб ўйлардим. Чеховнинг ҳамма китобларини йиғиб келдим. Ҳижжалаб ўқидим, барибир ҳеч нарсага тушунмадим. Русча билмагандан кейин нимасига ҳам тушунардим.

Қирқинчи йилларнинг бошида Абдулла Қаҳҳор Чехов ҳикояларини таржима қила бошлади. Пеш чиққанини пеш ўқийман. Ҳикоя қанақа бўлишини ўшанда билганман. Аммо меники сира уникига ўхшамасди. Чехов таъсирими ё кўп ўйлаганимданми, бир зўр ҳикоя ёздим. Очиғини айтсам, жумлаларини ниҳоятда чийратма қилиб юбордим. Персонаж тили худди ўзига мос, табиат манзаралари ҳам аниқ, ҳолат худди ўзи олдингизда тургандек.

Абдулла Қаҳҳорни бир қойил қолдирай, деб қўлтиқлаб журнал редакциясига бордим. Абдулла ака ишлаб ўтирган экан. Ҳикояни қўлига бердим. У қўлёзмани варақларкан, пичинг қилди:

— Яна ўша илгаригидақа чала-чулпа ҳикоями?

— Ўқиб кўринг-чи, қойил қоласиз, домла.

— Бўлмасам, бир айланиб келинг, ўқиб қўяман. Бировнинг олдида ўқийман. Айниқса, сизнинг нарсангизни ўқиётганда оғзимдан бирон ноҳўя гап чиқиб кетса, хафа бўласиз.

Ёзувчилар союзи ҳозирги Сулаймонова кўчасида эди. Журнал союз биносининг икки хонасига жойлашганди. Ҳовлига чиқиб, ўқиб бўлишини кута бошладим. Назаримда, Абдулла ака ҳикоянинг ҳар бир жумласини ҳаяжон билан ўқиётганга ўхшайверди. Ҳикояда ер қимирлашдан қўрқадиган одам тасвирланган эди. У ҳамма вақт ана зилзила бўлади, мана зилзила бўлади, ҳаммани ер ютади, деб ташвишланади. Ҳикоя қаҳрамони уйланмаган, оила қурмаган. Барибир зилзила бўлса ҳаммаси йўқ бўлиб кетади, деб ўйлайди. Унинг эртадан умиди йўқ. Емиш-ичишни ҳам бир кунлик харид қилади. Ҳовли-жойига ҳам қарамайди. Эртага зилзила бўлса оворагарчиликнинг нима кераги бор, деб ўйлайди. Ҳикоя нима билан тугаши ҳозир эсимда йўқ. Хулласи, жуда бошлаб ёзганман. Ҳозир кирсам домла бағрига босиб табриклайди. Етук ёзувчи бўлганингиз кутлуғ бўлсин, дейди. Ана шундай хаёллар билан банд эканман, домла папирос чеккани ҳовлига чиққанини билмай қолибман.

— Шоир, ҳикоянгиз стол устида турипти. Индамай олиб кетаверинг. Бўлмайди, — деди.

Ҳазиллашяпти деб ўйлаб кабинетга кириб, стол устида турган ҳикояни қўлимга олдим. «Зилзила» деб сарлавҳа ёзилган жойнинг тағига: «Ҳикоя қаҳрамони жинни. Рухий касал одам. Адабиётга жинниларни масҳара қилиш ҳуқуқи берилмаган» деб ёзиб қўйибди. Ўқидиму оёқларим қалтираб кетди. Бўшашиб ҳовлига чиқдим. Домла скамейкада хотиржам ўтириб папирос чекарди. Унга нима дейишни билмайман. Безрайиб қараб турибман.

— Домла, — дедим алам-изтироб билан. — Шуни ҳам ёмон дедингизми-а? Наҳотки бирон жойи сизга ёқмади?

— Утиринг, — деди у ёнидан жой кўрсатиб, — ҳикоянгиз менга мутлақо ёқмади. Аммо бир нарсадан жуда хурсанд бўлдим. Ҳикоя ёзиш техникасини пухта ўрганибсиз. Жумлаларингизга, диалогларингизга, қаҳрамон портрети тасвирига қойил қолдим. Аммо нимани ёзишни ҳалиям билмайсиз. Хулосаларингиз чатоқ. Айтадиган гапингизнинг тайини йўқ. Ҳикояни нима мақсадда ёзгансиз, билиб бўлмайди. Ёзишдан аввал нима демоқчиман, деб мақсадни аниқ билиб олиш керак. Сизда мутлақо мақсад йўқ. Қани энди илмингиз бўлса, адабиётнинг буюк мақсадларидан бохабар бўлсангиз, катта ёзувчи бўлиб кетардингиз. Ҳали ҳам кеч эмас, ўқинг. Олий мактабга кириш. Ёзишга қўлингиз жуда келишади. Тилни биласиз. Озроқ рассом бўлганингиз иш берипти. Персонажлар портретини аниқ чизапсиз. Тасвирларингиз рангли. Афсус, илмингиз йўқ.

Домладан аразлаб, уч-тўрт ой кўринмай юрдим.

Қаттиқ хафа бўлгандим. Умуман кўринмайман, деган ниятда эдим. Бирдан «Ёш Ленинчи» газетасида «Сароб» романи ҳақида икки подвал танқидий мақола босилди. Мақола романини мутлақо яроқсиз, ҳатто зарарли асар деб баҳолаганди.

Гапнинг очиғини айтсам, «Сароб» менинг энг севиқли китобим эди. Бу китоб мени адабиётга бошлаб кирган устозим эди. Менинг учун гўё бутун дунёда «Сароб»га тенг келадиган китоб йўқ. Уни ёмон дейдиган одамни бўғиб ташлашга тайёр эдим!

Мақола босилгандан уч кун ўтиб, СССР Фанлар Академиясининг Ўзбекистон филиали ҳовлисида муҳокама мажлиси бўлди. Муҳокамага жамики катта ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, юздан ортиқ китобхон келган. Кўпчилик жой тегмаганидан тик туриб қолган эди.

Ҳозиргидек эсимда. Ҳаво иссиқ. Муҳокама бўлаётган ҳовлининг орқасида катта дарахтзор боғ бор (ҳозирги Гагарин парк). Шу пайт бирдан булбул сайраб қолди. Одамлар булбул наъмасидан завқланиш ўрнига барабар кулиб юборишди. Роман қаҳрамони Саидийнинг қайнонасини автор Булбулигўё деб тасвирлаган. Президиумда ўтирган Ғафур Ғулوم: «Ана, мақола булбулгаям, Булбулигўёга ҳам ёқмапти», деб юборди. Яна кулги бўлди.

Бир адабиётшунос (у кишининг номларини айтмайман, кейинчалик бу фикрларидан қайтганлар), «Абдулла Қаҳҳор миллатчи Саидий орқали ўз ўтмишини ёзган, у ўз турмушига тупуриши керак эди», деб даъво қилди. Бу гап ҳеч кимга ёқмади. Ғафур ака, «ҳой-ҳой, оғзинга қараб гапир, ука», деб танбех берди.

Сўзга чиққанларга ҳадеб луқма ташлаб ўтирган мақола автори Ҳ. Мусаевнинг қилиқларига ғаш келган Ғафур ака қайириб ташлади.

— Менга қара, укам. Битта саволимга жавоб бергин: сунбул деб нимани айтади?

Ҳамма жимиб қолди. У жавоб беролмасди. Билса ҳам эсанкирадими ё чинакамига сунбулнинг нималигини билмайдими, ҳарқалай, жавоб беролмай, ўсал бир ҳолатда жойига ўтирди.

Рақиби паст келган пайтларда Ғафур ака жуда бийрон бўлиб кетарди. Урнидан туриб энди бизга навбат, дегандек, президиум столининг олдида чиқди.

— Романи мен ҳам ўқиганман. Ўқиганда ҳам маза қилиб, яираб-яйраб ўқиганман. Битта-яримта жузъий нуқсон бўлса бордир. Лекин халқ севиб ўқиётган яхши бир китобга сиёсий айб қўйиб, ўқувчини чалғитиш яхши эмас. Бунақа танқид адабиётга фойда эмас, зарар келтиради. Ундан ташқари укажон, сунбулнинг нималигини билмайсан-у, романга баҳо берасанми? Бу мақола хато. Гапим тамом!

Муҳокама охирида Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига сўз берилди, айтилган гапларга ортиқча ҳаяжонланмай, босиқлик билан ўз муносабатини билдира бошлади. Аммо «Абдулла Қаҳҳор ўз ўтмишини ёзган, у ўз ўтмишига тупуриши керак эди», деган гапга жавоб қайтараётганда бир оз қизишиб кетди:

— Мен бир темирчининг ўғлиман. Болагим дам босиш билан ўтган. Комсомол тарбиясини кўрганман. Менинг тупурадиган ўтмишим йўқ. Оғзимда қанчаки тупук йиғилиб қолган бўлса, шу гапни айтган одамнинг башарасига тупураман!

Муҳокамада кўпчилик Абдулла ака томонига ўтди, «Сароб» яхши асар деб баҳоланди.

«Сароб»нинг оқланишига Абдулла акадан кўра мен кўпроқ севишган эдим! Орадани сал вақт ўтиб энг яхши бадий асарлар учун эълон қилинган республика конкурсида, Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи билан «Сароб»нинг мукофотга сазовор бўлиши кенг китобхонлар олдида Абдулла Қаҳҳорнинг юзини ёруғ қилди.

«Сароб»дан икки нусха сотиб олгандим. Биттасини қўлимдан қўймай ўқирдим. Бу нусхада ўзимга ёққан чиройли жумлалар, ўхшатишлар, ҳолатларнинг тагига чизиб қўйгандим.

«Мухторхондан офтобда қолган чўмичнинг ҳиди келади, у ўпганда

калтакесакнинг чирқиллашига ўхшаган товуш чиқади», «Муродхўжа домланинг пешонаси янги мойлатилган қизил этикнинг тумшугига ўхшарди», «Сиз Москвани кўрмаганиз. У ёшлигимизда чойқутилар устида сувратини кўрганимиз Москва эмас...»

«Саидий Мунисхоннинг ёнида юриб, кечаси чироғ билан юрган кишидай бўлиб қолди: у ҳеч кимни деярли кўрмайди, уни ҳамма кўради», «Муродхўжа домла ўзининг юриши билангина эмас, бошқа яна бирмунча сифатлари билан ҳам ўрдакка ўхшайди. Урдакнинг уч хислати бор: ҳавода — учади, ерда — юради, сувда — сузади. Домла мактабда — муаллим, қишлоқда — ер эгаси, меҳмонхонасида, гарчи ошкора бўлмаса ҳам, — савдогар», «...У ўтираётди «ҳи» деди-да, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, Саидийга «сиз товуксиз» деди». «Ёқубжон ҳамма вақт бир нарса демоқчи бўлса аввал шундай бир нотайин ва кўпинча совуқ гапни айтиб, изоҳини кечиктиради. Буни ҳамма, жумладан Саидий ҳам билар эди. У то изоҳ бергунича Саидий товук бўлиб туратурди».

Бир вақтлар мен «Сароб»ни ёддан айтиб бераолардим. Сўзма-сўз, жумлама-жумла, бирон сўзини тушириб қолдирмай айта олардим. Мана, романини ўқиганимга қирқ тўққиз йил бўлди. Юқорида мисолга келтирганим жумлаларни китобга қарамай ёзгандим. Баъзи жумлаларда сўзлар жойини алмаштириб юборган бўлсам, ҳурматли ўқувчилардан узр сўрайман.

Мен умуман Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларимни бирон ҳужжатга қарамай, мисолларни китобдан кўчирмай жонлантормоқчиман.

Ўттиз беш йил орқасидан соядек эргашиб юриб, эллик йил китобини қўлдан қўймай ўқиб, сафарларда ҳамроҳ бўлиб, ҳаётида юз берган ҳам қувончли, ҳам кўнглисиз дамларга гувоҳ бўлиб юрганимдан хотирамда ҳамма-ҳаммаси муҳрланиб қолган экан.

Хотираларимни адабиётшунос олимлар Қаҳҳор ҳақидаги илмий ишларига бир ҳужжат деб билсалар асло хато қилмаслар.

Ушбу сатрларни унинг боғида, менга ундан мерос бўлиб қолган боғининг айвонида ўтириб ёзгандим. Ҳамма воқеалар кўз олдидан ўтапти. Бу айвонда тонготар суҳбат қурган Ҳабиб Абдуллаев, Хадича Сулаймонова, Константин Симонов, Берди Кербобоев, Муҳаммаджон Урозбоев, Фафур Фулом, Халил Раҳматуллин, Собит Муқонов, Алексей Сурков, Степан Шчипачев...

Шу топда мен ана шу буюк алломалар, адибу удаболар даврасида ўтирган-декман. Овозлари қулоғим остида жаранглаб турибди. Абдулла ака меҳмонлар билан гоҳ қизғин баҳсга киришади, гоҳ назокат билан меҳмоннавозлик қилади.

У жуда чиройли куларди. Кулгиси ҳам ҳикоялари каби қисқа ва маъноли эди.

Устозни эслаб қўлимга қалам олдим, хотираларни ўзи ўргатгандек, ўзи таълим бергандек қисқа ва ифодали ёзишга ҳаракат қиламан.

II

Минг тўққиз юз эллик еттинчи йилнинг ёз кунларидан бирида Абдулла ака «Муштум» редакциясига кириб келди.

— Ишни вақтлироқ тугатинг, шоир, боққа кетамиз. Кибриё Самарқандга, Аний куёвниқига кетган, — деди. — Саидага, бугун келмайман, деб телефон қилиб қўйинг.

Саидахон ўша пайтда «Совет Ўзбекистони маданияти» газетасида ишларди. Телефон қилиб, розилигини олдим.

Абдулла аканинг бирон зарур гапи бўлса керак, деб ўйладим. У кишининг «Победа» машинасида боққа қараб йўл олдик.

Абдулла ака рулда. Мен ёнида ўтирибман. Орқа ўриндиқда Абдулла аканинг эллик йиллик юбилейига атаб чиқарилаётган уч томлик «Танланган асарлари»нинг биринчи томи.

Жуда ҳавасим келди. Қаранг, ўз машинасида ўз боғига кетяпмиз. Орқада биринчи томи. Кўксида «Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати», «СССР Давлат мукофоти лауреати» деган нишонлар. Мен ҳам шунақа мартабага эришармиканман, деган гап кўнглимдан ўтди.

Орадан қанча йиллар ўтиб, менинг ҳам бир томлик «Хазина» деган китобим босилиб чиқди. Кичикроқ бўлса ҳам «Москвич» машинали бўлдим. Атайлаб Абдулла аканинг уйига бориб, юринг, гап бор, дедим.

Одатда нимага, қаёққа, деб суриштирадиган Абдулла ака жиддий бир гап бўлди шекилли деб, индамай «Москвич»га чиқиб ўтирди. Абдулла ака ёнимда ўтирипти. Машина ўзимники. Орқа ўриндиқда бир томлик китобим.

— Домла, — дедим. — Эсингиздами, эллик ёшли юбилейингиз арафасида машинангизда боғингизга борганимиз. Ушанда уч томлигингизнинг биринчи томи орқада силкиниб келган эди. Жуда-жуда ҳавасим келганди. Мен қачон шунақа

бўламан, деб орзу қилган эдим. Мана, бугун сизчалик бўлмасам ҳам, ҳар қалай, ниятимга етдим.

Абдулла ака мулойим илжайди.

— Барака топинг. Одамзот ҳасад қилмаслиги керак. Ҳавас қилиши керак. Ҳавас қилган одам муродога етади.

Абдулла ака ҳавасли, инсофли одам эди. Мол, давлат кетидан қувмасди. «Синчалак» қиссаси рус тилида Москванинг «Знамя» ҳамда республикамизнинг «Звезда Востока» журналларида босилди. Икки тилда китоб бўлиб чиқди. Аммо «Шарқ юлдузи» журнаliga бермади. Нега ундай қиласиз, деб сўраганимда, одам боласида инсоф бўлиши керак. Бу журналда асари навбат кутиб ётган қанча ёзувчилар бор. Ушаларники чиқсин, деди.

«Синчалак» фильми учун ёзган сценарийсига жуда катта пулга шартнома тузилганди. Домла пулини ҳам олди. Боққа келсам, юринг, шаҳарга тушиб чиқамиз, деди. Киностудияга бордик, директордан шу пулнинг икки минг сўмини қайтариб олишларини талаб қилди. Директор, договорни Москвада тасдиқлашган, қайтариб олишга ҳаққимиз йўқ, дейишига қарамай бухгалтерияга кириб пулни топшириб, кассирдан тилхат ёздириб чиқди.

Қайтиб келаётганимизда нега ундай қилдингиз, деб сўрадим.

— Бошқа авторлар билан олти мингга шартнома тузишар экан. Нима учун менга саккиз минг беради? Бунақа пулга муҳтож эмасман.

Домла Москвага пленумларга борганда албатта ўша ерда таълим олаётган аспирантларга, студентларга баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатарди. Москвада ўқиб олим бўлиб келганлардан биттаси Абдулла аканинг «Синчалак» қиссасини асосиз танқид қилиб чиқди.

— Мана, — дедим Абдулла акага. — Шу нонкўрга ёрдам бергандингиз. Яхшиликка ёмонлик деб шунга айтадилар-да.

Абдулла ака бу гапимга қўшилмади.

— Нима, ўқиб олим бўлгандан кейин мақтасин, деб ёрдам берибманми? Илм олсин, муҳтож бўлмасин, деб ёрдам берганман. Энди ўз ақли, илми буюрган ишни қилаверсин.

Эллингичи йилларнинг охирларида уй-жойдан танқислик сезардик. Буни Абдулла ака билиб юрган экан. Бир куни мени чақириб, ер олиб берсам уй қура оласизми, деб қолди. Саидaxon билан маслаҳатлашиб жавоб беришимни айтдим. Эртасига Саидaxon билан икковимиз ғамхўрлиги учун Абдулла акага миннатдорчилик билдиргани уйига бордик. Устоз машинасига ўтқазиб, ишчилар шаҳарчасидаги Янгиариқ кўчасидан ер кўрсатди. Жой бизга ёқди. Кейин билсак, бу жой Абдулла акага ажратилган экан. Шаҳар советига мени етаклаб бориб, номимга қарор чиқаздириб берди. Шу жойга уй қурдик. Дарахт экдик. Эккан гилосимиз нишонига биттагина ҳосил қилди. Пишганда узиб, оппоқ қоғозга ўраб Абдулла акага олиб бордим...

Нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасига Абдулла ака сабабчи. У кишига берилган ерга уй қурдим. Меҳр қўйиб парвариш қилган боғини ҳам менга ташлаб кетди. Ҳозир шу боғда устоз чироғини ёқиб ўтирибман.

Илгаригидек, худди Абдулла Қаҳҳор ҳаёт пайтидагидек бу боғдан ижод аҳлининг қадами узилмайди. Шоирлар, ёзувчилар, келишади. Ва албатта Абдулла ака тўғрисида, унинг ажойиб таланти тўғрисида соатлаб гап бўлади.

Бу боққа келиб, у кишини ёдга оладиганларнинг ҳаммаси устоз ҳимматини кўрган ижодкорлар.

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаров эндигина қўлларига қалам олиб ижод чорраҳасида ҳардамхаёл бўлиб турганларида устоз Абдулла Қаҳҳор уларнинг қўлларидан тутиб, ижоднинг нурли йўлига олиб чиққан эди. Бугунги етук шоир, ёзувчи бўлиб етишган бу ижодкорлар устозни ёдлаб боққа келишади.

Абдулла Қаҳҳор чинакамига сўз заргари эди. Кичик бир ҳикояси ҳам соат механизмидек аниқ деталлардан ташкил топарди.

Кремлдаги «Оружейная палата» музейида фил суяги ва биллурдан ишланган шаршара макети бор. Битта тугмани боссангиз, биллур худди шаршарадек ҳаракатга келади. Музей ходимининг айтишига қараганда, агар шу шаршара деталларидан бирини олиб қўйса, юзга яқин деталь сочилиб кетар экан. Уша шаршарани кўриб, Абдулла аканинг ҳикояларини эсладим. У кишининг ҳикояларидан биронта вергулми, сўзми олиб ташланса, ҳикоя сочилиб кетади.

Устоз асарларида ҳар бир сўз ўз ўрнида. Персонаж ҳолати ҳам, тасвирланган буюм ҳам, жумлаларнинг узун ё қисқалиги ҳам асар мақсадига аниқ хизмат қилади. Асарнинг биронта сўзига тегиб бўлмайди.

Мен тажриба учун устознинг «Ўғри», «Бемор», «Анор» ҳикояларидан баъзи сўзларни олиб ташлаб кўрдим. Бўлмади. Ҳикоя бир устунга олиб ташланган айвонга ўхшаб, лапанглаб қолди.

Олтмишинчи йилнинг йигирма саккизинчи апрель куни Абдулла акага кўрсатиш учун «Турналар» деган ҳикоямни олиб бордим. Ҳикоя у кишига ёқди. Бир жумлани ўчириб ташлаб, «ана энди яхши бўлди», деди.

— Э, яхши бўлмай ўлсин. Барибир битта бўлса ҳам ёқмайдиган жойи чиқди-ку, — дедим.

— Асарингиз бенуқсон бўлиб босилса қандоқ яхши. Битта сўз учун ҳам, битта жумла учун ҳам ёзувчи танқид бўронига учраши мумкин. «Тўлқинлар» деган ҳикоянгизни эсланг. Газетага бостирмасдан олдин менга бир кўрсатиб олганингизда бунақа бўлмасди.

Дарҳақиқат, «Тўлқинлар» деган ҳикоям «Совет Ўзбекистони»да босилгандан кейин Абдулла ака ўқиб, бош чайқаган эди.

— Биттагина жумла шундоқ яхши ҳикояни хароб қипти. Наҳотки ҳайвон учун одам ўлса. Одам одам учун ўлиши керак.

Ҳикояда колхоз раиси бўлган бир аёл селда қолган молларни қутқараман деб, дарёга чўкиб кетарди.

— Ҳикоянинг ҳамма жойи мукамал. Тили ҳам, тасвир ҳам, ҳолат ҳам ниҳоятда яхши. Манаман деган ёзувчи ҳавас қилса арзийдиган ҳикоя. Афсус, битта жумла шунча меҳнатни йўққа чиқазган.

Барибир устознинг бу гапидан ҳам дилим оғриди. У кишининг ҳақ эканликларини орадани уч-тўрт ой ўтиб тушундим. «Литературная газета»да Чингиз Айтматовнинг «Адабиётда инсонпарварлик» деган мақоласи босилди. Унда менинг ҳикоямдаги ҳайвон учун одам ўлиши ғайри инсонпарварлик деб баҳоланган.

Шунда зўр санъаткорлар бир хил фикрлашларига тан берганман. Абдулла ака нима деган бўлса, Чингиз ҳам худди шундай депти.

Олтмиш иккинчи йили союз боғида «Уфқ»нинг биринчи китобини тугатиш арафасида эдим. Кунлардан бир кун Абдулла ака, шоир, нима ёзлспиз, деб сўраб қолди. Мен роман ёзаётганимни, бугун-эрта тугатишимни айтдим.

Абдулла аканинг роман ёзишимга ишонмагани кўздан билиниб турарди. Унинг бу хил қарашига ғашим келди, бир кўрсатиб қўяй, деб кечаси билан ухламай романнинг қолган охириги бобини ёзиб тугатдим.

Эртасига, тушликдан кейин липа тагида ўтирганимизда Абдулла ака роман нима бўляпти, деб яна сўради. Тугатганимни айтдим.

— Қани бўлмасам, юринг буёққа.

Домла кетидан эргашиб, шийпонга чиқдим.

— Романда бўладиган воқеани эринмай бир айтиб беринг-чи. Чатоғи бўлса машинкага бермай тузатасиз.

Мен бир чеккадан айтиб бердим. Охирида Икромжоннинг қочоқ ўғлини тўқайда ов милтиғи билан отиб ўлдириши у кишига ёқмади.

— Зинҳор-базинҳор бундай қила кўрманг. Ўз боласини ўлдирган отани ўқувчи лаънатлайди. Одам ўлдирган киши ижобий қахрамон бўлолмайди. Йўқ, бошқа йўл тутинг!

Ҳайрон бўлиб қолдим. Қаёқдан ҳам домлага айтиб берибман. Ҳали битгани йўқ, деб қўяқолсам-ку бўларди-я. Энди қандоқ қилиб тузатаман? Роман бошидан Турсунбойнинг ўлимига тайёргарлик кўриб келганман, қанчалар деталлар, гаплар шу мақсадга бўйсундирилган. Яна бошқатдан ёзиб чиқаманми?

Кечаси билан ўйлаб чиқдим. Тузатишининг сира иложи йўқ. Бола ўладими, йўқми, отаси отиши шарт. Отмаса бўлмайди, роман бузилади. Тонготар пайти калламга ялт этиб бир фикр келди. Юзлаб саҳифаларни тузатмай, сўнгги саҳифаларни бошқатдан ёзмай, бир оғиз сўз билан устоз айтган гапни қилиш мумкин экан. Икромжон ўғлини отади. Аммо ўқ тегмайди. Шунда у «хайрият, тегмади», дейди. Вассалом.

Абдулла акани эрталаб йўқлаб чиқсам, шаҳарга тушиб кетган экан. Кечгача кутдим. Ўша куни боққа қайтиб келмади. Эртасига келиши билан романни қандай қилиб тузатганимни шошиб-пишиб гапириб бердим.

— Мана бу бошқа гап. Иккита сўз билан бир дунё иш қилибсиз! Энди сизга оқ фотиҳа бердим. Романни бира тўла босилиб чиққанда ўқийман.

Юриб эмас, учиб шаҳарга жўнадим.

«Шарқ юлдузи» журналида роман босилиб чиққанда анча вақтгача Абдулла акага кўринмай юрдим. Бу инжиқ одам албатта битта-иккита хато топади, деб рўпара келгани юрагим дов бермасди.

Абдулла ака «Муштум»га телефон қилиб, Саид Аҳмад келса, албатта менга учрашсин, деб тайинлаган экан. Бормай иложим қолмади. Шелковичная кўчасига бурилганимда юрагимни ваҳм боса бошлади. Эшик ёнбошидаги кўнғироқ тугмасини журъатсизлик билан босарканман, Абдулла аканинг чимирилган қошлари кўзимга кўрилиб кетди.

Хайрият, устоз яхши кутиб олди.

— Кўрқманг, романингиз жуда яхши. Ҳатто аъло деса ҳам бўлади. Менга жуда ёқди. Кўндан бери бунақа роман ўқимаган эдим. Утиринг, шоир. Гаплашамиз.

Оббо, дедим ичимда. Ёққан бўлса бўпти-да, яна нимасини гаплашарканмиз?

Чой устида романинг фазилатлари тўғрисида узоқ гапирди. Бу гаплар қулоғимга кирмасди. Қачон ўша «гаплашамиз»ни бошларкин, деб тоқатсизланаман. Асабларимни танбур симидек таранг қўйиб, ўша «гаплашамиз»ни бошлади.

— Охири чатоқ. Романда айтилган гапларнинг ҳаммаси бу боланинг ўлими билан яқунланаяпти. Бундоқ бўлмаслиги керак.

— Домла, роман журналнинг икки сонида босилиб, тарқаб бўлди-ку, нимасини тузатаман?

— Тузатинг деяётганим йўқ. Алоҳида китоб бўлиб чиқишига битта чиройли боб қўшинг. Икромжонни яхши кайфиятда бир кўрсатиб қўйинг. Уқувчи сал эркин нафас олсин.

Айтмоқчи бўлган гапини тушундим. Дарров хўп, деб ваъда қилдим. Уйга келиб ўйлаб-ўйлаб Икромжоннинг ёғоч оёғини ечиб қўйиб, Дилдорнинг ўғлини тиззасида олиб ўтирганини, болани онаси олиб кетганда тўнининг барида гўдак ҳиди қолганини, бу ҳиддан гангиганини ёздим.

Союз клубида қандайдир мажлис бўлаётган эди. Абдулла ака президиумда ўтирарди. Юраги сал безовта бўлди шекилли, менга бир буклоғлиқ қоғоз туширди. Уқисам: «Биринчи уйдаги вешалкада менинг пальтом бор. Шунинг чунтагидан калитни олиб, машинанинг кармашкасидан дорини келтириб берсангиз. Юрагим оғрияпти», — деган эзув.

Дорини олиб келиб, президиумга чиқиб қўлига бердим. Ёнидан жой кўрсатиб, ўтиринг, деди. Тилининг тагига валидол ташлаб бирпас жим ўтирди. Кейин сал чеҳраси ёришиб, романини нима қилдингиз, деб сўради. Ёзганимни олиб келган эдим. Қўлига бериб пастга тушиб жойимга ўтирдим. Икки кўзим домлада: Кўзойнак тақиб қўлёмамни ўқияпти. Юзидан ёққан-ёқмаганини билиб бўлмасди. Ҳаммаси бўлиб машинкада тўрт саҳифа бобни Абдулла ака шошилмай ўқиди. Охири қоғоздан бош кўтариб, бирпас ўйланиб туриб қолди. Кейин залдан мени қидириб майин илжайиб қўйди. Хайрият-э, деб юборибман!

Ёнимда ўтирган танқидчи Умарали Норматов, нимага унақа деяпсиз, деб сўраб қолди. Кейин айтаман, деб тирсагидан босиб қўйдим.

Мажлис тугагандан кейин Абдулла ака чиройли боб ёзганимни айтиб, бу китобни Ҳамза мукофотига қўйиш керак, деди.

Ўша кунни мен дунёдаги жамики ёзувчилар ичида энг бахтлиси эдим!

Қувончим танамга сиғмасди. Ёзувчилар союзида борганимда Абдулла ака билан учрашиб қолдим. У киши бир гап айтди. Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди.

— ТошДУнинг филология факультетида романингизни муҳокама қилишмоқчи. Бир-иккита қитмир олимчалар романини йўққа чиқозишмоқчи, ҳушёр бўлинг. Бунга йўл қўймаслик керак.

Нима қилишимни билмай ҳайрон бўлиб турган эдим, Абдулла аканинг ўзи менга далда берди.

— Хафа бўлманг. Муҳокамага мен ҳам бораман. Қани, улар билан бир беллашиб кўрайлик!

Муҳокама мажлисига табиатим тирриқ бўлиб бордим. Уч-тўрт кишининг романини бадном қилиш учун жиддий тайёргарлик кўргани билиниб турарди. Зал тўла одам. Студентлар ҳам, ўқитувчилар ҳам кўп. Йиғилган студентлар Абдулла акани асарлари орқали билишарди. Кўпчилиги ўзини кўрмаган, овозини эшитмаган эди. Студентлар шовқин кўтариб, муҳокамани Абдулла Қаҳҳор бошлаб берсин, дейишди. Факультет декани Абдулла Қаҳҳорга сўз беришга мажбур бўлди.

Абдулла Қаҳҳор ўзига хос қисқа-қисқа жумлаларда, аниқ ва таъсирли қилиб романинг фазилатларини гапирди. Роман бугунги ўзбек совет адабиётида ижобий бир воқеа деб баҳолади. У ўз фикрини романдан мисоллар олиб исботлаб берди.

Шундан кейин яна бир икки одам сўзга чиқиб романга яхши баҳо берди. Китобни бадном қилишга уринганлар қиличи синиб, қалқони тешилган сарбоздек бўшашиб қолишди. Сўзга чиқишга журъат қилолмай рўйхатдан ўз номларини ўчириб қўйишни сўрашди. Аммо баъзи танқидчилар ҳарқалай романга бир-иккита кесак отиб қолишди.

Шундай қилиб, устоз адиб аралашиб, «Уфқ»ни маломатдан қутқариб қолди.

Сал кун ўтмай роман Ҳамза номидаги Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. Шу муносабат билан Абдулла Қаҳҳор газетага роман номзодини қувватлаб бир мақола ёзди. Мақолада айтилган гаплар ўша муҳокама мажлисидаги нутқининг тартибга келтирилган нусхаси эди.

Ўша йили Ҳамза мукофоти ҳеч кимга берилмади. Бунга менинг китобим ва мақола ёзган Абдулла Қаҳҳор сабаб бўлганди.

Мақола «Яхши ёзувчиларимиздан Саид Аҳмаднинг «Уфқ» китоби тенгқурлари орасида ярқираб турибди» деб бошланарди.

Юқори лавозимда ишлайдиган бир ёзувчи ўртоғимизнинг романи ҳам «Уфқ» билан тенг ёзилган эди. Абдулла ака «тенгқурлари» деб ўша романга шама қилган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг номини ҳам эшитишни истамайдиган бу одам мукофот тақдирини ҳал қиларди. Шундай қилиб, «Уфқ» баҳона Асқад Мухтор ҳам, Шайхзода ҳам мукофотдан қолиб кетишди.

Барибир орадан ўн тўрт йил ўтиб, «Уфқ» шу мукофот билан тақдирланди. Афсуски, Абдулла ака мен лауреат унвонини олганимда оламда йўқ эди.

Устоз адиб ўзига хиёнат қилган одамни асло кечирмасди. Улардан нафратланарди. Уз тили билан айтганда, ўшанақаларни «бошидаги шапкасининг тугмасидан оёғидаги ботинкасининг учигача» ёмон кўрарди. Енгил-елпи хафагарчиликларни кечириб юборарди.

Умуман Абдулла ака тенги устозларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам эди. Бири ҳазилга мойил, бири ниҳоятда жиддий, бири бепарво, бири зукко.

Масалан, Ғафур ака катта-кичикка хафа бўлмасмикин, деб ўтирмай, ҳазил қилаверарди. Ҳазили оғир боғганини билса, эртасига уйига бориб бўлса ҳам узр сўраб, кўнглидан чиқазиб юборарди. Ойбек ака бачканаликни суймасди. Жиддий, доно гапларга ўч эди. Шайхзода бировдан хафа бўлганини сира сездирмай ичига ташларди. Миртемир ака олдин яхшилаб узр сўраб, кейин ҳазил қиларди.

Абдулла ака билан Ғафур ака кўпинча гапи-гапига тўғри келмай «жиқиллашиб» қолишарди. Иккови ҳам пичингга уста, гапни яхши мергандек аниқ мўлжалга урадиганлардан. Ғафур аканинг ҳазили меъёридан ошганда Абдулла ака «жирилларди». Абдулла аканинг ҳазили меъёрига етмаёқ Ғафур ака «лўлилик» қиларди. Шундай қилиб, улар бир-бирлари билан тез-тез аразлашиб, маълум вақтгача ораларидан «қора мушук» ўтиб, борди-келди қилмай юришарди.

Минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йилнинг тўққизинчи май куни ёзувчилар боғида маёвка бўлиши керак эди.

Ғафур Ғулوم негадир эрталаб соат тўққизлардаёқ боққа келиб олган эди. Ижодий уй ходимлари икки тул азамат липа тагига жой қилиш билан банд. Боғ директори Сергей Айрапетянц Ғафур акага дастурхон ёзиб, бир ликопчада янги чиққан қулупнай, яна бир ликопчада эртапишар гилос қўйди.

Уша кезларда мен боғда яшаб, Азиз Несиннинг ўзбек тилида чиқадиган ҳикоялар тўпламини таҳрир қилаётган эдим. Ғафур акага чой олиб келиб ёнига ўтирдим. У мен қуйиб берган чойни истар-истамас хўплаб, Абдулла Қаҳҳорнинг боғига ҳадеб қарайверди.

Бундан икки ой олдин Ғафур ака билан Абдулла ака гап талашиб, бир-бирлари билан аразлашиб қолишган эди. Абдулла аканинг айвонидан Маъмуржон Узоқовнинг лентага ёзиб олинган қўшиғи баралла эшитилиб турарди.

— Домланг нима иш қиляпти? — деб сўради Ғафур ака ногаҳон.

Ғафур акага алам қилсин деб, атайин ошириб гапира бошладим.

— Э, иш катта, домла. Маёвкага келган меҳмонлар кириб қолиши мумкин, деб дастурхонни ноз-неъматларга тўлдириб ташлаган. Қазӣ дейсизми, сомса дейсизми, ҳасип дейсизми, варақи дейсизми...

Ғафур ака қўл силтаб, гапимни бўлди.

— Мунча эзмаланасан! Гапни чўзмай тўғрисини айт. Мени ҳам дастурхонга қақирармикин?

— Билмасам, — дедим. — Аразлашиб қолгансизлар-ку. Чақирмаса керак.

Ана шу кейинги гапим мўлжалга бориб тегди. Ҳамма вақт, ҳар қандай тўкин дастурхоннинг азиз меҳмони бўлган Ғафур Ғулумдек бир одам буюқда қолиб, қаёқдаги «қаланғи-қасанғи ёзувчилар» меҳмон бўладими, деб ўйлаётгани шундоққина кўздан билиниб турарди.

— Чақирмайди-я, чақирмайди! — деди ўз гапи ўзига наша қилиб. — Минг йиллик қадрдоним бўлатуриб чақирмайдими?

— Шунақа экан нега аразлашасиз? Уришманг эди-да!

— Домлангни тили ёмон. Турган-битгани заҳар.

Ғафур ака шундай деятуриб, патнисдаги ликопчаларни дастурхонга зарда билан тўқди-да, қани тур, ол буни, деди.

Патнисни қўлимга бериб ўрнидан турди.

— Сен буни чирманда қилиб чаласан, мен ўйинга тушиб, боғига кириб кетаверамиз.

Мен патнисни черта бошладим. Ғафур ака ярим тожикча, ярми ўзбекча ашула бошлаб ўйинга тушди-да, боққа йўрғалаб кета бошлади.

Абдулла ака Тожикистоннинг Ашт қишлоғида, рафиқаси Кибриёхоним Самарқандда туғилган. Иккови ҳам тожикчани яхши билишарди. Ғафур ака атайин уларга тегажоглик қилиб шунақа ашула бошлаган эди.

**Қанд есанг киссамга-ё
Қандалатига қарзим бор.
Шер Абдулла жоно,
Шер Абдулла жон!..**

Ногаҳон ашуладан ҳайрон бўлиб, ичкаридан чиққан Абдулла ака шох ташлаб ўйнаб келаётган Ғафур акани кўриб кулиб юборди. У кичкинагина пичоқча билан апельсин арчиб турган эди. Ғафур ака атайин буралиб-буралиб шох ташлаб, минг хил муқомлар қиларди.

— Бўлди, бўлди, ярашдик. Уйинни тўхтат, жинни! — деди Абдулла ака. Ғафур ака ўйинни тўхтатмай, деди:

— Кечирдим деб айт. Бўлмаса, шу ўйнаганимча ўйнаб, қайтиб чиқиб кетавераман.

— Бўлди, кечирдим, — деди Абдулла ака.

Иккови қучоқлашиб кўришиб кетишди. Униси, вой соғинтирдинг-ку, деса, буниси кечадан бери тушимга кираётган эдим, деди. Ораларидан худди ҳеч гап ўтмагандек, апоқ-чапоқ бўлиб шийпонга чиқишди. Айтганимча, дастурхон ниҳоятда безатилган эди. Утиришди. Ғафур ака менга имлади.

— Ҳой бола, ишинг битди, энди сен кетавер.

— Нега кетарканман? — дедим. — Бу уйда мен ҳам меҳмон, сиз ҳам меҳмон. Кетмайман!

Шийпондан Чимён тоғлари аниқ кўриниб турарди. Ҳаво тоза, заррача ғубор йўқ. Девор тағларига экиланг смородина гуллаган. Ҳиди боғ ичида айланиб юрипти. Чирчиқ тарафдаги боғлар оппоқ гулларга бурканган. Шийпон шифтига уя қураётган икки қалдирғоч тинимсиз келиб-келиб турипти.

Икки дўст бир-бирини жуда соғинишган экан. Гаплашмаган гапи қолмади.

Икковининг сирлашадиган гапи бор шекилли, менинг ўтиришим малол келгандек, тез-тез қараб қўйишди. Ғафур ака жаҳл билан деди:

— Қанақа боласан? Единг-ичдинг, бўлди-да. Бор, Кибриёхонга қараш. Нима қиласан, ўзингдан катталарнинг гапига қулоқ солиб?!

Ғафур ака, қаттиқроқ гапириб юбордим, хафа бўлди, деб ўйлаб, гапнинг буёғини қизиқчиликка буриб юборди.

— Сен ҳам катта ёзувчи бўлганимда ёш ёзувчи шогирдларингга шунақа зарда қилиб, хумордан чиқарсан, — деб, бир қошини учуриб қўйди.

Уша куни икки дўст ҳиринг-ҳиринг кулишиб ўтиришди.

Соат ўн иккидан сал ошганда липа тагига одамлар йиғилиб бўлди. Яшин ака, Ғафур билан Абдуллани чақир, деб одам киритди.

Чиқиб кетишгаётганда Ғафур ака менга қараб: «Маза қилдинг-а,» деди. Мен нега маза қиларканман, деб ҳайрон бўлдим.

Маёвка жуда яхши ўтди. Санъаткорлар ҳам тақлиф қилинган экан, қўшиқлар авжга чиқди.

Ғафур ака давранинг гули бўлиб, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирди. Ашула айтди, ўйинга тушди, аскияга қўшилди. Бир қанча ёзувчиларга ҳазил шеърлар тўқиди.

Уша куни шийпонда икки дўстнинг бир-бирини ялаб-юлқаб ўтказган дақиқаларини эсдалик учун суратга тушириб қўйдим.

Китобларда, журналларда тез-тез босилиб турадиган икковининг суратини минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йили тўққизинчи май — Ғалаба куни плёнкага туширган эдим.

Уша куни кечкурун суратни ишлаб, қоғозга кўчириб Абдулла акага икки нусхасини бердим. Кейин шу сурат ҳақиқа битта китобингизни эсдаликка ёзиб беринг, деб сўрадим.

Абдулла ака китобини бермади.

— Биз ҳар куни кўришиб турадиган кишилармиз. Эсдалик ё узоқ одамга берилади ё ўладиган одамдан олинади. Ҳозирча тирикмиз. Эсдаликнинг ҳожати йўқ, — деди.

Бу гапнинг маънисига ўша вақтда тушунмаган эканман. Орадан беш йил ўтгандан кейин тушундим. Бир умр дилимда армон бўлиб қолган бу воқеани ҳаяжонсиз гапириб бўлмайди.

Кейин гаплашамиз.

III

Марҳум бўлиб кетган устозлар ҳақида хотиралар ёзарканмиз, биз ҳам шу зотлар сафида эдик, деган маънода иш тутмаслигимиз керак. Ғафур Ғуломлар, Ойбеклар, Абдулла Қаҳҳорлар олдида биз қўл қовуштириб турадиган шогирдбаччалар эдик. Шу устозларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир сатри мўътабар

дарслик бўлганини мутлақо инкор қилиб бўлмайди. Уларнинг обрўсига, тутган мавқеига шерик бўлишга, асло ҳаққимиз йўқ.

Абдулла Қаҳҳор ана шунақа иш тутадиганлар тўғрисида, «ўз фойдасини кўзлаб менга меҳрибончилик қиляпти», деб айтарди.

Хотирани бичиб-тўқимасдан, йўқ фазилатларни бор қилмасдан аниқ ва рост ёзиш керак.

Устозларимизнинг умри фақат минбарларда, олқишу гулдурос қарсақлар остида эмас, оддий бир инсон сифатида ғам-андух чеккан пайтлари ҳам, дилига озор берган дўстларидан ранжиган дамлари ҳам кўп бўлган.

Устоз Абдулла Қаҳҳор ўта таъсирчан одам эди. Жиндаккина илиқ гапдан кўнгли тоғдек кўтариларди. Кичкинагина ноҳақ гапдан пинҳоний азоб чекарди. Кўпинча у аламларини ичига ташларди. Шундай аламлар йиғилиб қолганда ҳаммасини жамлаб, қаҳр-ғазаб билан кўпчилик ўртасида тўкиб соларди.

Абдулла ака шодлигини ҳам, аламини ҳам оддийгина қилиб айтиб қўя-қолмасди. Фақат Қаҳҳоргагина хос бўлган, эшитган одам бир умр эсидан чиқазолмайдиган қилиб айтарди.

Яхшиликни билмайдиган бир ёзувчи тўғрисида шундай деган эди: «Бу одам тўнкарилиб қолган кўнғизга ўхшайди, ўнглаб қўядиганларнинг қўлини саситади». Журнал ёки газетани ўз савиясига мослаб олган редакторлар тўғрисида бундай деганди: «Редакция эшигини ўз бўйига мослаб қуриб олган, катта ёзувчилар бу эшикка сиғмайди». Талантсиз ёзувчилар тўғрисида: «Бу одам адабиётга эшикдан эмас, ўғри мушукка ўхшаб туйнукдан тушган», «Манавуниси кўнадан ўтиб кетатуриб, оёғи тойиб союз эшигининг ичкарасига йиқилган. Ҳалигача чиқиб кетмайди», «Ўзи ёзолмайди, адабиётда мен ҳам борман, деб мажлисларда овоз чиқазиб туради», дерди. Адабиётга ҳадеб аралашаверадиган баъзи бир лавозимли кишилар тўғрисида куйиб гапирарди. «Нима учун жарроҳга, беморнинг у еридан эмас, бу еридан кес, демайди. Нима учун учувчига, самолётнинг у мурватини эмас, бу мурватини бура, демайди, нима учун арқондаги дорвозга, манавунақа юриш керак, деб кўрсатмайди. Адабиётни осон иш деб ўйласа керак, ҳадеб, анавундоқ ёз, манавундоқ ёз, деб ўргатаверади».

Баъзан мажлисларимиз эзма нотиклар ҳисобига чўзилиб кетарди. Кўпчилик чекиш баҳонасида чиқиб кетарди. Абдулла Қаҳҳорга сўз берилиши билан ҳамма гур этиб яна залга кирарди. Уша йиғинда энг керакли гапни Абдулла ака айтарди. Айтганда ҳам ўзига хос, қаҳҳорона қилиб айтарди.

Абдулла ака фикрини ҳеч ким айтолмайдиган, ҳеч кимнинг эсига келмайдиган образли қилиб айтарди.

«Толстой бобонинг асарлари қазига ўхшайди, чайнаган саринг мазаси чиқаверади», деган гап ҳам Абдулла акадан қолган.

Ҳамза номидаги академик театрда бир пьеса қўйилди. Асар ҳеч кимга ёқмади. Абдулла ака бу тўғрида бундай деди:

— Бу асар театрни бой қилиши мумкин. Томошабиндан киришига ҳам, чиқиб кетишига ҳам пул олиш керак. Айниқса, томоша тугамасдан ташлаб чиқиб кетадиганлардан ҳар қанча сўрасанг беради.

Улмас Умарбеков ёшлар орасида кўзга кўриниб қолган ёзувчилардан эди. Республика газета-журналларида яхши-яхши ҳикоялари босиларди. Абдулла Қаҳҳор ҳам унинг ҳикояларини кузатиб юрган экан. Бир куни боғда айланиб юрганимизда, «Шу бола анча пишиб қолди. Келгусида дурустгина ёзувчи бўлади», — деди.

Союз секретариатининг навбатдаги йиғилишида бир неча ёш ёзувчилар союз аъзолигига ўтади, деб эшитдим-да, Улмасга телефон қилиб, союздан анкета олиб, аъзоликка ўтиш ҳужжатларини тайёрлашини айтдим. Узим тавсия ёздим. Иккинчи тавсияни Абдулла акадан оламиз, деб, у кишининг боғига бордик.

Абдулла ака очиқ чеҳра билан кутиб олди. Улмасга ҳикояларини ўқиганини, ўқиганлари асосан маъқул бўлганини айтди. Бир қанча маслаҳатлар берди. Қайси классикни кўпроқ ўқиш кераклигини, умуман ҳикоячи бўламан, деган ёш ёзувчи албатта ва албатта Чеховни астойдил ўрганиши кераклигини тайинлади. Кейин ҳозир қанақа ҳикоя ёзмоқчилигини сўради.

Улмас Умарбековнинг фикр доираси кенглиги, кўп ўқиганлиги, ўзини тутуши, одоби унга ёқди.

Мен домлага Улмасни Союзга ўтказсак, атайлаб сиздан тавсия олгани келдик, деб айтдим. Абдулла ака ўйланиб қолди. Унинг ҳозирги ҳолатидан тавсия ёзиб бермаслиги шундоққина билиниб турарди.

— Ҳозир ёзиб беролмайман. Майли, ўн беш кундан кейин ёзиб беришим мумкин.

Қизиқ гап бўлди-ку. Ўн беш кунда камчилиги бўлса тузалиб, таланти бўлмас талантли бўлиб қолармиди? Гапни ҳазилга бурдим:

— Домла, ёзиб ҳозир қоғозингиз йўқмиди. Бирон жойдан ўн беш кундан

кейин қоғоз берамиз, деб ваъда қилишганмиди? Агар хўп, десангиз, бир икки пачка қоғоз бериб туришим мумкин.

Абдулла ака кулиб юборди.

— Э, шоир-е, қоғоз кўплигидан ёзувчи кўпайиб кетяпти-да. Қоғоз кўп, деб ёстиқдек-ёстиқдек романлар пайдо бўляпти. Гап қоғозда эмас. Гап Улмасни эҳтиёт қилишда. Уни ёмон ёзувчилар сафига эмас, яхши ёзувчилар сафига қўшайлик.

Домланинг жумбоққа ўхшаган гапларига Улмас иккимиз тушунолмадик. Улмас икки қулоғигача қизариб, бурнининг учи терлаб, хижолатдан ўзини қаёққа қўйишини билмасди. Абдулла ака бир сўзли одам бўлганидан гапидан қайтмади. Улмас икковимиз ўсал бўлиб қайтиб кетдик. Орадан роппа-роса ўн беш кун ўтганда Абдулла ака «Муштум»га телефон қилди:

— Улмасга айтинг, келиб тавсияномани олиб кетсин.

Абдулла Қаҳҳор «Улмас Умарбеков етук ёзувчи бўлиб етишди, уни Ёзувчилар союзи аъзолигига ишонч билан тавсия қиламан», деб ёзган эди.

Орадан бир ойча ўтиб, Улмас Союз аъзолигига қабул қилинди. Қабул пайтида Абдулла ака сўзга чиқиб, адабиётимизга пишиқ, билимли, маданиятли бир адиб кириб келганини ишонч билан айтди.

Мажлисдан кейин домла Улмасни табриклар экан, ўша куни нима учун тавсия ёзиб бермаганини айтиб берди:

— Секретариатнинг ўша йиғилишида тўртта ниҳоятда талантсиз қаламкашни Союзга олишмоқчи эди. Ҳарчанд қаршилик кўрсатсам ҳам, гапим ўтмади. Уларнинг бири театрда пьеса қабул қиладиган, бири грампластинка идорасида шоирларнинг овозини ёзиш бўйича редактор, яна бири нашриётда бўлим мудири, бири киностудияда ёзувчиларга таржима берадиган бошлиқ экан. Уларнинг биронтаси адабиётда из қолдирмайдиган «ўлик жонлар» рўйхатини тўлдиришдан бошқага ярамайдиган кишилар эди. Мен Улмас ўшалар билан союзга кирмасин, таржимаи ҳолида «шундоқ талантсиз кишилар билан союзга ўтган» деган хотира қолишини истамагандим.

Абдулла ака башорат қилган экан. Ўша кишилар адабиётга иш бермади. Ўзидан-ўзи сирғалиб, Союз аъзолиги сафидан чиқиб кетди.

Орадан шунча йиллар ўтса ҳам, Улмас ўша воқеани тез-тез эслаб туради. Олтмиш бешинчи йил бўлса керак, Ўзбекистон радиноси Бухоро областига бағишлаб қаттагина эшиттириш қилди. Бухоро радиосининг ходими ёш ёзувчи Неъмат Аминов бир ҳажвий ҳикоясини ўзи ўқиди. Ҳикоя қаҳрамони орқада қолиб кетган, ўтмишда ҳам дурустгина иш қилмаган, лекин ўзини «ҳукумат учун катта ишлар кўрсатган» деб билади. Унда на илм, на ҳунар бор. Қандайдир кичкинагина архив идорасида қоровуллик қилади. Ёзувчи унинг портретини ниҳоятда жонли қилиб тасвирлаган.

Абдулла ака ҳам радиодан эшитган экан. Мендан автори ким, қанақа одам, деб сўради. Айтиб бердим.

— Кўп йиллардан бери Бухородан проза ёзадиган чиқмаётган эди. Энди чиқибди. Чиққанда ҳам, ярқ этиб, бирдан кўпчилкнинг кўзига тушадиган бўлиб чиқибди. Ҳикояси шунчалик пишиқ-ки, ҳар бир сўзи орасидан Бухоро кўриниб туради. Бутун бир Бухорони буклаб-буклаб битта ҳикоянинг ичига жойлаб қўяқопти. Тилини қаранг, жумлаларнинг оҳангига эътибор беринг. Бу боланинг кўзи ҳам, қулоғи ҳам ўткир экан. Ўзбекларнинг Зошченкоси бўлиб кетиши мумкин. Тошкентга келса бир олиб келинг, ўзини кўрай. Билими қанақа, савияси, маданияти, одоби қанақа...

Неъмат Тошкентга келганда Абдулла ака Москвага кетган эди, кўришолмадик. Янаги келганида дам олишда эди. Хуллас, Неъмат Аминов ажойиб инсон, бетакрор санъаткор устози Абдулла Қаҳҳор билан юз кўришолмай армонда қолди.

Абдулла ака олтмиш саккизинчи йилда бизни доғи ҳасратда қолдириб ташлаб кетган эди.

Абдулла Қаҳҳор жуда яхши таржимон эди. У таржимачиликни касб деб билмасди. У рус классик ёзувчиларининг асарларини тезроқ ўзбек ўқувчисига бир бутун ҳолда етказиш учун таржималар қиларди. Н. Гоголь, А. Чехов, Л. Толстой асарларидан намуналар таржима қилганди. Абдулла ака таржима жараёнида ўзи ҳам ўрганарди. Ёш пайтларида рус совет адибларидан ҳам таржима қилганди. Барибир у таржимон эмас, ёзувчи эди.

Олтмиш бешинчи йили боққа домладан хабар олишга келган эдим. У қаёққадир чиқиб кетган экан. Стол устида битта дафтар тўла қорақалпоқча сўзларга луғат ёзилган. Ҳайрон бўлдим. Қорақалпоқлар ҳаётдан бир нима ёзмоқчи шекилли, деб ўйладим.

Абдулла ака Қибрайдаги хозтовар магазинига лампочка олгани чиқиб кетган экан, қайтиб келди. Гапдан-гап чиқиб, «луғат»ни кўрсатдим.

Абдулла ака бир ёш қорақалпоқ ёзувчисининг қиссаси қўлига тушиб қолганини, қисса унга жуда ёққанини айтди.

— Шунини ўзбекчага таржима қилмоқчиман. Қиссада жиддий гаплар бор. Йўлида тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин. Кўп сўзларга тушунмаяпман. Шунга алоҳида луғат тузиб, биладиганлардан сўрамоқчиман.

Бу Абдулла Қаҳҳор таржима қилиб, ўзи аралашиб нашр қилдирган Тўлепберген Қаипбергенонинг «Бир совуқ томчи» қиссаси эди. Қисса ўзбек китобхонларининг эътиборини қозонди. Адабий танқид ҳам унга юқори баҳо берди.

Абдулла Қаҳҳор баҳона бўлдию Қаипбергенонинг кўзи битиб қолган булоқдек димиқиб турган ижоди ярқ этиб юзага чиқиб олди.

Абдулла ака озиқ-овқат ва кийим-кечак магазинларига деярли кирмасди. У киши кўпинча маданий моллар магазинидан қоғоз, машинка лентаси ва авторучка харид қиларди. Ҳар кўчага чиққанда албатта темир-терсақ дўконига кирарди. Машинага ҳар хил ключлар, катта-кичик болғаю арралар, сув тортадиган, дарахтга дори пуркайдиган моторлар харид қиларди. Боғда шунақа насосу пуркагичларнинг аллақанчаси бузилиб ётганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳозир ҳам боғдаги гаражда Абдулла акадан қолган уч-тўртта пуркагич, учта бузуқ насос ва аллақанча темир асбоблар бор.

— Ота касби ҳам қондан ўтади шекилли, — деди Абдулла ака. — Отам темирчи эдилар. Мен ҳам темирни кўрсам, кўзларим яшнаб кетади. Уйга судраб келавераман.

Абдулла ака сира бекор турмасди. Ёзиб ёки ўқиб чарчаганида машина моторини кавлаштирарди. Уйга электр қўнғироқларини, розеткаларни ўзи ўрнатарди. Қачон боққа борсам отвертками, омбирми кўтариб юрганининг устидан чиқардим.

Бир куни борсам, қоғозга аллақандай схемаларни чизиб ўтирипти. Бу нима, дегандек унга қарадим.

— Менга қаранг, битта патрондаги лампочкани иккита включатель билан ўчириб-ёндирса бўладими?

Буни сира ўйлаб кўрмаган эканман. Ҳайрон бўлдим. Йўқ, дедим. Биттасида ўчирилса, лампочкали патронга ток келмайди. Иккинчисини қанча бураманг узилган симдан ток ўтмайди, дедим.

— Менам шунақа деб ўйлагандим. Бир танишимникига борганимда айвон шифтидаги лампочкани ҳам, ҳовлидагини ҳам уйдаги включателдан ёқиб-ўчирадиган қипти. Сирини сўрасам, айтмади. Ҳозир шунга бош қотириб ўтирибман.

Кибриё опа гапга аралашди:

— Домлажон, бўлмаган ишга бошингизни қотириб нима қиласиз. Шунақа майда, кераги йўқ нарсаларга ўралашиб, ёзишдан қолиб кетяпсиз...

Домла, сиз аралашмай туринг, дегандек бир қараб қўйди-да, яна гапини давом эттирди:

— Мен шу сирни билишим керак. Союзга, нашриётларга борганимда машина соатлаб кўчада қолиб кетади. Бегона одам калит солиб юргизолмайдиган секрет ясамоқчиман.

У киши гапидан қайтмайдиган одам эди. Уша айтган «секрет»ни ясаб, машинага ўрнатди. Ўрнатдию кетидан ишқал чиқиб қолди. Синов пайти электр токи замиқание бўлиб, машина мотори гурр этиб ёниб кетди. Устига эски қоп, клёнкар бор босиб, капотини ёпиб зўрға ўчириб олди.

Мен ҳазиллашиб, яна «секрет» ясайсизми, деб сўрадим.

— Албатта ясайман. Машинанинг ҳаммаёғи ёниб кетса ҳам, барибир ясайман.

Абдулла ака айтганини қилди. Машина моторини ўт олдирадиган калитдан бошқа яна бир жойга включатель ўрнатди. То ўша ўрнатган нарсасини бурмасам калит солган билан мотор ўт олмайди.

Домла магнитофонга ишқивоз бўлиб, эртадан-кечгача чувалашиб кетган ленталарни ғалтакка ўраб кунини кеч қилади. Фотографияга ишқивоз бўлиб, бир дунё ашқол-дашқол сотиб олди. Икковимиз бир бўлиб, қўш фотоаппарат билан кўринган нарсанинг суратини оламиз. Сурат бузилавергандан кейин ҳеч ким бизга сурат олдирмайдиган бўлди. Қўшларнинг, қўй-қўзиларнинг суратларини олиб юрдик.

— Шунини яхши ўрганишим керак, — дерди Абдулла ака. — Узоқ-яқин юртларга, чет элларга бораман. Билиб қўйган яхши-да!

Абдулла ака фотога астойдил қизиқиб, охири ўрганиб олди.

Домла Тошкентнинг энг интизомли, яхши шофёрларидан бири эди. Радиоприёмникни, қўлфларни ўзи тузатарди. Фақат рўзғор ишларига қарашмасди. Нега ундай қиласиз, деб сўраганда ҳазилга оларди. «Мен қадимги замон эркаклариданман: Эркак одамнинг вазифаси — топиб келиш, хотин кишининг вазифаси — куйдириб пишириш», дерди.

Аслини олганда, Кибриё опа у кишини анчагина «эркак» қилиб қўйганди. Опа

ниҳоятда қўли ширин пазанда эди. Пиширган таомини еб тўймасдик. Абдулла акани чакмоқдек қилиб кийинтириб қўярди. Аммо у киши машинага уришиб, кунига икки-уч марта қўйлак алмаштирардилар. Опа кийимларни ювиб, дазмоллашдан сира эринмасди.

Сафарларда юрганимизда ҳам Кибриё опа бозор қилиб, «ошхона»ларнинг қозонида бирпасда бирон нима пишириб чиқарди. Боғ ишларига ҳам ўзи одам топиб келарди.

Кибриё опа Кисловодскка кетганда Абдулла ака ўт босиб кетган гулзорни кетмонлайман деб, уч-тўртта яхши атиргулнинг томирига кетмон уриб юборибди. То Кибриё опа келгунча ўша гуллар қуриб қолди.

Абдулла ака уйда ҳам, боғда ҳам меҳмонга ўхшаб юрарди. У фақат ёзарди, ўқирди, машина тuzатарди.

Хотини уёқ-буёққа кетган пайтларда у киши худди етим болага ўхшаб, бўйинини қисиб юрарди.

Очиғини айтганда, Абдулла акага жуда рўзғорбop, уйим-жойим, дейдиган, эрни кафтида кўтариб юрадиган ажойиб хотин учраган эди. Кибриё опани мақтаб қолган пайтларимизда у тўппа-тўғри, гапинг рост, демай, ўзига хос жавоб қайтарарди.

— Хотин олишга уста бўлиб кетганмиз-да, — дерди.

Эр-хотин янги келин-куёвлардек бир-бирини ялаб-юлқаб яшашарди. Уларнинг ораларида «қора мушук» ўтишига Кибриё опанинг баъзан ательега бориб туриши сабаб бўларди.

У кишини ательега Абдулла ака машинада олиб борарди. Опа бир кириб кетганича бир-икки соат қолиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Шунинг учун опа машина ичига ўн-ўн бешта «Огонёк» журналини ташлаб қўярди. Барибир Абдулла ака бу журналларни ўқиёлмасди. Бунга сабаб қoп орқалаган, чамадон кўтарган, бола опичлаган эркагу хотинлар келиб, уни тинч қўйишмасди.

— Ҳой шопир, вокзалга неча пулга обoрасан?

— Шопир болам, Чуқурсойга обoрмайсанми?

— Абай бозоригача қанча оласан?

Абдулла ака шунақалардан безор бўлиб, машинани қулфлаб йўлгага чиқиб, бетоқатлик билан Кибриё опани кутарди.

Ана шунақа ателье сафарларидан иккови жиқиллашиб, «пўм» бўлиб қайтишарди.

Барибир, улар бир-бирларига жуда меҳрибон эдилар.

Абдулла аканинг қанд касали бор эди. Кейинги пайтларда оёғи оғрий бошлади. Бир куни уйига борсам Абдулла ака бир оёғини стулга қўйиб, креслода кўзини юмиб ўтирибди. Кибриё опа бир қўли билан унинг оғрийётган оёғини силаб, бир қўли билан китоб варақлаб, овоз чиқазиб ўқияпти. Ушанда Абдулла ака мендан хижолат бўлиб, ҳазил қилди: «Яхши эркак хотиндан 100 процент фойдаланади». Боғдаги уйнинг орқасига икки-уч жўяк қовун экишган эди. Дурустгина ҳосил берганди. Шу қовунлар пишганда Абдулла ака мени чақириб, келинг, бир қовунхўрлик қилайлик, деб қолди.

— Эти сеники, сўяғи меники, деган гап бор-а. Бугун шунга амал қиламиз. Бир чеккадан қовун узиб сўяверасиз. Ширини сизники, бемазаси меники.

У кишининг бундай дейишига сабаб, қанд касали бор одам ширин нарса емаслиги керак. Уша куни тўртта қовун сўйдим. Тўрттови ҳам ширин чиқди. Абдулла акага роса алам қилди.

Ҳозир боғда тўрт туп Абдулла акадан қолган анор бор. Ҳаммаси аччиқ. Атайлаб қидирсанг ҳам бунақа аччиғини тополмайсан. Эрта баҳордан парвариш қилиб кузда ҳар бири чойнакдай-чойнакдай келадиган анорларни узаман. Еб бўлмайди. Азбаройи Абдулла аканинг ҳурмати учун бу анорларни кавлаб, олиб ташламайман.

Бу боғда ажойиб шафтолилар бўларди. «Лола», «нектар» деган луччак шафтолилар энди пайдо бўлаётган пайтлар эди. Бу боғда етти-саккиз туп шафтоли ҳосилини кўтаролмай эгилиб ётарди. Абдулла ака деярли ҳар куни шафтоли-хўрликка шаҳардан меҳмон бошлаб келади. Кетишида битта пақирни тўлдириб шафтоли солиб беради.

Бир куни магазиндан янги олиб келган, зангламасин, деб салидол суртиб ташланган пақирларни бензин билан юваркан, жаҳл билан деди:

— Энди бўлди. Ҳеч кимга шафтоли бермайман. Еганча еб кетаверсин. Аммо уйига обкетишга бермайман. Шу шафтоли пишгандан бери йигирматача пақир сотиб олиб, мана шунақа қилиб мойини тозаладим. Ҳам шафтоли бер, ҳам пақир бер. Пақирнинг ўзи-ку, майли-я, арзон нарса. Тозалаши ўлгурнинг қийинлигини айтмайсизми?!

Ҳар куни эрталаб тагига тўкилган шафтолиларни тоғорага териб, липа тагига

опчиқиб кўяман. Ижод уйида дам олувчилар нонуштадан чиқиб шафтоли ейишади. Қанчаки одам бўлса, ҳаммасининг оғзи тегади.

Абдулла Қаҳҳор «Тобутдан товуш» ҳамда «Аяжонларим» асари Ҳамза театрида қўйилганда, театр ижодий коллективига шу боғда дастурхон ёзган эди. Мен ҳам устоз анъанасини давом эттириб «Келинлар қўзғолони»нинг олти юзинчи спектаклидан кейин худди ўша коллективга шу боғда дастурхон ёздим. Меҳмонларнинг ҳаммаси Абдулла аканинг қадрдонлари, дўстлари эди. Улар устозни эслаб, кўп гапларни айтишди.

Мухтор Авезов номидаги Қозоғистон Давлат академик театри Тошкентга гастролга келганда «Келиндер кўтарилиси»ни қўйди. Уларга ҳам шу боғда зиёфат бердим. Шунда театр бадий раҳбари, СССР халқ артисти Озарбойжон Мамбетов қадаҳ сўзи айтиб шундай деди.

— Биз биргина «Келиндер кўтарилиси» учун бу ерга келмадик. Бизнинг театримиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар», «Шоҳи сўзана» пьесаларини ҳам сахнага олиб чиққан. Бугун биз икки авторнинг дастурхонида ўтирибмиз.

Кўп атоқли кишиларнинг қадами теккан бу муборак боғ ҳали ҳам гавжум. Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг дўстлари, шогирдлари, ижодини қадрлайдиган ихлосмандлари келиб-кетиб туришипти.

IV

«Унинг жони битта эмас, минг битта! Ҳозир тугаб қолган шамдай липиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда ҳам қолган мингтасини ёқиб, кейин сўнади.»

А. ҚАҲҲОР

Олтмиш еттинчи йилнинг сентябрь бошлари эди. Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг олтмиш йиллиги сабабли Фарғона водийси китобхонлари билан учрашувга боришимиз керак.

Эрталаб Союз биноси олдига тўплана бошладик. Бу учрашувга, Абдулла акага Лазиз Қаюмов, Матёқуб Қўшжонов, Одил Ёқубов, Пиримул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Озод Шарафиддинов ҳамроҳ бўлиб борадилар. Ёзувчилар союзи бир энгил машина ва бир микроавтобус бериши керак эди. Негадир микроавтобуснинг ўзи келди.

Абдулла Қаҳҳор ўша кезларда қанд касалининг дардини ғортарди. Оғриғи оёғига ўтган, юраги ҳам тез-тез безовта қилиб турарди. Узоқ сафарга автобусда боришнинг сира иложи йўқ эди. Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб қолдик.

Абдулла ака индамай Союз қоровули ёнида ўтириб, чой ҳўпларди. Унинг кайфи жойида эмас. Бирин-кетин йиғилаётганлар билан нохушгина салом-алик қиларди. Аста ёнига бориб, юпатмоқчи бўлдим.

— Домла, диққат бўлманг. Ҳозир машина топаман. Шу машинада бутун водийни айлантираман.

— Чарчаб қолмасмикансиз? — деди у миннатдорлик сезилиб турган бир оҳангда.

Кичкина автобусда уйга бориб «Волга»ни миниб келдим.

— Домла, машинага кимлар чиқсин? — деб сўрадим.

— Фақат икковимиз. Уларни бир-биридан ажратмайлик. Уйнаб-кулиб кетишсин.

Йўлга тушдик. Абдулла ака машинанинг орқа ўриндиғида мен уйдан олакелган ёстиққа бошини қўйиб, индамай ўй ўйлаб келяпти. То Оҳангарон тоғларига яқинлашганимизча ундан бирон оғиз гап чиқмади.

Қуёш тоғ чўққисидан ошиб, машина ойнасига урилганда йўлни кўриш қийинлашди. Абдулла ака ўтириб олди-да, менга раҳми келгандек деди:

— Секинроқ ҳайданг, йўл кўринмаяпти. Бунақа пайтда битта қора кўзойнак керак бўлади. Чарчаган бўлсангиз, бир оз дам олинг.

— Э, домла, бу йўллардан тўхтавериб, ҳар бир сўқмоғи менга ёд бўлиб кетган. Қор босиб, машина қатнови тўхтатилган пайтларда ҳам довон ошганман.

Баҳайбат тоғларнинг терскай томонига ҳали офтоб тушмаган. Чўққилардан ҳатлаб ўтган қуёш нурлари тонг туманларига қоришиб, водийни аллақандай сирли пардага чулғаб олган. Эрта куз нафаси теккан ўрик туплари елкасига қизил тўнини ташлаб улгурган. Улар офтоб тиғида гулхандек ял-ял ёнаётганга ўхшайди. Пастликларда нимранг туман папирос тутунидек судралади. Саҳарги шудринг намлаган сертупроқ йўлларда кетаётган пода орқасидан тўзон кўтарилмайди.

Ҳаво тоза ва тиниқ.

Ҳайратомуз манзаралар ҳар қандай тунд одамнинг ҳам баҳри-дилини очиб юборади. Лекин, Абдулла ака очилмади.

Ойнадан жимгина қараб келаркан ўзича гапирарди:

— Урол Тансиқбоевнинг қанчалик реалист рассом эканига энди тан бердим. У чизган тоғ манзараларидан худди шунақа салқин шамол эсиб туради.

Абдулла аканинг нима учун бундай деяётганини билиб турибман. Унинг уйида Тансиқбоевнинг ўзи 1957 йили совға қилган бир пейзаж бор. Унда худди ҳозир кўриб турган жойларимизга ўхшаш кенгликлар тасвирланган. Абдулла Қаҳҳор баъзан шу суратга узоқ тикилиб, хаёлга толарди.

Санъаткор чизган сурат билан ҳақиқий манзара ўртасида деярли тафовут йўқлигидан ҳайратланаётган эди.

Устоз Абдулла ака ўз одати бўйича ҳар қандай жиддий гапни ҳам ҳазилга олиб, образли қилиб айта оларди.

— Тавба! Бундоқ ўйлаб қарасам, бизнинг уйдагиларнинг ҳаммаси қарибди. Кўриб турибсиз, мен бу аҳволдаман. Кибриё операциядан кейин ҳалимдеккина бўлиб қолди. Аний судралиб юрипти. Ҳатто итимиз Жул ўлғир ҳам вовуллашга дармони келмай, иягини қамирлатиб қўяқоладиган бўпти.

Унинг гапларида қандайдир бир умидсизликка ўхшаш мунг бор эди.

— Нима бўлди, қариликни бўйинга оляйсизми? — дедим гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб.

— Рост-да. Манави тоғларга қараб туриб, одам боласининг умри нақадар қисқа эканига ҳайрон бўляпман.

Ростини айтсам, хасталик у кишини анчагина енгиб қўйганга ўхшарди. Лекин домла ниҳоятда иродаси мустаҳкам одам эди. Ҳозирги ҳолати ўткинчи бир кайфият эканини ҳам билардим.

— Ҳали қиладиган ишларим кўп. Авжи кучга тўлган пайтларимда ёзиб қолишим керак эди. Мажлисларда гап таллашиб умрни ўтказиб қўйибман; Шунинг ўрнига ёзсам бўлмас эканми? Илгари ёзиб бўлганимдан кейин қўлёзмани фақат қисқартирардим. Энди ёзганимни қисқартиролмаяман. Қайтага гап қушиб, шишириб юборяпман. Бу қариликдан дарак. Одам қариганда эзма тартади. Менга қаранг, сиз билан танишганимизга неча йил бўлди?

— Ўттиз бир йил, — дедим орқага ўгирилиб.

— Вой-бў. Шунча йил бўптими, а? Сизни кўп хафа қилганман. Ҳаммаси эсимда. Чидадингиз. Бошқа одам бўлса ташлаб кетарди. Мана шу иродангиз учун ҳам сизни ҳурмат қиламан. Лекин ҳеч қачон сизни бекорга хафа қилган эмасман. Яхши ёзувчи бўлсан, адабиётда ўз овозини топсин, ўқувчи ортдирсин, дедим.

Абдулла ака шундай деб туриб аллақандай бир гапни айтишга қийналиб, бир оз жимиб қолди.

— Юбилейни ўтказиб олайлик, ундан кейин мен билан борди-келди қилманг. Уйимга ҳам келманг. Шундай қилсангиз, ўзингизга фойда. Сиз ҳали яшашингиз керак. Менинг ёнимда бўлсангиз, буёғига косангиз оқармайди. Мен кетиб қолсам, сизни турткилаб кун беришмайди...

Абдулла ака томоғига бир нима тикилиб қолгандек гапиролмай, елкамга беозор уриб қўйди.

Кўнглим бузилиб кетди. Наҳотки, домла рози-ризалик қиляпти? Наҳотки, бу гаплари васият бўлса?!

Абдулла аканинг гапида жон бор эди. Домлага кейинги пайтларда тез-тез «ҳужум» бўлиб турарди. Асарларига ноҳақ танқидлар босиларди. Мен у кишининг шогирди бўлганим учун танқидларнинг бир учи менга ҳам тегиб ўтарди. Ҳикояларим газета редакцияларида ойлаб туриб қолар, номим рўйхатлардан ўчириларди. Буни Абдулла ака ҳам сезиб юраркан.

Ўттиз бир йил ёнида юриб, ҳеч қачон бунақа кайфиятда кўрмаган эдим. Бир нима қилиб алаҳситиб юбормасам бўлмайдиган эди.

— Шу дейман, домла, дарров хотинингизни соғиниб қолдингиз шекилли?

— Гап соғинишда эмас-ку, аммо Кибриёсиз якка ўзим ҳеч қаёққа бормаганман. Ҳаммавақт носқовоқдек ёнимда олиб юрганман.

Автобус орқада қолиб кетди. Бир оз тўхтаб кутмасак бўлмасди. «Тангатопди» кишлоғида, бурилишда тўхтадим. Абдулла ака ҳам машинадан тушиб, оёғининг чигилини ёзиш учун уёқдан-буёққа юра бошлади. Юриб туриб, бояги узилиб қолган гапини давом эттирди:

— Қанд касали энг расво касаллардан. Ун беш йилдан бери кунига неча мартадан ўзимга ўзим инсулин укол қиламан. Шу Кибриёнинг парвариши билан яшаб келаман. Тонимга яхши хотин учради. Баъзан уни бекордан-бекорга хафа қилиб қўяман. Қандоқ қилай, ҳар тўқисда бир айб дегандек, феълим шунақа.

Автобус етиб келди. Тоza ҳаводан бир оз нафас олиш учун ҳамроҳлар ҳам пастга тушишди. Мен Абдулла акадан, то Кемшик довонига кўтариладиган жойгача Эркин билан Абдуллани ёнимизга олсак қандоқ бўларкин, деб сўрадим.

— Қўйинг, бошқалар хафа бўлишади. Сизни зериктириб қўйдим шекилли. Энди унақа бўлмайди. Кўнглим тўлиб турган эди, бир айтдим-қўйдим-да. Наза-

римда, худди бу томонларга охирги марта келаётганга ўхшайман. Шунга сал кўнглим бузилиб турганди.

Довонга кўтарилиш жойида Адҳам Ҳамдам бошчилигида фарғоналик ёзувчилар бизни кутиб туришган экан. Ҳаммамиз ўтириб, Кибриё опа тугиб берган овқатларни ўртага қўйиб, баҳам кўрдик.

Йўлнинг буёғига машинага Адҳамни чиқазиб олдик. У ниҳоятда қувноқ, ўзига тортимли одам. Абдулла ака ҳам баъзи-баъзида Адҳам айтган латифаларни эслаб кулиб юрарди.

Адҳам йўл-йўлакай аллақанча латифаларни айтиб ташлади. Абдулла ака яйраб-йайраб кулди. Баъзан менга қараб:

— Шоир, кўп кулмай, йўлга қаранг, пастликда ер кўринмай кетган, бошимиз булутга тегиб турипти. Эҳтиёт бўлинг, — деб таъкидлаб қўярди.

Довон ошишимиз билан Урол Тансиқбоев картиналарига ўхшаб, хира туман пардаси ичида Фарғона водийси манзаралари кўрина бошлади.

Ўқ изидек текис йўлнинг учи кўм-кўк боғлар орасига санчилиб, кўринмай кетган. Сирдарёнинг ёйилиб оқадиган жойлари дарахтзорлар орасида ойна парчасидек ялтираб қолади.

— Дарёга етмай, ГАИ пости олдида бирпас тўхтанг, — деди Абдулла ака. Машина тезлигини пасайтира бошладим. Пост олдида келиб тўхтатдим. Абдулла ака пастга тушиб «Ашт — 40 км» деб ёзилган ўнг томондаги йўл бошига бориб, ўтиришга жой қидирди. Автобус бекатидаги офтобда қовжираб, қийшайиб кетган скамейкага ўтириб, атрофга ғамгин назар ташлади.

Шу йўл Абдулла ака тўғилган, болалиги ўтган Ашт қишлоғига олиб борар эди. Адҳам билан иккимиз халақит бермаслик учун машинани нарироққа обориб, гаплашиб ўтирдик. Орқада қолиб кетган автобус келганда, кетаверинглар, етиб оламиз, деб уларни ўтказиб юбордик.

Чамаси йигирма минутча Абдулла ака скамейкада ўй ўйлаб ўтирди. Кейин аста юриб машинага чиқаркан, мenden битта сигарета сўради. Домла чекмасди, ҳайрон бўлдим.

Йўлга чиққанимизда Абдулла ака шивирлагандек деди:

— Мана шу йўлдан дадамга эргашиб Қўқонга кўп келганман. Онам билан аравада ўтганман. Ёшлигим шу йўлларда қолиб кетган...

Кейин Абдулла ака қишлоғини эслаб, яна баъзи гапларни айтиб берди:

— Ашт — темирчилар қишлоғи. Бу ерда яшайдиганларнинг ҳаммаси темирчи. Болалари ҳам, неваралари ҳам темирчи бўлади. Албатта битта қишлоққа шунча темирчи кўплик қилади. Аштликлар ўғлини уйлагандан кейин, темирчилик асбоблари билан бошқа шаҳарга кузатади. Бутун Фарғона водийсидаги, Тошкент, Мирзачўл тарафлардаги жамики темирчилар Ашtdан. Бу ҳунарни эгаллаган болалари бошқа юртларда дўкон очадилар. Менинг дадам ҳам отасидан ҳунар ўрганиб, Бувайдага кўчиб келган экан. Йигирма еттинчи йилмиди, ҳозир аниқ билмайман. Рўза айни саратон пайтига тўғри келганди. Темирчиларга бунақа пайтларда кийин бўлади. Шундай иссиқда олов олдида ишлаш осонми. Тез-тез сув ичиб турмаса бўлмайди. Рўза тутишнинг сира иложи йўқ. Дадам вужудидан тер қўйилиб, дамба-дам сув ичиб турарди. Мачитнинг имоми: уста Абдуқаҳҳор кофир, рўзанинг куниди сув ичяпти, деб Оқсоқолга хабар берипти. Оқсоқол тўрт-беш одам билан келиб, дўконимизни буздириб ташлаган эди. Ушанда онамнинг овоз чиқармай йиғлагани сира кўзимдан кетмайди...

Қўқонда нечундир адабий кеча планлаштирилмаган экан. Абдулла ака бир-икки соат Қўқонни айланишимизни айтиб, ҳамроҳларимиздан узр сўради.

Икковимиз машинада Қўқоннинг эски маҳаллаларини айландик. Бир вақтлар яшаган уйини топдик. Нураб, қаровсиз бўлиб кетган экан. Қийшайиб қолган гувала деворга аранг илиниб турган бир табақали эшикнинг суратини олиб қўйдим. Кейин «Қайнарбулоқ» бордик. Кўпдан сайил чиқилмаганидан қаровсиз қолган толзор оралиғидаги сон-саноксиз булоқлар бетида чириган хазонлар сузарди.

— Бу жойда жуда катта базмлар, сайиллар бўларди. Юсуф қизиқлар, Эрка қорилар сайилларни гуллайтишарди. Манави томонга дор тикиларди. Тонг отгунча мушакбозлик бўларди. Жой ҳам одамга ўхшаб қариб қоларкан. «Қайнарбулоқ» ҳам менга ўхшаб қариб қопти.

«Ойдинбулоқ» деган сайргоҳга ўтдик. Бу жой озода. Ҳаммаёқ супурилган. Икки-учта чойхона самоварчилари бир-бири билан бас бойлашгандек сўриларга чўғдек гиламлар, атлас яркандозлар тўшашган эди. Учта чойхонада баробар учта магнитофон қўйилган. Бирида Таваккал, бирида Муроджон, бирида Маъмуржон Узоқов қўшиқ айтяпти. Уларнинг овозлари бир-бирига аралашиб кетарди.

Абдулла аканинг чёҳраси ёришди. Чой буюриб, бирпас самоварчини гапга солиб ўтирди. Мен Абдулла акага, ҳали кўп йўл юришимиз кераклигини, уёқда ҳамроҳларимиз кутиб қолганини айтганимда, истамайроқ ўрнидан турди. Назаримда, шу жойда яна бир оз ўтиргиси бор эди.

Қайтиб келганимизда Фишткўприк ёнбошидаги чойхонада Қўқон шоирлари, артист ва созандалари Абдулла ака билан дийдор кўришгани тўпланиб туришган экан. Чархий домланинг илтимоси билан Муқимий ҳужрасига бордик. Домла ошга тайёргарлик кўриб қўйган экан. Боришимиз билан гурунч солди. То ош дам егунча Абдулла ака ҳамроҳларимиз номидан эсдалик дафтарига истакларини ёзди. Ҳаммамиз имзо чекдик.

Шу кундан бошлаб Абдулла акани сира ғамгин ҳолатда кўрмадим. Ҳамма вақт қувноқ, ёр-дўстлар билан ҳазил қилар ёки Қўқонда яшаган пайтларида бўлиб ўтган қизиқ воқеаларни айтиб, ҳаммани кулдирарди.

Фарғона ҳам Андижону Наманганда учрашувлар жуда самимий, жуда чиройли ўтди: Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов энди адабиёт майдонига кириб келаётган талантли ёшлар эди. Улар учрашувларда шеър ўқиб, қарсақларга кўмилиб кетишарди. Шундай тантаналарнинг бирида Абдулла ака икки ёш шоирнинг шеърларидан завқланиб шундай деган эди:

— Навоий ҳам шу ёшида Эркинчалик бўлгандир-да. Пушкин ҳам Абдулланинг ёшида бундан ортиқ бўлмагандир.

Абдулла ака чарчаб қолди, Намангандан самолётда учириб юбориб, ўзимиз яна тоғ довони орқали қайтдик.

Абдулла Қаҳҳор олтмиш йиллик юбилеи муносабати билан учинчи марта «Меҳнат Қизил байроқ» орденига сазовор бўлди. «Ўзбекистон ССР Халқ ёзувчиси» деган шарафли унвон олди.

Лекин... Лекин, кундан кунга соғлиғи ёмонлашиб борарди. Олтмиш саккизинчи йилнинг мартада анча оғирлашиб қолганди. Врачларнинг маслаҳати билан Москвага даволанишга бормаса бўлмайдиган эди.

Даволангани эртага Москвага кетишини эшитиб, еттинчи апрель куни Ўлмас Умарбеков билан кўргани бордик, Кибриё опа йўлга у-бу харид қилишга кўчага чиқмоқчи, аммо Абдулла акани ёлғиз ташлаб кетолмай ҳайрон бўлиб турган экан.

Абдулла ака бизни кўриши билан:

— Кибриё, юқорига чиқиб китобни олиб тушинг,— деди.

Уша кезлари Абдулла аканинг олти томлик танланган асарлари босила бошлаган эди. Кибриё опа «Танланган асарлар»нинг биринчи жилдини олиб тушиб берди.

— Шоир,— деди Абдулла ака менга қараб.— Бундан олти йил олдин мендан «бирон китобингизни ёзиб беринг», деб сўраган эдингиз. Ушанда бермаган эдим. Мана, энди олинг.

У шундай деб, китобни қўлимга берди. Нима ёзган экан, деб дарров очиб ўқидим.

«Яхши, лекин мени кўп кўйдирадиган шўх ва бевош шогирдим Сайдаҳмадга А. Қаҳҳор.»

Китобга дастхат ўтган йилнинг ўнинчи октябрида ёзилган эди. Нима учун шу пайтгача менга бермаган экан? Кунда бўлмаса ҳам кунора кўришиб турган эдик-ку! Шунда бирдан Абдулла аканинг бундан олти йил олдин айтган гаплари эсимга тушди. Ушанда ҳазилми, чинми: «Уладиган — ғанимат одамдан эсдалик олинади» деган эди.

Наҳотки «соғлиғим ёмонлашса бераман, аҳволим дурустлашса бермайман», деб сақлаган бўлса?!

Кўнглимдан ўтган гапни сездирмай китобни эҳтиёт қилиб, папкага солиб қўйдим.

Саккизинчи апрель куни Абдулла ака самолётда Москвага кетди. Уни самолётга носилкада олиб чиққан эдилар. Кибриё опа: «Домлажон, туфли олишни унутибмиз-ку», деганда Абдулла ака: «Қайтишда оёқ кийими керак бўлмас», депти.

Кейинги икки-уч ой давомида Абдулла аканинг гап-сўзлари умри тугаб бораётган одамнинг пинҳоний видолашишига ўхшарди.

Уша куни Абдулла ака менга бир гап айтган эди:

— Энди сизга қийин бўлади. Минбаъд хато қила кўрманг. Оёқостида қолиб кетасиз...

Бу менга ўттиз йил таълим берган, ўттиз йил хатоларимга куйиб, жиндаккина ютуғимга қувонган, ниҳоятда қаттиққўл устозимнинг охириги сўзлари эди.

Абдулла ака ўша сўнги учрашувда бир илтимос қилган эди. Йўқ, илтимос эмас, васият экан.

— Абдужамил аканинг ўлим олдидан қилган илтимосини бетоб бўлиб қолганимдан бажара олмадим, шуни сизга топшираман.

Абдужамил ака «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Абдулла аканинг энг қадрдон дўсти Матқобулов эди. У киши ҳам қанд касалига мубтало бўлиб, охири қорасонга айланиб кетганидан икки оёғи кесилган эди. Абдужамил ака ўлими олдидан Абдулла акага юз сўм бериб,

Бешариққа борганингизда гўрковга беринг, дадамнинг қабрини тузаттириб қўйсин, энди мен у томонларга боролмайдиган бўлиб қолдим, деб тайинлаган экан. Абдулла ака қиёмат қарз бўйнимда қолиб кетмасин, ўша пул солинган конвертни қўлимга берди. Конверт устига «Абдужамил ака, 100 сўм» деб ёзиб қўйилган эди.

— Сиз Бешариқдан кўп ўтасиз. Энди икки киши бўлиб илтимос қиламиз, шу васиятни сиз бажаринг.

Мижжамга йиғилиб қолган кўзёшларимни ютиб: «Хотиржам бўлинг, домла, албатта айтганингиздек қиламан», деб сўз бердим...

Устоз Абдулла Қаҳҳор билан қайта юз кўришиш насиб қилмади.


Боғу роғлар гулга бурканган, кушлар наъмаси авж пардаларга чиққан баҳор кунларининг бирида Абдулла акадан айрилиб қолдик.

Зукко санъаткор, ҳақсўз ёзувчи, меҳрибон устоз Абдулла Қаҳҳорнинг чироғи сўнди.

У минглаб, ўн минглаб кишиларнинг қалбига ҳаёт чироғини ёқиб кетди. Бу чироқ унинг китоблари, ўқувчилари, шогирдлари, дўстлари...

Устоз ёқиб кетган чироқ ҳеч қачон ўчмайди.





Гулчеҳра Нуруллаева

ЯНГИЛАНИШ БЕРГАН ҲЙЛАР

Яқинда Жиззахдан мактуб олдим. У шундай бошланади:

«Салом, Гулчеҳра қизим!

Сизнинг «Ёзувчи ва замон» телекўрсатувидаги гапларингизни эшитиб, хат ёзишга қарор қилдим. Сиз ўшанда «Тез ёрдам» шеърингизни ўқидингиз.

*...Изтиробдан холи қалбнинг ўзи йўк,
Кўру карлик ёмон диллар доғига.
Одам деб атайлик, кимки мисли ўк,
Шошилса тез ёрдам кўнғироғига...*

Ушбу сатрлардаги инсонга ёрдам бериш ҳақидаги фикрингиз бизга ёқди, лекин бу сўзларингизга унчалик ишонқирамадим... Афсуски, ҳақиқат фақат китоблару кинофильмлардагина юзага чиқар экан. Ҳаётда эса... Ҳақиқат излаб, ўн ойдан бери оворамиз. Бизнинг арзимизга қулоқ соладиган одам йўк...»

Мактуб чиройли, майда ҳарфлар билан ёзилган икки саҳифадан иборат. Икки саҳифа шикаста қалб фарёди, икки саҳифа шикаста қалб гинаси!..

Хат муаллифини кўрмай, суҳбатлашмай туриб, уни шунинг учун шикаста қалб деб аташга журъат этиялманки, у ҳаётда анчагина яшаган бўлса-да, (олтмиш ёш), умрида биринчи марта адолатсизликка дуч келган. («Шу ёшга кириб, бунақа ноҳақликни кўрмаган эдим».) У санъатга, адабиётга ошно, у яна ўз инсонлигини ҳурматлайдиганлардан, «азиз бошимни эгмайман» қабилдаги одамлардан. («Лозим топсангиз, хатимга жавоб беринг, йўқса ихтиёрингиз.»)

Мен эса мактубга жавоб беришга шошилялман. Жуда-жуда шошилялман. Мактуб муаллифи мурожаат қилган тегишли ташкилотлардаги мутасадди ўртоқлар ҳам шошилишларини истардим. Акс ҳолда, кечикамиз. Инсон тақдири масаласида кечикамиз.

Мен бу ўринда кимларгадир иззат-нафси ҳақоратланганидан сўзлаётган одамдай кўринишим мумкин. («Инсонга ёрдам бериш ҳақидаги фикрингиз бизга ёқди, лекин бу сўзларингизга унчалик ишонқирамадим».) Йўқ, асло. Аксинча, хат муаллифининг ошкора сўзлиги жуда ёқди менга. Мен ўз мустақил фикрига, ошкор сўзига эга одамларни жуда-жуда ёқтираман. Партиямиз XXVII съездида таъкидланганидай, қаерда нопоклик бўлса, ўша ерда зимдан иш битиришлар, зимдан югур-югурлар, зимдан бир-бирини қўллаб-қувватлашлар бошланади. Фақат мардларгина майдонга ошкора чиқа билади. Тўғри сўзни истаган шахсга, истаган даврада айта олади.

Хат муаллифи менга ана шундай шахслардан бўлиб туюляпти.

Мактуб Жиззахлик Сағди Наврўзовадан.

«Менинг ўғлим 1985 йил май ойида тўхматдан икки ярим йилга қамалди,— деб ёзади у.— Терговни олиб борган одам (мен маълум сабабларга кўра

терговчининг исм-фамилиясини очиқ келтирмадим — Г. Н.) бизнинг гувоҳлари-мизни сўрамади. Тўхматчининг икки сохта гувоҳини сўраб, ҳукм чиқаришди. Инсон тақдирини беш минутда ҳал қилишди-қўйишди. Биз область судига ёздик. Орадан уч ой ўтгач, область суд коллегияси ишни кўриб чиқиб, ҳукмни ўз кучида қолдирди. Биз кейин область суд президиумига шикоят қилдик. У ерда: «Шикоятингиз асосли. Ишни қайтадан терговга қайтарамиз»,—деб ваъда беришди. Биз: «Хайрият ҳақиқат аниқланади», деб хурсанд бўлдик. Орадан уч ой ўтди. Ниҳоят, жавоб олдик. Ҳукм яна ўз кучида қолдирилибди.

Аҳамият бердингизми, азиз ўқувчи, хат муаллифи ўз шикоятига тегишли ташкилотлардан жавоб олиши учун бир ой эмас, икки ой эмас, уч ойлаб вақт керак бўляпти. Яна шунга ҳам аҳамият бердингизмики, у «мен бари бир ҳақиқатни топаман» деган ишончда, «кеч топсам-чи», деган изтиробли хавотирда.

Бундан тўрт-беш йил илгари «Ҳақиқат» деб номланган шеър ёзгандим. Ҳақиқат олтинга қиёсланганди. Сен — ҳақиқат — олтин ер остида қолиб кетган бўлсанг:

Зангламассан ерда лекин,
Тўзимассан кўзада.
Сен бари бир бирор-бир кун
Чиқажаксан юзага.

Сув бор — ювиб ер юзини,
Сенга эшлик қилгувчи.
Топқирлар бор — ер кўксини
Илма-тешик қилгувчи.

Вулқонлар бор — ер қаърин ҳам
Ағдар-тўнтар этар куч.
Не бўлмасин, сенга одам
Албат бир кун келар дуч.

Фақат топсин, сени кўриш —
Истаклари сўнмасдан.
Йўқса завод кетар олқиш,
Қадринг мисча бўлмасдан.

Олтин қадрини мисга тушириб қўйишга эса бизнинг ҳар биримизнинг сира-сира ҳаққимиз йўқ. Одамларда «Афсуски, ҳақиқат фақат китоблару кинофильмлардагина юзага чиқар экан-да», деган надоматли нидоларнинг пайдо бўлишига, кўпайишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Йўл қўйсақ, бу хатойимиз бугун бўлмаса, эртага, эртага бўлмаса, индинга бизни албатта жазолайди. Ҳар хил йўллар билан жазолайди.

Бир одамни биламан. Ўз вақтида дуруст лавозимларда ишлаган. Бу лавозимлардан одамларнинг ҳожатини чиқариш, адолатни юзага келтириш учун эмас, ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланган. У одамларга нанки яхшилик қилган, аксинча амалидан фойдаланиб, уларга зуғумлар ўтказган, дилларини оғритган...

Шу одам энди касал. Тўшакка михланиб, эшикка зор тикилади. Одамлар билан гаплашишни, ётавериб, сиқилиб кетган юрак чигилини ёзишни истайди. Ҳеч ким келмайди. Бутунлай келмайди эмас. Врачлар, почтачилар, район таъминот бўлимидагилар келишади. Лекин ҳамкасблари келишмайди. Беморнинг бир пайтлардаги дилозорликларидан ўшанда қанчалик индамай нафратланган бўлсалар, эндиликда яна ўшандай индамайгина ўз сўзсиз нафратларини намойиш қиладилар.

Ҳа, шундай. Ҳамма ҳам ошкора гапириб, ўз норозилигини ошкора билдира-вермас экан. Қаердаки ошкора сўзга қулоқ солгувчи бўлмаса, адолатпарварлар «ўз хоҳишига кўра» ишдан бўшашлар билан, ўз ҳисобига отпускага чиқишлар билан, нари борма, индамасликлар билан қалб исёнини ошкор қилар экан. Бу исён эса вақти келиб юзага чиқмай қолмас экан. Бошлар ёстиққа етганда, эшикка мўлтиратиб қаратиб қўярсан, сўнгги йўлга қузатаётганларида «тиригиам қўрсин, ўлигиам қўрсин» дегизаркан. Бу энди — даҳшат!

Йўқ-йўқ, шошилайлик! Даҳшатга йўл қўймасликка шошилайлик! Эшигимиздан

кўмак истаб келган одамлар ҳожатини чиқаришга, Сағди Наврўзова кабилар ҳақиқатини юзага чиқаришга шошилайлик. Улар тез ёрдамга муҳтож! Зеро, XXVII съездимиз таъкидлаганидай, «социал адолат принципини қатъий амалга ошириш — ривожланиш динамизмининг муҳим шартидир».

II

Муҳаммаджон Мирзаев деган бастакоримизнинг номини билмаган одам республикаимизда топилмас керак. Қўшиқлари ажиб бир сеҳр ила қалбларни ром қилади. Ута халқона. Шоирларимиз: «Қани энди менинг шеърларимга ҳам шу бастакорнинг назари тушса...» деб орзу қилади. Хонандаларимиз: «Қани энди шу бастакоримизнинг қўшиқларидан ижро этсам...» деган истақда бўлишад.

Буни қарангки, қанчадан-қанча қўшиқлар муаллифи бўлган бу мўътабар бастакоримиз композиторлар союзига яқиндагина қабул қилинибди экан. Бу гапни эшитиб, аввалига ишонмадим. Шунчаки ҳазил-мутойиба деб ўйладим. Ишонтиришгач эса, «Бундай бўлиши мумкин эмасди-ку», дея ҳайрон қолдим.

Кимнинг айби билан шундай бўлган? Композиторлар союзи раҳбарларининг бепарволиги биланми? Муҳаммаджон Мирзаевнинг камтаринлиги туфайлими? Мазкур союздаги қанчадан-қанча композиторлар қаерда эди? Нима, улар ёнларидаги талантни кўрмадиларми?

Ўйласам, саволлар саволларга уланиб кетаверадигандай. Мен эса, улар неча хил, қандай мазмунда бўлишидан қатъий назар, жавоби битта деган фикрга келдим. Лоқайдмиз. Ўзи қандай улуғ асарлар ёзишидан қатъий назар, атрофидаги шоирлар ижодини синчковлик билан кузатиб, бир байт, икки байт диққатга сазовор сатрларни учратса ҳам, уларни кўчириб олиб, «гўзал мажлислар» тузган Навоийимизни эсласак керак. Ажойиб қалбли Короленконинг «Агар Максим Горький академикликка сайланмас экан, ўз номзодимдан воз кечаман», деган сўзларини билмасак керак. Кўпроқ «Мен!» деймиз, чоғи. Ўзимизни ўйлаймиз, шекилли.

Дилимдагиларни ошкор айтмоқчиман. Миртемир домламининг Ҳамза номли мукофотга сазовор бўлганлигини ўзи кўрмай кетганлиги менга жуда алам қилади. Абдулла Қаҳҳордай устозимиз асарлари йигирма йиллаб деярли босилмаганлиги ҳам алам қилади менга. Саида опамизнинг асарлари рус тилига таржима қилинмаганлиги алам қилади... Ким-кимлар таржима бўлмади, ким-кимлар мукофотлар олмади, ахир.

Аллақачонлар халқимизнинг севимли куйчиларига айланган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Жамол Камол каби шоирларимиз шеърларини бутуниттифоқ ўқувчилари назарига тушира олмаётганимизга нима деса бўлади? Талантни талант, юракни юрак таржима қилиши лозимлигини биламиз. Лекин ҳаракат қилмаймиз. Жон куйдирмаймиз. Кези келса, бу талантларимизнинг иқтидор-имкониятларидан фойдаланмаймиз. Адабиётимиз олдидаги юмушларни ўзи бўларчилиқка ташлаб қўямиз.

Бундан тўрт йил илгари мен Киевга — Шевченко кунларига таклиф этилдим. Табиийки, улуғ кўбизчи шеърларини қайта қўлга олдим. Аввал ўзбек тилида ўқий бошладим. Шеърлар нурсиз, сеҳрсиз туюлди. «Шевченко ҳам ўзимизнинг ўртача шоирларимиз қатори экан-ку», деган фикр келди. Лекин шошқалоқ ҳукмга эрк бермай, шеърларни рус тилида ўқишга тушдим. Бутунлай бошқа олам, бутунлай янгича руҳ... Дилимдагини украин ўртоқларга айтдим. «Биз, Шевченкоимизнинг русча таржимасидан қониқмаймиз,— дейишди улар.— Улуғ шоиримизни ўз тилида ўқиш керак».

Мен бу фикрга қисман қўшилгим келмайди. Тилни билсак, ўқиймиз. Билмасакчи? Гап яна қайтиб талантни талант таржима қилиши масаласига келади.

Оқсоқол ёзувчиларимизнинг айтишларига қараганда ўттизинчи йилларда бир гуруҳ истеъдод эгалари бўлган шоирларимиз Чимён этакларида оппоқ ўтовлар тикиб, Пушкин таржимаси устида ишлашган экан. Бундай чиройли анъаналарни орадан эллик йиллар ўтиб, нега такрорламаслик керак? Ахир, Шевченко, Пушкин таржималари бир қарра ўз хизмат вазифасини ўтамадимикин, бир йигит умрини яшамадимикин? Ҳар авлоднинг ўз Пушкини бўлганидай, кейинги авлодга мансуб иқтидор эгалари ўз Пушкинларини ўқувчиларга кашф этиб берсалар бўлмасмикин? Мен бу билан аввалги таржималарни камситмоқчи эмасман. Яхшилари, сўзсиз, бор. Уларга эҳтиром билан қараган ҳолда, Пушкиндай, Шевченкодай, Лермонтовдай шеърят тоғлари ижодига янгича руҳ билан ёндошиб кўриш ҳар бир истеъдоднинг гражданлик бўрчи, деб ўйлайман.

Мен Твардовскийнинг бир гапини такрорлашни истардим: «Талантларга ёрдам бериш керак,— дейди у.— Истеъдодсизлар эса ўзлари ўзларига йўл топишга устаси фаранг бўладилар».

Истеъдодсизлар кимлар? Бемаза қовуннинг уруғини кўпайтириб, ҳар куни қанчадан-қанча қоғозларни қоралайдиганлар, газета-журнал, нашриёт столларини

папка-папка «серсув» қораламалар билан тўлдириб ташлайдиганлар, эрта билан хизмат юмушига борса ҳам, кеч билан ишдан қайтса ҳам шуни шеър қиладиганлар, мен ҳақимда ёзинг, деб мунаққидлар изидан юрадиганлар, озгина қўллаб юборсангиз, дея устозлар пинжига кирадиганлар, асарингиз бўлмабди, дегувчиларни «иғвогар»га чиқариб, устидан юмалоқ хат ёзадиганлар...

Тури кўп бундай тоифаларнинг. Биринчи галда улар истеъдод обрўсини туширмоқчи бўладилар. Йилт этиб кўрина бошлаган талантдан қусур-камчиликлар излай бошлайдилар. Қурт меванинг сархилини ея бошлаганидай, улар ҳам ўзларига йўл очиш ниятида талантлиларни тўғаноқ биладилар, уларга тош отадилар...

Қуёш нуруни сунъий тўхтатиб бўлмаганидай, талантлиларни ҳам элга талантсиз қилиб кўрсатиб бўлмаслиги маълум. Яхши асар бугун бўлмаса, эртага ўз ўқувчисини топади, эртага бўлмаса индинга ўз ҳақиқий баҳосини олади. Бу маълум нарса. Лекин адолатнинг вақтида юз кўрсатмаганлиги виждонлиларга оғир ботади, орада вақтинча бўлса-да, талантсизларнинг матбуот минбарида бўлиши соф қалбдилар ориятига тегади, уларнинг қалбини яралайди, асарларига маҳзунлик руҳини олиб киради. Бу руҳ эса ўз навбатида яна кимларнингдир оғиз шиширишига баҳона бўлиши мумкин...

Мен талантдаги бедорлик — безовталиқ, эзгу куюнчакликдан доимо қувонаман. Улар қувонсалар, қалбларини буткул очиб қувонадилар, куюнсалар, туйғулларини буткул тўкиб куюнадилар. Улар ҳаётдаги икир-чикир, майда-чуйда гаплар билан ўралашмайдилар, балки ҳар бир сатрларига халқ нигоҳи билан қарайдилар, халқ манфаати нуқтаи назаридан ёндашадилар. Улар — халқ хизматкорлари, халқ қувончлари, оғриқлари... Улар — халқ ифтихорлари...

Эсимда бор: илмий-текшириш институтларининг бирида сеvimли шоиримиз Эркин Воҳидов билан бўлган учрашувларнинг бирида мухлислар: «Биз қуёшни ҳар кунни кўриб туришни истаймиз. Кўпроқ-кўпроқ ёзсангиз»,— деб илтимос қилишганди.

Минг афсуски, қуёш ҳар кунни чиққани билан, талантли асарлар ҳафтада-ойда бир ёзилади, қуёш ҳар кунни чиққани билан талантлар неча йилда бир туғилади.

Истеъдод — мисоли баҳорги япроқ. Ям-яшил, тиник, пок. Хазонрезги чоғлар унинг кўклигини барбод этолмайдиган япроқ. Кузаклар унга ҳукмини ўтказолмайдиган япроқ.

Истеъдод — мисоли майса, андак елга ҳам тебранувчи майин нафосат. Майса бўлса-да, юсак ҳарорат кўклигига барҳам беролмайдиган, саратон ўз кучини ўтказолмайдиган майса.

Кузак келганда ҳам сўлиш билмайдиган япроқни — лекин қайсидир бир қўл узиши мумкин. Кўзга ардоқли бўлган нафис майсани — лекин қайсидир бир оёқ эзиши мумкин. Мен, мана шундан қўрқаман...

Ҳаммамизнинг эсимизда: бундан бир неча йиллар илгари «Литературная газета» «Эркаларни асранг», «Аёлларни асранг» деган сарлавҳалар остида катта-катта мақолалар босганди. Мен эса «Талантларни асранг» деган сарлавҳали мақола ўқигим келади. Миртемир, Шайхзода, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби, Мухаммад-жон Мирзаев каби устозларимизнинг ҳаёт лавҳаларига назар ташлаб ҳам, шундай мақола ўқигим келади.

Кейинги пайтларда ҳаётимизда эсаётган саррин еллар, ижодий кўтаринкиликлар, соғлом муносабатлар, мўътадил иқлим ҳаммамиз учун байрам бўляпти. Адолатнинг бор бўйи билан юзага чиқаётгани яхши. Истеъдодларга эътибор яхши. Уртамиёначилиқ, талантсизликнинг ўз-ўзидан минбардан тушаётгани яхши. Лекин унинг осонликча тушгиси келармиди?! Бундай янгиланиш, бурилиш пайтларида истеъдод билан истеъдодсизлик ўртасидаги кураш янада кескинлашуви табиий. Қувончлиси шундаки, ғалаба истеъдод тарафида. Sevimли партиямиз унга раҳнамо. Бизни қувонтирадиган нарса — доно партиямизнинг ижод табиатини биз ижодкорлардан ҳам нозикроқ тушунишида.

«Маънавий, маданий ҳаётга раҳбарлик қилиш оддий иш эмас. Бу соҳа одоб билан иш кўришни, ижод табиатини тушунишни ва албатта, адабиёт ва санъатга меҳрни, истеъдод соҳибини ҳурматлашни талаб қилади». Бу олийжаноб сўзлар шонли партиямиз съездининг минбаридан туриб айтилган дилимиздаги сўзлардир, бошимизни кўкка етказувчи сўзлардир.

III

Шу кунларда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи сафига қабул қилинганлардан анча-мунчасининг аъзоликка номуносиблиги ҳақидаги гап-сўзлар қулоққа тез-тез чалиниб турибди. Уринли эътироз. «Совет Ўзбекистони ёзувчилари» китобини варақласак, эътиборли асари йўқлар оз эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Ёхуд асари бўлса ҳам, эсда қоладиган гапи йўқ, ижодий нафаси йўқлар талай эканини

кўрамир. Демак, ёзувчининг ёзувчилиги — унинг ёзган сатрлари сони билан эмас, сатрларининг салмоғи билан ўлчанар экан.

Кейинги пайтлар Зулфия Мўминова деган иқтидорли шоира ҳақида кўп гапириляпти. У турли анжуманларга тавсия этиляпти, обрўли минбарларда сўз берилляпти. Иккинчи томондан эса Зулфиянинг ҳозирча тўплами чиқмаган. У Ёзувчилар союзининг расман аъзоси эмас. Расман. Лекин у биз учун, шеър мухлислари учун аллақачон союз аъзоси...

Эсимда бор. 1979 йили Самарқандда кўчма секретариат бўлди. Бир гуруҳ ёшлар Ёзувчилар союзига қабул қилинди. Улар орасида Хосият Бобомуродова ҳам бор эди. Унинг кичкинагина, илк тўплами нашрдан эндигина чиққан кезлар эди. Ёш шоира шеърят майдонида оёғини ҳали маҳкам қўйиб улгурмаган эди. Шунга қарамай, у ҳақда секретариат йиғилишида кўпгина яхши гаплар бўлди.

«Севиб гуллар узсам, эмасман жаллод,
Мен узмаган гуллар айласин фарёд,—

деган икки сатрининг ўзи учун ҳам Хосият Ёзувчилар союзининг аъзоси бўлишга лойиқ»,— деган эди ўшанда сеvimли шоиримиз Эркин Воҳидов.

Мардона сўз. Мардона хулоса. Зеро, моҳиятни сон эмас, сифат ҳал қилади. Ижодкорнинг кимлигини, у ўзини минг тешикка урмасин, унинг асарлари кўрсатиб туради.

Яқинда шоирларимиздан бирининг икки томлик асарлар тўпламини ўқиб чиқдим. Очиқ эътироф этишим керакки, шу икки жилддан бир ўқувчи сифатида қилча завқ ололмадим. Китобни ўқишга кетган вақтимга ачиндим, холос.

«Менинг шу вақтга қадар йигирмадан ортиқ китобим чиққан. Яқинда 50 ёшга тўламан. Шу муносабат билан танланган асарлар тўпламининг нашр этилишига ёрдам беришларингизни сўрайман,— деб ёзибди яна бир шоир нашриёт директори номига битган аризасида.

Мазкур тўпلام икки тақризчига берилибди. Бири ўн босма лист ҳажмидаги шеърларидан инсоф юзасидан ўнтагина шеър танлабди. Иккинчи тақризчи эса... биронта ҳам танлай олмабди. Орада кўнгилсизлик. Тақризчилар шоирни иқтидорсизликда, шоир эса уларни шафқатсизликда айблади. «Китобим чиқиши керак. 30 йилдан бери ижод қиляпман. Союз аъзосиман,— дейди.

Шу муносабат билан бир нарса эсимга тушяпти. Маълумки, биз аёллар урфга андаккина ишқивоз бўлаемиз. Ўзимизнинг не-не ифорли атирларимиз туриб, ўта қимматбаҳо француз атирларини сотиб олаемиз. Бундай ўчликни кўрган баъзи юлғич сотувчилар француз шисаларидаги атирларни магазинларимизда ўтмаётган арзон-гаров, оддий атирлар билан алмаштириб қўйишга журъат этишаркан. Шундай қилиб, бизни чув туширишаркан.

Шу каби шеърхонни чув тушириб бўлса-да, китоб чиқаришга ишқивозлар бор. Бундайлар аввало газета-журналларни, нашриётларни эгаллашга ҳаракат қилишади. Ўз хизмат ўринларидан фойдаланиб туриб, қайсидир ўтмайдиган асарга ҳомийлик қилишади, ўз навбатида ўз сийқа асарларига ҳам ҳомий яратишади. Қўл қўлни ювади...

Ёхуд ҳомийликнинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Кимларнингдир шахсий садақатига, лаганбардорлигига, пой-патакларига қараб, уларга «оқ йўллар» ёзиб берилади, давраларда мақталади, ёрдамлар уюштирилади... Оқибатда ўртамиёначилик ўзига шйтоб билан йўл очиб кетаверади: газета-журналларни тўлдириб туради, нашриёт редакцияларида босилиб ётади.

Мен бундай асарларни ўқирканман, нозиктаъб шоир Жамол Камолнинг «Қўшниллар» номли шеъри беихтиёр ёдимга тушади. Шеърнинг лирик қаҳрамони доимо ичиб келиб, тинчликни бузувчи қўшниларига қарата «Сал меъёри билан-да, ахир Умар Ҳайём ҳам, гоҳ-гоҳ, деган, кам-кам, деган, деса, қўшниллар шундай жавоб қилишади:

Кўзингизни очинг мундоқ:
Уйғоқмисиз, ухлоқсиз?
Тўғри, пича ўқигансиз,
Лекин анча қолоқсиз.
Ҳайём билан орамизда
Тўққиз, балки ўн аср.
Бизнинг аср эмас ундоқ
Алай-балай, жўн аср.
«Тез-тез», яна «кўп-кўп!» — мана
Бизнинг аср байроғи.
Қойилмисиз? Баракалла!
Шундоқ бўлсин бу ёғи...»

Қарангки, биз «тез-тез» дедик, «кўп-кўп» дедик, ўтмас китоблар магазинларга тиқилиб кетди, ўтмас матолар пештахталарни тўлдириб юборди, ўтмас кийим-бошлар илгичларда йиллаб туравериб, асли рангини унутиб қўйди... Бундай касодликдан безор бўлган одамлар дурустроқ хариддан умидларини узиб, чиқим магазинларда, ательеларда, ошхоналарда ва шу каби муассасаларда ишловчи «учар»ларга қўл келди. Оддийгина бичиқли кўйлакни тиктириш нархи 30—40 сўмга кўтарилди, ўқишли бўлган, 2—3 сўмли китоб 15—20 сўмга сарфлади... Сеҳрли доира... Бир муаммо ўз ортидан ўнлаб муаммоларни келтириб чиқарди, бир сифатсизлик ўнлаб сифатсизликларга йўл очди...

Кўпинча «учар»ларнинг бошқа тилларга таржима қилинган асарларига қараб ўзбек адабиётига баҳо берилди, ҳатто Гётедай даҳо «Мен шарқ шеъриятига шогирдликка ҳам арзимаيمان», деб сиғинган қадимий ажойиб аънани шеъриятимиз давомчиларининг ижоди ўз етарли қадрини ололмади юрди. Бундан чўчиган баъзи ёшларда классик меросимизга бир оз ҳадик билан қараш фикри туғилди. «Ғарб адабиётининг этагини тутмасак узоққа боролмас эканмиз», деган қарашлар сезилиб қолди...

Ҳаммаси сифат масаласидан, уни кўрсата олмаганимиздан бошланди. Кўрсатишга уринишлар эса унчалик самара бермади ҳисоб. Оқибатда талантчилар асар ёзишдан нарига ўтмай қўйишди. Бу талантсизларга яна қўл келди... Лекин бу ҳол узоқ давом этмади. Партиямиз мавжуд хатоларнинг олдини олишга яна бир шитоб билан жиддий киришди. Ўз республикамиздан мисол. Барча ижодий ташкилотлар талантли кадрлар ҳисобига мустаҳкамлана бошлади.

Фақат таҳсинга, фақат ғурурга сазовор бу ғамхўрлик! Катта бир янгиланиш бошланди. У андаккина ҳадикли қарашларимизни қатъий ғалаба орзусига тўлдириб юборди, эътиқодимизни бутунлаштирди, овозимизни дадиллаштирди, қадамларимизни шахдамлаштирди. Кеча каттагина нуқсонлар ёнидан тишни тишга қўйиб, алам билан ўтган бўлсак, бугун андаккина камчиликка ҳам бефарқ қарай олмаепмиз. Кечагина адолатни орзулаб шеър ёзган бўлсак, бугун адолат тантанасини кўриб турибмиз. Ҳар куни. Ҳар қадамда. Ениб-қўйиб, ғурурланиб-қувониб ишлагимиз келяпти. Унчалик осон бўлаётгани ҳам йўқ. Киш баҳорга ўрнини дарровгина бўшата, қолармиди! Кимлардир йиллаб тўплаган имтиёзларидан дарровгина воз кечармидилар! Урганган кўнгилнинг ўртанишлари йўқ эмас. Лекин яхши маънодаги янгиланишнинг қўли сўзсиз баланд. Ахир, биз партиямизга, XXVII съездимиз руҳига суяниб турибмиз. Ҳақиқатга суяниб турибмиз. «Бизнинг кучимиз,— деган эди доҳиймиз В. И. Ленин,— ҳақиқатни айтишда». Бу улғвор сўзлар чала-ярим ҳақиқатни бутунлай инкор қилган мардонвор съездимиз минбаридан мағрур жаранглади, бизни энтиктириб юборди, қалбимиздаги мудроқ ишончларни уйғотиб, бедорлаштириб қўйди. Энди орқага қайтиш йўқ!

IV

Радиодан хонанданинг ёқимли овози эшитилляпти. У ашулани меъёрига шундай етказиб ижро этиляптики, қалбим куйига тебранган ҳолда, диққатим унинг сўзларига, мазмунига йўналади:

Сунбула-ю сунбула,
Ураб олай гул билан.
Менинг кўнглим сен билан,
Сен кетарсан ким билан?
Қадамингга гуллар сочилсин...

Мен бу ашуланинг халқники эканини, куйининг дард аралаш нурлилигини, тўғри юракка оқишини билардим. Мазкур қўшиққа халқимизнинг яна бир бергусиз фазилати жо эканини мана ҳозир, уни тинглаб туриб кашф этдим. Бу — халқимизга хос тантилик, сахийлик, фидойилик. Зеро, халқнинг қандайлигига унинг адабиёти, санъати кўзгу. Қарангки, кўнглини олиб, лекин у билан эмас, балки қайсидир ўзга билан кетаётган маҳбубдан гина йўқ. У нафрат-маломатларга кўмилмаяпти, ёмонликнинг зарраси ҳам унга раво кўрилмаяпти, аксиңча, унинг қадамига гуллар сочилишини лирик қахрамон орзу қиялляпти, ситамгарининг босадиган излари исли-ифорли бўлишини истаяпти.

Одамайлик, бағри кенглик, оқибат бўлса, шунчалик бўлар-да, дейман ўзимга ўзим. Кўз олдимда танти халқимиз яна бир неча баробар юксалиб кетади.

Одатда ким биландир, нима биландир фахрлансангиз, унинг номига заррача гард юқтиргингиз келмайди, уни фақат яхши томондангина кўраверсам, дейсиз. Яхшиликка чанқоқ кўзларингиз гоҳида нохушликка дуч келса-чи? «Гул тиконсиз бўлмас», деган мақол билан ўзини овутиш керакмикин шундай пайтларда?

Мен эса мақолдан таскин топишни истамайман, қўлимда чиройли бўлиб турган гулнинг тиканларини бирма-бир олиб ташлагим келади, токи у ногоҳ қўлимга санчилмасин, гулдан олаётган завқимни ногоҳ пучакка чиқармасин.

Бордан йўқ бўлмас ва аксинча, йўқдан бор бўлмас, дейдилар. Табиатнинг бу қонуни, назаримда, меҳр-оқибатга ҳам бутунича тааллуқли. Бунинг маъноси шуки, фақат оқибатли одамгина оқибатга сазовор, фақат меҳрибон одамгина меҳрдан баҳраманд.

Яқинда хизмат тақозоси билан пойтахтимиздаги илмий-текшириш институтларининг бирида бўлдим. Институтни айланиб, бир неча хонада бир хил суратни кўрдим.

— Аввалги директоримиз эди,— дейишди ходимлар.— Яқинда вафот этди. Жуда яхши одам эди.

Ўз ортингдан ана шундай илиқ хотирот қолдириш — қанчалик буюк бахт. Марҳум директор одамлардан талаб қилишдан олдинроқ қалб нурларини уларга беминнат улашгани, одамлар ҳам суратини хоналарига қўйиб, ҳар дақиқа уни эслаптилар, хаёлан у билан суҳбатлашяптилар, уни ўлимга бермай, иккинчи умр ато этяптилар. Оқибат ерда қолмаслигининг мисоли шу эмасми?!

Мен ҳаётда ўзини бахтли деб ҳисобловчи қанча одамга дуч келган бўлсам, шу нарсага амин бўламанки, улар доимо одамларга оқибатли комиллар, фозиллар бўлиб чиқадилар. Ва аксинча, доимо одамлардан нолиб юрувчи кимсалар бўлса, ўз навбатида, бошқаларга ҳам ёқмайдиган, теварак-атрофдагиларда ижирғаниш уйғотадиганлар бўладилар. Инсон бўлиш ҳам санъат экан. Кимки ҳеч кимни севмаса, уни ҳам ҳеч ким севмас экан.

Биламанки, ҳаётда меҳрни хуш кўрмайдиган биронта одам топилмайди... Қанотланиб яшашдан юз ўгирадиган бирон кимса йўқ. Беминнат саховатдан юз ўгирган одамни ҳали ҳеч қайсимиз кўрган эмасмиз. Демак, ҳамма оқибат кўриб яшашни истайди. Бунинг учун эса, аввало, уни ўзимиздан топиб, одамларга бера билишимиз керак эмасмикин, деб сўрагим келади.

Буюк Навоийнинг гўдакликданок онгимизга сингиб кетадиган ушбу ҳикматли сўзларини яна бир бор эслайман:

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидан ғами.

Ҳали қалам ушлашни ўрганмасданоқ шундай ҳикматлар билан тарбияланувчи халқ ичида оқибатсизлик, майли, оз бўлса-да, қаердан пайдо бўларкин? Навоийлар, Фузулийлар, Пушкинлар, Шекспирлар асрлардан бери эзгуликни, инсоннинг инсонга оқибатини ташвиқ қилиб келсалар у ёмонлик иллатларини йўқотиб бўлмаса? Гитлерга ўхшаган одамлар қисқа муддат ичида ёвузлик уруғларини сешиб, ўстириб, гуллатиб юборишга қодир бўлсалар?

Саволимга яна ҳаётнинг ўзи жавоб беради. Ана, болажон ўйинчоғини қуриб, бузиб ўтирибди. Бузишни бир зумда бажаряпти. Тузатишга келганда эса соатлаб овора бўляпти...

Меҳр-оқибатнинг орадан кўтарилиши ҳеч гап эмасдай. Бир нохуш қарашнинг, бир ишонсиз ишоранинг, бир офиз ноҳўя сўзнинг, бир беаъни хатти-ҳаракатнинг ўзи кифоядай бунинг учун. Қийини — ҳаммамизга керак бўлган оқибат барқарорлигини таъминлаш, унинг умрини узайтира олиш.

Меҳр-оқибат ҳеч қачон эскирмайдиган, ҳеч қачон ортиқчалик қилмайдиган, ҳаммага ҳам лойиқ келаверадиган, ҳаммага ҳам ярашиб тушадиган либос. У инсонгагина хос эмас. Ҳатто табиат ҳам унинг ҳосиласи. Сиз бир донданакни ерга кўмиб қўйинг-а. Униб чиққач, сув қуйиб, парваришлаб туринг. Уша бир донданак вақти келиб қучоққа сиғмайдиган дарахт бўлади, фақат сизга эмас, яна қанчадан-қанча одамларга етгулик ҳосил беради. Бир меҳр-оқибатингиз ўн бўлиб, юз бўлиб ўзингизга қайтади.

Меҳр-шафқати, оқибати йўқ одамларни, яхшиликни фақат олиб, қайтаришни эса ўйламайдиганларни мен носоғлар қаторига қўшгим, бундайлар қалбан майиб-мажруҳ, руҳан қашшоқ, маънан камбағал одамлар, дегим келади. Шундайлардан бирини биламан. У ўзига нафи тегиши мумкин бўлганларнинг кўнглини топа билади, етти букилиб, иззатларини жойига қўя олади. Нафи тегмайдиган одамларга эса юксақдан қарайди. Бошлиқлари олдида хокисору қўл остидагилари олдида ҳокими мутлақ.

Бундай ошқора оқибатсизлик одам учун бир ноқислик бўлса, ўзини гўё одамларга меҳрибон-мушфиқдай кўрсатиб, аслида оқибат нималигини билмаслик — одам учун икки баробар нокаслик, инсонлик номига икки баробар иснод. Ясама эзгуликдан, сохта мулозаматдан ёмони йўқ.

Менга бир одам ҳақида сўзлаб беришди. Айтишларича, сиздан олдин салом бераркан. Қабулига кирсангиз, истиқболингизга пешвоз туриб келаркан. Лекин унга бирор ишингиз тушгудай бўлса, қўйингизни пуч ёнғоққа тўлдириб юбораве-

раркан. На бирон тақдирга қизиқиш, на бирон бахтсизликдан куюниш бор унда.

Одамлар тақдирга бундай совуққонликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмас керак. Бу — золимлик, деб аталувчи ҳол, нафратга сазовор хусусият.

Оқибатлилар сиздан олдин сизга кулиб қарайдилар, сиздан олдин ёрдамга қўл узатадилар, кимгадир кўмаклари текканидан хурсанд бўлиб ишлайдилар. Бундайлар беихтиёр сизнинг қалбингизга ҳам яхшилик уруғини сочиб юборадилар. Шундайлар олдида ўзингизни қарздор ҳисоблайсиз. Уларга ўхшаб сизнинг ҳам яхшилик қилгингиз келади. Шундай қилиб, яхшилик яхшиликка эшик очади.

Ёшлигимда маҳалламизда Исмоил тоға деган қария бўларди. Шу одам ўйимизга кириши билан ҳаммамизнинг кўнглимиз ёришиб кетарди. Ширинсўз, хушмуомала, ақл-мулоҳазали бу нуронийда мен учун қандайдир сеҳр бордай туюларди.

— Эсон-омон ўтирибсизларми, янга, — дерди у эшикдан кириб келаркан. Уруш туфайли не қийинчиликларни кўраётган бўлсак-да, тоғанинг сўз орасида «баракалла» деб қўйиши қийинчиликларни ҳайдаб юборгандай бўларди. «Ўғилдан хат келиб турибдими?» — дерди у. Агар онам: «Анчадан бери дарак йўқ», — десалар. «Уруш-да, уруш, ҳар томондан тойдираман, деяпти. Умаралининг (тоға маҳалламиздагилардан бирининг номини тилга оларди) хати икки ойда келибди. Жони омон бўлса, бас. Хати бўлмаса, бир кунни ўзи кириб келади эшикдан». — Шу сўзлардан кейин акамиз гўё кириб келаётгандай ҳис қилардик ўзимизни.

Мана, ўшандан бери орадан қирқ йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Лекин биз ҳали-ҳануз Исмоил тоғанинг одамийлигини унутолмаймиз. Давраларда уни энг яқин одамларимиз қаторида эслаймиз. Ота-оналаримиз қабрини зиёрат қилар эканмиз, маҳалла тоғаси бўлмиш ажойиб инсон қабри олдида тиз чўкишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз ҳисоблаймиз. Бу — тоғамизнинг ўз беминнат яхшилигининг қайтими, халқ фарзанди эканининг жавоби.

Хаёлларим айланиб келиб, яна оқибатли халқимизда тўхтайти. Халқ эса кимлигини ҳашамсиз, ҳайқириқсиз ўз қўшиғида айтиб турибди:

Сунбула-ю сунбула,
Ураб олай гул билан.
Менинг кўнглим сен билан,
Сен кетарсан ким билан?
Қадамингга гуллар сочилсин...

«Қадамингга гуллар сочилсин...» Бу — менга, сизга, ҳаммамизга билдирилган эзгу истак. Бу — яхшиликка насихатсиз, чақириқсиз ўргатиш. Бундай нозиктаъбликка номуносиб бўлишга ҳаққимиз йўқ. Келинг, биз ҳам бир-биримизнинг қадамимизга фақат меҳр, қадр гулларини сочайлик, эзгуликнинг умрига умр қўшайлик, энг ноёб бойлик бўлган инсонийлигимизга гард юқтирмайлик. Зеро, партиямиз шонли съездида таъкидланганидай, «Социализм — юксак ахлоқ жамиятидир. Инсон ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб ғоявий инсон бўлиши мумкин эмас».

V

Москвага — олий адабиёт курсига ўқишга борганимда, ўзбекистонлик эканимни билган профессорларимиздан бири менга қараб шундай деганини ҳали-ҳали ғурур билан эслайман: «Ўзбекистон — ажойиб ўлка. Уни қадам-бақадам кезиб чиққанман. Пахтасининг ўзи бир олам. Ипаги. Тилласи. Қоракўли. Мевачевалари... Йўқ нарсанинг ўзи йўқ бу республикада».

Мен эса Ўзбекистонимизнинг меҳнаткаш одамлари ҳақида ўйлайман. Шулар ҳақида ёзгим, шулар ҳақида сўзлагим келади. Улар — пахтазорни иккинчи уйлари деб биладиган фидокор деҳқонлар. Улар — ўз дастгоҳлари билан сўзлашиб, моддий фаровонлик яратаётган ишчилар, ҳалол меҳнат соҳиблари. Улар — игна билан қудуқ қазиб, фан кўриқларини очаётган илм кишилари. Улар — қилаётган меҳнатларининг Ватанга, халққа зарурлигидан фахрланувчи ижодкорлар... Ватанимиз шундайлар ҳисобига тобора қудратли бўлиб бормоқда, халқаро миқёсда обрў-этибор қозонмоқда.

Кубада бўлганимда, кубаликларнинг Ватанимиз, Ўзбекистонимиз ҳақида мамнуният билан айтган дил сўзларини фахрланиб эшитиб юрдим: «Биз меҳмондўстликда, очиқ чеҳраликда ўзбекларга ўхшагимиз келади», — деди юртимизни кўриб кетган куба олимаси. «Биз тинчлик истаймиз. Лекин керак бўлса, сизларнинг Олег Кошевойларга ўхшаб қўлимиздаги қаламимизни қуролга алмаштиришга ҳам тайёрмиз», — деди куба пионери. «Сизларни кўриб, СССРга боргим келяпти», — деди кубалик шофёр.

Мен шулар ва шуларга ўхшаш жуда кўпларнинг кўксига ўшанда доҳиймиз Лениннинг расми туширилган значокларни тақиб қўйдим. Улар улуғ Ленинга

муносиблигидан шундай қилгандим. Ленин Ватанининг фарзанди эканимдан фахрланиш туйғуси ила шундай қилгандим.

Бу туйғу беълчову беадоғ қалбимда. Украинада — шеърят байрамида иштирок этарканман, кекса онахонлардан бири кўзида ёш билан менга шундай деганди: «Ўзбек халқи бизнинг болаларимизни сақлаб қолди, ўз фарзандидай ардоғига олди. Биз халқингиздан беҳад миннатдормиз. Бу олийжаноб халқ саховатини сира унутмаймиз. Сиздан илтимос: бизнинг катта раҳматимизни, чуқур эҳтиром-таъзимимизни халқингизга етказсангиз».

Она — Ўзбекистон, мовий кенгликда
Учқур лочинларнинг бирисан бу кун.
Қардош дўстлар билан дўстлик-тенгликда
Елкалаб боряпсан истиқбол юкин.
Заҳматинг ўртада, шонинг ўртада,
Дўстларинг энг ширин сўзлар айтади.
Дастурхонга қўйган нонинг ўртада,
Меҳр сендан чиқиб, сенга қайтади...

Мен шундай кўтаринки туйғулар билан яшагим келади. Ҳаётда заррача доғ кўришни истамайман. Одамлар фақат фидойи, фақат ҳалол, фақат покиза бўлишларини орзу қиламан.

Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмайди. Ана шундай курмаклар севимли республикамиз шаънига доғ туширдилар, пок қалбли одамлар юзини ерга қаратдилар...

Съездимиз минбарида республикамиз шаънига ўринли, айни чоғда аччиқ танқид бўлганида, гапнинг рости, руҳан эзилдик. Ахир, шохига урсангиз, танаси ҳам зирқирайди, дейдилар-ку.

Хаёлан республикамизни кезаман. Халқимиз меҳр бўлиб далалар бўйлаб сочилганини кўраман. Онадан ҳар хил рангда туғилувчи болажонларнинг кейинчароқ, дала куёши туфайли бир хил рангга кириб кетишларини ўйларканман, қошига ўсма қўйишга ҳам фурсати йўқ қизларни учратарканман, «Ўзбекистон», «Ватан» сўзлари ёнига «заҳматкаш» сўзини ёзиб қўйгим келади, халқимиз фидокорлигини байроқ қилиб дунёга кўз-кўзлагим келади. Марғилонда эканман, каттагина давралардан бирида сўз шеърят, шоиралар ҳақида кетган. Шунда етмишларга яқинлашган эркаклардан бирининг сермулозаматлиги менга, гапнинг очиги, бир оз эриш туюлганди.

— Менинг набирам ҳам шеър ёзади, — деди у, гўё катта бир мўъжизани очаётгандай.

— Шундайми? — дедиму лекин ичимда, ёзса нима бўпти, деган савол туғилди.

— Шеърлари тез-тез кўриниб туради, — деди ҳамсуҳбатим яна.

— Яхши, — дедим, эркакнинг бу даражада суҳбатлашиш майлига тушунолмай.

— Набирамни танийсиз, — деди у билагимдан ушлаб. Гапнинг очиги, унинг бу такаллуфидан ғашим келди. Лекин тишимни тишимга қўйдим. Даврадагилар билан хайрлашгач, аэропортда ҳамроҳим менга деди:

— Сизга шеър ёзадиган набираси ҳақида гапирган ҳалиги эркак аслида эркак эмас. У — аёл...


— Нега? Қандай қилиб? — мен қотиб қолдим.

— Ҳа, у — аёл. Босмачиларга қарши кураш йиллари разведкачилик қилган. Сочини қирқтириб, эркакча кийиниб, босмачилар орасида юрган. Бир ой эмас, бир йил эмас, бир неча йил шундай яшаган. Охири унинг шу кўринишига атрофидагилар ҳам, ўзи ҳам кўниқиб кетган...

Мен ёшимни тия олмасдим. Ўзининг борки аёллик жозибасини мен ва мен кабиларнинг бахти учун қурбон қилган аёл қаршисидаги номақбул ўйларимдан хижолатда йиғлардим, олийжаноблик билан илтифотсизликнинг тўқнашуви оқибатида отилган кўзга кўринмас ўқлардан руҳан яраланиб йиғлардим...

Кечагина паранжида юрган ўзбек қизи улкан бахт улкан қурбонлик талаб қилишини англаган, узун сочларини кесиб, рўмолни кўқон дўппига, атлас қўйлакни костюмга алмашган. Овозига ҳам мажбуран эркаклик нусхасини кўчира билган. У бахт йўлида, эрк йўлида ҳамма нарсага қодир эди, зеро!

Бу аёлни мен ҳеч қачон унутмасам керак. Ўзининг худбин хаёлларига ўралган кимсаларни кўрганимда эслайман уни: Майда туйғулар домида юрганларга дуч келсам, эслайман уни. Қоғозбозлик, буйруқбозликларга ўрганиб қолганларга қараб, эслайман уни... У мен учун қалбни тозартиш воситаси, у мен учун ҳали ёзмаганим шеър. Ҳаёт шундайлар туфайли гўзал, шоирона. Шундайлар билангина биз улуг доҳиймиз Лениндан мерос бўлиб қолган биринчи халқ давлатимизнинг муттасил ривожини таъминлай оламиз. Шонли съездимизда баланд руҳ билан таъкидланганидай, «Тарих биз учун бошқа тақдир ато этмаган. Аммо бу нақадар гўзал тақдир!»



Норбой Худойберганов

КУЗАТУВЧИ ЭМАС, ЯРАТУВЧИ...

Хаётни кўп кузатиб, кўп кўрган одамдан ёзувчи чиқади, деган гап кенг тарқалган. Бу фикрда жон бор. Аммо фақат кўп кузатиб, кўп кўришнинг ўзи етук асар яратиш учун етарлими?

Бу муаммони ечиш мақсадида баъзи мисолларни кўздан кечирайлик. Мана, Шодмонбек Отабоевнинг «Куёвбола» ҳикояси.

Муаллиф кўп йиллардан бери насрда қалам тебратаётган ижодкорлардан. У адабий танқидчиликда ҳам иш олиб боради — Мирзакалон Исмоилий ижодига бағишланган рисола муаллифи. Таржима муаммоларига оид мақолалар ҳам ёзиб туради. Бинобарин, Шодмонбек бадий ижоднинг назарий асосларидан хабардор. Яна шуни айтиш керакки, бир қанча ҳажвий лавҳалар ҳам яратган. Уларда ҳаётда учраб турадиган иллатларни фош этишга интилади. Шундай интилиш маълум даражада «Куёвбола» ҳикоясида ўз аксини топган.

Хўш, «Куёвбола» ким ўзи? Нима учун у ҳақда ҳикоя битилди? Бунга жавобан шундай дейилади: «Куёвбола чўлга келганига икки йилдан ошди. У нима иш буюрилса, шуни қилиб кетаверади. Ҳозир шаҳардан ҳашарга келган музей ходимларига ошпаз. Ёмғирли кунларда бошқалар маза қилиб дам олса, Куёвболага тиним йўқ... Куёвбола четдан қараганда оғиркарвон кўринса-да, ҳамма ишга улгуради. Бирон марта оғиз очиб зорланмайди».

Диққат қилинг: у нима буюрилса, ҳаммасини сўзсиз бажаради, тиним билмайди, асло зорланмайди, бироқ булар қаҳрамонни тирик одам тарзида гавдалантириш учун етарлими? Табиийки, етарли эмас. Бадий асарда қаҳрамон хатти-ҳаракатларини, хулқ-атворини, кечинмаларини шундай кўрсатиш керакки, унинг қандай одам эканлигини изоҳлаб, таърифлаб-тавсифлашга эҳтиёж қолмасин! Қаҳрамонни кўрсатиш учун жонли, таъсирчан, ҳаққоний тасвир чизиш талаб қилинади.

Шодмонбек бундан бехабар деб бўлмайди.

«Куёвбола»ни ўқирканман, Шодмонбекнинг ёзиш қобилияти борлигини кўриб тураман. Ҳикоядаги гаплар, жумлаларда ғализлик, чалкашлик учрамайди. Асар қаҳрамонини ёзувчи ҳаётда кўриб, кузатганига шубҳа туғилмайди. Чиндан ҳам буюрилган ишларингни бажариб юрадиган мўмин-қобил, беозор, ҳалол, меҳнаткаш одамлар оз эмас. Лекин уларнинг ҳар бири ўзига хос тақдорларга эга, таърифи, хулқ-атвори билан бир-бирларидан ажралиб турадики, масаланинг мана шу жиҳати сўз санъатида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шодмонбек ўз қаҳрамонидаги хусусиятларни таърифлашга зўр беради: «Дарвоқе, унинг Тоҳиржон деган бинойидек исми бор. «Куёвбола» лақаби ҳашарчилардан чиққан. Лақаб узукка кўз қўйгандай ярашиб тушди, ҳатто ўзи ҳам асл исмини унутиб юбораёзди».

Шундай бўлса, йигитда нимадир етишмайди. Дарҳақиқат, ҳашарчилар унинг «ақлу ҳуши мундайроқ» деб ҳисоблайдилар. «Келин» ролини бажарувчи Зуҳра Тоҳирни майна қилишдан ранжиб: «...яхши иш бўлмади», — дейди. Қизнинг хуштори, Тоҳир устидан кулишни ташкил этган йигит: «Э-э, битта меров учун шунча бош оғриғими!», — деб унга раддия беради.

Тоҳир аслида онадан меров бўлиб туғилганми ёки ёмон шароитга тушиб қолиб, ақли кемтиклашганми? Ёзувчи бунга аниқлик киритмайди, аммо кўп ўтмасдан Тоҳир ҳашарчилар уни лақиллатганини аңглайди ва қуйидаги ҳолатни бошидан кечиради: «Куёвбола қаттиқ қичқириб юборди, сўнг бошини қўллари билан чангалладио қаҳ-қаҳ уриб. кулди... энди кулги ҳам, йиғи ҳам барибир, кулиб туриб йиғлар, йиғлаб туриб кулар эди».

Ҳикоя мана шу сўзлар билан якунланади. Улардан қандай маънони ўқиб олиш мумкин? Муаллиф қаҳрамоним олдин меров эди, калака қилинавергандан кейин ҳушига келди, кўзи мошдай очилди, демоқчими? Ёки Тоҳирнинг мияси жойида эди-ю, уни бир «нўхати» етишмайди, деб бекорга камситдилар, демоқчими? Ёхуд Тоҳир онадан «ақли чалароқ» бўлиб туғилган, бу унинг айби эмас-ку, нега эс-ҳушли одамлар унинг устидан кулади, деб кимларга-дир танбеҳ бераптими? Балки ақлиман, деб керилиб юрган кимсалардан ўша «хуши

андакроқ» Тоҳир ҳалол, меҳнатқаш, мард инсон сифатида ажралиб туради, деган фикрни илгари сураётгандир?

Бордию бу тахминлар яхлит ғояга айлантирилиб, янгидан кашф этилган оригинал характерларга сингдириб юборилса, таъсирчан манзаралар орқали ифодаланса, балки ижодий ютуққа эришилари. Афсуски, Шодмонбек сўз санъати биринчи галда ва асос эътибори билан «инсоншунослик» бўлиб, янги қаҳрамон яратилмаса, ёзувчининг изланиш-интилишлари зое кетишини чуқур англамаганга ўхшайди. У қаҳрамонларнинг ички дунёсини, кечинмаларини, хатти-ҳаракатларини ҳикоя талабига мувофиқ қисқа, лўнда шаклда тадқиқ этиш ўрнига қизиқарли воқеаларни тавсифлашдан нарига ўтмайди. «Куёвбола»да Тоҳирнинг «севгилиси» Зухранинг туғилган кунини нишонлашга бағишланган кечани ташкил этилиши, «келин» ва «куёв»нинг ёнма-ён ўтириши, уларнинг шарафига табриклар ёғдирилиши барча тафсилотлари билан қаламга олинади. Чунончи, Тоҳирни калака қилишда Азим деган йигит, айниқса, фаоллик кўрсатади: «Биров Зухро юлдузини осмондан қидиради, биров эса уни шу она заминнинг ўзидан топади. Буни қарангки, тақдир азал буларнинг бирини Тоҳиру бирини Зухро қилиб яратибди. Тақдирнинг ҳазили... кҳм... ҳикматини қаранг! Ҳаётда бундай бахтли тасодиф, бунақа ажойиб мўъжиза ҳамма вақт учрайвермайди».

Бу сўзларнинг ғирт ёлгон эканлигини Тоҳир билмайди, холос. Шунинг учун бошқалар гуриллаб кулади, хусусан, Азим ва Зухро яйраб завқланадилар. Анироғи, уларнинг хатти-ҳаракатлари шунчаки қайд этилади. Уша йигит-қиз бир-бирини яхши кўради, бироқ улар яхши одамлар эмас, дейилади ҳикояда. Ахир, улардан бири «келин», иккинчиси «режиссёр» тарзида майдонга чиқиб, Тоҳирни калака қиладиган «ўйин»ни ташкил этгани бунинг исботи-ку, деб ишонтиришга интилади ёзувчи. Лекин мен бунга ишонмадим. Негаки, уларнинг барчаси ўз характери мантиқига кўра ҳаракат қиладиган, яшайдиган тирик одамлар эмас, балки муаллифнинг «бўйруғи»ни адо этадиган сунъий «қўғирчоқлар»ни эслатади. Муаллиф хоҳлагани, Тоҳир меров, Азим ўта қув, муғомбир, Зухро бир оз энгил табиатли бўлиб кўринсин, Тоҳир усталик билан ўюштирилган «спектаклда» лабиринтлар юрадиган бўш-баёв йигит вазифасини бажарсин. Оқибатда ҳамма воқеалар шу истакка мувофиқ бошланади, давом этади ва якунланади.

Тўғри, ҳар қандай бадий асарда қаҳрамонларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари ёзувчи томонидан «уюштирилади», ҳаётдан олинган воқеалар обдан пишигилади, нималардир қўшилади, нималардир олиб ташланади. Аммо у шундай «уюштирилиши» керакки, қаҳрамонлар ҳаётдагидек ўз кифоаси, характери билан тирик одамлардек гавдалансин, уларнинг ҳар бир сўзи, ҳаракати, феъл-атворида «тўқиб чиқарилган» ўринлар асло сезилмасин, ўқувчиларда заррача шубҳа уйғотмасин. Ҳаётдан шунчаки нусха кўчириш билан ҳаққоний образ яратиб бўлмайди. «Кунлардан бир кун, — деб ўқирган эди Абдулла Қаҳҳор, — ён дафтаримга халқнинг ҳазил-мутойибаларидан «Йўқолмасдан илгари бормиди» деган иборани ёзиб қўйган эдим. Беғараз ҳазил тарзида айтилган бу иборани амин ҳўкизи йўқолиб, арза келган мўйсафид деҳқонга айтганда, ҳеч қутилмаган даражада ўткир ва чуқур маъно касб этди, менинг ихтиёримдан ташқари ижтимоий кучга эга бўлди. Айни чоқда шахс характерини очиб юборди. Бу ҳикояни бошдан-оёқ деталлар, характери ли савол-жавоб асосига кўрдим. Бир вақт қарасам, аслида йўқ кекса деҳқон ҳам, уни калака қилувчи амалдор ҳам воқеаликдан кўчириб ёзган илгариги қаҳрамонларимга қараганда жонлироқ чиқибди» (Асарлар, 6-жилд, 326—327-бетлар).

Қаранг-а, «Ўғри» ҳикоясидаги кекса деҳқонни ҳам, амалдорни ҳам, воқеаларни ҳам ёзувчининг ўзи ўйлаб топибди. Шунга қарамасдан асарда ҳаракат қилган ижобий ва салбий шахслар ҳаётдан кўчириб ёзилган нусхаларга қараганда жонлироқ, ёрқинроқ бўлиб гавдаланган.

Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Абдулла Қаҳҳор ҳикоя қаҳрамони Қобил бобони, у яшайдиган муҳитни санъаткор сифатида кашф этган. Ёзувчи персонажларни шундай яратганки, уларнинг «ўйлаб топилгани»ни асло сезмайсиз. Қобил бобо номига яраша ўта мўмин-қобил бўлгани учун фожиага юз туггани, амалдорлар томонидан шафқатсиз талангани, ўзини муҳофаза қилолмаганини дилдан ҳис қиламиз. Бир жиҳатдан унга ачинамиз, кекса деҳқон устидан кулаётганларга нафратимиз ортади, зулм, эрксизликка кенг йўл очган адолатсиз тузумнинг моҳиятини англаймиз. Айни чоқда ёзувчи Қобил бобо ўз ҳол-аҳволи қандай кечаётганини, ёвуз амалдорлар томонидан таҳқирланаётганини сезмагани, бамисоли меровлардек ҳаракат қиладигани учун уни қаттиқ қоралайди. Оқибатда қаҳрамон ҳалоллиги, меҳнатқашлиги туфайли ардоқланса, мўмин-қобиллиги учун қаттиқ танбеҳ олади.

Баъзи кишилар онгида ҳалиям эски тузумнинг айрим иллатлари, хусусан, мўмин-қобиллик «касали» барҳам толган эмас. Мана шу «касал»нинг бир кўринишини Чингиз Айтматов «Оқ кема» қиссасидаги Мўмин образи орқали ёрқин гавдалантиради. У Мўмин тимсолида совет замонида яшаётган, хийла баркамол инсонни кўради, оқу қоранинг фарқига борадиган яхши одам сиймосини акс эттиради. Даҳшатлиси шундаки, мана шу қаҳрамон мўминлиги туфайли Урозқулга ўхшаш қабиҳ кимсаларнинг югурдагига айланиб, эл-юрт, халқ тимсоли деб ҳисобланган Она буғуни ўлдирди ва муқаддас тўғулар, юсак орзу, улуғ эътиқодни таҳқирлашга сабабчи бўлади. Ёзувчи уни гоҳ меҳр-муҳаббат, гоҳ қаҳр-ғазаб билан тасвирлагани бежиз эмас. «Ўғри»даги Қобил бобого ҳам Абдулла Қаҳҳор баъзан ачинади, унинг золимлар томонидан мазах қилинаётгани учун куйини, эзлиб сўзлайди, айни чоқда гўллиги, мўмин-қобиллиги уни фожиага олиб келганини танқид қиладди.

Кўрпямизки, ҳар икки ёзувчи баъзи жиҳатларига кўра бир-бирига муштарак, аммо шаклан ва мазмунан жиддалар фарқланадиган икки хил бадий тип яратиб, ўз ғояларини хилма-хил ранглар, воситалар орқали намоён қилганлар.

«Куёвбола» ҳам ўзига хос мўмин-қобил йигит-ку?! Унинг кечинмалари, хатти-ҳаракатларини тадқиқ этиб, яна бир янги бадий тип кашф этиб бўлмасмиди? Афсуски, Шодмонбек буни уддалай олмади. Бадий ижод, сўз санъати буюк адиб асарларини ҳам, ёш

қаламқаш изланиш-интилишларини ҳам бир хил «тарози»да битта «тош» билан ўлчайди, китобхон бу асар ёш ёзувчи томонидан битилган экан, унинг нуқсонларини кечиришимиз керак, демайди.

Хуллас, ёзувчи нияти ўқувчиларнинг руҳий олами, тафаккурини бойитадиган ўта таъсирчан ғояга айлантирилмаса, тирик қаҳрамонларнинг ҳаётий, тақрорланмас қиёфалари, характерлари кашф этилмаса, мўлжал амалга ошмасдан қолаверади.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Акбар Юнусовнинг «Тунукасозлар», Муҳаммад Пирриевнинг «Хотима» ҳикояларини кўздан кечирайлик.

Акбар Юнусовнинг тунукасоzlари ўзларини шундай таништиради: «Аҳмад. Отанасининг хусусий фарзанди. Судланмаган, маълумоти тўлиқсиз олий. Қалби дарвишона, муҳаббат гадоси... Герман Штелин. Немис фарзанди. Ёшим йигирма учда. Қирқ иккинчи қопилли пойабзал кияман». Уларга Костас деган грек қўшилади.

Бу ўзбек, немис ва грек йигитларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари қандай? Улар қай жиҳати билан бизни ром этиб, қандай маънавий сабоқ беради, бир-бирларидан қайси инсоний фазилатлари билан ажралиб туради ва ёш ёзувчимиз мазкур қаҳрамонлар фаолиятини акс эттириш орқали нима демоқчи ўзи?

Муаллиф бу муаммоларга аниқлик киритиш учун воқеаларни Аҳмад тилидан сўзлайди: «Герман иккаламиз сергак тортиқ, Костасни кузата бошладик. Роса файласуф экан-ку, худди бизнинг дидимиздагидек. Биз Герман иккаламиз ҳам ҳаёт ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритишни хуш кўрай, шанба кунлари менинг бир хонали квартирамга қизларни таклиф қилиб адабий кечалар уюштирар эдик. Умар Ҳайёмни, Байронни ўқирдик, «Оқ мусаллас» билан таббосди қилардик. Ана энди Костас ҳам бизга улфат бўлди!

Қизиқ, бир хонали квартирага қизларни чақириб, «Оқ мусаллас» ичиш, Байрону Ҳайёмни ўқиш «фалсафа»ми? «Адабий кечалар уюштириш»чи?

Ҳикояни ўқишда давом этамиз. Иш вақтида материал йўқлигидан тунукасоzlар гап сота бошлайдилар. «Гавана» ва «Жаҳон Обидова» сигаретаси ҳақида баҳслашадилар, сўнгра бригадирни Вася амакиннинг ёш, чиройли хотини тўғрисида сўз очилади. Яна бироздан кейин шуниси аён бўладики, ўша ёш, чиройли аёл Виктор деган кимса билан айш-ишрат қилаётганда кўлга тушади, бунга чидай олмаган эр ичиб маст бўлади ва тасодифан томдан қулаб ҳалок бўлади. Ҳикояда мотам маросими ўтказилгани, ўша аянчли шароитда ҳам ёш, чиройли хотиннинг яйраб-яшнаб юргани, учта ўртоқ, яъни Аҳмад, Костас ва Герман унинг ўйнаши Викторнинг танобини тортиб қўйгани таъкидланади.

«Тунукасоzlар»да нимаики тилга олинмасин, ким мақталиб, ким қоралаймасин, барчаси юракларни «жизиллатадиган» ҳаққоний тасвир орқали кўрсатилмайди, балки шунчаки қайд этилади, холос. Аҳмаднинг ўзбек, Германиянинг немис, Костаснинг грек, Вася амакиннинг рус эканлиги ўқтирилади, бироқ уларнинг ўзига хос характерлари, инсоний қиёфалари кўз ўнгимизда гавдаланмайди. Қаҳрамонлар ишлаган муҳит, уларнинг касб-корига оид воқеалар қуйидагича тавсифланади: «Қўлларимиз тунука мойидан қорайиб, болға дастасидан қадок бўлиб кетган, ҳатто тунука тилиб кетса ҳам парво қилмаймиз. Гоҳида пича нафас ростлаймиз. Кузнинг мусаффо ҳавосида тиниқ кўринган олисдаги тоғларга тикиламиз. Олтинранг барглarning учиб тушишини, пастдаги шошқалоқ одамларни томоша қилиб чекишамиз-да, яна ишга!»

Тунукасоzгина эмас, балки слесарь, ё механик ёки шофёр ҳам шу тарзда ишлайди. Бу ерда асар қаҳрамонларининг меҳнат фаолиятига оид ўзига хос хусусиятлар, белги-аломатларни кўрмаймиз, фақат тунукасоzlаргина қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар, материалларнинг ўз «ҳиди», «таъми», иш қуролларининг хусусиятлари қаламга олинмаган. Тўғри, сўз санъати муайян касб-корнинг барча сирларини, меҳнат жараёнининг моҳиятини бутун тафсилотлари билан очиб берадиган соҳа эмас. Гап қаҳрамон характерини очишга хизмат қиладиган омиллар устида кетяпти. Зотан, касб-корга доир «кикир-чикир»лар инсоннинг ҳаётига, қиёфаси, характери, юриш-туриши, фикрлаши, руҳиятига қандайдир таъсирини ўтказиши. Санъаткор мана шу таъсирни шундай кўрсатиши керакки, ҳеч қандай изоҳларсиз қаҳрамоннинг қаерда ишлаётгани, руҳий оламида қандай ўзгаришлар рўй бераётгани кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтиб турсин, меҳнат жараёнида маънавий жиҳатдан юксалаётгани ёки аксинча, инқирозга юз тутаётгани намоён бўлсин.

«Тунукасоzlар»даги қаҳрамонларнинг фаолияти тўғрисида йўл-йўлакай ахборот берилади, холос. Уларнинг руҳий дунёси, қалбида рўй бераётган ҳодисаларга ёзувчи диққатимизни тортмайди.

Муҳаммад Пирриевнинг «Хотима» ҳикоясида ҳам ахборот асосий ўринни эгаллайди. Асар шундай бошланади: «Шайтон васваса қилса, одамзодни ҳар куй — бадга дучор қиларкан. Ҳали ўз касбини қойилмақом қилиб ўринлата олмаган адабиёт ўқитувчиси Бўтаев ҳам шайтон васвасасига учиб, колхозга раис бўлиш пайига тушиб қолди. Тегишли жойларга бир-икки кишини воситачи қилиб юборди, уч-тўрт мартаба «думалоқ» хат ёзиб, колхоз раисини ёмонотлиққа чиқарди, бировлар номидан ўзини унинг ўрнига тавсия қилиб кўрди, фойдаси тегмади. Лекин Бўтаев қўрғур айтганидан қайтмайдиган хилидан экан. Астойдил йиғласа — сўқир кўздан ёш чиқар, деганларидай, аввалига кичик-кичик базмларда, кейинчалик эса тўй-ҳашамларда «раис»ликини касб қилиб олди...»

Ёш ёзувчи шу зайлда ҳикояни давом эттириб, Бўтаевнинг дарс пайтида тўйларда сўзлайдиган «нутқ»ини мавзу қилиб ўтгани, ўқувчилар билан маросимлар хусусида суҳбатлашгани, охирида бу «дарс»ни РайОНО инспектори кузатиб, «хотима»лаганини, яъни фош этганини сўзлайди. Ҳа, сўзлайди-ю, бироқ вужуд-вужудингизгача титратиб юборадиган сеҳрли, алангали ва ҳаққоний тасвир орқали қаҳрамонларнинг хулқ-атворларини чизиб беролмайди.

Ғафур Ғулوم номидаги адабиёт ва санъат нашриёти чиқарган «Йўл бошида» тўпламига (юқоридаги мисоллар шу китобдан олинди) ўн етти ёш ижодкорнинг ҳикоялари жамланган. Шуниси эътиборлики, муаллифлар деярли ўн-йигирма йилдан бери ёзувчилик билан

шуғулланади, ёшлари тахминан 35—40 атрофида. Аммо уларнинг кўпчилиги ҳалигача чин истеъдодини намойиш қилган эмас.

Мамнуният билан қайд этамизки, Эркин Усмоновнинг тўпламга кирган уч ҳикоясидан биттаси алоҳида ажралиб туради. Гап «Муносабат» ҳикояси устида кетяпти. Унинг қаҳрамони Абдусаттор Тўйчиев илмий-текшириш институтидаги «халқ ижоди» бўлимида илмий ходим бўлиб ишлайди, аспирантурига тугатган, халқ оғзаси ижоди материалларини йиғишда жонбозлик кўрсатган, ўнлаб шаҳар ва қишлоқларни қадам-бақадам кезиб чиққан, қанчадан-қанча қўшиқлар, термалар, мақолу маталларни ёзиб олган, лекин шунча иш қилса-да, ҳалигача ҳатто илмий ишининг мавзуини тасдиқлаётмаган. Нима учун! Бунинг боиси шуки, Абдусаттор институт ва бўлим раҳбарларининг бирорта ҳожатини чиқармайди, уларнинг «керакли одами» эмас: «Мана, Турсунбойни олайлик. Радио-телевизор тузатишни билади. Шунинг учун ҳамisha иззатда. Гоҳ директор муовини уни ўзи билан машинасида олиб кетса, гоҳ бош бухгалтер уни йўқлаб қидириб юради. Мухторов бўлса чойхона паловни қотиради. Ҳар сафар чойхонада улфатчиликдан сўнг унинг қўли ширинлигини мақтаб юришади. Бахтиёрнинг отаси эса академик... Абдусатторнинг ўзи-чи? Кимга керак? Нимага керак? Кимга нима қилиб беради? Ҳеч нима...»

Тўғри, бир марта Абдусаттор ўз бошлиқларининг оғирини енгил қилади: маош олиб, қаҳвахонада маишат қилганларида йўқ ердан арақ топиб келади, лекин маст бўлиб, ҳамкасбларини фош қила бошлайди: «Ие, нега бас қиларканман?! Нимага энди? Қўрқаманми? Ҳечам-да! Сизлар бас қилинглр комедияни!.. Ҳамманг роль ўйнайсанлар! Биттанг... мансаб илинжида, иккинчинг мукофот илинжида, бошқанг бошқа бирон нарса учун бир-бирларингга ялтоқланасан, дуллариңгни ликиллатасанлар!»

Пировардида бошлиқ ўз ходимини гўё ҳимоя қилиб, Абдусаттор «Бизнинг одам...» деганда қаҳрамонимиз «кўзларини зўрға очиб шивирлади: «Елғон! Мен сизларни одамингиз эмасман!..»

Худди шу вазиятда ҳикояга яқун ясалган. Абдусатторнинг бундан кейин «керакли одам»га айланиши ёки айланмаслигини, актив курашчи даражасига кўтарилиши ёки кўтарилмаслигини билмайсиз, аммо унинг илмий ишларни, ижтимоий фаолиятни фақат шахсий манфаатга бўйсундириб, нуқул «роль ўйнаётган» кимсаларга қарши айтган сўзлари ўқувчини ўйлантиради, унга одамлар бир-бирларига ҳалол, ҳаққоний муносабатда бўлмасалар, эл-юртга наф келтиролмайди, адолат ва ҳақиқат тантанасига хизмат қилолмайди, деган фикрни «юқтиради». Абдусаттор ҳикоянинг бошидан охиригача тирик одам сифатида гаудаланиб, ўзининг дарду ҳасратлари, интилиш-изланишлари билан тўйғуларимизни жунбушга келтиради. «Муносабат»нинг қизиқиш билан ўқиши бежиз эмас. Негаки, унда қаламга олинган воқеалар табиий бўёқларда, лўнда ва аниқ чизилган. Ёзувчида шунга ўхшаш кўплаб ҳаққоний, оригинал асарлар яратишни талаб қилишимиз учун барча асослар бор.

Кичик, арзимас воқеани бадий асар шаклига солиб ҳикоя, каттароқ ҳодисадан қисса, роман «ясаётган» ёш, ҳатто тажрибали қаламкашлар ҳамон учраб туради. Аслида бу воқеа-ҳодисалар «бадийлаштирилган» ахборотдан иборат бўлади, холос. Ахборот эса қанчалик маҳорат билан баён қилинмасин, барибир жўнлигича қолаверади ва тезда хотирамиздан кўтарилиб, унутулиб кетади.

Бунга Ҳабибуллонинг «Хиёнат» асари билан танишгач, яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Унда жуда кўп воқеалар барча тафсилотлари билан баён этилади. Дастлаб асар қаҳрамони Зариф Пўлатовнинг бир қизни жон-дилидан яхши кўриб қолгани, у билан висол завқини сургани, тўй қиламиз, бир умрга бирга бўлаемиз, деб аҳдлашгани сўзланади. Сўнгра Зариф Пўлатов институтини қизил диплом билан битириб келиб, район «Сельхозтехника» бирлашмаси базасига директор бўлгани, бу ерда бир гуруҳ ифлос, манфур одамлар ин қуриб, эҳтиёт қисмларни орқаворотдан гумдон қилаётгани, мўмай пул, бойлик орттираётгани қаламга олинади.

Бундан кейин нима бўлади денг?

Ҳикоя қаҳрамони шу қаллобларга қарши курашда мағлубиятга учрайди: «Биринчи курашда йиқилдим. Ҳарифларим кучли бўлганидан эмас, мендан кўра тажрибалироқ, нозик усулларга моҳирроқ эканлиги учун ютиб чиқишди... Ҳозир шундай кайфиятдаманки, гарчи виждонимга хилоф иш тутмай тўғри қилганимга, ҳақиқимга ишончим йўқолмаган бўлса ҳам, дилимни пушаймонликка ўхшаш хира бир ҳис эзғилаяпти...»

Тўқнашуда енгилган одамнинг бундан баттар оғир аҳволга тушиши мумкин ва бу ўринда Ҳабибулло ҳаёт ҳодисаларини синчиклаб кузатгани сезилиб турибди. Аммо у қаҳрамон характеридаги оҳори тўқилмаган оригинал қирраларни ёритиб, янги бадий тип кашф этиш тўғрисида жиддий бош қотирмаган. Бунинг ўрнига нуқул воқеалар тафсилотларига маҳлиё бўлиб қолган ва оқибатда персонажларнинг ҳаракатлари характер мантиқи, ҳаёт мантиқидан келиб чиқишини унутиб қўйган. Чунончи, Зариф билан Шоҳида бир-бирини жонидан ортиқ яхши кўради, деб бир неча бор таъкидланади. Агар шу рост бўлса, нима учун қиз севганидан осонликча воз кечиб, бошқа йигитга турмушга чиқиб кетади?

Бу саволга ёш ёзувчи шундай жавоб қайтаради: Зариф эндигина институтни битириб келган ёш мутахассис, тўй учун етарли маблағи йўқ. Майли, шундай бўлсин деб тасаввур қилайлик, бироқ йигит қарз кўтариб, тўйни ўтказиши мумкин эмасмиди? Ҳаётда бундай ҳолатлар кўплаб учрайди-ку! Аммо Зариф негадир бу йўлни хушламайди. Нима учун? Балки у ўта виждонли йигит бўлгани учун бундай камситишларини хоҳламагандир? Афсуски, бунинг сабаби очилмайди. Назаримда, бу ўринда қаҳрамон муаллифнинг хоҳишига мувофиқ ҳаракат қилади. Ҳаётда қайси бир чинакам ошиқ маъшукасидан осонликча воз кечади?! Ҳар ҳолда икки ёшнинг бахтига маблағнинг камлиги тўсиқ бўлди, деган фикр мени ишонтирмади. Шунингдек, Зариф рақибларидан енгилгандан кейин қиз ундан юз ўтирди дейиладикки, бунга ҳам ишониб қийин. Ахир, чин қалбдан севган қиз йигит бошига оғир кун тушганда уни ташлаб кетмайди-ку! Тўғри, шундай ҳам бўлиши мумкин, аммо бунинг жиддий сабаби кўрсатилиши

керакки, Ҳабибулло мана шу жумбоқни ёритишга интилмайди. У мен айтдимми, тасдиқладимми, шунга ишонаверинг, бошқача бўлиши мумкин эмас, дегандек иш тутати ва бу реал воқелик, характер мантиғига тўғри келадими-йўқми, буниси билан бош қотириб ўтирмайди.

Сўз санъати қонуниятлари шунга тақозо қиладики, ёзувчи қаҳрамоннинг ҳаракатларининггина эмас, балки ҳар бир сўзини, имо-ишораларини чуқур тадқиқ этиб, қаламга олинган катта-кичик фактлар моҳиятини ёритиш орқали таъсирчан, ҳаққоний образлар, табиий манзаралар яратилишини таъминлашни зарур. Ҳабибулло эса ижобий қаҳрамонларни ҳам, салбий типларни ҳам кўпинча таърифлаш-тавсифлашдан нарига ўтмайди, уларнинг маънавий оламидаги ўзгаришларни мавжуд зиддиятлари билан кўз ўнгимизда гавдалантирмайди. Базадаги эҳтиёт қисмларни Қўзйўзов билан бирлашма бошлиғи Козимов билан бирга гумдон қилиб, фойдани ўртада баҳам кўради дейилади, ҳар иккала шахс аблаҳ, ифлос, деб таърифланади. Ҳа, фақат таърифланади.

Ҳикоянинг бошидан то охиригача Зариф Пўлатов ундан мамнунман, бундан нафратландим, уни амалга оширдим, бунга рўйбега чиқаролмадим, у билан тўқнашдим, деб кўрган-кечирганларини сўзлаб бераверади. Бу баён эса қалблар қатрига етиб борадиган таъсирчан, ёрқин, ҳаққоний манзаралар орқали намоён қилинмаётгани ҳақида ёзувчи лоақал ўйлаб кўрмайди ҳам.

Ҳабиб Темировнинг «Ҳиёбондаги одам» қиссаси баъзи ўртамиёна асарларга қараганда бир поғона юқорида туради. Унда «Ёшлик» журнали (қисса мазкур журналнинг 1985 йил 8—9-сонларида чоп этилган) томонидан қуйидагича изоҳ берилган: «Самарқандлик ёш ёзувчи Ҳабиб Темировнинг мазкур қиссасини ўқиб, кечиктирмай журналхонлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим топдик. Аввало, асарнинг мавзуси долзарб — партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозликка қарши чиқарган махсус қарори талабларига ҳамоҳанг. Қолаверса, муаллиф бу масалани енгил-елпи ҳал қилмайди, балки ичкиликнинг зарарли оқибатларини қаҳрамоннинг мураккаб тақдирлари орқали «ичдан» кўрсатади».

Бу мулоҳазалар шу жиҳатдан тўғрики, ёзувчи ўз қаҳрамонининг ичкиликка муқкасидан кетиб, инсоний қиёфасидан ажралиши, даҳшатли фожиага юз тутишини қатор ўринларда ишонарли чизган.

Одам аъзолари қаттиқ жароҳатланса — бир фожиа, аммо унинг маънавий жиҳатдан инқирозга юз тутиши бундан ҳам ёмон. «Ҳиёбондаги одамда ҳаётнинг мана шу жиҳати баъзи ўринларда таъсирчан ҳолда кўрсатилади: «Умрида биринчи марта ўзини хўрланган, ҳақоратланган кишидек ҳис қилди. Кўнгли бузилди. Томоғига бир нарса тикилди. Унсиз йиғлай бошлади. Кўзёшлари лабларини ачиштирарди. Кўнгли озиб кетди... Шу куйи узок йиғлади».

Гап эр йигитнинг йиғиси ҳақида борапти. Йигит эса бекордан бекорга кўзёши тўкмайди. Қиссани ўқирканмиз, қаҳрамон ичкилик туфайли маънавий ҳалокат ёқасига бориб қолганини, тубан махлуққа айланганини сезиб тураемиз. Айни чоқда қалбнинг қаеридадир яхшилик белгилари мавжудлигини англаймиз. Эзуликдан батамом маҳрум бўлган одам ўз ҳаракатларига таъқидий ёндашолмайди. «Ҳиёбондаги одам» эса ўзини доимо тафтиш этишга қодир. Аниқроғи, у тўғри фикр юритади-ю, лекин ўзини идора этолмайди, ўз тақдирини ўзи ҳал қилолмайди.

Ёзувчи қаҳрамондаги ана шу хусусиятларни бир қанча таъсирчан манзараларда гавдалантириб, унинг маънавий инқирози, бошидан кечирган қийинчиликлари ҳақида гоҳ ёниб-куйиб, гоҳ ачиниб, гоҳ нафратланиб сўзлайди. Натижанда айрим ҳолларда тирик одамнинг табиий суратда қаламга олинган ғам-аламлари, дарду ҳасратлари бизга «юқади». Ҳа, «юқади»-ю, бироқ онгу тафаккуримизда, бутун вужудимизда «муҳрланиб» қолмайди. «Ҳиёбондаги одам» билан бир қарра танишамиз-да, унинг айрим фазилатлари, жиддий қусурлари тўғрисида муайян тасаввурга эга бўламиз, аммо янгилик ололмаймиз.

Бунинг сабаби шундаки, Ҳабиб Темиров қаҳрамоннинг ҳаракатлари моҳиятини ижтимоий-маънавий тараққиёт муаммоларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этишда оқсаб қолади. Асарда ўз қиёфаси, характери билан яққол ажралиб турадиган оригинал образ ярқираб кўриниб турмайди.

Қаҳрамон ўзи ҳақида шундай дейди: «Менга нима бўлган ўзи? Шундоқ истеъдодли, тенги йўқ шоир... Ахир, бир пайтлар мени шаҳарга — дорилфунунда дарс беришга таклиф қилганларида бормаганман!» Қиссадаги персонажлардан бири, қаҳрамоннинг рақиби бу фикрни тасдиқлайди: «Сиз Сухроб жўра, истеъдодли одамсиз!» Яна бир неча ўринда Сухробнинг яхши шеърлар ёзгани, улардан баъзилари куйга солиниб, қўшиқ бўлиб янграётгани айтилади. Сал ўтмай қаҳрамоннинг ғалати эътирофларига дуч келамиз: «Аввало, мени шоир деб ўйловчилар англашадилар. Мен журналистман. Шоирликка даъвом йўқ. Шунинг учун шеърни ҳам онда-сонда ёзаман».

Ие, ҳалигина Сухроб ўзининг тенги йўқ зўр шоир эканлигини тўққиланиб сўзлаган эди-ку? Энди нима бўлди? Ё бир неча шеър ёзишни машқ қилиб, ўзида истеъдод йўқлигини англадимми ёки камтарлик юзасидан «шоирликка даъвом йўқ» демоқдамиз?

Афсуски, бунга аниқлик киритилмайди. Оқибатда қаҳрамон шоирми ёки шоир эмасми — бу ечилмаган жумбоқ бўлиб қолади. Майли, бунисини қўя турайлик, аммо «мен журналистман» деб баралла айтяпти-ку!

Ҳа, баралла айтиди-ю, аммо унинг журналист сифатида қандай юксак мақсадлар, орзуларга асосланиб ижод қилиши, актив фаолияти ёритилмайди. Фақат Сухробнинг газетада ишлаётгани, номерга материаллар тайёрлаши, бир очеркни масъул секретарь рад этгани, бош муҳаррир, оддий ходимлар билан мулоқотда бўлгани қайд этилади. Қаҳрамон бу ўринларда ҳам муаллиф хоҳишини адо этувчи восита сифатида кўринади. Бош муҳаррир Расулжон Маҳкамович яхши, аммо қўрқоқ, ўта эҳтиёткор одам, Мансур Муҳиддинович билимли-ю, аммо мансабпараст, манфур шахс. Маҳзуна покиза, содда, ҳалол ходима, деб таърифланади-ю, лекин уларнинг ўзига хос қиёфалари чизилмайди. Борди-ю, уларнинг мулоҳазалари, суҳбатларидаги «газета», «муҳаррир», «мақола», «редакция» каби журналист-

тикага оид сўзлар, ибораларни бошқа соҳага доир терминларга алмаштириб юборсангиз ҳам қисса мазмуни бузилмайди.

Ҳабиб Темиров қиссасидаги бош қаҳрамон ва бошқа персонажлардан ҳам газетачилик «хиди» анқиб турмайди, уларнинг редакцияда ишлаётганини аниқ тасаввур қилолмаймиз. Айниқса, Сухроб Туробовнинг ижтимоий-маънавий қиёфаси, журналист сифатидаги орзу-ўйлари, изланиш-интилишлари кўпроқ умумий йўсинда баён этилганга қониқмаймиз. Ахир, унинг ўта тубанлашиб, ичкиликка муккасидан тушиши, инсонийлик қиёфасини йўқотиши сабабларини аниқлаш учун бу жуда муҳим аҳамият касб этади-ку!

Маълумки, ҳар қандай одамда яхши ёки ёмон томонга ўзгариш бўлиши мумкин. Бундан зўр журналист ҳам истисно эмас, аммо бундай ўзгаришнинг замини, сабаблари бўлади. Зотан, шамол бўлмаса, даракнинг боши қимирламайди!

Хўш, Сухроб Туробовни қайси «шамол» йиқитибди?

Биринчидан, хотини суюқоёқ, унга хиёнат қилган.

Иккинчидан, ишхонадагилар унга яхши муомалада бўлмайди, ёзган яхши очерклари, мақолаларини масъул котиб рад этади.

Ҳар иккала сабаб жиддий, салмоқли, бироқ улар Сухроб Туробов сингари ақлли, билимли, қобилиятли (шунинг учун уни дорилфунунда ишлашга таклиф қилишган) журналист-ни ҳаётнинг тўғри йўлидан чиқариб, жарликка қўлатди, дейиш қийин. Булардан бошқа яна асослироқ сабаблар бўлиши керакки, Ҳабиб Темиров бу ҳақда бош қотирмайди.

Тўғри, хотинининг хиёнатидан кейин инсоний қиёфасини йўқотган, ичкиликка муккасидан кетган эрлар учрайди, қийналса ҳам ўзлигини сақлаб қолган, қайтадан янги оила қуриб, бахтини топган эрлар ҳам борки, бундан кўз юмолмаймиз.

Шунингдек, иш жойида мўътадил-иклим бўлмаса, ёмон муносабатлар ҳукмронлик қилса, майхўрликка йўл очилиши мумкин, аммо иродали кишилар бундай шароитда ҳам ўзларини сақлаб одамийлигини йўқотмайдиларки, «Хиёбондаги одам» қиссасида шу вазият ҳисобга олинмайди. Оқибатда унинг инсоний қиёфасини йўқотишига доир асл сабаблар қоронғи бўлиб қолаверади.

Чамамда, Ҳабиб Темиров кўрган, кузатган, билганларимни сидқидилдан, самимий айтиб берсам, шунинг ўзи кифоя қилади, деб ўйлаганга ўхшайди. Қиссанинг бошида муаллиф газетада ишлашини айтиб, бир куни қўлига «қора муқовали қалин дафтар» келиб тушганини хабар қилади: «Дафтарни бошдан охиригача ўқиб чиқдим. Бу каттагина бир асар учун қоралама экан. Сал-пал ишланса, ундан кизиқ, таъсирили бир нарса чиқарса бўларди... Таҳрир қилиб, оққа кўчиртира бошладим. Лекин уни шу аҳволда эълон қилиб бўлмасди. Қаҳрамоннинг касб-кори, воқеалар бўлиб ўтган жой ва яна кўпгина нарсаларга аниқлик киритиш лозим эди».

Энди нимә қилиш керак? Бунга жавобан газетанинг масъул котиби шундай дейди: «Бунинг аҳамияти йўқ. Истаган касбни, истаган номни қўйиш мумкин. Хоҳласангиз, ўзингизникини. Касби журналист бўла қолсин. Хўп десангиз, бирга таҳрир қиламиз».

Табиийки, Ҳабиб Темиров бирор ёзган асарнинг қораламасини топиб олиб, ким биландир уни таҳрир қилиб, «Хиёбондаги одам»ни яратган эмас. У тўқима сюжет асосида ўқувчиларда қизиқиш уйғотишга интилган. Аммо шуниси аниқки, у қаҳрамоннинг касби-кори, воқеалар рўй берадиган муҳитни тасвирлашга бутун вужуди билан киришмаган, «бунинг аҳамияти йўқ», деб ҳисоблаган. Чунки, у яратувчи санъаткор эмас, балки кўпроқ журналист сифатида иш кўрган. Газетага мўлжалланган мақола ёки хабарда қаҳрамоннинг касб-кори, ижтимоий фаолиятини лўнда таърифлаб, мақсадга эришиш мумкин. Ҳикоя ё қисса, умуман бадий ижодда эса бундай йўл билан муваффақият қозониб бўлмайди.

«Хиёбондаги одам»да Сухроб Туробов асарнинг бошидан то охиригача такрорланмас қиёфаси билан ажралиб турадиган етук реалистик образ бўлиб гавдаланмайди. Баъзи ўринлардагина у жонли одам тарзида кўзга ташланади, бошқа вақтларда эса муаллиф фикрлари, мақсадини ифодаловчи воситага айланиб қолади. Оқибатда «Хиёбондаги одам» санъаткорона ёзилган етук асар бўлиб чиқмади. Уни Ҳабиб Темировнинг насрдаги биринчи жиддий тажрибаси деб баҳолаш мумкин. Аммо бу тажриба ёш ёзувчининг келгусида яратувчи ижодкор бўлиб етишиши учун мустаҳкам замин вазифасини ўтайдими? Муаллиф ўзида чинакам истеъдод борлигини исботлашга қодирми? Бундай саволларга ёзувчининг ўзи жавоб топади. Чунки у ҳозирча ёзиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Энди яратиш қудратини намойиш қилиши лозим.

Хайриятки, ўзида яратиш, кашф этиш қудрати борлигини ҳис қилиб ишлаётган ёш ёзувчиларимиз сафи тобора мустаҳкамланмоқда. Насрда Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов сингари прозаиклар муваффақиятли қалам тебратаётгани кўпгина танқидчилар томонидан мамнуният билан таъкидланмоқда. Улар ҳаёт ҳақиқатини бутун салобати, зиддиятлари билан гавдалантирадиган образлар яратиш орқали ижод чўққиларини забт этиш мумкинлигини тушунган ҳолда заҳмат чекмоқдалар.

Шуниси ҳам борки, кашф этиш жараёни турли машаққатларни ўз ичига олади. Ҳақиқий истеъдод эгаси ҳам бирданга кашфиёт ярата қолмайди, гоҳида у муваффақиятсизликларга учрайди, гоҳида етук асар ёзади, баъзан ўз имкониятларидан паст даражада қалам тебратяди... Шунинг учун истеъдодли ёшларнинг барча изланиш-интилишларини ҳаққоний таҳлилдан ўтказиб, юксак талаблар асосида баҳоламоқ даркор. Талантли экан, деб уларни асоссиз мақташ, нуқсонларини хаспўшлаш, истеъдодсиз қаламкашларни кўкларга кўтариш мумкин эмас. Буни ёш ёзувчиларгина эмас, балки тажрибали ижодкорларимиз ҳам доимо ёдда тутишлари даркор. Бадий ижод тараққиёти шуни тақозо қилади.

КУРАШЧАН ҚАҲРАМОНЛАР ЯРАТАЙЛИК

[Болалар прозаси ҳақида мулоҳазалар]

Болалар — бизнинг келажагимиздир. Уларга бағишлаб яратилган асарлар фақат бугунги кунгагина эмас, келажакка ҳам хизмат қилади. В. Г. Белинский: «Болалар асари тарбия учун ёзилади. Тарбия эса муҳим иш», — деганида шуни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Ҳар қандай ёзувчи учун энг катта мукофот китобхон эътибори ва муҳаббатини қозонишдир. Болалар адиблари ҳам бу жиҳатдан айтса арзигулик ютуқларга эришдилар.

Болалар насрининг сўнги йиллардаги ривожни кўпроқ қиссачиликда ўз аксини топмоқда. Адибларимиз ҳаётнинг кенг манзарасини чизишда, ривожланган социалистик жамиятимизнинг долзарб масалаларини кўтариб чиқишда, кўпчиликка ўрнатилган бўла оладиган тўлақонли ижобий қаҳрамон образи яратишда жанр имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга интилоқдалар.

Шу ўрнида ёш ёзувчи Анвар Обиджоннинг «0039 номерли ёлғончи» қиссасини эслаб ўтиш жоиз.

Асарнинг бош қаҳрамони жангари улоқча. У ўтакетган ўзбошимча, сурбет, такаббур, амалпараст ва ёлғончи, айни чоқда, лақма ва гўл болаларнинг рамзий образи. Ёзувчи унинг алдоқчилигини асар сарлавҳасига чикаради. Лекин ёлғончилик унинг характерида етакчи хусусият бўлмай юқори лавозимга эришишда бир восита, холос. Амалга бўлган қизиқиш унинг кўзини кўр, қулоғини қар қилиб қўяди. Ўз мақсадига эришиш йўлида улоқча ҳар қандай пасткашликка тайёр, дўстларига хиёнат қилишгача бориб етади. Охир-оқибат ўз ҳаёти хавф остида қолади. Унинг саргузаштлари амалпараст ва ёлғончиликнинг умри қисқа, ҳоли вой бўлишининг чуқур ҳамда қизиқарли ифодасидир.

Адабий ҳазинамизда мактаб ҳаёти, болалар ўртасидаги дўстлик муносабатларига бағишланган асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. Фарҳод Мусажонов бу мавзуда «Офтобни қувалаб», «Чин дўстлик» каби асарларини яратган эди. Адибнинг «Булоқ суви» қиссаси ҳам шу сирага киради. Қиссани ўқиган китобхон Фарҳоднинг ижодий ўсиб бораётганини сезмай иложи йўқ. Бу, аввало, сюжетнинг пишиқлигида, образларнинг ёрқинлашувида кўринади. Қисса қаҳрамони Рихсивой исмли бола. Асарда унинг бошқа мактабга келгандан кейинги ҳаёти қаламга олинади. Рихсивойнинг янги синфдошларига муносабати тасвири орқали характери, маънавий дунёсидаги ўзгаришлар билан таниша борамиз.

Бухоролик ёш автор Валижон Бобомуродовнинг «Ёлғиздан ёдгори» қиссаси ҳам мақтовга лойиқ. У биринчи қадами билан катта умид туғдирди. Ёзувчи халқлар дўстлиги мавзусини ишонарли тасвирлайди. Қиссанинг тили чиройли ташбеҳларга, сюжети қулгили ва мунгли вазиятларга, юморга бой.

Болалар ҳикоячилигидаги изланишлар ҳам яхши самаралар бермоқда. Латиф Маҳмудовнинг «Дангасаларнинг саргузаштлари», Сафар Барноевнинг «47-йил» туркум ҳикоялари, Фарҳод Мусажоновнинг «Шакар қизча», «Қундуз телпакли бола», «Мен кетмайман, бобожоң» ҳикояларида кичик қаҳрамонларнинг ички дунёсига теран назар ташланади, эстетик-тарбиявий жиҳатдан муҳим ғоя илгари сурилади. Фарҳод Мусажонов қаҳрамонлар характерини маънавий-ахлоқий, дидактик масалалар фониди очса, Сафар Барноев кўпроқ давр билан боғлаб тасвирлашга интилади. Латиф Маҳмудов ҳикояларининг қаҳрамонлари эса қувноқлиги ва шўхлиги билан ажралиб туради.

Бу ёзувчи ижодини болаларнинг кундалик ҳаётини олиб ёзилган реалистик ҳикоялар билан бошлаган эди. Кичик прозада орттирган тажрибаси адибнинг қаламини чархлаб, қисса, пьеса ва романга ўтишида муҳим роль ўйнади. Унинг рус тилида эъён қилинган «Дангасаларнинг саргузаштлари» тўпламига кирган ҳикояларини болалар насридаги жиддий тажрибалардан дейиш мумкин. Болалар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари ва мактаб ҳаёти тўғрисидаги ҳикоя қилинган мазкур асарлар мавзуси ва айрим нуқсонларни фож қилувчи руҳига кўра бир-бирга яқин. Бу яқинлик Мирвали ва Ботир каби болалар образлари тасвирида кўзга янада равшан ташланади.

Ботир билан Мирвали ўтакетган дангаса. Шу сабабли ўқишлари ҳам ўлда-жўлда, ҳатто ўзларининг одатдаги ишларини ҳам бошқаларга юклашга интилади-лар. Аслида улар ёмон болалар эмас, лекин кўпинча қандайдир катта ишларни

амалга ошириб, осонгина шуҳрат қозониш пайида бўладилар. Аммо қунт, сабр-чидам ва ирода етишмаслиги туфайли ҳар сафар кулгили аҳволга тушиб қоладилар.

Абдусайд Кўчимовнинг ҳам ҳикоячиликдаги изланишлари яхши самара бермоқда. Унинг «Бойчечак», «Қочоқ» каби ҳикоялари жонли чиққан. У қаҳрамонлар характери психологик жиҳатдан асослашга алоҳида эътибор беради. Лекин бу яхши интилиш сентиментализмга олиб келмаслиги керак.

Устоз Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, адабиётимизнинг бойлиги китобларнинг кўплиги билан эмас, юксак ғоялар ифодачиси бўлган курашчан қаҳрамонлари билан ўлчанади. Фафур Фуломнинг Шум боласи, Ҳақим Назирнинг Дамиржони, Худойберди Тўхтабоевнинг Ҳошимжони, Латиф Маҳмудовнинг Ботир ва Мирвалиси, Эргаш Раимовнинг Ҳожикудугига ўхшаш қаҳрамонлар жуда кам яратилмоқда.

Болалар ёзувчилари ранг-баранг оламни бутун мураккаблиги билан акс эттиришда баъзан ҳаётдан орқада қолмоқдалар. Бу, аввало, айрим жанрлар имкониятидан фойдалана олмаётганимизда кўзга ташланади. Масалан, оқсоқол ёзувчимиз Ҳақим Назир «Лочин қанотлари» асари билан ўзбек болалар прозасида романчиликни бошлаб берган эди. Аммо Худойберди Тўхтабоев ва Латиф Маҳмудовларнинг саргузашт романларини ҳисобга олмаганда, болаларни давримизнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалари билан таништиришга қодир бу жанрга дадил қўл уришга журъат сезмаяпмиз. Мактабгача ва мактаб ёшидаги кичик болаларга мўлжалланган ҳикоячилигимиз ҳам Маҳмуд Муродов, Фарҳод Мусажонов каби бир неча ёзувчи ижоди доирасида қолиб кетяпти.

Ўсмирлик инсон ҳаётида энг мураккаб давр ҳисобланади. Бу ёшдагиларнинг романтикага тўла ҳаёти адилларимиздан теран талқинини кутяпти. Тўғри, бу борада Ҳақим Назир «Кенжатой», «Тоҳир ва Зуҳра қиссаси» каби яхши асарлар яратди. Оқсоқол адиб анъанаси Сайёрнинг «Одам борки...», Марва Жалолиддинованинг «Парвоз» қиссаларида давом эттирилди. Аммо мавзу жиҳатдан ниҳоятда актуал бу асарлар муваффақият қозонолмади. Сабаби, авторлар ҳаётни юзаки ва саёз тасвирлашдан нарига ўта олмадилар.

«Парвоз» қиссаси қаҳрамони Насиба ўқишга киролмагач, тўқимачилик комбинатида ишга жойлашади. Муаллиф катта ҳаёт бўсағасида турган қизчанинг йирик коллективга ишга қабул қилинишини, касб-ҳунар ўрганишини, меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритишини, яъни, «парвоз»ини кўрсатмоқчи бўлади. Шу мақсадда меҳнат жараёни билан боғлиқ эпизодларни келтиради, қаҳрамонлар нутқида тўқувчилик касбига оид сўз ва ибораларни ишлатади. Бундан ташқари, қаҳрамон номини фахрли унвонлар билан безайди, унга Ватаннинг олий мукофотларини саясийлик билан тақдим этади. Аммо унинг ички руҳий олами, эътиқоди, хатти-ҳаракати, ҳаётга бўлган муносабати билан ёзувчи зўрлаб ёпиштирган «Фазилат»лар ўртасида бирлик йўқ.

Сайёрнинг ўсмирлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Одам борки...» қиссаси ҳам мавзу жиҳатидан «Парвоз»га ўхшаб кетади. Хатто персонажларнинг турмуш тарзида ҳам ҳамоҳанглик мавжуд. Асар қаҳрамони Равшан ҳам кечагина қишлоқдан келган ўспирин. У заводга ишга кириши билан меҳнатда катта ютуқларга эриша бошлайди. Кўп минг кишилиқ катта коллективда тезда шуҳрат қозонади.

Мазкур асарларнинг авторлари ҳаёт ҳақида, меҳнат тўғрисида болаларга нотўғри тасаввур берадилар. Ҳалол меҳнат билан жамиятимиз равнақи, халқимиз бахт-саодати йўлида хизмат қилиш ҳар бир совет кишисининг муқаддас бурчи. Аммо меҳнатда шуҳрат қозониш мазкур китоблардаги каби енгил иш эмас. Уларни ўқиган китобхон бир куни келиб меҳнат фаолиятини бошлаганида ҳаёт билан бундай асарлар ўртасида ўтиб бўлмас жарлик борлигини тушуниб етади ва бунинг учун бизни кечирмайди.

Болалар ёзувчилари олдида ҳаётнинг ўзи жиддий талаблар қўймоқда: ривожланган социалистик жамиятимиздаги етакчи жараёнларни, уларнинг афзаллигини тарғиб этадиган, шу билан бирга, ҳаёт мураккаблиklarини рўй-рост кўрсатадиган асарлар яратиш лозим. КПСС XXVII съезди бу борада адабиёт ва санъат арбоблари олдида катта талаблар қўйди. Даврнинг муҳим масалаларини ифодалаш учун тип даражасига кўтарилган курашчан қаҳрамонлар образи керак. Уларнинг курашчанлиги, илғорлиги қуруқ мақтовлар баёни орқали эмас, бой маънавий олами, юксак эътиқодини кўрсатиш орқали ифодалансагина кичик китобхонни ишонтиради.

Урушнинг болалар ҳаётига кўрсатган таъсири қаламга олинган Сафар Барноевнинг «Янги ой» қиссаси шу жиҳатдан оқсайди.

Урушнинг охириги йиллари. Озиқ-овқат танқис. Шаҳарда кун кечириш тобора оғирлашган пайт. Шундай шароитда Карим деган бола қишлоқдаги бобосиникига

йўл олади. Карим у ерда ҳам кўпчиликнинг фронтга кетганини, одамларнинг турмуши ниҳоятда оғирлигини кўради.

Бир қарашда китобхон ҳам гўё Карим билан қишлоққа саёҳат қилади. У ердаги меҳрибон бобо, колхоз раиси ва Давлат, Эргаш, Аббос каби самимий, шўх болалар билан учрашади. Улардан ўзига нимадир юқтиради. Аммо бу таассурот кўпга бормайди. Сабаби, Карим асар воқеаларида пассив қатнашади. Эсда қоларлик бирор воқеада фаол иштирок этмайди. Шунинг учун қиссани ўқигач, кўп ўтмай ундан олган тасаввуримиз ҳам хира торта бошлайди.

Пахтакорларнинг шарафли меҳнати, интернационал дўстлик, пионер ташкилоти ҳаётига доир мавзулар ўз талқинини кутиб ётибди. Чет элдаги болалар турмуши ҳақида Пирмат Шермуҳамедовнинг «Сақура гуллари» китобини ҳисобга олмаганда, бирорта қизиқарли асар яратилмади. Мактаб ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўпгина асарларда ёш авлод тарбиясида етакчи роль ўйнайдиган муаллимларнинг мукаммал образи яратилмаяпти. Борларида эса одоб-ахлоқ тўғрисида фақат насихат, ваъзхонлик қиладилар. Уларнинг ёшлар ҳаётидаги етакчилик роли, маънавий қиёфаси очилмайди ва асар тўқимасида иккинчи ўринга тушиб қолаверади.

Мукаммал асар яратиш учун ҳаёт мураккабликларини, турмушдаги манфий нуқталарни ҳам рўй-рост кўрсатиш зарур. Шу жиҳатдан қараганда, Муқимжон Ниёзовнинг «Тўртовлон» қиссаси мавзуси ҳам ниҳоятда муҳим. Асарда Ҳаким, Ғафур, Расул, Жалол исмли тўрт ўртоқ томонидан халқни алдаб келаётган бир диндорнинг фош қилиниши тасвирланади.

Шу ўринда кейинги пайтларда яратилаётган дин аҳллари образлари ҳақида тўхтаб ўтишга тўғри келади. Айрим асарларда дин ниқоби остида бойликка ҳирс қўйган кишилар ҳамон эски қилипда тасвирланмоқда. Уларнинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларидан таъмағирлиги, очкўзлиги очиқдан-очиқ сезилиб туради. Бундай қаҳрамонлар ҳаётдаги прототипларидан жуда узоқ. Бугунги руҳоний янги турмушга тўла мослашган. У илгаригидай от ёки эшакда эмас, энгил автомобилда юради, маданий кийинди, гап-сўзларидан таъмағирлигини унча-мунча киши пайқай олмайди. «Тўртовлон» қиссасидаги шайхнинг кўриниши, гапларию қилиқлари кўпчилик асарлар учун андоза бўлиб қолган диндор кишилардан фарқланмайди.

Танқидчи Ю. Суровцев айтган қуйидаги гаплар бевосита ўзбек болалар прозасига ҳам дахлдордир. «Ёзувчи меҳнатининг сифатини ошириш масаласи, — деган эди у, — умрибоқий, адоғи бўлмаган масаладир».

Шунинг учун бу борада барчага тааллуқли бир камчилик устида тўхталиш зарур кўринади. Бу — ҳозирги замон мавзусига бағишланган роман ва повестларда сюжетнинг бўшашиб кетганлигидир. Яратилаётган асарлардаги воқеалар системаси жамиятимиз тузилишини, унинг мураккаб ички алоқаларини, ўсиш-ўзгаришларни ўзида жуда кам мужассамлаштиради. Китобларда қайтариқ деталлар, қайтариқ вазият, ҳолатлар учрайди. Борлиқни синчиқлаб қўзатиб, эскилик ва янглик ўртасидаги тўқнашувдан, яшашнинг энг олий ва покиза даражаси учун курашдан, қайноқ ҳаёт жабҳаларидан шиддатли конфликтлар излаш ўрнига муаллифлар соддагина, мазмуни чуқур бўлмаган вазиятларни тўқиб чиқарадилар ва охирида ҳамма учун хайрли тугайдиган ечим топадилар. Бунинг асосий сабабларидан бири — қаҳрамонларимиз ҳаётини яхши билмасликдир. Асарларимизда уларнинг ҳаракат доираси ҳар доим чекланган. Ҳозиргача профессионал билим юртларида ҳунар ва қасб ўрганаётган ўқувчилар ҳаётидан олиб ёзилган асарлар йўқ даражада: мактаб, пионерлар ташкилоти ҳаётини яхши билмаймиз. Билган ёзувчилар ҳам юзакки ёзадилар. КПСС XXVII съезди санъат ва адабиётнинг кишиларга ўтказаятган тарбиявий таъсири кучайиб бораётганини, шунинг учун санъат арбобларининг қўлидаги қудратли қуролидан янада самаралироқ фойдаланиш лозимлигини ўқтиради. Бу қимматли кўрсатма болалар адабиётига ҳам тааллуқлидир.

Суннатилла Анорбоевнинг «Сузиб борар архарлар» қиссаси, Шукур Холмирзаевнинг «Йўллар, йўлдошлар», Мурод Хидировнинг «Кўзача ва Бўтача» ҳикоялар тўпламларини ҳисобга олмаганда, табиат ҳақида болаларга тақдим қилинган асарларимиз ниҳоятда кам. Борлари ҳам талабга жавоб берадиган даражада эмас. Табиат ҳақида ёзмоқчи бўлган ёзувчи унинг сирларини, тилсмотини беш қўлда билиши керак.

Давримиз — ўсиш-ўзгаришлар, юксалишлар даври. Мамлакатимизда илмий-техника жараёнини тезлаштириш учун кураш кучайган бир вақтда барча ижодкорлар каби болалар ёзувчиларининг ҳам ҳаётдан орқада қолишга ҳаққи йўқ. Шу ўринда давримизнинг атоқли адиби М. Шолоховнинг СССР Ёзувчиларининг II съездидаги нутқидан бир парча келтирмоқчиман. «Совет ёзувчисига қўлай имтиёзлар яратилган, эркинликлар берилган. Унга фақат бир нарсага — ёмон ёзишга ҳақ-ҳуқуқ берилмаган». Бу — ҳар бир ижодкорга дахлдор сўзлардир.

QWQWU T.A.T.A.P

1. Биринги асарингизнинг эълон қилиниши тарихини гапириб берсангиз.
2. "Бевосита" ёзиш жараёни Сизда қай тарихқа кезади? Ижодда "туртки" деган тушунга бор. Масалан, Лев Толстой синиб ётган бўтакўзни кўриши билан қалбига, шуурида тўсатдан "чакмоқ чакқани" сизу биз яхши биладиган "Хожимурод" деган аждоийб асарини ёзган экан. Сизнинг таърибангизда ҳат шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?
3. Қайси асарингиз ўзингиз угун айниқса қадрли? Қайси буридан кўнглингиз тўлмаган?
4. Ижодда қилни устоз деб биласиз?
5. Ёзувчининг актив фразданлик позицияси деганда нималарни тушунасиз?
6. Ҳаётингиздаги энг бахтли давлар қайсию энг бахтсиз кун қайси?
7. Ўқаяётган асарларимизнинг қайси қамчилиши Сизни айниқса таъвишга солади? Ўз ижодингизда ҳат қамчилик сезасизми?
8. Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?
9. Ўзавзи журналистонлар "фалон китобнинг фалон қаҳрамони ҳаётда борми ёки уни ёзувчи игидан тўқиб чиқарганми?" - деб сўрошади. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланганини ўз ижодингиздаги айрим мисоллар билан айтиб берсангиз.
10. Танқидга муносабатингиз? Ўзингиз танқидга бўлсангиз нима қилардингиз?
11. Ҳозир қандай асар устида ишлятсиз?

Ушбу сонда ёзувчи **Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ** ва шоира **Гулчеҳра ЖҲРАЕВА** нинг анкета саволларига жавобларини ўқийсиз.

Жонрид Абдуллахонов

1. Эсимда: Улуғ Ватан уруши тугаб, барча яқин-йироқ кишилар бир-бири билан дийдор кўришаётган қувончли кунлар эди. Шаҳар ва қишлоқларимизни иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш, урушдан олдинги қиёфасидан ҳам гўзалроқ қилишга астойдил киришган одамларимизни мардлик ва жасорат кўрсатишга чорловчи бадий эшиттиришларни радио орқали соатлаб тинглардик. Атоқли ёзувчилардан Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, Туроб Тўла, Ҳаким Назир радиода ишлар, бадий эшиттиришларнинг янада қизиқарлироқ ва завқлироқ бўлиши учун астойдил жон куйдиришарди. Кунларнинг бирида юпунгина кийинган, қотма, ўн икки ёшлар чамасидаги бир бола бадий эшиттиришлар редакцияси муҳаррири Туроб Тўланинг хонасига тортинибгина кириб келади. Қиш совуғидан боланинг вужуди қалтирар, оёғида эса аранг турарди.

— Туроб Тўла сизмисиз?

Туроб ака бош ирғади. Ёзувчи столидаги чоғроққина радиоприёмникдан ўзининг илк бор ижро этилаётган «Санобар» қўшиғини тинглаётган пайти экан.

— Вой-бў, дилдираб қолибсан-ку... — дейди у болага дурустроқ зеҳн солиб, — печкага яқин ўтир, исиниб ол дарров!

Бола қўлтиғидаги бир нечта дафтарни ийманибгина унинг олдига қўяди-да, узоқ йўл босиб, дабдаласи чиқиб кетган этигидан оёғини аранг суғириб, печка таптига тутлади.

Радиодаги қўшиқ тугаб, қандайдир куй таралади.

— Нималарни ёзиб келдинг? — деди дафтарларни варақларкан Туроб ака. — Ҳаммасини ўзинг ёздингми? Хуснихатдан ҳам тоза берган экан. Ўзинг ўқиб бермасанг, тишим ўтмайдиган кўринади, укам!

Бола исиниб, андак ўзига келиб олган эди. Столга яқинроқ ўтирди-да, ёзганларини тутулиб-тутулиб ўқий бошлади.

— Наманганликмисан? Қачон келдинг Тошкентга?

— Шу бугун... ҳозир...

— Поезддами?

— Пиёда...

Туроб ака ялт этиб унга қаради. Бошдан-оёқ кузатиб чиқди. Ишонқирамади шекилли, мийиғида кулиб қўйди.

Бола алдамаётган эди. Ахир уруш туфайли ота-онасидан айрилиб, кимсасиз қолган боланинг поездга билет олишга қаёқдан ҳам пули бўлсин. Уни адабиётга бўлган ҳавас Тошкентга ётақлаб келганини Туроб ака билмасди.

— Радиодан овозингизни кунига эшитаман. Худди шу овоз эгасигина менга мадад бера олади, деб умид боғлаб келдим.

Уша оқшом Туроб ака қоғозга тушираётган мисралар «Бир пиёла, бир пиёла, бир пиёла май, ҳеч бўлурми шу замонда ўйнамай, кулмай» деб айтилиб, кейинчалик эса машҳур бўлиб кетган қўшиқнинг қораламаси экан. У ишини йиғиштириб қўйиб, боланинг ҳикоясига берилиб кетади. Дарвоқеа, у тинглаётган воқеа ҳикоя эмас, улуғ мутафаккир Максим Горькийнинг «Болалик», «Одамлар орасида», «Менинг университетларим» номли китобларининг сюжети, яъни шу трилогия асосида ёзилган радиопьесанинг мазмуни эди. Демак, ёш ҳаваскор етти юз эллик километрли масофани босиб келар экан, толиққан чоғларида ана шу асарларни ўқиб овунч топган, юпанган, Нижний Новгороддан Тбилисигача пиёда йўл босган ўспирин Алексейнинг саргузаштлари мадад берган унга.

Буни сезган Туроб ака боланинг қўлидан дафтарларни олиб, қийналиб бўлса ҳам ўзи қайта ўқиб чиқади, таҳрир қилади, қисқартиради, сайқал берган. Шу йўсинда «Алексей Пешков» номли янги радиописа ҳам тайёр бўлади. Кўп ўтмай у Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театри актёрлари ижросида радио орқали жаранглайди. Лекин тингловчилар ёзувчининг бобоси родини ўйнаётган Туроб Тўлани танисалар ҳам, бош роль — Алёшани ижро этаётган нотаниш овоз эгаси ёш муаллифнинг ўзи эканлигидан беҳабар эдилар...

Бу воқеага, мана, қирқ йилдан ошди. Журналхонларга булар балки шунчаки оддий ҳикоядай туюлар, аммо гап Туроб Тўла бир норасиданинг тетапоя ижодига эътибор бериш билан, йилтиллаб турган чўғни пуфлаб, кейинчалик аланга олиб кетишига сабабчи бўлгани хусусида бормоқда. Юракда лов этган ана шу аланга туфайли қиссалар ва бир неча романлар ёзиб, адабиётимизга озми-кўпми, камтарин ҳиссасини қўшиб келаётган ушбу сатрлар муаллифи — мен эканлигим бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундан кейин биринчи шеърларим «Ленин учқуни» газетасида босила бошлади. 1952 йили эса «Мактабдошларим» номли илк шеърлар тўплами ҳам нашр этилди.

2. Ижодда «туртки» деган тушунча борлигига ишонаман. Менинг ҳар бир асаримнинг яратилиши учун бирон «туртки» сабаб бўлганини яширмайман. Узимга таъсир қилмаган, кўрмаган, билмаган нарсалар ҳақида ҳеч қачон ёза олмайман. Бир гулни тасвирлаш учун унинг қаерда ўсганини билиш, рангини кўриш, ҳидини сезиш керак-да, ахир. Аксинча,

қўлимдан келмайди. Шунинг учун тарихий мавзуларда, айниқса, урушни кўрмаганлар ҳам ўша пайтдаги саргузаштларни ўз бошидан кечиргандай қилиб ёза олишларига ҳавасим келади. Менинг «Йўл» романимнинг ёзилишига илк бор йўлга чиқиб, Намангандан Тошкентга келаётган чоғимдаги кўрганларим сабаб бўлган. Ушунда мўлжалдан адашмаслик учун темирйўл бўйлаб юриб келардим. Фақат озгина тамадди қилиб олиш, бирон жойдан егулик топиш учунгина бироз чалғирдим, холос. Одамларнинг ёнига бориб, хизматини ўташ учун яқин-йироқ қишлоқларга, аҳоли яшаб турган жойларга йўлиқишга тўғри келарди. Қайтиш пайтимда эса, кўпинча йўлдан адашиб қолардим. Қоронғида қолсам, тор ва хилват кўчаларда тунардим. Дала-дашда тентирардим. Атрофга аланглаб, ҳалгига оёқ остида илон изидай биланглаб бораётган сўқмоқнинг қаёққа йўқолганини билолмай бошим қотарди. Куюқ зулмат шип-шидон чўлга чиқариб қўяр, чўлнинг эса поёни йўқдай туюларди.

Кунларнинг бирида тунни ана шундай чўл қўйнида ўтказишга тўғри келди. Чунки ўша оқшом чинакамга адашган эдим. Онда-сонда якка кўздай милтилда кўринган чироқлар ҳам алдаб қўярди. Аҳён-аҳёнда кўз қисиб, ёнига имлаб чорлаётгандай бўларди-ю, яқинлашган саринг қоронғилик қаърида йўқолиб, ўзидан-ўзи эриб кетгандай туюларди. Бир маҳал теварақдаги сокинликни қандайдир сирли шарпалар буза бошлади. Қаққайган шuvoқ-ўтлар, буталар орқасида эса нималардир пўйлаб тургандек. Яқин ўртадан шитирлаган, пичирлаган товушлар қулоққа чалинади. Тусмоллаб одимлаб, ўнқир-чўнқирларга ураниб-суриниб кетаман. Йиқиламан. Яна тураман. Кутилмаганда ер қаъридан нимадир отилиб чиққандай бўлди-ю, қаддини ғоз кўтариб, менга яқинлаша бошлади. Таққа тўхтайман. Оёқларим дармонсизланиб, аъзойи баданимда қалтироқ туради. Додлашни ҳам, орта тисарилишни ҳам билмайман. Дарвоқеа, нимадир дедим шекилли, лекин ўз овозимни ўзим танисам қошки эди. Ниҳоят, орта икки қадам ташлаганимни биламан, қандайдир чуқурликка юзтубан қуладим, қўлимни нимадир жаз этиб чақиб олди. Билақларим, баданларимгача оғриқ турди. Бир неча дақиқа кимир этмай ётдим. Кейин, эмаллаб кўрдим. Шу захоти қаршимда бақбақасини ўйнатиб, менга қараб турган эчкизмарга кўзим тушади. Икковимиз ҳам ким кимга йўл бериши кераклигини билмай, қотиб қолгандаймиз. Ниҳоят, мен чекинаман. Жон-жаҳдим билан югураман. Ора-чора ортимга қараб-қараб қўяман. Тоза тинкам қуриди. Қўлимнинг оғриғини ҳам унутиб, худди қанот пайдо қилгандай учиб боряпман гўё. Ниҳоят, аллақандай жарликка тушиб, ярим пўстак ўрнида майсанинг устига қулашга тўғри келди. Аммо ҳеч ухлолмайман. Ҳалиги дашат кўз олдимдан сира нари кетмайди. Шунда, тупроғи ўйнаб кетган бўлса ҳам чўл эмас, йўл бўлгани яшилгини ҳис қиламан. Йўлнинг қадри ўтди. Тасавурларга берилман. Кўз олдимга теп-текис, ойнадай ялтилаган йўллар кела бошлади. Узундан-узоқ. Учи-кечи қаёқдалигини билиш қийин. Бу йўллар кимларга бахт ато қилади-ю, кимларни сарсон... Ҳар қалай, катта бўлсам йўлларнинг хосияти ҳақида китоб ёзаман, деб юрагимнинг бир четига тугиб қўяман. Бунинг учун эса, узоқ йиллар керак бўлди. Кўп ўқиш, кўп ўрганишга тўғри келди. Охири, мақсада ҳам етганман...

«Гулчеҳра» номли қиссам учун университетга кириш имтиҳонларидан йиқилиб, бошини ушлаганча юм-юм йиғлаётган қизни кўрганим, унга юракдан ачинганим сабаб бўлган эди. «Тўфон» романимнинг ёзилиши ҳам ўзидан ўзи кечмаган. Радиода ишлаб юрган пайтларимда университетни битираётган бир қиз қўлимда практика ўтади. Унинг Комилжон исмли акаси фожали равишда ҳалок бўлган экан. Қизнинг акасини нақадар яхши қўриши, унинг ажойиб фазилатлари ҳақидаги гаплар ҳеч оғзидан тушмасди. «Мен турмушга чиқадиغان йигит фақат акамга ўхшаган бўлиши керак, бошқасини тан олмайман», дерди у. Ана шу қизнинг ўз акасига бўлган меҳр-муҳаббати менинг «Тўфон» романимнинг ёзилишига «туртки» бўлган эди.

3. Асар ким учун ёзилади? Албатта ўқувчи учун, шундай эмасми? Ёзган асари узоқ вақт магазинларда чанг босиб ётса — ёзувчи учун бундан ёмони йўқ. Мени хурсанд қилган нарса — ёзган китобларимнинг бирортаси ҳам магазинда узоқ ётмаслигидир. Демак, ўқувчилар ўртасида озми-кўпми ўз қадрини топмоқда. Шундан мамнунман. Лекин буни мақтанчоқликка ёки мағрурланишга йўйманг, асло. Тан оламан, мағрурланишга лойиқ ишлар қилиб улгурганимча йўқ. Қирқ йиллик ижодий муддат мобайнида ўзбек ва рус тилларида чиққан китобларимнинг сони ўттиздан ошибди. Лекин улардан бирортаси жиддий шов-шувга сабаб бўлмагани учун кўнглим тўлмайди. Ҳамон изланишдаман чоғи... Бундан кейинги умрим ҳам худди шундай изланишлар билан ўтиб кетиб, армонда қоламанми, деган хавотирдаман. Бироқ, ҳар қалай, интилганга толе ёр, дейдилар-ку? Ана шу умидда яшаб, ёзиб юрибман...

4. Ҳар дарёнинг жилғаси бор, ҳар ҳунарнинг чашмаси. Мен ҳам ўзимдан ўзим адабиётчи бўлиб қолмаганман, албатта. Дарҳақиқат, яхши устоз — зилол сувлари мавжи уриб турган, ойнадай тиниқ чашмага ўхшайди. Мен ҳам ана шундай чашмалардан қониб-қониб сув ичганман. Қўлимга илк бор қалам тутқазган, танамдаги яширин қобилиятимни юзага чиқаришда жонқуярлик қилган устозларим Туроб Тўла, Ҳасим Назирдан миннатдорман.

Икки йил Москвада бўлиб, М. Горький номидаги Адабиёт институтининг Олий адабий курсларида ўқидим. Константин Паустовский, Стефан Злобин сингари машҳур ёзувчиларнинг таълимини олдим. Ҳикоячилик, қиссачилик, романичилик сирларини ўргандим. «Ажойиб дамлар», «Тонг ёришган соҳилда», «Бир қиз ҳикояси» каби китобларим, «Кўр юрак», «Гулчеҳра», «Қайсар қизнинг қиссаси» сингари қиссаларим ҳам ана шу устозлар мактабининг мевасидир. Аслида ҳамма учун ҳам энг катта устоз — қайноқ ҳаётнинг ўзидир...

5. Маълум позицияга эга бўлмаган адабни ёзувчи деб ҳисоблаш қийин. Шубҳасиз, ҳар бир адиб ўз халқининг фарзандидир. Унинг тинмай уриб турган юрагини, бахтини, ташвишини, унинг қўшиғини куйлаши керак. Ўз даврининг вазифалари, муаммолари, хуллас, ҳал этишга доир барча жиҳатларини ўрганмай, ўзига сингдириб олмай туриб, ижод қилишга қодир эмас у. Ўзи яшаб турган муҳит, ижтимоий турмушдан, ўзи мансуб бўлган халқ ҳаётидан йироқда асар яратиш мумкин эмас. Жондай азиз она тупроғининг ҳароратли нафасини сезмай, ўзига хос табиатини кўрмай, ҳис қилмай туриб ёзилган асардан кимга наф?

6. Ҳаётимда бахтли дамлар ҳам кўп бўлган. Шулардан биттаси доим юрагимни қуёшдай

ёритиб туради. 1956 йили менинг иккинчи китобчам — болалар учун ёзган ҳикоялар тўплашим нашр этилди. Ўз навбатида, катталар учун ҳам ҳикоя ёзишни машқ қилиб юрардим. «Раиса» номли ҳикоям «Правда Востока» газетасида босилди. «Тўйга келинлар» номли иккинчи ҳикоямни Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг ўша маҳалдаги раиси, атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорга кўрсатиб олишга журъат этдим. У киши кабинетига таклиф қилди. «Ўқинг», деди дафъатан. Бутун бир ҳикояни бошдан-оёқ ўқиб бердим. Диққат билан тингладилар. Сўнг индамайгина ўрниларидан туриб, уёқдан-буёққа юра бошладилар. Еқмади шекилли. Нима деркинлар деб, юрагим така-пука. Қутилмаганда менга яқин келиб, баъзи жойларини қайта ўқишимни сўрадилар. Баъзи жумлаларни ўчиртириб, бошқатдан ёздирдилар. Шу йўсинда, таҳрирга тушиб кетдик. Ҳикояга сайқал берилди. Анча қисқарди. Ниҳоят, телефон орқали уни «Қизил Ўзбекистон» газетасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаётган Йўлдош Шамшаровга тавсия қилдилар. Орадан кўп ўтмай ҳикоя босилиб чиқди. Менинг бошим кўкда эди. Эртасигаёқ Абдулла аканинг йўқлаётганларидан хабар беришди. Хузурларига бордим. Кабинетда ўзларидан бошқа Саид Аҳмад ака билан Саида Зуннунова ўтиришган экан. Салом бердим.

— Мана шу йигитга, союзга кириш учун тавсиянома ёзиб берасизлар, — деди Абдулла ака уларга мурожаат қилиб, — кейин Москвага ўқишга юборамиз. Бундан ёзувчи чиқади. Учинчи тавсияни Туроб Тўладан олдим. Ёзувчилар союзига қабул қилиндим. Ана шу кунги қувончимни кўрсангиз эди. Узимни арши-аълода юргандай ҳис қиламан. Союзга қабул қилинганим учун эмас, балки биргина ҳикоям билан шундай каттақон, аллома ёзувчининг назарига тушиб, фамхўрлигига мюссар бўлганим учун бениҳоя бахтиёр эдим...

Бахтсиз кунларим ҳақида... Яхшиси, сўраманг... Эслагим ҳам келмайди.

7. Шакл билан мазмуннинг бир-бирига мос тушмай қолаётганлиги. Айниқса, йирик прозаларимизнинг мазмун ва услуб жиҳатдан ўзига хос хусусиятларига етарли эътибор берилмаётганлиги, роман билан қиссанинг фарқи қолмаётганлиги. Ҳажми каттароқ бўлса — роман, кичикроқ бўлса — қисса. Бу нотўғри. Романнинг ўзига хос қонун-қоидалари, мураккаб томонлари бор, қиссанинг ҳам. Буни фарқ қила билишнинг аҳамияти каттадир. Машҳур ҳинд ёзувчиси Кришан Чандрнинг «Бир қизга минг ошиқ» романи тўрт босма табақгина, холос. Арман классиги Александр Ширвонзоданинг «Номус» романи олти босма табақдан ошмайди. Лекин уларда роман жанри талаб қилган барча қирралар мавжуд. «Чин инсон қиссасининг ҳажми эса йигирма, Максим Горький ўзининг йигирма икки босма табақли «Она» асарини повесть деб атаган.

Сўнги йилларда ёзувчиларимиз тил устида ишламай қўйдилар, деб бонг уришларда ҳам жон бор. Умуман, асарни асар қиладиган энг муҳим воситалардан бири — тил. Фализ, жозибасиз тил билан ёзилган асарни ҳеч ким ўқимайди.

Кези келганда, яна бир гапни ўртага қўймоқчиман. Ҳозирги кунда нашриётларда ҳам, журналларимизда ҳам муҳаррирларнинг савиясига эътибор камайган чоғи. Унинг билими, иқтидорига қарамай, асар ёзишда қалами етилиб, анчагина тажриба орттириб қолган авторнинг ҳам асарини таҳрирга берилверади, у эса билганича «бўз тўқиш»га киришади. Нўноқлик билан таҳрир қилади. Гапингизни эшитмайди. Адабиётда бир қолип билан «ғишт қўйиш» мумкин эмаслигини бир тушунтириб кўринг, бари бир овора бўласиз. Бунинг устига, баъзи муҳаррирлар кейинги пайтларда нуқул «ҳозирги талаб бошқача, асарларимиз ҳозирги талабга жавоб берадиган бўлиши керак», дейдиган бўлдилар. Ваҳоланки, ҳақиқий талаб нимадан иборатлигини ўзлари билмайдилар, шу талабларнинг асосий моҳияти нимада эканлигини сўрасангиз, бир оғиз айтиб ҳам беролмайдилар.

Ўз ижодимда камчилик сезиш, сезмаслигимга келганда, шунини айтай: мен ҳам «фаришта» эмасман. Талайгина камчиликларим бор. Айтай десам, яна муҳарриримдан кўрқаман. Эртага ўша камчиликларимни қидириб қолади-да, ўзича хулоса чиқара бошлайди. Шунинг учун маъзур тунинг, ҳозирча бунисини бошқа сафарга қўйиб турайлик...

8. Инсондаги қайси фазилатларни ёқтираман? Аввало қатъиятликни. Ҳамиша мустақил фикрга эга, бир сўзли кишиларни жуда-жуда қадрлайман. Шундай одамгагина ишонса бўлади.

Қатъиятсизлик энг ёмон иллат. Беқарор, бебурд одамга ҳаётда ишониб бўлмайди. Бугун гапириб, эртага ана шу гапидан тониб, «чув тушириб» қўйиши ҳеч гап эмас. Бундайлар ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар.

9. Ҳақиқий ёзувчи қаҳрамонларини ичидан тўқиб чиқармайди, ҳаётдан олади. Бироқ, уни қандай кўрган бўлса, шундайлигича кўчирмайди, албатта.

Менинг қаҳрамонларим ҳам ҳаётда бор кишилар. Фақат уларнинг исмлари ёки фамилиялари ўзгарган, холос. Шунга қарамай, китобимни ўқиганлар дарров ўзларини таний қолишади. Кунларнинг берида бундай бўлди: «Орият» номли романим эндигина магазинларга чиқиб, сотилаётган эди. Октябрь инқилоби хиёбонидан ўтиб кетаётсам, кимдир чақириб, тўхтатди. «Сизга икки оғиз гапим бор», деди у. Қарасам, рўпарамда пахтанинг қатор янги навларини яратган машҳур селекционер олим турибди.

— Китобингизда госсиполнинг аҳамиятини менсимай ёзибсиз, — дея ранжиган оҳангда давом этди у, — госсипол ҳали ўз кучини кўрсатади, ҳали у нималарга қодирлигини исбот қилади, мани айтди дерсиз!..

Аввалига ҳеч нимага тушунмадим. Кейин эсимга келгач, уни қучоқлаб олдим. Бу олимни «Борса келмас» романимга адабий тимсол қилиб олган эдим. Романда у Назиржон Набижонович деб аталиб, госсипол борасидаги гаплар эса профессор Жамоловга боғлаб ҳикоя қилинарди. Ҳақиқатдан ҳам Набижон Назирович кўпдан госсипол устида иш олиб борарди. Аммо ҳеч натижа чиқмасди ундан. Мен ҳам шунга қизиқиб қолиб, кўп илмий китобларни ўқиб чиқдим, катта-катта олимлар билан суҳбатда бўлдим. Шундан сўнг госсиполга нисбатан шубҳа туғила бошлади.

Госсипол моддаси бизда ёввойи пахта ҳисобланган мексика пахтасининг ғўзасида бўлар

экан. Шу моддага эга бўлган ғўза борки, қаҳратон совуққа чидамли, шунингдек қурғоқ ерларда ҳам ўсаверар эмиш.

Олим ана шу моддани биздаги чигитга сингдириб экиш билан ҳар қандай касалликларни енга оладиган, серҳосил пахта навини ундириш ниятида ижод қиларди. Лекин кўпчилик қатори менга ҳам унинг бу уринишларидан бирон натижа чиқмайдигандай туюларди. Бунинг устига, госсипол моддасининг нархи фалон пул турар экан. Назаримда, қанча-қанча давлат маблағи беҳудага сарф бўлиб, ҳавога учиб кетаётгандай эди. Романда ҳам худди шу масала устида баҳс борарди. Аммо ҳурматли олимга келганда, уни ҳеч ҳафа қилгим йўқ эди.

— Госсиполингизнинг аҳамиятини камситган мен эмасман-ку? — дедим унга жавобан, — менинг қаҳрамоним бўлмиш Темиржон камситган уни. У қарши чиққан сизга. Лекин сиз ғалабага эришган кунингиз албатта унинг фикрига қарши кураш олиб бора оладиган қаҳрамон ўйлаб топиб, янги китоб ёзишга киришаман. Ҳа, Темиржоннинг адабини бериб кўямиз ҳали...

Олим менинг ҳазиломуз гапимга кулиб, ҳовридан тушди. Биз дўстона хайрлашдик. Яқинда унинг шогирдларидан бирини кўчада учратиб қолдим. Госсипол тақдири билан қизиқдим.

— Э, сиз тўғри ёзган экансиз, ака, — деди у бирдан — мана, ўн йилдан ошиб кетди-ки, бирон натижа шарпаси ҳам кўринадиган эмас. Ҳавойи натижага ишониб, беҳуда овора бўлиб юрган эканмиз...

Шу билан мен ҳам госсипол тўғрисида янги китоб ёзишдан қутулдим...

10. Танқидга муносабатим ҳамма қатори. Узим ҳурмат қиладиган зукко танқидчилар ҳам бор. Булар Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Наим Каримовлар. Аммо адабий соҳада дидсизликларини, ёзувчилик сирларидан беҳабарликларини ошкор қилиб юрганлар ҳам борлигига гувоҳман. Шунақаларнинг нотўғри, адолатсиз танқидларини ўқисам, ёниб кетаман. Асар ёзиш у ёқда турсин, кўлимга қалам олгим келмай қолади.

Бирор асар бошласам, унинг устида шавқ-завқ билан ишлайман. Хизматдалигимда тезроқ кеч бўлишини, шанба-якшанбани орзиқиб кутаман. Столим олдида тонгни-тонгга уласам ҳам чарчаганим сезилмайди. Аммо асарим охирига етиб, сўнги нуқта қўйишим билан ўзимни ношуддай сеза бошлайман. То асар муҳокамадан ўтиб, китоб ҳолига келгунга қадар ҳам гуноҳкордай бош эгиб юраман. Қўлёмма, юқорида эслатганимдай, адолатсиз танқидчиларнинг кўлига тушиб қолса, тамом-да, ахир. Ҳафсалам пир бўлиб, дунё кўзимга тор кўриниб кетади.

Яна бир тоифа танқидчиларимиз ҳам бор. Улар асарга эмас, шу асарни ким ёзганига қараб таҳлил қилишга одатланганлар. Ахир, адабиёт мансаб ва насабга қараб ўлчанмайди-ку! Уларнинг асарни охиригача ўқиб чиқишига ҳам ишонмайман. Варақлаб, шунчаки кўз югуртириш билангина кифоялансалар керак.

Мен танқидчи бўлганимда фақат ҳақиқатни ёзардим. Оқни оқ дейишдан, қорани қора дейишдан тоймасдим. Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов сингари оз ёзардим-у, аммо соз ёзардим!

11. Яқинда «Хонадон» номли янги романимни устозлар ҳукмига топшириб, яхши фикрлар олдим. Қайта ишладим. Ҳозир нашриётда. Лекин бу ҳам ҳар сафаригадай адолатсиз зарбаларга учрамаса, қошки эди. Аммо, мен ботар кунга эмас, отар тонгга астойдил ишонадиганларданман... Бундан ташқари, яна ишчилар синфи мавзусига қайтиш ниятим бор. Шу аҳд билан «Матонат» номли янги бир қисса ҳам бошлаб қўйдим...

Гулчеҳра Жўраева

«Шарқ юлдузи» анкетаси ижодкор учун ҳам, журналхон учун ҳам аини муддао бўлди. Кўпинча ўқувчилар билан ўтказиладиган учрашув ва мулоқотларда худди шундай саволларга жавоб беришга тўғри келади. Ёзувчи қалбини унинг ўзичалик тўла ва теранроқ ифода этадиган киши бўлмаса керак. Рассомнинг мўйқаламида ёзувчи олами хирароқ, танқидчи қаламида эса юзакироқ ифодаланади...

1. Унинг синфни тугатаётганимда меҳрибон ўқитувчиларимга миннатдорчилик ифодаси сифатида «Ташаккур» номли машқимни ёзган эдим. Худди ўша кезлар (1954 й.) Тошкентдаги «Қизил Ўзбекистон» («Совет Ўзбекистони») газетаси ташаббуси билан ёш шоира ва адибаларнинг семинари ўтадиган бўлиб қолди. Шунда газета ўзининг бир саҳифасини семинар қатнашчиларига бағишлаб, ҳар бир шоиранинг шеъри бир устоз сўзбошиси билан эълон қилинган эди. Жумладан, менинг юқоридаги шеърим Ҳамид Ғу-

ломнинг «оқ йўли» билан биринчи марта чоп этилганида қувончимни ичимга сиғдирилмаганим ҳамон ёдимда.

2. Янглишмасам, ҳақиқий ёзувчи ижодда бир умр «туртки» билан яшайди. Ҳаётда кўрган кечирганлари, қувончу ташвишлари уни қўлга қалам олишга ундайди. Редакциядан берилган махсус буюртмалар ҳам ижодга туртки бўлган пайтларни биламан. Бундан анча йиллар бурун бир газетанинг саккизинчи март сонига байрамона шеър ёзиб беришимни илтимос қилишди. Ёзишга ўтирдим. У вақтларда фарзандларим ҳали жуда ёш эди. Кенжа-тойим тиззамга чиқиб олиб: «Аяжон, биттагина юлдузча чизиб берақолинг, қизилга бўяб шапкамга ёпиштираман, деса бўладими. Биттасига қўнмади, иккита, учта, тўртта... кейин бўяб бердим, сўнгра кесиб қўлига тутқаздим. Қўйинг-чи, байрамона пафосдан асар ҳам қолмади. Қоғозга мутлақо бошқа шеър туша бошлади:

Бир қўлимда болам, бир қўлимда қалам,
Иккисига баробар онаман.
Болам билан қалам ташласин қадам,
Иккисига баробар ёнаман...

Хуллас, шеър «болам йўлаганда ижод бир тўйин, қоғозим устида қолади қалам», билан тугайди. Эртасига редакция ходимидан узр сўраб, ушбу ёзганимни тақдим этувдим, маъқул бўлди шеклили, байрамога шеърлар орасида ярақлаб чиқиб қолди.

Яна бир мисол. Мен университетни битираётганимда «1927 йилда паранжига қарши «ҳужум»нинг матбуотда акс этиши» мавзусини диплом иши қилиб олган эдим. Уша йиллари чиқаётган «Қизил Ўзбекистон» ва «Озод Бухоро» газеталарини варақлаб туриб, ажойиб фактларга дуч келганман. Айниқса, биринчи бўлиб юзини очган хотин-қизларнинг даҳшатли қисматларига қаттиқ ачинганман. Ана шундай мард қизлардан бири ромитанлик Зуҳро Саид Носир қизи эди. Диплом ишим билан бир вақтда «Зуҳро» номли илк балладам ёзилди ва у ҳурматли Мирмуҳсин аканинг тавсиялари билан «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилди. Кейинроқ, бу образ устида яна ишладим, уни замон билан боғлаб «Зуҳро юлдузи» номли дostonга айлантirdим.

3. Аниқ бир нарса дейиш қийин. Она учун ҳамма болалари бирдек азиз бўлгани каби, шоир учун шеърлари ҳам фарзандидек бир гап. Албатта, баъзан қайсидир фарзандининг ёқимсиз туюлган қилиқларидан ташвишланасан. Камолотга эришган сайин эса уларга олижаноб фазилатларни сингдириб боришга бутун куч-қудратини сарфлайди она. Ижодда ҳам шундай. Машқларингдан ҳаммиша ҳам кўнглинг тўлавермайди. Маҳорат манзилига етмоқ мақсадида қанчадан-қанча доволарни босиб ўтишга тўғри келади. Остонага яқинлашганимда ўз ижодингдаги кам-кўстларни кўзинг илғай бошлайсан...

Ҳовлимизда бир туп олма дарахти бор. Мевалари ҳар хил шаклда. Бири пиёладай, бири чақалоқ юзидай сип-силлик, бири хуштаъм, бири ҳусндор бўлса ҳам нордон. Қурт тушганлари тезгина шохидан узилиб, тупроққа қоришиб кетади. Ширин олмани еганинг сари иштаҳанг очилаверади. Қани энди, табиат ижодкорга шундай бир сахийлик ато этсаки, фақат «мазали» асарларни яратаверсанг.

4. Устозларим кўп. Меҳрибон ва айни пайтда шафқатсиз ҳаёт. Сўнгра китоблар. Онам — Жамилабегим шеърятни севганлари учунми, ўқувчилик пайтимда биргаликда шеър ёзишни машқ қилардик. Олти фарзандлари борлигига қарамай, доимо адабий китобларни берилиб ўқир эдилар ва мени ҳам шунга қизиқтирардилар. Уша даврда бошланган шеърятга ихлосимни СаГУ (ТошДУ) муаллимлари қўллаб-қувватлашди. Йиллар ўтиб, ҳақиқий устозлар назарига тушдим. Ғафур Ғулом, Миртемир, Мамарасул Бобоев ва Саида Зуннунова, Зулфия опалардан тез-тез маслаҳатлар олиб турардим. Улар — чинор, биз эса ниҳол эдик. Бизни саратондан ҳам, қаҳратондан ҳам асраб-авайлаб сақлаган ва япроқларимиз ғуборини ғуфлаб сайқаллаган ҳам шулар эдилар. Бир-бирига аҳил, кўмакдош, маслақдош қатор тенгдош қаламкаш дўстларим ҳақида ҳам фақат ифтихор билан сўзлашим мумкин. Гарчи ўзига яраша қийинчиликлари бўлса ҳам, икки шоирнинг оила қуришида ҳам фазилат кўп экан. Биз бир-биримиздан сабоқ олиб, шеърят муаммола-

рига доир кўп нарсани муҳокама қиламиз. Кейинги йилларда эса «Ёшлик» журналида хизмат қилишимнинг ўзи ҳам мен учун ўзига хос мактаб йўлини ўтади. Бошқа муаллифлар ижодига бугунги кун нуқтаи назаридан талаб қўйишдан олдин, шу талабни аввало ўзингга кўяр экансан, киши.

5. Езувчининг гражданлик позициясини унинг у ёки бу воқеа-ҳодисага муносабати белгилайди. Қўлимда икки ҳаваскор шоирнинг тут ҳақида ёзилган иккита шеъри. Бирининг мазмуни шундайки, тут — пилла учун, пилла — инсон учун хизмат қилади. Тут ана шу муқаддас эзгулик, яъни инсонни ясантириш ишида ўз жонини фидо этади ва яна яшаш, яшариш учун ҳар йили янгидан-янги япроқ чиқаради. Иккинчи шеърда тут бошида ҳар йили болта ўйнайди, лекин у ҳеч қачон енгилмайди, барг ёяверади, худди каминига ўшар экан, деган мазмун ётади. Бу ўринда, қайси муаллиф қандай позицияда турганлиги ўз-ўзидан равшан...

Гражданлик позициясининг шаклланишида ёш ижодкорнинг ижтимоий ҳаётда фаол қатнашмоғи муҳим аҳамиятга эга. Ижод қилиш баҳонасида ўзимизни панга олиб, бирор жойда хизмат қилмасак, турмуш йўлларида баъзан чалғиш ва оғишларга дуч келишимиз мумкин. Меҳнат инсонни ҳар қандай вазиятда ҳам чарқлайди, тоблайди.

6. Бахтсиз кунни кўрмаганим учун ҳам бахтиёрман. Ҳаётимда ўлим ёқасидан омон қайтган оғир дақиқаларни ҳам кечирганман. Бахтсизлик ҳар бир инсон ҳаётида баъзан юз берадиган, ўз ихтиёрингдан ташқаридаги аянчли ҳодиса. Лекин унга Бахт номли буюк чўққидан мағрур қарай олсанг, барча мушкулотларни осон қиласан, сенинг иродангги ҳеч қандай қора куч буколмайди. Энг қийин лаҳзаларимда менга қудрат бағишлайдиган кадрдон даъватим бор: «Ўзингни қўлга ол, бу ҳам ўтади-кетади, фақат бўш келма!» Уни қайта-қайта ичимда такрорласам, ғолиб келаман. Ҳатто ваҳимали тушларимда ҳам ўша сўзларни бот-бот тилга оламан. Майда-чуйда омадсизликни бахтсизликка йўйиш керак эмас. Баъзан у инсонга янгилиниши, олға томон интилишга омил бўлиши ҳам мумкин. Бахтиёрлик — кенг тушунча. Замон тинч бўлса, дунёда умид билан ўстираётган болаларимиз инсонларча яшаса, мамлакатимиз осмони мусаффо бўлса, орзуларим юз кўришса — менинг энг бахтиёр дамларим деяверинг.

7. Проза ва шеърятимизда Иттифоқда кўз-кўз қилгулик асарларимиз бор. Айрим асарларимизнинг бадияти дуруст, лекин мавзунинг майдалиги, воқеаларнинг иккинчи даражалиги, қаҳрамонларнинг умуминсоний идеал сифатида гавдаланмай, оддий персонаж даражасига тушиб қолаётганлигидан қониқмайман.

Кейинги пайтда насрий асарларимизнинг айримларида персонаж томонидан ҳам, муаллиф томонидан ҳам ҳақорат, сўкиниш сўзлари истеъмолга киритилмоқда. Улар қаламида ҳаётда яккам-дуқкам учрайдиган «суюқ аёл» тобора типик образ ҳолатига айлантирилмоқда. Мухаррирларимизнинг бундай сахийликларидан баъзан таажжубланасан киши. Маънавий, эстетик тарбия, адабий маданият ва этика қаерда қолапти?

Ўз ижодидаги камчиликни сезмаган кун ижодкор ўсишдан ҳам, меҳнатдан ҳам тўхтаса керак. Шу пайтгача шеърларимда ёрқинликни қуйлаб келдим. Эндликда драматизмга тўла бугунги суронли воқеалар менинг ҳам ижо-

димда баҳоли қудрат акс этса керак, деб ўйлайман. Танқидчилар уқтирганидек, доимо ақлга эҳтиросни уйғунлаштиришга ҳаракат қиламан. Ҳарҳолда, кечаги ёзган шеърим бугун, бугунгиси эртага ёқмай қолаяпти ўзимга.

8. Инсон руҳан мураккаб машинага ўхшайди, десам, нега роботга тенглаштираяписиз, дегувчи даъвогарлар ҳам топилиши аниқ. Аслида ўзининг лоқайд ва беғамлиги билан жамиятга тирноқчалик фойда келтирмайдиганларни нимага қиёс қилса бўларкин? Эндиликда роботлар ҳам инсонга дастёр.

На ёмон, на яхшилигини пинҳон тутадиган, шароитга қараб турланадиган ёлғончи, мақтанчок, мунофиқлардан нафратланаман. Кейинги пайтларда баъзи одамларнинг маънавий, майдалашиб кетаётганидан ташвишдаман. Меҳнат қилиш, яратиш ва бошқаларга кўмаклашиш ўрнига одамларга панд берадиган, ғийбат билан кун ўтказувчи бекорчилар ҳеч қачон жамиятга наф келтирмайди.

Ўзларига ортиқча баҳо берадиган ижодкор ёшлар адабиётимизнинг, қолаверса, ўз умрининг заволидир. Шу ўринда бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. Яқинда редакция биносидан бир ёзувчи билан юзма-юз учрашиб қолдим. У менга ўдағайлаб, даб-дурустан: «Бундан йигирма йил бурун ҳикоямни «Маданият»да чиқармаган эдингиз. Ҳозир мен машҳур ёзувчиман, китобларим чет элларда нашр қилиняпти, билиб кўйинг!»— деди. Мен кутилмаганда маломатдан ёқамни ушлаб қолдим. Ахир, йигирма йил давомида гинакудуратни дилида асраб юрмоқ учун одамга озмунча «матонат» керакми? Мен унга, хурсандман, демак ўсибсиз, ўсаверинг дея олдим, холос...

Ўзида ақл-заковат, камтарлик, самимийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, хуллас, гўзалликни тўла мужассам эта олган инсонларга ҳамиша таъзим этаман.


9. Ҳаётий ҳақиқат — асар илдизи, бадий ҳақиқат эса ундан ўсиб чиққан ва сайқал олган япроқчадир. Шунинг учун ҳам уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Юқорида мен тилга олган «Зухро юлдузи» дostonимда, Зухро Саид Носир қизи биринчи бўлиб

комсомол сафига ўтгани учун 16 ёшида қариндош-уруғлари томонидан чавақланганлиги ҳаётий факт. Аммо бу ҳодисани бадий образ даражасига кўтариш учун айрим тўқималардан фойдаландим. Шу тариқа, «Чавандоз» дostonимдаги Мамлакат образига пахтакор қиз Турсунойни, «Надюша»га — Н. Крупскаяни, «Имтиҳон»га — биринчи парашютчи ўзбек қизи Бибинисо Болтабоевани прототип қилиб олганман.

10. Тўғриси айтсам, завқ-шавқ билан ўқиган мақолаларим жуда кам бўлган. Аксарият тақризлардаги қуруқ мақтовлар, фикрлар сийқалиги ва услубларнинг бир хиллиги ўқувчини ўзига тортмайди. Муаллифларнинг янги асарларга ёки бирор ёш ёзувчи, ёш шоир ижодининг ўсиш жараёнига бағишланган илмий жиҳатдан теран мақолаларга ташналик сезаман. Ижод гулшани — улкан боғ, битта-иккита дарахт билан ҳеч қачон боғ пайдо бўлган эмас. Ҳадеб олма ё нок еяверсанг, охир оқибатда тўйиниб, уларга қарагинг ҳам келмай қолади. Турфа меваларни кўмсайсан. Шунинг учун битта боғга ҳам ҳар хил дарахтлар керак. Ҳар бир танқидчининг ўз шоири, ёзувчиси ёки аксинча, ҳар бир шоир, ёзувчининг ўз танқидчиси бор, деган «миш-миш»ларни ҳазм қилиб бўлмайди.

Танқидчи бўлишга интилмаганим учун ҳам танқидчи бўлолмасдим. Мабодо танқидчилик бошга тушса, авваламбор, ростгўйлик йўлини танлардим. Худди мухбир сингари китобхонлардан у ёки бу китоб ҳақида интервью олардим-да, ўзимнинг субъектив фикримни уларга солиштирар эдим. Тарозининг тоши қайси томонга оғса, демак, ўшани объектив баҳо деб ҳисоблардим. Чунки ҳозирги ўқувчилар билимдон, нозиктаъб, фаҳм-фаросатли, яхши-ёмонни танқидчидан кам илғамайди. Яна, ёзувчининг китобхонни Данко мисоли эзгуликка етаклашини назарда тутганда, мен танқидчини янада фаолликка, ҳушёрроқ бўлишга даъват этаман...

11. Одатда, қаламга олмоқчи бўлган режаларимни олдиндан айтиб қўйсам, ўшандан кўнглим тезгина совийди ва ёзолмай қолиш хавфи туғилади. Шу боис, бу жавобни ҳозирча сир тутмоқчиман.



Эркин Дўсमतов

Дарсда

Ҳалим чиқди доскага,
Ёзди у кўчирма гап.
«Бобоси берди конфет», —
Деди Алига қараб.

— Тиниш белгисин айтгин, —
Деб сўраса муаллим,
Ҳалим жавоб беролмай
Ерга қараб турди жим.

Қўштирноқ ёнида-ку,
Қўйибсан тире, вергул.
Нега айтмасдан, қотиб —
Сукут сақлайсан нуқул?

Шу кўчирма гапингни
Ўзлаштира гап қилгин.
Сўнгра Алига деди:
— Конфетни менга бергин.

Бўлди синфда кулги,
Лол бўлиб қолди Ҳалим.
Унга «икки»ни қўйиб,
Кулиб турар муаллим.

Диалог

— Уртоқжоним Холқўзи,
Недан ҳайронсан ўзи?
Ё кўрдингми ой, юлдуз,
Осмонга боқиб кундуз?

— Жуда қизиқ синоат —
Шунчалар кенг-а жаҳон!
Бешга жавоб берардим,
Қилишса гар имтиҳон.

Ҳали сенга айтдим-ку,
Жаҳон эмас, бу — Ватан:
Кўзларингга нур бериб,
Камалакдек товланган.

— Шундай, азиз болалар,
Ватанимиз бепоён.
Уни дилдан севамиз,
Ардоқлаймиз, ҳар қачон.

Дилмурод Шокиров

Ҳозиржавоб

— Қойил, тулки расмини,
Сен чиздингми, Тоҳиржон?
Қизиқ, нега думи йўқ? —
Сўраб қолди Зокиржон.


(Дерсиз, хато қилган он,
Ким ҳам бир сўз айтарди?!)
Аммо бизнинг Тоҳиржон,
Шундай жавоб қайтарди:

— Ўсиб қолар узун дум,
Кутиш керак, — кулди у.
Ахир, бу ёш тулкича —
Уни бугун чиздим-ку!

Болари билан олма

— Ака, нега олмамиз
Ширинликда худди бол?
Қўшилганми асал ё
Ўйлантирар шу савол?

— Боларилар баҳор, ёз
Унга меҳрин солган-да.
Билсанг, ука, олмамиз
Шундан баҳра олган-да...





Худойберди Тўхтабоев

ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИДА ЁКИ



XII боб

Ишқ дардига даво борми?

Мен уни ўша қовуннусха автобусда кўрганимдаёқ, юрагим така-пука бўлиб, севиб ҳам қолган эканман. Устозимга йўлиққунимга қадар кўчаларда сарсонун саргардон юрган пайтларимда унинг ёди билан яшаганимни сизга ҳам айтганман. Ҳатто оҳ урсам меҳмонхонанинг томини кўйдириб юборадиган даражада эдим, деб эслатувдим шекилли. Кир кўйлакка заржияк, деганларидек, ўзим кимман-у, яна тагин бировнинг қизини севишимга бало борми, деб кўксимга бир-икки уриб, уни унутишга ҳаракат қилувдим. Ишларим юришиб кетгач, қалбимнинг бир четида устини кул босиб ётган ишқ чўғи қайтадан аланга олиб, бутун борлиғимни ловуллатиб кўйдирди бошлади.

Ишқ жинниликка ўхшаш бир нарса бўларкан. Мен ҳам ўзимни унутиб, жиннига ўхшаб қолдим. Унгимда ҳам, тушимда ҳам фақат ўшани кўраман. Мунчоқдек қоп-қора кўзлари, тонгги шабнам кўнгандек йилтираб турадиган узун киприклари, янги очилган атиргулнинг баргидек тиниқ юзлари, кумуш кўнғироқдек жарангли овозлари, иболи боқишлари... Йўқ, мен уни излаб топишим керак. Борди-ю, тополмасам-чи? Ҳўп, ана, излаб топдим ҳам дейлик, рўпара келишга уялсам-чи? Ҳўп, ана, уятчанлигимни бир амаллаб енгиб, рўпара ҳам келдим дейлик, хўш, унга қандай қилиб гап қўшаман, сўзимни нимадан бошлайман? Ёки ўзини кўрмасдан, ғойибона севиб юраверганим маъқулмикан? Лекин қачонгача юраман, ёниб кетяпман-ку ахир! Иштаҳа йўқ, уйку бузилган, бошим ари тўлдирилган қовоқдек

гувиллагани-гувиллаган. Ўзим ҳам озиб кета бошладим. Бурним осилиб, негов ковоқдек бўлиб қолди.

Бас, етар, дедим бир куни ўзимга ўзим. Уятчанлигу тортинчоқлик ҳам эви билан-да! Ахир кичкина одам эмасман, фан доктори деган номим бор. Эрталаб туриб, обдан ювиниб-тарандим. Энг чиройли кийимлардан танлаб кийдим, сочимга атир сепиб, бетимга енгилгина упа суртдим. Автобус бекатида ажралишган эдик. Уша ерга бориб, жўнаб кетаётган, рейсдан қайтиб келаётган машиналарни кузатиб кунни пешин қилдим. Йўқ! Қизиқ, йўқ бўлса қайтага яна яхши, эртага учрашамиз, унгача ўзимни анча босиб оламан, деб ўйлайман-у, аммо, бари бир, бу ердан қўзғалгим келмайди денг. Кеч кира бошлади. Қорним очлигимданми ёки кўп ҳаяжонланганимданми, вужудимда қалтироқ турди. Иситмадан кўтарилаётганга ўхшайди. Хўрликками, ҳақоратгами ўхшаш бир туйғу томоғимдан ғиппа бўғиб олди. Йиғлагим кела бошлади. Нимагадир шу пайтда ойижонимни кўргим келиб қолди. Кўрганимда, ўлай агар, кўксига бошимни қўйиб, йиғлаб-йиғлаб олган бўлардим.

Бекатга сўнгги автобус келиб тўхтади. Йўловчилар ҳам тушиб бўлди. Яна кўринмаяпти... Тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан бутун вужудим музлаб кетгандай бўлди, қалқиб кетдим. Уша, худди ўшанинг ўзи. Бир қучоқ гулдек яшнаб тушиб келяпти. Қўлида ўшанда кўрганим йилтироқ сумкача, эгнида ўшанда кўрганим ял-ял ёниб турган зар кўйлак, қора қошлар андак чимирилган, қизил гул ғунчасидек лаблари хиёл қимтилган, чиройли юзларида ўшанда кўрганимдек ибо... Қаршимда ловуллаб аланга ёнгандек бўлди — мен томонга қараб келмоқда эди. Худди шу пайтда бурнимнинг катталиги, бўйнимдаги галстугим устозим Дар Даражаники эканлиги, қўлларим ҳам узун ва бесўнақайлиги ҳақида бир бемаза ўй яшин тезлигида фикримдан ўтди. Эрталабдан буён машқ қилган сўзларим томоғимга ғиппа ёпишиб, ўзим ҳам Ҳандалак марказидаги мрамар ҳайкалдек қотдим-қолдим. Хўш, мулла Ақром, аҳволлари қалай энди, дейдиган одам йўқ. Қиз хавфсираб, орқасига бир-икки қараб олди-да, мени безори ёки йўлтўсар деб ўйладими, қадамини хиёл тезлатгандек бўлди. Мен ҳам тезлаштирдим. Югура бошлаган эди, турган гапки, ортда қолмаслик учун менинг ҳам кун бўйи тик туриб чарчаган шўринг қурғур оёқларим ўз-ўзидан ишга тушиб кетишди. Лекин бу ҳаракатларим ҳаммаси ихтиёримдан ташқари юз беряпти: Йўқ-йўқ, деб ўйлайман, бирон сўз айтишим керак. Уша қалбимни куйдираётган муқаддас сўзни айтиш учун эрталабдан буён тик турибман ахир!

Қиз тўхтади. Чарчаганга ўхшайди, қисқа-қисқа нафас оляпти. Кўзлари бежо. Вужудидан нафрат ёғилиб турибди. Қизиқ, шу ҳолатида ҳам ғоят ёқимли, таърифга сиғмайдиган даражада гўзал эди!

— Нега орқамдан қувяпсиз? — деди энтикиб.

— Қувганим йўқ, — дедим мен ҳам қисқа-қисқа нафас олиб.

— Соядек эргашиб келяпсиз-ку?

— Кечирасиз... мен... мен...

— Нима мен?

— Мен...

— Нима ахир?!

— Биз, кечирасиз... танишмиз!

— Мен сизни танимайман.

— Автобусда... ҳар хил шарбатлар берувдингиз.

— Биз ҳаммага шарбат берамиз.

— Мен... сал бошқачароқ танишман.

— Қанақароқ?

— Ғалатироқ.

Қизнинг юзу кўзларида истехзогами, мазахгами ўхшаш бир ифода барқ уриб ўтгандек бўлди:

— Жиннироқми?

— Топдингиз, — дедим шош-пиша, — шу кунларда жиннига ўхшаб қолганман.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим.

— Нима деб ўйловдингиз?

— Эрталабдан буён автобусда ўн уч марта келиб-кетдим, — хайрият, қиз енгилгина кулиб қўйгандек бўлди. Кулмади, йўқ, юзида қизилгул очилгандек бўлди. — Қачон келсам, ўртада қоққан қозикдек серрайиб турасиз.

— Мен сизни кутган эдим.

— Мени-я?

— Ҳа.

— Тавба! Гапингиз бормиди?

— Бор, биласизми...

— Айтинг тезроқ.

Тезроқ эмиш, қандоқ айтаман ахир. Борди-ю, айтишим билан тушингизни сувга айтинг, деб жўнаб қолса-чи? Йўқ, бироз юмшатиш керак, отдан тушса ҳам эгардан тушмай турибди ҳали... Бунинг устига, эҳтимол менинг кимлигимни ҳам билмас. Билса, унча-мунча йигит эмаслигимга ишонч ҳосил қилса, қалбим ўртанаётганини тушунар, деб ўйладиму:

— Кечирасиз, мени танияпсизми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — қиз кескин бурилиб жўнаб кета бошлади.

Енига тушиб олдим:

— Мен Акрот Акротий бўламан.

— Акротий бўлсангиз нима қилай?

— Газеталарда суратимни кўргандирсиз?

— Мен газета ўқимайман.

— Ҳечам-а?

— Ҳечам.

— Мен... фан доктори.

— Нима?!

— Фан докториман, деяпман.

— Демак, ҳали тўғри айтган экансиз.

— Нимани?

— Жинниман, девдингиз-ку...

— Тўғри. Ишқ одамни жинни ҳам қилиб қўяр экан. Кечирасиз, исмингиз Гу Ламиди? Автобусда учрашганимизда шундай дегандингиз шекилли?

— Хотирингиз зўр экан, бунақа хотира билан академик бўлиб кетишингиз ҳам ҳеч гап эмас, — қиз тўхтаб, менга қараб илиқ табассум қилгандек бўлди. — Хайр, яхши етиб олинг.

— Нега бундай дейсиз?

— Мен уйимизга келдим.

— Ие, шу ҳовлида турасизми?

— Ҳа.

— Дарвозаларинг чиройли экан.

— Хайр. Энди кетинг.

— Яна учрашувга сўз бермагуниңгизча кетмайман, мана шу ерда ётиб оламан.

— Ҳалиги бекатга келинг, бўлмаса.

— Қачон келай?

— Хоҳлаган пайтингизда.

Дарвозанинг эшикчаси овозсиз очилиб, яна шундай беркилди. Қулоғимни эшик тиркишига босганча анча маҳал жим қолдим. Гу Ла асфальт йўлакчадан юриб бораётган бўлса керак, баланд пошнали туфлисанинг тақ-туқи эшитилияпти. Кейин юрагимнинг уриши ҳам, туфлининг тақ-туқи ҳам бир дам тингандек бўлди.

Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Бўлмаса-чи! Ахир мен уни, тунлари уйқумни, кундузлари оромимни ўғирлаган Гу Лани кўрдим, овозини эшитдим. Энг муҳими, кўксимдан итариб ташламади, учрашувга ваъдасини ҳам олдим. Бахт нашъасидан маст эдим. Гоҳ гандираклайман, гоҳ қувончимни сиғдиролмаётган ёш боладек ирғишлайман. Гоҳ бутунлай бегона йўловчиларни қучиб:

— Мени табрикланг! — дея қичқираман.

XIII боб

«Жодугар» қиз алдаб кетибди

Эртасига ишим ўнгидан келмади, Гу Лани учрата олмадим. Учратсам, ўша қора қошлигимга кўп нарсаларни, ҳатто бурнимнинг ҳид олиш хислати зўрлигига-ча — ҳамма-ҳаммасини сўзлаб бермоқчи эдим. Эртасига ҳам, индинига ҳам, борингки, ўн беш кунгача бекатга қатнайбериб, нақ оёқдан қолдим. Кейин ўша кўчадаги ўттиз саккизинчи уйнинг қўш қанотли дарвозасини пойлай бошладим. Худди штатли қоровулдекман, туну кун пойлайман. Ерга кирдим, осмонга чиқдим, билиб бўлмайди. Қалбимдаги аланга эса ўчакишгандек кучайиб бормоқда эди. Яна озиб-тўзиб кетдим. Бурним тагин ҳам катталашгандек... Борди-ю, хат ёзсам-чи? Ҳа-ҳа, ёзаман. Ахир севишганлар кўпинча хат орқали ҳам бир-бирларига роз айтишади-ку! Китобларда шундай, киноларда шундай. Хўш, нега энди Акротий шундай қилмас экан? Мактубимнинг биринчи жумласини, ишонсангиз, нақ уч кун ўйладим. «Жонгинам Гу Ла», — деб бошлайман-у, ўчириб

ташлайман. Қайси сўзни танламай, ўша сўз қалбимдаги дардимни ифодалай олмаётгандай, дилини ранжитиб, мени ҳамма нарсадан маҳрум қилиб қўяётгандай, охири «Гу Ла» дея оддийгина қилиб ёздим-да, кетига учта ундов белгиси кўйдим. Ундовлар қалбимдаги муҳаббат оташининг ифодаси бўлсин, деб шундай қилдим.

«Ўша кундан буён сизни ахтараман. Назаримда кўришмаганимизга минг йил бўлганга ўхшайди. Кўз ўнгимда ҳамон гул-гул яшнаб турибсиз. Ўзим эса қариб қолаётганга ўхшайман. Жоним, азизим, меҳрибоним!!! Яна бир марта кўришайлик, кумуш қўнғироқдек ёқимли овозингизни яна бир эшитай, қоп-қора қошларингизнинг таманно билан чимрилганини, табассум қилганингизда юзингизда анвойи гуллар очилганини яна бир томоша қилай. Сўнг, майли, ўлимимга ҳам розиман. Мабодо, ўлгудай бўлсам, бошқа жойда эмас, остонангизга бош қўйиб жон бераман. Табаррук ва шифобахш жавобингизни куйидаги адресда кутаман: «Инсон» институти, «Сарқитлар лабораторияси».

Ишқингизда шамдай ёниб адо бўлиб бораётган Ақром Ақромий.

Конверт устига «Гу Ла хонимга», деб ёздим-да, почтачиларга ишонмай, ўз қўлим билан ўттиз саккизинчи номерли уйга ўзим элиб ташладим. Орадани икки ҳафта ўтиб кетди ҳамки, жавоб бўлмади. Ноумид шайтон, дерди дадам, мен ҳам умидсизликка берилмадим. Қайтага хат ёзаётганимда таним роҳатланиб, қалбимга қувонч, ором қуйилаётганини ҳис қилиб турардим.

«Гу Ла!!!! — дея бу гал тўртта ундов кўйдим мактубимга. — Эҳтимол бирон ҳаракатим билан сизни ранжитиб қўйгандирман. Агар шундай бўлса, оёғингизга йиқилиб миллион бор узр сўрайман. Гуноҳимни ювиш учун ҳар қандай жазо берсангиз розиман. Хоҳласангиз, бориб боғларингиздаги қовун чопиб, сабзи ўтаб бераман. Хоҳласангиз, агар қўйларингиз бўлса, жунини олиб бераман. Жун қирқишга жуда устаман. Хоҳласангиз, деворларингизни бўяб бераман, бўрсувокда менинг олдимга тушадигани йўқ. Фақат мени кечирсангиз бас. Нега жавоб ёзмайсиз, нега? Эҳтимол мени кўча-кўйда санқиб юрган мишиқи бир йигитча деб ўйлаётгандирсиз. Ундай эмас. Чиндан ҳам мен катта олимман. Шубҳангизни тарқатиш умидида «Медицина» фанлари доктори» деган дипломимдан нусха олиб жўнатаётирман. Жавобингизни минг йил кутдим. Энди тоқатим тугади. Ўзим ҳам ўлар ҳолатга етиб қолдим.

Ўлар ҳолатга етдим, ишқингизда, жонон,
Юзингни кўрсам эрди, бир лаҳза, бир он,
Шукр этиб кетар эдим нариги дунёга,
Оёғингизга қўйиб бош таслим этсам жон.

Бахти қаро ошиқ Ақром Ақромий».

Очигини айтсам, бу мактубимга ҳам жавоб кутмаган эдим. Лекин, дадам айтганидек, сабр қилган қул муродига етар экан, душанба куни эрталаб оёғимни аранг судраб босиб, телбалардек ўзим билан ўзим гаплашиб ишхонага борсам, лаборант қизлар қиқир-қиқир кулишаётибди. Ҳеч бунақа одатлари йўқ эди. Ҳайрон бўлдим. Ҳў бирда сизга, бир қизни бир-икки чимдалаб олганим учун хафа бўлмаган экан, табриклаш учун бир қучоқ гул келтирди, деб айтувдим-ку, ўша қиз столи устига тап этказиб конверт ташлади.

— Сиз ҳам писмиқ экансиз-ку! — деди негадир аламли бир оҳангда.

Ҳатто кўзим тушиши билан энтикиб кетдим. Назаримда оёғим остидаги ер чайқалгандек, ҳовлидаги дов-дарахтлар, осмонда учиб юрган қушчалар бир йўла ашула бошлаб юборгандек, оламини муаттар ҳидлар қоплагандек, ҳаммаёқ қувончга тўлиб кетгандек... Еру кўкни тўлдирган бу туганмас масрурликни конверт устига битилган «Гу Ла хонимдан» деган биргина сўз олиб келган эди.

Конвертни ўпдимми ёки уни келтирган дўндиқ қизни қучиб ўпдимми, билолмай қолдим. Фақат унинг:

— Уятсиз! — деган сўзини аранг эшитдим, холос.

Конвертни кўксимга босганча кўчага югуриб кетдим. Эҳтимол, ҳамкасбларим мени жинни деб ўйлашаётгандир. Уйлашса ўйлашар, аслида ҳам шундайман-ку,

ахир. Хилват хиёбонлардан бирига бориб хатни қайта-қайта ўқий бошладим. Йўқ, бу мактуб эмас, қалбим ярасига бир малҳам эди. Тунлари ухламай чеккан изтиробларимга юборилган бир мукофот эди. Яна бошдан-оёқ ҳазил билан ёзилганини айтмайсизми! Қизларнинг ҳазил қилганини яхши кўраман. Ҳазиллашиш кўнгул яқинлиги аломати. Ҳазил дилларни дилларга пайванд қилади. Уртадаги бегонасираш пардасини олиб ташлайди. Жон ато қилувчи шифобахш бу мактубни сиз ҳам бир тингланг.

«Азизим Ак Ромий, хайрият тирик экансан! Мен сени, тавба қилдим деб гапирай, ўрмонзорда бўлган катта жангда шаҳид бўлгансан деб юрардим. Оти ўчгур қорахат ҳам келувди шекилли. Яратганга минг қатла шукур, тирик экансан. Кўришмаганимизга минг йил бўлди, дебсан. Вой худо олгур-ей, ваҳиманг ҳалиям қолмабди-я. Бор-йўғи қирқ бир йил бўлди, холос. Ҳар кунини санаб ўтирибман-а. Ҳой, нега отингни ўзгартириб олдинг? Ак Барий эдинг шекилли? Ҳа, майли нима бўлса ҳам тирик экансан, шуниси ҳам минг қатла шукур. Ҳой, Ак Барий, турмуш қурайлик деб ёзибсан. Эсинг жойидами, мункиллаб қолган кампирни энди бошингга урасанми? Ёки қариганингда белинг оғриси кепак қиздириб босадиган дастёр керак бўлиб қолдими? Вой ўлмагур-ей, ҳалиям ҳазилкашлигинг қолмабди-я. Ҳамон ўша-ўша қизиқчисан. Келсанг ҳафтанинг охирига, шанба кунни кел. Унгача уёқ-буёғимни сал тартибга келтириб олай.

Йўлингни қирқ бир йил интизор пойлаган Гу Ланг».

Кўряписизми, мен танлаган қизнинг қанчалик ҳазилкашлигини. Узим ҳам андак ҳазилкашроқман. Дадамнинг айтишича, ҳазилкаш одамларнинг умри ширин кечаркан. Узоқ яшаркан. Эсон-омон турмуш қуриб олсак, назаримда биз ҳам узоқ яшайдиганга ўхшаймиз.

Шанба кунни эрталабданоқ етиб бордим. Дарвозани уч-тўрт қоқдим. Овоз бўлмади. Биласиз-ку, бунақа пайтда одам боласида сабр-тоқат деган нарса тугаб қолган бўлади. Эшикни қия очиб:

— Ким бор? — дея қақирдим кўрқа-писа.

— Келавер, — хастароқ бир овоз эшитилди ичкаридан.

Юрак қургур, яна ҳаприқа бошлади. Эрталабки жасоратимдан асар ҳам қолмади. Ҳовлига кирдим. Хароб бўлиб ётибди. Йўлакчалар супурилмаган, ўртадаги майдончага гул экишган экан, яқин ўртада сув қуйилмаганга ўхшайди, қовжираб ётибди. Айвондаги ёғоч сўридан бир кампир инқиллаб бошини кўтарди:

— Келавер, болам, келавер.

Кўзим атрофда. Гу Лахонни ахтараман. Бувисининг олдида кўришишимиз ноқулай бўлмасмикан, дея иккиланиб ҳам турибман.

— Ял Пиз кампирнинг набирасимсан? — сўради буви.

Нима қилдим энди, йўқ, қизингиз Гу Лахон билан кўришгани келдим, десам, одобсизлик бўлмасмикан?

— Ҳа, — дея яқинроқ бориб тавозе билан салом бердим. Кампирнинг сочлари оқариб кетибди, ўзи ҳам нуронийгина экан, худди ўртоғим Ҳошимжоннинг бувижонига ўхшайди, денг. Қўли билан, қаравотга ўтир, дея ишора қилди. Ўтирдим. Ҳамон кўзим атрофда — Гу Лани ахтараман. Нега кўринмаяпти, уялаётгандир-да... Умуман, қизлар сал уятчанроқ бўлгани ҳам маъқул. Уятчанлик қиз боланинг ҳуснига ҳусн кўшади, деган гапларни илгари кўп эшитганман.

— Қалай, Ял Пиз кампир эсон-омон юрибдими? — сўради буви.

— Юрибди, — деб қўйдим чайнаиб.

— Кеча нега келмадинг?

— Вақтим бўлмади.

— Болам, ёш экансан. Энди битта-иккита юмушимга қарашиб юборасан-да.

— Бажонидил, бувижон.

— Бувижон деган тилларингдан ўргилай! Бугун бу ерга жуда мўътабар бир меҳмон келмоқчи. Узим бўлсам, кўриб турибсан, ўрнимдан туролмайман. Бел қургур қотиб қолди, боднинг ёввойиси келганга ўхшайди. Бугун оёқдан олса, эртага белдан оляпти, отинг ўчгур. Кеча оқшом ҳам белдан, ҳам оёқдан ушлаб қолса бўладими?! Тур болам, ҳовлини супур, ҳали айтдим-ку, кўп азиз меҳмон ташриф буюради бугун.

«Кўп азиз» дегани менга мойдек ёқиб тушди. Таним яйраб кетди. Демак, улар мени азиз кимса деб қабул қилишаркан. Хайрият, чеккан азобларим бекор кетмабди. Бунинг устига, холажоним мени танимаяпти. Танимагани ҳам маъқул... Ҳовлини супуриб, чалахса сув сепдим. Қассобхонадан гўшт келтириб, газқозонга

шўрва солдим. Водопроводга ичак улаб, гулзорга сув жилдиратиб қўйдим. Ҳаммасини шундай чиройли, шундай саришта, бажаряпманки, ишонсангиз, ўзимнинг ўзимга ҳавасим келиб кетяпти. Суюклигим учун қиялман, куёвликка мени танлашгани учун хаста онаси олдида хижолат чекмасин деб ўйлапман... Тоғорада сув илитиб келиб, бўлажак қайнбувимнинг бошини ювишга кўмаклашиб юбордим, пиёланинг орқасига ўсма сиқиб бердим.

— Энди, болам, аёл зоти ҳаммамиз ҳам шунақамиз, — деди бувижон хўрсиниб.

— Қанақа? — деб қўйдим.

— Қариб-чириб қолсак ҳам ўзимизни бегона эркакка бепардоз кўрсатгимиз келмайди. Тавба, қабрга узатишадганде ҳам қошимизга ўсма қўйишларини сўраймиз...

Ўсма сиқилган пиёлани хонтахта устига олиб қўятуриб, тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан ўзим ёзган хатларга кўзим тушиб қолди. Тўққизта мактуб, тўққизининг ҳам устига «Гу Ла хонимга» деб ёзганман. Қизиқ, наҳотки қизи онасидан юрак сирларини яширмаса. Лекин... Акроми, тўхта-тўхта...

— Холажон, кимни кутяпсиз ўзи?

— Э, болам, қари бувининг кими ҳам бўларди? Турмуш қурмаганман. Шунинг учун бола-чақа ҳам йўқ. Қариндошлар бўлса, аллақачон оламдан ўтиб кетишган. Бахтимга эски бир қадрдоним топилиб қолса бўладими!..

Бутун вужудим музлаб кела бошлади:

— Бувижон, оти нима эди ўша қадрдонингизни?

— Ак Барий эди, ўзгартириб Ак Ромий деб олибди.

— Бувижон...

— Вой, болагинам-ей, нима бўлди сенга? Рангинг бўздай оқариб кетди. Утир, утир деяпман, тентагим.

— Бувижон... отингиз нима эди сизнинг?

— Гу Ла холанг бўламан. Ял Пиз кампир айтмабди-да... Вой шўрим, юрагинг касал экан, нега айтмадинг, оғир иш қилдирмасдим-ку! Ма, манави дорини тилингнинг остига ташлаб ол. Утир, бирпас ўтиргин. Утиб кетади.

— Бувижон... умуман қизингиз ҳам йўқмиди?

— Турмуш қурмаганман, дедим-ку, болам.

— Бу уйда... бир қиз турарди шекилли?

— Ҳа, ижарага турарди. Аранг қутулдим у шайтонбаччадан. Вой худойим-ей, шунақа шўх, шунақа шаддо эдики, ярим кечаси уйғотиб, магнитофон қўйиб, танца тушамиз, деб ҳол-жонимга қўймасди.

— Исми нима эди?

— Нима бало, болагинам, сенам унинг жазманлариданмисан? Суриштириб қолдинг. Оти Гу Ли эди. Танишганингда сўраб олмаган экансан-да?

Ҳаммаси равшан. Гу Ли мени аҳмоқ қилиб, олдимга похол солиб кетибди. Уртада бечора холажонимнинг эски ярасини тирнаганим қолибди.

XIV боб

Сеҳргар Иблиснинг дунёга келиши

Нима десам экан, нима десам ҳам бари бир, юрагимдаги алам, қалбимдаги ҳасратни айтиб адо қилолмайман. «Жодугар» қиз бошлаб алдаб кетди. Буни ўзингиз ҳам кўрдингиз. Тамом бўлдим, назаримда ичим ёниб, бурнимдан тутун чиқаётганга ўхшайди. Кўчага чиқдим дегунча битта-яримта қизга кўзим тушиб қолса, бирор жиҳати билан Гу Лига ўхшаб кетса, ўшанга қараб анграйиб қоламан. Гоҳо орқасидан эргашиб, то кўча эшигига пешонам тақиллаб теккунича боравераман. Ҳаммадан ҳам Гу Ла холамга жабр бўлди. Дардини янгилаб қўйдим. Тиқ этса, кўчага югураётгандир. Эҳтимол, бутунлай ётиб ҳам қолгандир. Бечора холагинам, мен галварс сизни ҳам қийнаб қўйдим-а... Иш столимга кўксимни берганча шу йўсинда ўй суриб ўтирган эдим, устозим қириб келиб қолди. У киши доим шунақа, гапирганда қаттиқ гапирмаганидек, юрганида ҳам беозоргина, шарпасиз юради.

— Нималарни ўйлаяпсан, ўринбосар? — эркаловчи бир оҳангда сўради. Аста бошимни кўтардим.

— Ўзим, шундай...

— Тинчликми? — бу гал устозимнинг овозида ташвиш, безовталиқ бор эди.

— Тинчлик.

— Лекин... Жуда ҳам тинчликка ўхшамайди. Кўзларинг ич-ичига ботиб кетибди.

— Уйқумнинг мазаси йўқ.

— Ўзим тайёрлаган доридан пича берайми?

— Ичиб кўрдим, кор қилмаяпти.

— Сенинг ёшингда... дори ҳам кор қилмайдиган даражада уйқусизлик бошланса, унинг давоси васл бўлади. Демак, кимнидир севиб қолибсан, ўғлим. Бундан олтмиш йил муқаддам мен ҳам сенинг аҳволингга тушган эдим. Бир йил зардоб ютганман. Жиннига ўхшаб, ўзим билан ўзим гаплашадиган, бекордан бекорга қиқирлаб куладиган, гоҳо кўча ўртасида қоққан қоziқдек тек туриб қоладиган қилиқлар чиқарган эдим. Лекин ҳозир ўйлаб қарасам, ўша дамлар ҳаётимнинг энг ширин дақиқалари экан...

— Кейин нима бўлувди?

— Кейинми... кейин нима бўларди, тўй бўлди-да, бўтам. Айт, кимни севиб қолдинг, ўзим совчи бўламан, тортинмай айтавер.

Қизиқ, ҳозиргина ҳасратимни кимгадир тўкиб солиб, юрагимни бўшатсам деб турувдим, устозим севги ҳақида сўз очиши билан ўзимдан ўзим уялиб, ҳамма нарса ни унутдим-қўйдим. Эҳтимол, шолғомдек қизариб ҳам кетгандирман.

— Нега бошингни эгиб олдинг? — яна сўради устозим. — Оромингни ўғирлаган қиз ким бўлди ўзи?

— Ҳеч тополмаяпман, устоз. Бир кўрдиму йўқотиб қўйдим.

— Унда яна ҳам яхши, ўғлим. Бир-икки йил ўзингни мана шунақа машмашалардан тийиб турганинг ҳам маъқул. Негаки, олдимизда буюк вазифалар турибди. Сарқитларни тугатиш, шаҳар фуқароси ҳаётидан дилсиёҳлик, асаббузарликни олиб ташлаш осон иш эмас. Маъмурият ноёб дори тайёрлашни тезроқ тугатинг, тажрибани бошлаб юборинг, дея тиқилинч қиляпти. Кўриб турибсан, бутун бошли бир институт очиб қўйишибди. Беҳисоб маблағ сарфланяпти. Тажрибани бошлаб юборадиган кунларимизга ҳам оз қолди шекилли. Шундай ноёб дорилар тайёрлапманки, унинг таркибида сеҳр ҳам, ақл ҳам қоришиб кетган. Қанақалигини ишлата бошлаганимизда кўрасан. Яшаш роҳат-фароғатга айланади. Биров-бировдан хавфсирамайди, умр ҳам узайиб, камида юз йилга чўзилишига имоним комил. Энди, бўтам, гапимнинг буёғига ҳам диққат билан қулоқ сол. Мавриди келиб қолгани учун яна битта лекция ўқиб бермоқчиман. Тайёрмисан?

— Тайёрман, устоз.

— Баракалла, бўтам. Сенинг мана шу «ҳамиша тайёрман» дейишингни яхши кўраман. Ҳаёт — бу оқсилларнинг яшаш формасидир.

— Биз буни мактабда ўтганмиз, — деб луқма ташлаб қўйдим.

— Утган бўлсаларинг яна яхши. Энди бўтам, уёғига қулоқ сол. Умр — асаб толаларининг яшаши демакдир. Олимларнинг ҳисобига қараганда, ҳар бир одам танасида миллиард-миллиард асаб толалари бўларкан. Киши нафратланганда, қайгурганда, кўрққанда, ваҳимага тушганда, қаттиқ изтироб чекканда ёки ғазабни авж олганда асабларнинг ўлиши ўн саккиз-ийгирма баробар тезлашиб кетаркан. Қани айтчи, бўтам, иллати бор одамга дуч келганингда асабинг кўзгайдими-йўқми? Кўзгайди, деяпсанми? Баракалла! Виждонсизни кўрганда-чи, қалтираб қоламан, дейсанми? Офарини! Мана шуларнинг ҳаммаси асабий ҳолат деб аталади. Асабий ҳолат, ҳбзир айтганимдай, инсон умрининг заволидир. Уни тугатмоқ учун асабни кўзгайдиган ҳолатларни, яъни иллатларни тугатмоқ даркор. Бу ҳақда сенга юз марталаб айтдим шекилли?

— Йўқ, минг мартача айтдингиз.

— Баракалла, бўтам. Демак, сен билан мен ана шу иллатларни ташийдиган зарралар қонда бўлади деб ҳисоблаймиз, тўғрими?

— Тўғри.

— Гўзал фазилатли кишилар қонида ҳам ҳид бор деган эдинг, аниқлашга киришдингми?

— Аллақачон киришганман.

— Хўш, натижаси қалай бўляпти?

Чакки эмас.

— Очиқроқ айт. Бутун лабораториямиз коллективи, бутун институт қизиқапти бу назарий фикрга.

— Баъзиларини ёзиб, таърифлаб ҳам қўйдим.

— Қани менга кўрсат-чи?

— Йўқ, хатим хунук, ўқиёлмайсиз.

— Бўлмаса, ўзинг ўқиб бер.

— Оғзаки ҳам айтишим мумкин. Ҳаммаси эсимда турибди.

Устозимни гўзал фазилатли кишилардан олинган қонлар сақланаётган лабораторияга бошладим. Юзлаб шишачалар қатор, гоҳо устма-уст терилган жавонни очиб, бир бошдан кўрсатишга тушдим.

— Раҳмдил одамнинг қони, — дея биринчи шишани қўлимга олдим.

— Хўш? — шошилиб сўради устозим.

— Тонгда очилган атиргулнинг ҳиди келади.
— Офарин!
— Мана бу оққўнги кишининг қони, Раъногулнинг ҳиди бор.
— Офарин!
— Мана бу адолатли одамнинг қони. Садарайҳоннинг маст қилувчи бўйи таралапти.

— Баракалла!
— Мана буниси камтар одамдан олинган. Жийда гулининг атирға бой ҳиди уфуриб турибди.

— Баракалла, бўтам!
— Мана бу ҳалол ва пок яшаётган одамдан олинган қон. Янги гуллаган ялпизнинг ҳиди келяпти.

— Офарин!
— Мана буниси эса, ҳурматли устоз, меҳнаткаш одамдан олинган қон.
— Қани, таърифини айт-чи?
— Бутун бир гулзорнинг ҳиди бор бунда. Назаримда, қўлимда шишача эмас, бир қучоқ гул ушлаб тургандекман. Манг, ишонмасангиз, ҳидлаб кўринг.

— Бўтам, кашфиётчи ўғлим, кел, яна бир бағримга босай сени, пешонандан ўпай. Фақатгина кекса Дар Даражанинг эмас, бутун институтнинг фахри-ифтихори бўлиб қоласан шекилли. Фаҳрим, ифтихорим, офарин сенга!

Тўлқинланиб кетган устозим мени бағрига олиб, гоҳ пешонамдан, гоҳ юзларимдан ўпарди. Нимаданлигини билмайман, хира кўзларида милтиллаб ёш томчилари ҳам кўриниб қолди. Уша куни сеvimли устозим билан, гоҳ қувончдан энтикишиб, гоҳо чуқур ўйларга берилиб, пешонамизни тириштириб, яна кўп нарсалар ҳақида фикрлашиб олдик. Кейинчалик, жуда катта илмий кашфиётларга йўл очиб берган, модомики ҳид бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрар экан, демак, у кўзларга кўринмас, ғоят майда зарралардан иборат экан-да, бу зарралар бошқа бир каттароқ зарралардан узилиб чиқар экан-да, демак, бирламчи зарралар ҳамиша ҳаракатда бўлиб, ҳамиша ўзидан майда заррачаларни ташқарига чиқариб турар экан. Модомики шундай, яъни зарралар ҳамиша ҳаракатда экан, демак масалан айтайлик, дангаса одамнинг қонига ишчан, серғайрат одамнинг қони қўшилса, масалан, айтайлик, бир нормага беш норма қўшилса, қалай бўларкин? Йўқ, қалай-палайи кетмайди, беш норма бир нормани ютиб юбориши табиий, деган гапларни ҳам гаплашиб олдик. Лекин, дея давом этди Дар Даража, бу усул билан тайёрланган малҳамга мен сеҳр қўшиб яратган ноёб доридан бирикки томчи қўшилмаса, барибир фойдаси бўлмайди. Уша сеҳрни менга ҳам айтинг, деган эдим, ёшинг тўқсонга кирган куни албатта айтаман, дея кулиб, елкамни силаб қўйди устозим...

Директор йўқлаётган экан, устозим шошилиб чиқиб кетди. Аммо мен фикримни тўхтатолмас эдим. Гоҳо ўзи шунақа бўп қоламан. Миямда ихтиёримдан ташқари бирон фикр кўзғалади-да, чуқурлашгандан чуқурлашиб бораверади... Беш норма зарралар бир норма зарраларни ютиб юбориши аниқ. Демак, ёлғончилик касалига мубтало бўлган кишини ростгўй одамнинг қони билан даволаса бўлади. Буниси аниқ. Лекин унисидан қон олиш, бунисига қуйиш шартми? Бунинг устига, ёлғончи, мен ёлғончиман, деб айбини дарров бўйнига олмайди-ку. Тергов ўтказиш, судга бериш, ҳукм чиқариш, эҳ-ҳе, иш жуда чўзилиб кетади. Бунинг ўрнига ҳидлар таркибида бўлган зарралардан фойдаланилса бўлмасмикан? Ростгўй одамнинг қонидан садарайҳон ҳиди келиши аниқланган. Синаб, текшириб ҳам кўрдим. Қондаги ҳид билан гулзордан янги узилган райҳон ҳиди тенг келяпти. Демак, икковида ҳам бир-бирига ўхшаш зарра бор. Шу ҳид зарраларини қондан олгунча райҳоннинг ўзидан олсам-чи? Ахир буни лаборатория йўли билан ҳал қилса бўлади-ку. Демак, садарайҳоннинг кучайтирилган ҳиди билан ёлғончини даволаш мумкин. Ёки шунга ўхшашроқ усул билан бюрократни ҳам, порахўрни ҳам, кўзбўямачи-қаллобни ҳам даволаса бўлмасмикан-а? Бўлади, албатта бўлади?

— Топдим! — қичқирганимча сакраб ўрнимдан туриб кетдим. Югуриб, ташқарига чиқиб бораётган эдим, директор ҳузуридан келаётган устозимга урилиб, андак бўлмаса йиқитиб юбораёздим. Хайриятки, ушлаб қолдим. Қучоқлаб, даст кўтариб олдим-да, қишлоғимиздаги полвонларга ўхшаб, гириллатиб айлантира бошладим. Шод эдим, хурсанд эдим, навбатдаги кашфиётимдан маст эдим!

— Бас, бас деяпман, — дейди устозим икки қўллаб кўксимдан итариб.

— Йўқ, йўқ! — дейман баттар авжга чиқиб.

Ниҳоят устозимни ерга қўйдим. Икковимиз ҳам чарчаган эканмиз, қисқа-қисқа нафас олиб, бир-биримизга тикилишиб қолдик.

— Тинчликми?

— Топдим!

— Нимани топдинг?

— Иллатларни тугатишнинг осон йўлини.

— Яна кашфиёт дегин?

— Худди шундай, устоз.

— Қани айт-чи, тезроқ айт, шошиб турибман.

— Йўқ, синаб кўрмагунча айтмайман. Узингиз бир гапни поёнига етказма-гунча бировга айта кўрма, хом гап кишини хижолат қилиб қўяди, дер эдингиз. Сиздан бир нарсага рухсат олмоқчиман. «Тўғрилиқ ва ҳалоллик тажриба институти»га бориб келсам. Ҳуқуқшунослик факультетида порохўрлар бор. Ўз кўзим билан кўрганман. Кашфиётимни ўша ерда синаб, порохўрликни бутунлай тугатиб келмоқчиман.

— Узингни бос, ўғлим, зинҳор бундай қила кўрма. Нега деб сўрама ҳам. Барибир ҳали ёшсан. Кўп нарсага ақлинг етмайди. У ерда порохўрлар борлигини шаҳар маъмурияти ҳам билади. Атайлаб индашмайди. Порохўрликка қарши кураш бу шаҳарда анча илгари бошланган. Лекин кўпчилик бу ўзи қанақа иллат, порохўрнинг қиёфаси қанақа бўлади, яхши тасаввур қилолмас экан. Эшитган бошқа-ю, кўрган бошқа экан-да. Сен уларни кўргансан, хўш, қалай экан улар?

— Жирканч одамлар.

— Қиёфалари-чи?

— Уликникига ўхшайди.

— Ҳаракатлари-чи?

— Ғазаб қўзғайди.

— Баракалла, бошқаларда ҳам бу иллатга қарши ана шундай нафрат, ғазаб қўзғаш учун уларга атайлаб тегишмайди. Вақти-соати келса, ҳаммаси бир кунда гумдон бўлади. Хўш, қанақа кашфиёт қилдинг яна?

— Барибир айтмайман.

— Ҳа, майли. Ҳозирча айтмай турганинг ҳам маъкул. Командировкага борадиган бўлиб қолдим. Қовунчи хўжаликларга бориб, қовуннинг фойдаси ҳақида лекция ўқишим керак экан.

— Узлари билишмасмикан?

— Ким билади дейсан. Шунақа қарор чиқариб қўйишибди. Ҳозироқ кетаман.

Сен бу ердаги ишлардан хабардор бўлиб тур. Кейин кечқурунлари менинг суюкли набирам Му Тини зериктириб қўйма. Уйнатгани олиб чиқ, эртақлар айтиб бериб тур. Кейин яна бу хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш ёдингдан чиқмасин. Қани, тур, яна бир очомлашиб олайлик. Баракалла, муносиб ўринбосар бўлиб етишаётганингдан хурсандман. Хўп, хайр энди.

Устозим ёшига ярашмаган бир ҳолатда югургилаб чиқиб кетди. Демак, қовунчиларга қовуннинг фойдаси ҳақида лекция ўқиш фоят зарур экан-да. Бўлмаса бунчалик шошмаган, уйга бориб, суюкли набираси билан албатта хайрлашган ҳам бўларди... Бу одам ҳақида анчагача ўй суриб ўтирдим. Шунақанги болажонки, асти кўяберасиз. Аввалига мен, фақат ўша инжиқ набирасини яхши кўради, деб юрардим. Хато қилган эканман. Маҳаллада қанча бола бўлса, ҳаммасини ҳам жони-дилидан ортиқ кўраркан. Кечқурунлари ҳовлиси ортидаги катта майдонга чиқиб, мишиқи болаларни тўплаб олиб, аллақандай ўйинлар ўйнашади. Биргалашиб ашула айтган пайтлари ҳам бўлади. Ёши тўқсонга бориб қолган одам чурвақалар билан қувлашиб ўйнаса, қўл ушлашиб ашула айтса, жуда ғалати кўринаркан. Шаҳар боғчаларида қанча ўйинчоқ бўлса, ҳаммаси устозимнинг пулига келган, десам ишонаверинг. Қизиқ, нега энди боғчага ўтказилган пулларига қаравот ёки кийим-бош эмас, албатта ўйинчоқ олишларини талаб қиларкан, мен маъна шунисига ҳам ҳеч тушунмайман. Ҳатто бир-икки марта, ох, пулим кўпайганда шаҳар чеккасига устахона қуриб, бутун дунё болаларига қўғирчоқ улашардим, деганини ҳам ўз қулоғим билан эшитганман. Ҳеч тушуниб бўлмайди бу одамга!

Ширин қовунлар мамлакатига яшаётганимдан буён, мен тушунмайдиган нарса ва ҳодисалар кун сайин кўпайиб борапти. Уёғини суриштирсангиз, ўзимга фан доктори деган даража бериб юборганларига ҳам ҳалигача ақлим етмайди. Устозим эса, ҳамон жумбоқлигича турибди. Унга қанча яқинлашсам, сеҳрли дунёси шунча кенгайиб борапти. Уша сеҳрлар ичида йўқ бўлиб кетаётгандекман... Ҳақиқатан ҳам, жуда қизиқ одам у. Чўнтаги тўла пул-у, ресторанга бориб лаззатли таомлар ейиш ўрнига, одамнинг ғашини келтириб, кун бўйи ичгани қатик. Нима бало, онаси сигиру ўзи ҳам бир маҳаллар бузоқча бўлганми, деб ўйлайман гоҳо. Уч хонали харобгина уйда туради. Маъмурият, одамгарчилик қилиб, пишиқ фишдан тикланган тўрт хонали уй берса, қаранг, шуни ҳам фаррош кампирга бериб юборибди. Яна тағани кўнгли бўшлигини айтмайсизми, битта-яримтаси шикоят билан келиб, арз-дод айта туриб йиғлаб юборса, ўзиям қўшилиб йиғлайверади. Хуллас, ғаройиб одам. Унга ҳеч тушунолмайман. Энди тушундим деганимда, ҳали айтганимдай, менга таниш бўлмаган бошқа бир дунёси очилиб қолади.

Тушлик вақти ҳам бўлиб қолган эди. Уйга берилиб, овқатланишни паққос унутибман. Ошхонада илитилган бақлажон қиймасидан бошқа ҳеч вақо қолмабди.

Умуман, шунақа таомларни унча жиним суймайди. Жону дилим — чучвараю палов. Зира сепилиб, писта кўмирда пиширилган хушбўй кабобларни ҳам, яширмай қўяқолай, яхши кўраман. Гаплашиб ўтириб, ўн беш-йигирма сихини тушириб қўйишим ҳеч гап эмас... Тарелкамда эса чайнаб ташлангандек кип-қизил бўлиб бақлажон қиймаси турибди. Йўқ еёлмадим. Лабораторияга қайтгач, ўй-хаёлларим, бир-бирини қувлашиб юрган фикрларим яна миямни банд қилиб олди. Қизиқ, мия билан ошқозоннинг алоқаси йўқ экан-да. Бўлмаса, бири очликдан карнай чалиб турса, бошқаши гупиллаб ишлаб турармиди... Борди-ю, деб ўйлар эдим ўша пайтда, борди-ю, сарқитли қонлардан тўрт-бештасини бир-бирига қўшиб кўрилса-чи? Унда қанақа ҳид пайдо бўларкан?

Бу фикр менга кечгача тинчлик бермади.

Эртасига эса, барча сарқитни бирлаштириб кўрсаммикин, дея ўйлай бошладим. Биласиз-ку, миямга бир фикр келса, тинчлигимни йўқотиб қўяман. Спирт тўлдирилган йигирма литрлик катта шиша бўларди. Ушани бўшатиб, шишачалардаги ўн етти хил сарқитли қонни қуйиб, бир-икки чайқалтириб кўрдим. Келаётган ҳидга таъриф тополмадим. Нимага ўхшатишни ҳам билмасдим. Чайқалтираман, ҳидлаб кўраман, чайқалтираман, ҳидлаб кўраман. Бурнимни куйдирадиган даражада кучли ҳид бор. Лекин, барибир, нимага қиёслашни билмайман. Қон таркибидан келаётган спирт ҳидини кучайтириш мақсадида, ярим литр ароқ қўшишга қарор қилдим. Эшитяпсизми, ярим литр деяпман. Уша пайтда бу менга янги кашфиётдек туюлган эди. Лекин ярим литр ароқ туфайли шаҳар бошига қанчалик офатлар ёғилиши, қасам ичиб айтаманки, етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Бир гугурт чақилишидан бутун дунёга ўт кетиши ҳам мумкинлигини ким ҳам ўйлаб ўтирибди дейсиз.

Эрталаб келсам... Назаримда йигирма литрлик шижанинг ичида кимдир ўтиргандек, қиёфаси ҳам ғира-шира кўзга ташланаётгандек. Жун босган оёқлари чиллаширниқидек ингичка, узун, қорни бамисоли тарвуз ютгандек ирғиб чиққан, юзи чўзиқ, кўксига тушиб турган соқоли мум суртилгандек қоп-қора, чуқур кўзлари ўрнида шиша синиғи йилтираб тургандек, бошига соч эмас куя тушган пўстак ёпиштирилгандек, кўкраги жун... Узоқ тикилиб қолдим. Эҳтимол, кечаси яхши ухламаганим учун уйқусираётгандирман, деб ҳам ўйладим... Лекин ўйим охирига етмасдан гумбурлаган овоз эшитилдию пешонамга шиша парчалари келиб урилди. Шу аснода шиша ичидаги ҳалиги махлуқ тўрт-беш баравар катталашиб, боши уйнинг шипига етгудек бир қиёфага кирди-да, еру кўкни гулдиратиб:

— Ҳе-хе-хе!.. Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳи-ҳи-ҳи!.. — дея ғалати овозлар чиқариб кула бошлади. Қотиб қолдим. Ҳушим ўзимдами, йўқми, билмайман. Эҳтимол, туш кўраётгандирман, дея ўйлаб, сал ўзимни босган бўлдим. Бир-бирига ёпишиб қолган лабларим орасидан:

— Сەң кимсан? — деган овоз чиққандай ҳам бўлди.

— Менми? — гулдирраган товуш эшитилди қулоғимга. — Ҳа-ҳа, мен сарқитлар сардориман. Узинг дунёга келтирдинг-ку, мени. Мақтанчоқ устозинг икковинг бизни, яъни боласини бир-биридан йироқлаштирадиган, дилини хуфтон қиладиган иллатларни бирлаштириб, яхлит вужудга айлантирдинг. Мана, мен пайдо бўлдим, ароқ ичиб вояга етдим. Сеҳргар Иблис бўлиб дунёга келдим. Ҳи-ҳи-ҳи, узоқ умр кўрмоқчи эмишлар, кўриб бўпсанлар! Энди бирингни бюрократ йиғлатади, бошқангни порахўр азоблайди, учинчингни ичқаролик еб тугатади. Ҳаммасининг сардори ўзим бўламан! Сەң доям бўлдинг, ароқ она сутидек камолга етказди мени, мана тугилдим! Ҳа-ҳа-ҳа, ҳи-ҳи-ҳи, ҳо-ҳо-ҳо!..

Иккинчи қисм

Сеҳргарлар жанги

XV Боб

Икки йиллик уйқу

Нимқоронғи хонада уйғониб кетдим. Уйғониб кетдимми ёки, ҳушимдан кетиб қолган бўлсам, ўзимга келдимми, билолмадим. Ҳарқалай, кўзимни очсам, нимқоронғиликда ётибман. Устозим Дар Даражанинг ҳовлисида ётиб юрганам хонага ҳеч ўхшамайди. У ерда кийим-бош қўйиладиган қорамтир шкаф китоблар

терилган ойнаванд жавонлар бўларди. Бу ер — шип-шийдам. Хона ўртасида мен ётган каравоту ёнгинамдаги тахтада ҳар хил дорилар солинган шишачалар. Қизик, қаерга келиб қолдим экан? Ўрнимдан турмоқчи бўлувдим, дармоним етмади. Қўлларимга кўзим тушиб қолди-ю кўрқиб кетдим. Қўл эмас, қабристондан кавлаб олинган мурданинг скелетига ўхшайди. Шу даражада кўрқибманки, сакраб ўрнимдан туриб кетибман. Қип-яланғоч қилиб, оппоқ чойшабга омонатгина ўраб қўйишган экан. Чойшаб устимдан сирғалиб тушиб, борлигим кўз ўнгимда намоён бўлди. Йўқ, бу мен эмасман, деган фикр ўтди бошимдан, бу қачонлардир ўлган йигитчанинг суяклари. Баданимда на гўшт бор, на тери. Суякларим бир-бирига омонатгина илиниб турибди. Тавба, шу пайтда бошимга келган фикрни қаранг. Тана кимники бўлса ҳам, қобирғаларини бир санаб кўрмоқчи бўлдим. Зоология дарсида муаллимимиз, одам боласининг қобирғаси ўн иккита бўлади, деган эди. Бир, икки, уч... тўғри, ўн иккита экан. Тавба, ичаклар ҳам шундоққина кўриниб турибди-я. Барибир бу мен эмасман, деб ўйладим яна. Шундай деяпман-у, лекин бошим айланаётганини ҳам сезиб турибман. Йиқилиб кетмай дея, шошилиб ўрнимга чўзилдим... Ростдан ҳам, бу менми ёки мен эмасми? Ахир мен дўмбоққина йигитча эдим-ку, борди-ю, бу менинг ўзим бўлсам, гўштарим қаёққа кетди, умуман, бу ер қанақа жой ўзи, нега мени келтириб қўйишибди?

Ваҳимали ўйларим кучайиб бораётган эди, «Акромий!» деган майингина овоз эшитилгандай бўлди. Тавба, бу қанақаси бўлди-а? Ахир бу ойижонимнинг овози-ку, худди ўшанинг ўзгинаси. Кўзларимдан дувиллаб ёш тўкилиб кетди.

— Акромий...

Бу гал овоз жуда яқиндан эшитилди. Йўқ, ойижоним эмас шекилли. Овоз эркакники ҳам, хотинники ҳам эмас, қисир-бўғоз бўлиб чиқяпти. Бу овозда ҳам эркак, ҳам аёл чақираётганга ўхшайди.

— Дадажон! — дея беҳол шивирладим. Хонадаги каравоту деразаю хира ёнаётган лампочкалар, гир айланиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Учиб кетаётгандек бир ҳолатни туйдиму ўзимдан кета бошладим. Кўзларим очиқ, лекин ҳеч нарсани сезмасдим. Хайрият, бутунлай ўзимдан кетмадим. Уйқу элита бошлади. Кўзларимни юмиб, уйқу билан уйғоқлик ўртасидаги бир ҳолатда узоқ ётдим.

— Акромий, — ҳалиги овоз яна такрорланди. Тепамда бир қиз тургандай, қиз эмас, тонгда очилган атиргулга ўхшайди. Анвойи гулларнинг маст қилувчи ҳиди димоғимга гупиллаб урилди, вужудимга қувват қўйилиб, кўзимни каттароқ очдим... Наҳотки?! Йўғ-э, мен туш кўраётган бўлсам керак...

— Уйғондингизми? — қизнинг овозида кучли ҳаяжон сезиларди.

— Уйғондим, — дея шивирладим.

— Мени кўряпсизми?

— Кўряпман.

— Танияпсизми?

— Танигандекман...

Уша! Худди ўшанинг ўзи! Бекорга «мени танияпсизми?» деб сўраётгани йўқ. Автобусда кўрганим, ишқида қуйиб-ёниб жинни бўлиб қолаётганим, асл исмини яшириб, мени бегона кампирга мактуб ёзишга мажбур қилиб, шарманда қилган «жодугар» қиз мана шу бўлади! Ё тавба, биз нега бу ерда учрашиб қолдик? Мен қаерда ётибман ўзи?

— Мени танияпсизми? — такрор сўради қиз.

— Йўқ, — дедим аввал чеқкан изтиробларим эсимга тушиб.

— Автобусда танишган эдик-ку?

— Эслай олмайман.

— Уйимизга ҳам кузатиб борувдингиз.

— Ҳеч нарса эсимда йўқ, — дедим қизга хомуш тикилиб.

— Демак, ҳали хотирангиз тикланмабди. Сиз ётиб туринг, мен катта докторларни чақирай, суюнчи олай. Уйғонишингизни бутун шаҳар кутяпти.

Қиз шошилиб чиқиб кета бошлаган эди, беҳол бир овоз билан:

— Тўхтаган, — дея илтижо қилдим, — мен ҳали бутунлай уйғонганим йўқ, туш кўраётганга ўхшайман, қайтинг!..

Қиз ғоят бетоқат эди. Шундай бўлса ҳам қайтиб, каравотнинг оёқ томонига омонатгина ўтирди. Алланарсаларни гапира бошлади. Айтаётганлари гоҳ қулоғимга қиряпти, гоҳ йўқ. Қизнинг кўзи ташқарида мендан жирканаяптими, кўрқаяптими, шунга ўхшаш ҳолат гул баргидек чиройли, беғубор юзларида, мунчоқдек қора кўзларида яққол кўриниб турибди. Ўзим ҳам ғалати аҳволдаман. Гоҳ ўзимдан кетиб, гоҳ яна келиб турибман. Қизнинг ҳаяжон тўла, узуқ-юлуқ сўзларидан шуни англадимки, мен бундан роппа-роса икки йил олдин «Сарқитлар лабораторияси»да беҳуш бўлиб йиқилибман. Докторхонага олиб борганларидан кейин ҳам ўзимга келмабман. Қилинмаган дори-дармон қолмабди, хурракни гумбурлатиб қўйиб, ухлайверибман. Охири Ҳандалак шахрининг катта-катта

профессорлари тўпланиб, роса уч кун маслаҳат қилишгандан сўнг, ҳамкасбимиз уйку касалига чалинибди, бу касалга йўлиққан одам баъзан беш-олти йиллаб ухлаши ҳам мумкин, деган хулосага ҳам келишибди-да, мана шу ерга ётқизиб қўйишибди. Икки йилдан буён хуррак тортар эмишман. Гу Ли бўлса, ўша биз танишган пайтда медицина техникумининг кечки курсида таълим оларкан. Битиргач, мана шу руҳий беморлар шифохонасига ишга келиб, мени тасодифан кўриб қолибди. Ким билади, рост сўзлаётгани ёки ёлғонми, ҳарқалай, мени шу аҳволда кўриб, икки-уч бор йиғлаб ҳам олибди. Бечоранинг ота-онаси йўқ, қариндош-уруғи бўлмаса, шу ҳолича ўлиб кетса унга ким ҳам қайғурарди, деб кўрқиб кетган эмиш. Икки йилдан буён мени сунъий равишда овқатлантиришармиш, кўпинча кечалари ёнимга навбатчи ҳам тайинлашар экан. Гоҳо тушимда гапириб ҳам юборибман: Гапларимнинг ҳаммасини магнитофон лентасига ёзиб олишибди. Энг ёмон шунда бўптики, мен ўша сандироқлаган пайтларимда бу қизнинг исмини айтиб чақирган эмишман.

Бугун Гу Ли яна навбатчи экан.

Аста-секин ўзимни йўқота бошладим. Эҳтимол, яна уйкуга кетгандирман. Ким билади дейсиз, уёғи яна нима бўлди экан. Эҳтимол бир кун, эҳтимол яна бир ҳафта ухлагандирман. Говур-ғувур эшитилиб кейин уйғондимми ёки уйғонганимдан сўнг говур эшитилдими, ҳарқалай, мен ўзимни яна уйғоқ ҳолда кўрдим. Эшик шарақлаб очилиб, тўрт-беш киши, худди бир нарсадан қуруқ қолаётгандек, бир-бирини итариб кела бошлашди. Кўзимни юмиб, ўзимни уйкуга солиб олдим.

— Гапиргандек бўлди, ўз қулоғим билан эшитдим, — деяпти бир аёл.

— Менинг назаримда, тикка туриб юргандек ҳам бўлди, — деяпти бошқа аёл.

— Бу мумкинмас! — деди бир эркак дўриллаган овоз билан. — Кунни кеча юраги тўхташ олдида эди.

Овоз эгаси яқинимга келиб, кўксимга аллақандай аппарат қўйиб, юрак уришимни эшита бошлади. Аппарат темирдан шекилли, муздекина экан, этимни сескантириб юборди. Бунинг устига, қитиғим ҳам келяпти денг.

— Мўъжиза! — деди эркак секин бошини кўтариб, — юрак уриши нормага яқинлашиб қопти, мўъжиза! Нафас олиши ҳам тезлашяпти, нормага яқин, мўъжиза! Ҳозир томирини ҳам кўраимиз... йўқ, томир суст, демак, ҳали-бери уйғонмайди. Ўн кун, эҳтимол, ўн беш кун керак бўлар. Ҳамшира, қани, беморга шарбатдан ялатиб кўринг-чи.

— Оқшом берувдим, — деди биринчи бўлиб гапирган аёл.

— Яна беринг, — буйруқ бериб чиқиб кета бошлади эркак.

Бошқалари ҳам чиқиб кетди шекилли, хона жимжит бўлиб қолди. Хиёл ўтмай, яна енгил-енгил ташланган оёқ товушларини эшитдим. Шарбат олиб қайтди шекилли, деб ўйладим. Бир кўзимни хиёл очиб, аста мўраладим, ҳай-ҳай, ҳурилиқо дейсиз, ёши ҳам ўн етти-ўн саккизларда бўлса керак, дўмбоққина, юзлари сутга чайқаб олингандай оппоқ... кўрқа-писа яқинлашиб келяпти. Қизиқ, ўтган сафар ўша ишқида куйиб-ёнганимни кўргандай бўлувдим шекилли, умуман, бу кўраётганларимнинг қайси бири тушу қайси бири ҳақиқат, билолмай қолдим... Яқинлашиб келаётган қиз ёнимга чўкиб, куюниб, шакар бойлаб қолган қиёмдан аста-секин лабимга сура бошлади. Биринчисини ютдим, иккинчисини ютдим, оҳ-оҳ, шунақанги ширин, шунақанги тотлики! Шу пайтда, негадир, ҳазиллашгим келиб қолса бўладими! Улай агар, қизлар билан ҳазиллашишни жуда-жуда яхши кўраман. Ҳап этиб бармоғини тишладим лабларим билан маҳкам қимтиб олдим.

— Войдод! — қиз сакраб ўрнидан туриб кетмоқчи бўлувди, икки қўллаб бўйнидан кучоқлаб ҳам олдим. Ҳали айтувдим-ку, озиб кетганимдан ўзим ўзимдан кўрқиб кетдим, деб. Шўринг қурғур ҳамшира қиз ҳам мени, аллақачон ўлиб қолган йигитчанинг сўнгаги ёки арвоғи, деб ўйлади шекилли, шунақанги додлаб эшик томон югурдики, асти қўяберасиз! Чакки қилдим, дея ўйладим. Аста ўрнимга чўзилиб олдим. Кетма-кет югуриб келаётган доктору ҳамшираларнинг, қани-қани, йўғ-э, уйғонмагандир, ёлғон, бўйнингга осилмайди, деганлари қулоғимга элас-элас чалиниб турибди.

Эркак доктор бошимни, юзларимни дағал қўллари билан силай бошлади. Мен шу пайтда негадир олисларда қолиб кетган дадажонимни кўраётгандек эдим. Ғалати бўп кетдим, юрагим гупиллаб ура бошлади... Дадажоним ҳам кўпинча бошимни ана шундай силагувчи эди. Ҳали-ҳали эсимда, қамоққа олиб кетишларидан бир кун олдин ярим тунда уйғониб кетдим. Тепамда — дадам, бошимни оҳиста силаяпти. Ухла, ўғлим, ухла, дейди...

— Уйғондингизми? — секин сўради доктор. Овози ҳам худди дадамникига ўхшайди-я, чиндан ҳам дадажоним бўлса-я, деган ширин умид ярқ этиб бошимдан ўтди. Кўзларим чарақлаб очилиб кетди:

— Сув, — дедим оҳиста.

— Уйғондингизми?

— Уйғондим.

— Сув келтиринг, — шундай деб доктор сакраб ўрнидан туриб кетди-да, хонани гир айланиб, мўъжиза, мўъжиза, дея бармоқларини қисирлата бошлади. — Айтмадимми, шу бугундан қолмай уйғонади, деб. Ҳозиргина айтган эдим, мана уйғонди. Мен ҳамиша тўғри гапирганман, диагноз қўйишда янглишмаганман. Бундай кейин ҳам шундай бўлади. Икки йил ухлайди, дедим, мана, икки йил ухлайди! Бугун уйғонади, дедим, мана уйғонди!..

Лабларимга сув томизишди. Ёстиғимни кўтариб қўйиб, бизни кўряспизми, деб яна сўрашди. Кўряпман, дедим. Кўнглингиз нима истади, дейишди. Сув, дедим. Яна томчилаб ичиришди. Бошингиз айланяптими, дейишди. Айланяпти, дедим. Тура оласизми, дейишди. Йўқ, дедим. Кўзингизни юмманг, дейишди. Уйқум келяпти, дедим...

Доктор кўксимга муздеккина аппаратини қўйиб, юрак уришимга қулоқ соларди. Юрагим қаттиқ ураётганини ўзим ҳам эшитиб турибман. Аппарат қўймай ҳам тингласа бўлаверади.

— Яхши, — деди доктор бошини кўтариб, — яхши!

Томиримни ушлаб кўра бошлади. Бармоқларининг учида сехр бор эканми, бутун борлигим бўшашиб, кўз ўнгимни қоронғилик қоплаб олди...

Қизиқ, ўзим уйқуга кетиб боряпман-у, хаёлан Гу Лини ахтараман. Нега кўринмайди, нега ҳали ҳамшираларга қўшилиб буёққа кирмади экан? Ҳозир ярим тун-ку. Эҳтимол ухлаб қолгандир. Оҳ, шу дақиқаларда уни яна бир бор кўрган-нимда эди...

XVI боб

Матбуот конференцияси

Чошгоҳ бўлиб қолган экан. Куёш анча кўтарилиб кетибди. Ётган хонам ипакек майин нурларга лиммо-лим тўлиб кетибди. Ўзим ҳам нурлар ичида енгил учиб юргандекман. Куёшнинг нурларида ҳам ҳид борлигини пайқадим. Бамисоли жазирама иссиқ кун шаршара ёнида ўтиргандекман. Сув зарраларида қандай оромбахш ҳид таралса, нурлар ҳам худди шундай ҳид уфурётгандек. Вужудимга ором, қувват бўлиб қираётгандек. Деразаларни очиб қўйишган экан, ҳовли тўла гул. Умуман бу ўлда қандай гулсиз ҳовли бўлмайди. Шинам ҳовлилар конкурси ўтказилганда энг аввало гулга эътибор беришади. Тавба, еганлари қовун-у, ҳидлаганлари гул-а!..

Гул ҳидини роса соғинган эканман. Кўксимни тўлдириб-тўлдириб ҳидлай бошладим. Йўқ, сиз нима десангиз деяверинг-у, лекин гул ҳиди таркибида кишини эркаловчи, вужудига ором бериб, руҳини чароғон қилувчи аллақандай зарралар борлиги аниқ. Кайфиятим яхшиланиб, қалбимга қувонч қўйилаётганини сезиб турибман. Йўқ, дейман ўзимга ўзим, ўлгандан ўлмаган яхши экан. Сехргар Иблисга дуч келган куним нобуд бўлганимда бу анвойи гулларни ҳидлаш қаёқда эди, бу завқлар, бу шавқлар қаёқда эди!.. Демак, икки йил ухлабман-да? Йўғ-э, одам боласи ҳам икки йил ухлайдимми, қизиқ, ҳеч ақлим етмаяпти... Агар, чиндан ҳам икки йил ухлаган бўлсам, роса маъза қилибман-да, дея ўзимча кулиб ҳам қўйдим.

Ташқарида нима гап экан, устозим Дар Даража қаерда юрибди, эртанки севадиган, айтиб бермасам ухлай олмайдиган набираси Му Ти менсиз қандай яшаяпти, лабораториядаги ишларимиз нима бўлди, дея ўйлаётган эдим, лекин ўйимни охирига етказолмадим. Нега десангиз, худди шу пайтда эшик овозсиз очилиб, енгил-енгил қадам ташлаб, узун-қисқа бўлишиб, катта-кичик докторлар, эркагу хотин, аралаш-қуралаш бўлиб кириб кела бошладилар. Уларга кўзим тушиши билан, негадир, хафа бўлиб кетдим. Мен Гу Лини кутаётган эдим. Ораларида ўшани кўрмаганим учун хафа бўлган бўлсам керак. Кирса, атиргулдек чиройли юзларига, узун-узун киприкларини мунчоқдек қора кўзларига тўйиб-тўйиб боқаман, дея кўнглимдан ўтказувдим. Орузу ҳамма вақт ҳам рўёбга чиқавермас экан-да!.. Шошилиб кириб келишларини қаранг! Худди бир нарсадан қуруқ қолаётгандек, бир-бирларини итаришиб, туртиб келишяпти. Сизга айтаман деб, эсимдан чиқиб кетибди. Бу ердаги докторлар бизнинг мамлакатдаги докторларга ўхшаб оқ халату чучваранусха қалпоқ кийишмайди. Бошларига қовуннинг ярим палласига ўхшатиб тикилган қалпоғу эгнига яна ўша қовуннинг

пўчоғига ўхшаш матодан халат тиктириб кийишади. Узоқдан қарасангиз, одам эмас, қовун думалаб келаётгандек тасаввур пайдо бўлади. Умуман, бу ўлкада қовун худою уруғи пайғамбар! Кириб келаётганларнинг ҳаммаси доктору ҳамширалар бўлса керак, деб ўйловдим, йўқ, кўпчилиги мухбирлар экан. Бош доктор қаддимни кўтариброқ қўйгач, кайфиятимни, ўзимни қандай ҳис қилаётганимни сўраган бўлди-да, ташриф буюрганларни девор томонга қатор турғизиб қўйиб, лекциясини бошлаб юборди. Менинг хорижий мамлакатдан келиб, профессор Дар Даража лабораториясида тажриба ўтказаятганим, кутилмаганда беҳисоб ҳидларни кашф қилганим, кетма-кет унвонлар олганимни айтгач, тўсатдан қаттиқ кўрқув натижасида миямнинг қайси бир бурчагида кучли тормозланиш юз бериб, узоқ давом этадиган уйқуга кетганлигимни ҳам айтиб ўтди. Мен энди қутулган бўлсам керак, чиқиб кетишса, тинчгина ётиб, ором оламан, ширин-ширин хаёллар сураман, деб турган эдим, йўқ, ундай бўлмади. Лекциянинг иккинчи қисми бошланиб кетди. Мен ётган хона медицина илмий текшириш институтига қарашли бўлиб, бу ерда илмий кузатишлар ва қалтис тажрибалар ҳам олиб борила экан. Қасалхонага тушганимдан сўнг ўн беш кун ўтгач, илмий кенгаш чақирилиб, мени кузатиб бориш учун етти илмий ходимга иш тақсимланибди. Биттаси юрак уришимни, биттаси еган таомларимнинг таркибини, биттаси нафас олишимни, биттаси тирноғим билан сочимнинг ўсиш тезлигини текшириш бўйича кузатишлар олиб борибди. Ва энг қувончлиси шунда бўлибдики, шу етти ёш олимнинг ҳаммаси ҳам илмий кузатишларни ниҳоясига етказиб, фан кандидати даражасига етишибди. Ушбу ишларга сифатли раҳбарлик қилгани учун бош докторга профессорлик унвони берилибди.

— Офарин! — дея қарсақ чалиб юборишибди тўпланганлар.

— Профессор Чан Гал, — дея мурожаат қилди бир қулоғи йўқ мухбир, — сизга саволим бор эди. Шогирдларингиз илмий ишларни ёқлашга бир оз шошилмадилармикан?

— Тўғри, — деди профессор, — шошилганлари рост. Негаки, бемор ўлиб-нетиб қолгудек бўлса, бу бизнинг соҳамизда тез-тез учраб турадиган табиий бир нарсаси, илмий ишлар чала қолиб кетиши мумкин эди.

Бошқа мухбирлар ҳам ишга тушиб кетишди. Савол демагани лайлақордек ёғилаверди. Кейин билсам, ўша куни бу ерда профессорнинг ташаббуси билан матбуот конференцияси ўтказилаётган экан. Хонада бўлган суҳбат телевизор орқали Ҳандалак шаҳрига кўрсатилиб турилган экан.

— Ҳурматли бемор, бошингизни сал кўтаринг, — дея илтимос қилди яна бир мухбир.

Бошимни анча кўтардим.

— Бахтиёр кишидек кулиб туринг.

Кулимсирай бошладим.

— Бир-иккита савол бермоқчиман. Отингиз Ақром Ақромий эди шекилли? Қани, айтинг-чи, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

— Аъло даражада.

— Уйқуга кетишдан олдин қандай воқеа, қандай руҳий силсила юз берганини айтиб берсангиз?

— Айтолмайман.

— Сабаб?

— Барибир тушунмайсиз.

— Қанча муддат ухлаганингизни ҳис қилиб турдингизми?

— Йўқ, худди кеча оқшом уйқуга кетгандекман.

— Демак, икки йиллик муддатни сезмабсиз-да?

— Сезмадим.

— Туш кўрдингизми?

— Ҳа.

— Нималарни кўрдингиз?

— Ойижоним, укаларим, дадам... устозим Дар Даража... ҳамма-ҳаммаларини. Қишлоғимиздаги ўртоқларим, мол боқиб юрганим яйловлар, қийқиришиб чўмилганимиз лойқа сувли аҳқорлар, ҳашарга чиққанимизда бригадир қулоғимдан чўзгани... Кейин... тушимда нуқул қовун еяётгандек бўлавердим.

— Тушда соғиниш ҳисси ҳам пайдо бўларканми?

— Ҳа.

— Чарчаб қолдингиз шекилли, суҳбатимизни якунлайликми?

— Яхши бўларди.

— Ҳандалак шаҳрининг меҳнаткашларига нима тилагингиз бор?

— Қовунлар кейинги пайтда бемаза бўлиб кетяпти, шуни олдини олишса.

— Бошқа истагингиз йўқми?

— Устозим Дар Даражани соғиндим. Агар мумкин бўлса, тезроқ кўришсак. Мухбиру девор тагида қатор турган доктор ва ҳамширалар ялт этиб бир-

бирига қарашиб олди. Бир гап борга ўхшайди. Ё вафот қилдимикан, деган фикр ўтди бошимдан.

— У кишини... ҳозирча кўролмайсиз, — деб тушунтирган бўлди бош доктор.

— Нега кўролмас эканман?

— Сабабини кейинроқ билиб оласиз, — чайналиброқ деди Чан Гал, — эҳтимол, бошқа бирон киши билан учрашишни хоҳларсиз?

«Сарқитлар лабораторияси»да бирга ишлайдиган ўртоқларимнинг номини айтган эдим, уларга ҳам рухсат бўлмади. Устозимнинг набираси Му Ти эсимга келиб қолди. Ростини айтсам, ўша кўзлари чақнаб турадиган, тиллари бурро булбулча билан гаплашганимда тан-жоним яйраб кетарди. Ўзингиз биласиз, бу дунёда ёш боладан кўра ростгўйи бўлмайди. Болаларнинг кўзи тиниқ, тоза бўлади. Қувлик, шумликдан сал нари бўлади. Сиз қанақалигингизни билмайман-у, лекин мен болаларнинг кўзига тикилганимда дилимда равшанлик пайдо бўлади ва ўша болаларга ўхшаб сакраб-сакраб ўйнагим келиб кетади. Устозим Дар Даражанинг болажонлигининг боиси ҳам шундан бўлса керак.

— Қизалоқнинг ёши нечада? — сўради эшикнинг тагида, бошқаларга қўшилмай, ғоят жиддий бўлиб турган бир киши.

— Ёшимми? Ёши... агар мен бу ерда икки йил ётган бўлсам, — дея, дармонсиз эмасманми, аранг гапира бошладим, — демак, ёши тўққизда экан.

— Ёши тўққизда бўлса... кириши мумкин, — деб қўйди жиддий киши.

Гапиришга ҳолим қолмаган эди. Қулоғим чинқира бошлади. Тик турганларнинг ҳаммаси гир айланиб кетди. Бошим бир томонга оғиб тушди. Кўзларимни юмиб олдим.

Бир оздан сўнг вужудимга яна куч оқиб келаётгандек бўлди. Ухладимми, ухлаганим йўқми, билолмасдим. Кўзимни очсам, ташриф буюрганларнинг ҳаммаси деворга суюнганларича тек қотиб туришибди. Ораларида бу гал интизор кутганим Гу Лини ҳам кўриб қолдим. Худди бирон сири ошқор бўлиб қолишидан кўрққандек, аллақандай хижолат ичида, уялибгина турарди.

Бўйнига овоз ёзадиган аппарат солиб олган бир йигит, илжайганча, мен томонга бир-икки одим ташлади.

— Хайрият, тезгина уйғондингиз, — деди негадир қувноқ бир оҳангда, — гаплашолмай қуруқ қайтиб кетишдан кўрқиб турувдим. Сухбатингизни кундуз соат учда эшиттирамиз. Программага киритиб қўйганман. Мана, мана бу трубкага гапирасиз. Яخشиси, ўзим ушлаб турақолай... Хўш, ҳозир кайфиятингиз қалай?

Тавба, кўриб турибди-ю, яна сўрайди-я!

— Гижинглаган отдекман, — дедим жаҳлим чиқиб.

— Бир-иккитагина савол берсам... Сизни минг хил ҳидни бир-биридан ажрата олади, дейишяпти. Шу тўғрими?

— Тўғри.

— Ухлаганда туш кўрдим, дедингиз, ўшанда ҳам ҳид сездингизми?

— Йўқ.

— Яшил ўтлоқларни кўрдим, дедингиз-ку?

— Ўтлоқларнинг ҳиди йўқ эди.

— Демак, киши ухлаганда, туш кўрганда ҳидни туймас экан-да?

— Шунақа бўлса керак.

— Ҳозир-чи? Ҳозир ҳидларни фарқлаясизми?

— Фарқлаётганга ўхшайман.

— Демак, муборак бурнингизнинг ҳид олиш қобилияти икки йиллик уйқудан сўнг ҳам сақланиб қолган, деб ҳисобласам бўладими?

— Билмадим.

— Синаб кўришга рухсат берасизми?

— Иштиёрингиз,

— Профессор Чан Гал, — дея мурожаат қилди мухбир, — беморингизни синаб кўришимга рухсат берсангиз? Йўқ, йўқ, ташвишланманг, кўп уринтирмайман. Профессор Акром Акримий, агар малол келмаса, кўзингизни юмиб турсангиз. Хафа бўлмайсизми? Ҳозир, ҳозир... Яна андак сабр қилинг. Мана, бўлди... Қани айтинг-чи, менинг қўлимдаги нарсадан ниманинг ҳиди келяпти?

Ташқаридан гул узиб келганларини аниқ сезиб турибман. Нега десангиз, узоқдан келаётган чиннигул билан райҳоннинг аралаш ҳиди бир-биридан ажралди-ю, чиннигулнинг, фақат чиннигулнинг ўзига хос бўлган ожиз ҳиди энди шундоққина бурнимнинг остида тўлқин ура бошлади.

— Қўлингизда чиннигул турибди, — деб қўйдим.

Тўпланганларнинг «Ў-ў-ў» деб юборганларини аниқ эшитдим. Эҳтимол, бир-бирларига маъноли қараб ҳам олишгандир. Мухбир яна савол бермоқчи бўлувди, кўнмадим. Чарчаб қолдим, топишмоқ айтишни янаги сафарга қолдирайлик, деб илтимос қилдим. Хайрият, инсофли йигит экан, дарров кўна қолди.

Тутинган синглим шум хабар келтирди

Му Тидан барибир бир ҳафтагача дарак бўлмади. Бу ўртада мен анча дармонга кириб қолдим. Аввал каравотимнинг поясини ушлаб, унинг атрофини айланиб кўрдим. Кейин, деворга суяна-суяна, хонада юра бошладим. Уйғонганимнинг еттинчи куни ҳамшира қиз ёрдамида ҳовлидаги гулзорга чиқдим. Кўзимнинг тиниши, бошимнинг айланиши аста-секин камайиб борарди. Мен соқчилар назоратига тушиб қолган эканман. Қовоғи солиқ бир йигит кун бўйи пойлаб ўтиради. Ёзилгани чиқсам ҳам рухсат оламан. Гулзордан нарига ўтмайман, деб тилхат ёзиб берганман. Бунчалик таъқиб қилинишимнинг сабабига ҳеч тушунолмасдим. Қовоғи солиқ соқчидан-ку, бирон гап чиқмайди. Ҳамширалар бўлса, билмаймиз, дея нуқул елка қисишади. Ҳалигача устозимдан ҳам, бирга ишлаган ҳамкасблардан ҳам дарак йўқ. Е мени аллақачон ўлдига чиқариб, йил ошимни ҳам бериб юборишдимикан. Жодугар қиз Гу Ли бўлса яна ҳам сувга тушган тошдек йўқ бўлиб кетди... Кейинчалик, эҳтимол, мен уни тушимда кўргандирман, деган хаёлга ҳам бора бошладим. Ҳа-ҳа, шундай бўлиши ҳам мумкин. Ахир, шу кунларда тушим билан ўнгимнинг фарқи қолмади-ку. Бир хаёлим бу ердан қочиб қолиш ҳам бўлди. Лекин тезда фикримдан қайтдим. Ҳали унча кучга тўлган эмасман. Югурсам, нари борса, икки юз метрга югураман. Анови қовоғи солиқ пойлоқчининг бўлса оёқлари узун, худди този итнинг оёқларига ўхшайди. Тўрт ҳатлаб етиб олиши ҳеч гап эмас. Бунинг устига, ёнида тўппончаси ҳам бор. Юрагимга ваҳима солиш учун бўлса керак, ҳар замонда кўрсатиб қўяди. Филофидан олади-да, латта билан уёқ-буёғини обдан артади. Кейин ўқдонини чиқариб, ўқини кафтига қоқади-да, санаб, яна жойига қўяди. Гоҳо девордаги пашшаларни мўлжалга олади. Унг кўзини қисиб, бир оз жим туради-ю, отмайди. Бу машғулотларини менга кўрсатиб, кўз-кўзлаб қўяди. Яъни, агар қочмоқчи бўлсанг сени пашшадек отиб ташлайман, демоқчи бўлса керак-да. Оббо, тўппончангдан ўргилдим сенинг, деб қўяман гоҳо. Боринги, мана шунақа аҳволга тушиб қолдим-да.

Юрагим тарс ёрилай дейди. Гоҳо бошимни чойшабга буркаб, йиғлаб-йиғлаб оламан денг... Қизиқ, нега киши йиғлаганда юраги ёзилар экан, елкасидан босиб турган ғам юки енгиллашиб, дили равшанлашар экан, тавба, нега шундай бўлар экан-а? Фақат одам боласи эмас, гоҳо итлар ҳам, отлар ҳам йиғлайди. Ўз кўзим билан кўрганман. Қизиқ, кўзёши нима ўзи, нимадан пайдо бўлади у? Нега аёллар кўп йиғлайди-ю, эркаклар кам йиғлайди. Ойижоним йиғлаганда дадам елкасини силкитиб кулганини неча бор кузатганман. Ушанда мен ҳам йиғлаворай-йиғлаворай деб турардим. Лекин барибир йиғламасдим... Шу кунларда эса тўйиб-тўйиб йиғлаяпман. Тавба, ҳали айтганимдай, йиғлаган сарим дилим равшанлашиб борарди, денг. Ёки кўзёши билан кишининг дилидаги ғаму ташвишлар ҳам ташқарига оқиб чиқиб кетармикан? Кўзёши диллардаги ғубормикан, ғаммикан, нега унинг таъми шўрттаққина-ю, ҳиди ачиган қатиқдан олинадиган зардобникига ўхшаш бўлади, нега?

Уйғонганимнинг йигирма иккинчи кунимиди, йигирма учинчи кунимиди, у ёғини суриштирсангиз, ҳисобдан ҳам адашиб кетганман, ишқилиб, чошгоҳ маҳали эди шекилли. Тўсатдан олам чароғон бўлиб, чароғон оламни ёқимли куйлару хуш ҳидлар қоплаб кетгандек бўлди. Назаримда, қушчалар шўх-шўх сайрашиб, чароғонликни қутлашаётгандек эди...

Остонада кулимсираганча менинг жажжи синглим — бу дунёга келганимдан бери бирдан-бир овуноғим, ўзимизнинг дунёда қолиб кетган синглим Му-аттарнинг ўрнини босиб юрган — Му Ти турарди. Оламдаги чароғонлик лабидаги табассумдан, муаттар ҳидлар қўлида ушлаб турган гулдастадан экан.

— Му Ти!

— Акажон!

Бир-биримизни ачомлаб, иссиқ бағримизда эриб кетгандек бўлдик. Мен энтикаман, у йиғлайди. Мен йиғлайман, у кулимсираб хўрсинади. Қовоғи солиқ соқчи ҳам унчалик инсофсиз эмас экан, икковимизни холи қолдириб, ҳовлига чиқиб кетди.

— Оббо Му Ти-ей, кап-катта қиз бўп қопсан-а?

— Учинчида ўқияпман, ака.

— Нега даракларинг йўқ?

— Рухсатнома олиш қийин бўлди.

— Қанақа рухсатнома?

- Вой, билмайсизми?
- Ҳеч нарса билмайман.
- Ахир сиз назоратдасиз-ку. Бобомни ҳам қамаб қўйишган.
- Нималар деяпсан, тўхта-тўхта...

Йўқ, синглимни тўхтаб бўлмади. Юраги тўлиб турган экан, ҳаммасини тўкиб солди. Ишлар чатоқ, ҳамма нарса чаппасига айланиб кетибди. Уша қиёфасини бир мартагина кўрганим Сеҳргар Иблис бахтли-саодатли турмуш кечириётган, аҳилу меҳрибон Ҳандалак шаҳрининг меҳнаткашларининг бошига кетма-кет офатлар ёғдира бошлабди. Бирини бюрократ, бирини порахўр, бирини чақимчи, бирини фитначи қилиб ва яна:

- Ҳа-ҳа-ҳа,
- Ҳи-ҳи-ҳи.
- Ҳо-ҳо-ҳо — дея кулиб юрган яхши, ва яна давом этиб қуйидагиларни ҳам

айтар эмиш:

— Мен жамики сарқитлардан йиғилган махлуқман. Отам — Дар Даража, онам — йигирма литрлик қориндор шиша, доям — Акротий, сут ўрнига ароқ ичиб вояга етганман... Ҳа-ҳа-ҳа, сарқитларни тугатмоқчи эмишлар, тугатиб бўпсанлар, хи-ҳи-ҳи...

Шаҳар соқчилари «Сарқитлар лабораторияси»даги ишларни ўрганиб, ниҳоят ҳамма айбни устозим икковимизга ағдариб, бизни қамоққа олишга қарор қилибди. Уша кунги тузилган актда тахминан мана бундай сўзлар ҳам бор экан:

«Шу икки илмсиз, хаёлпараст олим сарқитлар қонидан олинган зарарли микробларни бир жойга тўпламаганда, ушбу Сеҳргар Иблис пайдо бўлмас эди. Шу билан бирга, қуйидагиларни ҳам маълум қиламиз: лабораториядаги ҳар хил имтиҳонлардан йиқилиб келган қобилиятсиз илмий ходимлар бу жинойт юз бераётганини кўра туриб, тегишли органларга маълумот бермаганлар. Ҳандалак шаҳар Қонунлар мажмуасининг 286-модда, А пункти билан Дар Даража ва Акрот Акротийлар устидан бошланган терговга лаборатория ходимлари ҳам тортилсин...»

Албатта, Му Ти бу аянчли воқеани сизга қандай айтган бўлсам, шу тарзда ҳикоя қилгани йўқ. Йиғлаб, пиқиллаб, баъзи бир жумлаларини чала-чулпа қилиб сўзлади. Лекин мен сизга тушунарли бўлсин учун уларни тартибга солиб сўзла-япман. Охирида шуни ҳам айтмоқчиманки, бечора Му Ти тирик етим бўлиб қолибди. Айтувдим шекилли, отаси менинг дадамга ўхшаб арақхўрликка берилиб, нобуд бўлиб кетган. Онасини эса, яъни мен уйларида турганимда қошиқ билан вилка ушлашни ўргатиб қўяман, дея биқинимни чимдиб олган Хол Дор опамни ҳам ўз отаси Дар Даражанинг жинойтларига шерик ҳисоблашиб, қамаб қўйишибди.

- Ким билан турибсан? — сочларини силаб сўрайман Му Тидан.
- Битта кампир билан, — хўрсинади синглим.
- Кампирни уйга олиб келиб олдингми?
- Йўқ. Мен кампир холамникига бордим.
- Унда уйланинг қаровсиз қолгандир?
- Вой, айтмабман, уйимизни сотиб юбордик.
- Нега?

— Вой, нега дейсиз-а, акажон. Ойим билан дадажонимни кўргани борганимда пул керак бўлади-да. Соқчилар бирам инсофсизки, кираётганда ҳам пул сўрашади, чиқаётганда ҳам. Худди тиланчиларга ўхшаб кафтларини очиб туришади. Ундан кейин рухсатнома олиш ҳам қийин. Бир даста пул керак. Уйни сотдик. Бобожонимни тергов қилаётган битта мўйловли амаки, уйни менга арзонроққа сотсаларинг, бобонгнинг жинойтини енгиллатиб бераман, аслида унда айб йўқ, ҳамма айб Сеҳргар Иблисда, деди. Ушанга сотдик.

- Енгиллатиб бердим, ахир?
- Ҳа.
- Қанчагача енгиллатди?
- Эсимда йўқ.

— Қўй, йиғлама, — дея синглимни бағримга босиб, эркалаб қўйдим. — Мен эсон-омон чиқиб олсам, ҳаммаларини таъзирини бераман. Уша Сеҳргар Иблисни ҳам ушлаб, шишага киритиб юбораман.

- Йўқ, акажон, унга йиғламаяпман. Буларнинг ҳаммасига кўниқиб кетдим энди. Мен сизга йиғлаяпман.
- Менга?!
- Энди сизни ҳам қамашади.
- Нега?
- Сизниям бобомга қўшиб суд қилишган.
- Унда мен ухлаб ётувдим-ку.
- Билмасам. Сизга ҳам бобомга қанча беришган бўлса, ўшанча беришган.

- Йиғлама!
 - Йўқ, акажон, энди менинг бу дунёда ҳеч меҳрибоним қолмади. Ким мени эркалайди, ким менинг кўнглимни кўтаради? Бобожоним кўғирчоқлар ясаб берарди, сиз эртақлар айтиб берардингиз... Кўчада ҳамма болалар мени масхаралаб, калака қилишяпти.
 - Қайси болалар?
 - У, томоғига пистанинг пўчоғи тиқилиб қолган бола бор эди-ку?
 - Ман Қами?
 - Ҳа, ўша. Ҳеч кун бермайди. Дарсда ўтирганимда сочимнинг учига сичқоннинг ўлигини боғлаб қўйган экан, кўрқиб кетдим.
 - Шошмай турсин, мен уни шундай боғлайки...
 - Кейин анови... ҳалиги... бор эди-ку?
 - Қайси?
 - Ҳалиги сочини қирдириб олдириб, бошини йилтиратиб юрадиган бола-чи?
 - Ҳо Макми?
 - Ҳа, ўша. Кўчага чиқдим дегунча бобоси қамалган, акаси келгинди, деб кўз очирмайди... Уйга кириб, роса йиғлайман.
- Сўхбатимиз шу ерга етганда қовоғи солиқ соқчи келиб, вақтларинг тугади, дея огоҳлантириб қўйди. Лекин начора, буйруққа бўйсунишга мажбур бўлдик.

XVIII боб

Му Тига атаб эртақ тўқидим

Йиғлаб-йиғлаб хайрлашдик. Йўқ, мени йиғлоқи деб ўйламанг. Энг оғир пайтларда ҳам кўзимга томчи ёш келмасди. Буни сизга айтувдим ҳам шекилли. Ҳозир сал бошқачароқман. Узоқ овқатсиз ётиб, тинка-мадорим қуриганиданми, асабларим қақшаб, ўзимни тутолмайдиган бўлиб қолганман. Бошим ҳам ликиллайдиган бўлиб қолган. Сал қизишсам, бас, шамолда қолган бошоқдек ликиллашга тушади. Тўғри, сингилчам билан йиғлаб-йиғлаб хайрлашдик. Лекин йиғлаб турсам ҳам дилимнинг бир чеккасида чироқ ёниб тургандек эди. Бу чироқ сингилчамнинг кўлидаги рухсатнома десам ҳам бўлади — роппа-роса йигирма кунга берилган. Яна, тагин ҳар учрашув бир соатдан, денг.

Энди ҳар куни учрашадиган бўлиб қолдим. Мириқиб-мириқиб сўхбатлашамиз. Гоҳо ўша бирга турган бувиси чучвара пишириб бериб юборади. Бир марта, денг, сингилчам келтирган чучварадан кўп еб қўйиб, бўкиб қолсам бўладими! Қорин демагани дўмбирадек шишиб берди. Докторлар кўрқиб, ҳар томонга югуриб қолишди. Бечора Му Ти бўлса, дағ-дағ қалтирайди, денг.

Шундай қилиб, ҳар куни учрашадиган бўлдик. Гоҳо:

- Бобомизнинг олдига бордингми? — деб сўрайман Му Тидан.
- Айтдим-ку, янаги ойга рухсат беришади деб, — кулиб қўяди сингилчам.
- Менинг уйғонганимни бобомизга билдирсак бўларди.
- Ойижонимга ҳам, бобомга ҳам хат орқали маълум қилганман.
- Жавоб ҳам олганмисан?
- Вой, сизга дарровгина жавоб кела қолармиди?
- Ҳандалакда менинг ҳақимда қанақа гапларни айтишяпти? Ҳеч эшитдингми?
- Вой, нега эшитмай, унинг нияти пок, одамларга яхшилик қилмоқчи эди, дея сизга ачинишяпти. Кейин-чи, ака, қўшниларимиз бобомга ҳам ачинапти. У бизнинг умримизни узайтирмоқчи, сарқитларни тугатиб, бахтли-саодатли қилмоқчи эди, биз бўлса уни қамаб ўтирибмиз, очикда бўлганда шогирдини ёнига олиб, Сеҳргар Иблисни аллақачон даф қилган бўларди, дейишяпти... уйқудан уйғонганингизни телевизорда икки марта кўрсатишди... Ака, эртақ тўқиб кўяман, девдингиз, бошланг энди.

— Ҳеч нарса эсимга келмаяпти, — дейман хижолат бўлиб.

— Бўлмаса, эскиларидан айтсангиз ҳам майли, — ёлбориб туриб олади Му Ти.

Сут билан кирган жон билан чиқади, деб эшитган эдим. Тўғри экан. Му Ти эртақни яхши кўрарди, уйларида яшаб турган пайтларимда бирор нарса айтиб бермасам, ярим кечасигача биқинимга туртгани-туртган эди. Шу одати ҳалигача қолмабди. Бўлмаса, ўзимиз қай аҳволдамиз-у...

- Янаги сафар айтиб бераман, — дея узр сўраган бўламан.
- Алдамайсизми?
- Йўқ, алдамайман.

Хуллас, мана шунақа гаплар. Баъзан маънили, баъзан маънисиз суҳбатлар билан бир соатни ўтказамиз. Синглим кетгач, яна хонада ёлғиз қоламан. Гоҳ устозимни ўйлаб хаёлан гаплашган бўламан. Гоҳ ўзимнинг аянчли аҳволим ҳақида тубсиз ўйларга бериламан. Баъзида қовоғи солиқ йигит билан гаплашишга такрор ва такрор уннаб кўраман.

- Соат неча бўлди? — деб сўрайман.
- Билмайман, — дейди қовоғи солиқ йигит.
- Бугун ҳафтанинг қайси куни?
- Билмайман.
- Бу ерда Гу Ли деган ҳамшира қиз ишларди, ҳозир ҳам борми?
- Билмайман.
- «Билмайман» деган сўздан бошқасини ҳам биласизми?
- Билмайман.
- Нега билмайсиз?
- Бас қил, — қовоғи солиқ менга қараб шундай хўмраядики, кўзларининг

ўрнида бамисоли ўқланган тўппончасининг оғзи кўрингандек бўлади. Жим бўлиб қоламан. Юраман, ўтираман. Кунларим шу йўсин ўтаверади. Лекин ҳар қанча уринмай, бари бир, эртақ тўқиёлмайман. Лекин сингилчам учун тўқишим керак. Унинг бир нафаслик қувончига жонимни беришга тайёрман. Яна икки йил ухла, синглинг қувонади, десалар, майли, ухлайбераман. Фақат Му Тининг кўзларидаги мунг ўрнида қувонч кўрсам, беғубор дилидаги ғуссалар ўрнида севинч гуллари очилса бас, ҳаммасига тайёрман...

Эртақ тўқий бошладим. Бир бор экан, бир йўқ экан... Бу бўлмайди. Бошқасини тўқийман. Ҳайвонлар ҳақидагисини яхши кўрарди у.

Бир бор экан, бир йўқ экан, жуда қадим замонда, ҳайвонлар одамларга ўхшаб гаплашадиган, дарахтлару гиёҳлар ашула айтадиган вақтларда қалин ўрмон ичида қуёнча яшаган экан. Кўп қувноқ ва ўйинқароқ экан. Ҳар куни ўтлоқларда чопқиллаб ўйнар, ўз тилида қувноқ ашулалар айтар, қайтиб келгунча онаси қизил сабзилардан, барра карамлардан овқат тайёрлаб қўяркан.

Бир куни ям-яшил майсазорда ўйнаб юрган экан, йиғлаб ўтирган Тулкига кўзи тушиб қолибди:

— Ҳа, Тулкихон, нима бўлди? — деб сўрабди Қуёнча.

— Оёғимга тикан кириб кетди, — баттарроқ йиғлабди Тулкихон. Қуён оёққа кирган тиканни олишга жуда уста экан. Кўз юмиб-очгунча тиканларнинг барчасини олиб ташлабди. Хурсанд бўлган Тулкихон:

— Раҳмат, Қуёнча, мен ҳам бир куни бу яхшилигингни қайтарарман! — дея миннатдорлик билдирибди. Қуёнча яна ўйнашда давом этибди. Сакраб-сакраб, бир маҳал катта чинор тагига бориб қолибди. Қараса, кўнғир жунли айиқ додлаб йиғлаётган эмиш.

— Ҳа, айиқвой, нима бўлди? — сўрабди раҳмдил Қуёнча.

— Мана бу дарахтнинг қавагида асал бор экан. Олиб ейман девдим, арилар бетимни, кўзларимни чақиб шишириб юборди, йўлимни топиб юролмапман! — деб яна йиғлашга тушибди у. Қуёнча табобатдан ҳам хабардор экан. Қандай қилса юздаги шиш қайтишини донишманд бобосидан эшитган экан. Баргизут деган гиёҳнинг япроғидан олиб, айиқнинг юзига ёпган экан, бир пасда шиши қайтиб кетибди. Кўзлари чарақлаб очилган Айиқ беҳад хурсанд бўлибди:

— Раҳмат, Қуёнча, вақти келиб мен ҳам сенга бир яхшилик қиларман, — деб миннатдорлик билдирибди.

Қуёнча яна ўрмонларни тўлдириб ашулалар айтиб, қувончини сиғдиролмаганидан сакраб-сакраб, ўйинларга тушиб йўлида давом этибди. Бир маҳал бундай қўлоқ солса, чангаллар орасида бир Бўри ув тортиб йиғлаётган эмиш.

— Бўривой, нега йиғлаясан? — сўрабди Қуёнча.

— Оёғим қопқонга илиниб қолди, — яна ув тортибди Бўри.

— Ёрдамлашиб юборайми? — юраги ачишиб сўрабди Қуёнча.

— Тез бўл, тезроқ, — ёлборибди Бўри. Зийрак Қуёнча оёқ қопқонга илинганда қандай бўшатиш йўллари яхши билар экан. Кўз очиб-юмгунча Бўривойни бандиликдан озод қилибди. Бўри хурсанд бўлганидан миннатдорлик учун сўз тополмас эмиш.

— Яхшилигингни ҳеч унутмайман! — дебди ниҳоят Қуёнчанинг узун қўлоқларидан ўпиб. Қуёнча қилган ишларидан мамнун бўлиб сакраб-сакраб уйига қайтаётган экан, йўлда каттакон бўлма Илонга дуч келиб қолибди.

— Очман, сени ейман! — деб Илон Қуёнчани кувлашга тушибди. Қуёнча бир амаллаб тепаликка чиқиб олибди-да, бор овози билан дўстларини ёрдамга чақира бошлабди. «Тулкихон, Айиқполвон, Бўривой, ёрдам беринглар, бўлма Илон мени ейман деяпти». Қуёнчанинг овозини эшитган Тулкихон, Бўривой, Айиқполвон дарҳол етиб келишиб, ёвуз илонни калтаклаб ўлдиришибди. Балодан эсон-омон қутулганликлари учун шукронасига бир хурсандчилик қилмоқчи ҳам бўлишибди.



Расми Абдубоқи ҒУЛОМОВ чизган.

Уша пайтлардаги ҳайвонлар Ҳандалак шаҳри одамларига ўхшаб хурсандчилик вақтида ароқ ичишаркан. Оёғи чаққон Қуёнчани яримта ароқ келтириш учун ўрмон магазинига жўнатишибди. Қуёнча дарҳол айтганларини ҳозир қилибди. Тулкихон косагул бўпти, ичкиликни баргдан ясалган пиёлаларга қўйиб, маза қилиб ичиб олишибди. Аммо ароқ ичларини куйдира бошлабди, газак егилари келиб қопти. Шунда Бўривой Тулкихонга тикилибди, Тулкихон зимдан Айиқполвонга назар солибди. Учовларининг бошларидан бир фикр ўтибди. Қуёнчани таппа босиб бўғиб ўлдиришибди-да, бири оёғидан, бири биқинидан тишлаб, лом-мум қилиб юта бошлашибди. Қуёнчани эсон-омон еб битиргач, Тулкихон лунжидаги қонларни артиб:

— Чакки бўлди-да! — дебди.

— Ҳа, жайф билан хунук иш қилиб қўйдик! — дейишибди қолган ҳайвонлар ҳам.

Уша замонларда йиртқичлар тез-тез мана шунақанги базмлар қуришиб, ожиз ҳайвонларни тутиб еб туришар экан. Ейишар экан-у, аммо суюқларини очиққа ташлаб кетмас, тўплаб бир жойга кўмиб қўйиш одат бўлган экан. Булар ҳам Қуёнчани суюгини қабрга кўмиб, устига тупроқ тортишибди. Тепасига оқ мраммрдан қабртош ҳам қўйишибди, қабртошга эса мана бундай ёзувларни ҳам битиб қўйишибди:

Дўстимиз Қуёнча!

Сен кўп меҳрибон, раҳмдил бир ҳайвон эдинг: ўрмондаги барча ҳайвонларга қўлингдан келганча яхшилик қилардинг. Сен яхшилик ва қувноқлик тимсоли эдинг. Сенинг порлоқ хотираң қалбимизда абадий сақланажак. Алвидо, меҳрибон дўстимиз!

Ўрмондаги ўртоқларинг.

Эртагим тайёр бўлгач, энди синглимининг келишини бетоқат кута бошладим. Одатда куннинг иккинчи ярмида келарди. Мактабдан қайтгач кампир бувиси икковлари овқат пиширишарди. Ҳозир ўчоққа олов ёқишган бўлса ҳам ажаб эмас...

Тўсатдан икки соқчи шахдам қадамлар билан кириб кела бошладилар.

— Акром Акротий сиз бўласизми?

— Худди ўзиман, — дедим хурсанд бўлишимни ҳам, хафа бўлишимни ҳам билмай.

Олдимга тугунча ташлаб, кийининг, дея фармон беришди. Тугунчани еча туриб, юрагим шув этиб кетди: маҳбусларга бериладиган кийимлар!

— Ҳаммомга борамизми?— сўрадим ҳар эҳтимолга қарши.

— Гап қўшманг, — яна буйруқ бўлди.

Бошқа илож йўқ, кийиндим.

— Олдимга тушиб юринг, — деб айтишган эди, кўнмадим. Синглимга эртаси тўққанман. Келсин, айтиб берай, дея илтимос қилдим.

— Юр, деяпман, — елкамга туртди биттаси.

— Синглимга эртаси тўққанман, деяпман!— назаримда, бақириб юбордим шекилли. Икки соқчи икки ёнимга кирди-да, оёғимни ерга теккизмай олиб чиқиб кетишди. Усти берк қовуннусха машинага чиқаришиб:

— Мана энди эртагингни бемалол айтаверасан!— деб кулишди.

XIX БОБ

РОСА КАЛТАК ЕДИМ

Машина кўринишидан қовуннусха бўлса ҳам, асли қалин тунукадан ясалган экан. Ҳатто ўтирадиган курсиси ҳам муздеккина темир. Ичи бирам совуқки, бир нафасда эгим жунжикиб, тишим такиллай бошлади. Бизнинг мамлакатда бунақанги машиналарда, одатда ферманинг молини ташишарди. Бу ерда эса... Нима ҳам дея олардим. Қамалганингдан кейин остингга атлас кўрпачаю биқинингга пар ёстиқлар қўйиб беришсинми? Чидашдан бошқа иложинг йўқ, Акротий.

Қўшқанотли пастак-пастак икки дарвозадан ўтгач, мени машинадан тушириб, ҳовлида ушлаб туришди. Афтидан, ичкарида менинг ҳақимдаги ҳужжат у қарорларни титкилаб кўришаётган бўлса керак. Ниҳоят, тарвуздек дум-думалоқ бир киши юриб эмас, думалаб чиқиб келди-да, қаршимда тўхтаб:

— Хорижий мамлакат фуқароси Акром Акротий ўзлари бўладиларми?— деб сўради.

— Худди шундай, — дедим шоша-пиша.

— Хуш кўрдик, — деди яна тарвузнусха жуда юмшоқ оҳангда.

— Раҳмат,— дедим, негадир дилим равшан тортиб.

— Қадамларига ҳасанот,— аввалгидан ҳам юмшоқ, ҳам ёқимли оҳангда деди тарвузнусха. Мен ҳам илиққина жавоб қайтараман деб, эндигина оғиз жуфтлаган ҳам эдимки, елкамга шунақанги муштладики, тилимни тишлаб қолдим.

— Олдимга туш, сеҳргар.

Турта-турта, узун коридор бўйлаб ҳайдаб кетди. Ниҳоят, охиридаги бир хонанинг эшигини қия очиб, елкамдан қаттиқ итариб юборди. Мункиб бориб, пешонам билан хонанинг нариги деворига урилдим. Анчагача чўзилиб ётдим. Хона ичи ёришиб келмоқда эди. Торгина экан. Бурчак-бурчакда уч-тўрт одам ўтиргандек. Биттаси жуда ғалати кўриняпти. Соқоли узун, мум суртилгандек қоп-қора. Юзи ингичка, чўзиқ, хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг, афти маст бўлган таканинг ўзгинаси дейсиз. Нигоҳимиз икки-уч бор тўқнашиб қолди. Ҳа-ҳа, таканинг ўзгинаси, дея ўйлай бошладим.

Така қиёфали аста ўрнидан туриб, мен томон кела бошлади. Қўлида гуппи чопон, йўл-йўлақай тахлаб келяпти. Яна бир бало бўладиганга ўхшайди, деб юрагимни ҳовучлаб турибман.

— Бошингни кўтар,— деди тепамга келиб.

Лекин бошимни кўтаришимни кутиб ўтирмай, ўзи ҳалиги букланган чопонни қўйиб берди.

— У-ў... Пешонанг ғурра бўлибди-ку,— деди энгашиб,— ҳечқиси йўқ, ёш экансан, тўйинггача тузалиб қоласан. Рангинг ҳам оқариб кетибди-ку, бола?

— Кўрқдим шекилли.

— Кўрқма. Бу ердагилар яхши одамлар. Сув ичасанми?

— Майли.

— Лекин кўп ичма. Ёш экансан. Кечаси тагингни ҳўл қилиб қўясан. Қорин қалай?

Мана шу савол берилгандан кейингина кун бўйи овқат емаганимни эсладим. Му Ти, ҳойнаҳой манти олиб келса керак, деб тушликни ҳам емовдим. Жуда очиққан эдим.

— Қоринда ҳеч вақо йўқ,— дедим тортиниброқ.

Ҳамхоналарим ёмон одамлар эмас экан. Биттаси икки бурда қотган нон, биттаси бошмалдоқдек сарёғ, биттаси бир парча қовунқоқи, яна бирови эса бир дона пиёз ҳам берибди. Тескари ўгирилиб, ҳаммасини пок-покиза тушириб олдим. Соқолли амаки узатган елим идишдаги сувнинг қолган-қутганини ҳам қултиллаб ичдим-да, лабимни арта туриб, ҳаммаларига қуллук қилиб қўйдим.

— Энди жиндак мизғиб ол,— деди соқолли амаки худди дадамдек бир меҳрибонлик билан,— бари бир рангинг ҳалиям оппоқ, мурданикига ўхшайди. Ё бир чектириб қўяйми?

— Раҳмат,— дедим қишлоқчасига қўлимни кўксимга қўйиб,— мен чекмайман.

— Лекин яхши қиласан. Бу зорманда ҳозир ўзимизга етишмайроқ турибди.

Шунчалик меҳрибонликка жавобан номига бўлса ҳам жиндак ухлай десам, қани энди уйқу қурмағур кела қолса. Кўзимни чирт юмиб бирпас ётдим. Йўқ, учқур ҳаёлларимни жилловлай олмадим. Эҳтижом, тагим қаттиқлик қилаётгандир, деб ўйладим. Ахир қуруқ полда ётибман-ку. Ухлай олмаганлигимнинг сабаби ундан ҳам эмас шекилли. Дилимнинг қаеридадир ғашлик борлигини ҳис қилиб турибман. Бордию улар ёмон одамлар бўлса-чи? Димоғимга гупиллаб ёмон ҳидлар уриляпти. Узингизга айтганман, одам боласининг ҳидига қараб хулқидаги ёмонлик билан яхшиликни фарқлай оламан. Бу одамларнинг қонида ҳам аллақандай бузилиш борга ўхшайди. Бир нарса қилиб қўйгудек бўлсалар, профессорлик унвонимга қўшиб кўмиб юборишса-я?

Кўзимни секин очдим.

— Ҳа, болақай, ухламаяпсанми?— мурожаат қилди эчки қиёфали амаки,— ҳечқиси йўқ, аста-секин ўрганиб кетасан. Мен ҳам бир ҳафтагача ухлаёлмай роса қийналувдим. Сенам жой танлар экансан. Манави ёнимдаги ҳўкизга бўлса, бари бир. Боши ёстиққа тегди дегунча гүмбурлатиб хурракни отаверади.

Ҳамхоналарим бир оз уёқдан-буёқдан гаплашиб ўтирган бўлишди-да, жойларида бирин-кетин уйқуга кетишди. Тўртовидаям хурракдан бор экан. Умрим бино бўлиб бунақанги нағмачиларни бир жойга ҳам бўлиб, бир-бири билан мусобақа ўйнаганини ҳеч кўрмагандим. Биттаси бўғизланган молдек хирилляпти. Иккинчиси пақ-пақ-пақ дея овоз чиқаряпти. Учинчисининг ичидан карнай десам карнайга, сурнай десам сурнайга ўхшамайдиган ғалати-ғалати шовқинлар отилиб чиқяпти. Тўртинчиси, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг худди олов ўчираётгандек пуф-пуфлаб турибди. Шундай қаттиқ пуфляптаки, тепадаги лампочка нари бориб, бери келяпти. Биттаси кимнидир масҳара қилаётгандек хиринглаб кулиб қўйса, бошқаси пиқиллаб йиғлашга тушади, денг.

— Хур-р-р-ррр

— Пақ-пақ-пақ!
— Чий-чий-чув!

— Пуф-пуф-пуфф,— деган овозлар капани тутиб боряпти. Ярим кечасига борганда, мусобақа яна ҳам авжига чиқиб кетди. Қани айтинг-чи, шунақанги пайтда одам боласи ухлай оладими? Йўқ дейсизми? Демак, мен ҳам ухлаш у ёқда турсин, ўттиз икки тишимни бирдан эговлашаётгандек азобланиб чиқдим.

— Қалай, кўзи бола, яхши ухладингми?— деб сўради эчки соқолли нонуштадан сўнг.

— Ҳа,— деб кўйдим.

— Берироқ кел, бундай бир гаплашиб ўтирайлик. Яхшироқ танишиб олайлик. Сухбатлашиб ўтирмасак, зерикиб қоладиганга ўхшаймиз. Уша тўнни тагинга солиб олақол. Ўз-ўзинга берганман... Мана бу бошқа гап. Олдин акаларингни таништириб кўяй. Юрагида ёли бор йигитлар булар. Кейинчалик сенга асқотиб қолиши мумкин. Мана бу акангнинг оти Ғир Ром, порохўрлик орқасида кўлга тушиб, судланган. Ажойиб порохўр эди. Оҳ-оҳ, унинг очикда юрганини кўрсанг, ойисидан ҳам, дадасидан ҳам пора оларди. Порохўрлик ҳақида китоб ҳам ёзган. Ёзганмисан?

— Ҳа,— деб кўйди, бармоқлари билан ниманидир ҳисоблаб ўтирган киши.

— Мана бу аканг бўлса ажойиб ифвогар. Олдин маҳаллани, кетидан бутун кўни-кўшниларни гиж-гижлаб уриштириб кўйган. Охирида ўз хотинининг устидан ёзиб кўлга тушиб қолган. Хотини чақиб берганга ўхшайди. Буям ифвогарларга қўлланма ёзган. Нечта қўлланма ёзувдинг?

— Еттита,— деб кўйди сухбатга қулоқ солаётган киши.

— Ана кўрдингми, кўзи бола. Ҳандалак шаҳрида адолат қолмади ўзи. Бўлмаса шаҳарнинг бош ифвогари бўламан, деб турган бу одамни муқофотлаш ўрнига бу ерга тиқиб кўйишармиди... Олдин ҳаммамиз ҳам сал бошқачароқ эдик. Бу аканг будқада газета сотарди. Мен бўлсам кушхонада қассоб эдим. Эшитган-дирсан, шаҳарда сарқитлар йиғиндисидан пайдо бўлган Сеҳргар Иблис изғиб юрибди. Иблис ҳаммамизни мана шу кўйга солиб кўйди... Маза қилиб яшаётувдик. Тўғрими, ифвогар?

— Тўғри,— деб кўйди ифвогар.

— Сен нима дейсан?— деб сўради эчки соқол, ҳамон бармоқларини букиб нималарнидир ҳисоблаб ўтирган Ғир Ромдан.

— Гапингни тасдиқлаб берсам, қанча берасан?— бошини кўтармай сўради Ғир Ром.

— Ана кўрдингми, қанақанги йигит бу, — деб кўйди-да, эчки соқолли гапини давом этирди.— Хўш, кўзи бола, сен ўзинг асли Ҳандалакданмисан? Йўқ, дейсанми? Э-ҳа, унда ҳеч гапдан хабаринг йўқ экан-да. Шаҳарда Сеҳргар Иблис пайдо бўлганини ҳам эшитмагандирсан?

— Э-ҳа, ҳамма нарсадан орқада қолиб кетибсан унда. Унинг пайдо бўлиши яхшими-ёмонми, ўзимиз ҳам билмаймиз. Сеҳргар Иблис эсу ҳушимизни олиб кўйган. Мен бўлсам, эшитяпсанми кўзи бола, катта ўғри бўлиб қолдим. Бу ерга келгунча олтига магазини талаганман... Қара-я, ҳаммасидан беҳабар қолибсан. Айтишингга қараганда, ҳали сизлар тарафга Сеҳргар Иблис бормабди-да. Борганда-ку, оғзинга бери пуфлаб сени ҳам муттаҳамга айлантириб қўяди-я. Эҳтимол муттаҳамдирсан? Бу ерга бекорга олиб келишмагандир. Қани, номаи аъмолингни бир гапириб бер-чи?

Юрагимда ваҳима кўзғалди. Синглим Му Тининг гаплари тўғрига ўхшайди. Демак, Сеҳргар Иблис одамларни заҳарлай бошлабди. Ҳаммасига мен айбдорман. Агар ўша қонларни бирлаштирмаганимда... Фан доктори бўлмай кетай, кашфиётларга берилмай кетай, дея ўзимни қарғашга тушдим. Покиза шаҳарнинг устидан нопок сув кўйиб кўйдим-а. Энди умрбод виждон азобида қийналаман. Виждон азобига одам боласи қанча чидаши мумкин, бари бир бир умр чидолмайди-ку. Ундан кўра ўзимни ўзим йўқ қилиб қўя қолганим яхши. Бордию очлик эълон қилиб, берганларини емай, биратўла нариги дунёга равона бўлиб қўя қолсам-чи? Ҳа-ҳа, яхшиси шундай қиламан.

— Ухлаб қолдингми?— овозини хиёл кўтариб деди эчки соқол.— Номаи аъмолингдан гапир деяпман. Сен ҳам бизга ўхшаб Сеҳргар Иблиснинг тузоғига илинган бандамисан ёки хонаки жиноятчилардан бўласанми, отинг нима ўзи?

— Мендан сўраясизми?— дедим очик иқроор бўлишимниям, бўлмаслигимниям билмай иккиланиб.

— Ҳа, сендан сўраяпман.

— Отим Ақром Ақромий.

— А?!— Ифвогар пужинали кўғирчоқдек сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Қаерликсан?— шошилиб сўради эчки соқолли.

— Сойбоши мамлакатиданман.

— Нима-нима?— Бу гал порохўр сапчиб ўрнидан турди.

— Профессор Дар Даражанинг шогирдимисан?

— Ҳа, ўшаман!
 — Сеҳргар махлуқни дунёга келтирган доя тағин сен бўлмагин?
 — Худди ўшанинг ўзиман.
 — Аблаҳ!— деган овоз эшитилди уйнинг тўрт бурчагидан.— Жосус, сеҳргар!
 — Хайрият, ўлмаган экансан,— деб секин ўрнидан тура бошлади эчки соқолли,— ўлганингда армонимдан чиқолмай қолардим. Демак, бизга ўхшаганларнинг бошига кулфат ёғдирган жодугарни яратган сен экансан-да? Уғирлик, муттаҳамлик уруғини нариги дунёдан сен олиб келган экансан-да? Барчамизни Сеҳргар Иблисга банди қилиб бериб, томошамизни кўриб юрган экансан-да?!
 Шу пайтда, ишонсангиз, қўрқув нималигини билмасдим. Ўзимни-ўзим виждон азобидан қутқариш мақсадида ўлимга маҳкум қилганим учунми, энди ҳеч нарсадан тап тортмасдим. Урнимдан туриб, кўкрагимни кердим:

— Ҳа, мен бўламан!
 — Профессорлик унвони камлик қилиб қолибди-да, яна кашфиёт қилмоқчи бўлибдилар-да?!
 — Ҳа, чўнтагимни пулга тўлдирмоқчи эдим.
 — Мана сенга пул!

Билмадим, қайси бири урди экан, чаккамдан олов чиқиб кетгандай бўлди. Бешинчи муштан кейин йиқилдимми, олтинчи зарб йиқитдимми, билолмай қолдим. Қаршилик кўрсатишга ҳолим келмасди. Думалатиб хонанинг у бурчагига, гоҳ бу бурчагига олиб бораётганларини элас-элас эслайман, холос. Сарқит балосига йўлиққанлари учун мендан ўч олишаётганлари аниқ. Армонларидан чиқиб олсин деб, тек туриб бердим... Икки марта кўзимдан олов чиқиб кетгандай бўлди. Кейин нима бўлганини билолмай қолдим.

XX боб

Ҳошимжоннинг Сеҳрли қалпоқчаси ёрдамга келибди

Ўша куни ўлмаганимни шифохонада ўзимга келганимдан кейин билдим. Лекин ўлгандан баттар бўлибман. Буни менга шифокорлар айтиб беришди. Икки кўзим ўрнидан ирғиб чиққан, вужудимда нечтаки суяк бўлса, ҳаммаси синган, беш-олти жойда этларим ҳам узилиб кетган экан. Қайтадан дунёга келишим бир мўъжиза бўлибди. Синган суякларимнинг бу қадар тез битиши эса, иккинчи мўъжиза деб баҳоланиб, Ширинов қовунлар мамлакатада катта шов-шувларга сабаб бўлибди; тез дармонга кириб кетишимнинг сабабига эса докторлар ҳалигача тушунишмаётган эмиш. Бир гуруҳи бу қовун шарбатининг хосияти деса, иккинчи гуруҳи, йигитчанинг вужудида аллақандай сеҳрли қувват бор, деган тахминни айтишибди. Хуллас, мен бу ерда ҳам еттита ёш олимнинг кандидатлик диссертациясига мавзу бўлибман. Биттаси синган суякларимнинг битиши тезлигини, биттаси узилган этларимнинг аслига қайтиш жараёнини... э, боринги, еттовии етти томонимдан илмий кузатишлар олиб борибди-да. Уч ой деганда мен яна гижинглаган тойчоқдек сакрай бошладим.

Миямга ўрнашиб олган ўша шум фикр, яъни юз берган, бераётган тартибсизликлар учун ўзимни энг олий жазога маҳкум этишим керак, деган ўй мени ҳеч тарк этмаяпти. Ярим кечаси эди шекилли, уйқум қочиб, туғилиб ўсган қишлоғимни, катта-кичик ўртоқларимни бир-бир эслаб гоҳ кулиб, гоҳ хўрсиниб ётган эдим. Кимдир отимни айтиб чақираётгандай бўлаверди. Урнимдан туриб, чироқни ёқдим. Атрофга алангладим, ҳеч ким йўқ. Менга шундай туюлгандир, дедим-да, қайтиб ўрнимга чўзилдим. Яна ўша овоз такрорланди. Қизиқ, жуда танишдек, илгари эшитгандекман.

— Кимсан ахир, қўрқиб кетяпман? — деб сўрадим.
 — Қўрқма,— деди овоз.
 — Қўрқмай десам ҳам қўрқиб кетяпман.
 — Мен Сеҳрли қалпоқчаман.
 — А?!
 — Танимадингми? Яхшироқ ўйла. Мени танийсан.
 — Улай агар, ҳеч нарсага тушунмаяпман.
 — Қасам ичма. Ҳошимжонни танирсан?
 — Катта Тағоблик мақтанчоқнимми?
 — Мақтанчоқ дема уни.
 — Нима дей бўлмаса?
 — Дунёда унақанги ростгўй, унақанги камтар бола йўқ. Мени бошига кийиб, дунё бўйлаб саёҳатга чиққанини, ҳойнаҳой, эшитгандирсан?

— Эшитганман. Бирга ўнни қўшиб сўзлаб ҳам берган. Кейин бир ёзувчи шуни китоб қилиб ёзган.

— Ўша камтарин ўртоғинг саёҳатдан қайтгач, мени сенга совға қилган эди, эсингдами? Менга унча аҳамият бермадинг. Эркалаб кўксингга босмадинг. Катта Тағобдаги ҳовлиларингни сотиб, сойбошига кўчиб кетаётганларингда мени молхонадаги тўсиннинг тагига қистириб кетдинг, эслайсанми? Хафа бўлмадим, негаки, ўша пайтда олдингга қўйган катта мақсадинг йўқ эди. Оғир шароитга ҳам тушмаган эдинг. Севган машғулотинг — кўчани чангитиб тўп тепиш, яққаю яғона орзуинг — нариги маҳалла командасини ютиш эди. Шу ҳам орзу бўпти-ю! Одам боласи катта-катта мақсадлар билан яшаши шарт. Лоақал инсониятнинг бешдан бирини бахтли-саодатли қиламан, деб енг шимариши керак. Ўша пайтларда мақсадинг кичкина эди, тўғрими? Шу сабабли мен ўзимни сендан тортдим, сеҳримни ошкор қилмадим. Нариги маҳалла командасини ёрдамимсиз ҳам ютишинг мумкин эди... Эшитяпсанми?

— Эшитяпман,— дедим ҳамон ақлим ҳеч нарсага етмай.

— Аммо, ҳозир мақсадинг юксак, олижаноб ниятларинг бор,— дея давом этди Сеҳрли қалпоқча,— Ҳандалак шаҳри фуқаросини сарқитлардан қутқармоқчисан. Умрини узайтирмоқчисан, шундайми?

— Улай агар, шундай қиламиз деб орзу қилувдим,— дедим негадир ўпкам тўлиб.

— Қасам ичма. Бу мақсадингга бурнингнинг ҳид олиш қуввати билангина эриша олмас эдинг. Нима бўлганда ҳам бурун бурун-да. Боз устига, қовун туширадиган одатинг бор. Мана ҳозир ҳам бир аравасини тушириб, жаврини тортиб ётибсан. Мен келиб ёрдам кўрсатмаганимда сени уч ой олдин кўмиб юборишган бўларди.

— Мен ўшанда ўлганмидим?

— Улим тўшагиде эдинг.

— Аҳволим ночорлигини сен қаёқдан билдинг?

— Мен сеҳрлиман. Кимнингки нияти олижаноб, мақсади улуғ бўлса ва бу дунёда менинг борлигимга қаттиқ ишонса, ўшанинг ёрдамчисман. Мен халқнинг орзулари, армонлари ва пок ниятидан тўқилганман. Ёмон ниятли одамларнинг кўзига кўринмайман. Яхши ниятлиларни муроду мақсадига етказаман.

— Менинг ҳам мақсадим яхши эди...

— Демак, сен ҳам муродингга етасан.

— Сен ўзи бу ерга қандай келиб қолдинг?

— Сен келган йўлдан келдим.

— Ҳошим яхши юрибдимми?

— Юрибди ҳаммани кулдириб.

— Ойижоним, укаларим...— гапимни тугатолмадим. Ўпкам тўлиб турган экан, ҳўнграб йиғлаб юбордим.

— Сеҳрли қалпоқчам,— дедим ҳиқиллаб,— кечир мени. Кўнглим бузилиб кетди. Сен қаердасан, ўзи? Мен сени кўрмаяпман-ку!

— Ёстиғинг остидам.

Шоша-пиша ёстиғимни кўтардим. Рост, ойнинг нуридек майин илақдан тўқилган Сеҳрли қалпоқча худди қуёшнинг бир парчасидек ял-ял ёниб турибди. Ҳали хурсанд бўлаётувдим, энди довдирай бошладим. Нима қилишимни билмасдим. Қувончим зўрлигидан юрагим гурсиллаб ура бошлади. Йиғлайми, кулайми, оламни бошимга кўтариб қиқирайми — ҳаммасига ҳам лойиқ воқеа содир бўлмоқда эди... Эҳтимол туш кўраётгандирман, деган беаза фикр бошимга келдию кўрқиб кетдим. Туш кўраётганим учун эмас, йўқ, мабодо туш кўраётганим рост бўлса, уйғонсам Сеҳрли қалпоқчадан ажралиб қоламан, деб кўрқдим. Ахир, мана ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, мен ҳозир ёрдамга жуда ҳам муҳтожман. Аҳволим ночор, бу дарвозаси берк дунёдан ўз ақлим, ўз кучим билан чиқиб кетолмайдиганга ўхшайман. Сизга айтувдим шекилли, роботлар текшириб кўришган, ақлий ривожланишим тўртинчи синф ўқувчиси даражасида. Шундай бўлгач, Сеҳрли қалпоқчанинг ёрдамига муҳтожман-да.

Қалпоқчани бошимга авайлаб кийиб, навбатчи докторлар ўтирган хонага аста кириб бордим. Иккита доктор, ухлаб қолмаслик учун бўлса керак, аччиқ-аччиқ кўкчой ичиб, гурунглашиб ўтиришган экан. Нақ ёнларига бордим ҳамки, сезишмади. Доктор, менга уйку дори керак, деб овоз чиқардим. Икковлари бир-бирларига аланглашиб олишди.

— Гапиргандек бўлдингми? — сўради бирови.

— Йўқ, қорнинг кулдиради шекилли,— деб қўйди бошқаси.

Демак, мени кўришмаяпти. Қалпоқча чиндан ҳам сеҳрли экан. Олдин биринчисининг, кетидан иккинчисининг пиёласидаги чойини ичдим-да, чойнагини ҳам олиб кўздан холироқ жойга беркитиб қўйдим.

— Ие, чойнак қани? — деди биттаси.

— Тавба, пиёлалар ҳам йўқ бўлиб қолди,— деди бошқаси хангу манг бўлиб. Бировининг елкасига муштладим, бошқасининг биқинини қонатгудек чимдиб олдим. Икковини ҳам ёмон кўриб қолганман. Менга аталган дориларни нукул ташқарига чиқариб чайқов қилишади.

— Мени туртма!

— Нега чимдийсан бўлмаса! — дея икковлари тиккама-тикка бўлиб кетишди.

Ташқарига отилдим. Хурсандлигимни айтсангиз, гўё дарё бўлиб қирғоққа сўймай тўлқин ураётгандекман. Қуш бўлиб поёнсиз фазоларда қанот қоқаб ётгандекман. Сакрайман, ирғишлайман. Тонг отиб қолган экан, одамлар ғимирлаб қолибди. Фаррошлар чангитиб кўча супуряпти. Қовуннусха, ҳандалакнусха автобуслар ғизиллаб уёқ-буйёққа ўтиб турибди. Кимдир бозорга ошиқади, кимдир туртиниб-суртиниб корхонасига шошади. Фаррошнинг қўлидан супургисини олиб, хў нарига бориб кўчани супура бошладим.

— Ие, ие! — деб ёқасини ушлаб қолди фаррош.

Ўрта ёшли бир киши обкашда икки челақ қатиқ олиб кетаётган экан, калтак-палтаги билан олиб, елкамга илдим-да, югургилаб кетдим.

— Ё, тавба, ё тавба! — дея орқамдан чопа бошлади қатикчи.

Қаёққа кетяпман, нега бундай қиялпман, ўлай агар, билмайман. Устозим Дар Даражанинг дарвозасига пешонам текканидагина ўзимга келгандай бўлдим. Ҳа, айтгандай, синглим Му Тини кўргани ошиққан эканман. Улар бу уйдан кўчиб кетган, деган жавоб бўлди ичкаридан. Уша овоз яна қаерда яшашларини билмайман, дея таъкидлаб ҳам қўйди. Бўшашдим-қолдим. Бамисоли қалбимдаги қувончни кимдир қўли билан сидириб олгандек. Қўча эшик олдида сада ёғочидан йўнилган курси бўларди. Кечқурунлари кўпинча устозим икковимиз ўтириб, аччиқ-аччиқ чой ичиб, мириқиб суҳбатлашардик. Хайрият, курсини кўчириб ташлашмабди. Ундан назаримда ҳалигача устозимнинг ҳиди келиб тургандек, ўтириб ўй суриб кетдим... Хўш, мулла Ақром, энди нима қилмоқчимиз, деб сўрадим ўзимдан. Шу қочганча қочиб кетаверамизми ёки кўнгиллари бошқа бирор нарсани хоҳлаяптими? Бугун бир амаллаб сингилчангизни топиб, дийдорига тўярсиз. Эртага устозингиз билан ҳам учрашарсиз. Хўш, ундан кейин-чи? Шифохонада қидирув бошланди. Эҳтимол, бошлангандир ҳам. Сизни хавфли қочоқ деб эълон қиладилар. Суратингизни минг жойга ёпиштириб, ушлаб келганга мунча, дарагини айтганга шунча, деб мукофот аташади... Умуман, қочиб, беркиниб юрган яхшими ёки, қилинган хатони бўйинга олиб, мардонавор туриб берган яхшими? Қочоқлардан одамлар нафратланади. Хўш, мулла Ақром, гапирсинлар, шаҳар фуқаросини оғир аҳволга тушириб, Сеҳргар Иблиснинг қўлига топшириб қўйган азамат ўзлари бўлади-ку!

— Хўш, сен қандай маслаҳат берасан, Қалпоқчам? — сўрадим охири.

— Мулоҳазанг тўғри,— фикр билдирди Қалпоқчам,— мен қочоқларга ёрдам беролмайман.

— Шифохонага қайтайми?

— Жиноят қилганмисан, ахир?

— Сеҳргар Иблисни дунёга келтирган мен бўламан.

— Демак, энди жазосини ҳам тортишинг шарт, бошқа иложинг йўқ.

— Унда сен нега келдинг бўлмаса?

— Сенга далда бўлгани.

— Шунча муддатга қандай чидайман?

— Эҳтимол, бир йил ҳам ётмассан.

— Мен Сеҳргар Иблис билан жангга киришмоқчи эдим, иложи бўлса, бугун бошласам девдим.

— Ҳаммасига улгурасан.

— Ёрдам берасанми, кетиб қолмайсанми?

— Ёрдам бергани келганман.

Қалпоқчам, халоскорим, дея ирғишлай-ирғишлай яна шифохонага жўнадим. Вақтида етиб борибман. Андак кечиксам, рация орқали қидирув эълон қилиб юборишмоқчи экан.

XXI боб

Қовунтоғ устида суратга тушдим

Сеҳргар Иблис шаҳар фуқароси бошига офатлар ёғдириб, бир-бирлари билан жиққамушт уриштириб қўйгач, энди ишни далада бошлабди. Қовунчи деҳқонларни ишёқмас қилиб сеҳрлабди. Қовунлар чопиқсиз, сувсиз қолиб, гул-гуллагача, хомак-хомакклигича сўлий бошлабди. Энг ёмони, шаҳарда қовун етишмаётган эмиш, бир тилими фалон пул эмиш. Қаллоблар кўпайиб кетиб, ичсанг лабларингни бир-бирига ёпиштириб қўядиган шарбатларга сув аралаштириб сотадиганлар ҳам

чиқиб қолибди. Қовун қаҳатчилиги мен ётган шифохонада ҳам сезилиб турарди. Илгариги қанду асал қоқилар қаёқда дейсиз. Пўчоғига ҳам зор бўлиб қолдик.

Раҳбарлар маслаҳатлашиб, бизни қовун чопиғига олиб чиқишга қарор қилишибди. Менга ўхшаган бақувват-бақувват йигитлардан анчасини тўплаб, Ша Кар районига олиб кетишди. Тавбахонани сизга таърифлаб ўтирмайман, яшаса бўладиган. Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, бизни бу ерга парваришлаб, буқадек семиртиргани ёки бўлмаса, белимиз оғриб қолса қўли юмшоқ ҳамшираларга массаж қилдиргани эмас, ишлатгани олиб келишган. Бизни сафга турғизиб қўйганлар худди шу мазмунда маъруза айтишди. Охирида:

— Хўш, яхши ишлаймизми? — деб сўрашди.

— Начора, ишлаймиз, — дея жавоб қайтардик.

Бешта бригада тузилиб, ҳар бирига бир гектардан полиз ажратиб берилди. Раҳбарлар ташвишланганларича ҳам бор экан. Ҳар ғумайлар ўсибдики, кесиб олиб, поясини кетмонга даста қилса бўлади денг. Печак ўтни айтмайсизми, супрадек жойдан икки қоп тўлади. Оҳ-оҳ, бу ўтлар қишлоғимизда бўлармиди, бир эгатидан маҳалланинг молини тўйғизса бўларди-я, шўринг қурғур қовунпалаклар сарғайиб ётибди.

— Ўғит бер!

— Сув қуй!

— Тагимни чоп! — дея ёлборишаётганга ўхшайди.

Нима десангиз ҳам мен деҳқон боласиман-да. Ачинмай туролмайман. Биттадан эгат бўлиб беришди. Кунлик норма шу экан. Иш бошланди, назаримда ёмон бошланмади шекилли. Ғайрат билан беш-ўн кетмондан урилгандек ҳам бўлди. Ишбошилар марзага ўтириб, сигарет чекишга тутиндилар. Шу пайт чопиқчилардан бири қўлидаги кетмонни иргитди-да:

— Ғирт аҳмоқ эканмиз, — деб қўйди.

— Нега? — савол беришди шериклари

— Хўжайинлар мазза қилиб қарта ўйнашяпти.

— Тўғри, — гапни илиб кетди учинчиси, — эрталаб етти коса қаймоқ олдириб келишувди, ўшани иссиқ нон билан ейишаётганга ўхшайди.

— Эҳтимол, пиво ҳам ичишаётгандир?

— Оҳ-оҳ, тавбахона томондан қовурдоқнинг ҳиди келяпти, биттагина жазидан беришсайди.

Мана шунақанги гаплардан кейин чопиқчилар, биз ҳам ишламаймиз, дам оламиз, ҳеч бўлмаса биронта ўйин топиб ўйнаймиз, дея маслаҳат қила бошладилар. Биттаси кетмонларнинг дастасини чиқариб от қилиб миниб, пойга ўйнаймиз, деган эди, бошқаси қаттиқлик қилади, юмшоқ жойларимизни яра қилиб қўяди, дундан кўра бир-биримизни от қилиб миниб, иккита-иккитадан бўлиб олиб, пойга ўйнаймиз, орқада қолгани ютқизган бўлади, дея таклиф киритган эди, ҳаммаларига маъқул бўлди шекилли, қарсақ чалиб юборишди. Мен ҳам ориққина бир йигитчани эндигина мианам деб турган эдим, қўлтиғимда турган Қалпоқчам:

— Минма, — дея шивирлаб қолди.

— Нега минмас эканман, ахир бу мазза-ку, — дея сўрадим шивирлаб.

— Буларнинг ҳаммасини Сеҳргар Иблис сеҳрлаб қўйди.

— Қачон?

— Ҳозиргина.

— Мени ҳамми?

— Сени эҳтиётлаб қолдим. Ҳозирча эс-хушинг жойида, қўрқма, сеҳр сенга таъсир қилмайди. Хў, ана, Сеҳргар Иблис биттасини от қилиб миняпти, чапдан учинчиси.

— Йўғ-э, — дедим ранг-қутим ўчиб. — Ахир бу ўзимиз билан келган чопиқчилардан-ку?

— Иблисинг чопиқчи қиёфасига кириб олди.

— Ҳозир мен уни бўғиб ташлайман.

— Узингни бос, мулла Акромий, уни ҳозир на бўға оласан, на даф қила оласан. Жуда ожизсан. Вақти-соати келар, жангга ҳам киришарсан. Ҳозирча кетмонга ёпиш, ишла, жони-жаҳдинг билан ишла. Пешонангдан тер шовиллаб қуйилсин. Ана шу тер сени сеҳрдан эҳтиёт қилади. Нега анграйиб қолдинг? Кетмонни чоп деяпман, чоп тезроқ!

Қовун пайкални «от»ларнинг кишнаши, «чавандоз»ларнинг қийқириқлари қоплаб кетгандек бўлди. Бундай қарасам, ҳай-ҳай, «от»лар тумшуғини олдинга чўзиб, шундай югуряптики, «чавандоз»лар энгашиб олиб, тизгинларини силтаб-силтаб шунақанги қамчи уряптиларки, ишонсангиз, ҳавасим келганидан ўзимнинг ҳам тўрт оёқлаб югургим келиб қолди. Беихтиёр кишнаб юбордим.

— Кетмонни чоп, — деган овоз эшитилди яна қўлтиғимдан.

Жони-жаҳдим билан кетмонга ёпишдим. Чопиқни соғиниб қолган эканман, кетмон чопмоқ — олмоқ-солмоқ, қўш ҳайдамоқ, бормоқ-келмоқ, хамир қор-

моқ — жон чиқмоқ, дея хиргойи ҳам бошлаб юбордим. Очигини айтиб қўя қолай, мен кетмонни ёмон чопмайман. Тенгқурларим орасида менга етадигани йўқ эди. Ғўза чопиқ дейсизми, ариқ қавлаш дейсизми, молхонадан туйнукча орқали ташқарига гўнг отиш дейсизми — ҳаммасида ҳам қишлоқнинг олди йигитларидан эдим. Лекин шуни ҳам айтиб қўяйки, кетмон чопаетганда шошмаслик керак. Белни фоз тутиб, дастани ўртароғидан ушлаб, бир меъёрда урсангиз, ҳам толиқмайсиз, ҳам ишингиз унумли бўлаверади.

Пойгачилар, негадир, ашула бошлаб юборишди.

Тўрвангга ем солганман,
Тез-тез хабар олганман.
Елинг тараб турганман,
Чу, тулпорим, чу!

Шарбат ичган бедовсан,
Сувдан кечган бедовсан,
Ишдан қочган бедовсан,
Чу, тулпорим, чу!

Қарасам, пойгачиларнинг ашуласига, сакраб-сакраб «от» чоптиришларига маҳлиё бўлиб боряпман. Узимни эҳтиётлаш учун мен ҳам хиргойи қила кетдим:

Пайкалларда қовун кўп,
Ҳар эгатда етмиш туп,
Пишса еймиз тўйиб хўб,
Чоп кетмоним, чоп тезроқ!

Кетмон чопсанг наҳорда,
Қовун есанг саҳарда,
Узум пишса баҳорда,
Чоп кетмоним, чоп тезроқ!

Соқчилар муздек-муздек пиво ичишиб, тол соясида ухлаб қолишган экан. Уйғониб қарасаларки, мана шунақа аҳвол, кўрқиб кетишибди. Пойгачиларни туртиб-суртиб пайкал ичидан олиб чиқа бошладилар. Ҳаммаларини қатор турғазиб қўйишди. Биттаси сафда турган жойида ҳам ер тепиниб, кишнаб юборса бўладими! Соқчилар бу қанақа тартибсизлик, қанақа аҳмоқчилик, кап-катта одамсизлар, уят эмасми, дея дўқ уришган эди, пойгачилар бир оғиздан, биз ҳеч нарса қилганимиз йўқ, деб тониб олишди, кўзларингизга шундай кўринаётгандир, деб таъкидлаб ҳам қўйишди.

Қанчадан-қанча панду насиҳатлардан кейин чопиқчиларни яна ишга туширдилар. Барибир нафи бўлмади. Аввал озгина эшакминди ўйнайлик, кейин ишлаймиз, деб туриб олишди. Бу ўйин тугагач, энди чарчадик, ётиб дам оламиз, дея кўм-кўк майсалар устига чўзилиб, гүмбурлатиб хуррак отишга тушдилар. Эртасига ҳам, индинига ҳам шу аҳвол давом этаверди. Бу ўртада менинг довруғим ошгандан ошаверди. Биринчи кун тўрт норма бажарган эканман. Эртасига ўн бир кишининг ишини қилибман. Бора-бора, кунига бир гектар ерни чопадиган бўлдим. Аввалига бу ерда чиқадиган деворий газетада, кейинчалик бошқа газеталарда ҳам менинг ҳақимда суратлар босила бошлади. «Сеҳрли кетмон» деб бир ёзишди, «Бир кунда ўттиз норма» деб яна ёзишди. Тўғри, ўттиз нормага етказиб иш бажарган кунларим ҳам бўлган. Лекин астагина қулоғингизга айтиб қўяй, бу ишларнинг ҳаммасини бир ўзим бажармадим. Уч-тўрт нормаси меники бўлса бордир. Қолгани мададорим — Қалпоқчамники эди. Гоҳо шундай пайтлар ҳам бўладики, ўзим бир кетмон ураман-у, чап томонимдан ўнта, ўнг томонимдан ҳам яна шунча кетмоннинг овози эшитилаверади. Бамисоли бир пайкалда бутун бригада ишлаётгандек. Унум ҳам шунга яраша. Бир энламини бошласам, эгат охирига етгунча ўттиз энлам бўлиб қолади денг. «Сеҳрли кетмон» деб мақола ёзишган кунларда худди шунақа бўлган эди. Уша мухбир аввалига «Трактор одам» деб ёзмоқчи ҳам бўлибди-ю, кейин бу йигитни мен трактор деб таърифласам, унинг керосин қўйиладиган жойи йўқ, кўрсат десалар оғзи билан бурнини кўрсатаманми, деб ўйлаб, фикридан қайтибди. Узим ҳам ҳали айтганимдек чакана тер тўкмадим. Гоҳо кечалари ҳам пайкалда ётиб қолишга тўғри келарди. Уч, нари борса тўрт соат ухлайман, холос.

Бир кун пайкал бошида ёнбошлаб ётган эдим, соқчилардан бири ҳаллосланганча келди-да, тезда юрар экансиз, катта хўжайинлар йўқлашяпти, деб олиб кетди. Ичкари кирсақ, бошлиғимиз ёнида ундан кўра савлатлироқ яна бир бошлиқ ўтирибди. Шунақанги басавлатки, асти қўяберасиз. Нафас қисиш касали бор эканми ёки ҳаддан ташқари семириб кетганидан нафас олиши қийин бўляптими, ҳар қалай, бир кўзини хиёл қисган, бурнидан хўштак чалаяпти.

— Келдингми, ўғлим? — дея бошлиғимиз илкис ўрнидан туриб иккала кўлини баравар узатди.

Айтгандек, сизга айтаман деб ёдимдан кўтарилибди, бошлиқ билан мен худди ота-боладек бўлиб кетганмиз. У мени «ўғлим» дейди, мен бўлсам «оппоқ дада» деб чақираман. Кўришиш учун басавлат кишига ҳам қўл узатмоқчи бўлувдим, у негадир энди бу кўзини ҳам юмиб олди, оташкурадек чўзилган қўлларим ҳавода муаллақ қолди. Бир бало борга ўхшайди.

— Чой ичасанми? — сўради бошлиғим.
 — Майлингиз,— дедим секин орқамга тисарилиб.

Бошлиғим гапни узоқдан бошлади. Узимдан қолар гап йўқ эмиш, Ширин қовунлар мамлакати қовунсиз яшай олмас экан. Сўнги икки йил ичида ҳосилдан барака кетиб, аҳолининг бир қисми ичкетиш касалига чалиниброқ турган эмиш. Ёрдамчилардан эса, ўзим кўриб турганимдек, умид йўқ эмиш. Текшириш учун келган басавлат раҳбардан яхши бир маслаҳат чиқибди, Яъни...

— Яъни, — бошлиғим икки кўзини юмиб хуштак чалаётган басавлат раҳбарга бир қараб олди. — Яъни, сенинг меҳнат қилиш қобилиятинг беқиёслигига энди ҳеч биримизда шубҳа қолмади. Ҳатто энг катта идоралар ҳам тан бериб сенга фахрий ёрлик, пул мукофоти бериб юборишибди. Яъни, буларни сенга ҳалироқ, тантанали равишда топширамыз. Яъни, меҳмон бўлиб келган раҳбарларимизнинг маслаҳатига кўра сен билан шартнома тузамиз.

— Шартнома?! — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, шартнома. Яъни, айтмоқчиманки, хўп, бизга эллик гектар қовун полиз биркитилган, шундайми?

— Шундай?

— Яъни, бир ўзинг шунча ерни чопиқдан чиқардинг, суғординг, ўғитладинг, шундайми?

— Шундай.

— Яъни, ўттиз кишининг ишини бажаряпсан, яъни энди уёғи нима бўлади?

— Билмайман.

— Яъни, сен ўғлим, аввалги ғайрат билан ишламасанг, энди буёғи расво бўлади. Ёрдамчилардан умид йўқ, ҳаммаси масхарабоз, найрангбоз бўлиб қолди. Билмадим, бу бало уларга қаердан ёпишди экан... Гектаридан ўттиз тоннадан қовун оламиз деб қўшни хўжалик билан шартнома тузиб қўйганмиз. Хабаринг бордир? Энди буёғи нима бўлади?

— Билмайман.

— Яъни, сен билан шартнома тузамиз. Шу эллик гектар ердаги қовуннинг ҳосилини йиғиб олгунча ўзинг парваришлаб берасан. Яъни, бир ўзинг деяпман. Яъни, бир ўзинг ўттиз ёрдамчининг ишини бажаришни давом эттирсанг, сен бутун жиноятингни бир йилда ювиб ташлаган бўлсан. Шартнома тузамизми?

Худди шу пайтда эътиборли раҳбар кўзларини очиб:

— Бу фикрни мен айтдим, — деди-да, яна кўзларини юмиб олди.

Қани, ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, бунақанги шартномага йўқ деб бўладими? Ахир мен чеккан машаққатларимга, тинимсиз қилган меҳнатларимга мукофот оляпман-ку! Йўқ, бу шартнома эмас, мукофот, энг катта мукофот! Туну кун тинимсиз ишлаб, озиб-тўзиб, юзимда бурнимнинг ўзи қолди-ку, ахир! Наҳотки, йўқ десам!

— Розиман, — дедим шошилиб.

Эътиборли раҳбарнинг кўзлари яна очилиб кетди:

— Бизни уялтириб қўймайсанми?

— Уялтирсам... — дедим дадил туриб, — муддатимга яна шунча қўшиб берсаларинг ҳам майли.

Гапим икковига ҳам маъқул бўлди шекилли, ўша куниек шартномага ўчовлашиб қўл қўйиб юбордик. Уёғи кўнгилдагидек бўлди. Бир ғайратимга ўн ғайрат қўшилиб кетди. Қалпоқчам ҳам энг шимариб ишга киришди. Гектаридан шартномадаги ўттиз тонна ўрнига ўттиз уч тоннадан қовун етиштирибман, денг. Қўшни хўжаликнинг аъзолари ҳашарга келишиб, бир минг олти юзу эллик тонна қовунни бир жойга уйишиб, бамисоли катта бир тоғ барпо қилишди. Тавбахона бошлиқларимиз, шу атрофнинг катта-кичик раҳбарлари тўпланишган экан, мени кўярда-қўймай, қовунтоғ устига чиқариб, суратимни олишди. Кейин шунақанги иззату икром билан кузатишдики... Майли, уёғини кейин айтиб берарман. Ҳатто ўша кун битта энгил машина ҳам совға қилиб, катта йўлга чиқиб олгунимча карнай-сурнай чалиб, қўлларини силкитиб туришди.

XXII боб

Севгилимни ахтариб

Ҳандалак шаҳрига қараб учиб боряпман. Қўлим рулда, кўзим йўлда. Хаёлим эса, эҳ-хе, қаёқларда кезмаяпти дейсиз! Қандай хурсандлигимни шунақанги хурсанд бўлган одамгина тушунади. Ахир ўзингиз ўйланг, кунни кеча қай аҳволда эдим, энгил машинага эга бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Машина эмас, қўғирчоқ дейсиз. Ичларини ҳам худди келин-куёвларни ЗАГСга оборадиган

машинадек ясатишибди. Ҳаммаси меҳнатим туфайли бўлди, дея ўйлаб боряпман, ҳа-ҳа, меҳнатим туфайли! Жон-жаҳдим билан ишлаб, рекорд устига рекорд қўймаганимда бу ҳурматлар қаёқда эди! Қишлоғимиздаги бригадирга раҳматлар айтгим келяпти, меҳнатга мени ўша ўргатган. Ҳозир ёнимда бўлганда пешонасидан чўлпиллатиб ўпиб олган бўлардим... Йўл чеккасида икки йигит ўтиришган экан. Уринларидан туриб, баробар қўл кўтаришди. Олсам олиб кетай дедим-да, машинамга тормоз бердим. Ҳандалакка кетишаётган экан, орқа ўриндиққа ўтқазиб олдим.

— Менга қара, гапни бас қилайлик, — деди ўтириши билан новчароғи. — Сен ўша Акром Акромиининг ёнини олаверма. Жосус дедимми, тамом-вассалом!

— Йўк, у — қахрамон. Мана бу суратини қара, тоғдек қовун уйибди-я! — эътироз билдирди паканароғи.

— Жосус деяпман!

— Қахрамон!

— Биқинингдан дарча очиб қўяман!

— Жосус деган тилингни суғуриб оламан...

Тавба, бу қанақаси бўлди-а? Орқамга бир назар ташлаб олдим. Туппа-тузук йигитлар. Атайлаб йўлимга чиқариб қўйишдимикан? Бирон ишқал чиқариб, яна орқамга қайтариб олиб кетишса-я! Мен Ширин қовунлар мамлакатини заҳарлаш учун ўзим билан сарқитлар микробини олиб келиб, ундан Иблис деган махлуқни ясаб, қўйиб юборган эмишман. Жосус эмишман. Буни новча йигит айтяпти. Ҳаммаси бемаъни гаплар булар. Акромиий ўзи билан пок ният, олийжаноб мақсад олиб келган. Нияти ўзимзининг вужудимизда бўлган сарқитлар микробини тугатиш эди. Уримизни узайтириш эди. Бу гапларни пакана йигит айтяпти.

— Йўк, бари бир, жосус у!

— Ўзинг жосуссан, аблаҳ!

— Ким аблаҳ?

— Ичиқора, маразсан!

— Мана сенга мараз!

Дон талашган жўжаҳўрозлардек тепкилашиб кетишди. Нима қилишимни билмай қолдим, ажратсамми, қўйиб берсамми... Йўк, бир гап чиқаришмоқчи булар. Араллашиб бўлмади. Машинамни шартта тўхтатдим-да, урчиётган бақадек бир-бирининг устига мингашиб олишган экан, оёқларидан тортиб, пастга тушириб, тезгина жўнаб кетдим. Шу пайтда юрагим қоқ иккига бўлингандек бўлди. Ярмига қувонч, ярмига ғусса қуйилди. Қувончим шундан иборат эдики, демак, мени деб кимлардир енг шимариб жанг қияпти. Ғуссамнинг сабаби шунда эдики, покиза номимга Иблис туфайли доғ тушириб олган эканман. Демак, юзимнинг бир томони кундек ёруғ-у, бир томони тундек қора экан.

Ҳандалак марказидаги чорраҳага кирганда иккиланиб қолдим. Рулни қаёққа бурсам экан. Аввал севгилни Гу Лини ахтариб топиб, қутулиб келганимни айтиб мақтансамми ёки синглим, тирик етим бўлиб бўзлаб юрган Му Тини қидирайми? Бир ёқда ишқ оташи, бир ёқда акалик меҳри, уфф...

— Ҳов овсар! — деб қичқирди чорраҳадаги соқчи. — Машинангни ол бирор ёққа!

— Ути ўчиб қолди, — деб баҳона қилдим.

Му Тилар яшайдиган тарафга бурилдим. Бахтимга ишим ўнгидан келди. Осонгина топиб олдим. Билмадим, бу соф тасодифми ёки тақдирнинг тақозосими, қаранг, ҳў бирда мен ишқу муҳаббат баён қилиб хат ёзганим Гу Ла холам бор эди-ку, эсладингизми, Му Тини ана ўша кампир қиз қилиб олган экан. Оҳ, учрашув дақиқаларидаги қувончимизни кўрсангиз! Йўк, буларни мен сизга кейинроқ бафуржа таърифлаб бераман. Шошилиб турибман, ҳар нарса бўлай, тўрқовоққа тушган беданадек бетоқатман. Кўз ўнгимда — Гу Лихоннинг гул-гул яшнаб турган қиёфаси. Улиб қоласиз деб жуда кўрққан эдим, хайрият уйгондингиз, дегани қулоқларим остида кумуш кўнғирокдек жаранглаб тураверади. Ҳа, у мени севади, севмаса бу гапларни айтмас эди. Ҳузурга шошилишим керак.

Ўша кунни, билмадим, ўнг томоним билан турган эканманми, қайси ишни ихтиёр қилсам, ўнгидан келаверди. Гу Лини топиш ҳам унча қийин бўлмади. Ўзи ишлайдиган шифохонанинг орқасидаги катта гулзорда бир йигит билан чақчақлашиб ўтирган экан. Йигитга кўзим тушгач, вой тавба, одам боласининг гавдаси ҳам шунақа катта бўладими, деб ўйладим. Елкалари шунақа кенгки, ҳар биттасида биттадан одам ўтириб, чой ичса бўлади. Билакларидоги мушаклари беш килолик қадоқ тошдек ирғиб чиққан. Мўйловни айтмайсизми, оғзи қаердалигини билиб бўлмайди. Бу одам боласи эмас, дев, деган фикр ўтди бошимдан. Бунақанги улкан гавдани шу ўлкага келганимдан буён иккинчи бор кўришим. Биттасини Чинор Чинорий деб аташарди. Уни сизга таништирганман... Бу барзанги эҳтимол ўшанинг ўғлидир, важоҳатини қаранг, ҳай-ҳай яқинига боргани юрак бетламай-ди-я!

Бошимга Қалпоқчамни кийиб, аста яқинлашаётган эдим, хайрият, Барзанги хайрлаша бошлади:

— Гап шу, — деди ўрнидан туриб, — кутаман.

— Қўйинг шунақа гапларни, — деб қўйди Гу Ли нозланиб.

Барзанги севгилимнинг нозик қўлчаларидан беозоргина ўпиб, жўнаб кетди. Упди. Ўз кўзим билан кўрдим. Рашк деган нарса ёмон бўларкан, ловуллаб ёниб кетдим. Бир хаёлим, ахир мен кўзга кўринмайман-ку, катта таёқни олиб, Барзангини савалаб қолай ҳам дедим. Лекин фикримдан қайтдим. Нега десангиз, Қалпоқчам фақат хайрли ишларга ёрдамлашаман деб огоҳлантириб қўйган. Буюк ишлар олдида унинг марҳаматидан айрилиб қолишдан кўрқардим.

Гу Ли ширин хаёлларга толганча гулзор ўртасида тек туриб қолди... Бас бойлашиб айтаманки, бунақанги гўзал, бунақанги латофатли, бунақанги масъума қизни икки дунёда ҳам тополмайсиз. Юзидан нур ёғиляпти, ҳар ёноғида биттадан қизил гул очилиб турибди. Қоматининг нозиклигини айтмайсизми, атиргулнинг новдасига ўхшайди... Бошимдан Қалпоқчамни олдим.

— Вой! — Қиз орқасига тисарилди. — Вой-вой!

— Қўркманг, бу менман, — дедим ўзим ҳам андак чўчиб.

— Акромий?!

— Худди ўзиман.

— Вой, қаёқдан пайдо бўлиб қолдингиз?

— Хаёл сураётган экансиз...

— Анови Барзанги сизни кўрмадими, ишқилиб?

— Кўрса-чи?

— Чивиндек эзғилаб ташлайди-я!

— Эҳтимол, мен уни эзғилаб ташларман.

— Сиз-а?

— Ҳа, мен.

— Мамлакатнинг етти марта чемпиони бўлган йигитни-я?

— Менга деса ўн марта бўлмайдими.

Қиз шунақанги хандон отиб кулдики, кулгиси ҳам шундай беғубор, шундай самимий эдики, назаримда унинг юзида ҳозиргина очилган анвойи гуллар тўлқин ураётгандек эди. Ҳа, у гул эди. Қаршимда тонгда очилган гулнинг ўзгинаси турарди.

— Қамокдан қутулдингизми? — деди қиз кулгидан тўхтаб.

— Қутулдим.

— Катта муддатга кетувдингиз шекилли?

— Меҳнатда қахрамонлик кўрсатдим.

— Қовунтоғ устида тушган суратингизни кўрдик, — севгилимнинг юзида фахру ифтихор гуллари очилгандай бўлди, — лекин бошлабсиз, қойил! Фақат кўпчилик ишонмади. Одам эмас, сеҳргар бўлса керак дейишяпти. Ростдан ҳам сеҳргар эмасмисиз?

Бу гал мен хандон отиб кулдим. Шунақанги қаттиқ кулдимки, дарахтдаги қушлар гурр этиб учиб кетишди. Вақт келди, дея ўйлай бошладим кулги ичида, ишқида ёнганимни ҳозир баён қиламан. Ё ҳозир, ё ҳеч қачон! Дадил бўл, Акромий, муҳаббатинг, бахтинг, мана, қаршингда турибди. Андак сусткашлик қилсанг, Барзанги илиб кетади.

— Гу Лихон... Шу ҳалиги...

— Нима ҳалиги?

— Ҳалиги... Мен сизга уйлангани келдим.

— Нима?! — Қошлари керилиб кетди севгилимнинг. — Нималар деяпсиз, эсингиз жойидами? Тавба, ҳозирги замон йигитларига ҳайронсан, бир жилмайиб қўйсанг, дарров уйланиш пайига тушиб қолишадими-я, тавба!

Мен, яъни Акром Акромий ҳозироқ бориб тушимни сувга айтишим керак экан. Ундан кейин мен Сеҳргар Иблисининг дунёга келишида бош айбдор ҳисобланарканман. Қолаверса, профессорлик унвонидан маҳрум бўлган, илмсиз бир дарвеш эканман. Ва яна уйсиз-жойсиз, санқиб юрган бир дарбадар ҳам эмишман. Бу аҳволда бировга ишқ баён қилгандан кўра сойга бориб тошимни теришим керак экан... Тош терадиган аҳмоқ йўк, мени Акром қайсар дейдилар. Қайсарлар авлодидан бўламан.

— Гап шу, — дедим қатъий қилиб, — мен сизга уйланаман.

— Сиз-а?

— Хоҳласангиз Сеҳргар Иблисни бир ҳафтада ушлаб, қопга солиб бераман. Уйинчоқ қилиб ўйнаб юрасиз.

— Сиз-а?!

— Хоҳласам профессорлик унвонимни уч кунда қайтариб оламан.

— Сиз-а?!

Қиз яна хандон отиб кулди. Лекин, эвоҳ, бу гал унинг юзларида анвойи гуллар

очилмади, масхара тиканаклари бўртиб чиққандек бўлди. Кулгидан тўхтаб, энди ҳазилни бас қилайлик, учрашувга бормоқчи эдим, кечга қоляпман, дея жўнаб кета бошлади. Улсам ўламан, аммо ортингдан қолмайман, дедим-да изма-из кета-вердим. Орқасига бир қаради, икки қаради, ниҳоят, уф тортиб:

— Қанақа шилқимсиз ўзи?— деб қўйди.

— Шунақа шилқимман,— дедим мен ҳам ўша оҳангда.

— Наҳотки жонингизга ачинмасангиз?

— Нега ачинар эканман?

— Ахир у сизни ўлдириб қўяди,— чинакамига раҳми келаётгандек бир оҳангда деди қиз. Ҳатто шу гапни айтаётганда йиғлаб юборай ҳам деди шекилли. Маълум бўлишича, севгилим ҳалиги Барзанги билан кинога тушишга сўз бериб қўйган экан. Иккита билет олиб, кутиб тураман дебди. Эҳтимол, ўша билетга биз тушармиз, дедим. Қайсарлигим учун қиз мени бир жазоламоқчи, Барзангига калтаклатиб таъзимимни бермоқчи бўлди шекилли, ўзингиздан кўринг, деди-да, индамай кетаверди. Индамаганлиги учун секингина қўлтиғидан олиб, ёнма-ён бўлиб боравердим. Орамиздаги жимликдан фойдаланиб, Қалпоқчам билан шивирлашиб ҳам кетаяпман.

— Азизим, ёрдам берасанми?

— Бераман.

— Ахир, бу хайрли эмас-ку?

— Гу Лихон Барзангини севмайди. Қўрққанидан бораяпти.

— У мени ўлдириб қўйса-чи?

— Қўрқма, бошингни чўяндан, баданингни темирдан, муштингни пўлатдан қилиб қўяман. Олдин шаҳид бўлганларнинг ҳам ўчини оласан.

— Олдин ўлганлар ҳам бўлганми?

— Гу Лихонга гап қўшгани учун бешта йигитни уриб ўлдирган.

— Барзанги-я?

— Ҳа.

Шивир-шивиримиз худди шу ерга етганда узилиб қолди. Гап билан бўлиб, Барзанги кутиб турган жойга етиб борганимизни пайқамай қолибман.

— Бу мишиқини қаердан илаштирдинг?— гулдирган овоз билан сўради Барзанги. Бечора Гу Лихон худди оч бўрига дуч келган кўзичоқдек дир-дир қалтираётганини кўриб турибман. Унга ҳам қийин. Бир томони Барзангидан кўрқса, бир томони менга ачиняпти. Бошини гуноҳкорона эгиб, жимгина тура-верди.

— Қани, туёғингни шиқиллатиб қол-чи!— буюрди менга Барзанги.

— Узинг шиқиллат,— дедим олдинга бир одим ташлаб.

— Нима?!

— Йўқол!— дедим ер тепиниб.

Энди уёғини айтмай қўяқолай. Етти мушт у урди, еттита мен туширдим. Саккизинчи зарбани еганда Барзанги ерга қулади. Рашк алами ёмон бўларкан, ҳарчанд ўзимни босай десам ҳам, босолмайман. Охири, ёқасидан олиб, турғаз-дим-да:

— Севишганлар ўртасига яна тушасанми, қора тиканак?— деб сўрадим.

— М-м-мен...— дудуқланди Барзанги.

— Тавба қилдим, де!

Қулоғининг остига яна бир туширдим-да, қани энди жўнаб қол, дея ер тепиндим. Ё тавба, ҳали унинг кучи кўп экан, шунақанги шаталоқ отиб қочдики, агар юғуриш бўйича мусобақа бўлганда, яна бир бора чемпион бўларди деяве-ринг.

Бир чеккада ёқасини ушлаб, ҳангу манг бўлиб турган Гу Лихондан:

— Қалай?— деб сўрадим.

— Бало экансиз-ку,— тан берди севгилим.

— Ишқингиз менга куч бағишлади,— дея ҳазиллашдим. Сўнг қўлтиғидан олиб, кинозалга бошладим. Шу ёшга кириб, қиз бола билан биринчи марта кинога тушишим эди. Шунинг учун бўлса керак, ўзимдан ўзим уялиб, терлаб кетавердим.

Давоми келгуси сонда

«САНЪАТ ЎРГАТОЛМАЙ КЕТДИНГ...»



Улуғ Октябрь инқилобини ўзбек зиёлилари ҳам қувонч билан кутиб олдилар. Аксарият зиёлилар ўзларини инқилоб ғояларини тарғиб этишга, оми кишиларнинг хат-саводини чиқаришга, ёшларга таълим-тарбия беришга, Октябрь ғояларини кенг тарғиб этишга бағишладилар. Абдулла Авлоний, Ғулом Зафарий, ака-ука Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермухамедовлар, Ашурали Зоҳирий, Хусайнхон Ниёзий, Маннон Уйғур, Абдурахмон Исмоилзода, Лазиз Азиззода ва бошқа кўпгина педагоглар бунга мисол бўла олади.

Инқилобнинг дастлабки йилларида педагоглар турли соҳада фаоллик кўрсатишди. Абдурахмон Исмоилзода ана шундай педагоглардан биридир. Уни тошкентликлар педагог, рассом, драматург, режиссёр сифатида танийдилар.

Исмоилзоданинг ҳаёти ва ижоди ўзбек адабиётшунослиги ҳамда театршунослиги томонидан ханузчага ўрганилгани йўқ. Чунки унинг ҳаётини ёритувчи манбалар жуда оз. Шунинг учун биз давр йилномачиси ва кўзгуси бўлмиш матбуот материалларига мурожаат этдик ва ундан саволларимизга жавоб топдик.

Йигирманчи йилларда нашр этилган «Қизил Байроқ» газетасида унинг вафотига бағишлаб Санжар Сиддиқ томонидан ёзилган таъзияномада қуйидаги маълумотлар бор. «Абдурахмон йўқсил халқимизнинг ўзига яраша бир санъаткори эди. Бир рассом, бир таълим-тарбия ходими эди.

...Октябрь ўзгаришига (революциягача) довр Абдурахмон соатчилик ҳунари билан меҳнат қилиб турган бўлса ҳам инқилоб орқасида мактаблар очила бошлагандан кейин, барча ишларни ташлаб, муаллимлик қилишга бағишлаган эди.

Бошда бир неча муаллимлик курсларида, ибтидоий мактабларда юриб расм ва қўл ҳунаридан дарс бериб турди. Кейин Урдада Ирфон мактаби очиб, шунда мудирлик ва муаллимлик қила бошлади. Сўнги кунларда маориф шуъбаси томонидан эски шаҳарда тузилган таълим-тарбия лабораториясига тайинланган эди, вафотига довр шунда ишлади. Афсуски, таъзияномада А. Исмоилзоданинг туғилган йили кўрсатилмаган. Унинг таваллуд санаси Исмоилзода сурати босилган почта карточкасида ёзилган экан. Карточкада сурат остига қуйидаги икки байт битилган:

**«Эдинг доҳий бу элга нега турмай ташладинг, кетдинг,
Эдинг омил, ҳар илму ҳунар санга бўюн эғди,
Бутун санъат элининг бағрини қон айладинг, кетдинг.
Биза илм ила санъат ўргатолмай ташладинг, кетдинг.»**

Байт остига (чапга) 1895 йил, (ўннга) 1921 йил 3 ноябрь деб сана қўйилган. Демак, Абдурахмон Исмоилзода 26 ёшида вафот этган. Рақамга қараб туриб кишининг юраги уюшади. Лекин шу қисқа умр мобайнида ҳам унинг катта ишлар қилишга улгургани кишига тасалли беради.

Дарҳақиқат, Исмоилзода фақат педагог ёки соатсоз эмас эди...

...Маълумки, 20-йилларда Тошкентда театр ҳаваскорлиги авж олган, шаҳардаги деярли ҳар бир мактабнинг ўз театри ва музика, спорт тўғараклари бор эди. Кўпгина мактабларнинг театр труппалари ўз репертуарларига эга бўлиб, Маннон Уйғур, Ҳамза, Ғулом Зафарий, Исмоилзода ва Хуршид асарларини сахналаштиришган ва спектаклларни кенг томошабинлар оммасига кўрсатишган.

Исмоилзода ҳам ўзи директорлик қилган Ирфон мактабида «Тараққий дарнағи» («Тараққиёт кўзгуси») номи театр труппасини ташкил этган. Буни ўша даврдаги газета эълонлари ҳам тасдиқлайди. Бу труппа кейинчалик «Тараққий» номи билан давлат труппасига айлантирилади ва Исмоилзоданинг ўзи режиссёр этиб тайинланади.

Санъаткор қисқа умри давомида ўн та сахна асари ёзди. Булар қуйидагилардир: «Шарқ ўрдуси» («Шарқ армияси»), «Хоин ўғил», «Хуррият йўлида», «Сафил», «Ватан», «Шилинган ўғри», «Жарроҳ», «Учимни олдим», «Қиз сўраш», «Мужассам лавҳа». Мазкур асарларнинг тўрттаси драма, иккитаси комедия, қолганлари бир пардали кулгили пьесалардир. Афсуски, бу пьесалар босилмагани туфайли бизгача етиб келгани йўқ. Фақат газета эълонларида ҳамда ўзбек совет театр танқидчилигининг асосчиси Мирмулла Шермухамедов мақолаларида айрим асарларининг қисқача мазмуни берилган.

Октябрь иккилобининг дастлабки йилларида Англиянинг мустамлакачилик сиёсатини фош этиш масаласи кенг кўламда бошланган эди. Исмоилзода шу масалага бағишлаб «Шарқ ўрдуси» драмасини ёзди. Унда инглиз империализмининг Ҳиндистонда олиб борган сиёсатини қоралаб, Туркистон ва Афғонистон аскарларидан тузилган Шарқ армиясининг инглизларни Ҳиндистондан ҳайдаб чиқаришини тасвирлайди. Бу асар ўз ғоявий йўналиши билан партия ва ҳукуматимизнинг ўша даврдаги сиёсати талабига, 1920 йилда Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари I съезди манифести ва қақриқларига тўла жавоб беради. «Хоин ўғил» 2 пардали драма қизил армия сафида хизмат қилиш мавзуга бағишланиб, унда қаҳрамон ота ва кўрқоқ ўғил ўртасида муносабат ҳамда хоинликнинг оқибати кўрсатилади.

Исмоилзоданинг учинчи йирик асари маҳаллий аҳоли турмушининг иллатлари ҳақида ҳикоя қилади. Шунинг учун ҳам асар «Сафил» деб аталган. Атоқли мунаққид М. Шермухамедов шу номи мақоласида асарни қаттиқ танқид қилиб, пьесанинг ҳар пардаси мазмунини келтиради. «Биринчи пардада, — дейди Мирмулла Шермухамедов, — Собиржон отлиг бир курс талабаси усталда Шкуфа исми бир маҳбубасининг расмига мафтун бўлиб туради. Аҳволни билмоқ учун келган бир-икки дўсти Шкуфанинг саломатлигига қадаҳлар кўтариб ичадилар. Шкуфани кўриш учун чиқиб кетадилар.

Иккинчи пардада европача усулдаги буфетда Собиржон уч-тўрт киморбоз дўстлари билан қарта ўйнаб... сафилонга бир суратда белбоғидаги ҳамма пулини ютқазди. Четдан келган... бир чапанининг номашруъ далолати ила Собиржон бир бойнинг пулини ўғирламоқ учун чиқиб кетади.

Учинчи пардада Собиржон ўзининг уйда бир оёғи синган ҳолда қилган ишларига таассуф этиб, мажнунона ҳаракатлар ила ўтиради. Шу пайт муттаҳам ўртоқларидан бири келиб, пулни талаб қилади. Натижада уйдаги бор жиҳозларни олиб кетади.

Собиржоннинг кўз олдида Шкуфа кўрингандай бўлади. Ясама қаҳқаҳалар билан кулиб, уй ичида мажнунвор ҳаракатлар билан жон беради». Хуллас, драматург «саёқ юрган, таёқ ер» ғоясини илгари суриб, инқилобий шароитда бемаъни ишлар билан машғул бўлган тенгдошлари устидан кулади.


Тилга олинган барча асарларни Исмоилзоданинг ўзи режиссёр сифатида сахналаштирган. Афсуски, матбуот материалларида унинг режиссёрлик фаолияти ҳақида маълумотлар учрамайди.

Абдурахмон Исмоилзода ёш бўлишига қарамай, кўп соҳага қизиққан ҳамда улар ҳақида мақола ёзган зиёлидир. Унинг 20-йиллар матбуотида босилган саломатлик, рақс, театр танқидчилиги ҳақидаги мақолалари эътиборга молик. Санъаткор «Мунаққидлик ҳаваскорлари» мақоласида матбуотда ёритиладиган танқидларнинг объектив ҳамда мазмундор бўлишини уқдиради. «...Матбуотга чиқадиган фикрларнинг асосли ва маънодор бўлмоғи лозим бўлганидан ёзадурган кишиларнинг танқид этиладиган асар ва роль соҳибларидан зиёдроқ иқтидори маълумотга эга бўлмоғи керакдир...» «Аҳволи ҳозирамизга қараб қалам юргузмоқлари ҳар ҳолда фойдадан холи эмасдир», деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, 20-йилларда театр сахнасига чиққан фақат ҳаваскорлар эмас, ҳатто давлат труппасининг актёрлари ҳам махсус театр илмидан узоқ эди. Шунинг учун ҳам уларнинг «аҳволи ҳозирамизга қараши даврнинг ўзи талаб этарди.

Ҳа, Абдурахмон Исмоилзода қисқа умр кўрди. Ичтерлама касаллиги уни дунёдан эрта олиб кетди. Улуғ инқилоб уни эрта вояга етказди. У эса инқилоб ғояларини тараннум этган ижодкор эди.

Сирожиқдин АҲМЕДОВ



НАСРДАГИ ШОИРОНА ТУЙГУЛАР



Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар. Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1985.

Еш ёзувчи Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» тўплами икки қисса ва икки ҳикоядан иборат. Автор уларда замондошларимизнинг сўнмайдиган, эскирмайдиган табиий туйғулари ҳақида фикр юритади. У табиатни севувчи, севги ва яхши удумларимизни бошида тутгучви меҳнатсевар, маънавияти юксак, хулқи пок, ўта ориятли, бир сўзли оддий кишиларни улуғлайди, уларнинг ажойиб образларини завқ-шавқ билан суратлантиради.

«От кишнаган оқшом» қиссаси Тоғай Мурод ижодининг яхши намунасидир. У ёзувчи Пиримқул Қодиров тўғри таъкидлаганидек, «Алпомиш» достони анъаналарини эслатувчи халқчил руҳ билан суғорилган. Бу фазилат асарнинг бош қаҳрамони Зиёдилла образида ўз ифодасини топади. Қисса воқеасининг бошланишини эсланг. «Биродарлар, кўргилик, кўргилик! Бир эрта уйғониб калламга қўл югуртирсам, сочларим орасида яра-чақалар уч берибди. Парвойим фалак юрабердим. Унамгаям айтмадим...»

Бу парчада қисса қаҳрамонининг болаларча зийрак, шўх, ўжар, чапанитаъб, ростгўй ха-

рактери аниқ кўриниб турибди. У табиатан ориятли бўлгани учун бошига қайта соч битмаганидан уялиб, эзилиб юради, кишин-ёзин катта телпагини бошидан ташламайди, ҳатто ўқишни ташлаб мактабдан қочиб кетади.

Шу тариқа у одамлар орасида «Зиёдилла кал» деган ном ортиради. Бу уятга анча вақтгача кўниқолмай юради. Кўнгли ўқсийди. Кейин-кейин ўрганиб кетади.

«Диплом сўрамайдиган турли ишларда...» ишлайди. Қоровул бўлади, гўлоҳлик қилади. Охири подачи бўлиб, одамларнинг молини боқади ва ҳаётда ўз ўрнини топиб олади.

Зиёдилланинг қизиқ саргузаштлари, яъни бошига яра-чақа тошиши, подачилик қилиши, Момосулуга ошиқ бўлиб қолиши, қизнинг «боши кал экан» деб унга ҳадеганда розилик бермаганлиги китобхонга «Алпомиш» достонидаги Тавка оймга амаллаб уйланган чўпон кал Кайқубот образини эслатиб туради.

Шундай руҳ қиссада яратилган от образида ҳам сезилади. От Зиёдилла ҳаётининг асосий суянчиғи, маънавиятининг бир гавҳар чироғи тарзида чизилган.

Тоғай Мурод қиссада Тарлон образини Бойчибарнинг қиёфаси, феъл-атвори, хислатларига жуда яқин, ҳамоҳанг қилиб тасвирлаган. Муаллиф йигирмага яқин от тури ҳақида маълумот беради. У мана шу отлар, чавандозлар иштирокида кўпқарининг ҳақиқий, ҳаяжонли манзараларини яратиб, ўқувчилар қалбида чорвадорлар ҳаётига ҳавас уйғотади.

Кўпқари чопиш, чавандозликка ишқивозлик ва шу асосда табиатга меҳр қўйиш халқимизнинг азалий удумларидан. Лекин бу нарса кейинги пайтларда кўп жойларда унутила бошланди. Нега шундай бўлди? Бунинг сабабларига бир нигоҳ ташлаб ўтайлик.

Биз отларнинг қимизини мақтаб-мақтаб ичдиг-у, лекин уларнинг сонини мунтазам кўпайтириш ҳақида қайғурмадик. Гўштини ёйишни билдиг-у, аммо чўпон ҳолидан хабар олмадик. Зиёфатларда мева-чеваларни севиб туширдиг-у, бироқ боғларнинг аҳволи билан ишимиз бўлмай қолди. Хотиржамлик тафаккуримизни хиралаштириб қўйди. Натижада, жамиятимизда улкан ютуқлар билан биргаликда камчиликлар ҳам болалай бошлади.

Гап қишлоқ ҳўжалигимизга сўнгги йилларда жиддий зарар келтирган кўзбўямачилик, ёлғон-яшиқлар, туёқларнинг камайиб кетишига сабабчи бўлган баъзи салбий ҳодисалар тўғрисида кетаётир. Мана шу даврнинг яхши ва ёмон томонлари, унинг фазилати билан нуқсони Тоғай Мурод қиссасининг асосий конфликтини ташкил этади. Асарда Зиёдилла образига контраст қилиб, Кал-катта образининг берилиши фикримизни исботлайди.

Зиёдилла санъатсиз, кўпқарисиз ҳаётни тасаввур қилолмайди. У яхши урф-одатлар, анъаналаримизни кўз қорачиғидай асраб-авайлайдиган инсон. Кал-катта раҳбар бўлса ҳам унда бундай сифатлар йўқ. У тўнкадайд

ҳиссиз киши. Кал-катта ўзини, раҳбарлик зиналаридан юқори кўтарилшни ўйлайди. Бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайди. У кўпкарларга «эскилик сарқити, ёввойиларнинг ўйини» деб қарайди. Моли кўп одамларга «капиталист», отга ишқивоз кишиларга «босмачи» деб тамға босади. Унинг ақлсизлиги, узоқни кўролмаслиги одамларнинг бошига битган бало бўлади. У отларга мислсиз қирон келтиради. Хонадонма-хонадон юриб, уларнинг ҳаммасини йиғиштириб олади. Мана шу Кал-каттага ўхшаганларнинг жинояти турмушимизда гўшт, сут, сарёғ тақчиллигини келтириб чиқардики, бундай нуқсонларнинг илдилари Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ўта қатъият билан очиб ташланди.

Зиёдилла характерининг жозибадорлиги шундаки, у ҳаётбахш замин бағрига сингиб яшайди. Ундан ажралишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Содир бўлган адолатсизликни ўз вақтида пайқаб, Кал-каттанинг нотўғри хатти-ҳаракатларига қарши дадил қурашади.

Қиссанинг кейинги саҳифаларида ёзувчи Зиёдилланинг аризабозлар сафига қўшилиб Москвага боргани, у ерда ишни ҳақиқат қилиб келишгани, Кал-катта ўзбошимча ҳаракатлари учун ишдан олингани, шармандаси чиқиб, эл орасида калака бўлиб қолгани ва нураган туёқларнинг тез тикланганлигини ҳикоя қилади.

Асардаги мазкур шодиёна мотив аста-секин яна драматизм томон юқорилаб боради. Бу жараён ёмон одамлар билан Зиёдилла ўртасида чиққан иккинчи конфликтда ўз ифодасини топган.

Ёзувчи Кал-катта билан конфликтда раҳбарликдаги нуқсонларни кўрсатган бўлса, иккинчи тўқнашув орқали баъзи маънавий иллатларни усталик билан суратлантиради.

Тоғай Мурод оломон орасида ҳам пулини ўғирлатиб, ҳам ўласи қилиб калтакланган Раҳмон исмли кишининг тақдири билан бошланган конфликт воситасида баъзи одамлардаги лоқайдлик, бепарволик, ёхуд муттаҳамлик иллатини қаттиқ қоралайди.

Асар «Ёшлик» журналида эълон қилиниши билан танқидчи Норбой Худойберганов қисса хотимасидаги воқеалар ишонарли эмаслигини танқид қилди. Озод Шарафиддинов эса бу фикрга эътироз билдириб, мазкур ўринлар: «... Тоғай Мурод асаридаги энг кульминацион ва энг ишонарли тасвирлардан» эканлигини таъкидлади. Ёзувчи Тоҳир Малик «Янги нафас» номли мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1983 йил, 25 март) Норбой Худойберганов фикрларини ёқлади. У «Ёшлик» журналида (1983 йил, 4-сон) босилган «Мантиқ тарозиси» мақоласида яна шу масалага қайтиб, Тоғай Мурод асар хотимасида сунъийликка йўл қўйди, Зиёдилла образини ўта гўл қилиб тасвирлади, мазкур ўринлар қиссанинг энг заиф жойи деган мулоҳазани илгари суради.

Тоҳир Малик қиссада Зиёдилла ўласи қилиб калтакланиши олдидан отини қозиқлаб қўйишидаги мантиқсизликни тўғри пайқаганини эътироф этиш керак. Дарҳақиқат, муаллиф асарининг кейинги вариантда бу ғализ деталдан воз кечди.

Лекин Тоҳир Маликнинг барча фикрлари тўғри деб бўлмайди. Масалан, «... Зиёдилланинг, адолатпарвар, покиза қалбли, тўғри сўз чавандознинг пешонасига ёзувчи (у туғилмаёқ) қора кунларни ёзиб қўйган. Энди шу бахтсизликка рўпара қилиши керак!» деган

мулоҳазасига қўшилиш қийин. Бу — мазкур асар ҳаётий эмас, воқеаларнинг ҳаммаси уйдирмадан иборат дегани-ку! «От кишнаган оқшом» қиссаси ўз жозибаси ва ҳаётийлиги билан бу фикрни инкор этади.

Шунингдек, мунаққиднинг: «Лекин у оҳангнинг бир меъёра боришига диққат қилмайди...» деган талаби ҳам ўта ғалати. Санъаткор бадиий асар оҳангини бир меъёрада қилбормайди. Ижодкор қаҳрамоннинг ҳолати, характери, яшаётган жойи, шарт-шароитига қараб тасвири камалак рангларидак ўзгартириб турмаса, ўйлаган муддаосига эриша олмайди, бир хиллик — схематизм майдонга келади.

Зиёдилла образида турфа оҳанг, кўп ранглارнинг жилоси бор. Лекин ундаги бош хусусият — тўғрилиқ ва олижанобликдир. Бундай одам қувлик, шумликни билмайди, ҳаммага бирдек ишониб кетаверади. Зиёдилла ҳам характеридаги мана шу заифлик туфайли муттаҳамлар қуршовига тушиб, яккаланиб қоллади. Ёзувчи мазкур воқеалар ва қаҳрамонлар руҳияти тасвирини мантиқан тўғри асослаб берган.

«Ойдинда юрган одамлар» қиссаси ҳам илҳом билан битилган. Тоғай Мурод қиссадаги Қоплон, Оймомо образлари орқали севги деб аталмиш улкан туйғунинг ёрқин нури ва фожиали қирраларини суратлантиради. Ёш адиб буни қаҳрамонларнинг характерлари орқали шундай таъсирли ифодалаб берганки, китобхон бу севги тарихини ҳаяжонланмасдан ўқий олмайди.

Оймомо севган кишисига турмушга чиққач, барча аёлларга хос туйғу фарзанд кўриш орзуси билан ёна бошайди.

Тоғай Мурод Оймомо образи орқали яхши анъаналаримиз руҳида тарбия топган, ўз бахтини оиладан излаган, эл орасида ўзининг меҳнатсеварлиги, саранжом-сарийшталлиги, хушмуомала, ҳалоллиги билан ҳурмат қозонган, иффати юксак, маънавияти пок аёлларимизни мадҳ этади.

Китобдан жой олган асарлар ҳозирги ҳолга келгунча Тоғай Мурод ёшлик, тажрибасизлик туфайли айрим нуқсонларга ҳам йўл қўйди. Бу айниқса «Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг журнал вариантыда очиқ сезилади.

Менинг назаримда қиссадаги эътирозга сабаб бўладиган асосий нуқта конфликтга тааллуқлидир. Тоғай Мурод кўпроқ Қоплоннинг ички, оилавий конфликтини билан чекланиб қолган. Агар муаллиф шу ички конфликтга ташқи, яъни бошқа кишилар билан бўлган жиддий тўқнашувларни ҳам уйғунлаштириб беролганида қиссанинг салмоғи, ҳаётийлиги янада кучаяр эди.

Қиссада яна бир жузвий камчилик борлигини айтиб ўтиш керак. Тоғай Мурод Қоплон билан Оймомонинг тўйи бўлган йилни тасвирлар экан, Эсон тракторчи тилдан «...доҳий-миз Ленинни бериб қўйганимизгаям ўн йил бўлиб қолди» дейди. Тўйга таклиф қилинган раис эса «Совет ҳукуматининг келганигаям ўн йил бўляпти» деб гапирди. Биринчи фикр бўйича тўйни 1934 йилда бўлган деб ўйлаймиз. Иккинчи фикрга асосланадиган бўлсак, у 1927 йилга тўғри келади. Кўриниб турибдики, бу ерда ноаниқлик вужудга келган.

Лекин мазкур нуқсонлар бу асарларнинг қадрини туширмайди.

Тулабой РҮЗИБОВ



БҮЛИМГА ҒАФҮР ҒУЛОМ АСОС СОЛГАН

Худойберди шоирнинг (Худойберди Қорабоев) ижодий мероси бой. У ижтимоий-сиёсий руҳдаги шеърлар билан бир қаторда ўткир ҳажвиялар ҳам ёзган. Шулардан бири — шоирнинг опаси Қурбона томонидан кўчирилган ҳажвий ғазални журналхонлар эътиборига ҳавола этгим келди.

Одилжон ЭГАМБЕРДИЕВ

Худойберди шоир

Бет

Тавбае, бир бетни кўрдим, шармисор зоғора ҳам,
Не зоғора, кул кўмачу, сопол тос-тоғора ҳам...
Шум муғамбир, айёр кулур, тушга кирса ўлдирур;
Чарму чандир, оғачахон, ҳар тери ноғора ҳам.
Бурни гуфдай, кўзи ғилай, сўгал холи ёнғокдай,
Сув тегиб-тегмай ёрилган, жой бериб моғора ҳам.
«Ҳамин жоям як тўп соқол, ҳамин жоям як тўп мўй»,
Ўрмалаб «бўрдоқилар», ранг кўнғиру оқ, қора ҳам.
Бул ҳаё бозоридан бош олиб қочди шарму уят,
Урсанг шаппатилаб ўзинг, зоедир, овора ҳам.
Осди шайтон ҳам ўзини маймоқ толнинг шохига,
Ўлди-кетди бетни кўриб, лаънаю бечора ҳам...
Мен хунукманми, десам, мендан хунуклар бор экан,
Мен ўзимни ўхшатибман лойшувоқ девора ҳам...

Пўлат Ҳамдам

Керакли одам

Бекатга етай деганимда ёмғир қуя бошлади. Автобус кўринмасди. Паноҳ тортиб рўпарадаги буфетга кирдим. Буфетчи бўш шисаларни яшиқларга жойлар, кружкалар тагида қолган пиволарни яшил, сирли кастрюлга ағдарарди. Мамнун. Бекорга азият чекмаётганлиги кўри-ниб турибди.

Шляпамдаги ёмғир томчиларини қоқаётган ҳам эдимки, буфетчи ялт этиб менга қаради. Кўзлари қисилиб, бесўнақай бурни кизариб кетибди: кечаси алламаҳалгача ичкилик билан ошначилик қилган кўринади. Дурустгина кийинганман. У қадди-бастимга, кўпроқ қўлим-даги папкаму шляпамга кўз югуртирди-да, югургилаб олдимга келди.

— Кесинла, қадамларига ҳасанот, — тавозе билан тўрдаги столга таклиф қилди. — Хойна-ҳой бирон каттароқ жойда «шеф»сиз. Маши-нангиз келмай қолгану ёмғирдан қочиб бу

ёққа киргансиз. У қанақанги сўтак шўпир эканки, сиздай одамни кўчада қолдириб, «левий» қилиб кетса?! Ҳе, майли, ҳеч қиси йўқ, баҳона билан танишиб оладиган бўлдик. Мен сизга айтсам, меҳмонжон, буфетни қабул қилганимга ҳам бир неча кун бўлди. Қўшни районданман. Чиқиштиришмади. Катталари бундай одамга қайишишни билишмайди. Шу... исмим Тансиқбой. Сиздай акаларга...

Тансиқбой яна бир нималар демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, «хайр» деб қўл узатдим. У чайқалиб орқамдан чиқди:

— Албатта кириб туринг. Сиз, мен... бир-биримизга керак одам... Ҳалиги, коньяк керакми, арақми топилади. Бу ёқда ошпаз билан ҳам иноқман, гўшт десангиз, марҳамат. Йўғ-э, бир оғиз гап: зумда ўзим... янгамларга ташлаб келаман. Негаки, сизу биз... керакли одаммиз.

Ун кунлик командировкадан анча чарчаб қайтдим. Автобусдан тушдим минерал сув ичиш учун буфетга кирдим. Бизнинг «керакли одам» — Тансиқбоймиз кўринмасди. Эғнида крахмаланган оппоқ халат, юзидан табассум аримайдиган истараси иссиққина бир аёл савдо қилмоқда эди.

— Кечирасиз, Тансиқбой кўринмайди? — сўрадим ундан.

— «Керак одам»ми? — Аёл, чамаси менинг Тансиқбой билан борди-келдим йўқ эканлигини, шунчаки қизиқаётганлигимни тушунди шекилли кулимсираб сўзида давом этди. — Тунов кунни бир киши келди. Сизга ўхшаб

кийинган, қўлтиғида папка. Бундай пайтда ақамиз ўзларини томдан ташламайдиларми, бир-биримизга керакмиз, деб ҳалиги одамнинг енгидан кириб, ёқасидан чиқа бошладилар. Тўрт-беш бутилка тоза коньяк қоғозга ўралдим-ей, ўн сўмликлардан қистирилди-ми-ей...


— Кейин нима бўлди?

— Ҳалиги киши «Керак одам»ни ўзи билан керак қилиб олиб кетди.

— Қаёққа?

— Милицияга...

Аёл бир стакан муздек минерал сув узатди. Чанқоғим қониб, негадир кўнглим равшан тортиб ташқарига чиқдим.



Кўрмалар

Ёзувчининг айрим асарлари ҳақида матбуотда ҳам ўз мулоҳазаларимни айтганман. Бироқ «Гужум» қиссаси ҳақида фикр айтишдан олдин асарни ўқиб чиқишга тўғри келди.

Уруш тугади, лекин ўзбекнинг пахта fronti давом этаверади. У тугамайди.

Темирчининг ойболтасидай муштумлари: «бир мушт билан винегрет қилиб ташлайми?» — деб ёжиниб турарди.

Қамишлида у моддий бойликларни яратадиган баҳодир ишчи синфига дуч келди. Энди чидаши керак.

Баратовнинг думи осмондан келиши учун ичамизми-йўқми?

Шерматов араққа тумшуқ қилди.

Кўзининг аллақаверида яшириниб ётган ёш бирдан сақраб чиқиб, шошилишча пастга думалаб кетди.

Қамбаров бир лаҳза ўйланиб турди, кейин яна қалам ўрмалади.

Айниқса шуниси туриб-туриб дард қилардики, бағридагиларни ҳамдардлашадиган киши-си йўқ.

Юрганида таранг сони тирсиллаб, хипчадан келган бели ирғалиб яна ҳам жозибали кўринадиган бу аёл ўз ишини пухта билар, ўз фикрида ўжар ва зукколиги ҳам эҳтимол шундан.

«Сиз»лаш — ўзбекларда ҳурмат белгиси.

Полуторка йўлда вайсаб борарди.

Врач Исломов иш кунини Дилнозадан бошладди.

Чўчка фермасининг қисмати сал дуруст.

Тошга ёмғир томчиллагандек, бу қора терларнинг виждоним бўсағасига чакиллаб томган товушини эшитдим.

Мундарижа

Қодир Бозоров. Тинчликнинг ташвишли бонги	3
БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБЛАРИ	
Зоҳиджон Обидов. Суръатли даврон чорлар	5
ШЕЪРИЯТ	
Ҳабиб Саъдулла. Еттинчи қитъа. Достон	6
Тошпўлат Аҳмедов. Сиз кўзларин очган чашма абадий шаффоф	84
Исмоил Тўлаков. Кутлуғ бўлсин фараҳли кунинг	111
НАСР	
Хайриддин Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида. Қисса	31
Мақсуд Қориев. Уч ҳикоя	88
Неъмат Арслонов. Тоғ ҳавоси. Ҳикоялар	102
ҲИКОЯЛАР ҲАЗИНАСИ	
Эдгар По. Вақт ўроғи	114
МАҲОРАТ МАКТАБИ	
Саид Аҳмад. Устоз чироғи	121
ПУБЛИЦИСТИКА	
Гулчеҳра Нуриллаева. Янгиланиш берган ўйлар	140
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Норбой Ҳудойбергенов. Кузатувчи эмас, яратувчи	149
Носир Фозилов. Курашчан қаҳрамонлар яратайлик	155
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» АНКЕТАСИ	
Дилдаги гаплар. Жонрид Абдуллахонов, Гулчеҳра Жўраева	159
БОЛАЛАР ДУНЕСИ	
Эркин Дўсматов, Дилмурод Шокиров. Шеърлар	165
САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА	
Ҳудойберди Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакатида. Роман. Давоми	167
ТАДҚИҚОТ, АХБОРОТ	
Сирожддин Аҳмедов. «Санъат ўргатолмай кетдинг...»	199
ТАҚРИЗ	
Тўлабой Рўзиев. Насрдаги шоирона туйғулар	201
ГУЛҲАЙЧИ	
Ҳудойберди шоир. Бет	203
Пўлат Ҳамдам. Керакли одам. Ҳажвия	203
Курмаклар	204

ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОН!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди барча меҳнаткашлар қатори адиблар зиммасига ҳам катта вазифалар юклади. Бор ҳақиқатни аниқ-равшан тасвирлаш, ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида бўлиш, китобхонни ҳаяжонга соладиган ғоявий-бадий бақувват асарлар ёзиш — шоир ва ёзувчилар, драматург ва мунаққидларнинг виждон бурчи эканлиги яна бир бор таъкидланди.

Ижодкорлар янгидан-янги ҳаётий ва баркамол асарлар яратиш-япти. Журналимиз саҳифаларида бундай асарларга ҳамisha кенг ўрин берилади.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили «Шарқ юлдузи» саҳифаларида республикамиз қаламкашларининг энг яхши бадий асарларидан ташқари «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Ҳикоялар хазинаси», «Ечимини кутаётган муаммолар», «Журналхон таклиф қилган мавзу», «Дилдаги гаплар», «Асарни китобхон баҳолайди» сингари рубрикалар остида сизларни жаҳон, рус-совет ва қардош халқлар адабиётининг энг яхши намуналари билан таништириб боришни, кўпчиликни ҳаяжонга солаётган муаммоларни ёритишни ваъда қилган эдик. Йил бошидан бери талай асарлар, турли мавзуларда бир қанча материаллар эълон қилинди. Журнал саҳифаларида яна қатор долзарб муаммоларни кўтариш ниятидамиз.

Шуни мамнуният билан қайд этамизки, журналимизнинг обуначилари тобора кўпайиб бораёпти. Бунинг учун Сиз — ҳурматли журналхонларга, барча областларнинг, қардош республикаларнинг «Союзпечать» вакилларига, алоқа ходимларига, жамоатчи дўстларимизга чуқур миннатдорлик билдирамыз.

Журнал — сизники. Шундай экан, «Шарқ юлдузи»да босилаётган асарлар, мақолалар сизни қай даражада қаноатлантираётганини билгимиз келади. Шу ниятда қуйидаги саволларга жавоб йўллашингизни сўраймыз.

1. 1986 йилнинг шу пайтигача эълон қилинган асарларнинг қайси бири сизга айниқса маъқул бўлди!

2. Йил бошидан бери чиққан қайси асарлардан кўнглингиз тўлмади!

3. Йил давомида ва 1987 йилда қайси ёзувчи, шоир, драматург, мунаққид ва публицистларнинг асарларини ўқишни хоҳлайсиз!

4. «Ечимини кутаётган муаммолар», «Журналхон таклиф қилган мавзу», «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Ҳикоялар хазинаси» рубрикалари остида эълон қилинаётган проблематик мақолалар ва асарлар сизга манзур бўляптими!

5. Узингизни қандай муаммолар ташвишга соляпти! [Сиз таклиф қилган мавзу ҳаётимиз учун ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, келгуси йил давомида журнал саҳифаларида мунтазам бериб борилса ажаб эмас.]

6. Исми-шарифингиз, ёшингиз, касбингиз.

Ўз фикр-мулоҳазаларингизни, таклифларингизни ёзиб юборасиз, деб умид қиламыз.

Дўстона ҳурмат билан,
«Шарқ юлдузи» редколлегияси

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету **75458**
Шарқ юлдузи журнал (индекс издания)

(наименование издания) | Количество комплектов:

на 19 ____ год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | |

(почтовый индекс) | (адрес)

Кому | |

(фамилия инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в. | место | д-тер | на газету журнал **75458**
Шарқ юлдузи (индекс издания)

(наименование издания)

Стоимость	подписки	руб. ____ коп.	Количество комплектов
	пере-адресовки	— руб. ____ коп.	

на 19 ____ год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда | |

(почтовый индекс) | (адрес)

Кому | |

(фамилия инициалы)

ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР

Хабарингиз бор: 1987 йил учун газета ва журналларга обуна бошланди. Сизнинг юмушингизни энгиллатиш мақсадида журнализмнинг номи ва индекс номери ёзилган обуна варақасини эълон қиялпмиз. Сиз уни қирқиб олиб, тўлдиришингиз ва истаган алоқа бўлимида ёки иш, ўқий жойингиздаги «Союзпечать»нинг жамоатчи вакиллари орқали расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонемента должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонемента проставляется оттиск календарного штемпеля отделения связи. В этом случае абонемента выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресования издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ—МЕСТО» производится работниками предприятий связи и Союзпечати.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)
№ 8

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1986

Рассом **Х. Лутфуллаев**. Техник редактор **М. Аҳмедов**. Корректор **А. Ҳайдаров**.

Редакцияга келган бир босма тобоқчача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 22.05.86 й. Босишга рухсат этилди 14.07.86 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-08868. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 165334. Заказ 3889.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент—П. Ленин проспекти 41.